



**ВЛАДИМИР ТЮРИКОВ
РУСТАМ ШОҒУЛОМОВ**

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛНОМАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОДАМЛАР, САНАЛАР, ВОҚЕАЛАР
(1991—2001)**

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 2001

65.9(5У)

T95

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти
илмий кенгаши маъқуллаган

Масъул муҳаррир —
К. Н. НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

Тюриков В., Шоғуломов Р. Истиқлол йилномаси. Ўзбекистон Республикаси; Одамлар, саналар, воқеалар (1991—2001) //Масъул муҳаррир: К. Н. Норматов/. — Т.: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2001. 624 б.

VI. Автордош

Ўзбекистон ўз мустақиллиги йилларида катта ва шонли йўлни босиб ўтди.

Мазкур китобда Республиканинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида 1991 йил августдан 2001 йил февралгача бўлган даврда рўй берган энг муҳим воқеалар ва фактлар баён қилинган.

Китоб олти бўлимдан ташкил топган: Давлат ва ижтимоий тузум; Иқтисодиёт. Ижтимоий бозор иқтисодиёти тузилмалари; Таълим. Фан; Маданият ва ижтимоий ҳаёт; Соғлиқни сақлаш. Спорт; Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида.

Кенг китобхонлар оммаси — ўқитувчилар, талабалар, ўқувчилар ва Ўзбекистон мустақиллиги тарихи билан қизиқувчи барча кишиларга мўлжалланган.

ББК 65.9(5У)

Т.Ш 4702010200-85
МБ52(04)-2001 **Режа 2001**

ISBN 5-635-01847-1

© В.Тюриков, Р.Шоғуломов.
Фафур Фулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001 й.

I. ДАВЛАТ ВА ИЖТИМОЙИ ТУЗУМ

1991 ЙИЛ

31 август. Тошкентда Республика Олий Кенгашининг Навбатдан ташқари VI сессияси бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Олий Кенгашнинг республика давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёноти қабул қилинди. Тегишли қарорга мувофиқ Ўзбекистон ССР Ўзбекистон Республикаси деб қайта номланди. **1 сентябрь — Мустақиллик куни** деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги Қонун қабул қилинди.

31 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан афв этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

6 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

7 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банкни ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

14 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон коммунистик партияси тарихида унинг охириги фавқуллода XXIII съезди бўлиб ўтди. Съездда КПСС таркибидан чиқиш ва сифат жиҳатидан янги сиёсий ташкилот — Ўзбекистон Халқ демократик партиясини тузиш зарурлиги ҳақидаги Баёнот қабул қилинди.

16 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Давлат божи тўғрисида” Фармон чиқарди.

17 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда халқ таълимини департизация қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

18-21 сентябрь. Тошкентда меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича Ўрта Осиё Республикалари ва Қозоғистон қасаба уюшмалари марказлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

25 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

26 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон ССРнинг Иттифоқ — республика Давлат Хавфсизлиги кўмитасини тугатиш ва Республика Президентига бўйсунадиган Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини тузиш тўғрисида Фармон чиқарди.

30 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Навбатдан ташқари VII сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги Қонунга конституциявий Қонун мақоми бериш тўғрисидаги Қонуни қабул қилинди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларацияси рагификация қилинди. Хорижда яшаётган ватандошларга республика ҳаётида тўла-тўқис иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида улар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

1 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг биринчи таъсис курултойи бўлиб ўтди. Курултой партиянинг Дастури ва Уставини тасдиқлади ҳамда Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг раиси этиб И. А. Каримовни сайлади.

16 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Давлат таъминотидаги республика аҳолисининг турмуш даражасини кўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида” Фармон чиқарди.

18-21 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий муҳофазаси тўғрисида”ги, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Ижара тўғрисида”ги, “Ҳакамлик суди ва ҳўжалик низоларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги Қонунлари қабул қилинди.

18 ноябрь. Олий Кенгашининг VIII сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рамзи мамлакатимиз сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини англатади ҳамда Республиканинг миллий-маданий анъаналарини ўзида мужассамлаштиради.

Байроқдаги мовий ранг тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва обиҳаёт рамзидир.

Мовий ранг — Шарқда алоҳида ардоққа эга, уни қачонлардир ўз байроғи учун буюк Амир Темури ҳам танлаган эди.

Оқ ранг — муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва поклик, коинот ёриткичлари билан уйғунлашиб кетади. Байроқдаги оқ ранг беғуборлик, софлик, орзу ва хаёллар тозаллиги, ички гўзалликка интилишнинг тимсолидир.

Қизил чизиклар — вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётгий қудрат ирмоқларидир.

Яшил ранг — табиатнинг янгилиниш рамзи.

Ярмой тасвири бизнинг тарихий анъаналаримиз билан боғлиқ. Байроқдаги ўн икки юлдуз барча учун руҳоний, илохий тимсол саналган, тарихий анъаналаримиз, қадимий қуёш йилномамизга бевосита алоқадордир.

Давлат байроғи — Ўзбекистон Республикаси ўтмиши, ҳозир ва келажаги рамзидир.

19 декабрь. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Ижара тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

27 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикасида биржа фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

28 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Нархларнинг эркинлаштирилиши муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

29 декабрь. Республиканинг давлат мустақиллиги масаласи бўйича Референдум ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловлар бўлиб ўтди. Халқ бир йўлни танлади: Ўзбекистон мустақил бўлди. Унинг Президенти этиб Ислом Абдуғаниевич Каримов сайланди.

1992 ЙИЛ

3 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг истеъмол бозорини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

3 январь. Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида маданият, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризм соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида Битим эълон қилинди.

4 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари IX сессияси бўлди. И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимини адо этишга тантанали киришди.

4 январь. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

7 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Телевидение ва радио эшиттириш Давлат қўмитасини Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадиоэшиттириш компаниясига айлантириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

8 январь. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият органларини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги ва “Ўзбе-

кистон Республикасида давлат ёшлар сиёсати асослари тўғрисида”ги Қонунлари эълон қилинди.

10 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “СССР Ички ишлар вазирлигининг кўшинлари ва ўқув юртлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

13 январь. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Давлат назорати қўмитасини таъсис этиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

13-14 январь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ навбатдан ташқари IX сессияси ялпи мажлислари бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида халқ депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисида”ги, “Товар-моддий бойликларини Ўзбекистон Республикасидан унинг ташқарисига олиб чиқиб кетиш бўйича белгиланган тартибни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида”ги, “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқ тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунлари қабул қилинди.

14 январь. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик суди ва хўжалик низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

27 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши “Ўзбекистон Республикаси таркибида Навоий вилоятини тиклаш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

28 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон ҳаво йўллари” — Ўзбекистон Миллий авиакомпаниясини ташкил қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

30 январь. Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

30 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясини ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

31 январь. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси “Ер тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

1 февраль. Ўзбекистон Республикасининг “Алоқа тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикасининг экологик ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни кучайтириш билан боғлиқ айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунлари эълон қилинди.

4 февраль. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

5 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон ахборот агентлиги (ЎЗТАГ)ни Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) га айлантириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

10 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш кўмитаси (Давлат мулки кўмитаси)ни ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

12 февраль. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий кўмитасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

13 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт истиқболини белгилаш кўмитасини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

14 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикасида молия органлари ва нарх белгилаш тизимини бошқариш ташкилий тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

18 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Давлат Фан ва техника кўмитаси (ФТДК)ни ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

21 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

7 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Диний ишлар кўмитасини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

15 март. Тошкентда Ўзбекистон адвокатларининг таъсис съезди бўлиб ўтди.

16 март. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг “Ўзбекистон Республикасидан муддатли хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларни чақириб олиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

22 март. Тошкентда “Ўзбекистон чернобилчилари” уюшмасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

24 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси ҳудудда жойлашган чегара қўшинлари бўлинмалари тўғрисида” Фармон чиқарди.

26 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Пенсия, стипендия ва бюджетдаги ташкилотлар ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

31 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Олий аттестация комиссиясини (Ўзбекистон Республикаси ОАКни) ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

6 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Жаҳон миллатлари ҳамжамиятига қўшилиш муносабати билан афв этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

7 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотларнинг Ўзбекистон Республика Уюшмаси (Ўзмаишийхизматушма)ни ташкил қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

9 апрель. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг “Анджон вилоятида Булоқбоши туманини, Самарқанд вилоятида Тойлоқ ва Челак туманларини, Фарғона вилоятида Фурқат туманини ташкил этиш тўғрисида”га Қарори қабул қилинди.

3 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекнефтегаз” — Ўзбекистон нефть ва газ саноати” Давлат концернини тузиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

5 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлигини Ўзбекистон “Савдо” (“Ўзбексавдо”) Давлат акционерлик ассоциациясига айлантириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

8 май. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг “Сирдарё вилоятининг Ильич туманини Шароф Рашидов деб қайта номлаш тўғрисида”ги, “Хоразм вилоятининг Гурлан, Хонқа, Шовот, Қўшқўпир ва Хазорасп шаҳарларини шаҳар посёлкаларига айлантириш тўғрисида”ги, “Самарқанд ва Фарғона вилоятларининг баъзи шаҳар ва туманларини қайта номлаш тўғрисида”ги Қарорлари қабул қилинди. Самарқанд вилоятидаги Красногвардейск шаҳрининг тарихий номи — Булунгур тикланди. Фарғона вилоятининг Киров, Ленинград ва Фрунзе туманлари Бешариқ, Учқўпир ва Данғара, Самарқанд вилоятининг Большевик ва Советобод туманлари Гўзалкент, Нуробод туманлари деб қайта номланди; “Тошкент шаҳрининг баъзи туманларини қайта номлаш тўғрисида”ги Қарорга кўра Киров тумани Юнусобод, Куйбишев тумани Мирзо Улуғбек, Ленин тумани Миробод, Октябрь тумани Шайхонтоҳур, Фрунзе тумани Яккасарой деб номланди.

18 май. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати “Сурхондарё вилояти таркибида Бандихон туманини ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

5 июнь. Тошкентда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи Ўзбекистон давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган “Экология ва саломатлик” жамғармасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

27 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “1992 йил 1 июлдан бюджет ташкилотлари ходимларининг меҳнат ҳақи, пенсиялар, стипендиялар миқдорини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

2-3 июль. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессияси бўлиб ўтди.

2 июль. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Х сессиясида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби республика давлат мустақиллигининг рамзидир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби қуйидаги кўринишга эга: тоғлар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган ғўза шохларидан иборат чамбаракга ўралган гуллаган водий узра кўёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида Республика ҳурлигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган: саккиз қирра ичида жойлашган яримой ва юлдуз мусулмонларнинг қутлуг рамзидир. Гербнинг марказида бахт ва эркесварлик рамзи — қанотларини ёзган Хумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида Республика Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида “Ўзбекистон” деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли кўринишида: Хумо қуши ва дарёлар — кумуш рангида; кўёш, бошоқлар, пахта чаноқлари ва “Ўзбекистон” ёзуви — олтин рангида; ғўза шохлари ва барглари, тоғлар ва водий — яшил рангида; чаноқлардаги пахта — оқ рангида; лента — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ранглари эҳс эттирувчи уч хил рангда; саккиз бурчак олтин зарҳал билан ҳошияланган ҳолда ҳаво рангда; яримой ва юлдузлар — олтин рангида тасвирланган.

3 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига айлантириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

10 июль. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши Х сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида жамоа бирлашмалари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунлари эълон қилинди.

16 июль. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши Х сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида байрам кунлари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

Ушбу Қонунга кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида: 1 январь — Янги йил, 8 март — Хотин-қизлар куни, 21 март — Наврўз байрами, 9 май — Галаба куни, 1 сентябрь — Мустақиллик куни, “Рўза ҳайит” (ийд-ал-фитр) диний байрамнинг биринчи куни ва “Қурбон ҳайит” (ийд-ал-адҳа) диний байрамнинг биринчи куни байрам (дам олиш) кунлари этиб белгиланди.

19 июль. Ўзбекистон Миллий гвардияси қасамёд қабул қилди.

27 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбектуризм” Миллий компаниясини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

28 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги байрам қилиниши

муносабати билан республика ижодий ва тиббий ходимларига имтиёзлар бериш тўғрисида” Фармон чиқарди.

28 июль. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши Х сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

29 июль. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши Х сессиясида қабул қилинган “Қасаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

30 июль. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши Х сессиясида қабул қилинган “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

5 август. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат санитар назорати тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

5 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат истиқболни белгилаш ва статистика қўмитаси (“Ўзистикболстат”) ни ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

6 август. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши Х сессиясида қабул қилинган “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

8 август. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши Х сессиясида қабул қилинган “Монопол фаолиятни чеклаш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

10 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

19 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Уй-жойлар хусусийлаштирилиши муносабати билан аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялаш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

20 август. Тошкентда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ва Украина мустақил қасаба уюшмалари Федерацияси ҳамкорлиги тўғрисида Шартнома имзоланди.

25 август. Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

25 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “1992 йил 1 сентябрдан пенсиялар, стипендиялар ва бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

28 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фармони билан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги шарафига халқ хўжалигининг барча тармоқлари ишчи ва хизматчилари, маданият, фан ходимлари, ижодий ташкилотлар вакилларининг катта бир гуруҳи Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари ва фахрий ёрликлари билан тақдирланди.

3 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Маҳаллий саноат” Давлат корпорациясини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

12 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

18 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши X сессиясида қабул қилинган “Муқобил хизмат тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

23 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси “Маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, давлат савдоси ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ташкил этиш тadbирлари ҳақида” Қарор қабул қилди.

Сентябрь. Самарқандда Ш. Р. Рашидов номидаги хайрия жамғармасининг тақдими бўлиб ўтди.

7 октябрь. Тошкентда Ўзбекистон ва Беларусь касаба уюшмалари Федерациясининг ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномаси имзоланди.

8 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “1992 йил 1 октябрдан пенсиялар, стипендиялар ва бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

8 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

22 октябрь. Тошкентда Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасининг биринчи таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

22 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарори билан Сирдарё вилоятининг Комсомол тумани — Мирзаобод тумани, Сурхондарё вилоятининг Гагарин тумани — Музробод тумани, Сурхондарё вилоятининг Ленин йўли тумани — Қизириқ тумани, шу туманнинг маркази Ленин йўли посёлка шаҳарчаси — Сарик посёлка шаҳарчаси, Қашқадарё вилоятининг Ульянов тумани — Касби тумани, Ульянов тумани маркази — Муғлон аҳоли пункти деб қайта номланди.

27 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон монтаж ва махсус ишлари (“Ўзмонтажмахсус қурилиш”) асоциациясини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Октябрь. Тошкентда космик алоқа халқаро телефон станцияси ишга тушди, у “Интелсат” алоқа йўлдоши орқали Ер юзининг исталган нуқтаси билан боғланиш имконини беради.

8-10 декабрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ XI сессияси бўлиб ўтди.

9 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XI сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун — 8 декабрни умумхалқ байрами деб эълон қилиш тўғрисида”ги Қонунилари эълон қилинди.

11 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XI сессияси томонидан тасдиқланган мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Давлат мадҳияси (Мутал Бурхонов мусиқаси, Абдулла Орипов сўзи) эълон қилинди.

11 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 7 майдаги Фармонининг Улуғ Ватан уруши иштирокчиларига улар яшаб турган давлат ва идораларнинг уйлари ва хоналари шахсий мулк қилиб берилишига тегишли қисмини Афғонистон Республикаси ва бошқа давлат ҳудудларида жангларда қатнашган фуқароларга амалда татбиқ этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

12 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Нукус шаҳрининг 60 йиллиги муносабати билан шаҳарни Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

15 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8 декабрда бўлиб ўтган XI сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси эълон қилинди.

Озод Ўзбекистон тарихидаги биринчи Конституция республиканинг чинакам тикланишини ўзида намоён этиб, мустақиллигимизга тамал тошини қўйди. У 128 моддани ўз ичига олган олти бўлимдан иборат.

Биринчи бўлим — Конституциявий тузумнинг асосий тамойиллари мажмуидан иборат, булар: давлат суверинетети, халқ ҳокимияти, Конституция ва қонуннинг устуворлиги ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларда тўла ҳуқуқли субъект эканлигини белгиловчи тамойилдир.

Иккинчи бўлим — инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликларини мустаҳкамлайди. Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни инсонни жамият ва давлатнинг олий қадрияти деб эълон қилади. Конституциянинг 128 моддасидан 60 дан кўпроғи шахснинг ҳуқуқий мақомига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган.

“Жамият ва шахс” деб номланган учинчи бўлим жамиятнинг иқтисодий негизлари, жамоат бирлашмалари, оила, оммавий ахборот воситаларига бағишланган.

Тўртинчи бўлим — маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилишига доир масалаларни тартибга солади.

Бешинчи бўлим — давлат ҳокимиятининг ташкил этилишига бағишланган.

Конституциянинг олтинчи бўлими унга ўзгартириш киритиш тартибини белгилайди.

18 декабрь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XI сессиясида қабул қилинган “Конституциявий ҳокимият органларини мудофаа қилиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

26 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “1993 йил 1 январдан меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

29 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов “1993 йил 1 январдан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

30 декабрь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XI сессиясида қабул қилинган “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

31 декабрь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XI сессиясида қабул қилинган “Бир марталик йиғим тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

1993 ЙИЛ

6 январь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XI сессиясида қабул қилинган “Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқлар тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

9 январь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XI сессиясида қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

12 январь. Бухоро вилояти таркибида Қоровулбозор тумани ташкил этилди.

15 январь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XI сессиясида қабул қилинган “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

16 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Аҳолининг Ўзбекистон жамғарма банки муассасаларида сақланаётган омонатлари бўйича янги фоиз ставкаларини тасдиқлаш ҳақида” Қарор қабул қилди.

19 январь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XI сессиясида қабул қилинган “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

21 январь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XI сессиясида қабул қилинган “Гаров тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

29 январь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XI сессиясида қабул қилинган “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

2 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

4 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон Республикаси “Соғлом авлод учун” орденини таъсис этиш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлод соғлиғини мустақкамлаш, уни маънавий, ахлоқий, жисмоний жиҳатдан тарбиялаш, унга ўз Ватани — Ўзбекистонга бўлган меҳр-муҳаббат ва ватанпарварлик туйғусини сингдириш, шунингдек, болалар фаровонлиги йўлида меҳр-мурувват фаолиятини авж олдиришда фаол иштирок этишдаги алоҳида хизматларни рағбатлантириш мақсадида шу орден таъсис этилди. Бу Ўзбекистон Республикасининг жаҳон тажрибасида ўз тақомига кўра ўхшаши бўлмаган биринчи орденидир.

“Соғлом авлод учун” ордени I ва II даражалардан иборат.

I даражали “Соғлом авлод учун” ордени олтин суви югуртирилган металлдан тайёрланиб, 34 мм диаметрдаги тўғри доира шаклга эга. Орденининг ўнг қисмида кўёшнинг илиқ нурлари аксида она ва боланинг қабарикли тасвири туширилган. Орденининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси гербининг қабарикли тасвири ва доира бўйлаб “СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН” сўзлари ёзилган. Доиранинг юқори қисмида 12 та юлдуз тасвирланган. Орден орқа томонининг четлари бўртма ҳошияланган.

Орден илмоқ ва ҳалқа ёрдамида ёнлари кумуш суви югуртирилган даста билан бириктирилади. Дастанинг ички қисми яшил рангда товланадиган лента билан ўралган. Лентанинг ўртасида олтин ранг ўрик дарахтининг гуллаб турган шохи уйиб ишланган.

I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан оналик ва болаликни муҳофаза этишда, инсон экологиясини яхшилашда, жисмонан ва ахлоқан соғлом авлодни тарбиялашда, ўз Ватани — Мустақил Ўзбекистонга чуқур садоқат ва у билан ғурурланиш ҳамда юксак ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашда, оналик ва болаликни таъминлаш учун муносиб моддий ва маънавий асосларни яратишда Ўзбекистон давлати ва халқи олдида буюк хизматлар кўрсатган шахслар тақдирланади.

I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотланганлар қуйидаги ҳуқуқларга эга бўладилар:

— Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида темир йўл, ҳаво ёки шаҳарлараро автомобиль транспортида шахсан бепул юриш (бориш ва келиш);

— шаҳар йўловчилар транспорти, қишлоқ жойларида автомобиль транспортининг барча турларидан (таксидан ташқари) шахсан бепул фойдаланиш;

— имтиёзли тиббий хизматдан фойдаланиш ва дори-дармонларни текин олиш;

— квартира ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашдан озод бўлиш.

I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотланганлар бир йўла энг кам иш ҳақининг 50 барабар миқдорида пул мукофоти оладилар.

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени кумуш суви югуртирилган металлдан тайёрланади ва I даражали ордендаги каби доира шакл ва ўшандай қабарикли тасвирга эга.

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотланганлар куйидаги ҳуқуқларга эга бўладилар:

— шаҳар йўловчилар транспорти, қишлоқ жойларида автомобиль транспортининг барча турларидан (таксидан ташқари) шахсан бепул фойдаланиш;

— имтиёзли тиббий хизматдан фойдаланиш ва дори-дармонлар нархининг 50 фоизини тўлаш;

— квартира ва коммунал хизматлар ҳақини 50 фоизи миқдоридан тўлаш.

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотланганларга бир вақтнинг ўзида энг кам иш ҳақининг 25 баравар миқдоридан пул мукофоти топширилади.

“Соғлом авлод учун” ордени билан бошқа давлатлар фуқаролари ҳам мукофотланишлари мумкин.

I ва II даражали “Соғлом авлод учун” ордени кўкракнинг чап томонига тақилади.

9 апрель. Нукусда Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг XII сессияси бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат герби ҳам қабул қилинди. Конституция қабул қилинган 9 апрель куни умумхалқ байрами сифатида нишонлашга қарор қилинди.

23 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Соғлом авлод учун” ноҳукумат Халқаро хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

6-7 май. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ XII сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”-ги, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг пул тизими тўғрисида”ги, “Соғлом авлод учун” орденини таъсис этиш тўғрисида”ги Қонунлари эълон қилинди.

7 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон Республикаси фуқароларида собиқ ССР Иттифоқининг мукофотлаш қонунчилигига асосан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни сақлаб қолиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

7 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор” фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

20 май. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XII сессиясида қабул қилинган “Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий давлат суғуртаси тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

21 май. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XII сессиясида қабул қилинган “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

28 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “1993 йил 1 июнидан меҳнат ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг, болали оилалар ижтимоий нафақаларининг миқдорини ошириш ҳамда республиканинг истеъмол бозорини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида” Фармон чиқарди.

2 июнь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XII сессиясида қабул қилинган “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида”ги, “Алоҳида мудофаа этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

2 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон фармацевтика саноати (“Ўзфарманоат”) Давлат-акционерлик концернини ташкил қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

7 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Гонорарлар ҳамда фахрий унвонларга қўшимча ҳақ миқдорини ошириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

9 июнь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XII сессиясида қабул қилинган “Суғурта тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

12 июнь. Ўзбекистон Республикасининг 7 майда Республика Олий Кенгаши XII сессиясида қабул қилинган “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

18 июнь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XII сессиясида қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

23 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “1993 йил 1 июлдан бошлаб қалам ҳақи, саҳналаштириш ва ижрочилик ҳақи ставкалари ҳамда миқдорларини ошириш ҳақида”ги ва “Ўзбекистон Республикасида ёдгорликлар ва ҳайкалларни лойиҳалаштириш ҳамда қуришни тартибга солиш тўғрисида”га Қарорлари қабул қилинди.

26 июнь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XII сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво Кодекси” Қонуни эълон қилинди.

29 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “1993 йилнинг 1 июлидан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

29 июнь. Тошкентда Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг биринчи съезди бўлиб ўтди.

30 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Тўртқўл шаҳрининг 120 йиллигини нишонлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

5 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш (“Давархитекқурилиш”) кўмитасини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

2-3 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIII сессияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг “Жойларда давлат ҳокимияти тўғрисида”, “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”, “Давлат статистикаси тўғрисида”, “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”, “Фуқароларни давлат пенсияси билан таъминлаш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, физик-географик, геологик ва бошқа топонимик объектлар номларини тартибга солиш тўғрисида” ва “Йўқолиб бораётган ўсимликлар ҳамда ҳайвонларнинг турларини муҳофаза этишни кучайтириш ҳамда улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги Қарорлари қабул қилинди.

12 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XIII сессиясида қабул қилинган “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

13 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “1993 йилнинг 1 сентябридан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

16 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XIII сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди. 27 июнь шундай кун деб белгиланди.

18 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XIII сессиясида қабул қилинган “Жойларда давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

21 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XIII сессиясида қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

24 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XIII сессиясида қабул қилинган “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

1 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Халқаро қариялар кунини муносабати билан республиканинг кекса фуқароларини моддий рағбатлантириш тўғрисида” Фармон чиқарди. Шу куннинг ўзида Президентнинг ушбу байрам муносабати билан республиканинг кекса фуқароларига табриги эълон қилинди.

2 октябрь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XIII сессиясида қабул қилинган “Ветеринария тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

28 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “1993 йилнинг 1 ноябридан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

10 ноябрь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XIII сессиясида қабул қилинган “Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

12 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида баравар тўлов воситаси сифатида “сўм-купонлар”ни муомалага киритиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

18 ноябрь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XIII сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал Кодекси тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

Кодекс 14 боб ва 115 моддадан иборат. I боб. “Умумий қоидалар”. II боб. “Хўжалик низоларини судгача ҳал қилиш”. III боб. “Хўжалик низоларининг судловга тортилиши”. IV боб. “Хўжалик низосини кўриб чиқиш қатнашчилари”. V боб. “Далил ва исботлар”. VI боб. “Суд харажатлари”. VII боб. “Процессуал муддатлар”. VIII боб. “Даъвонинг тақдим этилиши ва иш юриштининг бошланишини кўзгаш”. IX боб. “Даъвони таъминлаш”. X боб. “Хўжалик низоларини ҳал қилиш”. XI боб. “Ҳал қилув қарорининг қонуний ва асослилигини текшириш”. XII боб. “Ҳал қилув қарорларининг назорат тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг пленуми томонидан кўриб чиқилиши”. XIII боб. “Янгитдан очилган ҳолатларга кўра хўжалик судининг ҳал қилув қарорларини қайта кўриб чиқиш”. XIV боб. “Қарорларнинг ижро этилиши”.

22 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “1993 йилнинг 1 декабридан иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Ноябрь. Тошкентда “Қонунларни тузиш методикаси, қонунчилик техникаси ва уларга қўйиладиган талабларнинг асосий қоидалари” мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди.

7 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллиги муносабати билан афв этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

28-29 декабрь. Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XIV сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”, “Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

1994 ЙИЛ

11 январь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XIV сессиясида қабул қилинган “Ватан ҳимоячилари Кунини белгилаш

тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди. Бу кун ҳар йили 14 январда нишонлана бошланди.

11 январь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XIV сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ходимлари Қунини белгилаш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

27 январь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XIV сессиясида қабул қилинган “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

28 январь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XIV сессиясида қабул қилинган “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

28 январь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XIV сессиясида қабул қилинган “Меторология тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

7 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

16 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Республикада давлат назорати тизимини такомиллаштиришга оид баъзи тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

22 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

5 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Соғлом авлод учун” ҳуқуматга қарашли бўлмаган Халқаро хайрия жамғармасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

5 апрель. Тошкентда Ўзбекистон Ёшлари XXVI қурултойи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қурултой қатнашчиларига табрик йўллади.

5-6 май. Тошкентда Олий Кенгашнинг XV сессияси бўлиб ўтди. Сессияда “Ўзбекистон Қахрамони” унвонини жорий қилиш ва “Олтин Юлдуз” медалини таъсис этиш, “Мустақиллик”, “Дўстлик” орденларини, “Жасорат”, “Шуҳрат” медалларини таъсис этиш тўғрисида, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида”, “Фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқларини кафолатлаш тўғрисида”, “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

5 май. Суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик, ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ислом Каримовга “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонини бериш тўғрисида Олий Кенгашининг Қарори қабул қилинди.

11 май. Ўзбекистон Республикасининг “Мустақиллик” орденини таъсис этиш тўғрисида”ги, “Дўстлик” орденини таъсис этиш тўғрисида”ги, “Жасорат” медалини таъсис этиш тўғрисида”ги, “Шуҳрат” медалини таъсис этиш тўғрисида”ги Қонунлари эълон қилинди.

“Мустақиллик” ордени билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва мустақамлаш, республикада тинчлик ва тараққиётни таъминлашга қўшган буюк ҳиссалари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотландилар. Фавқулодда ҳолатдагина “Мустақиллик” ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаган шахслар ҳам мукофотланишлари мумкин.

“Мустақиллик” ордени билан мукофотланган шахслар бир йўла энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти оладилар ва қонунда белгиланган бошқа имтиёزلардан фойдаланадилар.

“Дўстлик” ордени билан Ўзбекистонда яшайдиган барча миллат ва элатлар вакиллари ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва аҳилликни мустақамлашдаги катта ютуқлари, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлиги ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантириш ишидаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотланадилар.

“Дўстлик” ордени билан Ўзбекистон фуқароси бўлмаганлар ҳам тақдирланишлари мумкин. “Дўстлик” ордени билан мукофотланган шахслар бир йўла энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари миқдорида пул мукофоти оладилар ва қонунда белгиланган имтиёزلардан фойдаланадилар.

“Жасорат” медали билан республика миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш чоғида кўрсатган жасоратлари учун Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар органларининг ходимлари, ҳарбий хизматчилар мукофотланадилар.

“Жасорат” медали билан жамоат тартибини сақлаш, одамлар ҳаётини, давлат ва жамоат мулкани қутқариб қолиш чоғида, табиий офат, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар вақтида кўрсатган жасоратлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар мукофотланадилар.

“Жасорат” медали билан мукофотланган шахслар бир йўла энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида пул мукофоти оладилар ва қонунда белгиланган имтиёزلардан фойдаланадилар.

“Шуҳрат” медали билан ўз ҳалол меҳнатлари билан республика иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий мустақиллик ҳамда ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишидаги катта муваффақиятлари учун Ўзбекистон фуқаролари ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар мукофотланадилар.

“Шухрат” медали билан мукофотланганлар бир йўла энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдориди пул мукофоти оладилар ва қонунда белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

13 май. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XV сессиясида қабул қилинган “Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

25 май. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XV сессиясида қабул қилинган “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида” ва “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунлари эълон қилинди.

26 май. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XV сессиясида қабул қилинган “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

27 май. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XV сессиясида қабул қилинган “Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялардан олинадиган солиқ тўғрисида”, “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг уй-жой Кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунлари эълон қилинди.

28 май. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XV сессиясида қабул қилинган “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастур ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

1 июнь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XV сессиясида қабул қилинган “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

16 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

16 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — сўм республика ҳудудларида 1994 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 сўм бўлган банк қоғоз пуллари (банкнотлар) ва 1, 3, 5, 10, 20, 50 тийин бўлган металл тангалар ҳолида нақд пул муомалага чиқарилади.

1997 йил мартада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил намунасидаги 200 сўм қийматли пул катталигини муомалага чиқаради.

Республикада ягона қонуний тўлов воситаси сифатида тўлақонли миллий валюта — сўм жорий қилиниши билан Ўзбекистон халқи манфаатларига жавоб берувчи ўз молиявий пул-кредит ва умуман, иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг аниқ механизми вужудга келди.

21 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмашувини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

25 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “1994 йил 1 августдан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар миқдорини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

12 август. Тошкентда Ўзбекистон Миллий ва ижтимоий барқарорлик жамғармасининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур жамғарма Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элат вакилларининг дўстлиги, тотувлиги ҳамда бирлиги қарор топишига қўмаклашишга даъват этилгандир.

19 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан афв этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

23 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Қам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

30 август. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 3 йиллигини нишонлаш муносабати билан ҳар бирининг қиймати 10 сўмлик бўлган юбилей тангасини муомалага чиқариш тўғрисидаги хабар эълон қилинди.

1 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикасининг аҳолисига компенсация тўловларини жорий этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

22-23 сентябрь. Тошкентда ўн иккинчи чақриқ Республика Олий Кенгашининг XVI сессияси бўлиб ўтди.

3 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Муддатли ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оилаларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

5 октябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида Конституциявий Қонун қабул қилинди.

10 октябрь. Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги нишонланишига бағишланган бир сўмлик эсдалик юбилей тангаси муомалага чиқарилди.

13 октябрь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши XVI сессиясида қабул қилинган “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

31 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига бериладиган компенсация тўловларини кўпайтириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

7 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акционерлик компаниясини тузиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

28 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг барча турдаги пенсияларини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

30 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

25 декабрь. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.

Олий Мажлисга дастлабки сайлов 1994 йил 25 декабрда кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтказилди. 250 депутатлик мандати учун 634 номзод кураш олиб борди, шу билан бирга 139 сайлов округида учтадан, 106 округда эса иккитадан ва фақат бештагина округда биттадан номзод сайланиш учун ўз номзодини кўйди. Сайловчиларга ўзларининг энг яхши вакиллари сайлаш ҳуқуқи берилди. Сайловда 10 миллион 526 минг 654 киши қатнашди ёки сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг умумий миқдоридан 93,6 фоизи иштирок этди.

Депутатлик корпусига 15 миллат вакиллари кирди, 208 депутат ёки 83,2 фоиз депутат давлатнинг олий вакиллик органига биринчи марта сайланди. Олий Мажлисга хотин-қизларнинг 15 вакили сайланди, ҳар етти депутатдан бири илмий даража ёки илмий унвонга эга эди.

1995 ЙИЛ

6 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” Қарор қабул қилди.

7 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

10 февраль. Тошкентда “Адолат” Ўзбекистон социал-демократик партиясининг биринчи таъсис съезди бўлиб ўтди. Съезд партия Низомини ва дастурини тасдиқлади, раҳбар органларини сайлади.

23-24 февраль. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Ислом Каримов Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари ҳақида маъруза қилди.

24 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Фуқароларнинг даромадларидан олинадиган солиқлар даражасини камайтириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

2 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

26 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш масаласига бағишланган Умумхалқ референдуми бўлиб ўтди.

29 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга президентлик ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома топширилди. Халқ ишончининг ушбу мандатини давлат раҳбарига Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш бўйича Марказий комиссия раиси Қудратилла Аҳмедов 26 мартда бўлиб ўтган Умумхалқ референдумининг яқунлари асосида топширди.

1 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши тўғрисида” Фармон чиқарди.

5-6 май. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II сессияси бўлиб ўтди.

6 май. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

8 май. Тошкентдаги Мустақиллик майдонида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган ҳарбий парад бўлиб ўтди.

27 май. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси “Халқ бирлиги” ҳаракатининг I таъсис курултойи бўлиб ўтди.

1 июнь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис II сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

3 июнь. Тошкентда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг I таъсис курултойи бўлиб ўтди.

11 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзинвест-лойиҳа” Республика инжиниринг компаниясини ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

21 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво Флоти Кунини белгилаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

16 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда республика бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

30 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Республиканинг меҳнат фидойиларидан бир гуруҳига “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони бериш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Олий нишон — “Олтин Юлдуз” медалини топширган ҳолда “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони қуйидагиларга: В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси чилангар-йигувчиси Эркин Ҳайдарович Алимӯхамедовга, Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Ҳ.Марозиқов номидаги жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Комилжон Мамажоновга, Навоий тоғ-металлургия комбинати “Восток” кони Шимолий руда бошқармаси экскаватор машинистлари бригадаси бошлиғи Анатолий Николаевич Панинга, “Ўзнефтьгазқазибчиқариш” Давлат акционерлик бирлашмаси “Муборакгаз” газ кони бошқармасининг нефть ва газ қазиб чиқариш оператори Бўрон Рўзиевга, Бухородаги “Зардўз” акционерлик жамияти юксак бадий буюмлар тайёрлаш участкасининг катта устаси Муяссар Темировага берилди.

30 август. Тошкентда биринчи қақирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг III сессияси бўлиб ўтди.

31 август. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис III сессиясида қабул қилинган “Меҳнат шўҳрати” орденини таъсис этиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

“Меҳнат шўҳрати” ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистонда иқтисодий ва маданиятни юксалтириш, халқ фаровонлигини ошириш, тинчлик ва барқарорликни сақлашга хизмат қиладиган улкан ишлари учун мукофотланадилар. Мустасно ҳолларда “Меҳнат шўҳрати” ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

“Меҳнат шўҳрати” ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг 40 баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар ва Қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

31 август. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис III сессиясида қабул қилинган “Шон-шараф” орденини таъсис этиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

“Шон-шараф” ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ватанни ҳимоя қилишда кўрсатган фидойилик ва мардлиги, Ўзбекистон мудофаа қудрати ва миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш, куролли кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ишидаги катта хизматлари учун мукофотланадилар. Мустасно ҳолларда “Шон-шараф” ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

“Шон-шараф” ордени икки даражадан иборат: I ва II даражали. Орденин олий даражаси I даража ҳисобланади. Мукофотлаш камида уч йиллик фарқ билан берилади: II даражали ва I даражали навбатида амалга оширилади.

II даражали “Шон-шараф” ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар. I даражали “Шон-шараф” ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг 40 баравари миқдорида бир йўла тўланади-

ган пул мукофоти оладилар. II ва I даражали “Шон-шараф” ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

31 август. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис III сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Ҳаво Флоти Кунини август ойининг учинчи якшанбасига белгилаш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

12 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Мажлис III сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги ва “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ҳамда қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонунлари эълон қилинди ва кучга киритилди.

13 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Мажлис III сессиясида қабул қилинган “Концессиялар тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

15 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Мажлис III сессиясида қабул қилинган “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

15 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 1995 йил 30 августдаги қарорига биноан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ҳарбий доктринаси” эълон қилинди.

20 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Болали оилаларга давлатнинг ижтимоий ёрдами кучайтириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

20 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

21-22 декабрь. Тошкентда биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг IV сессияси бўлиб ўтди.

26 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “1996 йилни “Амир Темури йили” деб эълон қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

28 декабрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис IV сессиясида қабул қилинган “Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

28 декабрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис IV сессиясида қабул қилинган “Давлат мукофотлари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

(29) декабрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис IV сессиясида қабул қилинган “Давлат тили тўғрисида” янги тахрирда”ги Қонуни эълон қилинди.

29 декабрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис IV сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида”

да”ги Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

29 декабрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис IV сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

1996 ЙИЛ

3 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

3 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

4 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис IV сессиясида қабул қилинган “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантирилиши тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

5 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис IV сессиясида қабул қилинган “Наслчилик тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

6 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис IV сессиясида қабул қилинган “Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

9 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис IV сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

13 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис IV сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

30 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис IV сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

13 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Аҳолининг омонатлардаги ва давлат сугуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

13 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Вазирлар Маҳкамасининг “Фан ва техника соҳасидаги Беруний (Абу Райҳон Беруний) номидаги ЎзССЖ Давлат мукофоти тўғрисида”ги 1991 йил 5 мартдаги 57-сон Қарорига ўзгартишлар киритиш ҳақида” қарор қабул қилди. Ушбу Қарорга биноан фан ва техника соҳасидаги Беруний номидаги Давлат мукофоти 1996 йилдан бошлаб ҳар уч йилда энг кам иш ҳақининг 120 баравари миқдорида бериладиган бўлди.

13 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъқамаси “Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди. Ушбу Қарорга биноан адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида ҳар бири энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдориди учта Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти белгиланди. Улар 1996 йилдан бошлаб ҳар уч йилда бир марта Мустақиллик байрами арафасида берилди. Шунингдек, ҳар бири энг кам иш ҳақининг 80 баравари миқдориди Абдулла Қодирий номидаги учта Давлат мукофоти белгиланди. Улар 1997 йилдан бошлаб, ҳар уч йилда бир марта Наврўз байрами арафасида берилди.

4 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

4 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

14 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъқамаси “Халқаро Амир Темуր жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

17 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон Республикаси “Қамолот” ёшлар жамғармаси тўғрисида” Фармон чиқарди. “Қамолот” жамғармаси ёш авлодни ҳар жиҳатдан барқамол қилиб тарбиялашда, ёшларнинг чуқур билим эгаллашида, уларнинг касб-ҳунар эгаси бўлишида, уларда юксак маънавий, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик туйғуларини шакллантиришда, улар мустақиллик ишининг изчил давомчилари бўлиб етишишида ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш учун ташкил этилди.

18 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

19 апрель. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси “Қамолот” ёшлар жамғармасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда вазирликлар ва идоралар, концернлар, корпорациялар, ассоциациялар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар раҳбарлари иштирок этдилар. Конференцияда “Қамолот” жамғармасининг Низоми қабул қилинди, жамғарманинг раҳбар органлари сайланди.

25-26 апрель. Тошкентда биринчи қаҳириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессияси бўлиб ўтди.

26 апрель. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ва айрим судьяларини сайлаш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

26 апрель. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Андижон вилояти Қомсомолобод туманини Улуғнор тумани деб қайта номлаш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

26 апрель. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Жиззах вилояти Ульяново шаҳрини Даштобод шаҳри деб қайта номлаш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

26 апрель. Ўзбекистон Республикасининг “Амир Темур” орденини таъсис этиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Ушбу орден билан давлатчиликни мустақкамлашдаги катта хизматлари, меъморчилик, фан, адабиёт ва санъатни, жумладан, ҳарбий санъатни ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тақдирланадилар. “Амир Темур” ордени давлатлараро ҳамкорликни, халқлар ўртасидаги тинчлик ва дўстликни мустақкамлаш ишида алоҳида хизмат кўрсатганлик учун ҳам берилади. “Амир Темур” ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланишлари мумкин.

“Амир Темур” ордени билан тақдирланганларга энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдорида бир йўла пул мукофоти берилади ва улар қонунда белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

“Амир Темур” ордени 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланади ва икки ён бағридан нурлар таралган қабариқ саккиз қиррали мусамман шаклидадир. Мусамманнинг бурчаклари орасида яшил ранг эмаль қопланган тарам-тарам бўлиб таралаётган нурлар жойлашган. Орденнинг марказидаги мовий ранг устидан юриб кетаётган от устида савлат тўкиб ўтирган Амир Темурнинг улуғвор қиёфаси кумуш рангда тасвирланган. Онда ўтирган Соҳибқирон қиёфасини ўраб турган айлананинг юқорисида Амир Темурни қуршаб олган мовий рангда яримой ва юлдузли мусамман тасвири чекилган. Мусамманнинг гир айланасида ёзув бор. Мусамманнинг чап тарафидаги ҳошияда “KUCH”, ўнг тарафида “ADOLATDA”, қуйи қисмида “AMIR TEMUR” ёзувлари бор. Орденнинг орқа томонида маҳкамланадиган гайка ўрнашган. “Амир Темур” ордени кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

4 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис V сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва тўлдиришлар киритиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

6 май. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ногиронлар жамиятининг биринчи конференцияси бўлиб ўтди.

17 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис V сессиясида қабул қилинган “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

21 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис V сессиясида қабул қилинган “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

30 май. Тошкентда “Профессионал парламентарийларни тайёрлаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш” мавзuida семинар бўлиб ўтди. Семинар ишида Германия Бундестаги делегацияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кўмиталари ва комиссиялари раислари, шунингдек, уларнинг Олий Мажлисида доимий ишлайдиган ўринбосарлари, депу-

татлар, парламент фракциялари раҳбарлари, Олий Мажлис котибияти масъул ходимлари, Америка ҳуқуқшунослар ассоциацияси тингловчилари, қатор дипломатик ваколатхоналар вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг ўзбек ва чет эллик вакиллари иштирок этишди.

31 май. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

31 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис V сессиясида қабул қилинган “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

6 июнь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис V сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди. Ушбу Қонунга кўра, Ҷуқароларнинг самарали меҳнат жараёнидаги хизматлари, давлат, жамоатчилик ва ижодий фаолиятини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг куйидаги фахрий унвонлари таъсис этилди:

“Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби”.

“Ўзбекистон Республикаси фан арбоби”.

“Ўзбекистон Республикаси халқ артисти”.

“Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси”.

“Ўзбекистон Республикаси халқ мусаввири”.

“Ўзбекистон Республикаси халқ шоири”.

“Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси”.

“Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи”.

“Ўзбекистон Республикаси халқ устаси”.

“Ўзбекистон Республикаси коммунал, маиший, савдо соҳасида хизмат кўрсатган ходим”.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими”.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист”.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист”.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор”.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор”.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи”.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими”.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган меъмор”.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор”.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи”.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими”.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими”.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози”.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи”.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими”.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор”.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист”.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими”.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи”.

Фахрий унвонларнинг берилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонларига сазовор бўлган шахсларга белгиланган намунадаги кўкрак нишони ва унвон берилганлиги ҳақидаги ҳужжат топширилади. “Халқ” фахрий унвонларига сазовор бўлган шахслар ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида, “Хизмат кўрсатган” унвонига сазовор бўлган шахслар эса энг кам иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида пул мукофоти оладилар.

13 июнь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис V сессиясида қабул қилинган “Акционерлик жамиятлари ҳамда акционерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун эълон қилинди.

26 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

7 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида” Фармон чиқарди.

23 август. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг биринчи қурултойи бўлиб ўтди.

26 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Фармони билан мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга, халқ саломатлигини сақлашга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларидаги қаҳрамонона меҳнати учун Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги “Олтин водий” жамоа хўжалиги дончилик бригадаси бошлиғи Абдурашулов Содикжонга, Самарқанд вилояти Самарқанд маҳсус илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонаси таъмирловчиси Асадов Мирумарга, Наманган вилояти туғуруқхонаси бўлим мудири Кочкарова Айшахонга, Ўзбекистон Республикаси Қизилқум нодир металллар ва олтин Давлат концерни раиси Кучерский Николай Ивановичга, Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Файзуллаев Иброҳимга “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилиб, олий нишон — “Олтин Юлдуз” медали топширилди.

28 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Самарқанд шаҳрини “Амир Темур” ордени билан мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

28 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Шахрисабз шаҳрини “Амир Темур” ордени билан мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

29 август. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовни “Мустақиллик” ордени билан мукофотлаш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

29 август. Ўзбекистон Республикасининг “Буюк хизматлари учун” орденини таъсис этиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Бу орден билан фан ва техника, иқтисодиёт ва маданиятни ривожлантиришдаги буюк хизматлари ва Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини кўтаришга қаратилган ташқи сиёсат ва давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришда катта ҳисса қўшган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва чет эл давлатларининг фуқаролари мукофотландилар.

“Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган шахслар бир йўла энг кам иш ҳақининг 40 баравари миқдорида пул мукофоти ёки шу қийматга тенг келувчи эсдалик совғаси оладилар ва қонунда белгиланган имтиёزلардан фойдаландилар.

“Буюк хизматлари учун” ордени 0,25 микрон қалинликдаги олтин қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланади ва саккиз қиррали мусамман кўринишида бўлиб, унинг қирралари ёқут рангида тайёрлангандир. Орденининг марказида иккита айлана жойлашган бўлиб, ундаги мовий тусли ер куралида заррин тусли Ўзбекистон Республикаси харитаси тасвирланган. Ташқи ва ички айланалар ўртасида, оқ эмаль фон юқорисида зархал рангидаги “BUYUK XIZMATLARI UCHUN” ёзуви жойлашган. Айлананинг пастки қисмида яшил рангидаги иккита дафна новдалари жойлаштирилган. Оралиқ колодка ва ҳалқалар ёрдамида орден қизил, мовий, оқ ва яшил йўллардан иборат шойи тасмага бириктирилади. Орденининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган. Орден кўкракка тақилади.

29-30 август. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессияси бўлиб ўтди.

30 август. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VI сессиясида қабул қилинган “Шаҳар йўловчи транспортдан текин фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

1 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Амир Темурнинг 660 йиллигини нишонлаш муносабати билан қиймати 100 сўмлик бўлган икки турдаги юбилей тангаларини чиқарди.

5 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VI сессиясида қабул қилинган “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

6 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VI сессиясида қабул қилинган “Уруғчилик тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

7 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VI сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди ва кучга киритилди.

10 сентябрь. Республика Олий Мажлиси 1996 йил 29 августда тасдиқлаган Ўзбекистон Республикаси Консуллик Низоми эълон қилинди ва у 1996 йил 1 сентябрдан кучга киритилди.

11 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VI сессиясида қабул қилинган “Селекциячилик ютуқлари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

12 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VI сессиясида қабул қилинган “Ташқи ўзлаштирмалар тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

12 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VI сессиясида қабул қилинган “Буғалтерлик ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

13 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VI сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

17 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VI сессиясида қабул қилинган “Муаллифлик ҳуқуқи ва шунга яқин ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

24 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Республикада нақд чет эл валютаси муомаласини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

31 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

1 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

8 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон ишбилармон хотин-қизлар “Тадбиркор аёл” Ассоциациясининг биринчи республика конференцияси бўлиб ўтди.

14 ноябрь. “Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик кодекси” (Биринчи қисми)” эълон қилинди.

26 ноябрь. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов “Энг кам иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

3 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини ташкил этиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

4 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси тўғрисида” Фармон чиқарди.

10 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Болали оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

11 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

26-27 декабрь. Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VII сессияси бўлиб ўтди.

29 декабрь. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг бўлиб ўтган сессиясида Тошкент шаҳрининг янги герби тасдиқланди.

31 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ VII сессиясида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинди.

1997 ЙИЛ

3 январь. Ўзбекистон Республикасининг “Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди. Бу кун Қонун билан 1 октябрь деб белгиланди ва байрам (дам олиш) куни ҳисобланади.

3 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VII сессиясида қабул қилинган “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

4 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VII сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими” фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

6 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

6 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси матлубот кооперацияси тизими корхоналарининг аҳолига савдо хизмати кўрсатиш аҳолини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

7 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VII сессиясида қабул қилинган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

7 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш “Умид” жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

8 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VII сессиясида қабул қилинган “Товар бозорларида монополь фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

9 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VII сессиясида қабул қилинган “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

10 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларининг пул маблағи миқдорини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

10 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VII сессиясида қабул қилинган “Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

11 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VII сессиясида қабул қилинган “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди. Қонун 1997 йил 1 мартдан бошлаб кучга киритилди.

11 февраль. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VII сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

24-25 апрель. Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессияси бўлиб ўтди.

26 апрель. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VIII сессиясида қабул қилинган “Журналистнинг касб фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

26 апрель. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VIII сессиясида қабул қилинган “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

28 апрель. Тошкентда қонун ҳужжатларини тайёрлаш бўйича олти кунлик семинар очилди. Семинарнинг биринчи иш кунини унинг иштирокчилари АҚШ ва Буюк Британияда қонун ҳужжатларини тайёрлаш тажрибаси билан танишдилар.

2 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VIII сессиясида қабул қилинган “Геодезия ва картография тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

3 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VIII сессиясида қабул қилинган “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

4 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VIII сессиясида қабул қилинган “Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европада хавфсизлик ҳамда ҳамкорлик ташкилотининг доимий аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикаси 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари Умумий декларациясини ва етакчи халқаро институтларнинг мазкур муаммога доир бошқа муҳим ҳужжатларини бутунисича қабул қилади ва қўллаб-қувватлайди. БМТ доирасида Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича 40 га яқин халқаро ҳужжатга қўшилди, ўз худудида уларга риоя этиш мажбуриятини олди ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ташкилий-ҳуқуқий механизмни ишлаб чиқди. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман) институти шу механизмнинг энг муҳим қисми ҳисобланади. Тарихда биринчи марта омбудсман мақоми 1809 йилда Швецияда дастлабки конституциялар юзага келиши ва уларга бошқарув ҳокимияти органлари, шунингдек, судьяларнинг риоя қилиши устидан парламент назоратини ўрнатиш зарурати туғилиши жараёнида қатъий белгилаб қўйилганди. Ўрта аср швед тилида куч ёки обрў маъносини англатувчи “омбудсман” тушунчасининг ўзи воситачи ёки ўзга шахсларнинг вакили деган маънони англатарди. Омбудсман деганда, юксак ишонч билдирилган мустақил шахс тушунилади, бу шахс айрим фуқаролар ҳуқуқларини муҳофаза қилишга ва бутун давлат органлари ҳамда улар вакиллари устидан кенг назорат қилиш шаклидаги назоратга парламент томонидан вакил қилиб тайинланган бўлади.

Ҳозирги вақтда жаҳоннинг турли мамлакатларида 100 га яқин омбудсман мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш кафолатларини кучайтириш мақсадида Олий Мажлиснинг 1995 йил февралда бўлиб ўтган I сессиясида Ўзбекистонда парламент ҳузурида инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) институти ташкил этилди. Омбудсман фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги “Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман) тўғрисида”ги Қонуни билан бошқарилади.

Ўзбекистонда омбудсман кенг ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, унинг фаолияти ижтимоий муносабатларнинг давлат ва фуқарога, жамият ва шахсга тааллуқли бўлган энг муҳим соҳаларини қамраб олади. Вакил зиммасига тарбиявий ва маърифий вазифалар юклатилган. У инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа миллий тузилмалар билан бир қаторда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя этиш зарурлигини тушунишга ёрдам беради. Ўзбекистон қонунлари ва бу соҳадаги халқаро ҳуқуқ меъёрларини белгиланган инсон ҳуқуқлари, кафолатлари ва мажбуриятлари ҳақидаги ҳар томонлама ахборотни жамоатчиликка тақдим этади.

Вакил — фуқаролар ҳуқуқларининг беғараз ва инсонпарвар ҳимоячиси: у инсон ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақидаги шикоятларни кўриб чиқади ва текширади, айрим ташкилотлар ва мансабдор шахслар йўл қўйган қонунбузарликларни бартараф этиш чора-тадбирларини таклиф этади, инсон ҳуқуқларининг мунтазам равишда бузилишига йўл қўйган шахслар-

ни қонунда кўзда тутилганидек жавобгарлик турларига тортиш ҳақида тавсия бериш ҳуқуқига эгадир. Вакил инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши ҳақидаги вазиятни ўрганиши ва таҳлил қилиши, Ўзбекистоннинг ҳуқуқий меъёрларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларга мувофиқ қилиши нуқтаи назаридан таҳлил этиши, инсон ҳуқуқларига риоя қилишга имкон берувчи чора-тадбирларни кўзда тутувчи дастурлар ишлаб чиқиши лозим.

Омбудсманга қўмаклашиш учун унинг ҳузурида Олий Мажлиснинг 1995 йил 6 майдаги Қарори билан фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш комиссияси тузилган.

Вакилнинг топшириғига мувофиқ комиссия келган материалларни, фуқаролар, ташкилотларнинг муурожаатларини ўрганиб чиқади ва таҳлил этади, инсон ҳуқуқлари масалаларига доир халқаро шартномаларни ишлаб чиқишда ва халқаро ташкилотларга ҳар йилги маърузаларни тайёрлашда иштирок этади.

6 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VIII сессиясида қабул қилинган “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

6 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Шу йил 1 июлдан бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва стипендиялар миқдорини ўрта ҳисобда 1,5 барабар ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди. Ўзбекистон ҳудудида энг кам иш ҳақи миқдори 750 сўм, ёш бўйича пенсия миқдори 1400 сўм қилиб белгиланди.

7 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VIII сессиясида қабул қилинган “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

10 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VIII сессиясида қабул қилинган “Табийий монополиялар тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

14 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VIII сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди. Шу куни “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси” эълон қилинди ва у 1998 йил 1 январдан кучга кирди.

Кодекс 11 бўлим, 41 боб ва 135 моддадан иборат. I бўлим. “Умумий қоидалар”. II бўлим. “Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи”. III бўлим. “Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ”. IV бўлим. “Қўшилган қиймат солиғи”. V бўлим. “Акциз солиғи”. VI бўлим. “Мол-мулк солиғи”. VII бўлим. “Ер солиғи”. VIII бўлим. “Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ”. IX бўлим. “Экология солиғи”. X бўлим. “Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ”. XI бўлим. “Солиқ ишини юритиш”.

15 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон Республикаси истиқболни белгилаш ва статистика Давлат қўми-

тасини Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига айлантириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

17 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VIII сессиясида қабул қилинган “Айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

21 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VIII сессиясида қабул қилинган “Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

6 июнь. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Мажлисида 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси” эълон қилинди ва 1997 йил 1 октябрдан кучга киритилди. Кодекс Умумий ва Махсус қисмлардан иборат. Умумий қисм. “Асосий қоидалар” деган битта бўлим, 4 боб ва 18 моддадан ташкил топган. Махсус қисм 8 бўлим, 30 боб ва 179 моддадан ташкил топган. I бўлим. “Асосий қоидалар”. II бўлим. “Жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазоларни ижро этиш”. III бўлим. “Қамоқ тариқасидаги жазони ижро этиш”. IV бўлим. “Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш”. V бўлим. “Ўлим жазосини ижро этиш”. VI бўлим. “Ҳарбий хизматчиларга нисбатан хизмат бўйича чеклаш, қамоқ ва интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш”. VII бўлим. “Қўшимча жазоларни ижро этиш”. VIII бўлим. “Жазони ўташдан озод қилиш”. IX бўлим. “Бошқа жиноят ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш”.

17 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

19 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Алкоголли маҳсулот ишлаб чиқаришга давлат монополиясини жорий этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

8 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

10 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида қонунчиликнинг бузилиши ҳақида фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бўйича бошқарма тузиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

21 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида юристлар малакасини ошириш маркази ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

22 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони таъсис этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

22 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ҳуқуқий таълимни тарғиб этиш ва аҳолини ҳуқуқ адабиёти билан таъминловчи Марказ ташкил этиш ҳақида” Қарор қабул қилди.

23 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ахборот тизимлари соҳасини қайта ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди. Бу Фармонга кўра Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тугатилди ва унинг асосида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ташкил этилди.

1 август. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1, 5, 10 сўм қийматга эга бўлган янги тангаларни муомалага чиқарди.

1 август. Тошкентда Ўзбекистон Адвокатлари ассоциациясининг таъсис съезди бўлиб ўтди.

26 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Фармони билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, ишлаб чиқариш тармоқларида иқтисодий ислохотларни амалга оширишга улкан ҳисса қўшганлиги ҳамда соғлиқни сақлаш, ёшларга таълим ва тарбия бериш соҳаларидаги қаҳрамонона меҳнати, шунингдек, давлат ва халқ олдидаги хизматлари учун қуйидагиларга “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилиб, олий нишон — “Олтин Юлдуз” медали топширилди:

Фаргона вилояти, Қўқон шаҳридаги 10-мактаб математика ўқитувчиси Мадалиева Манзура Абдуллаевнага, Қорақалпоғистон Республикаси 1-туғуруқхонаси гинекология бўлимининг мудирини Сайтова Онесия Сайтовнага, “Тошкентуйжойинвесткурилиш” корпорацияси “Тошмахсуспардозкурилиш” акциядорлик жамияти 42-қурилиш бошқармаси сувоқчилар бригадасининг бошлиғи Умаров Холхўжа Мукаррамовичга, Хоразм вилояти Богот туманидаги “Богот” жамоа хўжалиғи бошқаруви раиси Кувақов Машарипга.

29-30 август. Тошкентда биринчи чақириқ Республика Олий Мажлисининг IX сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирок этди ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва таълим тизимидаги бўлажак ислохот тўғрисида” маъруза қилди.

30 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатларига “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишонларини топшириш тўғрисида” Фармон чиқарди. Нишонлар депутатларга Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси, Ватан шарафи йўлидаги фидокорона меҳнати, шунингдек, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этгани учун берилди.

11 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида “Конституциявий суд: фаолиятнинг турли моделлари” мавзуида биринчи семинар ўз ишини бошлади. У “Ўзбекистон Конституциявий судига ёрдам кўрсатиш” лойиҳасини амалга оширувчи ТАСИС дастури доирасида ўтказилди.

12 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон Судьялар ассоциациясининг таъсис съезди бўлиб ўтди. Съезд ассоциация Низомини, судьяларнинг Одоб кодексини ва бошқа меъёрий ҳужжатларни тасдиқлади.

19 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

7 октябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис IX сессиясида қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

17 октябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис IX сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

18 октябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис IX сессиясида қабул қилинган “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

21-22 октябрь. Тошкентда “Қочоқлар масалалари бўйича халқаро қонунчилик” мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди.

23 октябрь. “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал кодекси” эълон қилинди. Кодекс Олий Мажлиснинг 1997 йил 30 августдаги қарори билан 1998 йил 1 январдан кучга киритилди. Кодекс 5 бўлим ва 391 моддадан иборат. I бўлим. “Умумий қоидалар”. II бўлим. “Биринчи инстанция судида иш юритиш”. III бўлим. “Суд қарорлари устидан шикоят бериш ва уларни қайта кўриш”. IV бўлим. “Суд қарорларининг ижроси”. V бўлим. “Фуқаролик процессида чет эл фуқаролари ва ташкилотлари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг иштироки”.

25 октябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис IX сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

30 октябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис IX сессиясида қабул қилинган “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

30 октябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис IX сессиясида қабул қилинган “Божхона тарифи тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва 1998 йил 1 январдан кучга киритилди.

31 октябрь. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги Қонуни билан тасдиқланган ва Олий Мажлис Қарори билан 1998 йил 1 январдан кучга киритилган “Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси” эълон қилинди. Кодекс 5 бўлим, 24 боб ва 226 моддадан иборат. I бўлим. “Умумий қоидалар”. II бўлим. “Биринчи инстанция хўжалик судида иш юритиш”. III бўлим. “Ҳал қилув қарорларини қайта кўриш бўйича иш юритиш”. IV бўлим. “Суд ҳужжатларини ижро этиш”. V бўлим. “Чет эл ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга

ошираётган чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги ишларни юритиш”.

4 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” эълон қилинди.

2 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақини ошириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Ушбу Қарорга биноан 1997 йил 1 январдан эътиборан олий ўқув юртлари раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилар таркибининг лавозим маошлари ўрта ҳисобда 25 фоиз оширилди, иш ҳақи ягона тариф сеткаси бўйича разрядни ошириш ҳисобига оширилди.

3 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганини беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида” Фармон чиқарди.

9 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти оиланинг жамиятни ривожлантиришдаги ролини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, 1998 йилда ҳар бир оиланинг фаровонлигини яхшилаш, миллий ва сиёсий онгни янада ривожлантириш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш бўйича аниқ давлат дастурини ишлаб чиқиш мақсадида Республика комиссиясини тузиш юзасидан Фармойиш чиқарди.

25-26 декабрь. Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг X сессияси бўлди. У Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ёнида қад ростлаган республика парламентининг янги биносидан ўтказилди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисида маъруза қилди.

25 декабрь. Республика Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

26 декабрь. Республика Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Қонунни эълон қилинди.

26 декабрь. Республика Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

1998 ЙИЛ

7 январь. Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан 1997 йил 26 декабрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси “Божхона кодекси” эълон қилинди. Божхона кодекси Олий Мажлис қарори билан 1998 йил 1 январдан кучга киритилди.

9 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис Х сессиясида қабул қилинган “Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

10 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис Х сессиясида қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

13 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис Х сессиясида қабул қилинган “Хайвонот оламини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

15 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис Х сессиясида қабул қилинган “Қишлоқ хўжалик корхоналарини мустақамлаш ҳақида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

27 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Оила манфаатларини амалга ошириш юзасидан 1998 йилга мўлжалланган чора-тадбирларнинг давлат дастури тўғрисида” Қарор қабул қилди.

2 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Оила” Республика илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди. Бу марказ оила аъзоларининг ҳуқуқий билимларини ошириш муаммоларини илмий жиҳатдан ўрганишни мувофиқлаштириш ва шу масалаларда фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида тузилди.

23 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларида интизомни мустақамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

23 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

30 апрель-1 май. Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида Президент Ислон Каримов қатнашди. Сессиянинг биринчи иш кунинда парламентарийлар “Ер кодекси”ни тасдиқладилар, “Қишлоқ хўжалик кооперативи тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунларни ва уларни жорий этиш тартиби ҳақидаги Қарорларни қабул қилдилар. Депутатлар “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда тасдиқладилар, 1998 йил 1 сентябрдан кучга кирадиган “Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси”ни тасдиқладилар, “Хорижий инвестициялар тўғрисидаги ва хорижий инвесторларнинг кафолатлари ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонунларни қабул қилдилар.

Сессиянинг иккинчи иш кунинда парламентарийлар “Гаров тўғрисида”ги, “Аҳолининг бандлиги ҳақида”ги Қонунларни ҳар томонлама муҳокама қилгандан кейин қабул қилдилар. Парламент янги таҳрирдаги “Виж-

дон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунни қабул қилди. Депутатлар “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асоси тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар ва уни умумхалқ муҳокамасига қўйиш тўғрисида Қарор қабул қилдилар. Депутатлар айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритдилар, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузган бир қатор шартномаларини ратификация қилдилар, Ўзбекистоннинг бир қатор конвенцияларга қўшилиши ҳақида қарор қабул қилдилар, Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1997 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқладилар.

12 май. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси халқ устаси” фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

15 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XI сессиясида қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

20 май. Ўзбекистон Республикасининг I қақриқ Олий Мажлис XI сессиясида қабул қилинган “Хорижий инвестициялар тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

21 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XI сессиясида қабул қилинган “Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

22 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XI сессиясида қабул қилинган “Аҳолининг бандлиги” тўғрисида”ги (янги таҳрирда) Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

22 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XI сессиясида қабул қилинган “Аҳолининг бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни эълон қилинди.

23 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XI сессиясида қабул қилинган “Гаров тўғрисида”ги (янги таҳрирда) Қонуни эълон қилинди.

23 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XI сессиясида қабул қилинган “Гаров тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни эълон қилинди.

29 май. “Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси” эълон қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XI сессиясида 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Қонуни билан 1998 йил 1 сентябрдан “Оила кодекси” кучга киритилди. Кодекс 8 бўлим ва 238 моддадан иборат. I бўлим. “Умумий қоидалар”. II бўлим. “Никоҳ”. III бўлим. “Қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш”. IV бўлим. “Ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари”. V бўлим. “Оила аъзоларининг ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари”. VI бўлим. “Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари”. VII бўлим. “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш”. VIII бўлим. “Оилавий

муносабатларни чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида тартибга солиш”.

Май. Истамбул шаҳрида Европа ва Осиёнинг демократик ўзгаришлар йўлига ўтган мамлакатлари Конституциявий судлари вакилларининг семинари ўтказилди. Семинарда ўндан ортиқ мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Конституциявий суд вакиллари қатнашди.

2 июнь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XI сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Ер кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

2 июнь. “Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси” эълон қилинди, у 1998 йил 1 июлдан кучга киритилади. Кодекс 14 боб ва 92 моддadan иборат.

5 июнь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XI сессиясида қабул қилинган “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди. Шу кун Республика Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги Қонунини кучга киритиш тартиби ҳақида”ги Қарори ҳам эълон қилинди, унга кўра Қонун 1998 йил 1 июлдан кучга киритилади.

6 июнь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XI сессиясида қабул қилинган “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди. Шу кун Республика Олий Мажлисининг “Ушбу қонунни 1998 йил 1 июлдан кучга киритиш тўғрисида”ги Қарори ҳам эълон қилинди.

6 июнь. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”-ги Қонуни эълон қилинди, Олий Мажлис қарорига кўра бу Қонун 1998 йил 1 июлдан кучга киритилади.

9 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов “Иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

16 июнь. Тошкентда “Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли” мавзуида Марказий Осиё минтақавий учрашуви бўлди. Учрашувда давлат органлари, жамоат бирлашмалари раҳбарлари, Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбайжон парламентарийлари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари ҳамда Ўзбекистондаги бир қатор давлатларнинг фавқулодда ва мухтор элчилари, Буюк Британия, Норвегия, Россия, Туркия, АҚШдан хотин-қизлар масалалари бўйича экспертлар иштирок этди.

24 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари Давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

7 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида Бошоқли дон экинлари уруғчилиги республика бошқармасини тузиш ҳақида” Қарор қабул қилди.

17 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти “Эл-юрт хурмати” орденини таъсис этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Орден Ўзбекистон Республикасининг мамлакат мустақиллигини, иқтисодий қўдратини мустаҳкамлаш, миллий маънавияти ва маданиятини ўстириш ишига катта ҳисса қўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат ишлари, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчилик орасида ҳурмат ва обрў-эътибор қозонган фуқароларини рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган.

26 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони бериш тўғрисида” Фармон чиқарди. Давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислохотларни чуқурлаштириш йўлидаги улкан фаолияти, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки, миллий мустақиллик ғояларини амалга оширишдаги салмоқли ҳиссаси ва қаҳрамонона меҳнати учун қуйидагиларга “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилди ва олий нишон — “Олтин Юлдуз” медали топширилди: Жиззах вилояти Жиззах туманидаги Ҳамроқул Носиров номли жамоа хўжалиги пахтачилик бригадасининг бошлиғи Зиёдов Пардага; Андижон вилояти ҳоқими Обидов Қобилжон Ғофуровичга, Ўзбекистон халқ шоири, Республика Ёзувчилар уюшмаси раиси Орипов Абдуллага, Тошкент вилояти Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг “Қалмоққир” кони эксковатор машинисти Турдиев Жонсаидга, Сирдарё вилояти “Сирдарёоблколхозқурилиш” акциядорлик жамияти 49-сон кўчма механизациялашган колоннаси бригадасининг бошлиғи Курбонов Анвар Сармоновичга.

28-29 август. Тошкентда I қақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XII сессияси бўлиб ўтди.

18 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XII сессиясида қабул қилинган “Автомобиль транспорти тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

19 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XII сессиясида қабул қилинган “Хўжалик юритувчи объектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди. Қонун 1998 йил 1 ноябрдан кучга киритилди.

22 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XII сессиясида қабул қилинган “Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

23 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Жисмоний шахслар омонатларини хорижий валютада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

23 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XII сессиясида қабул қилинган “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

24 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XII сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

29 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XII сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни эълон қилинди.

29 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XII сессиясида қабул қилинган “Банкротлик тўғрисида”ги (янги таҳрирда) Қонуни эълон қилинди. Қонун 1998 йил 1 ноябрдан кучга киритилди.

13 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 1998 йил 10 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органларининг раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши эълон қилинди.

15 октябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ЕХХТнинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик тўғрисидаги Меморандум доирасида сайлов қонун масалалари юзасидан “давра столи” бўлиб ўтди. Уни ўтказиш жараёнида ЕХХТ экспертлари иштирокчиларни турли давлатлардаги сайлов тизимларининг халқаро тажрибаси билан таништирдилар ҳамда Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг муаммолари бўйича фикр алмашдилар.

28 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Тўй-ҳашамлар ва оилавий тантаналар ўтказишда ортиқча чиқимлар, исрофгарчилик ва дабдабозликка барҳам бериш тўғрисида” Фармон чиқарди. Мазкур ҳужжат жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар, жамғармалар, маҳаллалар, илм-фан, дин, маданият, санъат арбоблари томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

30 октябрь. Тошкентда ҳўжалик судларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган биринчи илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унинг ишида судлар, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, солиқ ва божхона қўмиталарининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари, адлия вазирлиги ва молия илмий муассасалари вакиллари, халқаро ташкилотларнинг экспертлари иштирок этишди.

3 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Кенгашининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

17 ноябрь. Тошкентда “Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ноҳукумат ташкилотларининг роли” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди.

20 ноябрь. Олий Мажлисида “Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётидаги роли ва ўрни” мавзуида республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Жўқори Кенгеси ва Вазирлар

Кенгашининг вакиллари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, бир қатор туман ва шаҳарлар ҳокимлари ва ҳоким ўринбосарлари, фуқаролар жамоалари раислари иштирок этишди.

25 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини индексациялаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

1 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг олти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида” Фармон чиқарди.

9 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Хотин-қизларнинг оила, давлат ва ижтимоий қурилишдаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш мақсадида, 1999 йил Аёллар йили деб эълон қилиниши муносабати билан Республика комиссияси тузиш тўғрисида” Фармойиш чиқарди.

24-25 декабрь. Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIII сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва сўзга чиқди. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил давлат бюджетини, Ўзбекистон Республикаси “Уй-жой кодекси”ни тасдиқлади. Олий Мажлис депутатлари “Уй-жой эгаларининг ширкатлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар ва уни биринчи ўқишда маъқулладилар, бундан ташқари, “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар ва уни умумхалқ муҳокамасига қўйишга қарор қилдилар. Депутатлар “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилдилар, шунингдек, “Лизинг тўғрисида”ги Қонунни биринчи ўқишда маъқуллаш, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунни, “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилдилар. Парламент “Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва уни умумхалқ муҳокамасига қўйишга қарор қилди. Парламент Олий Мажлисининг “Реклама тўғрисида”ги Қонунини тасдиқлади ва “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш” органлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилди, шунингдек, “Давлатга қарашли бўлмаган нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини тасдиқлади, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро бир қатор битимларини ратификация қилди, ўз ваколатига тааллуқли бошқа айрим масалалар бўйича қарор қабул қилди.

5 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XIII сессиясида қабул қилинган “Радиочастота спектри тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

6 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XIII сессиясида қабул қилинган “Реклама тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

6 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Халқаро Ибн Сино жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

7 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XIII сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

8 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XIII сессиясида қабул қилинган “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

9 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XIII сессиясида қабул қилинган “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

12 январь. Тошкентда “Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда хотин-қизлар саломатлиги” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. “Экосан” жамғармаси Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда ишлаб чиққан “Хотин-қизлар, экология ва саломатлик” дастури кенг муҳокама этилди ва қабул қилинди. Унда хотин-қизлар фаровонлиги ва саломатлигини яхшилашга, уларни ижтимоий-маданий тадбирларда иштирок этишга, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга жалб этишга қаратилган муайян тадбирлар мажмуи кўзда тутилади.

12 январь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XIII сессиясида қабул қилинган “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Аҳолини мўлжалли ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини муҳофаза қилиш Кўмитасини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди. Ушбу Фармон билан 14 январь Ўзбекистон Республикаси Чегара қўшинлари Куни деб белгиланди.

11 февраль. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XIII сессиясида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг уй-жой кодекси” эълон қилинди. Кодекс 11 бўлим, 14 боб ва 141 моддадан иборат. I бўлим. “Умумий қоидалар”. II бўлим. “Хусусий уй-жой фонди”. III бўлим. “Давлат уй-жой

фонди”. IV бўлим. “Хизмат ва махсус тураржойларни бериш, улардан фойдаланиш”. V бўлим. “Тураржой арендаси”. VI бўлим. “Уй-жой қуриш ва уй-жой кооперативларининг уйларидаги тураржойлар”. VII бўлим. “Тураржойдан фойдаланиш ҳуқуқи”. VIII бўлим. “Қўп квартирали уйдаги кўчмас ва бошқа мол-мулкка умумий мулк ҳуқуқи. Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари”. IX бўлим. “Тураржойнинг ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш, уни қараш ва таъмирлаш, коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича харажатларни тўлаш”. X боб. “Уй-жой фондиди бошқариш, қараш ва таъмирлаш”. XI бўлим. “Якунловчи қоидалар”.

17 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида рўй берган фожеали воқеалар муносабати билан, “1999 йил 18 феврални мотам куни деб эълон қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди. Ўша фожеали воқеалар натижасида 13 киши халок бўлганди.

17 февраль. Тошкентда “Меҳмондўстлик ва ахборот хизмати” янги нодавлат ташкилотининг тақдими бўлиб ўтди.

19 февраль. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Кенгашининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов якунилари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

19 февраль. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Кенгашининг “Сурхондарё вилояти ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

26 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

27 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг уй-жой олиши ва Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун келишини тартибга солиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

27 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

2 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

17 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

17 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Меҳнат шариоити айниқса зарарли ва алоҳида оғир ишларда банд бўлган хотин-қизларнинг даромадларидан имтиёзли солиқ олиш ҳақида” Қарор қабул қилди.

24 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида йирик ва энг муҳим сув ҳўжалиги объектларининг техникавий ҳолати ва хавфсиз ишлаши ус-тидан назорат қилиш Давлат инспекцияси (Давсувхўжназорат) тузиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

26 март. Андижонда мамлакат ёш авлодининг соғлом ва ҳар томонлама камолга етиши, оилани мустаҳкамлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, давлат ва нодавлат ташкилотларининг куч-ғайратини бу борадаги муаммоларни ҳал этиш учун бирлаштириш масалаларига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди. Семинарда “Соғлом авлод учун” жамғармаси вилоят бўлимларининг раислари, вилоят ва туман хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ўринбосарлари иштирок этди.

14-15 апрель. Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ижтимоий ҳаётнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий, бошқа жиҳатларини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида маъруза қилди.

Парламент ушбу масала юзасидан махсус қарор қабул қилди. Олий Мажлис сессияси ишининг биринчи кунини “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Лизинг тўғрисида”ги, янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида”ги, “Уй-жой эгаларининг ширкатлари тўғрисида”ги, “Давлатга қарашли бўлмаган но-тижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинди.

Сессиянинг иккинчи иш кунини депутатлар “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини маъқулладилар ва уни умумхалқ муҳокамаси учун республика оммавий ахборот воситаларида чоп этиш ҳақида қарор қабул қилдилар, “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги, “Архивлар тўғрисида”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги Қонунларни қабул қилдилар, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритдилар. Олий Мажлис Жиззах вилояти таркибида Янгиобод маъмурий-ҳудудий туманини ташкил этди, парламент ва унинг раҳбариятининг 1998 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлади. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова ўзининг ўтган йилдаги фаолияти ҳақида ҳисобот берди. Сессияда Олий суд ва Олий ҳўжалик судининг айрим судьялари сайланди, қонунчилик томонидан Олий Мажлис ваколатларига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

16 апрель. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида”ги Қонун, шунингдек, ушбу Қонунга шарҳлар эълон қилинди.

“Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида”ги Қонун 1999 йил 1 июлдан кучга киради.

17 апрель. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XIV сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларини сайлаш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

17 апрель. Республика Олий Мажлисининг Олий Мажлис XIV сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди судьяларини сайлаш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

20 апрель. Тошкентдаги Республика Биржа марказида “Қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш” мавзуида Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда қимматли қоғозлар жаҳон бозори соҳасидаги машҳур мутахассис олимлар, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, республикамиздан мазкур соҳа олимлари ва мутахассислари иштирок этди. Конференцияда қимматли қоғозларни ривожлантириш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар халқаро қонунлар нуқтаи назаридан кўриб чиқилди.

20 апрель. Республика Олий Мажлиснинг Олий Мажлис XIV сессиясида қабул қилинган “Жиззах вилоятида Янгиобод маъмурий-худудий тумани ташкил этиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

28 апрель. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XIV сессиясида қабул қилинган “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

29 апрель. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XIV сессиясида қабул қилинган “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

30 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “9 май — Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида” Фармон чиқарди.

30 апрель. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XIV сессиясида қабул қилинган “Ўрмон тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

5 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XIV сессиясида қабул қилинган “Уй-жой эгаларининг ширкатлари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

6 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XIV сессиясида қабул қилинган “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

6 май. Тошкентда “Хотин-қизлар, жамият ва касаба уюшмалари” мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди. Семинар ишида Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳамда бир қатор халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

7 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XIV сессиясида қабул қилинган “Архивлар тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

8 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XIV сессиясида қабул қилинган “Давлатга қарашли бўлмаган нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

11 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XIV сессиясида қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

12 май. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XIV сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

13 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мустамлакачилик даврида миллий мустақиллик ва тараққиётга интилгани учун ноҳақ ҳукм қилинган, таъқиб этилган ва жабрланган ватандошлар номини аниқлаш, уларнинг таржимаи ҳоли ва фаолиятини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш ҳақидаги таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш учун жамоатчилик комиссиясини ташкил этиш ҳамда тасдиқлаш тўғрисидаги Фармойиши эълон қилинди.

27 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Навоий вилояти Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Май. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди делегацияси Европа конституциявий судларининг Варшавада бўлиб ўтган XI конференциясида иштирок этди.

10 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этишга доир таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Фармонда Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этишга доир таклиф маъқулланди ва уни Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг биттадан вакиллариغا бериб бориш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

19 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “1999 йил 1 августдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

19 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Муддати ўтган дебиторлик қарзлари юзага келганлиги учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг масъулиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

20 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркиби иш ҳақини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди. Ушбу Фармонга мувофиқ 1999 йил 1 сентябрдан эътиборан олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибига меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича разрядлар даражасини бир поғона кўтариш ҳисобига лавозим маошларининг янги миқдорлари белгиланди.

22 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ватан ва халқ озодлиги учун жонларини фидо қилган ватанпарварлар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

23 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Корхоналарнинг банкротлик ва санация механизмини такомиллаштириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

3 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов давлат ва халқ олдидаги буюк хизматлари, қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда республика ғалла мустақиллигини таъминлашдаги фаол иштироклари, қаҳрамонона меҳнатлари учун қуйидагиларга “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони бериш ва олий нишон — “Олтин Юлдуз” медали топшириш ҳақида Фармон чиқарди: Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги Р. Маҳманов номли ширкат хўжалиги бригада бошлиғи Абдуллаев Дўстмуродга, Наманган вилояти Чортоқ туманидаги “Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги” ширкат хўжалиги бригада бошлиғи Абдураҳимов Абдувалига, Андижон вилояти Марҳамат туманидаги У. Қорабоев номли ширкат хўжалиги бригада бошлиғи Алиматов Отахонга, Қашқадарё вилояти Касби туманидаги Ш. Рашидов номли ширкат хўжалиги ижарачиси Раҳмонов Ғайбуллога.

7 август. Тошкентда маънавият ва маърифат Республика кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоятлардан сайланган делегатлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, маънавият-маърифат ва тарбия соҳасида фаолият олиб боровчи кўмита ва компаниялар, идоралар, жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар раҳбарлари, фан ва маданият арбоблари, уламолар иштирок этди.

Конференцияда маънавият ва маърифат Республика кенгашининг фаолият Дастури, Низоми қабул қилинди.

19-20 август. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессияси бўлиб ўтди. Сессиянинг биринчи иш кунида депутатлар Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1995—1999 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги Ҳисоботни муҳокама қилдилар. Сессия иштирокчилари олдида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов катта нутқ сўзлади. Давлат бошлиғи мустақил ривожланиш йилларида Ўзбекистон эришган ютуқларни алоҳида таъкидлар экан, жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлашда, ислохотлар ўтказиш ва мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида туб ўзгаришларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишида парламентнинг роли катта бўлганлигини уқтириб ўтди. Депутатлар Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1995—1999 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги Ҳисоботни маъқуллаб, тегишли қарор қабул қилдилар. Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги Ҳисоботни тасдиқладилар ва Вазирлар Маҳкамаси тақдим этган 2000 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва парламентлари режасини маъқулладилар. “Ўзбекистон Республикаси сайловлари тўғрисидаги Қонунга ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги, “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги, “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги, янги таҳрирдаги “Табиий монополиялар тўғрисида”ги, “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси ОИВ касалиғи билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида”ги, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунларни қабул қилдилар.

Сессиянинг иккинчи иш куниди Олий Мажлис “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги, “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Туризм тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуниларни қабул қилди. Биринчи ўқишда суд ва бошқа органлар қарорларининг ижро этилиши тўғрисидаги ва суд ижрочилари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳалари маъқулланди.

Депутатлар Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни ҳамда Марказий Сайлов комиссияси аъзоларини тасдиқладилар.

Парламент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутатлар ва иккинчи чақириқ халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайловини ўтказишни 1999 йил 5 декабрь — якшанба кунига белгилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш 2000 йил 9 январь — якшанба кунига белгиланди.

20 август. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси XV сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси сайловлари тўғрисидаги Қонунга ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

25 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Қаримов “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони бериш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Давлат ва халқ олдидаги буюк хизматлари, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги самарали фаолияти, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштироки ҳамда миллий мустақиллик ғояларини амалга оширишдаги салмоқли ҳиссаси ва қаҳрамонона меҳнати учун қуйидагиларга “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилди ва олий нишон — “Олтин Юлдуз” медали топширилди: Ўзбекистон халқ шоири Воҳидов Эркинга, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 273-сон ўрта мактаб директори Исматова Мавлудага, Бухоро вилояти “Бухоротеке” акционерлик жамияти 1-сон йигирув-тўкув фабрикасининг йигирувчиси Раҳматова Мартия Аҳмадовнага, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмадга (Хусанбоев Саид Аҳмадга), Автомобиль йўллари-дан фойдаланиш Фарғона бошқармасининг автоскрепер машинисти Умаров Улуғбек Юнусовичга.

3 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Қаримов “Маънавият ва маърифат Республика Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

3 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

4 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XV сессиясида қабул қилинган “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

7 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XV сессиясида қабул қилинган “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси ОИВ касаллиги билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

9 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XV сессиясида қабул қилинган “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

10 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) Қонуни эълон қилинди.

11 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XV сессиясида қабул қилинган “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

14 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XV сессиясида қабул қилинган “Туризм тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

15 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XV сессиясида қабул қилинган “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

16 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XV сессиясида қабул қилинган “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

Қонун 2000 йил 1 январдан кучга киради.

17 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XV сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

22 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон “Фидокорлар” Миллий демократик партиясининг II съезди бўлиб ўтди. Съездда партиянинг сайловолди дастури муҳокама қилинди. “Фидокорлар” партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Каримов номзод қилиб кўрсатилди.

23 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Спирт, алкогольли ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сотишни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

5 октябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис XV сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

Қонун Республика Олий Мажлиси қарорига кўра 2000 йил 1 январдан кучга киради.

7 октябрь. Тошкентда хотин-қизларнинг Республика анжумани бўлиб ўтди, унда “Фидокор аёллар ҳаракати” таъсис этилди. Унинг асосий мақсади хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги ҳамда сиёсий онгини ошириш, уларда мустақиллик мафкураси ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдан иборат.

8 октябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг III съезди бўлиб ўтди. Съездда партия Марказий кенгашининг биринчи котиби А. Жалолов Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг сиёсий ҳисоботи билан сўзга чиқди ва партия ташкилотларининг навбатдаги вазифалари ҳақида гапирди. Шунингдек, Олий Мажлисдаги партия фракциясининг фаолияти ҳақидаги ҳисобот ҳам тингланди.

Делегатлар Ўзбекистон ХДП дастурининг янги таҳририни ва сайловолди сиёсий дастурлар лойиҳаларини қабул қилдилар, партия низомига ўзгартишлар киритдилар. Съездда Марказий кенгаш ва Марказий тафтиш комиссияси аъзолари сайланди.

Съездда Ўзбекистон ХДПдан мамлакат Президентлигига партия Марказий Кенгашининг биринчи котиби А. Жалолов номзоди кўрсатилди. Ўзбекистон ХДПдан Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхати тасдиқланди.

11 октябрь. Ўзбекистон “Ватан тараққиёти” партиясининг V съезди бўлиб ўтди. Унда партия Марказий сиёсий кенгашининг ҳисоботи ва сайловолди дастури муҳокама қилинди. Партия Марказий сиёсий кенгашининг раиси А. Турсунов юқоридаги масалалар юзасидан маъруза қилди. Партиянинг сайловолди дастури маъқулланди.

Съезд делегатлари Ислом Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод қилиб кўрсатдилар. Шунингдек, мазкур партиядан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхати тасдиқланди.

Съездда партия дастури ва низомига айрим ўзгартишлар киритилди, Марказий сиёсий кенгаш ва Тафтиш комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди.

11 октябрь. “Адолат” социал-демократик партиясининг II съезди бўлиб ўтди. Унда партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш масаласи кўриб чиқилди.

Делегатлар Ислом Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод қилиб кўрсатдилар. Шунингдек, мазкур партиядан республика Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхати тасдиқланди.

Съездда партия сиёсий кенгашининг биринчи котиби Т. Даминовнинг “Адолат” СДП сиёсий кенгаши фаолияти ва партиянинг сайловолди дастури ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Партия Сиёсий кенгаши ва Тафтиш комиссиясининг аъзолари ҳам сайланди.

12 октябрь. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг II съезди бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига

номзод кўрсатиш масаласи кўриб чиқилди. Делегатлар Ислом Каримовни Президентликка номзод қилиб кўрсатдилар. Шунингдек, Олий Мажлис депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхати ҳам тасдиқланди.

Съездда партия раиси И. Фафуровнинг “Миллий тикланиш” демократик партиясидаги сайлов жараёни ҳақидаги маърузаси тингланди, партиянинг сайловолди дастури маъқулланди. Марказий кенгашнинг янги таркиби, партия эмблемаси тасдиқланди. Партия дастурининг янги таҳрири тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

17 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Вазирликлар, идоралар раҳбарлари ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш учун жавобгарлигини ошириш соҳасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

25 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Абдулҳафиз Мараҳимович Жалоловни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод қилиб рўйхатга олиш ҳақида 1999 йил 24 ноябрда қабул қилинган қарори эълон қилинди.

Ноябрь. Тошкентда Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Оқсоқоллар кенгашининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Оқсоқоллар кенгашининг Низоми тасдиқланди, раҳбар органлар сайланди.

5 декабрь. Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлисга, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига эркин, демократик сайловлар бўлиб ўтди.

7 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларни мақсадли ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича 2000—2005 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида” Қарор қабул қилди.

19 декабрь. 66-сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказиш бўйича такрорий овоз бериш бўлиб ўтди. Қонунга мувофиқ сайловчилар ҳар бир округда мамлакат олий вакиллик органининг 5 декабрда энг кўп овоз олган икки нафар номзоддан битта депутатини танлашлари керак эди.

25 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод қилиб рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

2000 ЙИЛ

9 январь. Эркин демократик сайлов натижасида Ислом Абдуғаниевич Каримов 2000—2005 йилларга Ўзбекистон Республикаси Президенти қилиб сайланди.

22 январь. Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил декабрда сайланган Олий Мажлиси ўз ишини бошлади.

Парламент биринчи сессиясининг биринчи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Н. Комилов Олий Мажлисга сайлов яқунлари ҳақидаги ахборот билан сўзга чиқди. У сайланган депутатларни қизгин табриклади ва уларнинг қонунчилик фаолиятларида муваффақиятлар тилади.

Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлиги лавозимига расман киришуви иккинчи чақириқ парламент ишида тарихий воқеа бўлиб қолди.

Депутатлар олдида сўз олар экан, Марказий сайлов комиссияси раиси кенг демократик асосда ўтган Президент сайловининг улкан аҳамиятини таъкидлади. Халқнинг эркин хоҳиш-иродаси натижасида Президент Ислом Каримов сайловчиларнинг 91,9 фоиз овозини олишга муваффақ бўлди.

Марказий сайлов комиссияси раиси залда ҳозир бўлганлар номидан Ислом Каримовни юксак ва масъулиятли лавозимга сайлангани билан табриклади ва унга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани тўғрисидаги гувоҳномани топширди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига мувофиқ Президент Ислом Каримов куйидаги мазмунда қасамёд қилди: “Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, Республика Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя қилишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юланган вазифаларни виждонан адо этишга онт ичаман”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов депутатлар олдида маъруза қилди.

Яширин овоз бериш йўли билан Олий Мажлиснинг Раиси этиб депутат Эркин Халилов сайланди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи мажлиси 11 февралда бўлиб ўтди. Бу мажлисда парламент Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг 22 январдаги биринчи сессиясида қилган маърузаси юзасидан Қарор қабул қилди. Депутатлар парламент қўмиталари ва комиссияларини, уларнинг раисларини ҳамда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилини сайладилар, Олий Мажлис Кенгашини туздилар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республика Вазирлар Маҳкамаси таркиби тўғрисидаги Фармонини тасдиқладилар.

7 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон Давлат қўмитасини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ўрмон хўжалиги бош бошқармаси этиб ўзгартириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

7 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси “Саноатда ва қончиликда ишларнинг бехатар олиб

борилишини назорат қилиш Давлат қўмитасини” “Саноатда ва кончилиқда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги”га айлантириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

11 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларига “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишонини топшириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

14 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ю. Н. Аъзамовни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири этиб тайинлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

15 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Соғлом авлод” давлат дастури тўғрисида” Қарор қабул қилди.

16 февраль. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Воҳидовнинг Халқаро ёшлар аэрокосмик фондида гувоҳнома берганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинди. Бир гуруҳ жисмоний ва юридик шахслар, “Ўзбек-космос” агентлиги, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниеси, “Магма”, “Ниҳол”, “ЭЛ”, “Қанот-сервис” фирмалари ва бошқа ташкилотлар фонд муассислари бўлди.

17 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида назорат бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

23 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти “Республика иқтисодиётининг чарм-пойабзал тармоғи бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

23 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун ҳисоботни сақлаб қолиш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

24 февраль. Оқсарой қароргоҳида Республика “Соғлом авлод” давлат дастурини бажариш ишларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди.

4 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Рангли металллар парчалари ва чиқиндилари ўғирланиши ҳамда четга ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

4 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “2000 йилда қишлоқ хўжалик экинларини кўкламда экишни уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда давлат эҳтиёжлари учун харид қилинган қишлоқ хўжалик маҳсулоти учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

10 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Чимён-Чорвоқ зонаси табиий бойликларини сақлаш ҳамда ҳудудни ўзлаштиришга комплекс ва изчиллик билан ёндашишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

13 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

15 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Пиллачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш ва ипакчилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

21 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

24 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

31 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзмеvasабзавотузумсаноатҳолдинг” компаниясининг фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилганлиги тўғрисидаги ахборот эълон қилинди. Қарорда консерва ва вино-ароқ саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан янада самарали фойдаланиш, мева-сабзавот экинлари ҳамда узум ҳосилини кўпайтириш ҳисобига ўз хом ашё базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, компания таркибига кировчи бўлинмаларни бошқаришда унинг родини ошириш кўзда тутилган.

5 апрель. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Белгиланган ҳарбий ва муқобил хизмат муддатини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафидан захирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

8 апрель. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг III қурултойи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қурултой қатнашчиларига табрик йўллади.

11 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Тошкент Молия-қурилиш корпорацияси — Тошуйжойинвестқурилиш”ни тугатиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

17 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Т. Холтоевни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

26 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

26 апрель. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

9 май — умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш кuni нишонланиши, шунингдек, 1941—1945 йиллардаги иккинчи Жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 55 йиллиги муносабати билан ва уруш қатнашчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

иккинчи Жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига бир йўла 5000 сўм миқдорда пул мукофоти белгилади.

Апрель. “Фидокорлар” миллий-демократик партиясининг учинчи қурултойи бўлиб ўтди.

“Фидокорлар” миллий-демократик партияси билан “Ватан тараққиёти” партиясининг мақсадлари ва ҳаракат дастури муштараклиги эътиборга олиниб, қурултойда мазкур партияларни бирлаштириш тўғрисидаги таклиф маъқулланди. Иккала партиянинг қўшма қурултойига делегатлар сайланди.

Апрель. Тошкенда “Ватан тараққиёти” партиясининг олтинчи қурултойи бўлиб ўтди. Унда муштарак мақсадлар ва вазифаларга эга бўлган “Фидокорлар” миллий-демократик партияси билан бирлашиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Апрель. “Ватан тараққиёти” партияси билан “Фидокорлар” миллий-демократик партиясининг қўшма қурултойи бўлди. Унда иккала партияни бирлаштириш масаласи муҳокама қилинди.

Қўшма қурултойда “Ватан тараққиёти” партияси билан “Фидокорлар” миллий-демократик партияси бирлашганлиги расмий равишда эълон қилинди. Янги ташкил этилган партия ўз фаолиятини “Фидокорлар” миллий-демократик партияси номи билан амалга оширади.

А. Турсунов “Фидокорлар” миллий-демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

4 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясини тузиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

5 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

19 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Вазирликлар, Давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

25-26 май. Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси бўлиб ўтди.

Парламент сессиясининг ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Депутатлар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг 2000—2002 йилларга мўлжалланган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ҳужжатни тасдиқладилар.

Парламент 1999 йил ва 2000 йилнинг биринчи чорагидаги Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ижросини маъқуллади, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Фаолиятнинг

айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги, “Иқтисодий экспертиза тўғрисида”ги, янги тахрирдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги, янги тахрирдаги “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги, янги тахрирдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги, “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги Қонунларни қабул қилди. Депутатлар айрим қонун ҳужжатларига тузатиш ва қўшимчалар киритдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларини ва Олий Мажлис Кенгашининг Қарорларини тасдиқладилар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритдилар.

30 май. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида” 2000 йил 26 майда қабул қилган Қарори эълон қилинди.

30 май. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

30 май. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил биринчи июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 500 сўм қимматта эга бўлган пул билетлари муомалага чиқарилиши тўғрисидаги ахбороти эълон қилинди.

5 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

7 июнь. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 май куни Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган “Иқтисодий экспертиза тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди. Қонун 2000 йил 1 июлдан кучга киритилди.

9 июнь. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда Олий Мажлис сессиясида тузатишлар ва қўшимчалар билан қабул қилинган “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни (янги тахрири) эълон қилинди.

13 июнь. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда Олий Мажлис сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” қабул қилинган Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги тахрири) эълон қилинди. Қонун 2000 йил 1 сентябрдан кучга киритилди.

15 июнь. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 25 майдаги қарорига биноан эълон қилинган кундан бошлаб кучга киритилди.

20 июнь. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва Республика Олий Мажлисининг 2000 йил 26 майдаги Қарорига биноан эълон қилинган кундан бошлаб кучга киритилди.

21 июнь. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги” Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) эълон қилинди.

22 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

23 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларни ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

23 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон Сув хўжалиги қурилиши Давлат концерни — “Ўзсувқурилиш”ни тугатиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

24 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Чет эллардан истеъмол товарлари олиб келиш ва сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

28 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Телекоммуникациялар соҳасидаги бошқарувни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

28 июнь. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

29 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

30 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Июнь. Тошкентда “Фидокорлар” миллий-демократик партиясининг биринчи қурултойи бўлди. Унда партия Дастури ва Устави лойиҳалари ҳамда партия қурилишининг бошқа масалалари кўриб чиқилди. ФМДП партия Марказий Кенгашининг биринчи мажлисида ФМДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби этиб сайланган А. Турсунов номзоди ҳам тасдиқланди.

8 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “2000 йилда янги мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилган тарзда экспорт қилишни кўпайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

8 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Жисмоний шахслар томонидан товарларнинг айрим турларини Ўзбекистон Респуб-

ликаси ҳудудига олиб келишни ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

13 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Амударё этакларида сув тақчиллиги сабабли Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг бир қанча туманларида сув таъминотида келиб чиққан қўйинчиликларни бартараф этишга доир” Фармойишни имзолади.

13 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта айирбошлаш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 июндаги 250-сон қарорига ўзгартишлар киритиш ҳақида” Қарор қабул қилди.

21 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил биринчи ярмида Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришига бағишланган мажлиси бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг раислари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, қўмиталар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, уюшмалар ва муассасаларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, иқтисодий ислохотларнинг боришида сезиларли ўзгаришлар рўй берганлигини таъкидлади. Жумладан, макроиқтисодий ва молиявий соҳаларда барқарорлашув, муттасил иқтисодий ўсиш кузатилди. Ўтган давр мобайнида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш 7,1 фоиз кўпайди. Пул қадрсизланишининг ўртача ойлик даражаси 1,5 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети 9,8 миллиард сўм ортиғи билан бажарилди. Экспорт ҳажми бирмунча ошди, ташқи савдо балансида 162 млн АҚШ доллари ҳажмида ижобий сальдога эришилди.

1 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Т. Холтоевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири — Агросаноат комплексининг раҳбари этиб тайинлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

1 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Р. С. Азимовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси молия вазири — Умуқиқтисодий комплекси раҳбари этиб тайинлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

2 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни рағбатлантириш Давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

11 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Р. Х. Жўраевни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири этиб тайинлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

12 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

14 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

15 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарларини импорт қилиш ва сотишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

15 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ватан хавфсизлиги, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини ҳимоя қилиш йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига давлат ёрдами кўрсатиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

15 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “П. Н. Насриевни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат кўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

22 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош кўмондони Ислом Каримов халқаро террорчиларнинг тўдаларини тугатиш операцияси давом этаётган Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё ва Узун туманларига борди.

25 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ислохотларни амалга оширишдаги фаол иштироки ва қаҳрамонона меҳнати учун “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонини бериш тўғрисида”ги Фармонига биноан қуйидагиларга “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилиб, олий мукофот — “Олтин Юлдуз” медали топширилди: Аблакулов Ҳазрат — Бухоро вилояти, Фиждувон тумани С. Айний номидаги ширкат хўжалигининг катта пудратчиси; Жуманиёзов Бекдурди — Хоразм вилояти, Хива туманидаги “Ўзбекистон” ширкат хўжалигининг катта пудратчиси; Жўраев Юрсилбой — Фарғона вилояти, Олтиариқ туманидаги Б. Отакулов номи ширкат хўжалигининг катта пудратчиси.

30-31 август. Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси бўлди. Сессия ишининг биринчи куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилиб, Ўзбекистоннинг айрим чегара учатскаларида халқаро тўдалар қилган террорчилик ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган вазиятни чуқур ва атрофлича таҳлил этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси номидан Ўзбекистон фуқароларига, барча мамлакатларнинг парламентларига, жаҳон ҳамжамиятининг тараққийпарвар кучларига мурожаатнома қабул қилдилар.

Олий Мажлис “Жалолиддин Мангуберди” орденини таъсис этиш тўғрисидаги Қонунни қабул қилди, 2000 йилнинг биринчи ярмида давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади, “Бюджет тизими

тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва уни умум-халқ муҳокамасига қўйишга қарор қилди.

Олий Мажлис “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги, “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги Қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда маъқуллаб, уларни кенг муҳокамага тақдим этишга қарор қилди.

Сессия ишининг иккинчи кунда Олий Мажлис “Қишлоқ хўжалик экинларини зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Почта алоқаси тўғрисида”, “Радиация хавфсизлиги тўғрисида”, “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги Қонунларни қабул қилди, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини маъқуллади ҳамда уни умумхалқ муҳокамасига қўйиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

5 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 31 августда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

5 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Олий хўжалик суди судьяларини сайлаш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

6 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти “Террорчи гуруҳлар таркибига янглишиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

13 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Б. С. Йўлдошевни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Президенти этиб тасдиқлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

14 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 30 августда қабул қилган “Почта алоқаси тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

14 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 30 августда қабул қилган “Жалолиддин Мангуберди орденини таъсис этиш тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек, орден тўғрисидаги Низом ва Жалолиддин Мангуберди орденининг тавсифи эълон қилинди.

16 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 31 августда қабул қилган “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди. Қонун 2001 йил 1 январдан кучга киритилади.

19 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 31 августда қабул қилган “Радиация хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

21 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Балоғатга етмаганлар ишлари комиссияларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

23 сентябрь. “Халқ сўзи” газетасида Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди, бу лойиҳа Олий Мажлисининг 2000 йил

31 августдаги учинчи сессиясида Олий Мажлис депутатлари томонидан биринчи ўқишда маъқулланган эди.

26 сентябрь. “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (янги таҳрири) умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди.

26 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “2000 йилда янги мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилган тартибда экспорт қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

27 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди.

28 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Белги-ланган ҳарбий ва муқобил хизмат муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан захирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил навбатдаги хизматга чақириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

29 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Қ. Ф. Фуломовни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири этиб тайинлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

29 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Т. Й. Қосимовни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари — Қуролли Кучлар Бирлашган штабининг бошлиғи этиб тайинлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

16 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ишлар бошқармаси ҳузурдаги “Шарқ” нашриёт-матбаа концернини “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

24 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “2000 йил пахта ҳосилини териб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

31 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзқишлоқтаъминогтаъмирлаш” Давлат кооператив қўмитасини “Ўзагро-машсервис” уюшмасига айлантириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

2 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

8 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “М. Б. Нурмуродовни Ўзбекистон Республикаси Молия вазири этиб тайинлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

8 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Р. С. Азимовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари —

Макроиктисодиёт ва статистика вазири этиб тайинлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

23 ноябрь. Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманлари, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани ҳудудида содир этилган ва қасддан қилиш билан боғлиқ бўлган террорчилик ҳаракатлари ҳамда босқинчилик ҳужуми ташкилотчиларини, 1999 йил 16 февралда Тошкентда, шунингдек, бошқа бир қанча алоҳида хатарли жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахслар — Тоҳир Абдухалилович Йўлдошев, Жумабой Аҳмад-жонович Ҳожиев, Салай Мадаминовларнинг, шунингдек, мазкур жиноятларнинг бевожиа ижрочилари — Муродулло Нўъмонович Қозиев, Улуғбек Маҳаммадович Бобожонов, Ҳамиджон Раҳмонов, Шавкат Абдуллаевич Каримов, Нажмиддин Камолиддинович Жалолов, Йўлдош Эргашевич Умаров, Улуғбек Еркешевич Маҳмутов, Олимжон Абдумуталович Абдулвоҳидов ва Усмон Абдураҳмонович Шуқуровларнинг жиноий ишини 30 октябрдан 17 ноябргача кўриб чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси эълон қилган ҳукмнинг баёни матбуотда босилиб чиқди.

30 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида “Фуқароларнинг маҳаллий ўз ўзини бошқариш тўғрисида”ги БМТ Хартияси йўлида: XXI аср талаблари” мавзуида Халқаро конференция бўлди. Халқаро Конрад Аденауэр фонди, Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги, журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан уюштирилган шу тадбирда халқаро ва республика ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг вакиллари қатнашдилар.

Конференция қатнашчилари “Марказлаштириш — фуқаролик жамияти қурилишининг биринчи шарт”, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришидаги ҳуқуқий асослар, халқаро тажриба” мавзуларидаги маърузаларни тингладилар.

Конференцияда Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Мартин Хеккер ҳамда Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Пьер Хжановски қатнашдилар.

7 декабрь. Тошкентдаги “Туркистон” саройида Ўзбекистон Конституциясининг саккиз йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

7 декабрь. Оқсарой қароргоҳида мамлакатимиз мустақиллигининг тўққиз йиллиги шарафига орден ва медаллар билан мукофотланган, фахрий унвонлар билан тақдирланган ватандошларимизнинг катта бир гуруҳига Ватан мукофотларини тантанали топшириш маросими бўлди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

8 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Конституциясининг саккиз йиллигига бағишланган тантаналарда сўзлаган нутқи матбуотда эълон қилинди.

14-15 декабрь. Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси бўлиб ўтди. Парламент ишида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислоҳ Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Сессия ишининг биринчи кунда депутатлар Олий Мажлисининг Ўзбекистон халқига Мурожаатини қабул қилдилар, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилги давлат бюджетини маъқулладилар, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунни ва янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”-ги Қонунни қабул қилдилар. “Жиноят-процессуал, ҳўжалик-процессуал, фуқаролик-процессуал кодексларига, судьяларнинг малака класслари тўғрисидаги, суд ходимларининг малака лавозимлари тўғрисидаги, ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Низомларга ўзгартириш ва қўшимчалар” киритдилар. Парламент янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунни биринчи ўқишда маъқуллади, “Қонунлар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги Қонунни қабул қилди.

Сессия ишининг иккинчи кунда депутатлар “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунни тасдиқладилар, “Мудофаа тўғрисида”ги, “Алоҳида юклар ва ҳарбий қисмларнинг транзити тўғрисида”ги Қонунларнинг лойиҳаларини биринчи ўқишда маъқулладилар, “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги, “Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида”ги Қонунларни қабул қилдилар ва бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

16 декабрь. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси 2000 йил 14 декабрда қабул қилган Олий Мажлисининг Ўзбекистон халқига Мурожаати матбуотда эълон қилинди.

16 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилдаги давлат бюджети тўғрисида”ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

19 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Коммунал хизматни бошқаришни янада ислоҳ қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

20 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяларини сайлаш тўғрисида”-ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги 2000 йил 15 декабрда иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида қабул қилинган Қарорлари матбуотда эълон қилинди.

22 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги Қонуни матбуотда эълон қилинди ва кучга киритилди.

27 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида”ги Қонуни матбуотда эълон қилинди ва кучга киритилди.

27 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов “Тошкент шаҳрини қуришда, автомобиль йўллари, шоҳқўчалар ва кўприклар барпо қилишда алоҳида ўрнатилган бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

30 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни матбуотда эълон қилинди. Қонун 2001 йил 1 январдан кучга киритилади.

28 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Қонунлар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги Қонуни матбуотда эълон қилинди.

II. ИҚТИСОДИЁТ. ИЖТИМОЙ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ТУЗИЛМАЛАРИ

1991 йил

17 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Мирзачўлдаги қўриқ ерларни ўзлаштиришда ўрناق кўрсатган ишчи ва хизматчиларнинг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

20 сентябрь. Тошкентда Ҳиндистон савдо кўргазмаси очилди. Кўргазмада 65 ҳинд фирма ва компанияларининг маҳсулотлари намойиш этилди.

28 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Машинасозлар куни муносабати билан саноат корхоналари илғор ишчилари ва хизматчиларининг катта гуруҳини фахрий унвонлар ва фахрий ёрликлар билан мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

29 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарини бюджетга фойда солигини тўлашдан ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан 11 фоизли ажратмадан озод қилиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Октябрь. Олмалиқ кимё заводи янги “Уфакс” ўғитининг биринчи саноат туркумини ишлаб чиқарди. Таркибида азоти кам бўлган мураккаб азот-фосфорли бу ўғитни Ўзбекистон Фанлар академиясининг Кимё институту олимлари ишлаб чиқдилар.

7 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Мирзачўлдаги қўриқ ерлар ўзлаштирилиши бошланганлигининг 35 йиллиги муносабати билан мелиораторлар, қурувчилар ҳамда қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига табриги эълон қилинди.

8 ноябрь. Тошкентда Бангладеш Халқ Республикасининг халқ истеъмол моллари кўргазмаси очилди. Кўргазмада 22 фирма маҳсулоти намойиш этилди.

9 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Республика балиқ саноати ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

15 ноябрь. Тошкентда суверен республикалар ва давлатлар тадбиркорлик бирилашмалари ва уюшмаларининг Мувофиқлаштирувчи иқтисодий кенгаши мажлиси очилди.

21 ноябрь. Тошкентда “Юнитех интернейшнл” совет-ҳинд корхонаси ва Германиянинг “Оптима” фирмаси маҳсулотлари ва хизматлари кўргазмаси очилди.

27 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов республикага ташриф буюрган Покистоннинг иқтисодий масалалар бўйича вазири Сардор Асеф Аҳмад Али бошчилигидаги савдо-иқтисодий делегациясини қабул қилди.

29 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Республикада деҳқон (фермер) хўжалиklarини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида” Фармон чиқарди.

6 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўрта Осиё темир йўлининг Оролбўйи бўлимини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

10 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Американинг “Континенталь грейн” корпорацияси президенти Дональд Стахели бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

15 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “1991 йилда табиий офатлардан зарар кўрган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти пахтачилик хўжалиklари иқтисодини мустаҳкамлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

Декабрь. Навоий кон-металлургия комбинатининг механика заводи мамлакатда ўхшаши бўлмаган сифат жиҳатидан янги “НТ-200” электрон бошқарувли универсал токарлик дастгоҳларининг биринчи туркумини ишлаб чиқарди.

1992 ЙИЛ

7 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Яйлов чорвачилиги (қорақўлчилик, қўйчилик, йилқичилик ва туячилик) ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

10 январь. Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон биржалари ассоциясининг мажлиси очилди.

14 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов турли фирмаларга бошчилик қилаётган ва Ўзбекистонга амалий ташриф билан келган бир гуруҳ турк ишбилармонларини қабул қилди.

15 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистонга амалий ташриф билан келган АҚШнинг “Ньюмонт майнинг корпорейшн” корпорацияси президенти Гордон Паркер бошчилигидаги корпорация вакилларини қабул қилди.

16 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Нархларнинг эркинлаштирилиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

17 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўрта Осиё темир йўлининг Қарши бўлимини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

22 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Нархларнинг эркинлаштирилиши муносабати билан талабалар, ўқувчи ёшлар, ўзгалар парваришига муҳтож пенсионерлар ва меҳнаткашларнинг имтиёзли умумий овқатланишларини ташкил қилишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

24 январь. Тошкентда Ўзбекистон иқтисодчилар уюшмасининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди.

5 февраль. Тошкентдаги “Баҳор” концерт залида Республика автотранспорт биржасининг тақдими бўлиб ўтди.

6 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси дон маҳсулотлари Давлат концерни (“Ўздонмаҳсулот”)ни ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

27 февраль. Тошкентда Давлат сув қурулиши кўмитаси тижорат фаолиятининг тўнгичи — “Ўзташқийқтисодмаш” ташқи иқтисодий уюшмаси тақдими бўлиб ўтди.

28 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Контрактлар ва савдо бўйича Ўзбекистон Давлат акционерлик уюшмасини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

29 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Саудия Арабистонидан республикаemizга келган “Хенел индастриз ЛТД” консорциумининг директори Шайх Холид Аҳмад Али Ризони қабул қилди.

Февраль. Тошкент телеграф-телефон станцияси ва Калинин тумани алоқа узели ўртасида Ўрта Осиё минтақасида биринчи “Сопка” аппаратураси қўлланилган узунлиги 15600 метр бўлган шаҳарлараро шиша толали алоқа магистрали фойдаланишга топширилди.

2 март. Наманган вилоятининг Мингбулоқ қишлоғи яқинида бурғулаш ишлари олиб борилаётган пайтда 5 минг 237 метр чуқурликдан кучли нефть фаввораси отилиб чиқди — нодир нефть кони очилди.

19 март. Нукусда Ўзбекистондаги “Язекс” турк корпорацияси кўмағида барпо этилаётган “Катекс” тўқувчилик комплекси қурилишига биринчи қозик қоқилди.

19 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Наманган вилояти Мингбулоқ конида нефть отилиб чиқишини жиловлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ушбу минтақадаги табиий бойликлардан самарали фойдаланиш бўйича шошилиш чораларни кўриш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

31 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Пахта, пилла, чорвачилик маҳсулотларининг харид нархлари ва пахта толасининг харид нархларини ошириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

7 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Бу-хоро вилояти транспорт ходимларининг бир гуруҳини узоқ йиллик ҳалол меҳнатлари, транспортни ривожлантиришдаги хизматлари ва жамият ҳаёти-даги фаол иштироки учун мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

16 апрель. Ўзбекистоннинг биринчи йўловчи авиалайнери Саудия Ара-бистонининг Жидда шаҳридаги халқаро аэропортига қўнди. Бу Ўзбекис-тон билан Саудия Арабистони ўртасидаги мунтазам ҳаво йўлларининг бош-ланиши бўлди.

21 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбе-кистон Давлат машинасозлик концерни машинасозлик корхоналарининг энг ўрнак кўрсатган ходимларини мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

25 апрель. Ўзбекистон Республикаси Миллий авиакомпанияси учув-чилари Карочига биринчи йўловчи рейсни амалга оширдилар.

Апрель. Самарқандда “Интеросиё-92” Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди, унда қарийб 30 давлат, жумладан, Афғонистон, Корея, Хитой, Япония, МДХ республикаларининг қўшма ва хусусий корхоналари ҳамда фирма-лари ўз маҳсулотларини намойиш этди.

15 май. Тошкентда Ўзбекистон Ижарачилари уюшмасининг биринчи съезди бўлиб ўтди.

18 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ра-диоэлектрон, электротехника саноати ва асбобсозлик Ўзбекистон Давлат концернининг алоҳида намуна кўрсатган ходимларини мукофотлаш тўғри-сида” Фармон чиқарди.

26-28 май. Тошкентда “Инвестиция ҳуқуқи ва Осиё-Тинч океани минтақасидаги сиёсат” мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди.

27 май. Тошкентда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаол-ларининг “Бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмалари фаолияти” мавзуида икки кунлик семинари бўлиб ўтди.

27-28 май. Тошкентда МДХ мамлакатлари энергетикларининг учрашу-ви бўлиб ўтди, унда мамлакатларда электрэнергетикани ривожлантириш истиқболлари ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

28 май. Паркент туманида 500 киловольт кучланишга эга бўлган “Тош-кент” қудратли ёрдамчи станцияси фойдаланишга топширилганлиги ҳақидаги хабар эълон қилинди. Унинг ишга туширилиши билан Сирдарё ва Тошкент ГРЭСларини бирлаштирувчи 500 киловольтли электр узатиш линиясига энди Янги Ангрен иссиқлик станцияси ҳам уланди.

28 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Рес-публика қишлоқ хўжалик корхоналарини қўшимча қийматдан бюджетга солиқ тўлашдан озод қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

4 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Тош-кент шаҳар йўловчи ташиш транспорти бошқарувини такомиллаштириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

4 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонида биноан Наманган вилояти Мингбулоқ конидаги кучли нефть фавворасини жиловлашда ўрнак кўрсатган ишчи ва хизматчиларнинг катта бир гуруҳи Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари ва Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

9-10 июнь. Тошкентда Ўзбекистон Республикасида минерал ресурсларни ўзлаштириш масалалари бўйича Халқаро симпозиум бўлиб ўтди, унда хорижнинг етакчи кон-руда компаниялари вакиллари иштирок этдилар.

10 июнь. Тошкентда (“Ўзбексавдо”) Ўзбекистон “Савдо” Давлат акционерлик ассоциациясининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

13 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Қишлоқ хўжалигининг бир гуруҳ ходимларини тақдирлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

13 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Елабуж енгил автомашиналар заводи қурилишини тугаллашда бирга иштирок этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Татаристон Республикаси ҳукумати ўртасида аҳдлашувлар тўғрисидаги Протокол имзоланди.

Июнь. Андижон механика заводи вагонларни бир-бирига автоматик равишда улайдиган механизм учун гидрогазли ютувчи ускуналарнинг тажриба ўтказилган туркумини ишлаб чиқарди. Бу принцип жиҳатдан янги конструкция Москва темир йўл транспорти муҳандислари институти олимлари томонидан ишлаб чиқилган.

3 июль. Фарғонада ёш фермер ва ижарачиларнинг республика қурултойи ўз ишини якунлади.

14 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Швейцариянинг “Штахель Хардмайер” компанияси раҳбари Оливер Штахель ва Италиянинг “Супер-Райфл” компанияси бошлиғи Коррадо Фратинини қабул қилди.

14 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Чорва ва сут харид нархларини ошириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

16 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жанубий Кореянинг машҳур “Самсунг” фирмаси вице-президенти Ж. Ким бошчилигидаги фирма раҳбарияти вакиллари билан учрашди.

24 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Республикада касса операцияларини тартибга солиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

24 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш ва ҳимоялаш тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

30 июль. Тошкентда Хитой халқ истеъмолчи моллари кўرғазмаси очилди. Кўрғазмада Хитойнинг 15 вилоятининг 60 дан ортиқ фирма ва компанияларида тайёрланган ўн мингдан ортиқ номдаги маҳсулотлар намойиш этилди.

Июль. Тошкентда куруқликда, ҳаво ва денгиз транспорти турларида юклар ташилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистоннинг “Транстуркистон” Халқаро нодавлат транспорт экспедиторлик компанияси тузилди.

1 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жанубий Корея “ДЭУ” корпорацияси раиси Ким У Жунгни қабул қилди.

7 август. В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ИЛ-114 самолётининг биринчи синов парвози бўлиб ўтди. Уни учувчилар И. Р. Зокиров ва В. П. Григорьев амалга оширди.

12 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида” Қарор қабул қилди.

13 август. Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаш X сессиясида қабул қилинган “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди.

20 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ГФРнинг иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича Федерал министри Карл-Дитер Шпрангерни қабул қилди.

24 август. Тошкентда Жанубий Кореянинг “ДЭУ” корпорацияси ва Ўзбекистон Давлат концерни “Автоқишхўжмаш” ўртасида Андижон вилоятининг Асака шаҳрида йилига 180 минг автомобиль ишлаб чиқарадиган автомобиль заводини қуриш тўғрисида Шартнома имзоланди.

26 август. Тошкент аэропортига Шинжон миллий авиакомпаниясининг ТУ-154 самолёти йўловчилари билан қўнди. Ушбу рейс билан Урумчи ва Тошкент ўртасида мунтазам йўловчи ташиш алоқаси йўлга қўйилди.

17 сентябрь. Тошкентда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) корхоналари раҳбарларининг электр, электротехника ва саноатнинг бошқа тармоқларида иқтисодий можароларни ҳал этиш масалаларига бағишланган учрашуви бўлиб ўтди.

25 сентябрь. Тошкент билан Хитойнинг Шинжон-Уйғур мухтор тумани маркази Урумчи ўртасида мунтазам темирйўл йўловчи транспорти ҳаракати очилди.

25 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ишбилармонларининг семинари очилди.

Сентябрь. Чимбойда Ўзбекистонда биринчи кудратли музлатгич қурилма ишга тушди, мазкур музлатгич камералари 24 даража совуқликда 500 тонна гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни сақлай олади.

Сентябрь. Тошкентда халқаро ҳуқуқ ва хусусий бизнес бўйича уч кунлик Ўзбекистон-Евроамерика симпозиуми бўлиб ўтди.

22 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Пахтанинг харид нархларини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

26 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Голландиянинг “Аальберс Еуропа консалтанс” фирмаси президенти К. Аальберсни қабул қилди.

30 октябрь. Ўзбекистон авиаторлари Тошкент — Лондон — Тошкент янги ҳаво йўлини очдилар.

Октябрь. Тошкентда “Тошкент трактор заводи” бирлашмаси билан Хитойнинг “Фансу” фирмаси мини трактор ишлаб чиқиш бўйича қўшма корхона тузди.

2 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Республикада иқтисодий ислохотларни амалга ошириш масалалари бўйича қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш жамоатчилиқ комиссиялари ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

6 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жанубий Кореянинг дунёга машҳур “ДЭУ” корпорацияси президенти Ким У Жунгни қабул қилди.

7 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотини сотиш бўйича Ўзбекистон Давлат акционерлик ассоциацияси (“Ўздавпахтасаноатсотиш”)ни ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

13 ноябрь. Тошкентда пахтани жиддий қайта ишловчи асбоб-ускуналарнинг ихтисослаштирилган биринчи Халқаро кўرғазмаси “Пахта-92” бўлиб ўтди.

13 ноябрь. Тошкентда В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

18 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон сув ҳўжалиги қурилиши (“Ўзсувқурилиш”) Давлат концернини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

21 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон Давлат қурилиш материаллари ишлаб чиқариш (“Ўздавқурилиш-материал”) концернини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

27 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов республикага ташриф буюрган Европа тикланиш ва тараққийёт банкининг президенти Жак Аталини қабул қилди.

Ноябрь. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси Тошкент—Пекин—Тошкент янги халқаро ҳаво йўлини очди. Пекинга биринчи рейсни “ТУ-154” самолётида командир А. Э. Арапбоев амалга оширди.

Ноябрь. Республикада биринчи Самарқандда ташкил этилган автотиғиш корхонаси — “Ликино — Тольятти — Самарқанд” акционерлик кўптармоқли жамияти ҳамма қулайликларга эга бўлган биринчи шаҳар автобусини ишлаб чиқарди.

Ноябрь. Республикада “Ўзсепард” биринчи ўзбек-эрон қўшма корхонаси ташкил этилди. Ушбу корхонани юқори сифатли ювиш воситалари, пойабзал ва кийим-кечак ишлаб чиқаришда донг таратган “Сепард” саноат гурӯҳи корхоналари ҳамда “Маҳаллий саноат” давлат корпорацияси-

нинг манфаатларини ифодаловчи “Шарқ” ташқи савдо бирлашмаси ҳамкорликда ташкил этишди.

Ноябрь. Ўзбекистон собиқ Иттифоқнинг барча ишбилармонларини бирлаштирувчи Халқаро саноат ва тадбиркорлар конгресси (ХСТК) аъзолигига қабул қилинди.

1 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикасининг транспорт қурилиши корхоналарини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

3 декабрь. Тошкентда 2 минг номерли янги электр рақамли “Система-12” АТСи ҳамда Туркиянинг “Телеташ” фирмасининг йўлдош электр алоқаси расман фойдаланишга топширилди.

4 декабрь. Тошкентда Ўрта Осиё сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш учун минтақамизнинг мустақил давлатлари томонидан ташкил этилган Халқаро давлат сув ҳўжалиги комиссияси (ХДСК) ўз ишини тугаллади.

3-9 декабрь. Тошкентда Туркия экспорт маҳсулотларининг Ўзбекистондаги илк кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада Туркиянинг юзга яқин давлат ва хусусий фирмалари маҳсулотларининг намуналари намойиш этилди.

15 декабрь. Наманган вилоятининг Задарё туманидаги “Наманган” совхозида қурилган ўзбек-италия “Тошкент-коттон” акционерлик компаниясининг “Оққум” фабрикаси спорт кийимлари, жинсиларнинг биринчи туркумини чиқарганлиги хабар қилинди.

Декабрь. Асака шаҳрида қурилган “Интер-Ўзбекистон” ташқи иқтисодий илмий-ишлаб чиқариш савдо бирлашмаси “Кузаган” фирмасининг полиэтилен заводи маҳсулотларининг биринчи туркуми чиқди.

1993 ЙИЛ

7 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ГФР Иқтисодий ҳамкорлик вазирлиги давлат котиби Вигхарт Хердтлни қабул қилди.

8 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон автомобиль транспорти (“Ўзавтотранс”) Давлат акционерлик корпорациясини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

9 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида”ги Қарорининг баёни эълон қилинди.

16 январь. Фарғона абонент телефон тармоғи халқаро автоматик телефон тармоғига уланди, бу Фарғона аҳолисига дунёнинг исталган мамлакатига келишилган халқаро кодлар бўйича кўнғироқ қилиш имкониятини беради.

26 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш Ўзбекистон Давлат акционерлик концерни (“Ўздававтойўл”)ни ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Январь. Самарқанддаги “Хужум” шойи ишлаб чиқариш фабрикаси қошида Афғонистонда яшовчи Ўзбекистонлик муҳожирлар томонидан сақлаб қолинган миллий гилам ва хонатласни қадимий услубда ишлаб чиқариш бўйича “Афғон-Бухоро-Самарқанд” қўшма корхонасининг махсус цехи очилди.

Январь. Урганч шина таъмирлаш заводи 50 минг километр юришга мўлжалланган автопокришқалар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Январь. Навоий вилоятида маҳаллий фосфорит кони базасида технологик ва иқтисодий жиҳатдан энг замонавий бўлган фосфор ўғитлари ишлаб чиқарувчи Ўзбекистонда биринчи комбинат қурилиши бошлаб юборилди.

Январь. Самарқанддаги тажриба-экспериментал механика заводи “Фарҳод” кўп юк оладиган ағдарма машиналарнинг биринчи туркумини ишлаб чиқарди.

Январь. Нукусда тональ мажмуи станцияси ишга туширилди, у Қорақалпоғистон пойтахти аҳолисини йўлдош орқали чет эл абонентлари билан боғлади.

8 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Тошкент давлат акционерлик қурилиш корпорациясини (“Тошкентқурилиш”) ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

10 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Франциянинг мамлакатимизга ташриф буюрган “Сосете националь Эльф Акитен” давлат компанияси президенти Лоик Ле Флок Прижан бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.

10 февраль. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Халқаро почтамити тузилди.

16 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари учун низомдаги сармоянинг энг оз миқдорини ўзгартириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

16 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония Ташқи ишлар вазирлиги иқтисодий ҳамкорлик бошқармаси бош директори ўринбосари Хидеаки бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

17-19 февраль. Тошкентда “Жамиятдаги сиёсий ҳамжиҳатлик иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг муҳим шarti” мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди.

22 февраль. Тошкентда “Хусусийлаштириш — иқтисодий ислохотнинг, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим омили” мавзуида Халқаро семинар иш бошлади.

10 март. Тошкентда пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотини сотиш бўйича Ўзбекистон Давлат акционерлик ассоциациясининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди.

Март. Тошкентда Жанубий Кореянинг маиший электротехника, компьютер автоматик идора жиҳозлари, шунингдек, sanoat ва маиший маҳсу-

лотлар ишлаб чиқаришда дунёда етакчи ўринлардан бирида турган “Гол-детар” фирмаси маҳсулотлари кўрғазмаси бўлиб ўтди.

Март. Тошкент “Фотон” ишлаб чиқариш бирлашмасида “Нодира-305” оқ-қора тасвирли телевизорларни ишлаб чиқариш конвейерга қўйилганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди.

3 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон гўшт ва сут саноати Давлат акционерлик уюшмасини (“Ўзгўштсут-саноат”) ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

4 апрель. “Самарқандгеология” бошқармасининг Фаллаорол геология қидирув мутахассислари Жиззах вилоятида Ўзбекистонда биринчи йирик темир рудаси конини очганликлари ҳақида хабар эълон қилинди.

8 апрель. Қорақалпоғистоннинг Тахтакўпир посёлкасида соатига 100 куб метр сувни тозаловчи ва чучуклаштирувчи ҳамда 17 минг аҳолини аъло сифатли ичимлик сув билан таъминлай олувчи Ўзбекистонда биринчи қурилма ишга туширилди. Ушбу қурилма ГФР Қизил Хочининг туҳфасидир.

20 апрель. Тошкентда 30 мамлакатнинг миллий фирма, банк ва компаниялари раҳбарлари иштирокида Бугунжаҳон Иқтисодий анжумани мажлиси бўлди.

Апрель. Нукус кабель заводининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.

Апрель. Чирчиқ трансформатор заводи қуруқ трансформаторлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Илгари улар республикага Боқудан келтирилди.

Апрель. Оҳангароннинг “Сантехлит” заводи ва Навоий тоғ-металлургия комбинати вакилларига ушбу корхоналарда чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори сифати учун Мехикода халқаро маҳсулот белгиси “Олмос юлдузи” берилганлиги тўғрисида дипломлар топширилди.

5 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Пул муомаласини тартибга солиш ва республика истеъмол бозорини ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

5 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзозиковқатсаноат” концернини “Ўзбекистон Давлат акционерлик концернига айлантириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

6 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Швейцариянинг “ЮБС” банки бошқаруви раиси доктор Н. Сенн бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

8 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов дунёдаги йирик банклардан бири — “Дойче банк” бошқарув кенгаши аъзоси жаноб Георг Крупп бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

10 май. Тошкентда Ўзбекистонда биринчи компьютер технологияларининг мустақил кўрғазмаси очилди.

13-14 май. Тошкентда “Бозор иқтисодиётининг ривожланиш тамойилари” мавзуида биринчи Халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

15 май. Нукусда Туркиянинг “Язекс” корпорацияси ёрдамида бунёд этилган “Катекс” тўқимачилик комплекси дастлабки маҳсулотини ишлаб чиқара бошлади.

18 май. Тошкентда электр алоқаси тарифларини белгилаш масалаларига бағишланган Халқаро семинар иш бошлади.

18 май. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий компанияси навбатдаги Тошкент — Бангкок янги халқаро маршрутини очди. “ИЛ-62 М” самолётининг биринчи рейсини кема командири Виктор Атланов бошқарди.

25 май. Тошкентда “Кон-руда саноатидаги амалий муносабатларнинг фарбга хос йўли” Халқаро семинари ўз ишини бошлади.

25 май. Тошкентда МДХда бухгалтер ҳисоби ва ҳисоботи услубиёти бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг мажлиси очилди.

25 май. Тошкентда “Механика ва машинасозликнинг муаммоли масалалари” мавзуида Халқаро илмий-амалий конференция очилди.

26-29 май. Тошкентда “Жаҳон аграр тажрибаси ва Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги” мавзуида биринчи Халқаро конференция бўлиб ўтди.

27 май. Тошкентда МДХ табиатни муҳофаза қилиш вазирликлари ва идоралари раҳбарлари иштирокида Давлатлараро иқтисодий кенгаш (ДИК)нинг III сессияси ўз ишини бошлади.

27 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Пахта, қорамол ва сут, мева-сазбавот маҳсулотлари айрим турларининг харид нархларини ошириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

27-29 май. Тошкентда бозор иқтисодиётида бухгалтерлик ҳисоби ва аудити бўйича биринчи Халқаро конференция бўлди.

Май. Тошкентда Ўзбекистонда биринчи шоли мойи чиқиндисидан кир совун ишлаб чиқарувчи “Тэдоган” ўзбек-корейс қўшма корхонаси очилди.

7-10 июнь. Тошкентда “Меҳнат бозори ва Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш” мавзуида минтақавий семинар бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов семинар иштирокчиларига табрик йўллади.

25 июнь. Самарқанд — Қарочи маршрути бўйича биринчи халқаро йўловчи авиарейси амалга оширилди. Уни И. Сайдаҳмедов бошчилигидаги ТУ-154 лайнери экипажи бажарди.

27 июнь. Бухорода Ўзбекистон Республикаси ишбилармонлари доираси вакилларининг биринчи республика семинари тугалланди.

28-30 июнь. Тошкентда бизнес соҳасидаги Ўзбекистон ва Германия ишбилармонлари, бизнес соҳасидаги мутахассислар вакилларининг биринчи учрашуви бўлиб ўтди.

29 июнь. Тошкентда “Турдиёр” ўзбек-турк қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган молларнинг биринчи кўргазмаси бўлиб ўтди.

Июнь. Тошкентда толали оптик алоқа (ТАЕ лойиҳаси) қурилиши Трансосиё — Европа линияси трассаси вариантларини аниқлаш бўйича биринчи Халқаро конференция бўлиб ўтди.

1 июль. Тошкент вилояти Бўка шаҳрида аккумулятор ишлаб чиқарувчи ўзбек-турк қўшма корхонасини ишга туширилиши бўйича тантанали маросим бўлиб ўтди.

15 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон Республикасида коммунал хизмат кўрсатишни бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

17 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни сақлаш учун ҳисоб-китобларнинг контрактли (шартномали) тизимига ўтиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

21 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғармани ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Июль. Тошкент радиоэлектрон аппаратуралар заводи “Семурғ” ўзбек-ҳинд телевизорининг биринчи туркумини ишлаб чиқарди.

Июль. Тошкент “Элбор” ишлаб чиқариш бирлашмаси тошга қайта ишлов бериш саноати учун олмос тахтачаларининг дастлабки тажриба туркумини ишлаб чиқарди.

Июль. “Тошкент трактор заводи” ишлаб чиқариш бирлашмаси “ТТЗ-30” русумли янги универсал тракторларнинг дастлабки туркумини ишлаб чиқарди.

Июль. Ховос-Бекобод темир йўлининг 40 километрлик электрлаштирилган янги участкасида электр поездлар қатнови бошланди.

Июль. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Автомобиль Федерацияси (ЎЗРАФ) таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Июль. “Тошқишмаш” заводида янги модификациядаги биринчи “ХМ-01” прицепли пахта териш машинаси йиғилди.

Июль. Наманган вилоятининг Поп туманида пушти ранг гранит қазиб чиқариш бошланди. Бундай гранит кони Ўзбекистон ҳудудида биринчи марта топилди.

6 август. Жанубий Кореянинг Тэчжон шаҳрида “Экспо-93” Халқаро кўرғазмаси очилди. Кўрғазмада Ўзбекистон экспозицияси ҳам намоиш этилиб, кумуш медаль билан тақдирланди.

10 август. Тошкентда Ўзбекистонда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш жамғармасининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

15 август. Тошкентда Эрон Ислоҳ Республикасининг индустриал-тижорат кўрғазмаси очилди.

Август. Уч юз километрли Дамхўжа — Навоий — Бухоро сув йўли ишга туширилди.

Август. Олмаликдаги “Аммофос” ишлаб чиқариш бирлашмасида Ўзбекистонда биринчи ғўзапоядан ёғоч-толали тахталар тайёрловчи цех ишга туширилди.

Август. Тошкентда эркакларнинг трикотаж ич кийими ҳамда кўйлагини чиқарадиган “Шухрат” ўзбек-турк қўшма корхонаси очилди.

Август. Тошкентда “Таълим, бандлик ва инсон ресурсларини ривожлантириш” шиори остида ЮНЕСКОнинг Халқаро семинари бўлиб ўтди.

6-7 сентябрь. Тошкентда “Ўзбекистон ва халқаро банк капитали: ҳамкорлик истиқболлари” мавзuida Халқаро банклар конференцияси бўлиб ўтди. Унинг ишида бодан ортиқ йирик банклар ва халқаро молия ташкилотларининг вакиллари иштирок этди.

8 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Дойче банк АГ” банкининг бошқарувчи директорлар кенгаши аъзоси Георг Крупп раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

10 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Сугориладиган ерларда бошоқли экинлар донини ялпи йиғиб-териби олишни кўпайтириш чоралари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

13 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов доктор Эдуарт Рейтер бошчилигидаги “Даймлер Бенц АГ” концерни делегациясини қабул қилди.

15 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Қарши ихтисослаштирилган қурилиш” бирлашмасининг алоҳида ўрناق кўрсатган бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

15 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов доктор Эрнст Пипер бошчилигидаги Германия иқтисодиётининг Шарқий Европа мамлакатлари Кўмитаси делегациясини қабул қилди.

16 сентябрь. Тошкентда МДХ мамлакатлари ва жаҳон ҳамжамияти энергетиклари касаба уюшмалари делегациялари иштирок этган Халқаро семинар иши тугади.

17 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажаришда алоҳида ўрناق кўрсатган бир гуруҳ меҳнаткашларни мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

21 сентябрь. Навоий вилояти Томди туманидаги Жабай Балимонов номи жамоа хўжалигида икки марта Меҳнат Қаҳрамони, фахрий академик Жабай Балимоновнинг 100 йиллик юбилеи тантанали нишонланди. Жамоа хўжалигининг марказий кўрғонида донгдор чўпоннинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи музей очилди.

21 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Юнайтед техноложис” корпорацияси президенти Жорж Дэвид бошчилигидаги АҚШ ишбилармонлари делегациясини қабул қилди.

23 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Тошкент тўқимачилик комбинати” ип-газлама ишлаб чиқариш бирлаш-

масининг алоҳида ўрناق кўрсатган ходимларидан бир гуруҳини тақдирлаш тўғрисида Фармон чиқарди.

Сентябрь. Узунлиги 1200 километр бўлган Тошкент — Нукус йўналиши бўйлаб шаҳарларо йўловчи автобуси қатнови очилди.

14 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Уильям Райри раҳбарлигидаги Халқаро молия корпорацияси делегациясини қабул қилди.

21 октябрь. Туркиянинг Кушадаси шаҳрида қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш бўйича V Халқаро конгресс ўз ишини якунлади. Унда Ўзбекистон олимлари академик Ш. У. Йўлдошев ва биология фанлари доктори, профессор Л. Т. Турсунов биринчи марта иштирок этишди.

21 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Британиянинг “Лонро” корпорацияси раиси Дитер Ханс Бок бошчилигидаги ишбилармонлар делегациясини қабул қилди.

22 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти Вильфред Талвицни қабул қилди.

28 октябрь. “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмасида Ўзбекистонда биринчи марта саноат шароитида капралактам асосида ҳам техник, ҳам маданий ва маиший соҳаларда кенг қўлланадиган “Полиамид-6” олинганлиги ҳақидаги хабар эълон қилинди.

28-29 октябрь. Тошкентда Саноатчилар ва тадбиркорлар ассоциацияси Халқаро конгресси кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Октябрь. Тошкентда “Тошкент-93” Халқаро кўргазмаси бўлди. Унда Осиё-Тинч океани минтақасидаги мамлакатлар энгил саноати кенг истеъмол моллари ва буюмлари намойиш этилди.

2-7 ноябрь. Тошкентда “Компьютер — Марказий Осиё-93” технологик кўргазмаси ўтказилди. Унда компьютер ишлаб чиқарадиган 30 дан ортиқ етакчи фирмалар, шу жумладан, Япония, Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур фирмалари иштирок этишди.

3 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Энрю Гельф бошчилигидаги француз тадбиркорлари делегациясини қабул қилди.

3 ноябрь. Хоразм вилоятининг Хазорасп туманида қанд-шакар ишлаб чиқарадиган ўзбек-турк қўшма корхонаси пойдеворига биринчи ғишт кўйилди.

11-12 ноябрь. Тошкентда “Ўзбекистонда бухгалтерлик ҳисоби, солиқ солиш ва нарх белгилаш соҳасидаги янгиликлар. Халқаро ҳисоб тизими асослари” мавзuida Халқаро семинар бўлиб ўтди.

18 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаларининг таъсис съезди бўлиб ўтди.

18 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Франциядаги “Луис Дрейфус” компанияси раҳбарлари — компания эгаси ва

президенти жаноб Жерард Луис Дрейфус, компания вице-президенти Жан Мари Фишер, бош директори Жорж Гатефни қабул қилди.

27 ноябрь. Тошкентда Покистон фирмалари халқ истеъмоли моллари кўрғазмаси очилди.

Ноябрь. Андижон туманидаги Оқёр мотор таъмирлаш заводи ҳузуридаги “Тиксанги” ўзбек-турк қўшма корхонаси 37 хил операцияни бажарадиган “Зигзаг” тикув машиналаридан биринчи туркумини ишлаб чиқарди. У Марказий Осиёда шу йўналишдаги ягона корхонадир.

10 декабрь. Тошкентда қурилиш материаллари ва технологиялари жиҳозлари Халқаро кўрғазмаси очилди.

15 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов республикада меҳмон бўлиб турган Буюк Британиянинг “Б.А.Т.Индастриз” компаниясининг раиси Патрик Шихи бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

20-21 декабрь. Тошкентда “Европа ва Осиёдаги янги давлатларнинг ўзаро иқтисодий таъсири” мавзuida Халқаро конференция бўлиб ўтди.

29 декабрь. Ховос — Жиззах электрлашган темир йўл участкаси фойдаланиш учун қабул қилинди.

Декабрь. “Ўзбекхиммаш” заводи юқори сифатли маҳсулот учун “Халқаро олтин юлдуз” билан мукофотланди, қароргоҳи Мадридда жойлашган Халқаро Савдо раҳбарлари клуби эса завод жамоасини “1993 йилдаги энг яхши савдо шухрати учун” фахрий соврини билан тақдирлади.

Декабрь. Намангандаги “Ремдеталь” заводи Ўзбекистонда илк бор электр иситгичларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Илгари бу иситгичлар Россиядан келтириларди.

Декабрь. Узунлиги 34 километр бўлган Муборак — Когон газ қувири ишга туширилди.

Декабрь. Муборак газни қайта ишлаш заводида ўн тўртинчи блок фойдаланишга топширилди. Натижада завод Ўзбекистонда истеъмол қилинадиган бу қимматли ёқилғининг 80 фоизидан 70 фоизини қайта ишлаб, тоза-лаб истеъмолчиларга бера бошлади.

1994 ЙИЛ

4 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси экспорт имкониятларини оширишни янада рағбатлантириш чоралари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

6 январь. Жиззах аккумулятор завоидига маҳсулот сифати учун “Халқаро олмос юлдуз” берилганлиги тўғрисида Гвадалахара (Мексика)даги Миллий маркетинг институтидан олинган хабар эълон қилинди.

6 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон Республикаси жамоа ҳўжаликларининг намунавий уставини тасдиқлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

11 январь. Нукусда Орол денгизи муаммолари бўйича Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Россия Федерацияси ҳукумат делегацияси иштирокидаги иккинчи конференцияси бўлиб ўтди.

12-13 январь. Тошкентда ижтимоий муаммоларга бағишланган Халқаро конференция бўлди.

21 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

24 январь. Қозоғистон ва Қорақалпоғистон пойтахтлари ўртасида мунтазам темир йўл қатнови йўлга қўйилди. Алматидан Нукусга “Орол” тезюрар йўловчи поезди етиб келди.

25-26 январь. Тошкентда саноатчилар ва тадбиркорлар Халқаро конгресси кенгашининг мажлиси ҳамда Россия ва Ўзбекистон саноат корхоналари раҳбарларининг икки томонлама учрашуви бўлиб ўтди.

Январь. Ўзбекистон қийин эрувчан ва ўтга чидамли металллар комбинати республикада илк бор чўланма электр лампалар ишлаб чиқара бошлади.

Январь. Наманган билан Санкт-Петербург ўртасида мунтазам авиарейс очилди.

Январь. Соя мойи ва соя соуси ишлаб чиқарадиган “Часон сикрекул” (“Корея озиқ-овқат технологияси”) ўзбек-корейс корхонаси ишга туширилди.

9-12 февраль. Жаҳондаги энг йирик банклардан бири — Ж. П. Морган банки (АҚШ)нинг банк бошқарувчи директори жаноб Альфредо Гутierrez, вице-президенти жаноб Роберт Грей ва иқтисодчиси жаноб Петер Ворфингтондан иборат делегацияси Тошкентда бўлди.

17 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон металлургия заводини Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди. Шу куннинг ўзида Президент “Ўзбекистон металлургия заводи ишчи ва хизматчиларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

21-26 февраль. Тошкентда чет эл фирмалари концерни “Тексуна компанияси гуруҳи” халқ истеъмол молларининг кўргазмаси бўлиб ўтди.

22 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Республикамизда меҳмон бўлиб турган жаноб Чино Тадао бошчилигидаги Япония модернизациялаш жамияти делегациясини қабул қилди.

24 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ва “Чорвачиликда ислохотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қарорлар қабул қилди.

25 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида солиқ солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Февраль. Эндрю Гельфи бошчилигидаги француз бизнесменлари делегацияси мамлакатимизга ташриф буюрди. Икки кунлик музокаралар чоғида Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи қуриш ва Тошкентда меҳмонхона барпо этиш ҳақида келишувга эришилди.

Февраль. Андижонда ёш тадбиркорлар ва бизнесменларнинг биринчи конференцияси бўлиб ўтди.

Февраль. Қўқон тўқимачилик машинасозлиги заводи Ўзбекистонда биринчи бўлиб “Тико” русумли автомобилларга домкратлар чиқара бошлади.

Февраль. Тошкентда иқтисодий ҳамкорлик бўйича ўзбек-япон кўмитаси тuzилди.

Февраль. Тошкентда валюта ислоҳотининг монетар муаммоларига бағишланган Халқаро семинар бўлиб ўтди.

4 март. Наманганда кўчмас мулкни сотиш бўйича республикада биринчи кимовиди савдоси бўлиб ўтди.

5 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Республикада уй-жой қурилишини рағбатлантириш ва ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

9-10 март. Тошкентда чет эл инвестицияларини Ўзбекистонга жалб этиш муаммолари бўйича Халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференция қатнашчиларидан бир гуруҳини Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов қабул қилди.

11 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Франциянинг Ўзбекистон билан алоқалар бўйича Француз Миллий Кенгаши Президенти, Франция тадбиркорлари Миллий Кенгаши вице-президенти Филипп Жискар д’Эстен бошчилигидаги тадбиркорлар гуруҳини қабул қилди.

12 март. Мехико шаҳрида “Ўзэлектроаппарат” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси вакилларига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юқори сифати учун “Сифат учун Халқаро элмос юлдуз” мукофоти топширилди.

15 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон Республикасида мулкни Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

18 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва боғхона тўғрисидаги қонунларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

18 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Савдога ва тижоратга кўмаклашувчи “Савдогар” ихтисослаштирилган акционерлик тижорат банкини ташкил этиш ҳақида” Фармон чиқарди.

27 март. Тошкентда “Кока-кола” чанқовбосди ичимлиги ишлаб чиқарувчи кўшма корхона — “Кока-кола ичимлиги Тошкент ЛТД” очилди.

Март. Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида чарм буюмлар ишлаб чиқариш бўйича хитойлик шериклар иштирокида ташкил этилган “Наврўз” кўшма корхонасининг биринчи навбати ишга туширилди.

Март. Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида графит-гипс комбинатининг биринчи навбати ишга туширилди.

Март. Марғилондаги “Ёдгорлик” жамоа корхонаси ўтмишда машҳур бўлган дигар шойи газламалар — “Қалампир”, “Капалак”, “Қўчқоршоҳ”, “Бешпанжа”нинг дастлабки туркумини ишлаб чиқарди. Кўп йиллар илгари вужудга келган бу газламаларни тайёрлаш усуллари мусаввирлар Муҳаммаджон Мамадалиев ва Турғунбой Мирзааҳмедов ташаббуси билан қайта тикланди. Бу ишни улар кекса усталар, матоларнинг сақланиб қолган намуналари, расмлар ва фотосуратлардан фойдаланган ҳолда амалга оширдилар.

Март. Тошкентда “Ўзбекистон Республикасида ички истеъмол учун газометрик системани ўрнатиш” мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди.

Март. Тошкентда янги техника ва илгор технология бўйича Ўзбекистонда биринчи “Инновация-94” кўргазмаси очилди.

13 апрель. Урганчда Газлидан Хоразм вилоятига газ келишига бағишланган жамоатчилик митинги бўлиб ўтди.

12-14 апрель. Тошкентда “Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иш билан машғуллик ва хусусий сектор корхоналарини ривожлантириш” мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди.

18 апрель. Мадрида “Ўзэлектроаппарат” илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига ўз маҳсулотининг юқори сифати учун сазовор бўлган “Европа олтин юлдуз арки” Халқаро мукофотини топшириш маросими бўлди.

20 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назоратини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

20 апрель. Тошкентда Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида республикамизнинг айрим ҳудудларида ичимлик сув сифатини яхшилашга техникавий ёрдам кўрсатиш ҳамда материал ва жиҳозлар етказиб бериш, аҳолининг экологик савиясини ошириш масалалари бўйича ҳукуматларо Меморандум имзоланди.

22 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўздонмаҳсулот” Давлат концернини “Ўздонмаҳсулот” Давлат-акционерлик корпорациясига айлантириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

23 апрель. Тошкентда дастлабки республика биржа ва ярмарка савдолари бўлиб ўтди.

25 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Меридит Жонс групп” Британия компанияси раиси Найжел М. Жонсни қабул қилди.

Апрель. Узунлиги 94 километр бўлган Газли — Нукус газ қувурининг биринчи навбати ишга туширилди. Газ қувури Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистоннинг жанубий туманларини Туркменистон газига боғлиқ бўлишдан халос этди.

Апрель. “Олимпик-Тошкент-Фурс” ўзбек-грек қўшма корхонасида ўзбек қорақўлидан тайёрланган мўйна буюмлар Новосибирскда бўлиб ўтган “Сибпушнина” Халқаро кўргазмасида Олтин медалга сазовор бўлди.

Апрель. "Андижонкабель" бирлашмаси жамоаси республикамизга илгари четдан келтирилган алюминий симини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Апрель. Тошкентда олтин қазиб чиқариш ва олмосга ишлов бериш бўйича "Ўзолмосолтин" Ассоциацияси муассисларининг ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди.

10 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Швейцариянинг "Креди свисс" банки директорлар кенгашининг раиси Райнер Гут бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

13 май. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ҳукумат вакиллари билан ГФР иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт Федерал вазирлигининг Бернард Швейгер бошчилигидаги делегацияси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги музокараларнинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Ҳукуматлараро якунловчи Протокол, шунингдек, молиявий ва техникавий ҳамкорлик ҳақидаги Битим имзоланди.

13 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Британиянинг "Лонро" компанияси президенти Дитер Бокни ва ушбу компания директори Жон Платс-Милсни қабул қилди.

17-19 май. Тошкентда "Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимининг иқтисодий фаоллик ва сармоя сарфлашга таъсири" мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди.

26 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Қўшимча қийматдан олинандиган солиқ миқдорини камайтириш тўғрисида" Фармон чиқарди.

26 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк Британия савдо ва саноат давлат вазири Тим Эггарни қабул қилди.

31 май. Тошкентда "Марказий Осиё давлатларида иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар" мавзуида Халқаро семинар очилди.

Май. Самарқанд вилоятининг Қўшрабод туманида шифобахш ўсимликлар етиштириш бўйича Ўзбекистонда биринчи "Фозилмон" давлат хўжалиги ташкил этилди. Бундай ўсимликлар экиш учун 20 минг гектарга яқин ер майдони ажратилди.

Май. Тошкентда "Банк ва офис ускуналари. Марказий Осиё-94" кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда жаҳонда ксерография ускуналари етказиб берувчи машҳур фирма бўлган "Рэни Ксерокс" инглиз-америка фирмаси иштирок этди.

Май. Самарқанд вилоятининг Ургут шаҳрида республикада иккинчи хусусий банк "Олиббанк" очилди.

Май. Шаҳрихон таъмирлаш заводида минерал ўғитларни далага чиқарадиган агрегатлар ишлаб чиқарила бошланди. Илгари бундай агрегатлар республикага четдан келтирилди.

Май. Тошкентда "Макроиқтисодийёт сиёсатига кириш ва молиявий дастурлаштириш" мавзуида Халқаро валюта фондининг (ХВФ) Халқаро минтақавий семинари бўлиб ўтди.

Май. “Андижонирмаш” заводи негизда ташкил этилган “ЎзЭКС” Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси жамоаси дастлабки беш эксковаторни тайёрлади. Илгари бундай эксковаторлар фақат Киев ва Тверда чиқариларди.

Май. Бухоро вилояти Жондор туманида йигирма километрли канал фойдаланишга топширилди. Бу канал орқали бир вақтлар қақроқ дашт бўлган Варахша ва Мохонқўл кенгликлариغا сув етиб борди.

4-12 июнь. Тошкентда “Греция товарлари” кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада Грециянинг 34 та етакчи фирмалари моллари намойиш қилинди.

5-8 июнь. Тошкентда “Халқ истеъмоли моллари-94” Халқаро савдо кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Германия, Италия, Бельгия, Голландия, Кипр, Покистондан фирмалар иштирок этишди.

7 июнь. Тошкентда матбуот жамиятлари Уюшмасининг XVIII курултойи бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов курултой қатнашчиларига табрик йўллади.

7 июнь. Тошкентда ташқи банк алоқаларини бошқариш масалалари бўйича Халқаро семинар бошланди.

12 июнь. Наманган вилоятидаги Мингбулоқ конида ишга солинган биринчи қудуқдан саноат нефти олинди.

14 июнь. Тошкентда замонавий матбаа техникаси ва технологияси бўйича Халқаро семинар очилди.

14-20 июнь. Тошкентда Покистон товарлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

17 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Экспорт имкониятини кенгайтириш борасида корхоналар фаолиятини рағбатлантиришга оид тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

18 июнь. Хоразм вилояти Дўстлик шаҳрида автомобиль ишлаб чиқариш бўйича ўзбек-герман қўшма корхонасида дастлабки юзта “Мерседес-Бенц” юк машинаси йиғилгани тўғрисида хабар эълон қилинди.

22 июнь. Тошкентдаги Республика кўчмас мулк биржасида дастлабки савдо бўлиб ўтди.

28 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноб Томас Свейн бошчилигидаги Американинг “Чейз Манхэттен банк” делегациясини қабул қилди.

Июнь. Ўзбекистон Истамбулда бўлиб ўтган Евроосиё саноат кўргазмасида иштирок этди.

Июнь. Ўзбекистон ишбилармонларидан бир гуруҳи Европа мамлакатлари бўйлаб 17 кунлик ўқув турида бўлди. Улар Польша, Германия, Бельгия, Туркияда бўлиб, кичик ва ўрта бизнеснинг йўлга қўйилгани билан танишдилар.

Июнь. Хоразм вилоятидаги Тупроққалъа массивида кўриқ ерларни ўзлаштириш ишлари бошланди.

5 июль. Тошкентда Хитой Халқ Республикаси Шинжон-Уйғур автоном тумани халқ истеъмоли моллари кўргазмаси очилди.

5 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Американинг жаноб Генри Маллер бошчилигидаги “Тайм ИНК” корпорацияси делегациясини қабул қилди.

12 июль. Чимбой шаҳрида Қўнғирот—Нукус—Чимбой маршрути бўйлаб мунтазам поездлар қатнови йўлга қўйилганлигига бағишланган митинг бўлиб ўтди.

14 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Япониянинг “Марубени корпорейшн” компанияси делегацияси раҳбари, бошқарувчи директор Хироси Мацумурани қабул қилди.

16 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ГФР иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт Федерал вазирлиги расмий делегациясининг раҳбари, парламент давлат котиби Ганс Петер Репникни қабул қилди.

18 июль. Тошкентда Халқлар дўстлиги саройида Марказий Осиё мамлакатлари — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистонда Германиянинг Конрад Аденауэр фонди фаолиятининг бошланиши муносабати билан унинг тақдими бўлиб ўтди.

19 июль. Тошкентда ўзбек-герман “Шарқ юлдузи” қўшма корхонасининг “Мерседес-Бенц” фирмаси автомобилларига хизмат кўрсатувчи Ўзбекистонда биринчи техникавий хизмат станцияси очилди.

1 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Туркиянинг “Бейендик” фирмаси бошқаруви раиси Меҳмет Бейендикни қабул қилди.

4 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон Республикаси савдо-харид уюшмаси “Ўзтайёрлашсавдо”ни ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

4 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов япон-ўзбек иқтисодий ҳамкорлиги Қўмитаси раиси, “Мицуи” компанияси президенти Наохико Кумагаи бошчилигидаги япон делегацияси аъзоларини қабул қилди.

10 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Марказий Осиё—Америка тадбиркорлик жамғармаси раиси Стефан Соларзни қабул қилди.

13 август. Чирчиқда кўчмас мулк объектларини ер участкаси билан бирга сотиш бўйича Ўзбекистонда биринчи кимосиди савдоси бўлиб ўтди.

22 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни иқтисодий рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

25-31 август. Тошкентда машҳур немис фирмаси “АЕГ”нинг электр маиший асбоблари Халқаро кўرғазмаси бўлиб ўтди.

25 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Пахта толаси ресурсларидан комплекс фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

26 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Германиянинг “Крупп хеш интернейшнл” компанияси бошқаруви раиси Х. Гельдмахер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Август. Наманган вилоятининг Поп посёлкасида Туркиянинг “Бурсель” фирмаси ҳамкорлигида қурилган янги тикув фабрикаси эркаклар кўйлагининг дастлабки туркумини ишлаб чиқарди.

Август. Тахтақўпир туманида қурилган туз ишлаб чиқарувчи завод дастлабки маҳсулотни бера бошлади.

Август. Қўнғирот туманида карбид ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилди.

Август. Наманган вилоятининг Уйчи туманида асфальт заводи ишга туширилди.

Август. Ўзбекистон металлургия заводида шар прокат станининг иккинчи навбати ишга туширилди.

10 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатлари АИС компанияси бошқаруви раиси Морис Гринбергни қабул қилди.

12-16 сентябрь. Тошкентда “Ўзбекистонда менежментга ўргатиш” мавзuida Халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

14 сентябрь. Тошкентда автоёқилғи қуйиш тармоқларини сотиш бўйича Ўзбекистонда биринчи кимовши савдоси ўтказилди.

14 сентябрь. Энг яхши фермер унвони учун Бухоро вилоятида ўтказилган республикада биринчи кўрик-танловнинг якунлари эълон қилинди. Ушбу унвонга Ромитан туманидаги “Озод” оилавий фермер хўжалиги раҳбари Теша Тошев сазовор бўлди.

16 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фарбий Европа ишбилармонларининг Клаус Якобс бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.

23 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқаро валюта фонди Европа департаменти директорининг ўринбосари Эдуард Брау ва шу фонднинг Ўзбекистондаги вакили Иштван Цалкаини қабул қилди.

Сентябрь. Жиззахда мебель фабрикаси ишга туширилди.

Сентябрь. Тошкент енгил металл конструкциялар тажриба заводи камерасининг сизими бир юз қирқ куб метрдан ортиқ бўлган ҳажмдаги биринчи йирик sanoat совутгичини ишлаб чиқарди.

Сентябрь. “Навойсут” акционерлик жамияти қошида ташкил қилинган козеин ишлаб чиқариш бўйича ўзбек-америка қўшма корхонаси ишга туширилди.

Сентябрь. Қувасойдаги “Файз” корхонаси суюқ совун ишлаб чиқаришни ўзлаштирди ва бу маҳсулотнинг дастлабки тонналарини ишлаб чиқарди.

Сентябрь. Урганчда жаҳон экстра-класс рақамли электрон техника алоқаси — уяли радиотелефон алоқа ишга тушди.

Сентябрь. “Ўзбекенгилсаноат” ассоциацияси Хоразм шойи ишлаб чиқариш бирлашмасининг пилла йигириш фабрикаси ҳудудида барпо этилган Урганч тўқиш-оҳорлаш комплекси понбархат ишлаб чиқара бошлади.

Сентябрь. Токиода иқтисодий ҳамкорлик бўйича ўзбек-япон ва япон-ўзбек қўмиталарининг биринчи қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Сентябрь. Тошкентда Европа ҳамжамиятининг ТАСИС дастури доирасида ишбилармонлик алоқалари Маркази очилди. МДХда биринчи бўлган бу Марказ Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашишга даъват этилган.

Сентябрь. В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг агрегат цехи жамоаси О.К. Антонов номидаги конструкторлик бюросида лойиҳаланган янги АН-70 транспорт самолёти қанотларини кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Сентябрь. Фан ва техника Давлат қўмитаси Республика давлат илмий-техника ахбороти жамғармаси мутахассислари маҳаллий хом ашё — қамиш, каноп пояси ва ғўзапояни полиэтилен масса чиқиндилари билан пресслаб ёғоч плиталар ишлаб чиқарадиган биринчи дастгоҳни яратишди.

4 октябрь. Тошкентда “Ўзтайёрлашсавдо” Ўзбекистон Республика савдо-харид уюшмасининг таъсис қурултоғи бўлди.

4-6 октябрь. Мадридда Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг йиллик йиғилиши бўлди. Унинг ишида Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди.

12 октябрь. Тошкентда Америка — Ўзбекистон савдо палатасининг учинчи мажлиси бўлди. Мажлис қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов табрик йўллади.

18-23 октябрь. Тошкентда жаҳондаги етакчи фирмаларнинг ҳамда уларнинг бизнес бўйича Ўзбекистон ва Қозоғистондаги шерикларининг компьютер техникаси, алоқа воситалари, дастурий таъминлаш воситалари, нусха кўпайтирувчи ускуналарининг энг йирик Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

20 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Швейцариянинг “АББ” компанияси президенти Р. Барневикни, шунингдек, шу компаниянинг Марказий Осиё ва Қозоғистон бўйича ваколатхонаси бошлиғи К. Маккартнини қабул қилди.

20 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг “Мицубиси корпорейшн” компаниясининг Макто Курода бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

24 октябрь. Тошкентда молия ва хусусий сектор соҳасидаги ўзбек мутахассисларининг чет элдаги хусусий инвестициялар бўйича Америка корпорациясининг республикамизда меҳмон бўлиб турган аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

24-28 октябрь. Тошкентда “Пахта, шойи, жун — 94” Халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси бўлиб ўтди.

Октябрь. Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги “Қаҳрамон” жамоа хўжалиги далаларида “Ўзизмаш” ўзбек-исроил қўшма корхонасида илғор технология асосида яратилган горизонтал шпинделли икки қаторли ХМТ-02 пахта териш машинаси синовдан ўтказилди.

Октябрь. Ўзбекистонда биринчи марта қишлоқ хўжалик экини махсар етиштирила бошланди. Ундан чигитга қараганда икки баравар кўп ёғ олинади. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги “Ҳожикент”, “Бўстонлиқ”, “Қўшқўрғон” жамоа хўжаликлари махсар етиштирила бошладилар.

Октябрь. Францияда “Фарнберо-94” Халқаро авиация кўргазмасида ҳамда Ле-Буржедаги авиация саломида Ўзбекистонда тайёрланган авиация техникаси илк бор намоиш этилди. Кўргазмада В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотлари — ИЛ-114, ИЛ-76 МБ самолётлари намоиш этилди.

Октябрь. Лондонда “Ўзбекистонда бизнес” мавзуида биринчи Халқаро конференция бўлиб ўтди.

1 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов АҚШнинг “Дановант энтерпрайзис инк” компанияси раҳбари В. Б. Дановант бошчилигидаги тadbиркорлар делегациясини қабул қилди.

4 ноябрь. Юқори сифатли, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарганлиги учун Фарғона “Азот” ишлаб чиқариш бирлашмаси “Олтин Глобус” Халқаро мукофотига сазовор бўлганлиги ҳақида хабар эълон қилинди. Ушбу мукофот АҚШ хусусий тadbиркорларининг ташаббуси билан ташкил этилган “Шарқ тараққиёти” халқаро ташкилотининг тавсиясига биноан берилди.

8 ноябрь. Тошкентда “Янги асбоблар ва материаллар” мавзуидаги Халқаро конференция ўз ишини якунлади.

8-18 ноябрь. Тошкентда Покистоннинг “Рехан Бразерс” фирмаси ташкил этган халқ истеъмолчи молларининг кўргазмалари савдоси бўлиб ўтди.

8-19 ноябрь. Тошкентда “Энергетикада лойиҳавий таҳлил” мавзуида Халқаро семинар бўлди.

11 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон гўшт-сут саноати Давлат акционерлик уюшмаси (“Ўзгўштсутмаҳсулот”)нинг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

11 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон “Озиқовқатсаноат” Давлат акционерлик уюшмасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

12 ноябрь. Тошкентда илк бор “Тadbиркор аёл — Мисс Жамғарма-банк-94” мавзуидаги касб танлови бўлиб ўтди. Элнора Ўрозбоева танлов ғолиби бўлди.

17 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Япониянинг “Сумитомо” корпорацияси бошқарувининг бошқарувчи директори Тацуо Нишида бошчилигидаги ишбилармонлар делегациясини қабул қилди.

18 ноябрь. Тошкентда ҳозирги даражадаги алоқа муҳандисларини тайёрлаш бўйича Марказий Осиё минтақавий ўқув маркази очилди.

19 ноябрь. Тошкент аэропортига Англиянинг Манчестер шаҳридан учиб келган ИЛ-62 самолёти қўнди. Бу “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси учувчилари амалга оширган ўн бешинчи халқаро ҳаво йўлидир.

23 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Европа тикланиш ва тараққиёт банки директорлар кенгаши аъзоларидан иборат делегацияни қабул қилди.

24 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

29 ноябрь. Тошкентда “Сув ресурсларини бошқаришда минтақавий ҳамкорлик” мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди.

29 ноябрь. Тошкентда “Ўзбекистон — Корея” ҳамда “Корея — Ўзбекистон” савдо ва иқтисодий ҳамкорлик қўмиталари вакилларининг биринчи қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Ноябрь. Орол бўйидаги энг йирик тўқимачилик комплекси — Элликқалъа “Элтекс” тўқимачилик комбинати ишга туширилди.

Ноябрь. Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида карбид ишлаб чиқарувчи янги цех ишга туширилди.

Ноябрь. Тошкентда “Ўзбекистон — Туркия ишбилармонлари уюшмаси” ташкил этилди.

Ноябрь. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини барпо этиш бўйича қурилиш ишлари бошланди.

Ноябрь. Бухорода сут саноатида замонавий технологияларни татбиқ этиш муаммоларига бағишланган Халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

Ноябрь. Ўзбекистон касаба уюшмалари делегацияси Дамашқда (Сурия) бўлиб ўтган касаба уюшмаларининг XIII жаҳон конгрессида иштирок этди.

Ноябрь. Тошкентда ёш техниклар ва тадбиркорларнинг биринчи Республика турнири бўлиб ўтди. Финал мусобақаларида Наманган вилояти жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Ноябрь. Самарқандда “Карвон-94” Халқаро савдо кўرғазмаси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 30 дан зиёд давлати фирма ва корпорациялари маҳсулотлари намойиш этилди.

Ноябрь. Лондонда ҳар йилги анъанавий Бутунжаҳон туристик ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда “Ўзбектуризм” Миллий компанияси хорижлик туристларни қабул қилиб олиш ва ўз саёҳат ишқибозларимизни хорижга юбориш бўйича 56 шартномани имзолади.

2 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Хўжаликларга уларнинг ихтиёрида қолдириладиган пахта толасини экспорт қилишда кўмаклашиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

15 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаҳон банкининг Россия ва Марказий Осиё бўйича бўлими директори Юкон Хуангни қабул қилди.

16 декабрь. Устюртнинг гарбидаги Қорашулоқ деган жойда табиий газ конининг очилганлиги ҳақида хабар эълон қилинди, бу ерда қазилган қудуқдан тоза табиий газ фаввора бўлиб отилиб чиқди.

20 декабрь. Бухорода бинокорлик учун мрамр плиталар ишлаб чиқарадиган завод ишга туширилганлиги ҳақидаги хабар эълон қилинди.

21 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк Британиянинг “БАТ индастриз” компаниясининг бошқаруви раиси Патрик Шихи бошчилигидаги шу компания делегацияси аъзоларини қабул қилди.

23 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати “Наманган вилоятидаги Задарё туманининг номини Мингбулоқ тумани деб ўзгартириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

23 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Тошкент молия-қурилиш корпорацияси”ни (“Тошуйжойинвестқурилиш”) ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Декабрь. “Нукус—Москва” йўналиши бўйича тезюрар поездларнинг мунтазам қатнови бошланди.

1995 ЙИЛ

20 январь. Тошкентда БМТ миссияси вакиллари иштирокида Ўзбекистоннинг тараққиёт истиқболларига бағишланган Халқаро семинар ўз ишини бошлади.

20 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Тиссен хандельсунион” концерни бошқаруви аъзоси Ханс Ульрих Грубер бошчилигидаги шу концерн вакиллари қабул қилди.

Январь. Тошкентда “Хотин-қизлар ва тадбиркорлик” мавзуида республика семинари бўлиб ўтди.

Январь. Навоий—Тўрткўл—Нукус янги темир йўли линиясини қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Январь. Нукус гишт заводининг биринчи навбати маҳсулот бера бошлади.

Январь. Наманган кимё заводи илгари Республикамизга ташқаридан келтириладиган, нефть конларида қудуқ қазишда қўлланиладиган махсус кўмир ишқорли реагентни ишлаб чиқара бошлади.

2 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Республикада савдони эркинлаштиришни таъминлаш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

3 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ипак ишлаб чиқариш мажмуида интеграциялаш жараёнларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

14 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “1994 йилда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар ва уларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Февраль. Хоразм вилоятининг Дўстлик шаҳридаги “Коинот” заводи “Ориол” мўъжаз телевизорларини ишлаб чиқара бошлади.

Февраль. Қўқон механика заводи бир циклда 12,5 кубометргача бўлган хом нефтни тозалаш қувватига эга бўлган сепаратор ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Дастлабки сепаратор Мингбулоқ нефтни қайта ишловчиларига жўнатилди.

Февраль. Қўнғирот шаҳридан қирқ километр масофада жойлашган Қийиқсойда Марказий Осиёда биринчи сода ишлаб чиқарувчи завод қурилиши бошланди.

6 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Германиянинг “Иеноптик ГМБХ” фирмаси бошқаруви раиси, доктор Лотар Шпэт бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

9 март. Тошкентда Ўзбекистон ва Чехия Республикаси ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида Халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

10 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Қишлоқ хўжалигининг агрокимё хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

13 март. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг А-310 аэробуси Тошкент—Рига—Тошкент маршрути бўйлаб дастлабки йўловчиларни ташиш рейсини амалга оширди.

24 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Чорвачиликда бундан кейинги хусусийлаштириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Март. “Ташқишлоқмаш” заводида хашак йиғувчи комбайнлар серияли равишда ишлаб чиқарила бошланди.

Март. Гулистон ёғ-экстракция заводи янги самарали кир ювиш воситаси “Наф”нинг дастлабки туркумини ишлаб чиқарди.

Март. Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида қанд-шакар заводи фойдаланишга топширилди.

Март. Каттақўрғон ёғ-мой комбинатида илгари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмаган алиф чиқарувчи махсус цех очди.

Март. Тошкентда “Атроф-муҳитни сақлаб қолиш — Марказий Осиё давлатлари учун келажак вазифаси” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди.

11 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Экспорт-импорт операцияларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

12 апрель. Тошкентда Германиянинг “Алкатель” фирмаси иштирокида монтаж қилинган беш минг рақамга мўлжалланган Ўзбекистонда биринчи рақамли электрон АТС фойдаланишга топширилди.

25 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ротшильд энд Санс ЛТД” банки раиси жаноб Эвелин де Ротшильдни қабул қилди.

26 апрель. Тўрақўрғондаги қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш заводи ишлаб чиқаришни ўзлаштирган термосларнинг дастлабки туркуми республика савдо тармоғига келиб тушди.

Апрель. Тошкент—Нью-Йорк йўналиши бўйича йўловчиларнинг мунтазам авиа қатнови бошланди.

Апрель. “Қувасойцемент” ишлаб чиқариш бирлашмаси илгари республикага МДХ мамлакатларидан келтириладиган майдаланган оҳак ишлаб чиқара бошлади.

Апрель. Тошкентда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишига кўмаклашиш Маркази тингловчиларининг биринчи марта курсларни битириб чиқиш маросими бўлди.

Апрель. Тошкентда Республикада биринчи хусусийлаштириш ва инвестициялар бўйича Ўзбекистон Халқаро банки (“Ўзхусусийбанк”) очилди.

Апрель. Тошкентдаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида В. П. Чкалов номли ИЛ-76 самолётининг капитал қайта тиклаш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришилди. Илгари бундай ишлар Россия авиатаъмирлаш заводларида бажариларди.

Апрель. Самарқандда Жаҳон банки ва Иқтисодий тараққиёт институти ташкил этган кўчмас мулкнинг баҳоланишини ўрганишга доир ўн кунлик халқаро курслар ўтказилди. Курсларда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон вакиллари таълим олишди.

3 май. Абу Райҳон Беруний номли Тошкент Техника дорилфунунида Ўзбекистонда биринчи марта бизнес-инкубатор ёки кичик бизнесни ривожлантириш бўйича инновация техник маркази очилди.

3 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ)нинг бошқарувчи директори Мишель Камдессюни қабул қилди.

12 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

15 май. Тошкентда “Марказий Осиёда иқтисодиётни ривожлантириш ва атроф-муҳитни бошқариш” мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди. Семинар иштирокчилари ўн кун давомида иқтисодиётни ривожлантириш, иқтисодий вазиятни яхшилаш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ердан фойдаланишда табиатга зарар етказилишининг олдини олиш, саноат чиқиндиларидан фойдаланиш муаммолари, шунингдек, бу вазифаларни ҳал этишга аҳолини жалб қилиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишди.

15 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония Молия вазирлигининг Молия-пул сиёсати институти президенти Эйсукэ Сакакибар бошчилигидаги Япония делегацияси аъзоларини қабул қилди.

15 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “1995 йилда бошқоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

16 май. Тошкентда Ўзбекистон ва Словакия Республикаси ишбилармон доиралари вакилларининг биргаликдаги бизнес семинари бўлиб ўтди.

18 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Американинг “Кейс” компаниясининг шу компания президенти Жан Пьер Россо бошчилигидаги делегациясини қабул қилди. Суҳбат давомида ҳамкорликнинг янада ривожлантирилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

24 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов литвалик машҳур тадбиркор, “Метжалява” акционерлик жамияти президенти, “Вильнюс” банки бошқаруви раиси, Литва президентатураси эксперти Альбертас Синявичусни қабул қилди.

24 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг биринчи вице-президенти Рональд Фриманни қабул қилди.

24 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ньюмонт майнинг корпорейшн” компаниясининг шу компания президенти ва директорлар кенгаши раиси Рональд Си Кембри бошчилигидаги делегациясини қабул қилди. Суҳбат давомида компания президенти жуда қисқа муддатда барпо этилиб, фойдаланишга топширилган “Зарафшон—Ньюмонт” кўшма корхонаси лойиҳасини амалга ошириш ишида қўллаб-қувватлагани учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорчилигини изҳор этди.

25 май. Мурунговда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги самарали ҳамкорлик натижасида барпо этилган “Зарафшон—Ньюмонт” кўшма корхонаси очилди. Бу корхона ҳар куни 37 тонналик тупроқ қатламларини қайта ишлаб, улардан жаҳон андозалари даражасидаги олтин ва кумуш олади.

25 май. Андижондаги Бобур номли ип-газлама буюмлари ишлаб чиқарадиган акционерлик жамияти рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарганлиги, уларнинг юқори сифатлилиги, шунингдек, ёш суверен мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, унинг жаҳон иқтисодиётига кириб боришида фаол иштирок этгани учун Америкадаги Шарқ тараққиёти жамғармаси таъсис этган “Олтин глобус” совринига сазовор бўлди.

25 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Матлубот кооперацияси тизимида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги жиддий камчиликлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

30 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё — Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг жамғарма бошқаруви раиси С. Соларз бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.

31 май-2 июнь. Тошкентда “Ўзбекистонда хусусийлаштириш: эришилган натижалар — келгусидаги истиқболлар” мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди.

1 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси “ДЭУ” компаниялар гуруҳи раиси Ким У Жунг бошчилигидаги шу гуруҳ делегацияси аъзоларини қабул қилди.

2 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаҳон банкининг минтақавий ваколатхонаси раҳбари Парваз Ҳасанни қабул қилди.

2 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси халқ ҳўжалигида векселларни қўллаш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

5 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг “Мицубиси корпорейшн” компаниясининг директорлар кенгаши раиси Синроку Морохаси бошчилигидаги шу компания делегацияси аъзоларини қабул қилди.

9 июнь. Тошкентда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Хитой ҳукуматлараро комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди.

10 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Республикада аҳолига нақд пуллик ҳисоб-китоб билан автобензин сотадиган айрим автомобилларга ёнилғи қуйиш станцияларини хусусийлаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

12 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Давлат мулкчилигидаги корхоналарни акционерлик жамиятларига айлантиришни жадаллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

12 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Нақд сўмларни эркин муомаладаги валютага алмаштиришга доир чеклашларни бекор қилиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

13 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг чет эллар билан иқтисодий ҳамкорлик Жамғармаси президенти Акира Нишигаки раҳбарлигидаги делегациясини қабул қилди.

14 июнь. Навоий кон-металлургия комбинатининг Учқудуқдаги 3-гидро-металлургия заводи ишлаб чиқариш қувватларининг биринчи навбати ишга туширилди.

14-20 июнь. Тошкентда биринчи савдо-саноат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон пойтахтининг 85 та давлат, акционерлик, хусусий ва қўшма корхоналари иштирок этди.

15 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Давлат корхоналарини очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

26 июнь. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон” нашриётида

Ўзбек, инглиз ва рус тилларида нашр этилган “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” китобининг тақдими бўлиб ўтди.

27 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

Июнь. Навоий шаҳрида олтин қазиб олиш, кон-металлургия ва нефтни қайта ишлаш саноатида таҳлил этувчи ускуналардан фойдаланиш бўйича Халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

6 июль. Тошкентда “Иштирок этувчи давлатлар миллий иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”, “Прогноз қилиш ва статистика услубиёти” мавзuida биринчи Марказий Осиё Халқаро илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

11 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Туркиянинг “Коч холдинг А. Ш.” компаниялари гуруҳи президенти ва ижрочи директори Инан Кирач бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат давомида Самарқандда кичик автобуслар ишлаб чиқариш ва Туркиядан сотиб олинган енгил автомобилларга хизмат кўрсатиш тармоғини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

19 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

26 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Фонди (Бизнес-фонд)ни ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

26 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни суғурта йўли билан ҳимоя қилувчи агентликни ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

27 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ихтисослаштирилган акционерлик тижорат банк — “Пахтабанк”ни ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

28 июль. Тошкентда Ўзбекистон банклари ассоциациясининг таъсис съезди бўлиб ўтди.

31 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “ЮНИСЕФ — “Экосан”нинг “Аспера” лойиҳасини амалга оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

31 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Люксембург шаҳзодаси, Бельгиянинг “Коминко” компаниялари Халқаро холдинг гуруҳи президенти Жан ҳазрат олийлари бошчилигидаги тадбиркорлар делегациясини қабул қилди.

Июль. Боғот туманида Буюк Британия билан ҳамкорликда тиббиёт момиғи ишлаб чиқарадиган корхона маҳсулот бера бошлади.

Июль. Марғилондаги “Ипақчилик” акционерлик жамиятида пилла чиқиндиларидан қимматбаҳо ип ишлаб чиқарадиган “Спиннинг-Силк” ўзбек-итальян қўшма корхонаси иш бошлади.

7 август. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонасида Ўзбекистоннинг ижтимоий ривожланишига бағишланган миллий маърузанинг тақдими бўлди.

7 август. Тошкентда ихтисослаштирилган акционерлик тижорат банки — “Пахтабанк”нинг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

14 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Иқтисодий алоқалар вазиригининг хўжалик ҳисобидаги бўлинмаларини Давлат акционерлик компанияларига айлантириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

17 август. Қўқонда спирт заводининг ишга туширилиш маросими бўлди.

17 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Фузор—Бойсун—Қумқўрғон янги темир йўли линиясининг лойиҳалаштирилиши ва қурилишига доир масалалар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

21 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Хорижий сармоялар бўйича агентликни ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

23 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Экспортга мўлжалланган маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг биринчи навбатдаги лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

24 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Хорижий сармоялар бўйича агентлик фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

28 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастури тўғрисида” Қарор қабул қилди.

28 август. Тошкентда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида транспорт, машинасозлик, кичик ва ўрта бизнес, хусусий ва қўшма корхоналарни ривожлантиришда молиявий ёрдам кўрсатиш учун “Ўзбеклизинг-интернэшнл” Халқаро компаниясини очиш ҳақидаги Битим имзоланди.

29 август. Олмалиқ кон-металлургия қамбинатида эмалли симлар ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилгани ҳақидаги хабар эълон қилинди.

2 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг “Токио-банк” бошқаруви раиси Тоио Гетенни қабул қилди.

7 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

7 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ихтисослаштирилган “Замин” Давлат ҳиссасдорлик ипотека банкни ташкил қилиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

7-8 сентябрь. Тошкентда Германия саноат маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

13 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ван Хайген энд Калибо” компаниялар гуруҳи президенти Клаус Якоб бошчилигидаги швейцариялик тадбиркорлар делегациясини қабул қилди.

14 сентябрь. Тошкентда Ҳиндистон савдо-саноат кўргазмаси очилди.

14 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси солиқ органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва унинг ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

21 сентябрь. Қорақалпоғистондаги Урғин газ кони фойдаланишга топширилганлиги ҳақидаги хабар эълон қилинди.

21 сентябрь. Тошкентда Ҳиндистоннинг маҳсулот етказиб берувчи 85 та фирмаси ва ишлаб чиқарувчилари товарларининг кўргазмаси очилди.

23 сентябрь. Тошкент вилоятининг Зангиота туманида вино ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Италия “Фаритал” қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

Сентябрь. Тошкентда Кёльннинг “Глахе интернационал” кўргазмалар жамияти томонидан ташкил этилган Халқаро савдо-саноат кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда 11 та мамлакатнинг 130 та фирмаси ўз маҳсулотларини намойиш этди.

3 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ролета” фирмаси Президенти Роландас Лауринайтис бошчилигидаги литвалик тадбиркорлар делегациясини қабул қилди.

3 октябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг тантанали очилиш маросими бўлди.

3-5 октябрь. “Ипак Йўли бўйлаб сайёҳлик” Тошкент Халқаро ярмаркаси бўлиб ўтди, унда 33 мамлакатнинг юздан ортиқ фирмаси иштирок этди.

4 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзжамғарма” банкни Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига айлантириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

4 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Япониянинг халқаро молиявий ёрдам Марказининг Президенти, Япония ташқи иқтисодий ҳамкорлик кенгаши аъзоси Тамомичу Ооба бошчилигидаги япон ишбилармонлари делегациясини қабул қилди.

12 октябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида молиявий ҳамкорлик ҳақидаги ҳукуматлараро Битим имзоланди.

13 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов АҚШ Савдо вазирлиги маслаҳатчиси, энергетика ва савдо соҳасида МДҲ мамлакатлари билан ҳамкорлик АҚШ маъмуриятининг вакили Ян Калицки бошчилигидаги АҚШ делегациясини қабул қилди.

17 октябрь. Андижондаги “Электроаппарат” заводи жамоаси тошкентлик мутахассислар ишлаб чиққан, илгари республика ташқарисидан сотиб олинadиган электрон-механик бир фазали СОЭ-1 электр ҳисоблагичлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олганлиги ҳақида хабар эълон қилинди.

17 октябрь. Тошкент “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясида Ўзбекистон Республикаси билан Нидерландия Қироллиги ўртасида ҳаво қатновлари ва ҳаво транспорт соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битим имзоланди.

19 октябрь. Төхронда Ўзбекистон ҳам аъзо бўлган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) аъзолари бўлган мамлакатлар товарларининг биринчи кўргазмаси очилди. Кўргазмада республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ранг-баранг турлари намойиш этилди.

18-19 октябрь. Тошкентда “Ўзбекистонда импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотларнинг кимёвий технологиясини ишлаб чиқиш муаммолари” мавзуида Республика илмий-техникавий конференцияси бўлиб ўтди.

24-26 октябрь. Тошкентда Латвия бизнеси кунлари бўлиб ўтди. Ушбу тадбирлар давомида Латвия товарлари ва хизматлари кўргазмаси ташкил этилди.

26-27 октябрь. Женевада “Ўзбекистонда хусусийлаштириш — шерикчилик учун имкониятлар” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди.

31 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов мамлакатимизга келган Жаҳон банки Президенти Жеймс Д. Уолфенсон бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Октябрь. Бухорода уяли алоқа станцияси қурилиши тугалланди ва фойдаланишга топширилди.

Октябрь. Тошкентда “Истиқболли материаллар ва янги технологиялар” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди.

Октябрь. Тўрт кун мобайнида Тошкентда “Консумар экспо-95” халқ истеъмол моллари Халқаро кўргазмаси бўлди. У Американинг “ТНТ продакшн ИНК” компанияси томонидан Ўзбекистон пойтахтида биринчи марта ташкил этилди. Кўргазмада дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатидан 50 дан зиёд компания иштирок этди.

Октябрь. Навоийдаги ишлаб чиқариш-қурилиш корхонасининг майдалаш заводида бўрни майдалайдиган ноёб ускуна ишга туширилди. У республиканинг илгари Россиядан келтириладиган мазкур маҳсулотга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш имконини берди.

2 ноябрь. Тошкентда физик электроника бўйича биринчи Республика конференцияси иш бошлади.

7 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ихтисослаштирилган “Асака” Давлат акционерлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

17 ноябрь. Наманганда ўзбек-турк қўшма “Аснам-текстиль” корхонаси йигиртилган ип ишлаб чиқара бошлади.

Ноябрь. Андижон механика заводида чигитни плёнка остига экадиган сеялка лойиҳалаштирилди ва йиғилди.

Ноябрь. Тошкентда патент ахбороти масалаларига оид биринчи минтакавий семинар бўлиб ўтди.

Ноябрь. Тошкентда “Молдова ҳамкорликка таклиф қилади” мавзуидаги савдо-саноат кўргазмаси бўлиб ўтди, унда Молдова Республикасининг 50 га яқин корхона ва фирмаси иштирок этди.

4 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

4-8 декабрь. Тошкентда машҳур Венгрия фирмалари молларининг “Венгрия — сизнинг ҳамкорингиз” кўргазмаси бўлиб ўтди.

6 декабрь. Тошкентда Америка Қўшма Штатлари вазирлик, компания ва фирмалари вакиллари иштирокида Халқаро бизнес-семинар бўлиб ўтди.

6 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов АҚШнинг Савдо вазирлиги котиби ўринбосари Бэрри Картер бошчилигидаги расмий делегация аъзоларини қабул қилди. АҚШнинг мудофаа саноатини конверсиялаш бўйича 16 та йирик компания вакилларида иборат ушбу делегация мамлакатимиздаги бизнес имкониятларини ўрганиш учун Ўзбекистонга келди.

13 декабрь. Тошкентда Литва енгил саноати товарларининг кўргазма-тақдимоти бўлиб ўтди.

14 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Британиянинг машҳур “Бат индастриз илс” корпорацияси бошқаруви раиси Патрик Шихи бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Декабрь. Тошкентда донли экинлар бўйича Халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда МДХга аъзо бўлган Марказий Осиёдаги бешта ва учта Кавказorti мамлакатлари вакиллари иштирок этди.

Декабрь. Париждаги ташқи савдо марказида Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши ва Франция — Ўзбекистон ҳамкорлигига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унинг ишида Франция фирмалари ва компанияларининг юздан ортиқ раҳбарлари ва вакиллари иштирок этдилар.

Декабрь. Самарқанддаги “Красний двигатель” ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибига кирувчи Жиззах металл куйиш-механика заводи биринчи марта эритилган чўян олди. Вилоят саноатида биринчи бор металлургия ишлаб чиқариши ишлай бошлади.

Декабрь. Хоразм вилоятининг Шовот туманида пахта териш машиналари учун шпинделларни тайёрлаш бўйича янги завод ишга туширилди.

1996 ЙИЛ

3 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Корея Республикаси “ДЭУ” компанияси гуруҳининг раиси Ким У Жунг бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

4 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Экспорт қилиши тақиқланган буюмлар ва маҳсулотларнинг олиб чиқиб кетилишига қарши курашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

9 январь. Ўзбекистонда маълумотларни узатиш республика компьютер тармоғи “Ўзпак” фойдаланишга топширилди. У Республиканинг барча вилоят марказларини қамраб олади, уларда Тошкент Марказий телеграфидagi бош станцияга уланган махсус ускуна билан жиҳозланган станциялар ташкил этилган. “Ўзпак” тизими Алоқа вазирлиги, “Ўзтелеком” концерни ва Туркия—Канада “Неташ” фирмаси ҳамкорлигининг самарасидир.

10 январь. Тожикистон Республикасининг Бош вазири Жамшед Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси ташриф билан Тошкентда бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлган музокаралар якунида икки Республика ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги ҳукуматлараро Битимлар имзоланди.

24 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов франциялик машҳур ишбилармон Эндрю Гельфини қабул қилди. Суҳбат давомида француз ишбилармонлари билан биргаликда ишлаб чиқилган бир неча йўналишларга доир ҳамкорликдаги лойиҳаларнинг амалга оширилиши, шунингдек, икки мамлакат ўртасида иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

24 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

27 январь. Тошкентда Ўзбекистон тадбиркорларининг курултойи бўлиб ўтди. У Республикадаги хусусий ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш тажрибасини умумлаштирди ҳамда бу йўналишда янги вазифаларни кўйди. Курултойда “Ташаббус-95” танловига якун ясалди. Тошкент вилояти Пскент туманидаги “Шухрат-ЛТД” илмий-ишлаб чиқариш фирмасининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ускуналарни ишлаб чиқаришга доир комплекс лойиҳаси йилнинг энг яхши лойиҳаси деб топилди. Самарқанд шаҳридаги “Парвина” хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг директори Абдурашид Абдусаломов йилнинг энг яхши ишбилармони деб эътироф этилди.

31 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

31 январь. Тошкентда республикадаги биринчи йирик холдинг компанияси — “Ўзқишлоқмашхолдинг”нинг таъсис конференцияси бўлди. Конференцияда очиқ турдаги акционерлик жамияти шаклидаги холдинг компания тузиш тўғрисидаги таъсис шартномаси ҳамда унинг Низоми қабул қилинди.

Январь. Навоий электркимё заводи натрий сульфиднинг дастлабки туркумини ишлаб чиқарди. Авваллари бу маҳсулот республикамизга чет элдан келтириларди.

Январь. Тошкентда ташкил қилинган сиёсий таваккалчиликни суғурта қилиш бўйича “Ўзбекинвест интернешнл” ўзбек-америка компанияси дастлабки суғурта полисларини берди.

8 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Индонезиянинг “Бакри групп” компанияси гурӯҳи президенти Абуризал Бакрини қабул қилди.

9 февраль. Ўзбекистон Республикасининг Киевдаги элчихонасида “Ўзбек-украин алоқаларини ривожлантиришда бизнеснинг нодавлат соҳаси роли” муаммолари бўйича “давра суҳбати” бўлди. Бу суҳбатда Ўзбекистон ва Украина ишбилармонларининг Халқаро клуби таъсис этилди, шу кунининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

9 февраль. “Анджонгўшт” акционерлик жамияти саломатликни мустаҳкамлаш ва камқонликни даволаш учун гоят зарур бўлган препарат — гематоген чиқаришни ўзлаштиргани ҳақида хабар эълон қилинди.

9 февраль. Навоий вилоятининг Зафаробод посёлкасида Навоий металлургия комбинати жамоаси билан россиялик шериклар ҳамкорлигида барпо этилган, бензин тозаловчи смола ишлаб чиқарадиган янги кимё-технология корхонаси фойдаланишга топширилди.

9 февраль. Германия “Саламандер” компаниясининг республикамизда бўлган шу компания бошқарувининг ҳақиқий аъзоси Карл Вернер бошчилигидаги делегацияси “Ўзбекенгилсаноат” ассоциациясига ташиф буюрди. Суҳбат жараёнида “Саламандер” компанияси билан ҳамкорлик қилишга, хусусан, у билан ҳамкорликда Чирчиқ ва Қўқон пойабзал фабрикалари негизида қўшма корхоналар ташкил этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

12 февраль. Тошкентда Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон Республикалари экспертлари гурӯҳининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда иштирокчи давлатларнинг вазирликлари ва идоралари ишлаб чиққан ёқилғи-энергетика ва сув захираларидан оқилона фойдаланиш, Марказий Осиё минтақаси газ қувурларини қуриш, улардан фойдаланиш, транспорт ва коммуникациялар соҳасида юк ҳамда йўловчи ташишни самарали амалга оширишга қаратилган мувофиқлаштирилган сиёсат юритиш ва бошқа бир қатор долзарб масалалар бўйича тайёрланган ҳужжатлар муҳокама қилинди.

26 февраль. Тошкентда “Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалигини мутаносиб ривожлантириш стратегияси ҳамда тенденциялари” мавзуида Республика семинари иш бошлади.

26-27 февраль. Тошкентда солиқ тизимини автоматлаштириш масалаларига бағишланган Халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё давлатлари солиқ хизмати вакиллари, республикамиздаги турли вазирликлар, қўмиталар ва банк тизими мутахассислари иштирок этишди.

27 февраль. Тошкентда Марказий Осиё давлатларида чорвачиликни ривожлантириш муаммолари бўйича тўрт кунлик семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон институтларининг, шунингдек, Россия Федерацияси Краснодар

қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг етакчи олимлари ва раҳбарлари қатнашди.

28 февраль. Тошкентда “Хотин-қизлар ва тадбиркорлик” мавзуида илмий-амалий семинар иш бошлади.

Февраль. Ғўзаяздан картон қоғози ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ишга туширилди. Бу корхона Косондаги 1-пахта тозалаш заводи тадбиркорларининг ташаббуси асосида хитойлик мутахассислар билан биргаликда ташкил этилди.

Февраль. Осий-Европа кабелли алоқа магистралининг Ўзбекистон бўлаги қурилиши бошланди. Бу магистрал Хитойнинг Шанхай ва Германиянинг Франкфурт-на-Майн шаҳарларини боғлайди ҳамда умумий узунлиги қарийб 19 минг километрни ташкил этади, унинг деярли 900 километри Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб ўтади.

Февраль. Бухоро вилоятининг Гиждувон туманида ташкил этилган “Кўкча” акционерлик жамиятининг мрамар заводи дастлабки маҳсулотни ишлаб чиқарди.

5 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Бозорларнинг фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

12 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

18 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини такомиллаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

19 март. Президент Ислоҳ Каримов раислигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича идоралараро кенгаши мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозор муносабатларига изчил ўтиш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди.

20 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

21 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг учинчи мажлиси якунлари бўйича ўзаро ҳамжиҳатлик тўғрисидаги Меморандум имзоланди.

25 март. Андижон вилоятининг Асака шаҳрида “Дамас” микроавтобусларини ишлаб чиқариш линияси ишга туширилди.

26 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “ЎзДЭУавто” қўшма корхонасининг самарали фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

26 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори ишларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

26-28 март. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Жаҳон банки Иқтисодий тадқиқотлар институти кўмагида “Иқтисодий бошқарув ва ислохотлар” мавзуида семинар ўтказилди.

26 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк Британиянинг “Лонро” компанияси президенти ва бош ижрочи директори Дитер Бокни қабул қилди. Сўхбат чоғида ҳамкорликдаги лойиҳанинг техникавий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш ва унинг амалга оширилишини жадаллаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

28 март. Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида мустақил мамлакатимиз тарихида биринчи марта қисқа муддатли давлат облигацияларини жойлаштириш бўйича кимошди савдоси бўлиб ўтди. Кимошди савдосида 14 дилер тижорат банки иштирок этди.

28 март. Андижон механика заводида чигитни плёнка остига экишда фойдаланиладиган саккиз қаторли сеялка серияли тарзда ишлаб чиқарила бошланганлиги ҳақида хабар эълон қилинди.

Март. Санкт-Петербургда “Маҳаллий саноат” давлат корпорацияси ва ёпиқ турдаги акционерлик жамияти “Грен С” қўшма корхонаси ташкил этган “Ўзбекистон” савдо уйининг очилиш маросими бўлди. Бу ерда республика халқ бадийи ҳунармандчилиги саноати ва корхоналарининг товар ҳамда буюмлари намуналарининг кўргазмаси, халқаро ярмаркалар ўтказилди. Санкт-Петербургда ва Россиянинг шимоли-ғарбий ҳудудларига Ўзбекистондан келтирилган товарларнинг сотилиши устидан назорат қилишни ҳам шу савдо уйи амалга оширади.

Март. “Андижонирмаш” ирригация машинасозлиги заводи негизида “Узтонг хонг компани” ўзбек-корейс қўшма корхонаси ташкил этилди. У Асакадаги “ЎзДЭУавто” заводида чиқадиган енгил автомобиллар учун ўриндиклар ишлаб чиқаради.

Март. Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги Кумакай қишлоғида “Олтинкўл” савдо-ишлаб чиқариш фирмасининг тикув фабрикаси ишга туширилди.

Март. Самарқандда Ҳиндистон, Англия, Германия, Италия, Япониянинг қурилиш фирмалари томонидан барпо этилган беш юз ўринли “Афросиёб” меҳмонхонасининг очилиш маросими бўлди.

3 апрель. Тошкентда бизнесга кўмаклашувчи марказ томонидан немис фирмаларининг қўллаб-қувватлаши билан Ўзбекистонда биринчи алоқалар биржаси ташкил этилди.

3 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

3 апрель. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Давлат акционерлик уй-жой жамғарма банки — Тошуйжойжамғармабанк рўйхатга олинганлиги ҳақида хабар эълон қилинди. У ўз уй-жой шароитини яхшиламоқчи бўлган Тошкент корхоналари, ташкилотлари ва аҳолисига хизмат кўрсатади.

5 апрель. Тошкентда республикада биринчи “Ўзинвестлойиҳа” инжиниринг компанияси фаолият кўрсата бошлади.

6 апрель. “Шўртангаз” газни қайта ишлаш бошқармасида олтингугурт ишлаб чиқариш бўйича тажриба-саноат қурилмаси фойдаланишга топширилганлиги ҳақида хабар эълон қилинди.

16 апрель. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг биринчи таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда палата низоми қабул қилинди, палата раҳбар органининг, кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг таркиби сайланди.

20 апрель. Тошкентнинг “Туркистон” саройида сигарета ишлаб чиқариш бўйича “ЎЗБАТ” акционерлик жамияти ўзбек-британия қўшма корхонасининг янги маҳсулоти тақдими бўлиб ўтди. Тақдимотда тамакиннинг энг яхши уругу ва чет эл навлари аралашмасидан тайёрланган “ЎЗБАТ” акционерлик жамияти чиқара бошлаган филтёрли “Хон” сигаретаси намойиш этилди.

23 апрель. Тошкентда “Замин” ижтимоий Давлат акционерлик ипотека банкининг тақдими бўлиб ўтди.

23-26 апрель. Тошкентда Марказий Осиё республикалари тўқимачилик ва кўнчилик саноатининг биринчи Халқаро “Осиё: газламачарм-96” кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан 80 га яқин фирма иштирок этди.

23-26 апрель. Тошкентда Германия-Ўзбекистон бизнес семинари бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистондаги немис иқтисодий ваколатхонаси Шарқий ва Марказий Европа Иттифоқи билан биргаликда ташкил этди. Семинарда немислар томонидан озиқ-овқат, кимё тармоқларининг, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасининг вакили бўлган ўндан ортиқ фирмалар иштирок этди.

23-27 апрель. Ўзбекистонда 16 та фирма вакилларида иборат немис тадбиркорлари делегацияси меҳмон бўлди. Музокаралар чоғида қўшма корхоналар ташкил этиш, ишлаб чиқариш технологияси жиҳозларини етказиб бериш, илғор технологияларни жорий этиш йўли билан ҳамкорлик қилиш ва биргаликдаги лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

25 апрель. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларига маслаҳат-аудиторлик ва ахборот хизматлари кўрсатиш агентлигини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

26 апрель. Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигида Меҳнат Қаҳрамони мемориал ком-

плексининг очилиш маросими бўлди. Бу хўжаликда шоли, пахта, канопдан турли даврларда рекорд ҳосил олганлиги учун 21 киши шу унвонга сазовор бўлган эди.

29 апрель. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Енгил ва маҳаллий саноатни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

30 апрель. Тошкентда Европа иқтисодий иттифоқи ҳомийлигида автомобиль транспорти бўйича Халқаро симпозиум очилди. Унда “Ўзбекавтотранс” Давлат акционерлик корпорацияси, бошқа вазирликлар ва идоралар, бир қатор йирик чет эл фирмалари, компаниялари ва банклари иштирок этди.

Апрель. Фарғонада “Олтин водий—тадбиркор-96” кўргазмаси бўлиб ўтди. Уч кун давомида кўргазма иштирокчилари мамлакатимизда ва чет элларда фаолият кўрсатаётган 13 та йирик фирма тақдим этган компьютер техникаси, ускуналар ва мебеллар намуналари билан танишдилар.

Апрель. Корея Республикаси кичик ва ўрта бизнес Федерацияси президенти жаноб Пак Сан Хи бошчилигидаги Жанубий Корея бизнесменлари делегацияси Ўзбекистонда бўлди.

Апрель. Нукусда “Ўзбекистон Республикасида мулкдорлар синфини вужудга келтириш” мавзуида уч кунлик Республика семинари бўлиб ўтди.

Апрель. Бухорода сув сифатини бошқариш бўйича Халқаро кенгаш бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва АҚШ вакиллари иштирок этди.

Апрель. Хайкоу шаҳрида (Хитой) иқтисодий ўзгаришларни, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришни ўтказиш бўйича тажриба алмашиш, бу борада Жануби-Шарқий ва Марказий Осиё мамлакатлари учун давлатнинг роли тўғрисида уч кунлик семинар бўлиб ўтди. Семинар ишида Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

Апрель. Фарғона вилояти “Сўх” акционерлик жамиятида маҳаллий хом ашёдан алебастр ишлаб чиқарила бошланди.

Апрель. Тошкентда Автомобиль транспорти бўйича Халқаро ихтирочилар ва рационализаторларнинг семинари бўлиб ўтди.

Апрель. Наманганда Германиянинг “Тестимо” фирмаси билан ҳамкорликда қурилган сунъий чарм ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ишга туширилди.

Апрель. Янгийўлнинг “Монтажсервис” хусусий корхонасида карбид ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилди.

Апрель. Тошкентда ўзбек-герман бизнес-семинари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Германия ўртасида ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Апрель. Тошкентда мамлакатимизда автомобиль транспортдан умумий фойдаланишнинг ривожланиши ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш, бу соҳада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари бўйича семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Апрель. Тошкентда Ўзбекистоннинг савдога кўмаклашиш, Швейцария иқтисодийети билан ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича Швейцария марказининг конференцияси бўлиб ўтди.

Апрель. Жиззахда кичик ва ўрта бизнес соҳасида фаолият кўрсатувчи тадбиркорларга назарий ва амалий ёрдам кўрсатиш бўйича Халқаро семинар бўлиб ўтди.

Апрель. Тошкентда Марказий Осиё Республикалари йўловчи ташиш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаши мажлиси бўлиб ўтди. Унда минтақада транспорт йўналишларини кўпайтириш, шунингдек, Туркменистон орқали Эронга автобус йўналишлари очиш масалалари муҳокама қилинди.

1 май. Тошкентда қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларига маслаҳат-аудиторлик ва ахборот хизматларини кўрсатувчи ноҳукумат агентлигининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда жамият тўғрисидаги Низом қабул қилинди. Бош дирекция, бошқарув ва назорат органлари, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси сайланди.

2 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг “Юнокал” корпорацияси вице-президенти Марти Миллерни ва Саудия Арабистонининг “Дельта ойл” компанияси президенти Усмон Калдиримни қабул қилди. Суҳбат чоғида бу икки йирик фирма билан Ўзбекистоннинг ерости бойликларини ўзлаштиришда ҳамкорлик қилиш ўзаро манфаатли иш бўлиши таъкидлаб ўтилди.

7-10 май. Тошкентда биринчи марта қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, озиқ-овқат саноати ва ўров технологияси Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Жаҳондаги 20 дан ортиқ мамлакатнинг 85 фирмаси ўзларининг янги маҳсулотлари ва илғор технологияларини кўргазмага қўйди.

8 май. Чирчиқ “Электромеханоат” ишлаб чиқариш бирлашмаси нуфузли тижорат фаолияти ҳамда энг яхши савдо номи учун Халқаро соврин билан тақдирлангани тўғрисида Мексикадан келган хабар эълон қилинди.

8 май. Бекобод “Ўзметкомбинат” акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандислик маркази тузилиб, унинг ёрдамида швеллер, арматура, турли хил ҳажмдаги олти қиррали стерженлар, чоксиз пўлат қувурлар, метизлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани ҳақида хабар эълон қилинди. Бу маҳсулотлар илгари Россиядан сотиб олинарди.

9 май. Тошкент вилояти Қибрай туманидаги “Кока-кола ичимлиги” ўзбек-америка қўшма корхонасида заводнинг қувватбахш “Кока-кола” ичимлиги ишлаб чиқариш бўйича иккинчи навбати ишга туширилди.

14 май. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов АҚШнинг “Женерал электрик” корпорацияси вице-президенти Алистар Стюарт бошчилигидаги бу корпорация делегацияси билан учрашди. Учрашув чоғида Ўзбекистон билан “Женерал электрик” корпорацияси ўртасида жумладан, самолётсозлик, энергетика, фойдали қазилмаларни олиш, нефть-газ саноати, тиббиёт ва иқтисодийетнинг бошқа соҳаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

15 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

16 май. Тошкентда Мудофаа саноатини конверсиялаш бўйича ўзбеки-америка қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов ва АҚШ савдо вазирининг ўринбосари Бэрри Картер “Мудофаа саноатини конверсиялаш бўйича икки томонлама қўмита ишининг тамойиллари тўғрисидаги Низом”ни имзоладилар.

17 май. Тошкентда “Шаржа Амирлиги (Бирлашган Араб Амирликлари) экспорт маҳсулотлари” кўргазмаси очилди. Кўргазмада ушбу мамлакатнинг тўрт савдо фирмаси ва 14 корхонаси товарлари: чой, сантехника жиҳозлари, автомашиналар, чанқовбосди ичимликлар ва бошқа кўплаб нарсалар намоиш этилди.

18 май. Эълон қилинган хабарга кўра “Интерагро” Тошкент хусусий корхонаси Ўзбекистонда илк бор Африка папайа пальмасининг бир неча ўнта кўчатини плёнка остига ўтказди. Бу дарахт меваси фармацевтика саноатида, алкоғолсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда ҳам қўлланилади.

20-22 май. Тошкентда “Ўтиш иқтисодиётида ижтимоий сиёсат” мавзуда семинар ўтказилди. Семинар Жаҳон банки Иқтисодий ривожланиш институти билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир-галикдаги дастури доирасида ташкил қилинди.

21 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастури тўғрисида” Қарор қабул қилди.

22 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Американинг “Кейс” корпорацияси вице-президенти Леопольд Платтнерни қабул қилди. Суҳбат чоғида қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологиялари соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

22 май. Тошкентда жаҳондаги компьютер техникасининг етакчиси — IBM компанияси ваколатхонаси очилди.

22 май. Марказий Осиё мамлакатларини Грузиянинг Поти бандаргоҳи билан боғловчи Транскавказ янги темир йўл магистралида Ўзбекистондан дастлабки минг тонна товар етказиб берилди. Ушбу магистрал шарофати билан Ўзбекистон шимолий ҳудудларни четлаб ўтиб, Қора денгизга тўғри ва энг қисқа йўл билан чиқиш имкониятига эга бўлди.

23 май. Тошкентда ўт ўчириш воситаларини ишлаб чиқариш ва сотиш, шунингдек, уларни таъмирлаш ҳамда сервис хизмати кўрсатиш бўйича “ЎзЛатУРА” ўзбек-латвия қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

28 май. Тошкентда Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар ва Озарбайжоннинг молиявий сектори муаммоларини ўрганиш бўйича икки кунлик Халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда жаҳондаги энг йирик банклар-

нинг вакиллари ҳамда Польша, Швейцария, Чехия, Япония, Венгрия, Греция, АҚШ, Германиядан мутахассислар иштирок этишди.

30 май. Тошкентда Германиянинг “Алкатель сел АГ” фирмаси ҳомийлигида қайта жиҳозланган ва замонавий алоқа воситалари ҳамда компьютерлар билан таъминланган 33-автомат телефон станциясининг очилиш маросими бўлди. Бу маросимда Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган ГФР Ташқи ишлар Федерал вазири Клаус Кинкель иштирок этди.

31 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

31 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаҳон банки ижрочи директорлари делегациясини қабул қилди. Суҳбат чоғида республикада бозор муносабатларини шакллантириш, ислохотлар стратегияси, шунингдек, Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

31 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчилик бўйича Молия корпорацияси бошқарувчисининг ўринбосари Тадао Чино бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида иккала давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Делегация аъзолари Тошкент шаҳар ҳокимиятига ташриф буюрди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон пойтахтини ривожлантириш истиқболлари, Япония тадбиркорлари доиралари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Тадао Чинога “Тошкент шаҳрининг фахрий фуқароси” ёрлиғи топширилди.

Май. Андижонда Асака “ЎзДЭУавто” автозаводи машиналарига ички жило бериш учун комплект ишлаб чиқариш бўйича “Ўздонг-янг” ўзбек-корейс қўшма корхонаси ташкил этилди.

Май. “Пахтасаноатсотиш” вилоят бирлашмаси ва “Галакс” инглиз компанияси томонидан таъсис этилган “Наманган сайкелз лимитед” ўзбек-британия қўшма корхонаси болалар ва катталар учун велосипедлар, шунингдек, турли спорт тренажерлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Май. Самарқандда қурилиш материаллари, хусусан, Ўзбекистон конларидан қазиб олинган мрамардан пардоз тахтачалари ишлаб чиқариш бўйича “Сунам” ўзбек-турк қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

Май. Хива бадий-сопол заводи жамоаси безакли идиш-товоқ ва совғалар чиқаришни йўлга қўйди. Улар қадимги моҳир усталар тайёрлаган намуналардан асло қолишмайди.

Май. Франкфурт фонд биржаси вице-президенти доктор Альбрехт Бюргер амалий ташриф билан “Тошкент” Республика фонд биржасига келди. Музокаралар чоғида “Тошкент” Республика фонд биржаси делегация-

сининг биржа савдоси соҳасидаги немислар тажрибаси билан танишиш учун Франкфурт фонд биржасига бориши ҳақида келишиб олинди.

Май. Қашқадарё вилояти Фузор туманидаги дон маҳсулотлари комбинатида элеватор ишга туширилди. У 18 минг тонна донни сақлашга мўлжалланган бўлиб, Россия, Польша ва Швейцарияда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Май. Токио фонд биржаси, Молия вазирлиги ҳамда Фискаль ва пул ёрдами институти тақлифига кўра Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори мутахассислари Японияда тажриба ошириб келдилар.

Май. Тошкентда очилган қимматли қоғозларни қалбакилаштиришдан муҳофаза қилиш бўйича ўзбек-россия “Белгим” қўшма корхонаси дастлабки миқозларни қабул қилди.

Май. “Тошкент” Республика фонд биржаси аъзолари — Брокерлар Гильдияси клубининг биринчи мажлиси бўлди. Унда клуб аъзоларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда фаолиятининг истиқболлари масалалари муҳокама қилинди.

Май. Ўзбекистонлик мутахассислар билан Исроилнинг “Безак” фирмаси иштирокида ишга туширилган сунъий йўлдош орқали алоқанинг саккиз тўғри каналидан бири бўйича Тошкент ва Тель-Авив абонентлари илк бор гаплашдилар. Бу каналлар алоқа тизимини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон билан Исроил ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорлик асоси бўлди.

Май. “Шаҳрихон — Хонобод” йўналиши бўйича поездлар қатнови бошланди.

3 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Япониянинг “Марубени” корпорацияси президенти Ивао Торинуми бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Учрашув чоғида Ўзбекистоннинг “Марубени” корпорацияси билан нефтни қайта ишлаш соҳасида, хусусан, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш бўйича ҳамкорлик қилишга оид масалалар муҳокама этилди.

10-15 июнь. Тошкентда Польшанинг йирик компанияси “Будимэкс” маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда қурилишдаги янги технологиялар ва материаллар, электр ва сантехника жиҳозлари, идора мебеллари намойиш қилинди.

12 июнь. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов Миср Араб Республикасининг шу мамлакат иқтисод ва халқаро ҳамкорлик вазири доктор Наваб Мунаим Абдул эл-Татавий бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

13 июнь. Бельгия ишбилармонлари делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши муносабати билан Тошкентда бизнес-семинар бўлиб ўтди. Унда иккала мамлакат иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

13 июнь. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Жак де Ларозьер билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЕТТБ ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш, хусусан, бу банкнинг республика миллий иқтисодиётини шакллантиришда, қўшма молиявий лойиҳаларни амалга оширишда янада фаолроқ иштирок этиши масалалари муҳокама қилинди.

14 июнь. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов Япония чет эл иқтисодий ҳамкорлиги фондининг ушбу ташкилот вице-президенти жаноб Кубота бошчилигидаги делегацияси аъзолари билан учрашди. Музокараларда Тошкентда замонавий вагонсозлик заводи қурилишини бошлашга келишиб олинди. Бу заводни барпо этиш учун Япония томони 6 миллиард 102 миллион иен ажратди.

24-29 июнь. Тошкентда Мисрда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли моллари кўرғазмаси бўлиб ўтди.

25 июнь. “ЎзДЭУавто” Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасида “Нексия” автомобили ишлаб чиқарадиган линия ишга туширилди.

Июнь. Ангрэн “Саноаткартонсавдо” акционерлик жамиятида дастлабки 1500 тонна целлюлоза ишлаб чиқарилди. Бу хом ашё қоғоз ва картон ишлаб чиқариш учун зарур бўлиб, илгари унинг асосий қисми Россиядан келтирилди.

2 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

5 июль. Тошкентда Германиянинг “Даймлер-Бенц” концерни ваколатхонаси очилди.

18 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз маркаларини жорий этишга тайёргарлик кўриш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

19 июль. Андижон вилоятининг Асака шаҳрида енгил автомобиллар чиқариш бўйича “ЎзДЭУавто” Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасининг Халқаро тақдимот маросими бўлиб ўтди. Заводни расмий фойдаланишга топшириш маросимида республика вазирликлари, ассоциациялари, концернлари ва корхоналари раҳбарлари, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, дипломатия корпуси вакиллари, Корея Республикасидан келган меҳмонлар иштирок этишди. Тантананада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

19 июль. Тошкентда Эрон Ислом Республикаси Мозандарон вилоятининг садво-саноат кўрғазмаси очилди. Кўрғазмада мазкур мамлакатнинг 80 дан ортиқ ишлаб чиқариш, саноат ва савдо фирмалари ўз маҳсулотларини намойиш этдилар.

7 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига агрокимё хизмати кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

8 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришини такомиллаштириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

9 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Бюджет билан ҳисоб-китоб учун ҳўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

14 август. АҚШнинг ЕАФ фонди Экспорт комиссияси Наманган вилоятининг “Пахтасаноатсотиш” акционерлик бирлашмаси чет элга жўнатаётган пахтанинг аъло сифати учун “Голд Глоуб” (“Олтин глобус”) соврини билан тақдирлаганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди.

14 август. Нуҳусда мраммар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ишга туширилди. У “Қорақалпоқ қурилиш материаллари” акционерлик-саноат уюшмаси ва Италиянинг “Пидеу” компанияси томонидан ташкил этилди.

15 август. Тошкентда “Япония бюджет тизими ва қимматли қоғозлар бозори” мавзуида ўзбек-япон қўшма семинари иш бошлади.

19 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Тошкент шаҳри аҳолисига йўловчи ташини транспортни хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

19 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзгўштсут-саноат” давлат уюшмаси корхоналарини хусусийлаштириш, акционерлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди.

25-31 август. Тошкентда Иорданиянинг асосий саноат компаниялари иштирокида биринчи Иордания саноат кўرғазмаси бўлиб ўтди.

27 август. Янгийўл шаҳрида Янгийўл биокимё заводининг янги корхонасини ишга тушириш муносабати билан тантанали йиғилиш бўлди. Бу ерда қисқа муддатда йиғилган технология линияси истеъмол спирти чиқара бошлади. Мазкур линия йилига 900 минг декалитр шундай спирт чиқаришга мўлжалланган.

28 август. “Мискин – Тўрткўл” темир йўли қурилиши тугалланди. Дастлабки поезд Тўрткўлга йўловчиларни олиб борди.

Август. “Оҳангаронцемент” акционерлик жамиятида Олмалиқ кон-металлургия комбинати чиқиндиларидан ўтга чидамли гишт ишлаб чиқарила бошланди. Бунгача шундай гишт учун хом ашё Қозоғистондан келтирилди.

Август. Тошкентдаги “Омат-резина” акционерлик жамияти пойабзал учун тагчармни тайёрлашда фойдаланиладиган микроғовакли резина ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Август. Тошкентда инкассаторларнинг биринчи Республика танлови бўлиб ўтди. Танловда умумий биринчиликни Тошкент инкассаторлари гуруҳи эгаллади.

7 сентябрь. Республикада меҳмон бўлиб турган Саудия Арабистони савдо-саноат палатасининг Абдурахмон Ал-Журайсий бошчилигидаги деле-

гацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлдилар. Республика Бош вазири Ў. Султонов билан бўлган музокаралар чоғида савдо-иқтисодий алоқаларни, туризм, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

9 сентябрь. Тошкентда пенсия дастурларини молиялаштириш ҳамда ушбу муаммоларни жаҳон миқёсида ҳал этиш масалалари бўйича Халқаро конференция бўлиб ўтди.

9 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида АҚШ ҳарбий юристлари билан биргаликда ўтказилаётган юриспруденция муаммолари бўйича биринчи Халқаро семинар ўз ишини бошлади.

10 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон енгил саноатига хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалаларига бағишланган Халқаро семинар бўлиб ўтди. Семинарда республикамиздаги шу соҳа мутахассислари ҳамда Германия, Италия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Туркия дипломатия ва ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди.

11-13 сентябрь. Тошкентда “Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар” Халқаро семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов семинар-кенгаш иштирокчиларига табрик йўллади.

16 сентябрь. Республикамизда меҳмон бўлиб турган Украина ташқи ишлар вазири Г.Удовенко Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги иккиёқлама муносабатларни янада кенгайтириш, шу жумладан, коммуникациялар соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш, икки мамлакат ўртасида транспорт қатновини йўлга қўйиш, шунингдек, илмий-техникавий ҳамкорликни янада мустақамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

17 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, молия вазири Б. Ҳамидов Инвестиция кредитлари суғуртачилари халқаро Берн иттифоқи бош котиби Малькольм Стефан билан учрашди. Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорлик имкониятлари ва истиқболлари ҳақида фикр алмашилди.

18-21 сентябрь. Тошкентда “Марказий Осиёда минтақавий интеграция: иқтисодий ҳамкорлик имкониятлари ва таваккалчилик” мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди.

20 сентябрь. Самарқандда қадимий Афросиёб шаҳарчасида қазилар олиб борган француз археологлари топилмалари кўргазмаси очилди.

21 сентябрь. Тошкентда янги молия муассасаси — “Асака” ихтисослаштирилган Давлат акционерлик тижорат банкининг очилиш маросими бўлди.

23-24 сентябрь. Тошкентда “Ўзбекистон Республикасида солиқ қонунчилиги: замонавий муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари” мавзуида биринчи республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

23-27 сентябрь. Ўзбекистонда “Сув — жиддий бойлик: уни сақлаш, фойдаланиш ва бошқариш” мавзуида МДҲ — АҚШ учинчи қўшма кон-

ференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда АҚШ, Марказий Осиё минтақаси ва МДХнинг бошқа давлатларидан икки юздан ортиқ олим ва мутахассислар иштирок этди.

24-28 сентябрь. Тошкентда “Итф Ўзбекистон-96” Халқаро савдо-саноат ярмаркаси ўтказилди.

24-27 сентябрь. Тошкентда “Ўтиш даври иқтисодиётида ижтимоий сиёсат” мавзuida семинар бўлиб ўтди. Унинг ишида Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Хитойдан келган мутахассислар иштирок этди.

24 сентябрь. Тошкентда ижаранинг долзарб муаммолари бўйича Халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унинг ишида Ўзбекистон, ГФР, АҚШ юристлари, иқтисодчилари, олимлари ва амалиётчилари иштирок этди.

25 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов республикада меҳмон бўлиб турган Япония миллий нефть корпорациясининг президенти Кунио Комацу бошчилигидаги шу мамлакат делегацияси билан учрашди. Суҳбат жараёнида янги нефть конларини қидириб топиш, нефть-газ тармоғини техника билан жиҳозлаш ва Ўзбекистон нефть маҳсулотларини Осиё бозорида сотишда ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

26 сентябрь. Республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистон — Германия Шартномаси имзоланди.

26 сентябрь. Республикада меҳмон бўлиб турган Туркиянинг “И-Тако” фирмаси раҳбари Гелмез Хусейн бошчилигидаги делегацияси “Маҳаллий саноат” Давлат корпорациясига ташриф буюрди. Корпорация раҳбарияти билан бўлган суҳбат жараёнида “Касмир-дери” ўзбек-турк қўшма корхонасининг истиқболи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Наманганда ташкил этиладиган бу корхона дублёнкалар, чарм курткалар ва бошқа чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

Сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан Американинг “Кейс кредит” компанияси ўртасида Марказий Осиёда биринчи “Ўзкейсагролизинг” қўшма қишлоқ хўжалиги лизинг компанияси ташкил этиш ҳақидаги таъсис ҳужжатларини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Сентябрь. Фарғонада учинчи аппаратлари мониторинги муаммоларига бағишланган Халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Россия, АҚШ, Ўзбекистон авиация илмий-тадқиқот марказларининг олимлари иштирок этди. Улар самолётлар конструкцияларининг мустақамлиги, улардан узоқ муддат давомида фойдаланиш, ҳаво флотининг мустақамлик даражасини ошириш билан боғлиқ фундаментал тадқиқотлар натижаларини муҳокама қилдилар.

Сентябрь. Фарғона “Ўзнефтьқайтаишлаш” давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида замонавий ферсол ва ферлит пластик мойи ишлаб чиқарилган қурилма ишга туширилди. Илгари бу маҳсулотлар Ўзбекистонга чет элдан келтириларди.

Сентябрь. Бухорода Ҳиндистоннинг “Ларсен Турбо ЛТД” фирмаси қурган 430 ўринга мўлжалланган тўрт юлдузли меҳмонхона очилди.

Сентябрь. Тошкентда “Янги ноорганик материаллар” мавзуида Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференция ишида Ўзбекистон, Россия, Украина, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлардан келган икки юздан ортиқ мутахассислар иштирок этди.

Сентябрь. Андижонда “Умид-94” ўзбек-турк қўшма корхонаси тақдироти бўлиб ўтди. Бу корхона сифатли полиэтилен плёнка ишлаб чиқаради, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати товарлари учун ўраш материаллари ҳамда гулдор дастурхонлар тайёрлайди.

Сентябрь. “Тошкент трактор заводи” ишлаб чиқариш бирлашмаси конвейеридан ТТЗ-130 русумли дастлабки ўнта трактор чиқди.

Сентябрь. Қоҳирада ирригация ва дренаж бўйича халқаро қўмитанинг XVI конгресси бўлиб ўтди. Конгресс ишида республика ирригация ва сув ҳўжалиги вазирлиги вазифасини бажарувчи Абдураҳим Жалилов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

Сентябрь. Асака шаҳрида “Федеричи-Асака-Макарони” ўзбек-италия қўшма корхонаси ишга тушди.

Сентябрь. Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Оқтош посёлкасида “Шамол ЛТД” кўптармоқли хусусий фирмасининг гугурт фабрикаси очилди.

1 октябрь. Тошкентда энергетика, телекоммуникациялар ва идора жихозлари Учинчи Халқаро кўргазмаси очилди.

1 октябрь. “Тошкент трактор заводи” ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган таъсис конференцияда у очиқ турдаги Давлат акционерлик жамиятига айлантирилди.

2 октябрь. Тошкентда “Ўзбекистонда нефтни қайта ишлашнинг долзарб муаммолари ва мойлаш воситалари ишлаб чиқариш истиқболлари” мавзуида Халқаро конференция очилди.

2 октябрь. Самарқандда “Марказий Осиё аэропортлари — туризм ва иқтисодий тараққиёт омиллари” мавзуида Халқаро семинар иш бошлади.

2 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов АҚШ Савдо вазирлиги маслаҳатчиси Ян Калицкини қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

7-11 октябрь. Тошкентда пахта бўйича Халқаро маслаҳат қўмитасининг 55-ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов сўзга чиқди.

8 октябрь. Ўзбекистон банклар ассоциацияси республикада биринчи “Банкинформрейтинг” мустақил рейтинг компаниясини таъсис этди. Бундан қўзланган мақсад, давлат идора ва муассасалари, банклар, компаниялар, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик ҳамда чет эл инвесторларини иқтисодий таҳлил билан таъминловчи самарали ва яшовчан тузилма яратишдан иборат.

8-11 октябрь. Тошкентда “Ўзбекистон Республикаси шароитида мақбул ҳисобланган децентрализация” мавзuida Халқаро семинар бўлиб ўтди.

9-11 октябрь. Европа энергетика партияси бош котиби жаноб Петер Шюттерле бошчилигидаги шу партия делегацияси амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Делегация республика электроэнергетика мажмуининг иши, уни ривожлантириш истиқболлари билан танишди. Ўзбекистон Энергетика ва электрлаштириш вазирлигида ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари бўйича музокаралар ўтказди.

10 октябрь. Тошкентда “Бозор иқтисодийи шароитида маҳсулот сифатини оширишда стандартлар, синовлар, метрология ва сертификатлашнинг аҳамияти” мавзuida Халқаро семинар очилди.

14-18 октябрь. Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро семинарда унинг иштирокчилари Европа экспертларининг божхона хизматини ташкил этиш ва такомиллаштириш ҳақидаги маърузаларини тингладилар, минтақамиз мамлакатларининг божхона хизматлари ҳамкорлиги тўғрисида фикр алмашдилар.

15-17 октябрь. Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа учун Иқтисодий комиссияси (ЭКЕ)нинг “Халқаро транзит юк ташишни енгиллаштириш” мавзuida Халқаро семинар бўлиб ўтди.

16 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “ДЭУ” компаниялари гуруҳининг раиси Ким У Жунг бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чоғида “ЎЗДЭУавто” заводининг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, Ўзбекистонда автомобиллар учун бутловчи материаллар тайёрлаш, жаҳон бозорида рақобатбардош янги двигателлар ишлаб чиқариш ҳамда тўқимачилик саноати, пахта савдоси ва телекоммуникация соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

17 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаҳон банки вице-президенти Йоханнес Линни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни тезроқ амалга ошириш масалалари бўйича фикр алмашувлар бўлди.

18 октябрь. Тошкентда “Биржа ва улгуржи савдо” янги ҳафталик газетаси тақдимоти бўлиб ўтди. Газета минтақавий биржалар фаолияти, “Ўз улгуржибиржасавдо” ассоциациясига аъзо фирмалар иши ҳақида республика ишбилармонларини хабардор қилиб туриш учун Ўзбекистон товар-хом ашё биржаси томонидан таъсис этилди.

23-26 октябрь. Парижда “Шарқ-Ғарб-96 Экспо саммити” кўргазмаси бўлиб ўтди, унда Бухоро акционерлик жамиятлари, Тошкент фирмалари, хусусий корхоналарнинг қорақўлдан тикилган аёллар ва эркаклар кийимлари, зардўзи буюмлари, Ўзбекистоннинг қимматбаҳо тошларидан ясалган тақинчоқлар, безакли сопол, совғалар, туя жунидан тўқилган буюмлар намойиш этилди.

24 октябрь. Ширин ичимликлар ва маъданли сув ишлаб чиқарувчи “Самарқанд-Прага” қўшма корхонаси дастлабки маҳсулотларини чиқарди.

30 октябрь. Тошкентда Франциянинг “Сосьете женераль” банки ваколатхонаси очилди.

30-31 октябрь. Тошкентда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг “Орол денгизи ҳавзасида атроф-муҳитни барқарор ривожлантиришга кўмаклашиш” мавзуида семинар бўлиб ўтди. Президент Ислон Каримов семинар иштирокчиларига табрик йўллади.

Октябрь. Тошкентда беш юдузли “Интерконтиненталь” меҳмонхонасининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.

Октябрь. Фарғонада “Марказий Осиёда маҳаллий материаллардан зилзилабардош қурилишлар олиб бориш” мавзуида Халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Октябрь. Тошкентда “Молия бозори шарҳи”нинг биринчи сони чиқди. Бу пул, кредит, валюта ва жамғарма бозорларини ўз ичига олган молия бозоридаги вазиятни бир вақтнинг ўзида ифода этувчи макроиқтисодий ғоялар ёритиладиган Ўзбекистондаги илк нашр ҳисобланади.

Октябрь. Нурободда Навоий кон-металлургия комбинати бўлинмаларидан биридаги янги заводда биринчи полиэтилен қувур ишлаб чиқарилди.

Октябрь. Ўзбекистон-Жанубий Корея янги “Ўзтонг хонг” қўшма корхонаси “Нексия”, “Тико” автомобиллари, “Дамас” микроавтобуси учун ўриндиқлар ишлаб чиқара бошлади.

Октябрь. Ўзбекистон-Италия “Совпластитал” қўшма корхонаси Парижда “Сифат учун Европа Олтин мукофоти” халқаро мукофотига сазовор бўлди. Ишлаб чиқаришнинг илғор технологияси, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати учун Ўзбекистон қўшма корхонаси сазовор бўлган бу саккизинчи халқаро мукофотдир.

Октябрь. Тошкентда Ўзбекистон-Япония семинари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон банклари ходимлари япон мутахассисларининг молиявий ахборот компьютер тизимлари ва уларни жорий этиш, банк соҳасида компьютер технологиясини яратиш ва амалга ошириш муаммоларига доир маърузаларини тингладилар.

Октябрь. Тошкентда “Бозор, пул ва кредит” илмий-амалий журналининг биринчи сони босмадан чиқди. Ўзбекистон Марказий банки ва бошқа етакчи банклар унинг таъсисчилари бўлишди.

Октябрь. Бухорода республикада биринчи марта Жаҳон Сифат кунига бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди. Унда республика стандартлаш ва сертифицициялаш марказларининг вакиллари иштирок этди.

Октябрь. Самарқандда Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида аҳолига алоқа воситалари билан хизмат кўрсатиш сифатини жаҳон андозалари даражасига етказишда ўзбек шерикларга ёрдам кўрсатиш бўйича “Ўзбектелеком интернешнл” Ўзбекистон-Индонезия қўшма акционерлик бирлашмасининг тақдимоти бўлди.

Октябрь. Гамбург шаҳри ишбилармонлари делегацияси республикамиз ўрта ва кичик бизнес вакиллари билан яқин амалий алоқаларни йўлга

қўйиш имкониятларини ўрганиш мақсадида уч кунлик хизмат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди.

4-8 ноябрь. Тошкентда халқ истеъмоли моллари иккинчи Халқаро кўرғазмаси бўлиб ўтди. Унда 25 мамлакатнинг 60 та хорижий фирма ва компаниялари ўз маҳсулотларини намойиш этди.

5 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Американинг “Кейс корпорейшн” компанияси президенти Жан-Пьер Россо бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Сухбат чоғида қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, қишлоқ хўжалиги машиналарига техникавий хизмат кўрсатиш пунктлари ташкил этишни жадаллаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

6 ноябрь. Тошкентда мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, сертификация ва сифатни назорат қилиш давлатлараро тизимини яратиш муаммоларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

6 ноябрь. Самарқанд вилоятининг Ургут шаҳрида “Халқ хунармандчилиги истиқболлари” мавзуида Республика семинари бўлиб ўтди.

7 ноябрь. Лондонда “Ўзбекистонда бизнесни амалга оширинг” мавзуида конференция очилди. Унинг ишида Буюк Британия, Европа, Осиё ва Америка мамлакатлари ишбилармон доираларининг вакиллари иштирок этди.

13-14 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистонда инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича Халқаро конференция бўлиб ўтди.

15 ноябрь. Тошкентда “Марказий Осиёда Энергетика харитасига доир шартномани амалга ошириш ва татбиқ этиш” мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди.

15 ноябрь. Тошкентда инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича Халқаро конференция бўлиб ўтди.

21 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Европанинг “Аэро интернейшнл” компанияси вице-президенти Петер Конноли бошчилигидаги шу компания делегациясини қабул қилди.

22-25 ноябрь. Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Иорданияда бўлди. Ташриф чоғида Ўзбекистон билан Иордания ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик, шунингдек, икки мамлакат ўртасида юklarни ҳаво йўли орқали ташиш соҳасида ҳамкорлик ҳақидаги Битимлар имзоланди.

25 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Қишлоқ хўжалиги экинларини пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

25-27 ноябрь. Тошкентда “Ўзбекистон иқтисодиётининг нодавлат секторини ривожлантириш муаммолари” мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

26 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Бошқарув органлари тузилмасини такомиллаштириш ва маъмурий-бошқарув ходимлари сонини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

26-30 ноябрь. Тошкентда ахборот технологиялари ва телекоммуникациялари IV миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.

29 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси “ДЭУ” компанияси гуруҳининг раиси Ким У Жунг бошчилигидаги компания делегациясини қабул қилди. Учрашувда турли тармоқлар, хусусан, пахта толаси савдосида, коммуникация тармоқларини кенгайтиришда, Ўзбекистонда енгил автомашиналарнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришда ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

30 ноябрь. Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида “Кобул-Тўйтепа текстиль” ўзбек-корейс қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов корхона жамоасига табрик йўлади.

30 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Хорижий инвестицияларга эга бўлган корхоналарни рағбатлантиришнинг кўшимча омиллари ва уларга бериладиган имтиёзлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

Ноябрь. Қарши шаҳридаги ўзбек-турк трикотаж мажмуида трикотаж фабрикаси фойдаланишга топширилди.

Ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон билан Франция ўртасида саноат соҳасидаги ҳамкорлик бўйича семинар бўлиб ўтди.

Ноябрь. Тошкентда “Интеллектуал мулк: бизнесдаги ҳуқуқий муносабатлар” мавзуида икки кунлик Халқаро семинар бўлиб ўтди.

Ноябрь. Тошкентда республикага етказиб бериладиган жиҳозлар, деталлар, техникавий воситалар ва ҳоказолар сифатига экспорт баҳосини бериш бўйича “Техноинвест” Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси ташкил этилди.

Ноябрь. Бухорода хунармандчиликни ривожлантириш вилоят маркази очилди. У Ўзбекистондаги БМТ вакиллари, Американинг “Юсаид” халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда шаҳар ҳокимияти томонидан ташкил этилди.

Ноябрь. Наманган вилоятида пахта тозалаш заводлари ишлаб чиқаришининг асосий чиқиндилари — линт ва момиқдан юқори сифатли қоғоз ишлаш бўйича Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ташкил этилди.

Ноябрь. Тошкентда биринчи марта “Ўзбекистонда ижтимоий мулоқот, жамоат шартномаси ва партенариат: талаб ва истиқболлар” мавзуида семинар ўтказилди. У бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-меҳнат муносабатларини такомиллаштиришда ҳукумат касаба уюшмалари, иш берувчилар ва ишчилар Ассоциациясининг вазифалари масалаларига бағишланди.

Ноябрь. Тошкентда Европа ҳамжамиятининг ТАСИС дастури доирасида хусусий фермерларни қўллаб-қувватлаш лойиҳасига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

5 декабрь. Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Украина Бош вазири Павел Лазаренко бошчилигидаги шу мамлакат ҳукумати делегацияси рес-

публика Вазирлар Маҳкамасига ташриф буюрди. Ўзбекистон ва Украина расмий делегациялари ўртасидаги музокаралар якунида икки томонлама фуқаролик ҳолларининг келиб чиқиши олдини олиш, солиқ мажбуриятларининг бузилишига қарши кураш соҳасида ўзаро ёрдам ва ахборот алмашиш, 1997 йилда Ўзбекистондан Украинага табиий газ етказиб бериш, божхона ишлари ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги ўнга яқин ҳужжат имзоланди.

7 декабрь. Тошкентда Марказий Осиёда биринчи “Реклама-96” кўرғазмаси якунланди.

8 декабрь. Гулистонда “ЎзДЭУавто” қўшма корхонаси чиқарган “Нексия” автомобилларини сотиш бўйича Ўзбекистонда биринчи кимовиди савдоси бўлиб ўтди.

10 декабрь. Қарши шаҳрида “Каштекс” акционерлик жамиятининг йирик тўқимачилик мажмуи фойдаланишга топширилди. У Туркиянинг “Язекс” корпорацияси билан ҳамкорликда қурилди.

12 декабрь. Тошкентда республика Давлат солиқ қўмитасида компьютер техникасидан фойдаланишда Ўзбекистон солиқ идораларига техникавий ва маънавий ёрдам кўрсатиш бўйича биргаликдаги дастурлар ишлаб чиқиш Марказининг очилиш маросими бўлди.

16-21 декабрь. Тошкентда иккинчи Тошкент савдо-саноат ярмаркаси бўлиб ўтди.

17 декабрь. Тошкентда “Абн-Амробанк Ўзбекистон МБ” акционерлик банки очилди.

18 декабрь. Токиода Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг ташрифи доирасида “Ўзбекистон билан икки томонлама молиявий ҳамкорлик” мавзусида конференция бўлиб ўтди.

19 декабрь. Тошкентда Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури бўйича ишбилармонлик алоқалари Марказида “Кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиявий таъминлаш манбалари” мавзусида семинар бўлиб ўтди.

30 декабрь. Қашқадарё вилоятидаги Алан конида йилига 5 миллиард куб метр газ ва 200 минг тонна конденсат чиқарадиган қувватлар фойдаланишга топширилди.

30 декабрь. Муборак газни қайта ишлаш заводида олтингургурт тозаловчи 15-блок ишга туширилди, у йилига икки миллиард куб метр газни қайта ишлашга қодир. Ушбу заводдаги янги блокнинг ишга туширилиши муносабати билан унинг қуввати йилига 30,2 миллиард куб метрни ташкил этади.

Декабрь. Италиянинг “Серма ЛТД” фирмаси билан “Ҳозғонмармар” акционерлик жамияти ўртасида мраммарни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик йўлига қўйилди. Қўшма корхона “Серма” деб номланди.

Декабрь. Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги Бўстон қишлоғида сутни қайта ишлайдиган мини завод ишга туширилди. У Франция мутахассислари билан ҳамкорликда ташкил этилди. Корхонада етти турдаги маҳсулот, шу жумладан, Голландия пишлоғи ишлаб чиқарила бошлади.

Декабрь. Ўзбекистон Республикаси Халқ банки хусусийлаштирилган инвестиция жамғармалари (ХИЖ) акцияларини сота бошлади.

Декабрь. Республикамизда Индонезия банкининг директор-мутасадиси Паул Сутопо Чокронегро бошчилигидаги делегация меҳмон бўлди. Музокаралар давомида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан Индонезия банклари ўртасида банк битими имзоланди.

Декабрь. Андижонда қишлоқ хўжалиги ходимлари Республика семинари бўлиб ўтди. Унда чигитни плёнка остига экиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Декабрь. Нукусда Қорақалпоғистонда биринчи бизнес маркази очилди.

Декабрь. Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги Заркент қишлоғида “Алтиери Веникола” ўзбек-испан фирмаси очилди. У йилига 20 минг тонна узумни қайта ишлайди.

Декабрь. Бухоро вилоятида мрамарга ишлов берадиган янги завод очилди. У “Бухоро” ташқи иқтисодий алоқалар Ассоциацияси ҳамда Американинг Марказий Осиёда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан ҳамкорликда қурилди.

1997 ЙИЛ

2 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси “ДЭУ” компанияси гуруҳининг раиси Ким У Жунг бошчилигидаги шу гуруҳ делегацияси аъзоларини қабул қилди. Сўхбат чоғида “ЎЗДЭУавто” заводида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, уни бутловчи материаллар билан таъминлаш, тўқимачилик мажмуини барпо этиш, телекоммуникацияларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

5 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Хўжалик судлари қарорларининг ижро этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

6-7 февраль. Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон алоқа вазирликлари раҳбарларининг амалий учрашуви бўлиб ўтди. Унда электр ва почта алоқаси, радио ва телевидение тизимларига хизмат кўрсатиш ҳамда тармоқда иқтисодий ислохотлар ўтказиш бўйича ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

7 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун хорижий кредитлар беришни ташкил этиш масалалари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

11 февраль. Тошкентда Марказий Осиё Республикалари темир йўл идоралари ҳамда Каспий денгизи кемачилиги раҳбарларининг ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш масалаларини муҳокама қилиш юзасидан биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув Қора денгизга олиб келадиган темир йўл маршрутини барпо этиш воситасида МДХ жанубий давлатларининг жаҳон иқтисодиётига кириб боришига кўмаклашуви лозим.

12 февраль. Лондондаги Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) бош қароргоҳида Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини 120 миллион доллар миқдоридида маблағ билан таъминлаш тўғрисидаги кредит битими имзоланди.

12 февраль. Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари В. Серов бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ташриф буюрди. Бош вазир Ў. Султонов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумати делегацияси билан Россия ҳукумати делегацияси ўртасидаги музокаралар якунида “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида 1997 йилга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги Дастур”, “Россия Федерацияси ҳукумати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида йўловчи ташиш (ИЛ-114) ва юк ташиш (ИЛ-114 Т) модификациясидаги маҳаллий ҳаво йўллари самолётларини биргаликда туркумли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва фойдаланиш учун етказиб бериш соҳасида бундан кейинги ҳамкорликни таъминлаш тўғрисидаги Битим”, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукумат делегациялари музокаралари якунлари бўйича Протокол” имзоланди.

18 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекивест” экспорт-импорт суғурта миллий компаниясини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

19 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Инсон манфаатларини амалга оширишни таъминлаш борасида 1997 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида” Қарор қабул қилди.

24 февраль. Лондон савдо ва саноат палатасининг савдо миссияси Ўзбекистонга келди. Буюк Британия кичик ва ўрта бизнес вакиллари, шунингдек, йирик компаниялар делегацияси ўзининг бир ҳафталик ташрифи вақтида Ўзбекистон бозори ва эҳтимол тutilган шериклар билан танишди.

25 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзгросуғурта” Давлат акционерлик суғурта компанияси ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

25 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Американинг чет эллардаги хусусий инвестициялар бўйича корпорацияси (ОПИК)нинг президенти ва бош ижрочиси Рут Харкинни қабул қилди. Суҳбат чоғида ҳамкорликни янада ривожлантириш, хусусан, ОПИК билан биргаликда амалга ошириладиган ишларни бажариш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

26 февраль. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов Миср Араб Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Фатҳи Аш-Шазлий бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Учрашув чоғида мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

6 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзгросуғурта” Давлат акционерлик суғурта компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

8 март. Тошкентда хорижий инвестицияларни Ўзбекистонга жалб этиш муаммолари бўйича биринчи Халқаро конференция очилди.

9 март. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси Американинг Сизтл шаҳридаги “Боинг” самолётсозлик корпорациясидан сотиб олган иккинчи “Боинг-767” самолёти Тошкент аэропортига келиб қўнди. Янги реактив лайнер қадимий ўзбек шаҳри — “Хива” номи билан аталди.

10 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Боинг” компанияси тижорат самолётлари гуруҳининг президенти Р. Вудардни қабул қилди. Сўхбат чоғида “Боинг” компанияси билан “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси, “Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси Давлат акционерлик жамияти” ҳамда айрим олий ўқув юрлари ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

11 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Қишлоқ хўжалигида ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштиришга оид асосий чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

11 март. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги “Умид” жамғармаси билан “Боинг” компанияси ўртасида ҳамкорлик ҳақида”ги Битим имзоланди. Ҳужжатда ҳамкорликнинг асосий йўналишлари: авиасозлик ва ҳаво транспорти соҳасида мутахассислар тайёрлаш, ҳаво ҳаракатларини молиявий таъминлаш, менежмент ва бошқаришни чуқур ўрганишдан иборат эканлиги белгилаб олинди.

14 март. Тошкентда Бирлашган Араб Амирликлари ва Форс кўрφαзи давлатларининг республикамизга ташриф буюрган ишбилармонлари иштирокида бизнес-семинар бўлиб ўтди.

17 март. Республика банк тизимида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва “Артур Андерсен” консалтинг фирмаси билан биргаликда ишлаб чиқилган ҳамда Жаҳон Валюта Жамғармаси ва Жаҳон банки экспертлари томонидан маъқулланган халқаро андозаларга мувофиқ келувчи бухгалтерлик ҳисоби сўтларининг янги режаси жорий этилди.

18 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Шахсий томорқа ва деҳқон хўжалиқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашдаги аҳамиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

19 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Республикада вексель муомаласини тартибга солиш чора-тадбирларлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

19 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Япониянинг “Нише Иваи корпорейшн” компанияси президенти Масатаке Кусамичини қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон билан мазкур компания ўртасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

19 март. Тошкентдаги “Туркистон” саройида энг яхши тадбиркор, энг яхши хунарманд ва энг яхши фермер учун навбатдаги “Ташаббус-96” танлови бўлиб ўтди. Самарқанддаги “Умид” хусусий фирмасининг директори Олим Ражабов энг яхши тадбиркор, деб тан олинди. Унга “Нексия” автомобили калити топширилди. Хунармандлар орасида Қибрайдаги “Ижод” фирмаси ходими Эргаш Сафаров биринчи ўринни олди. Унга “Тико” автомобили тақдим этилди. Андижон вилояти Марҳамат туманидаги “Шухрат” фермер хўжалигининг раҳбари Тошмирза Нуриев энг яхши фермер унвонига сазовор бўлди. У “Дамас” машинаси соҳиби бўлди.

19 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Машина-трактор паркларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

24 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси уй-жой қурилишида ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

25 март. Тошкентда Ўзбекистонда ерларнинг саҳролашуви муаммолари бўйича семинар ўз ишини якунлади. У ерларнинг саҳролашувига қарши кураш бўйича БМТ Конвенцияси доирасидаги ҳаракатларни ишлаб чиқиш бўйича қўйилган илк қадам бўлди.

26 март. Бухорода хорижий инвестицияларни Бухоро вилоятига олиб кириш истиқболларига бағишланган бизнес-семинар бўлиб ўтди. Унда Бухоро қорхоналари билан ўндан ортиқ мамлакат фирмалари вакиллари ўртасида ҳамкорлик ҳақидаги битимлар имзоланди. Ушбу битимларни амалга ошириш мақсадида Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бухоро вилоятининг истиқболли қорхоналарини қўллаб-қувватлаш учун 30 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратди.

31 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва республиканинг фонд бозорида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

Март. Беруний туманида “Қилчиноқ” электр насос станцияси ишга туширилди. У Беруний ва Эллиққалъа туманларининг 13 минг гектар ерини сув билан таъминлайди.

Март. Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида ташкил этилган “ЎздЭУ тўқимачилик” қўшма қорхонаси дастлабки маҳсулотни берди.

Март. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов Эр-Риёда Саудия Арабистони Бош вазирининг биринчи ўринбосари Абдулла ибн Абдул ал-Сауд билан учрашди. Учрашув чоғида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Март. Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида Марди Султонов номидаги агрофирманинг пахта тозалаш заводи фойдаланишга топширилди.

1 апрель. Тошкентда Бош вазир Ў.Султонов раислигида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кучайтириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

2 апрель. Ўзбекистон ҳукумати БМТнинг тараққиёт Дастури билан ҳамкорликда биринчи ҳукуматлараро глобал тармоқ лойиҳасини расман тузиб чиқа бошлади. У ахборотлар алмашуви жараёнини енгиллаштириш ва жаҳон “Интернет” тармоғининг улкан ахборот захираларидан фойдаланиш имконини туғдиради. Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда мазкур стратегик жиҳатдан муҳим соҳада халқаро ҳамкорлик шарт-шароитларини белгилаб берувчи ҳужжат лойиҳаси имзоланди.

8 апрель. Тошкентдаги Минтақавий банк ўқув марказида янги “Кредит таваккалчилигини баҳолаш” амалий курси очилди. Уни Нидерландия банк секторининг етакчи эксперти Рейтер де Вилдт олиб борадиган бўлди.

9 апрель. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов ГФР Бундестаги вице-президенти Буркхард Хирш бошчилигидаги делегация билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, шу жумладан, республикадаги кичик ва ўрта бизнесни такомиллаштириш соҳасида, замонавий бозор инфратузилмасини вужудга келтиришда ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

10 апрель. Тошкентда шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликлари Ассоциациясининг таъсис қурултоғи бўлиб ўтди.

11 апрель. Латвия ташқи ишлар вазири В. Биркавс бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов билан учрашди. Учрашув чоғида транспорт, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва молия соҳасидаги муваффақиятли ҳамкорлик, хусусан, банклараро ҳамкорликни кенгайтиришдаги мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.

11 апрель. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А. Комилов Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири В.Биркавс бошчилигида мамлакатимизга ташриф буюрган делегация билан учрашди. Музокаралар якунида А. Комилов ва В. Биркавс Ўзбекистон ҳукумати билан Латвия ҳукумати ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссия тузиш тўғрисидаги Битимни имзолادилар. Шунингдек, ҳуқуқ соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги илгари имзоланган Шартнома муносабати билан ратификация ёрликларини алмаштириш маросими бўлиб ўтди.

16 апрель. Тошкентда Республика бизнес-инкубаторининг расмий тақдими бўлиб ўтди.

16 апрель. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигида Ўзбекистон ва Россия мутахассисларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда республика энергетикларининг релели ҳимоя ва автоматикага доир микропроцессор рақамли жиҳозлари ишлаб чиқариш бўйича “АББР-Чебоксари” қўшма корхонаси билан ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

17 апрель. Самарқандда GSM-900 андозасида ишлайдиган уяли алоқа станциясини техник жиҳатдан ишга тушириш амалга оширилди.

21 апрель. Мадридда Андижондаги ип-газлама ишлаб чиқариш бўйича Бобур номли акционерлик жамиятига сифатли маҳсулоти учун “Европа аркаси” Халқаро совринини топшириш маросими бўлиб ўтди.

22-25 апрель. Тошкентда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, озиқ-овқат саноати ва ўраш технологиялари иккинчи Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

23 апрель. Тошкентда мулкдорлар синфини шакллантиришда Республика товар-хом ашё биржасининг аҳамиятига бағишланган “Ақлий марказ” туркумидаги навбатдаги семинар бўлиб ўтди.

24 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Хусусий тижорат банклари ташкил этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

25-26 апрель. Тошкентда Андижон-Ўш-Қашқар темир йўл қурилиши ва автомобиль йўлини қайта қуриш масалаларига бағишланган Халқаро кенгаш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов кенгаш иштирокчиларига табрик йўллади.

Кенгаш ишида Хитой, Япония, Жанубий Корея, Вьетнам, Германия, Болгария, Руминия, Покистон, Эрон, Туркия, Украина, Грузия, Озарбайжон, Марказий Осиё давлатлари ҳамда БМТ, Жаҳон банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, ТАСИС Дастури, Осиё тараққиёт банки каби халқаро ташкилотларнинг вакиллари, Ўзбекистондаги дипломатия ваколатхоналарининг раҳбарлари иштирок этдилар.

26 апрель. Тошкентда Андижон-Ўш-Қашқар автомобиль йўлини ҳамкорликда лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида Битим, шунингдек, бу йўналишда “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат темир йўл компанияси, ХХР Темир йўл вазирлиги ҳамда Қирғизистон Транспорт ва алоқа вазирлиги ўртасида темир йўл қурилиши борасида биргаликда тадқиқотлар ўтказиш ва лойиҳаолди ишларини амалга ошириш тўғрисидаги Меморандум имзоланди.

Апрель. Асакадаги, “ЎзДЭУавто” заводи билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда ойна, пойабзал ва газмол ишлаб чиқариш борасида бир қанча қўшма корхоналар ташкил этиш мақсадида Словакия Иқтисодиёт вазири ўринбосари А.Шароцки бошчилигидаги шу давлат делегацияси бир ҳафта давомида Ўзбекистонда бўлди.

Апрель. Шаржада юк ташиш масалалари бўйича Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси бу қадар мўътабар анжуманда фақат биринчи марта иштирок этиб қолмасдан, шу билан бирга унинг мукофотига, яъни 1996 йилда чартер рейсларида юк ташиш бўйича энг яхши авиакомпания унвонига сазовор бўлди.

Апрель. Тошкент аэропортида ҳаво йўллари ҳаракатини бошқаришнинг янги автоматлаштирилган тизими ишга туширилди. У Ҳамдўстлик давлат-

лари ҳудудларида фойдаланишга топширилган ҳаво йўллари ҳаракатини бошқаришнинг дастлабки ғарбча тизими ҳисобланади.

Апрель. “Андижон” агрофирмасининг бош корхонаси — консерва заводи асосида маҳаллий мева ва сабзавотлардан жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган “Ўсангло” ўзбекинглиз қўшма корхонаси ташкил этилди.

Апрель. Тошкентда Американинг “Дункан Индастриз” компанияси маҳсулотлари тақдимоги бўлиб ўтди. Мазкур компания автомобиль саройлари ҳисоблагичлари ишлаб чиқаришда (автомобиллар турадиган жойга ҳақ тўлаш) жаҳондаги етакчи компания ҳисобланади.

Апрель. Андижон вилоятининг Балиқчи туманида “Вигас” Ўзбекистон—Россия қўшма корхонасининг филиали фаолият кўрсата бошлади. Унда мебель ишлаб чиқариш учун тахта тайёрлайдиган цехнинг узлуксиз ишловчи линияси дастлабки маҳсулот чиқарди.

Апрель. “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари нафис керамикадан ип ўтказиш технологиясини ишлаб чиқиб, амалда татбиқ этилди. Тўқув дастгоҳлари учун зарур бўлган ушбу маҳсулот илгари республикамызга четдан келтирилди.

Апрель. Самарқандда Марказий Осиёда биринчи марта “Жи-Эс-Эм-800” андозадаги уяли алоқа тизимининг учта асосий станциясини техникавий жиҳатдан ишга тушириш амалга оширилди.

Апрель. Тошкентда “Ўтиш даври иқтисодиётидаги ўзгаришларни банк йўли билан стратегик режалаштириш ва бошқариш” мавзуйда Халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференция ишида Марказий Осиёнинг йирик банклари ва Ғарб банклари, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган чет эл молия муассасалари раҳбарлари иштирок этиди.

2 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Япониянинг “Сакура банк” бошқаруви раиси Кен-Ичи Суемацуни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан “Сакура банк” ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

6 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жанубий Корея “ДЭУ” компанияси гуруҳининг раиси Ким У Жунг бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон корхоналари ва “ДЭУ” ўртасида автомобилсозлик, телекоммуникация, тўқимачилик саноати соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашувлар бўлди.

6 май. Россиянинг Энгельс шаҳридаги троллейбус заводи ва Тошкентдаги 243-сонли авиатаъмирлаш заводи билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхона жамоаси йиғган янги троллейбуснинг дастлабки тажриба намунаси пойтахт кўчаларига чиқарилди.

7 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Республика қишлоқ хўжалигида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш бўйича Ҳукумат комиссиясини ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

13-16 май. Тошкентда қишлоқ учун замонавий мини-технологиялар ва жиҳозларнинг республикада биринчи кўргазма-савдоси бўлиб ўтди.

15 май. Тошкентда халқаро акционерлик тижорат “ЎзДЭУбанк” тақдироти бўлиб ўтди.

15 май. Тошкентда Бангладеш Республикасининг Ўзбекистонда биринчи савдо кўргазмаси очилди.

15-16 май. Нукусада Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси Конрад Аденауэр Жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этган “Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хотин-қизлар” мавзуида икки кунлик семинар бўлиб ўтди. Семинар иштирокчилари бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хотин-қизлар бандлиги, уларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши, бизнесдаги имкониятлар, тижорат фаолияти масалаларини муҳокама қилдилар.

16 май. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва АБН АМРО Банки (Нидерландия) ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик бўйича Битим имзоланди. Битим Ўзбекистон билан Голландия ўртасида савдони кенгайтириш бўйича иккита молия институтининг биргаликдаги фаолиятини, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, илгор технологияларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этишни назарда тутди.

19 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Хўжалик юритувчи субъектларга банк хизмати кўрсатишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

20 май. Берлин халқаро конгресс-марказида Ўзбекистон билан инвестициявий ҳамкорлик борасида иқтисодий симпозиум бўлиб ўтди. Симпозиум ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов бошчилигидаги вакиллар делегацияси иштирок этди.

21 май. Тошкентда “Ўзбекистоннинг нефть-газ салоҳияти” биринчи Халқаро конференцияси очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов конференция иштирокчиларига табрик йўллади.

21-23 май. Тошкентда “Нефть ва газ-97” биринчи Ўзбекистон Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 30 мамлакатидан юзга яқин ихтисослашган компания ва фирмалар вакиллари қатнашди.

22-23 май. Тошкентда агросаноат мажмуи масалалари бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ҳукуматлараро кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

23-24 май. Тошкентда кўптомонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Молдова ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис якунида Ўзбекистон билан Молдова ўртасида молия-саноат гуруҳларини ташкил этишнинг асосий тамойиллари, стандартлаш, метрология ва сертификация соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битимлар, шунингдек, банклар ва молия, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги ҳужжатлар имзоланди.

26 май. Тошкентда Америка-Ўзбекистон савдо палатаси ташкил этган “Ўзбекистон — Марказий Осиёга хорижий инвестицияларни жалб этиш маркази” мавзуидаги конференция бўлиб ўтди.

27-29 май. Самарқандда “Буюк Ипак йўли” Халқаро амалий ҳамкорлик анжумани бўлиб ўтди.

27-29 май. Тошкентда “Саноат ва маиший чиқиндиларни қайта ишлаш, зарарсизлантириш ва улардан фойдаланишнинг ҳозирги аҳволи” минтақаларо илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

29 май. Мамлакатимизга келган Германия Иқтисодий ҳамкорлик ва таваққуёт вазири Карл Дитер Шпрангер бошчилигидаги ГФР делегацияси аъзолари Вазирлар Маҳкамасига ташриф буюрдилар. Бу ерда Ўзбекистон Бош вазири Ў.Султонов билан бўлган учрашувда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

29 май-2 июнь. Тошкентда “Божхона ишлари ва ахборот технологияси” мавзуида Республика семинари бўлиб ўтди. Унда Жаҳон божхона ташкилотининг мутахассислари маърузалар билан сўзга чиқдилар.

29 май. Бухоро шаҳрида “Жунни қайта ишлаш” мавзуида тадбиркорлар ва мутахассисларнинг Республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

29 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган “Ўзқурилишматериаллар” Ўзбекистон Давлат концернини “Ўзқурилишматериаллар” акционерлик компаниясига айлантириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Май. Тошкентда Голландиянинг АБН АМРО Банк филиалининг очилиш маросими бўлди.

Май. Тошкентда Ўзбекистон шаҳарларидаги юридик ва жисмоний шахсларга суғурта хизмати кўрсатадиган “Кафолат” Давлат акционерлик суғурта компанияси таъсис этилди.

Май. Новосибирскда бўлиб ўтган “Автосиб-97” УП Халқаро кўргазмасида “ЎЗДЭУавто” акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган “Нексия”, “Тико” ва “Дамас” автомобилларининг юқори сифати учун кўргазма ташкилий қўмитасининг Катта Олтин медали ва дипломи топширилди.

Май. Индонезиянинг машҳур “Бакри групп” компанияси делегацияси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасида бўлиб, ўз ниятлари ҳамда мамлакатимизда нефть ва газ қазиб чиқариш, уларни қайта ишлаш бўйича мавжуд қувватларни қайта тиклаш ва биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги Протоколни имзолади.

Май. Тошкентда ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларининг атмосферанинг озон қатламига путур етказувчи моддалар юзасидан Монреаль Протоколини бажариш соҳасида Иккинчи ҳукуматлараро маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

Май. Ўзбекистон тадбиркорлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида Малайзиянинг “ПНБ” компанияси ижрочи директорининг

Ўринбосари Хамад Кама Плах бин Че Осман бошчилигидаги савдо делегацияси Ўзбекистонда бўлди.

Май. Туркиянинг Истамбул шаҳрида “Инвестиция жамғармаларнинг операциялари, менежмент ва ҳуқуқий бошқарув” мавзуида молиячиларнинг Халқаро семинари бўлиб ўтди. Семинар ишида Ўзбекистон молия ходимлари вакилларидан иборат делегация иштирок этди.

Май. Самарқандда “Ўзбекистон Республикаси узумчилик ва вино ишлаб чиқариш. Халқаро сотув бозорларидаги рақобатбардошлик муаммолари” мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди.

3 июнь. “Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси” Давлат акционерлик жамиятига ИЛ-114 самолётини ишлаб чиқариш учун халқаро класс сертификати ва ИЛ-76 ТД самолётини назорат-тиклаш таъмиридан ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди.

3 июнь. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси Тошкент-Берлин-Тошкент янги ҳаво йўлини очди.

4-6 июнь. Тошкентда “Темир йўллар ҳамкорлиги ташкилоти Вазирлар кенгаши (ТЙҲТ)нинг XXV сессияси бўлиб ўтди. Унда Осиё, Америка ва Европанинг ТЙҲТга аъзо бўлган 26 та мамлакатидан мутахассислар, Осиё ва Тинч океан учун БМТнинг Ижтимоий ва Иқтисодий комиссияси (Эска-та), Темир йўллар Халқаро Иттифоқи вакиллари, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ва чет эл элчихоналари раҳбарлари иштирок этди.

5 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Американинг “Дановант Интерпрайсиз Инк” компаниясининг бошқаруви раиси Вильгельм Б.Дановант-кичик раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат жараёнида хом ашёни ва қайта ишланган маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш, пахтачилик маркетинги бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш, “ЎзДАН” америка-ўзбек қўшма маркетинг компаниясининг фаолият доирасини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

9 июнь. Тошкентда ўзбек-британия бизнес-семинари бўлиб ўтди. Унда Буюк Британия Бедфордшир савдо-саноат палатаси делегациясининг аъзолари иштирок этди.

11 июнь. Тошкентда “Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича Германиядан келтирилган қурилиш техникаси ва ускуналари” мавзуида техникавий симпозиум очилди. Симпозиумда 19 та герман фирмаси иштирок этди. Улар баланд уйлар, ерости иншоотлари қурилиши, йўл ўтказиш, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш учун энг янги машиналар ва технологияларни намойиш қилишди.

12 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз маркаларини қўллашни такомиллаштириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

13 июнь. Чирчиқда болалар пойабзали чиқарадиган “Кибо — болалар пойабзали” ўзбек-герман қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

13 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “ДЭУ” компанияси гуруҳининг раиси Ким У Жунг бошчилигидаги Жанубий Корея делегациясини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистонда “ДЭУ” инвестицияларини янада кенгайтириш, Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида қўшма тўқимачилик фабрикаси очиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашув бўлди.

16 июнь. Тошкентда “Барқарор тараққиёт ва табиий ресурслар — Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодий сиёсати” мавзuidaги Халқаро семинар иш бошлади.

16-17 июнь. Тошкентда “Ўзбекистонда хусусийлаштириш инвестиция жамғармалари ва оммавий хусусийлаштириш: амалиёт, ютуқлар ва халқаро хусусийлаштириш тажрибаси” мавзuida Халқаро семинар бўлиб ўтди.

18 июнь. Парижда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан Франциянинг етакчи банкларидан бири “Сосете Жернераль” ўртасида Тошкентда қўшма банк ташкил этиш тўғрисидаги Битим имзоланди.

23 июнь. Тошкентда соф технологиялар бўйича Халқаро семинар ўз ишини бошлади.

23-24 июнь. Пиреяда (Греция) Европартенариатнинг сессияси бўлиб ўтди. Унинг ишида Ўзбекистон кичик ва ўрта хусусий бизнесининг 16 вакили иштирок этди.

26 июнь. Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Геофизика посёлкасида томирга юбориладиган эритмалар чиқарувчи Марказий Осиёда биринчи завод — “Ташфарм Американ Интернейшнл” ўзбек-америка қўшма корхонасининг тақдими бўлиб ўтди.

Июнь. Тошкентда халқ усталарининг “Хунарманд” ассоциацияси ташкил этилди.

Июнь. Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида маҳаллий пахта толасидан ип ишлаб чиқарадиган янги Жанубий Корея корхонаси фойдаланишга топширилди.

Июнь. Польшанинг иқтисодиёт вазири ўринбосари Ян Холодай бошчилигидаги делегация Ўзбекистонда бўлди. Ташриф чоғида делегация республикада иқтисодиётга Польша инвестицияларини жалб этиш ҳамда темир йўллари ва ўртача электростанцияларни модернизациялаш қўшма лойиҳаларини ишлаб чиқиш тўғрисида музокаралар олиб борди.

Июнь. Қарши шаҳрида “Қашқадарётелеком” Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхонаси иш бошлади.

Июнь. “Ўзбекқишлоқмаш” очиқ турдаги акционерлик жамияти “Ижмаш”, “Ижмашмото”, “Ижмашлидо” корхоналари билан ҳамкорликда деҳқон ва фермер хўжаликлари учун турли хил моторлаштирилган кичик техника ишлаб чиқарадиган янги Ўзбекистон-Россия корхонасини ташкил этди.

Июнь. Бухоро вилояти Қизилтепа туманидаги “Зармитон” деҳқон-фермер хўжаликлари ассоциациясида сутни қайта ишлайдиган завод фойдаланишга топширилди.

Июнь. Жиззах пластмасса буюмлари заводида чигит экиш учун ўта юпқа полиэтилен плёнкаси ишлаб чиқарадиган цех фойдаланишга топширилди. Бу, республикада қалинлиги 8 микрон бўлган сунъий қоплама чиқарувчи дастлабки корхонадир.

Июнь. Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида маҳаллий консерва заводи негизда пластик идиш ва унга табиий шарбат ҳамда газли ичимликлар қуядиган “Мадеспа” ўзбек-мексика қўшма корхонаси ташкил этилди.

Июнь. Ўзаро фойдали муносабатларни йўлга қўйиш мақсадида Чехиянинг “Мотаков” компанияси бош директори Вацлав Вишина бошчилигидаги чех тадбиркорлари делегацияси Ўзбекистонда бўлди. Делегация Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, “Ўзавтотранс” ассоциацияси, “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат-акционерлик компанияси вакиллари билан музокаралар олиб борди. Делегация қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида ҳам бўлди, бу ерда Ўзбекистонда кичик гидроэнергетикани ривожлантириш тўғрисида Шартнома имзоланди.

1-6 июль. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси делегацияси Буюк Британияда бўлди. Делегация аъзолари Рудфордда RJ-85 самолётларини йиғиш технологияси, Европанинг энг яхши аэропортларидан бири Манчестерда авиайўловчиларга хизмат кўрсатишнинг ташкил этилиши билан танишди.

2 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларга эга бўлган корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида” Қарор қабул қилди.

4 июль. Брюсселда “Европа Иттифоқи—Ўзбекистон” қўшма қўмитасининг учинчи мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон делегациясига Бош вазирнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Б. Ҳамидов бошчилик қилди. Мажлисда Ҳамжамият билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий муносабатларга доир бир қанча масалалар муҳокама қилинди.

4 июль. Тошкентда мамлакатимиз кимё саноатининг энг йирик корхоналари раҳбарлари учун Халқаро семинар ўз ишини тугаллади. Семинар Ўзбекистоннинг инвестиция сиёсати ва хорижий инвесторлар билан ишлашга бағишланди. Семинар ишида Ўзбекистон иқтисодийётига маблағларини қўйишни истаган хорижий фирмалар ва компанияларнинг вакиллари иштирок этди.

7 июль. Ўзбекистон Буюк Британиядаги машҳур “Авро интернейшнл” авиасозлик компаниясидан сотиб олган 85 ўринли RJ-85 янги самолёти Тошкент аэропортига келиб қўнди. RJ-85 самолёти Будфорддан Тошкентга муваффақиятли парвоз қилди, фақат Санкт-Петербург ҳамда Самарада қўниб ўтди ва 10 июлдан Тошкент билан Урганч ўртасида қатнай бошлади.

9 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Айланма маблағларни сақлаш ва ўз вақтида тўлдириб бориш учун жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

14 июль. Қашқадарё вилоятида Кўкдумалоқ компрессор станцияси ишга туширилди. У АҚШнинг “Дрессер”, “М. Ю. Коллог” ҳамда Япониянинг “Нишо Иваи” компаниялари иштирокида қурилган бўлиб, бир кеча-кундузда 4,2 миллион кубометр газ ишлаб чиқариш қувватига эга ва 600 атмосфера босими остида ишлайди. Бундай станция фақат МДХ мамлакатларида эмас, балки бутун дунёда ҳам йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қурилиш иштирокчиларини меҳнат ғалабаси билан табриклади.

15 июль. Тошкентда Италиянинг “Фата групп” компанияси тақдироти бўлиб ўтди. У кичик ва ўрта бизнес учун янги технологиялар ҳамда жиҳозлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

16 июль. “Ўзбекистон металлургия комбинати” акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг навли прокат цехида диаметри 104 миллиметрли дастлабки янчиш зўлдирди олинди. У Навоий ва Олмалиқ кончилари ва металлурглари учун мўлжалланган. Бу маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши унинг чет элдан келтирилишига чек қўйди.

17 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Чет эл инвестицияларига эга бўлган корхоналарга банк хизмати кўрсатишни такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

18 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Республика мевасабзавот хўжалигида монополиядан чиқариш ва ихтисослаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

29 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Озиқ-овқат товарларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

30 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Июль. Тошкентда “УСД-Интранс” енгил автомобилларини ташиш бўйича ўзбек-турк янги қўшма корхонаси ишлай бошлади. У Асакадаги “ЎзДЭУ-авто” заводи машиналарини Россия, Қозоғистон, Украина ва МДХнинг бошқа мамлакатларига етказиб беради.

Июль. Евро-Осиё биржалар Федерацияси президенти, Истамбул Фонд биржаси бошқаруви раиси Тунчай Артун бошчилигидаги Туркия делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи бўлиб ўтди. Ташриф давомида қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази билан Истамбул Фонд биржаси ҳамда “Вақт” Миллий депозитарийси ва Такаш Банк ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди.

Июль. Жиззахда трикотаж буюмлар чиқариш учун асосий хом ашё ҳисобланувчи акрил толаси ишлаб чиқарадиган фабрика очилди.

Июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Орол бўйини сув билан таъминлашнинг тўла миқёсли лойиҳаси доирасида Урганч ва Нукусда сув таъминотини кенгайтириш ҳамда яхшилаш мақсадлари учун 2016 йилгача 20 миллион АҚШ доллари ажратиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан Араб иқтисодий тараққиёти Қувайт жамғармаси ўртасида Битим имзоланди. Лойиҳа Жаҳон банки ва Араб иқтисодий тараққиёти Қувайт жамғармаси кўмагида ишлаб чиқилган.

Июль. Республика фонд биржаси мутахассислари делегацияси Туркияда бўлди. У Евро-Осиё фонд биржалари Федерацияси ишчи ҳуқуқий ва технологик қўмиталарининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

2 август. Тошкентда Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари вакилларининг II қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой бир қатор меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқди, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг низомини тасдиқлади.

2 август. Жиззахдан Жомбойгача узунлиги юз километр бўлган темир йўлнинг электрлаштирилган қисми фойдаланишга топширилди ва бириңчи поезд Жомбойга етиб келди.

14 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Давлат эҳтиёжлари учун озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турларини харид қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

14 август. Марказий банкнинг тижорат банкларини рўйхатдан ўтказиш комиссияси “Туркистон” (Тошкент шаҳри) ва “Хивабанк” хусусий акционерлик-тижорат банкларини рўйхатдан ўтказди ва тижорат банкларини рўйхатдан ўтказиш Давлат китобига киритди. Уларга банк фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар берилди.

15 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Маҳаллий саноатни бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

18 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жанубий Корея “Самсунг Электроникс” компаниясининг раиси ва ижрочи директори Канг Ку Жинни қабул қилди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон корхоналари ва “Самсунг Электроникс” компанияси ўртасида амалий алоқаларни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

20 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Қишлоқ хўжалик корхоналарини техника билан жиҳозлаш даражасини ошириш чоратadbirlари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

22 август. Қоровулбозорда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг бириңчи навбати ишга туширилиши муносабати билан тақдимот маросими бўлиб ўтди. Завод ҳар йили сифат жиҳатидан жаҳон андозаларига жавоб берадиган бензин, дизель ёнилғиси, авиация керосини ҳамда 2,5 миллион тонна конденсат ишлаб чиқаришга қодирдир. Тақдимот маросимида Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

26 август. Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов Германия тадбиркорлари делегациясига бошчилик қилган Германия иқтисодиёти Федерал вазири Гюнтер Рехеродт билан музокаралар олиб борди. Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Германия ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро Битим, шунингдек, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Германиянинг “Берлинер банк”и ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

26 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Хорижий инвестицияларга эга бўлган корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни экспорт қилишни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

Август. 212 километр узунликдаги Газли—Нукус юқори босимли газ трассасининг иккинчи навбати ишга туширилди. У Оролбўйи аҳолисининг ижтимоий-маиший шароитини бирмунча яхшилаш, фақат шаҳар ва қишлоқлар аҳолисини эмас, шу билан бирга санаят объектларини ҳам газ билан таъминлашни йўлга қўйиш имконини беради.

Август. Янгийўл пахта тозалаш заводи ишга туширилди. Унда Америка жиҳозлари ўрнатилиб, Ўзбекистонда биринчи марта пахта толасини тозалаш ва пресслаш бўйича Америка технологияси қўллана бошланди.

Август. Москва остонасидаги Жуковск шаҳрида учинчи Халқаро авиакосмик салон (МАКС-97) бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 328 етакчи аэрокосмик фирмалари қатнашди. Ўзбек авиасозлари салони катта қизиқиш уйғотди, бу ерда юк ташувчи “ИЛ-76” ва ўрғача масофага қатнайдиغان “ИЛ-114” йўловчи самолётлари намойиш қилинди.

Август. Жиззахда томат пастаси ишлаб чиқарадиган “Жиззах-Чехия” қўшма корхонаси ишлай бошлади.

Август. Ўзбекистон менежерларидан бир гуруҳи Польша ва Италияда бўлди. Улар ўзларининг чет эллик ҳамкасблари фаолияти билан танишдилар.

Август. Жиззахда троллейбус ҳаракатининг 8 километр узунликдаги биринчи навбати ишга туширилди.

3 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон тадбиркорлари билан бевосита савдо-сотик алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида республикамизга келган Саксония-Анхальт Федерал ўлкаси (ГФР) тадбиркорларининг амалий учрашуви бўлиб ўтди.

8 сентябрь. Самарқандда музқаймоқ, пишлоқ, сариеғ, қаймоқ ишлаб чиқарадиган “Браво-сут” янги қўшма корхонасининг тақдими бўлиб ўтди. Мазкур корхона “Самарқандсут” акционерлик жамияти ва “Тейлор финансион ЛТД” америка-литва фирмаси томонидан ташкил этилди.

8-10 сентябрь. Тошкентда Американинг “Кейс” корпорацияси маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада 40 дан ортиқ турдаги қишлоқ хўжалик техникаси, қурилиш машиналари, шунингдек, турли асбоб-ускуналар намойиш қилинди.

10 сентябрь. Олмаликда қуруқ қудуқларда пармалаш-портлатиш ишларини олиб бориш учун қаттиқ портловчи моддалар ишлаб чиқарадиган “Турон — Эм-Си-ай” ўзбек-америка қўшма корхонасининг тақдимоти бўлиб ўтди.

11-12 сентябрь. Тошкентда “Ўзбекистон-Германия молия кунлари” конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Ўзбекистонда молия бозорини ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, чет эллик шериклар, хусусан, Германия билан ҳамкорлик қилиш истиқболлари муҳокама қилинди.

11-14 сентябрь. Тошкентда озиқ-овқат маҳсулотларининг биринчи Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатидан етакчи ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг маҳсулотлари намойиш қилинди.

12 сентябрь. Тошкентда “Ўзбекистон Республикаси дон маҳсулотлари тизимига инвестицияларни жалб этишни жадаллаштириш” мавзуида Республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унинг ишида Россия, Украина, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг етакчи машинасозлик фирмалари вакиллари иштирок этди.

15 сентябрь. Сирдарё вилояти Ховос туманидаги денгиз сатҳидан қарийб минг метр баландликда жойлашган Баландчақир қишлоғига газ ва тоза ичимлик суви келтирилди. Ана шу мақсадда 70 километрлик газ қувури ётқизиilib, тўртта насос станцияси қурилди.

16 сентябрь. Фарғона вилояти Риштон туманидаги Хуррамобод қишлоғида 40 минг тонна хом ашёни қайта ишлашга қодир замонавий пахта тозалаш заводи ишга туширилди.

16-19 сентябрь. Тошкентда Марказий Осиё республикаларида тўқима-чилик ва чарм саноати иккинчи Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

17 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимини янада ислоҳ қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

17 сентябрь. “Тошкент трактор заводи”нинг 19-трактор йиғув цехи бош конвейеридан Америка “Комминз” фирмасининг 92 от кучига эга бўлган двигатели — 1001-трактор чиқди.

19 сентябрь. Урганчда шаҳар аэропортининг қайта қурилиши ниҳоясига етганига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Энди бу аэропорт халқаро ҳаво йўлларида қатнайдиغان самолётларни қабул қилиш имконига эга бўлди. Аэропортнинг қайта қурилишида Япониянинг “Мицубиси-Мицуи-Шимидзу” консорциуми, “Жапан айрпорт кансалтинг”, Германиянинг “Сименс”, Туркиянинг “Ай-сель”, Франциянинг “Консул” фирмалари қатнашди.

19 сентябрь. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишлари бўйича амалга оширилган энг яхши ишлар учун республика ёшлар “Камолот” жамғармасининг дастлабки лауреатлари номи эълон қилинди. Улар тошкентлик ҳуқуқшунос Гулчеҳра Маткаримова, Сурхондарё вилоятидан зобит Музаффар Одилов, Тошкентдаги “Нурон ЛТД” фир-

маси раҳбари Леонид Цой ва Самарқанд Давлат университетининг физик олими Лазиз Каримовдир.

22 сентябрь. Тошкентда иқтисодий ҳамкорлик бўйича ўзбек-япон ва япон-ўзбек кўмиталарининг IV қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис иштирокчилари Ўзбекистон билан Япония ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, муайян йўналишларни ишлаб чиқиш, бу соҳадаги аниқ йўналишлар, режаларни ишлаб чиқиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар, ўтган давр ичида мазкур кўмиталар амалга оширган ишларни таҳлил этдилар.

22-25 сентябрь. Тошкентда “Ай-Ти-Эф Ўзбекистон-97” — “Технологиялар ва маҳсулотлар” учинчи Халқаро савдо кўрғазмаси бўлиб ўтди. Кўрғазмада 22 мамлакатдан юзга яқин йирик компаниялар ва фирмаларнинг маҳсулотлари намуналари намойиш этилди.

23 сентябрь. Туркиянинг “Коч Холдинг” компанияси ишлаб чиқарган 13 та автомобиль Самарқанддан Ўзбекистон йўллари бўйлаб тўрт ойлик синов йўлига отланди. Улар орасида ўртача сизимдаги автобуслар, кичик ва ўрта вазнда юк кўтарадиган турли кузовли юк машиналари, бензин ташийдиган машина ҳамда кўчма автоустахона бор. Буларни “Сам-Кочавто” ўзбек-турк қўшма корхонаси ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Сентябрь. Сирдарё шаҳридан ўтувчи Катта Тошкент—Термиз шоҳкўчасидаги “Қамаристон” йирик савдо мажмуи фойдаланишга топширилди. Унинг таркибига “Сирдарё” бозори, супермаркет, даволаш пункти, автосалон, ресторан, карвонсарой, темир йўл перрони, автовокзал киради.

Сентябрь. Тошкентда юқори сифатли маиший электрон техника ишлаб чиқарадиган янги заводнинг очилиш маросими бўлди. У жаҳонга машҳур Жанубий Корея “Электроникс” компаниясининг “Пан-Осиё Трейдинг С”ЛТД” қўшма корхонаси негизида ташкил этилди. Янги завод конвейеридан ҳар ойда тўрт моделдаги 3 мингга телевизор ҳамда 2 мингга видеоплейер ва видеомагнитофон чиқа бошлайди.

Сентябрь. Тошкентда саноат чиқиндиларини қисқартириш ва энергетика ресурсларини эҳтиёт қилиш муаммоларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ташаббуси билан АҚШнинг халқаро тараққиёт Агентлиги, “Глобал лойиҳа” хайрия жамғармаси ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Жаҳон маркази иштирокида ўтказилди.

Сентябрь. Тошкентдаги “Фотон” акционерлик бирлашмаси “SONY” рангли телевизорларини чиқаришга киришди.

Сентябрь. Сирдарё ГРЭСида 20 минг тонна захира ёнилғи сизадиган мазут омбори фойдаланишга топширилди.

Сентябрь. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Давлат акционерлик компаниясида ТАСИС дастурига кирадиган ТРАСЕКА лойиҳаси доирасида Марказий Осиё республикалари билан Хитой ўртасида транспорт йўлларини тадқиқ этиш ва такомиллаштиришга бағишланган биринчи мувофиқлаштирувчи учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон ва Қирғизистон мутахассисла-

ри билан бирга БМТ, Осиё банки ва йирик хорижий компанияларининг вакиллари иштирок этди.

Сентябрь. Андижонда бўлиб ўтган “Ижтимоий таъминот тизимининг энг яхши ходими” унвонини олиш учун ўтказилган республика танловида Сурхондарё вилоятидан Қумқўрғон тумани ижтимоий таъминот бўлими ходими Фахриддин Йўлдошев ғолиб деб топилди, мукофот учун унга “Дамас” автомобили топширилди.

Сентябрь. СМП-370 жамоаси “Комрон” фирмаси бригадалари билан ҳам-корликда қурган янги Қўқон темир йўл вокзали дастлабки йўловчиларни қабул қилди.

Сентябрь. Жиззаҳда 50 гектар майдонда шарқ услубида қурилган “Осиё карвонсаройи” бозори мажмуининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.

Сентябрь. Тошкентда жаҳонга машҳур “Майкрософт” компьютер технологиялари компаниясининг ўқув маркази очилди. Бу республикамызда компания очган иккинчи ўқув марказидир.

2-3 октябрь. Тошкентда “Марказий Осиё: ривожланиш истиқболлари ва жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашув” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унинг ишида Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Япония, Хитой, Корея Республикаси, Тайван, Малайзия, АҚШ, Россия делегациялари иштирок этди.

6-7 октябрь. Куала-Лумпурда (Малайзия) “Ўзбекистонда бизнес қилинг” бизнес-семинари бўлиб ўтди. Семинар ишида Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

6 октябрь. Тошкентда “Олмос плёнкалари синтези, диагностикаси ва ишловида лазердан фойдаланиш” Халқаро конференцияси очилди. Унда АҚШ, Германия, Франция, Япония, Италия, Россия ва Болтиқбўйидан таниқли олимлар иштирок этди.

6 октябрь. Тошкентда савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

6 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясини ташкил қилиш тўғрисида” Фармойиш чиқарди.

7 октябрь. Тошкентда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов олиб борди.

10 октябрь. Американинг “Камминз Энжин” компанияси президенти Теодор Солсо раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов билан учрашди. Учрашув якунида тракторлар учун мотор ишлаб чиқарадиган “Ўзкамминзмотор” қўшма корхонаси ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

20 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Алоқа-Дэу” ўзбек-корейс қўшма корхонаси фаолиятини ривожлантириш масалалари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

20 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

23 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундиришни тартибга солиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

23 октябрь. Тошкентда “Корфармсаноат” ўзбек-ҳинд қўшма корхонасининг, шунингдек, “Кор Хелскер лимитед” ҳинд саноат компанияси ишлаб чиқараётган тиббий техниканинг тақдимо маросими бўлиб ўтди.

23-24 октябрь. Тошкентда “Бизнес-ташкilotлар ва инновация тузилмалари иқтисодий ислохотнинг ҳаракатлантирувчи кучларидир” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди.

24 октябрь. Тошкент вилоятининг “Ўзбекистон” хўжалигида уч гектар ерда боғ барпо этиш маросими бўлди. Бу БМТнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси ва Республика Давлат ўрмон қўмитаси ташаббуси билан республикамизда барпо этилаётган боғлардан биринчисидир.

28 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Капитал қурилишни ташкил этишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

28 октябрь. Республика бизнес-инкубатори ва “Экосан” жамғармаси “думалоқ стол” атрофида “Бизнес, экология ва саломатлик-97” мавзуида учрашув ўтказди. Унда ташқи савдо ваколатхоналари ва йирик қўшма корхоналарнинг, жамоатчи тадбиркорлар доираларининг илмий-техникавий салоҳияти ва молиявий имкониятларини Тошкент шаҳри ва умуман, республиканинг экологик муаммоларини ҳал этишга жалб қилиш масаласи кўриб чиқилди.

30 октябрь. Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида чарм камзулар тайёрлайдиган ўзбек-турк қўшма корхонаси ишга туширилди.

Октябрь. Тошкентда Россиянинг “Сибирь” авиакомпанияси ваколатхонаси очилди ҳамда шу компаниянинг Новосибирск—Тошкент ва Тошкент—Новосибирск йўналиши бўйича мунтазам парвозлари бошланди.

Октябрь. Ўзбекистонда “Ўзнет” янги алоқа тизими ишлай бошлади. Шу алоқа тизими ёрдамида мамлакатимиз вазирликлари ва идоралари “Интернет” халқаро компьютер алоқаси тармоғи бўйича ахборотлар алмашиш, янгиликлар, турли маълумотлар олиш имкониятига эга бўлдилар.

Октябрь. Наманганда “Ўзэлектротерм” акционерлик жамияти негизида сув ва газни ҳисоблайдиган майший асбоблар ишлаб чиқарадиган “Намточ” Ўзбекистон-Россия янги қўшма корхонаси ташкил этилди.

Октябрь. Бухорода гранитни қайта ишлайдиган завод фойдаланишга топширилди.

Октябрь. Анталия шаҳрида (Туркия) ўрмоншуносларнинг XI Жаҳон конференцияси бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 143 мамлакатидан шу соҳанинг етакчи мутахассислари, олимлар иштирок этди, шу жумладан, Республика Давлат ўрмон кўмитаси раиси А. Хоназаров бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси ҳам қатнашди. Анжуман муносабати билан ташкил этилган махсус кўргазма стендларида Ўзбекистон ўрмоншунослари етиштирган маҳсулотлар ҳам кенг намойиш этилди. Конгресс доирасида Ўзбекистон делегацияси Туркия ўрмон хўжалиги вазири Э. Таран ўгли билан учрашди. Учрашув жараёнида Ўзбекистон ва Туркия ўрмон хўжалиги идоралари ўртасида мазкур соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги Протокол имзоланди.

Октябрь. “Оҳанглар” акционерлик жамиятида (собиқ Тўрақўрғон трактор таъмирлаш заводи) янги тўрт қаторли пневматик универсал чигит экиш сеялкаси синовдан ўтди. Моделга киритилган мукамалликлар янги сеялкадан бошқа экинлар — маккажўхори, мош, сабзавотлар экишда ҳам фойдаланишга имкон яратади.

Октябрь. Жондор туманида ташкил этилган “Жонтекс” ўзбек-герман қўшма корхонаси “оқ олтин” ташийдиган пахта прицеплари учун махсус қоплагич мато — шолча ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Октябрь. Самарқанд вилоятининг Оқтош пахта тозалаш заводида чиқиндилар ва паст навли пахта толасидан ўраш матоси, шунингдек, ундан энглик ва транспорт аравачаларига соябонлар тайёрлашга киришди.

17-20 ноябрь. Лондонда Жаҳон сайёҳлик бозори бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатларидан, шу жумладан, Ўзбекистондан сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди. Республикамиз делегацияси бозорда “Ўзбектуризм” миллий компанияси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси, “Буюк Ипак йўлида сайёҳлик” Тошкент Халқаро сайёҳлик ярмаркаси, “Ўзинтур”, “Осиё интур бизнес” акционерлик жамиятлари, Ўзбекистоннинг бошқа йирик фирмалари ва меҳмонхоналари иштирок этди.

19-21 ноябрь. Тошкентда “Ўзбекистонда Урал кунлари” кўргазма-тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Челябинск, Пермь, Курган, Свердловск вилоятлари ва Бошқирдистоннинг саноат корхоналари, тижорат фирмалари, илмий-тадқиқот институтлари иштирок этди.

Ноябрь. Германиянинг “Алкатель” ва “Детелайн” фирмалари билан самарали ҳамкорлик туфайли Чирчиқ республикада биринчи бўлиб жаҳон андозаларига жавоб берувчи энг замонавий телекоммуникация воситаси — қарийб 30 минг номерли янги рақамли телефон тармоғига эга бўлди.

Ноябрь. Санкт-Петербургда бўлиб ўтган “Виноларнинг кузги ярмаркаси-97” Халқаро махсус кўргазмасида Самарқанд вино компаниясининг “Ўзбекистон” маркали десерт виносига олтин медаль топширилди. Кумуш медаллар Китоб вино заводининг “Каберне” ва “Гулякандоз” (Самарқанд) виноларига, Янгийўлнинг “Ўзбекистон” коньягига ҳамда машхур Самар-

қанд бальзамига берилди. Бронза медалларига Тошкент, Бухоро ва Янгийўл заводларининг бир қатор винолари сазовор бўлди.

Ноябрь. Лондонда “Ўзбекистонда бизнес қилинг” IV йиллик конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов бошчилигидаги ишбилармонлар вакиллари делегацияси иштирок этди. Конференцияда ташкил этилган “Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти” кўргазмаси ва баҳсларда мамлакатимизнинг қатор вазирликлари, идоралари, ассоциациялари, концернлари раҳбарларининг иштирок этиши кўп сонли хорижлик бизнес вакилларига мустақил Ўзбекистон билан ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш истиқболлари билан танишиш имконини берди.

Ноябрь. Тошкент телефон тармоғида Германиянинг “СИМЕНС АГ” фирмаси билан тузилган шартнома асосида умумий сони 40 минг номер бўлган рақамли 137, 162, 191, 195-АТСлар ишга туширилди.

Ноябрь. Жиззахда кимё саноатида кенг қўлланиладиган полипропилендан қоплар ишлаб чиқарадиган ўзбек-хитой қўшма корхонаси ишга туширилди.

Ноябрь. “Чехия авиалиниялари” авиакомпанияси делегацияси биринчи марта Ўзбекистонда бўлди. У Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси раҳбарлари билан музокаралар олиб борди, Тошкент аэропорти, диспетчерлик хизмати, авиатаъмирлаш заводи ишлари билан танишди.

Ноябрь. Ўзбекистон ҳудудларидан ўтувчи Транс-Осиё-Европа оптика толали кабель магистралининг қурилиши ниҳоясига етди. У Франкфурт-на-Майнни Шанхай билан боғлади. Мазкур магистралда 926 километр оптик толали кабель ётқизилди.

Ноябрь. Мадриддаги Халқаро кенгашда турли мамлакатларнинг 500 дан ортиқ фирма ва компаниялари ўз маҳсулотларини намойиш этдилар. “Кувасой цемент” акционерлик жамиятининг маҳсулотлари — цемент, шифер, алебастр “Сифат учун Халқаро Олтин юлдуз” нишонига сазовор бўлди. “Ўзпахтасаноатсотиш” ассоциациясининг Қорақалпоғистон бирлашмасига қарашли Халқобод ва Бегуний пахта тозалаш корхоналарининг пахта толаси ҳам юқори баҳоланди. Ўзбекистон толасига, шунингдек, “Сифат учун Халқаро Олтин юлдуз” нишони топширилди.

Ноябрь. Бош вазир Ў.Султонов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси АҚШда бўлди. Нью-Йорк ва Чикагога қилинган ташриф чоғида Ўзбекистоннинг инвестиция имкониятлари тақдимоти бўлди, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада фаоллаштиришга ёрдам берадиган учрашув ва музокаралар бўлиб ўтди.

Ноябрь. Бош вазир Ў.Султонов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Лондонда бўлиб ўтган Европа Тикланиш ва тараққиёт банки директорлари кенгашининг мажлисида иштирок этди. Мажлис чоғида Ўзбекистон энергетика секторида бу банкнинг биринчи йирик лойиҳаси — Сирдарё ГРЭСини қайта қуриш учун 27,8 миллион АҚШ долларига тенг кредит битимини имзолаш маросими бўлди.

Ноябрь. Олтин ва қимматбаҳо металллар Лондон биржаси Олмалиқ кон-металлургия комбинати маҳсулотига юқори сифат мақомини берди. Бу Олмалиқ олтинининг сифат текшируви сертификатиға муҳтож эмаслигини билдиради. Олмалиқ кон-металлургия комбинати республикада шу мақомни олган иккинчи қорхона ҳисобланади. Бундан олдин шундай баҳога Навоий кон-металлургия комбинати сазовор бўлган эди.

2-7 декабрь. Малайзияда “Лима-97” авиация ва денгиз техникаси Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Тошкент самолётсозлари биринчи марта унда мустақил равишда иштирок этишди. Улар авиасалонда ва намойиш парвозларида ИЛ-114 йўловчи лайнери ва ИЛ-76ТД юк самолётини намойиш этдилар.

4 декабрь. Бангкокда (Таиланд) бўлиб ўтган Халқаро ипак ассоциацияси (ИСА)нинг XXI конгрессида “Ўзбекенгилсаноат” ассоциацияси ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти бу нуфузли ташкилотга ҳақиқий аъзоликка қабул қилингани ҳақида хабар эълон қилинди. Ташкилот дунёнинг 25 мамлакати ипакшуносларини ўзида бирлаштиради.

4-6 декабрь. Тошкентда “Ўзбекистонда молия тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш” мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда бир қатор хорижий давлатлар, халқаро банклар, молия ташкилотларининг йирик мутахассислари иштирок этди.

6 декабрь. Сурхондарё вилоятидаги нефть қазиб олиш тўхтатилган Ховдак кудуғидаги маъданли сув таркибидан махсус қурилма ёрдамида халқ хўжалиги учун муҳим кимёвий модда — йоднинг биринчи туркуми олинди. Таркибида йод мавжуд бўлган ерости сувларидан йод оладиган саноат қурилмаси ўзбек мутахассислари томонидан Марказий Осиёда биринчи бўлиб ихтиро этилди.

9 декабрь. Куала-Лумпурда (Малайзия) “Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти” кўргазмаси очилди. Кўргазма экспозициясида енгил кимё, электро-техника саноати маҳсулотлари, биллур буюмлар, қимматли минераллардан ясалган заргарлик буюмлари, консерва ва вино маҳсулотлари, самолётларнинг намуналари ва халқ истеъмоли моллари, халқ амалий санъати усталари ишлаган буюмлар, ўзбек олимларининг замонавий илмий-техникавий ихтиролари намойиш этилди.

19 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов “Савдо соҳасини монополиядан холи қилишни чуқурлаштириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

22 декабрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик борасида Ҳукуматлараро комиссия мажлиси бўлиб ўтди. Унда мазкур комиссиянинг 1997 йил мартада бўлиб ўтган мажлиси Протоколини амалга ошириш, савдо-иқтисодий соҳадаги, шу жумладан, саноат соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш тадбирларини кўриб чиқиш, мамлакатларимиз минтақалари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистон пахта толасини Россияга барқарор тарзда етказиб

туришни таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Тошкент шаҳри билан Саратов вилояти ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномага қўшимча Битимлар, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси билан Россиянинг “Трансаэро” авиакомпанияси ўртасида альянс таъсис этиш ҳақидаги Битим имзоланди.

Декабрь. Абу Дабл амирлиги (Бирлашган Араб Амирликлари) Савдо-саноат палатасининг фахрий президенти шайх Султон бин Халифа бин Заёд ал-Нахаян бошчилигидаги делегация Ўзбекистонда бўлди. Делегация Ўзбекистон Давлат мулк кўмитасига ташриф буюрди, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раҳбарияти билан учрашди. “Ўзбекнефтгаз” Миллий корпорациясида ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкда музокаралар олиб борди.

Декабрь. Сурхондарё вилоятидаги энг чекка тоғ қишлоғи Боботоғ аҳолиси электр қувватидан фойдаланиш имконига эга бўлди. Уч мингдан ортиқ қишлоқ аҳолиси уйларида электр лампочкалари ёнди. Бу ерда 93 километрли электр узатиш линияларининг асосий қисми фойдаланишга топширилди.

Декабрь. Жиззах вилоятининг Қўйтош посёлкасида табиий хом ашёдан волластонит концентрати ишлаб чиқарадиган “Волластонит” Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ташкил этиш ҳақидаги хабар эълон қилинди.

Декабрь. АҚШ Федератив авиация маъмурияти комиссияси “Ўзбекистон ҳаво йўллари” компаниясига Атлантика океани орқали парвоз қилиш ҳуқуқини берувчи сертификатни тақдим этди. Биринчи парвоз 5 декабрда бўлиб ўтди. Бунга қадар авиалайнерларнинг техникавий имкониятлари ва ўзбекистонлик учувчиларнинг касбий даражаси текширувдан ўтказилди.

Декабрь. Андижон вилоятининг Чинобод посёлкасида газлама ишлаб чиқариш учун ип тайёрлайдиган “Алишер Навоий интернейшнл” қўшма корхонаси ишга тушди. У Алишер Навоий номидаги маҳаллий акционерлик жамияти ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Марказий Осиё-Америка жамғармаси томонидан ташкил этилган.

Декабрь. Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан Ўзбекистон Энергетика вазирлиги ўртасида кредит битими имзоланди. У Сирдарё ГРЭСининг иккита энергоблоки қувватини 300 минг киловаттга етказиш даражасида тиклашни, янги технологиялардан фойдаланиш ҳисобига энергоблоклар мустақамлиги ва тежамлилигини оширишни назарда тутди.

Декабрь. Ангрендаги “Ўзбекрезинатехника” ишлаб чиқариш бирлашмаси Мадридда жойлашган Сифат ва мукамаллик бўйича Халқаро жамғарманинг “Олтин юлдуз” ига сазовор бўлди.

Декабрь. Халқ ҳўжалигининг кон-металлургия ва бошқа тармоқлари учун керак бўладиган бельгин фильтрлаш газмолиннинг дастлабки туркуми ишлаб чиқарилди. Илгари Ўзбекистонга чет элдан олиб келинадиган бу газ-молни энди “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмаси чиқара бошлади.

Декабрь. Асакада “Ўз-Донгвон К” ўзбек-корейс қўшма корхонаси ишга туширилди. У ишлаб чиқарган глушитель ва тутун чиқарувчи қувурлар

“ЎздЭУавто” автомашиналарининг барча турлари ҳамда “Нексия” автомобилининг зарб қайтарувчи балкалари учун эҳтиёт қисм ҳисобланади.

Декабрь. Тошкентда “Араббой” немис фирмасининг қуёш энергиясидан фойдаланиш учун қўлланиладиган ускуналари кўрғазмаси бўлиб ўтди.

Декабрь. Оҳангаронда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ўзбек-турк қўшма корхонаси очилди.

Декабрь. Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металллар комбинатида 25 дан 100 ваттгача қувватга эга бўлган лампочкалар ишлаб чиқарадиган тўққизта линиянинг ҳаммаси ишга туширилди.

1998 ЙИЛ

16 январь. Тошкентда ҳар томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Украина қўшма комиссиясининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов ва Украина Бош вазири В. Пустовойтенко иштирок этди.

Учрашув сўнгида Ўзбекистон ҳукумати билан Украина ҳукумати ўртасида ўсимликлар карантини ҳамда ҳукумат алоқалари соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битимлар, шунингдек, Тошкент ва Киев шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги илмий-техникавий ҳамкорликни молиявий таъминлашни тартибга солиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

16 январь. Берлин Халқаро конгресс марказида “Халқаро яшил ҳафталик” қишлоқ хўжалиги кўрғазмаси тантанали равишда очилди. Бу анъанавий тадбир доирасида Германиянинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва озиқ-овқат саноати соҳасидаги шериклари тақдироти ташкил этилди. Унинг ишида Ўзбекистон делегацияси иштирок этди. Бу Халқаро кўрғазма доирасида “Ўзбекистон иқтисодий шерик — озиқ-овқат саноати соҳасида савдо ва кооперация имкониятлари” мавзuida конференция бўлиб ўтди. Унда ГФРнинг юздан ортиқ фирма ва компания вакиллари қатнашди.

19 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

Январь. “Ўзавтотранс” корпорациясида тармоқ раҳбарларининг Чехиядаги машҳур “Татра” автомобилсозлик компаниясининг иқтисодий директори Ян Лудва бошчилигидаги делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув якунида Олмалиқда 17 тонна юк кўтарадиган “Татра-825” юк машинасини йиғиш бўйича МДХда биринчи қўшма корхона барпо этиш тўғрисидаги Протокол имзоланди.

Январь. Гулистонда “Лечива фармсаноат” ўзбек-чех қўшма корхонаси ишга туширилди. У Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирилик ва Чехиянинг кардиология, неврология, дерматологияда фойдаланиладиган доридордонлар ҳамда бошқа ноёб дорилар ишлаб чиқарадиган “Лечива” акционерлик жамияти томонидан ташкил этилди.

Январь. Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида картон ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Покистон қўшма корхонаси ишга туширилди.

Январь. Намангандаги ўзбек-герман қўшма корхонасида юқори сифатли қоғознинг дастлабки синов туркуми олинди. Бу Марказий Осиёда пахта-ни қайта ишлаш саноати чиқиндиси — линт асосида ишлайдиган ҳозирча ягона корхонадир.

Январь. Ўзбекистон саноатининг энг йирик корхоналари VI Урумчи ташқи иқтисодий савдо ярмаркасида иштирок этди. Ярмарка ҳар йили Хитойнинг шимоли-ғарбий қисмида ўтказилади.

Январь. Тўрткўл шаҳрида йирик тегирмон комбинати ишга туширилди. Унда Тўрткўл, Беруний ва Эллиққалъа туманлари деҳқонлари етиштирган донлар қайта ишлана бошлади.

Январь. Қўқондаги “Электромаш” заводида Асакадаги автомобиль заводи учун бутловчи қисмларнинг дастлабки йирик туркуми тайёрланди ва ишлаб чиқарилди.

Январь. Самарқанд туманида ташкил этилган “Пируз-Лорч” ўзбек-эрон қўшма корхонаси конвейеридан дастлабки маҳсулот чиқарилди. Корхона ўз фаолиятини иситувчи газ печкалар ишлаб чиқаришдан бошлади.

2 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Американинг “Кейс” корпорацияси директорлар кенгаши раиси Жан-Пьер Россо бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Учрашув чоғида “Кейс” корпорацияси билан ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

4 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва республика ҳамда маҳаллий бюджетларга тўловлар тушумини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

7 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Қишлоқ хўжалик корхоналари санациясини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

9 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

25 февраль. Тбилисида Ўзбекистон ва Грузия республикалари ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг иккинчи мажлиси бўлди. Мажлис якунида Ўзбекистон ва Грузия ҳукуматлари ўртасида солиқ қонунчилигига риоя қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги, дори-дармон воситаларининг рўйхатдан ўтказилишини ўзаро эътироф қилиш ҳақидаги Битимлар, шунингдек, Ҳукуматлараро комиссия мажлисининг Протоколи имзоланди.

26 февраль. Бокуда Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда илгари имзоланган шарт-

номаларни амалга ошириш ва ўзаро фойдали савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Мажлис якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси ҳукумати ўртасида “Товарлар (ишлар ва хизматлар) экспорти ва импорти пайтида билвосита солиқларни ундириш тамойиллари тўғрисидаги, иқтисодий ва молиявий қонунбузарликларга қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлик, валюта ҳамда экспорт-импорт назорати соҳасидаги ҳамкорлик ҳамда ўзаро ёрдам тўғрисида”ги Битимлар имзоланди.

Февраль. Андижондаги “Андижон-Бобур” акционерлик жамияти негизда ип-йиғирув маҳсулотлари чиқиндиларини қайта ишловчи янги ANETED қўшма корхонаси ташкил этилди. Германиянинг тўқимачилик ускуналари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган фирмаларидан бири корxonанинг шерик таъсисчиси бўлди.

Февраль. Париж яқинидаги Ле-Буржеда бўлиб ўтган авиасалонда ўзбек самолётсозлари биринчи марта иштирок этишди. Улар ватанимизда ишлаб чиқарилган ИЛ-76МФ ва ИЛ-114Т самолётларни салон қатнашчиларига ҳавола қилдилар. Янги ИЛ-76МФ машинасига, айниқса, француз ва мисрлик мутахассислар алоҳида қизиқиш билан қарадилар. Чунки, Ле-Буржеда ўз тоифаси бўйича бу самолётга тенг келадиган бошқа самолёт йўқ эди.

Февраль. Наманганда “Демократик ҳаётда хотин-қизларнинг роли, уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги ҳиссаси” мавзуга бағишланган семинар ўтказилди. Семинар ишида шаҳар ва туманлар хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, халқ таълими идоралари, жамоат жамғармалари вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари иштирок этишди.

Февраль. “Тошкент трактор заводи” Давлат акционерлик жамиятида “Американ мобил групп” фирмаси билан биргаликда 22 ва 32 от кучига эга бўлган икки турдаги мини тракторлар ва уларга ускуналар комплектларини ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этилди.

Февраль. Олмалиқ кон-металлургия комбинатига Лондондаги қимматбаҳо металлар биржаси томонидан 1997 йил тижорат фаолияти якунлари бўйича “Тижорат нуфузи учун” дипломи ва олтин соврин топширилди.

Февраль. Жиззахдаги пластмасса заводида полиэтилен плёнка ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилди.

Февраль. “Бухороагромашсервис” акционерлик жамиятининг таъмирлаш заводида чигитни плёнка остига экишга мўлжалланган сеялка ва чизеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Февраль. Тошкентдаги Мотор заводи қошида “Сейта” кичик корхонаси ишлай бошлади. Янги корхона люминесцент лампаларни зарарсизлантиришга ва улардан фойдаланган ҳолда металл, шиша ва симоб олишга ихтисослашган.

Февраль. Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати паррандачиликда озуқани бойитишда қўлланиладиган темир купроси ишлаб чиқаришга киришди.

Февраль. Тошкентда Ўзбекистон, Хитой ва Қирғизистон делегацияларининг ҳукуматлараро кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш учала давлат ўртасида транспорт алоқаларини ривожлантириш масаласига бағишланди.

Февраль. Тошкентдаги “Алгоритм” заводида кундузги ёруғлик берувчи лампаларга иккинчи умр бағишлайдиган технологик линия ишга туширилди.

4 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночор аҳволи ва шартнома мажбуриятларининг ижро этилиши учун мансабдор шахсларнинг масъулияти-ни кучайтириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

4 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Жамғарма бозорини янада ривожлантириш ва давлат мулки негизида ташкил этилган акционерлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

5 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Давлат корхоналари негизида ташкил этилган акционерлик жамиятларида акцияларни жойлаштиришнинг белгиланган тартибини амалга оширишни текшириш натижалари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

5 март. Тошкентда илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари республикамизнинг етакчи тўқимачилик корхоналаридан бири бўлган “Малика” бирлашмаси маҳсулотлари намуналари билан танишдилар.

5-11 март. Берлинда Халқаро туристик ярмарка бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 170 мамлакати, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам иштирок этди.

7 март. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг бош директори ўринбосари М. Муҳиддинов бошчилигидаги делегация Парижда жаҳоннинг энг йирик авиакомпанияларидан бири “Эр Франс” ва Франция Республикасининг авиация маъмурияти билан 1998 йил июндан бошлаб Тошкент билан Париж ўртасида авиация алоқаси очилиши тўғрисидаги Протоколни имзолади.

9 март. Женевада Ўзбекистоннинг “Ўзбекпахтамаш” корпорациясига “Энг яхши савдо маркаси учун” Халқаро совринини топшириш маросими бўлиб ўтди. Бу соврин ҳар йили Халқаро “Савдо пешқадамлари клуби” томонидан саноат комплекси корхоналарига бериб борилади.

9-10 март. Тошкентда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Швейцария қўшма комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га киришига тайёргарлик кўриш, Оролнинг экологик фожеаси оқибатларини тугатиш, Швейцария фирмалари ва компанияларининг қўшма лойиҳалардаги иштирокини жадаллаштириш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашув сўнгиде комиссия мажлиси якунлари бўйича Протокол, шунингдек, Нукус шаҳрида канализация тизимини қайта қуриш лойиҳасини

амалга оширишда молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисида Ўзбекистон ва Швейцария ҳукуматлари ўртасидаги Битим имзоланди.

10-13 март. Тошкентда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, озиқ-овқат саноати ва ўраш-жойлаш технологиялари III Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда ўнга яқин мамлакат фирма ва компаниялари иштирок этди.

14 март. Тошкентдаги Темирйўлчилар маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти совринлари учун “Ташаббус-97” республика семинар-танлови ниҳоясига етди. “Йилнинг энг яхши тадбиркори” танловида биринчи ўрин ва мукофот — “Нексия” автомобилгачи Сурхондарё вилояти Денов туманидаги хусусий корхона раҳбари Гулчеҳра Ҳайдарова сазовор бўлди. Фарғона вилоятининг Фарғона туманидан Шукурмирзо Аҳмедов энг яхши фермер, деб топилди. Унга мукофот сифатида “Дамас” автомобили топширилди. “Энг яхши ҳунарманд” танловида ғолиблик Бухоро шаҳридан оилавий зардўзлик корхонаси раҳбари Бахшилло Жумаевга насиб этди. Унга “Тико” автомобили берилди.

16 март. Тошкентда “Технологияни тижоратлаштириш ва трансферлаш: амалиёт ва муаммолар” мавзуида бир ҳафталик ўзбек-америка семинари бўлиб ўтди. Унда республикамиз олимлари, корхона эгалари, инновация фаолияти ташкилотчилари, шунингдек, АҚШ интеллектуал мулк соҳаси мутахассислари ва бизнесменлари иштирок этдилар.

16 март. Тошкентда очик турдаги “Алп Жамол банк”, “Туркистон”, “ХИФ-банк” хусусий акционерлик-тижорат банклари тижорат банклари-ни қайд этиш Республика китобига киритилди.

18 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “1998-2000 йиллар даврида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида” Фармон чиқарди.

18 март. Тошкентда “Сув — Марказий Осиёда барқарор тараққиётни таъминлашнинг муҳим омили” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди.

20 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютасини ичкарига олиб кириш ва ташқарига олиб чиқишни тартибга солиш тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

24 март. Пойтахт экспомарказида қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган товарларнинг мамлакатимизда биринчи “Ўзбекистонда қилинган — ҚҚ-98” кўргазма-тақдими бўлиб ўтди. Унда республикамизда рўйхатга олинган, хорижий инвестициялар билан фаолият кўрсатувчи 3200 корхонадан 53 тасининг товарлари намойиш этилди.

26 март. Тошкентда хорижий инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этиш бўйича Британия семинари бўлиб ўтди. У Буюк Британиядаги ягона ташкилот “Бритиш инвизиблз” ассоциацияси томонидан ташкил этилди. Бу ташкилот молия ва иш хизматлари соҳасида ривожланиш, олға силжиш ва тажриба алмашиш учун жавобгар ҳисобланади.

27 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги “Хорижий

инвестицияларга эга бўлган корхоналарни рағбатлантиришнинг қўшимча омиллари ва уларга бериладиган имтиёзлар тўғрисида”ги Фармонига қисман ўзгартишлар киритиш ҳақида” Фармон чиқарди.

30 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Республикада ипакчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Фармон чиқарди. Ушбу Фармонга кўра “Ўзбек ипаги” мустақил ассоциацияси тузилиб, у “Шойи” акционерлик компанияси ва “Пилла-холдинг” компаниясини ўз ичига олади.

31 март. Ўзбекистон банклар ассоциациясида “Ўзбекистонда тижорат банк секторини қўллаб-қувватлаш” номи остида ТАСИС дастури “Банк маслаҳат хизмати” лойиҳасининг тақдими бўлиб ўтди. Бу лойиҳанинг мақсади республика тижорат банкларига техникавий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Март. Хива туманидаги Рўздат Мадаминов номли пахтачилик хўжалиги республика бозорларига биринчи марта янги балиқ — дастлабки юзлаб тонна зоғорабалиқ, сазан, дўнгпешона, оқамур етказиб берди. Улар яроқсиз ботқоқзорда ташкил қилинган ҳовузда етиштирилган.

Март. Фарғонадаги кимёвий тола заводида янги “Полиамид-6” маҳсулоти ишлаб чиқарила бошланди. Йилига етти минг тонна ишлаб чиқариладиган бу маҳсулот асосан шиналар учун пишиқ ип тайёрлашда ишлатилади.

Март. Ип-газламалар ишлаб чиқарувчи Бобур номидаги Андижон корхоналар жамияти “Ан тед тектайлз” деб аталувчи яна бир корхона ҳисобига бойиди. Чиқиндиларни қайта ишлайдиган бу қўшма корхона Германиянинг “Тед импорт энд экспорт хендлес” фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Март. Намангандаги “Намбум” ўзбек-герман қўшма корхонаси конвейеридан ёзув қоғозининг синов туркуми чиқарилди. Корхона йилига беш минг тонна қоғоз ишлаб чиқаради.

Март. Тошкентда “Бизнес ва банк иши соҳасида янги ахборот технологиялари” мавзуида икки кунлик Халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон вакиллари билан бир қаторда Буюк Британия, Франция, Бельгия ва Грециядан ҳам мутахассислар иштирок этди.

Март. Ҳиндистон Давлат банки негизида Ўзбекистоннинг йигирма нафар ёш банкирларининг икки ҳафталик ўқув курси бўлиб ўтди. Ўқув жараёнида республикамиз вакиллари кредит ва халқаро банк ишлари соҳаси билан, шунингдек, Ҳиндистоннинг энг йирик банкларидаги ҳинд ҳамкасблари тажрибаси билан танишдилар.

Март. Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа туманидаги Қирққиз массивида узунлиги олти ярим километр бўлган “Истиклол” канали ишга туширилди. У туманнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган унумдор ерларни сув билан таъминлаш имконини беради.

Март. Хоразмда “Кока-кола Тошкент Лимитед” қўшма корхонасининг филиали ишга туширилди. У минтақа аҳолисини мазкур салқин ичимлик ва маъданли сув билан таъминлайди.

Март. Тошкент вилоятининг Қибрай туманида сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ўзбек-исроил қўшма корхонаси ишга туширилди.

Март. Лондондаги Европа тикланиш ва тараққиёт банки Қароргоҳида “Тошкент шаҳрида санитария тозалиги тизимини такомиллаштириш” лойиҳаси бўйича Ўзбекистон делегацияси билан Жаҳон банки вакили ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Жаҳон банки ҳамда ЕТТБ Ўзбекистон ҳукуматига ана шу мақсадлар учун берган умумий қарз миқдори 45 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Март. Қарши шаҳридаги ёғ экстракция заводида “Сингапур Жуз-РТЗ” фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ёғ қуйиш қўшма корхонаси ишга туширилди.

Март. Тошкентда Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташкил этган банк қарзлари бўйича тўлов масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Март. Кўқон электр машинасозлик заводида Асакадаги “ЎздЭУавто” корхонасида тайёрланадиган автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар, шу жумладан, “Нексия” ва “Тико” автомашиналарига давлат номерлари ўрнатиш учун махсус мосламалар, “Дамас” автомобили учун иситувчи печь корпуси, “Тико” учун аккумулятор тутқичлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Март. Миллий меъморчиликнинг энг буюк обидаларидан бири бўлган Хивадаги “Ичон қалъа” музей-қўриқхонасининг “Карвонсарой”ида қайта таъмирланишдан кейин янги савдо маркази очилди; у энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, умумий савдо майдони икки минг квадрат метрни ташкил этади.

Март. Наврўз байрами арафасида “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмасида юздан ортиқ кишини иш билан таъминлайдиган гилам тўқиш цехи фойдаланишга топширилди.

Март. Наманган вилояти ҳокимияти билан Иваново вилояти маъмурияти ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди. Ушбу ҳужжатнинг имзоланиши Наманган саноат корхоналари раҳбарларидан бир гуруҳининг Россияга қилган сафари натижаларидан бири бўлди.

Март. Наманган вилояти Уйчи туманидаги Яккатут қишлоғида “Анхой” хитой чойи қадоқланадиган “Ал-Жаҳон” ўзбек-хитой қўшма корхонаси очилди. У йилига 2,5 минг тонна шифобахш чой қадоқлаш қувватига эга.

2 апрель. “Тошкент чинни заводи” акционерлик жамияти Германиянинг “Кероплан” фирмаси билан “Мадонна” ошхона сервиси чиқарадиган қўшма корхона ташкил этиш ҳақида Шартнома тузди.

3 апрель. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Республика ипакчилик тармоғини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

3 апрель. Ургангда 30 гектарга яқин майдонни эгаллаган Ал-Хоразмий ва Ал-Беруний номли боғларга асос солишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

6-8 апрель. Бельгияда бухгалтерлик ҳисоби Европа ассоциациясининг XXI Конгресси бўлиб ўтди. Конгресс ишида Ўзбекистоннинг бир гуруҳ олимлари ва мутахассислари, шу жумладан, Самарқанд Ташқи алоқалар кооператив институти проректори, иқтисод фанлари доктори Н. А. Иброҳимов, профессор Ю. И. Иткин, Республика бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси президенти, Тошкент иқтисодий университетини ҳузуридаги бухгалтерлар тайёрлаш Маркази директори М. Тўлаҳўжаев иштирок этди.

6-8 апрель. Чехия Республикаси саноат ва савдо вазири Карел Кюнл бошчилигидаги ишбилармон доиралар вакиллари делегацияси Ўзбекистонда бўлди. Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, макроиқтисодий ва статистика вазири Б. Ҳамидов, Ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Фаниев билан учрашдилар; Ўзбекистон-Чехия бизнес-семинарида қатнашдилар, Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида музокаралар олиб бордилар. Бу ерда ҳар икки томон саноатчилари ва тадбиркорлари ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битимни имзоладилар, шунингдек, Самарқандни бориб кўрдилар.

8 апрель. Тошкентда савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Финляндия комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

9 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Хусусий-тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни янада рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

22 апрель. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Деҳқон ва фермер хўжаликлари Ассоциацияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

24 апрель. Тошкентда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга бағишланган Ўзбекистон-Япония семинари бўлиб ўтди.

24 апрель. Тошкентда “Пфайзер ИНК” (АҚШ) кимё-фармацевтика компаниясининг ваколатхонаси тантанали равишда очилди.

27 апрель. Тошкентда деҳқон ва фермер хўжаликлари Ассоциациясининг таъсис съезди бўлиб ўтди.

Апрель. Амстердамда “Молиявий инфратузилмадаги тафовутни қисқартириш: Марказий ва Шарқий Европада ижтимоий ҳамкорлик бўйича Евроатлантика конференцияси” мавзусида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатидан делегациялар, шу жумладан, Ўзбекистондан ҳам делегация иштирок этди.

Апрель. Жаҳонга машҳур Ибн Сино ватани Бухорода фин шериклар билан биргаликда “Шуфен-ибн Сино” корхонаси очилди. У дори-дармонлар ишлаб чиқариш билан шуғуллана бошлади.

Апрель. Зарафшон шаҳрида бир кеча-кундузда 70 минг кубометр сув узатадиган насос станциясининг биринчи навбати ишга туширилди.

Апрель. “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнаткашлари Женевада бўлиб ўтган инновация Халқаро кўргазмасида медаль ва фахрий дипломга сазовор бўлдилар. Таркибида циан бўлган оқова сувларни биологик тозалаш янги технологиясини ишлаб чиққанликлари учун улар ушбу мукофотга лойиқ, деб топилдилар.

11-12 май. Вашингтонда Америка-Ўзбекистон савдо палатаси (АЎСП)-нинг йиллик конференцияси бўлиб ўтди.

Конференциянинг асосий мақсади — АҚШ ва Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янада кенгайтириш, Америка инвестицияларининг мамлакат иқтисодиётига кириб келишини кўпайтиришдан иборатдир. Конференция ишида АҚШнинг барча минтақаларидан 150 дан ортиқ компаниялар вакиллари иштирок этди.

Конференция иштирокчиларига икки давлат раҳбарлари — И. Каримов ва Б. Клинтон табрик йўлладилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси В. Голишевнинг “Ўзбекистон иқтисодиётининг аҳволи. Мамлакат иқтисодий тараққиётининг режалари ва истиқболлари” мавзuidaги маърузаси тингланди. АҚШ Эксимбанк президенти Ж.Хэрмон, АҚШ савдо ва тараққиёт агентлиги директори Ж. Гранд Мэйсоннинг нутқлари Ўзбекистонда АҚШ ҳукумати муассасалари ёрдамида амалга оширилаётган инвестиция дастурларини кенгайтириш масалаларига бағишланди.

15 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”, “Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” Қарор қабул қилди.

16 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Бозор фаолиятини тартибга солишда мансабдор шахслар масъулиятини ошириш чоратadbирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

19 май. Тошкентда савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ўзбек-словакия комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда истиқбол режалари, савдо ва инвестицияларни маблағ билан таъминлаш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, банклар, сайёҳлик ва тиббиёт соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

19-21 май. Тошкентда “Нефть ва газ-98” ва “ЎзМИН-98” иккинчи Ўзбекистон Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

20-21 май. Тошкентда “Ўзбекистоннинг Устюрт минтақаси нефть ва газ потенциалини ўзлаштириш истиқболлари” мавзuida Халқаро конференция бўлиб ўтди. У “Нефть ва газ” иккинчи Халқаро кўргазмаси доирасида ташкил этилди.

26-30 май. Пойтахтдаги “Ўзэкспомарказ”да “Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва йиғинчоқ асбоб-ускуналар” кўргазма-тақдими

бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 14 мамлакатидан 53 фирма ва компания ўз маҳсулотларини намойиш қилди.

26 май. Андижон “Тико”, “Нексия” автомобиллари ва “Дамас” микроавтотраслари учун бензобаклар, шунингдек, буюмлар ишлаб чиқарадиган “ЎзСЭМЮН К” ўзбек-корейс қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди.

27 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикасида паспорт режимини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

27 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмни такомиллаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

28-31 май. Тошкентда Арабистон савдо кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Бирлашган Араб амирликларининг 50 дан зиёд фирмалари ишлаб чиқараётган товарлар намойиш этилди.

Май. Навоий вилоятида Қизилқум фосфорит комбинатининг биринчи навбати ишга туширилди.

Май. Тошкентда мамлакатимизда биринчи Халқаро хусусий суғурта компанияси очилди.

Май. Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги Искавот қишлоғида мева шарбатлари ишлаб чиқарадиган “Морвел жус К” Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси ишга туширилди.

Май. Республикамиздаги ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишни метрологик жиҳатдан таъминлаш Тошкентда бўлиб ўтган семинарнинг мавзуси бўлди.

Семинар давомида Ўзбекистон корхоналари ва Фарбий Европа, МДХ, Жануби-Шарқий Осиёнинг етакчи фирмалари ишлаб чиқарадиган суюқлик, газ, буг, иссиқлик ва электр қувватининг сарфланиши ва миқдорини ўлчайдиган хилма-хил воситалар кўргазмаси ташкил этилди.

Май. Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманида электр двигателлар ва қишлоқ хўжалик техникаси учун ёпиқ подшипниклар ишлаб чиқарадиган “Топаз” Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ташкил этилди.

Май. Поп туманининг Искавот қишлоғида “Тап-фен” ўзбек-турк қўшма корхонаси ташкил этилди. У жаҳон бозорида барқарор харидоргир бўлган юқори сифатли йигирилган пахта ип чиқаришга мўлжалланган.

1 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов АҚШ экспорт-импорт банки президенти ва бошқарув раиси Жеймс Хамронни қабул қилди.

Суҳбат жараёнида мавжуд лойиҳаларни амалга ошириш масалалари, янгиларини рўёбга чиқариш имкониятлари кўриб чиқилди, келгусидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари тўғрисида фикр алмашилди.

1-5 июнь. Бедфоршир графлиги (Жанубий Англия) Савдо ва саноат палатасининг савдо миссияси Ўзбекистонда бўлди.

3 июнь. Берлиннинг Шенефельд аэропортида “ILA-98” ҳаво ва космик техникасининг Халқаро ярмаркаси яқунланди. Унда жаҳоннинг 32 мамлакатидан 825 учувчи аппаратлар намоиш этилди. Тошкент авиасозларининг маҳсулотлари ярмаркада биринчи марта намоиш қилинди.

5 июнь. Тошкентда илғор алоқа тизимларини етказиб бериш бўйича жаҳонда етакчи бўлган Швециянинг машҳур “Эриксон” компаниясининг ваколатхонаси очилди.

15-19 июнь. Тошкентда III Тошкент савдо-саноат ярмаркаси бўлиб ўтди.

16 июнь. Тошкент аэропортига “Бухоро” Евроаэробуси биринчи марта кўнди. Бу “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси учун Тулуза авиация заводида қурилган учинчи “А-310” лайнеридир.

17 июнь. Тошкентдаги Америка бизнес-марказида АҚШ савдо ва тараққиёт Агентлигининг 600 минг АҚШ доллари миқдоридagi грантини В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига бериш тўғрисида Битим имзоланди.

22 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ “Ньюмонт Голд” компаниясининг шу компания раиси, президенти ҳамда бош ижрочи директори Рональд Кэмбри бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.

Сухбат жараёнида “Зарафшон-Ньюмонт” қўшма корхонаси самарадорлигини ошириш, “Ньюмонт Голд” компанияси томонидан Ўзбекистонга қўшимча инвестициялар бериш имкониятлари тўғрисида фикр алмашилди.

Июнь. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкентда Франциянинг етакчи банкларидан бири “Насьонал де Пари” банки ваколатхонасини очишга рухсат берди.

Шу вақтгача Ўзбекистонда ўн учта хорижий мамлакат банкларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатаётган эди.

1 июль. Пойтахтдаги “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида Ўзбекистон ва Исроил тадбиркорларининг бизнес-семинари бўлиб ўтди. У Исроил саноат ва савдо вазири Н.Шаранский бошчилигидаги делегациянинг ташрифи доирасида ўтказилди.

6 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ақциз маркаларини қалбакилаштирганлик ва ғайриқонуний равишда муомалага киритганлик учун жавобгарликни ошириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

10 июль. Манилада (Филиппин) Осиё Тараққиёт банки президенти Сато мамлакат Банклар Ассоциациясига кирувчи тижорат банкларининг ривожланиши учун грант сифатида Ўзбекистон Республикасига 1 миллион АҚШ доллари миқдорида техникавий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги расмий ҳужжатни имзолади.

15 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга доир қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари)ни шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Июль. Республика Марказий банки Андижон шаҳридаги “Истикбол-банк” хусусий акционерлик-тижорат банкига лицензия берди.

Июль. Пойтахт вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги “Ўзбекистон” жамоа ҳўжалигида велосипед ишлаб чиқарадиган ва сотиладиган “Санлайт” ўзбек-хитой қўшма корхонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Июль. Самарқанд вилоятининг Қўшрабат туманида мармар ва гранит қазиб оладиган ҳамда уларга ишлов берадиган Ўзбекистон-Россия-Италия қўшма корхонаси ишга туширилди.

12 август. Тошкент яқинида Америка “Кока-кола” компаниясининг Ўзбекистондаги бешинчи “Кока-кола ичимлиги Ўзбекистон ЛТД” салқин ичимликлар қўйиш бўйича заводи фойдаланишга топширилди.

22 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Акционерлик жамиятларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

24-27 август. Тошкентда “Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технология ва компакт жиҳозлар” Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

25 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш” лойиҳаси бўйича ноталар айирбошлаш, имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра Япония ҳукумати республикамиз ҳукуматига Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун 400 миллион иен миқдорига грант ажратди.

Август. Питнак шаҳрида ташкил этилган “Дўстлик-Днепр” ўзбек-украин қўшма корхонаси жамоаси ўзбек деҳқонлари маъқул кўрадиган “Днепр-3000” мотоциклларини йиғишга киришди.

Август. Жиззах вилоятининг Фориш туманида жун ип тайёрлайдиган “Форишжун” кичик корхонаси ишга туширилди.

Август. Ўзбекистон Республикаси Миллий банки Осие-Тинч океани минтақасининг 200 га яқин етакчи банкларини бирлаштирувчи Осие банклари Ассоциациясининг ҳақиқий аъзоси сертификатини олди.

Август. Тошкент вилояти Қибрай туманидаги “Ўнгкўрғон” қишлоғида сутни қайта ишлайдиган мини- завод фойдаланишга топширилди. У АҚШ ва Исроил мутахассисларининг биргаликдаги лойиҳаси асосида қурилди.

Август. Бухорода ҳунармандларнинг республика семинари бўлиб ўтди. Унинг ишида Қўқон, Марғилон, Хоразм ва Бухоронинг халқ амалий санъати усталари иштирок этди.

Семинарда бир ҳафта давомида металл ўймакорлиги, ёғоч ўймакорлиги, нақшу нигор каби анъанавий ўзбек ҳунармандчилигини бундан кейин ҳам қайта тиклаш масалалари муҳокама қилинди.

Август. Қашқадарё вилояти Муборак туманида 45 минг тонна хом ашёни қайта ишлашга қодир пахта тозалаш заводи фойдаланишга топширилди.

Август. Андижонда иш бошлаган “Жаннат” фирмаси ичимлик сувни зарарсизлантирадиган натрий гидроклорид эритмасини ишлаб чиқаришга киришди. Илгари чет эллардан келтириладиган бу эритманинг ишлаб чиқарила бошлаши андижонлик олимлар ва мутахассисларнинг беш йиллик илмий изланишлари самарасидир.

4 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат молларини сотишнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

7 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

7 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Маъмурий-бошқарув аппаратини қисқартириш комплекс чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

15-18 сентябрь. Тошкентда “Марказий Осиё. Газлама—Чарм” Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

15-18 сентябрь. Тошкентда қурилиш индустрияси ва маиший техника, интерьер материаллари ҳамда уй учун товарлар II Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

21 сентябрь. Самарқандда “Инновациялар ва бозорнинг барқарорлашуви: кичик ва ўрта корхоналарнинг аҳамияти” мавзуида Халқаро илмий семинар бўлиб ўтди. Семинар ишида НАТО мамлакатларидан етакчи илмий экспертлар, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, АҚШ, Туркия, Грузия, Қозоғистон, Украина ва Ўзбекистоннинг илмий-техникавий соҳаси ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.

22-24 сентябрь. “Ипак Йўли бўйлаб сайёҳлик” 4-Тошкент Халқаро сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмаркада жаҳоннинг Италия, Испания, Греция, Франция, Англия, АҚШ, Япония, Ҳиндистон, Болгария каби 35 мамлакатидан 300 га яқин фирмалар иштирок этди.

23 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ислоҳот ва инвестициялар бўйича Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этиш тўғрисида” Фармойиш чиқарди.

28 сентябрь. Тошкентда Осиё Тараққиёт банкининг доимий ваколатхонаси очилди.

30 сентябрь. Ҳазораспдаги қўшма ўзбек-турк қанд заводида дастлабки тонна маҳсулотлар олинди.

Сентябрь. Тошкентда Англиянинг Аи-Ти-Эс компанияси ваколатхонасининг расмий очилиш маросими бўлди. Ушбу компания кенг истеъмол моллари, шу жумладан, спорт моллари, озиқ-овқат, тўқимачилик маҳсулотларини кенг қўламда тестдан ўтказиш ва экспертиза қилишда етакчи ҳисобланади.

Сентябрь. “Каттакўрғон ёғ-мой” акционерлик жамиятида махсар уругидан дастлабки синов ёғ туркуми олинди. Махсарнинг ёғ бериш миқдори чигитга нисбатан кўпроқдир.

Сентябрь. Қоҳирада “Саҳройи Кабир-98” йиллик Халқаро кўргазма бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлигининг етакчи корхоналари, чунончи, Трактор, “Тошқишлоқмаш” каби заводлар иштирок этди.

Сентябрь. Навоий кон-металлургия комбинати ўзининг қирқ йиллигини нишонлади. У ана шу йилларда уран, олтин ва кумуш чиқариш бўйича жаҳондаги энг йирик корхоналардан бирига айланди.

Сентябрь. Москвада бўлиб ўтган “Гурман-98” Халқаро кўргазма-ярмаркасида “Андижон дурдонаси” қўшма корхонаси шафтоли, ўрик ва олхўри шарбатлари учун, Шаҳрисабздаги “Мевалар камалаги” қўшма корхонаси олма шарбати учун “Табий шарбатлар” соҳасидаги олтин медаль ва дипломга сазовор бўлишди, қашқадарёликлар помидор шарбати учун кумуш медаль билан мукофотланди. “Ўзмева-сабзавот-саноат-холдинг” вакили бўлган Ўзбекистон жамоаси машҳур “Ўзбек шампань виноси” учун олтин медаль, “Вижиллаб” турадиган шампань виноси учун эса кумуш медаль олди.

Сентябрь. Намангандаги Нуробод мавзесида 1200 номерли йирик автомат телефон станцияси фойдаланишга топширилди. У КХРдаги “Хуавей” компанияси кўмагида қурилган бўлиб, энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган.

1 октябрь. Тошкентда “Марказий Осиё” глобаллашув даврида иқтисодий тараққиёт” мавзуида Халқаро конференция ва семинар бўлиб ўтди.

2 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Акционерлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

5-6 октябрь. Тошкентда “Бозор иқтисодиёти асосларини яратишнинг ўзбекча модели” мавзуида Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда БМТ, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси вакиллари, Финляндия, Голландия, АҚШ, Япония, Россиядан мутахассислар иштирок этди. Конференция давомида ватанимиз ҳамда хорижлик олим ва мутахассислар мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг босиб ўтган йўли, бозор иқтисодиёти асосларининг шаклланиш жараёнини атрофлича таҳлил қилдилар ва бозор ислохотларини чуқурлаштиришнинг бундан кейинги йўналишларини белгилаб олдилар.

6 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Тўлов баланси даромад қисмининг тўлалигини ва ўз вақтида тўлдирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

9 октябрь. Самарқандда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, тармоққа хорижий инвестицияларни жалб этиш, замонавий технологияларни жорий этиш масалаларига бағишланган Халқаро конференция бўлиб

ўтди. Конференцияда ўзбекистонлик тадбиркорлар Германия, Нидерландия, Болгария компанияларининг йирик фирмалари вакиллари билан биргаликда маҳаллий бизнесни тараққий қилдириш, ташқи иқтисодий фаолият олиб бориш борасида чет эл тажрибасини ўрганиш ва амалда қўллаш юзасидан фикр алмашдилар.

10 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов “Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солигини жорий этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

12 октябрь. Тошкентда мамлакатимиз етакчи вазирликлари, концернлари ва муассасалари раҳбарлари Татаристон Республикаси делегацияси билан музокаралар олиб бордилар. Шу куни Ўзбекистон ва Татаристон вазирликлари, муассасалари, банклари, корхоналари вакиллари ва тадбиркорлари иштирокида бизнес-конференция бўлиб ўтди. Унда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

14 октябрь. Транссиё-Европа толали-оптик кабелли магистралини тижорат мақсадида фойдаланишга топшириш маросими бўлиб ўтди. Магистраль 27 минг километр узунликда бўлиб, 20 та давлат, шу жумладан, Марказий Осиё республикалари ҳудудларидан ўтади ва Хитойнинг Шанхай шаҳрини Германиянинг Франкфурт-на-Майн шаҳри билан улайди. Магистралнинг Ўзбекистон шаҳарлари (Тошкент—Жиззах—Самарқанд—Бухоро—Олот) бўйлаб ўтган миллий бўғини 900 километрдан ошиқроқни ташкил этади.

20 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов “ДЭУ” компаниялари гуруҳининг раиси Ким У Жунгни қабул қилди. Суҳбат чоғида ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати, қўшма корхоналарнинг фаолияти, умумий лойиҳаларни рўёбга чиқариш жараёни билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

20 октябрь. Фуқаро авиациясининг Тошкентдаги 243 ГА заводи учинчи майдонидан “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясига қарашли кенг фюзеляжли А-310 самолёти профилактик таъмирдан сўнг ҳавога кўтарилди ва мунтазам парвозини бошлаб юборди. Ушбу заводда Марказий Осиёда биринчи бўлиб Фарбада ишлаб чиқарилган самолётларга техникавий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

26-30 октябрь. Тошкентдаги Киночилар уйида “Венгрия — сизнинг шеригингиз” кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада Венгрияда ишлаб чиқарилган кимё, қурилиш, алюминий саноати, машинасозлик маҳсулотлари ҳамда кенг истеъмол моллари намойиш этилди.

28-30 октябрь. Жиззахда “Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технология ва бугловчи жиҳозлар” Халқаро кўчма кўргазмаси бўлиб ўтди.

Октябрь. Оҳангарон қурилиш-пластмасса материаллари акционерлик жамиятида германиялик шериклар ёрдамида плёнка ва бошқа турдаги қури-

лиш материаллари тайёрлайдиган янги ишлаб чиқариш линияси қурилди ва ишга туширилди.

Октябрь. Венада, Австрия Республикасининг Федерал иқтисодий палатасида “Австрияда Ўзбекистон иқтисодиёти куни” мавзуида конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон делегацияси, Австрия вазирликлари, идоралари, йирик фирмалари, банк компаниялари раҳбарлари иштирок этди. Конференция сўнггида Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорлари палатаси билан Австрия Федерал иқтисодий палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди.

Октябрь. Қоҳирада Миср билан МДХ мамлакатлари ўртасида иқтисодий ва савдо ҳамкорлик борасида биринчи конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди. Конференция иштирокчилари саноат, транспорт, сайёҳлик, қурилиш, банк ишлари соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришнинг асосий йўналишларини муҳокама қилдилар.

Октябрь. Тошкент Мотор заводи цехларида халқаро андозаларга мос юз от кучига эга дизель двигателларининг дастлабки саноат туркуми ишлаб чиқарилди.

Октябрь. Тошкентдаги “Асбобсоз” акционерлик жамиятининг асбобсозлик заводи ҳузурида ташкил этилган “Эко-Алоқа” ўзбек-америка қўшма корхонасида эскирган автошиналарни қайта ишлайдиган линия ишга туширилди.

Октябрь. Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида “Валко ЛТД” ўзбек-исроил қўшма корхонаси очилди. Унда хилма-хил сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ҳар куни олти тонна сут қайта ишланмоқда.

Октябрь. Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги Гўртепа қишлоғида муҳим доривор восита — йод ишлаб чиқарадиган корхона ишга тушди. Илгари бу восита республикамизга четдан келтириларди.

Октябрь. Керала штати пойтахти Тируванантапурам шаҳрида “Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари” мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда штат ҳукуматининг вакиллари, бизнесменлар, журналистлар иштирок этди.

Октябрь. Фарғона механика заводида Асака шаҳрида чиқадиган “Нексия”, “Дамас” ва “Тико” автомобиллари учун тўрт хил диск ишлаб чиқариш бўйича янги цех очилди.

10-13 ноябрь. Тошкентда истеъмол товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хижозлари Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 15 мамлакатидан 40 га яқин компания иштирок этди.

14 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги давлат автомобиль инспекцияси ходимларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

17 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Австриянинг собиқ Федерал канцлери Ф. Враницкийни қабул қилди. Авст-

риялик меҳмон мамлакатимизга ўз диёри ва германиялик тадбиркорлар вакилларидан катта бир гуруҳи билан бирга ташриф буюрди. Улар билан учрашув чоғида Президент Ислом Каримов Ўзбекистон танлаган йўл, тараққиётнинг устувор йўналишлари, ҳозирги вақтда содир бўлаётган ўзгаришлар, хорижий инвесторлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар ҳақида сўзлаб берди.

18 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Капитал қурилишда бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

18 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Давлат мулкани хусусийлаштиришда чет эл капиталини рағбатлантириш ҳамда жалб этиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

19 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил этишни тартибга солиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

20 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқаро валюта жамғармасининг бошқарувчи директори ўринбосари Шигемитсу Сугисаки бошчилигидаги делегациясини қабул қилди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар ва ҳар иккала томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар борасида фикр алмашилди.

23 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Исроил авиация саноати” корпорацияси раҳбари Моше Керетни қабул қилди. Сўхбат чоғида шу корпорациянинг “Бедек” авиация бирлашмаси ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси ҳамда “В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация бирлашмаси” давлат-акционерлик жамияти ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, томонларни қизиқтирувчи бошқа масалалар юзасидан фикр алмашув бўлди.

25 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “1999—2000 йилларда пахта навларини янгилаш ва навларни жойлаштириш дастури тўғрисида” Қарор қабул қилди.

25-27 ноябрь. Наманганда “Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технология ва бутловчи жиҳозлар” Халқаро кўчма кўргазмаси бўлиб ўтди.

26 ноябрь. Тошкентда меъморчилик ва қурилишда бошқарув ҳамда лойиҳалаш жараёнларини автоматлаштириш масалалари юзасидан Халқаро конференция бўлиб ўтди.

27 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

27 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оренбург вилояти маъмуриятининг бошлиғи В.Елагинни қабул қилди. Иқтисодий ҳамкорликни бундан кейин ҳам кенгайтириш, Ўзбекистон билан Орен-

бург вилояти ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантириш ва ҳар иккала томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар суҳбатнинг бош мавзуи бўлди.

28 ноябрь. Тошкентда Тошкент автомобиль Федерациясининг II курултойи бўлиб ўтди.

Ноябрь. Парижда Ўзбекистоннинг бир қатор корхона ва ташкилотлари, шу жумладан, “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, “Ўзулгуржибиржасавдо” акционерлик ассоциацияси, “Ўзкимёфарм”, “Бизнес-фонд”, “Трансбанк” бирлашмалари Франция саноат ҳамкорлиги ассоциациясининг олтин медаллари билан тақдирланди.

Ноябрь. Тошкентда “Эльга-Осиё” ўзбек-россия қўшма корхонаси ташкил этилди. У уч ва тўрт конфорали пишириш шкафи, грил ва вертелга эга бўлган электр плиталар чиқаради.

Ноябрь. Қишлоқ хўжалик техникаси ва технологияларини синаш ҳамда сертификациядан ўтказиш Ўзбекистон Давлат марказида қишлоқ хўжалик техникаси республика савдо кўرғазмаси бўлиб ўтди. Кўрғазмада Германиянинг “Зелко” ассоциациясига қарашли “Лемкен”, “Гримме”, “Кронс”, “Амазонка” фирмалари, Американинг “Кейс” компанияси, Англиянинг “Массей Фергюсон” компанияси ишлаб чиқарадиган турли культиваторлар, сеялқалар, йиғим-терим агрегатлари, митти машиналар ва фермер хўжаликлари учун қурилмалар намойиш этилди.

Ноябрь. Ўзбекистон шолчилик илмий-тадқиқот институтида “Шоли ва дуккакли галла етиштиришни ривожлантириш истиқболлари: янги навлар яратиш, уруғчилик, янги технологияларни жорий этиш” мавзуида Халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Симпозиумда мамлакатимиз шолikorлари билан бир қаторда Қозоғистон, Жанубий Корея, Германия ва бошқа давлатларнинг вакиллари иштирок этди.

Ноябрь. Ўзбекистоннинг “Фармед” хусусий фирмасига халқаро мукофот — “Сифат олтин юлдузи” топширилди. Мукофотлаш тантанали маросими жаҳоннинг 60 мамлакатидан бир қатор фирмалар фаолиятини таҳлил қилган саралаш комиссияси натижалари якунига мувофиқ Парижнинг “Конкорд-Лафаен” залида бўлиб ўтди.

“Фармед” фирмаси халқаро ҳамкорлик ва сифат соҳасидаги муваффақиятлари учун шундай юксак мукофотга сазовор бўлди. У ишлаб чиқарувчи компаниялар билан дорихоналар ўртасида боғловчи бўгин ҳисобланади. “Фармед” республикадаги ўз фаолияти давомида Германия, Швейцария, Франция ва бошқа мамлакатларнинг 60 та етакчи компаниялари билан тиббий дори-дармонлар етказиб бериш учун 200 дан ортиқ шартнома тузган.

Ноябрь. Пойтахтнинг “Меридиан” отелида Американинг “Хунармандларга ёрдам” жамғармаси ва “Британия кенгаши” ҳамкорлигида Марказий Осиё минтақаси халқ усталари ишлаган буюмлар савдо-кўрғазмаси бўлиб ўтди.

Ноябрь. Лондонда “Ўзбекистонда бизнес қилинг” мавзуида бешинчи Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳам иштирок этди.

Ноябрь. Қаршида очилган янги хусусий “Ўқтамбанк” банк операцияларининг деярли барча турларини амалга ошира бошлади.

3 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Американинг “Кейс” корпорацияси раҳбари Жан Пьер Россо бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан “Кейс корпорейшн” ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан кенг фикр алмашилди.

3 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

4 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Россиянинг “Лукойл” нефть компанияси президенти Вагит Алекперов ва шу компания вице-президенти Жеван Челоянцни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан “Лукойл” компанияси ўртасида ҳамкорлик ва ҳар икки томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар бўйича фикр алмашилди.

11 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекнефтгаз” нефть ва газ саноати Миллий корпорациясини “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компаниясига айлантириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

11-13 декабрь. Қаршида “Халқ истеъмоли моллари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган мини-жиҳозлар ҳамда мини-технологиялар ишлаб чиқариш” Халқаро кўчма кўргазмаси бўлиб ўтди.

16 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Германиянинг “Тиссен Хандельсунион АГ” компанияси бошқаруви аъзоси Ханс Ульрих Грубер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чоғида иқтисодийнинг бир қатор соҳаларида қўшма корхоналар ташкил этиш ҳамда томонларни қизиқтирувчи бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

25 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Истеъмол молларининг айрим турларини мамлакатга олиб кириш ва олиб чиқишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

25 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Давлат-тижорат Халқ банкни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

Декабрь. Тошкент—Андижон—Ўш йўлида жойлашган Хўжаободнинг Кўтарма қишлоғида Фарғона водийсида “ЎзДЭУавто” енгил машиналарига хизмат кўрсатувчи энг йирик сервис марказларидан бири ишга туширилди. У бир кеча-кундузда 30 та машинага хизмат кўрсата олади.

Декабрь. Бельгиянинг ташқи савдо офиси (БТСО)да “Бельгия — Марказий Осиё” бизнес клубининг Ўзбекистонга бағишланган иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Декабрь. Шаҳрисабзда “Ўздунробита” Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг уяли телефон станцияси фойдаланишга топширилди. У Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ ва Чироқчи туманларидаги ҳамда қисман Қамаш ва Гүзур туманларидаги абонентларга хизмат қилади. Шундай қилиб, “Ўздунробита”нинг хизмат кўрсатиш тармоғи вилоятнинг деярли барча минтақаларини қамраб олди.

Декабрь. “Технолол” акционерлик жамиятида “Махсусжиҳоз” илмий-техник фирмаси жамоаси пойтахтда қурилаётган вагон таъмирлаш заводи учун вагоннинг жуфт гилдирагини ювадиган универсал линияни ишлаб чиқди. У ярим автоматик тарзда ишлайди. Бундай линия фақат Ўзбекистонда эмас, балки МДХда ҳам биринчи марта яратилди.

Декабрь. Пекинда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Хитой ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда икки томонлама алоқаларни бундан кейин ҳам ривожлантириш, чуқурлаштириш ва кенгайтириш тadbирлари кўриб чиқилди.

ХХР Фан ва техника вазирлигида бўлиб ўтган музокараларда томонлар илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Хитой комиссияси тузишга қарор қилишди.

Тadbиркорлар енгил ва озиқ-овқат, авиация ва машинасозлик саноатларида ҳамкорлик қилиш масалаларини муҳокама қилдилар. Савдо-иқтисодий шартномалар, жумладан, Ўзбекистонда чиқарилган кимёвий товарлар туркумини етказиб бериш тўғрисида шартномалар имзоланди. Тошкент билан биродарлашган шаҳар — Шанхайнинг эркин иқтисодиётли зонасида Ўзбекистон Республикаси экспорт молларининг доимий ишлаб турувчи кўргазмасини таъсис этиш ҳақида келишиб олинди.

Декабрь. “Ўздунробита” Ўзбекистон-Америка уяли алоқалар қўшма корхонаси Нукусда уяли алоқанинг биринчи навбатини ишга туширди. Қурилган станция 40 киломергача бўлган радиусда мунтазам телефон алоқасини таъминлайди.

Декабрь. “Кўқонмотортаъмир” акционерлик бирлашмасида “Магнум-8940” русумли тракторлар учун чизель-культиваторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Чизель-культиваторлар Қува, Бешариқ туманлари далаларида синовдан муваффақиятли ўтди.

Декабрь. Тошкентдаги “Ўрикзор” мавзесида 2000 номерга мўлжалланган янги рақамли АТС ишга туширилди.

1999 ЙИЛ

13 январь. Навоий шаҳрида Навоий кон-металлургия комбинати ишчи ва хизматчиларининг меҳнат муваффақиятига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Жамоа 1998 йилги олтин ва кумуш ишлаб чиқариш бўйича давлат топширигини ошириб бажарди. Президентнинг Навоий кон-металлургия комбинати жамоасига йўллаган табригини Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов ўқиб берди.

15 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Банк тизими янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

26 январь. Янги модификациядаги Ўзбекистон-Россия йўловчи самолёти “ИЛ-114-100”нинг дастлабки синов парвози бўлди. У Канаданинг “Пратт энг Уитни” турбовинтли двигателлари ва Американинг “Гамильтон стандарт” фирмаси ҳаво винтлари билан жиҳозланган.

27 январь. Тошкентда Ўзбекистон нарх белгиловчилар Жамияти тузилди. Таъсис конференциясида янги жамият Низоми қабул қилинди. Унинг бошқарув аъзолари сайланди.

Январь. Ўз ишини Самарқандда бошлаган Ўзбекистон-Бельгия қўшма корхонаси гилам тўқишга киришди. “Белсамгилам” гиламлари Бельгия технологияси асосида маҳаллий хом ашёдан тайёрланмоқда.

Январь. “Андижонмаш” акционерлик жамиятида такомиллаштирилган “КРА-4” культиватори ишлаб чиқарила бошланди. У гўза қатор ораларига ишлов бериш ва озиклантиришда қўлланади.

Январь. Фарғона вилояти Риштон туманидаги “Риштонмебель” акционерлик жамияти жамоаси академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқув корпуслари ва ётоқхоналари учун жиҳозлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Январь. Ангренда “Ангрен” кўмир ҳавзасининг “Навгарзон” участкасида қурилган янги шахта кўмир қазиб чиқара бошлади.

Январь. Қўқон қурилиш материаллари корхонасида янги лойиҳалар асосида қурилаётган академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Январь. Берлинда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг “Яшил ҳафта-99” Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Жаҳоннинг 57 мамлакати қаторида унда биринчи марта Ўзбекистон ҳам қатнашди. Унинг экспозицияси мамлакатимиз аграр мажмуасининг ва озик-овқат саноатининг кенг экспорт имкониятларини ҳар томонлама намён қилади.

Январь. Наманган вилоятининг Косонсой шаҳрида “Косонсой-текмен” ўзбек-турк тўқимачилик қўшма корхонаси қурилиши ниҳоясига етди. Корхонада қўй жуни қайта ишланади, ундан жузли камвол газмоллар, адёллар, шунингдек, трикотаж калаваси ва гилам тўқиш учун хом ашё ишлаб чиқарилади. Тайёр маҳсулотнинг дастлабки тажриба намуналари — костюмбоп галама ва пальто тикиш учун анча қалин драп матоси ишлаб чиқарилди.

Январь. Гулистонда “Гулистон” меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди. Жаҳон андозаларига мос келадиган бу отелда конгресс-зал, ресторан, барлар, гўзаллик салони, билиардхона, ҳар жиҳатдан қулай бошқа хизмат хоналари жойлашган.

Январь. Термиз ва Навоийдаги “Элга-Осиё” Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси 1999 йилнинг дастлабки туркум маҳсулотлари намунасини буюртмачиларга жўнатди. Бу ерда ошхона электр-маиший плиталари узлуксиз ишлаб чиқарила бошланди.

Январь. Олмалик шахрида “Ўздуробита” кўшма корхонаси мутахассислари йўлга қўйган уяли радиотелефон алоқаси ишга туширилди.

Январь. Кўқон суперфосфат заводида “Ёғду” ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда илгари Россияда ишланадиган “АНО-4” русумли электродлар ишлаб чиқарила бошлади.

2 февраль. Тошкентдаги енгил металл конструкциялар тажриба заводи бир қатор маҳсулотларига Англиянинг “Лалойд регистр” компанияси сертификатини олганлиги ҳақида хабар эълон қилинди. Саноат музлатгичлари қопламаси учун кўпқатламли панеллар, том ёпиш жиҳозлари, кўнданланг кесиладиган тунукалар, енгил кавшарланувчи конструкциялар шулар жумласидандир. Бу инглизларнинг мазкур завод маҳсулотлари пишиқ-пухта ва сифатли бўлиши учун хорижий мижозлар олдида кафил бўлиб майдонга чиққанлигидан ва маҳсулотларнинг жаҳон андозаларига мос келиши учун жавобгарликни ўз зиммаларига олганликларидан далолат беради.

2 февраль. Бухоро вилояти Бухоро туманидаги “Маданият” жамоа хўжалигида биринчи марта “Бухоро-7” навли чигит экилди. Бу нав Республика пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Бухоро филиалида уруғшунос А.Баталов томонидан яратилган.

5 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти “Темир-терсак ва рангли металл чиқиндиларини четга чиқаришни тартибга солиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

5 февраль. Республиканинг “Тошкент” жамғарма биржасида хусусийлаштирилган корхоналарнинг акцияларини эркин алмаштириладиган валютага сотиш илк савдоси ўтказилди. Бу савдо билан чет эл сармоясини ватанимиз иқтисодийётига жалб этиш соҳасидаги катта ишга асос солинди.

11 февраль. Тошкентда ўзбек-француз бизнес-семинари бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг бир қатор вазирлик ва идоралари, концерн ва корпорациялари раҳбарлари, шунингдек, француз бизнесменларининг катта делегацияси вакиллари иштирок этди.

11 февраль. Бош қароргоҳи Мехикода жойлашган Халқаро маркетинг ва сифат ассоциацияси ўзининг сифат учун олий “Олтин ва кумуш нишон”ни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги “Ўзхорижтранс” Республика хўжалик ҳисобидаги ташқи савдо бирлашмасига тақдим этди.

12 февраль. Гулистон шахрида “Сирдарё вилояти — хорижий инвесторлар учун ишончли ҳамкор” мавзуида III Халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда республика вазирликлари ва идоралари, корхона ва ташкилотлари раҳбарлари, Ўзбекистондаги хорижий элчихоналар, халқаро ташкилотлар, фирма ва компаниялар вакиллари, тадбиркорлар иштирок этди.

17 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “ДЭУ” компаниялари гуруҳининг раиси Ким У Жунгни қабул қилди. Суҳбат чоғида “ЎзДЭУавто” кўшма корхонасида янги моделлардаги автомобиллар чиқаришни йўлга қўйиш, автомобиль двигателлари ва бир қатор

бутловчи қисмлар тайёрлаш лойиҳалари, шунингдек, енгил саноат бора-сидаги алоқаларни бундан кейин ҳам ривожлантира бориш тўғрисида фикр алмашинди.

17-20 февраль. Бош вазир ўринбосари М. Усмонов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Ҳиндистонда бўлди. У икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг тўртинчи мажлиси ишида қатнашди. Мажлис иши якунида ўзаро ҳамжиҳатлик тўғрисидаги Меморандум имзоланди.

Ўзбекистон делегациясини Ҳиндистон Президенти К.Нараян қабул қилди.

17 февраль. Гамбургда Ўзбекистон иқтисодиёт кунлари бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси В. Голишев бошчилигидаги делегация вакиллари иштирок этди.

18 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкининг молия ва хусусий секторни ривожлантириш департаменти директори Лаеш Бокрос бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

23 февраль. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг Республика савдо-кўргазма маркази “Ўзэкспомарказ” Халқаро маркетинг ва сифат ассоциациясининг олий мукофоти “Халқаро олтин ва кумуш сифат соврини — 1999”га сазовор бўлди. Кўплаб хорижий шериклар билан самарали муносабатларни йўлга қўйишда кўрсатган ёрдами, зиммасига олган мажбуриятларни сифатли ижро этгани ва олий даражада кўргазма хизмати кўрсатганлиги учун “Ўзэкспомарказ” ана шундай мукофот билан тақдирланди.

Февраль. Фарғонада фаолият кўрсатаётган “Ўзтехсако” Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси барча турдаги машиналарга мўлжалланган мотор мойи ишлаб чиқаришга киришди.

Маҳсулот хориждан келтирилган технологиялар асосида ишлаб чиқарилади. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда йилига 17 турдаги 60 минг тоннага яқин мойлар ишлаб чиқарилади. Бу миқдор ватанимиз автопарки ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари эҳтиёжини таъминлаш учун кифоя қилади.

Февраль. Ялтада бўлиб ўтган ўткир ичимликлар халқаро ярмаркасида Ховренко номидаги “Самвинкомбинат” очиқ турдаги акционерлик жамиятининг маҳсулоти “Самарқанд бальзами” “Гран при”га, “Лимонная” махсус ароғи эса кумуш медалга сазовор бўлди.

Февраль. Деҳлида Ҳиндистон саноат Конфедерацияси томонидан ташкил этилган Халқаро кўргазма бўлиб ўтди. Унда “Ўзавтосаноат” корпорацияси ҳам иштирок этди. Ўзбек машинасозлари бу ерда шиддат билан ривожланиб бораётган мамлакатимиз иқтисодиётининг янги тармоғи маҳсулотларини намойиш этдилар.

Февраль. Ўзбекистонга Миср экспортини ривожлантириш Маркази ижроя органи бошлиғи, доктор Муҳаммад Ҳамди Салим бошчилигидаги Миср савдо делегацияси ташиф буюрди.

Миср делегацияси билан учрашув чоғида Ўзбекистон вазирликлари ва идораларида қўшма корхоналар ташкил этиш учун икки мамлакат тадбиркорлари учрашувларини ташкил қилиш масалалари муҳокама қилинди, Миср савдо Марказини ташкил этиш, икки мамлакат қўшма савдо палатасини таъсис этиш имконияти кўриб чиқилди. Икки мамлакат ўртасида товар айирбошлаш ҳақида, шунингдек, Ўзбекистон молларига Миср бозорларида, Миср молларига эса Ўзбекистонда муайян имтиёзлар берилиши тўғрисида бир битимга келинди.

Февраль. Қўқондаги “Улуғбек” акционерлик жамиятида таркибида “Навоийкимё” ишлаб чиқариш комбинатининг сунъий толаси ҳамда пахта ипидан бўлган гольфи ва пайпоқлар тўқиш йўлга қўйилди.

Февраль. “Тошкент трактор заводи” акционерлик жамиятида кичик ҳажмдаги тракторларнинг 16 та тажриба нусхалари ишлаб чиқарилди.

Февраль. Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги пахта лойиҳаларини амалга ошириш Агентлигининг конструкторлик бўлими тажриба корхонасида фойдали бракен ҳашаротини урчиладиган линиянинг тажриба намунаси ишга туширилди. Бракен дала ва боғлардаги зараркунандаларнинг 60 фоизгача қисмини йўқотади.

Февраль. Москвада Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг учинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат иқтисодий ҳамкорлигига доир масалалар муҳокама қилинди.

Февраль. Тошкентда “XXI аср бўсағасида Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий потенциални намоён этишга кўмаклашиш имконияти” мавзуида симпозиум бўлиб ўтди.

Февраль. “Навоий — Жермер-Даш” ўзбек-турк қўшма корхонасида маҳаллий хом ашё — қум ва шагал, рангдор пигмент ҳамда “Қизилқумцемент” акционерлик жамияти цементидан ясалган, йўлакларга ётқизиладиган безакли плиталар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Февраль. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида “Ўзбекистон ўрмон хўжалигини барқарор ривожлантириш муаммолари” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди.

Февраль. “Чирчиққишлоқмаш” акционерлик жамиятида плугнинг янги туркуми — икки ярусли айланма тўрт корпусли тури ишлаб чиқарила бошланди. У “Агромаш” БМКБ конструкторлари томонидан ишлаб чиқилган ва ўтган йили корхонада тайёрланган тажриба нусхаси муваффақиятли синовдан ўтган эди.

2 март. Пойтахтдаги “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида савдо-иқтисодий ва илмий-технологик ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Греция қўмитасининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Ҳозирги вақтда республикада Греция фирмалари билан ҳамкорликда ташкил этилган ўндан ортиқ қўшма корхона ишлаб турибди. Улар асосан

тикувчилик, чарм буюмлар ишлаб чиқаришда, озиқ-овқат саноатида, шунингдек, савдо соҳасида фаолият кўрсатмоқда.

11 март. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ахборот хизмати кўрсатиш инфратузилмасини яратишда янги иш усуллари жорий этганлиги ва ташаббус кўрсатганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг Ўзбекистон ташқи иқтисодий ахборот тижорат “Ўзинкоммарказ”и Европа маркетинг тадқиқотлари марказининг олий мукофоти — “Fugo Market Award-98” га сазовор бўлганлиги ҳақида ахборот эълон қилинди.

Тадбиркорлик фаолиятида катта ютуқларга эришганлиги, бошқарувнинг инновация усуллари қўллашда ва хизмат кўрсатиш бўйича яхши натижаларни қўлга киритганлиги учун компания-номинантлар ўртасида синчиклаб ўтказилган танловга қўра Ўзбекистон ахборот марказига ана шундай нуфузли мукофот топширилди.

11 март. Тошкентда Халқаро “Соғлом авлод учун” меҳр-мурувват жамғармасида Ўзбекистонга Япония ҳукумати томонидан берилган икки грант-шартномани имзолаш маросими бўлди. Уларни Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Коичи Обата имзолади ва олувчиларга тақдим этди. 69 минг АҚШ доллари миқдоридаги грант Наманган вилоятидаги “Чортоқ” болалар сиҳатгоҳига берилди. 60 минг АҚШ доллари миқдоридаги иккинчи грант Оҳангарон ўрмон хўжалигида дарахт кўчатлари ўтқазिश учун халқаро ноҳукумат “Экоўрмон” жамиятига ажратилди.

15 март. Пойтахтдаги “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида Ўзбекистон ва Туркия ишбилармон доираларининг бизнес-семинари бўлиб ўтди.

15 март. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов “Бритиш Американ Тобако” (“БАТ”) компанияси бошқаруви аъзоси, Африка, Яқин Шарқ, Жанубий ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори Ричард Грин бошчилигидаги шу компания делегацияси билан учрашди.

Ҳамкорликни янада кенгайтириш ва унинг истиқболли йўналишларига доир масалалар музокараларнинг асосий мавзуси бўлди.

19 март. Пойтахтнинг “Туркистон” саройида “Ташаббус-98” Республика кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятларда бўлиб ўтган танлов ғолиблари мамлакатнинг барча ҳудудларидаги тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар иштирок этди.

“Энг яхши тадбиркор” номинациясида Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидан хусусий кўп тармоқли “Акмал” фирмаси раҳбари Раҳимжон Умаров ғолиб, деб топилди. “Энг яхши фермер” унвонига Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги “Заркент” хўжалиги хусусий “Камроҳ” фирмаси раҳбари Раҳматулло Камолов сазовор бўлди. “Энг яхши ҳунарманд” номинациясида Бухоро вилоятининг Гиждувон шаҳридан Алишер Нарзуллаев ғолиб бўлди.

Президент томонидан Аёллар йили деб эълон қилинган йилда ушбу танлов якунида “Энг яхши тадбиркор аёл” номинацияси ҳам ўтказилди.

Танлов голиби деб, Андижон вилоятининг Асака шаҳридан хусусий “Тадбиркор-66” фирмаси раҳбари Дурдона Акбарова топилди.

Голибларга Ўзбекистон Президенти номидан совғалар тақдим этилди. Энг яхши тадбиркор “Нексия”, энг яхши фермер “Дамас” микроавтобуси, энг яхши ҳунарманд ва энг яхши тадбиркор аёл “Тико” автомашиналари билан тақдирланишди.

23-27 март. Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Токиода бўлди. Делегация иқтисодий ҳамкорлик бўйича ўзбек-япон ва япон-ўзбек қўмиталарининг бешинчи қўшма мажлисини ўтказишда иштирок этди.

Ўзбекистон делегациясини Япония Бош вазири Кейзо Обучи қабул қилди. У Япония ҳукумати Ўзбекистонга “Телекоммуникация тармоғини кенгайтириш” лойиҳаси бўйича 100 миллион АҚШ долларида ошиқроқ янги кредит беришга қарор қилганини маълум қилди.

Япония Ташқи ишлар вазирлигида “Қорақашпоғистондаги оналик ва болалик клиникаларида тиббий ускуналарни яхшилаш” лойиҳаси бўйича айирбошлаш Ноталарини имзолаш маросими бўлди. Ушбу лойиҳа бўйича Япония ҳукумати зарур асбоб-ускуналар сотиб олиш учун 4 миллион АҚШ долларида ортиқроқ миқдорда грант ажратадиган бўлди.

23 март. Пойтахт “Ўзэкспомарказ”ида ўзбек товар ишлаб чиқарувчиларининг экспортга мўлжалланган товарларининг Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган кўргазма-тақдимоти бўлди. Кўргазмада мамлакатнинг барча қисмларидан юздан ортиқ корхона ўз маҳсулотларини намойиш этди.

26 март. Тошкентда “Бизнес ва экология: хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш халқаро тажрибаси” мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, мамлакатнинг турли минтақаларидан келган олим ва тадбиркорлар, дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг вакиллари иштирок этдилар.

29 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Янги ташкил этиладиган ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан банкларнинг солиқ назоратини кучайтириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

30 март. “Интерконтиненталь — Тошкент” меҳмонхонаси ҳар йили ўтказиладиган Европа “Интерконтиненталь” отеллари кўрик-танловида биринчилиكنи олгани ва Европанинг энг яхши меҳмонхонаси сифатида шу компания президенти мукофотига сазовор бўлгани ҳақида хабар эълон қилинди. Барселонада бўлиб ўтган бош менежерлар конференциясида бу юксак мукофотни топшириш маросими бўлди.

Март. Тошкентда “Ўзбекистон Республикаси халқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва халқаро ҳамкорлик” мавзуида уч кунлик семинар бўлиб ўтди. Уни Конрад Адэнауэр номидаги жамғарманинг молия ваколатхонаси Республика Коммунал хизмати вазирлиги ва журналистларни қайта тайёрлаш Халқаро жамоат мар. ази билан биргаликда ташкил этди.

Март. “Виза” акционерлик жамиятининг ишлаб чиқариш цехларида Ўзбекистонда биринчи бор парфюмерия саноати учун нафис шишачалар ишлаб чиқарила бошланди. Яқин вақтларгача уларни Россиянинг шишасозлар маркази Гус-Хрустальный ва Болтиқ бўйидан сотиб олинар эди.

Март. Қарши шаҳрининг “Санам” тўқувчилик фабрикаси қошида зардўзлик цехи очилди.

Март. Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Найманча қишлоғида қанд ишлаб чиқарувчи мини- завод ишга туширилди. У йилига 600 тонна маҳсулот ишлаб чиқаради.

Март. Андижонда тозаланган пахта ёғи ишлаб чиқарадиган “Андижон Флоруа, Ойл Компани” Ўзбекистон-Америка-Бельгия қўшма корхонаси ишга туширилди. Янги корхонада Германия “Киркфельд” компаниясининг ишлаб чиқариш линияси ўрнатилган бўлиб, у йилига 12,4 минг тонна ёғ ишлаб чиқаради.

Март. Дрюссельдорфда (Германия) “Growth-99” Халқаро винолар кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон виночилари биринчи марта иштирок этдилар. Стенда кенг намойиш этилган Бухоро, Шаҳрисабз ва Наманганнинг хушбўй винолари, Самарқанд ва Хоразмнинг коньяк маҳсулотлари мутахассисларда ҳам, меҳмонларда ҳам катта таассурот қолдирди.

Март. Деҳлида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистон савдо-саноат палаталари Федерацияси ва Ўзбекистон савдо-ишлаб чиқариш палатаси ўртасида қўшма Бизнес-кенгаш тузиш ҳақидаги Битим имзоланди.

Март. Пойтахтнинг Киночилар уйида “Интеллектуал мулк. Ҳуқуқий ва касбий жиҳатлари — қонунбузарликларга қарши кураш” мавзусида Халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинар Европа Иттифоқи ТАСИС дастури доирасида ташкил этилган бўлиб, унда Франция, Бельгия, Буюк Британия ва бошқа гарб давлатлари мутахассислари, шунингдек, мамлакатимиз интеллектуал мулк соҳаси вакиллари иштирок этди.

Март. “Шаҳрисабз ёғ-пишлоқ” акционерлик жамиятида француз технологияси бўйича тайёрланган янги маҳсулот — “Эдем” пишлогини чиқариш йўлга қўйилди. Янги цех Франциянинг “Актинг” фирмаси асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда ҳар куни 3 минг литр сут қайта ишланади.

Март. Фарғона вилояти Бувайда туманидаги “Гилям” акционерлик жамияти қошида бахмал ишлаб чиқарадиган цех ташкил этилди. Янги корхонанинг биринчи навбати ишга туширилди. У тўла қувват билан ишлаганда йилига 250 минг погон метр бахмал ишлаб чиқара олади.

Март. Сурхондарёда қурилаётган Тўполонг ГРЭСига 40 минг киловатт-ампер қувватга эга бўлган ватанимизда тайёрланган биринчи кучли трансформатор жўнатилди. Уни Чирчиқнинг “Трансформатор” акционерлик жамияти йигеди ва созлади. Илгари корхонада бундай агрегатлар фақат таъмирланарди ва чет элдан харид қилинарди.

2 апрель. Тошкентда “Халқаро тижорат арбитражи” мавзуга бағишланган Халқаро конференция ўз ишини бошлади.

2 апрель. Янги халқаро Тошкент-Киев-Нью-Йорк ҳаво йўли бўйича “Боинг”нинг биринчи парвози бўлиб ўтди. Бу ҳаво йўлига “Ўзбекистон ҳаво йўллари” ва “Украина авиалиниялари” акиакомпаниялари хизмат кўрсата бошлади.

5 апрель. Андижон лок ва қурилиш бўёқлари ишлаб чиқарадиган “ЎзДонгжу Пэйнт компани” Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

17 апрель. Ангренда каолинни бойитиш бўйича “Каолин” ўзбек-герман қўшма корхонаси ишга туширилди.

20 апрель. Тошкентда “Чехия республикаси — сизнинг савдо ҳамкорингиз” кўргазмаси очилди. Бу ерда Чехиянинг автомобилсозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат, машинасозлик саноати ва бошқа соҳалари корхоналари, шунингдек, Ўзбекистон-Чехия қўшма корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг намуналари намойиш этилди.

20 апрель. Пойтахтнинг “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида Чехия бош вазири Милош Заманнинг республикамизга ташрифи муносабати билан Ўзбекистон ва Чехия ишбилармон доираларининг бизнес-семинари бўлиб ўтди.

Семинарда тadbиркорлар мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти билан танишдилар. Ўзбекистонда чет эллик ишбилармонлар учун қулай шароитлар яратилаётганига, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари мавжудлигига эътибор қаратилди.

22-23 апрель. Пойтахтнинг “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё: энергетика соҳасида ҳамкорлик” мавзuida Халқаро конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда Марказий Осиё мамлакатларининг тегишли вазирликлари, шунингдек, йирик электроэнергия, нефть ва газ компанияларининг раҳбар ходимлари иштирок этди. Бундан ташқари, анжуманда Европанинг энергетика саноатида ишлайдиган йирик компаниялар ва инвестиция жамғармаларининг вакиллари иштирок этди.

Конференцияда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергетика ресурслари самарадорлигини ошириш ва улардан оқилона фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.

29 апрель. Тошкентда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси билан “Украина авиалиниялари” Давлат авиакомпанияси ўртасида иттифоқ таъсис этиш ҳақидаги Битим имзоланди.

Битим авиация воситасида юк ташиш бозорини ривожлантириш, йўловчилар ва юк ташиш миқдорини ошириш, бошқа авиаташувчилар билан самарали рақобатлашиш, парвозларнинг хавфсизлигини ошириш соҳасида икки йирик давлат авиакомпанияларининг биргаликдаги имкониятларидан фойдаланиш учун кенг уфқлар очиб берди.

Апрель. Тошкентда “Кичик ва ўрта бизнесни лойиҳалашни маблағ билан таъминлаш, кредит бериш” семинари бўлиб ўтди.

Унда мамлакатдаги кўпгина тижорат банкларининг вакиллари, шунингдек, тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилувчи ташкилотларнинг мутахассислари, Банклар ассоциацияси экспертлари ва унинг таркибига кирувчи компаниялари раҳбарлари, Банк-молия академияси профессор-ўқитувчилар таркиби ва тингловчилари иштирок этди.

Апрель. Давлат иқтисодиёт ва меҳнат вазири К. Шоммер бошчилигидаги Саксония (ГФР) ишбилармон доиралари вакиллари делегацияси мамлакатимизда бўлди.

Апрель. “Самсунг электроникс” компаниясининг ижрочи директори Чон Дак Жанг бошчилигидаги делегацияси республикаимизда бўлди. Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси молия, макроиқтисодиёт ва статистика, ташқи иқтисодий алоқалар вазирликларида бўлишди, компаниянинг Ўзбекистондаги фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича музокаралар ўтказишди.

Апрель. Икки юздан ортиқ кичик корхонани бирлаштирувчи республика бизнес-инкубатори Сорос жамғармаси грантини олди. Бу РБИ субъектларига Интернет компьютер тармоғига кириш имконини беради.

Шундай қилиб, бизнес-инкубатор аъзолари бўлган тадбиркорлар халқаро бозор конъюнктураси ва потенциал шериклар ҳақида тўла ахборот олиш имкониятига эга бўлдилар.

Апрель. Тўрткўл шаҳрида Япониянинг “Нек” фирмаси мутахассислари билан ҳамкорликда ўрнатилган электрон автомат телефон станцияси фойдаланишга топширилди.

Апрель. Ялтада ўтказилган IV Халқаро “Қрим-коньяк-99” танловида нуфузли ҳайъат Украина, Молдова, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Туркманистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон виночилик корхоналарининг 98 турдаги ўзига хос коньякларини татиб кўриб, М.Р.Ховренко номидаги Самарқанд виночилик корхонаси маҳсулотларидан Ўзбекистоннинг қуйидаги коньякларини тақдирлади: “Шердор” (олтин медаль), “Самарқанд” (кумуш медаль), “Янгийўл” агрофирмасининг “Ўзбекистон” ва “Шодлик” коньяклари олтин медалга, Бухоронинг шу номдаги акционерлик жамиятининг “Шоҳруд” коньяги бронза медалига сазовор бўлди.

1 май. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси мамлакатимиз билан Япония ўртасида Тошкент-Нагоя мунтазам чартер авиаалоқасини йўлга қўйди.

6-12 май. Дюссельдорф (Германия)да ўраш машиналари ва озиқ-овқат, қандалатчилик саноати учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчиларнинг “Интерпак-99” XV анъанавий кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада жаҳоннинг 54 мамлакатидан, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасидан 2,5 мингдан ортиқ замонавий машиналар ва асбоб-ускуналар намуналари намойиш этилди.

7 май. Кўргазма доирасида “Ўзбекистон иқтисодий шерик: савдо ва ўраш техникаси соҳасида савдо кооперация имкониятлари” мавзуида махсус конференция бўлиб ўтди. Унда Германиянинг ўраш асбоб-ускуналари ишлаб чиқарадиган 40 та етакчи компанияси вакиллари иштирок этди.

11 май. Тошкентда “Осиё — Европа транспорт кўпригини ривожлантириш муаммолари” мавзуида Халқаро конференция ўз ишини бошлади. Конференцияда транспорт -коммуникация-божхона маъмуриятлари бошлиқлари, Осиё ва Европанинг 20 дан ортиқ давлатлари йирик бизнес вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлари иштирок этди.

Конференция доирасида Ўзбекистон транспорт мажмуининг ҳозирги ҳолатини ақс эттирувчи кўргазма ташкил этилди. Унинг мақсади транспорт йўллари ва халқаро савдони ривожлантиришга қўшимча инвестициялар жалб қилишдан иборат эди.

Конференция якунида иштирокчилар умумий муаммоларни муҳокама қилиш натижалари ҳақидаги Меморандумни, шунингдек, Евро-Осиё қитъасидаги барча мамлакатларга транспорт сиёсатини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи тавсияларни имзоладилар.

13 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва 1999—2000 йилларда Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастури тўғрисида” Қарор қабул қилди.

13 май. Пойтахтнинг “Шодлик Палас” меҳмонхонасида МДХ Давлатлараро иқтисодий қўмитаси ҳузуридаги Автомобиль транспорти Халқаро иттифоқининг алоқа бўйича қўмитасининг учинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда биринчи бор бўлиб ўтган мазкур мажлисда автомобиль транспортга алоқадор мўҳим масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлаш, тиббий ва бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш бўйича фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

17 май. Самарқанд вокзалига биринчи электропоезд кириб келди. Жиззахдан Самарқандгача бўлган 113 километрлик йўлни электрлаштириш туфайли йилга 500 тонна ёнилгини тежаш имконини беради, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини пасайтиради.

17-18 май. АҚШ Савдо вазирлигининг вазирлик маслаҳатчиси Ян Калицки бошчилигидаги делегацияси Ўзбекистонда бўлди. Делегациянинг ташрифи чоғида савдо, инвестициялар, энергетика ва конверсиялар бўйича “Ўзбекистон — АҚШ” қўшма комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, мудофаа саноати корхоналарини конверсиялаш жараёнида ҳамкорликни кучайтириш, таълим ва илмий-техникавий соҳалардаги ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволи, бу йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Делегация аъзолари Вазирлар Маҳкамасида, “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компаниясида, шунингдек, Ўзбекистон Молия вазирлигида учра-

шувлар ўтказишди. Меҳмонлар “Нефть ва газ-99” учинчи Халқаро кўргазмаси очилишида иштирок этдилар, қадимий Хива шаҳрини бориб кўрдилар.

17 май. Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишида уни умумий темир йўл тармоғи билан улайдиган узунлиги деярли 20 километр бўлган Жийрон — Шўртан темир йўл тармоғи фойдаланишга топширилди.

18-20 май. Тошкентда “Нефть ва газ-99” III Ўзбекистон Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 21 мамлакатидан 80 дан ортиқ нефть-газ қазиб чиқарувчи компаниялар иштирок этди.

20 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “1999—2000 йилларда ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

25 май. Тошкентда Савдо бўйича Америка-Ўзбекистон палатасининг навбатдаги қўшма конференцияси бўлиб ўтди.

25-26 май. Тошкентда ўрмон, қоғоз ва кимё маҳсулотларини сотиш бўйича ихтисослашган ярмарка бўлиб ўтди.

26 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япония экспорт-импорт банки бошқарувчиси Хироши Ясудани қабул қилди.

Япониянинг “Эксимбанки” Ўзбекистондаги кўплаб нефть-газ саноати иншоотларини қуриш ва тиклаш бўйича лойиҳаларни маблағ билан таъминлашда иштирок этиб келмоқда. Кўкдумалоқ газкомпрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишлари ҳамда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи қайта қурилишини шулар жумласига киритиш мумкин.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан “Эксимбанк” ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўйича фикр алмашинди. Хусусан, Япониядан экспорт қилинадиган молларни кредитлаштириш, Ўзбекистондаги муайян лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш, кимё, машинасозлик, тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш масалалари кўриб чиқилди.

27 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Россия Федерацияси “Газ саноати” акционерлик жамияти очиқ турдаги бошқаруви раиси Рем Вяхиревни қабул қилди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон нефть-газ саноати корхоналари ўртасида ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашинди.

31 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Европа Тикланиш ва тараққиёт банки президенти Хорст Келер бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимизнинг ушбу халқаро молия институти билан алоқалари ҳар икки йилда янгиланиб турадиган “ҳамкорлик стратегияси”га асосланган. 1999—2000 йилларга мўлжалланган навбатдаги стратегия 1998 йил 2 декабрда ЕТТБ томонидан маъқуланган. Банкнинг Ўзбекистондаги фаолияти асосан маъдан-хом ашё ресурсларига асос солиш ва қайта ишлаш, энер-

гетика мажмуи, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, агробизнес ва пахтани қайта ишлаш, банк-молия тизими ҳамда туризм инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқдир.

Суҳбат чоғида ЕТТБ иштирокида лойиҳаларни амалга ошириш жараёни кўриб чиқилди. Томонлар янги лойиҳалар ҳақида фикр алмашдилар, ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов билан учрашдилар.

Учрашув чоғида Ўзбекистоннинг ЕТТБ билан ҳамкорлиги масалалари ва ўзаро алоқаларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Музокараларда хусусийлаштиришдан кейинги жамғармани ташкил этиш тўғрисидаги лойиҳаларда ҳамкорлик қилиш, шунингдек, Сирдарё ГРЭСини қайта қуриш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Май. Мюнхен (ГДР) солиқ маслаҳатчилари палатасининг президенти Эрвин Штайн бошчилигидаги делегация бир ҳафталик амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Ташриф якунида Мюнхен солиқ маслаҳатчилари палатаси билан Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциациясининг солиқ маслаҳатчилари уюшмаси ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битим имзоланди.

Май. Тошкентда биринчи марта Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ)нинг муҳофаза ва биотехник ўлчовлар масалаларига бағишланган минтақавий семинари бўлиб ўтди. Унда патент идоралари экспертлари ва МДХ мамлакатлари, шунингдек, Германия, Бельгия, Ҳиндистондан биотехнология билан шуғулланувчи мутахассислар иштирок этди.

Май. Тошкент вилоятининг Қибрай туманида янги Америка-Ўзбекистон қўшма корхонаси ўзининг дастлабки маҳсулотини чиқарди.

Американинг “Пай-холдинг” компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу қўшма корхонада бир кеча-кундузда 20 тонна қadoқланган куруқ мева, шунингдек, ўсимлик мойи ишлаб чиқарилади.

Май. “Қўқонтўқмаш” акционерлик жамиятида нефть ва газ қудуқларини пармалашда қўлланиладиган махсус занжирлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу пайтгача бу занжирлар чет элдан келтирилар эди.

Май. Навоий вилоятида Навбаҳор гидроузели фойдаланишга топширилди. Навоий ГРЭСи яқинидаги Зарафшон дарёсида Навбаҳор сув тўғони қурилиши тугалланди. Шу тариқа Навбаҳор ва Конимех туманлари аҳолисининг сувга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилди.

Май. Наманганда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда банк муассасаларининг аҳамиятига бағишланган Республика семинари бўлиб ўтди.

1 июнь. Тошкентда “Дрезднер Банк АГ” ваколатхонаси очилди.

1 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

2 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида “Бритиш Америкен Тобакко” компаниясининг бошқарувчи директори Ульрих Хертернинг Республика Бош вазири Ў. Султонов билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув чоғида компаниянинг мамлакатимизда тамаки саноатини модернизациялаш ва қайта тиклаш бўйича инвестициявий лойиҳасини янада ривожлантириш ва амалга ошириш йўналишлари муҳокама қилинди.

2 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Япония ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти SETRO раиси Н. Хатакеямуни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон ва SETRO ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

18 июнь. Олмалиқда Олмалиқ кон-металлургия комбинати ташкил топганлигининг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов Президент Ислом Каримовнинг Олмалиқ кон-металлургия комбинати жамоасига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

28 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмайдиган ва ўз низом жамғармаларини қонунда белгиланган муддатда шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

28 июнь. Республика Вазирлар Маҳкамаси “Бошоқли дон экинларини навларга қараб жойлаштиришни такомиллаштириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилигини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Ушбу қарорга мувофиқ, бошоқли дон экинлари навларини янгилаш ва навларга қараб жойлаштириш дастурини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича доимий иш олиб борувчи Республика комиссияси ташкил этилди ва мазкур комиссиянинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

29 июнь. Андижон вилоятида Хўжаобод ерости газ омборининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

30 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкнинг катта вице-президенти ва бош иқтисодчиси Жозеф Стиглиц бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат жараёнида Ўзбекистон билан ХТТБ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, ҳар икки томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар юзасидан фикрлар алмашинди.

Июнь. Наманган вилоятининг Поп туманида “Ўзбек уй-жой” комбинати негизида иш олиб бораётган “Ўзбекшина” Англия-Ўзбекистон қўшма корхонаси маҳсулот бера бошлади. Янги қўшма корхона йилига 1200 донашина тайёрлай олади.

Июнь. Хўжайли туманида 2,5 минг абонентга мўлжалланган замонавий электрон телефон станцияси фойдаланишга топширилди. Станция қурилиши Япониянинг НЕС фирмаси кўмагида амалга оширилди.

Июнь. Бўз тумани ҳокимияти ташаббуси билан туман марказида машхур немис “Зингер” фирмаси билан ҳамкорликда қўшма тикув корхонаси барпо этилди.

Июнь. Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Ўзбекистон ишбилармон аёллари “Тадбиркор аёл” ассоциацияси ва Бозор малакаларини ривожлантириш маркази делегацияси Буюк Британия-да бўлди.

Ташриф чоғида Лондон савдо палатаси билан Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди. Унда инглиз ва ўзбек корхоналари, бирлашмалари, ташкилотлари, фирмалари ўртасида бевосита алоқаларни ривожлантиришда ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш ва тадбиркорлик фаолияти соҳасида иқтисодий ва ҳуқуқий ахборотларни эркин айирбошлаш кўзда тутилган.

Июнь. Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида янги қўшма корхона — “Бизинтруд-Чироқчи” тикув фабрикаси фойдаланишга топширилди. Унинг муассислари Республика Меҳнат вазирилиги, “Бизнес-фонд” ва Германиянинг “Пфафф-Зингер” компаниясидир.

Июнь. Фарғона дизель ёнилғисини қайта ишлаш заводида ёнилғини тозалаш цехи ишга туширилди.

Туркиянинг “Текфин” компанияси Япониянинг “Тойо инжиниринг” корпорацияси лойиҳаси бўйича барпо этилган бу корхона йилига 1 миллион 700 минг тонна дизель ёнилғисини қайта ишлаш имкониятига эга.

Июнь. Навоий глаҳрида ўт ўчирувчи машиналарни йиғиш бўйича Ўзбекистон-Украина қўшма корхонаси тақдимоти бўлди. Махсус машиналарнинг дастлабки туркуми йиғилди.

Июнь. Германиянинг Нюрнберг шаҳрида бўлиб ўтган “Стоун Тек -99” Халқаро тошлар кўргазмасида Ўзбекистон тоштарошлик саноати вакиллари илк бор иштирок этишди.

Июнь. Эллиққалъа туманидаги “Бухон-Мерчи” ширкат хўжалигида қоракўлчилар слёти бўлиб ўтди. Унда республикамызнинг бир қатор вилоятлари чорвадорлари, шунингдек, Қозоғистон ва Туркменистондан мутахассислар иштирок этди.

Июнь. Наманган вилояти Чуст туманидаги чекка Варзик қишлоғида тикувчилик фабрикаси ишга туширилди. Бу вилоятда Германия “Пфафф-Зингер” компаниясининг фаол иштирокида бунёд этилган иккинчи корхонадир.

Июнь. Муборак газни қайта ишлаш заводида халқ хўжалиги учун тозаланган газ ресурсларини бирмунча оширишга имкон берувчи янги технологик қурилма фойдаланишга топширилди. Француз мутахассислари билан ҳамкорликда ўрнатилган янги линия ишлатилган газдан ҳашишча маҳсулот чиқаришни таъминлайди, шу билан бир вақтда ҳавони тозалаш ва минтақада атроф-муҳитни соғломлаштириш имконини беради.

Июнь. Ип йиғиришда ишлатиладиган картон конуслар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ишга туширилди, у “Таштерм” Ўзбекистон қўшма

корхонаси, “Маҳаллий саноат”, Туркиянинг “Текстиль санаи ва Тижерат” АСО фирмалари иштирокида ташкил этилган. Илгари мазкур конус Россия ва бошқа қўшни республикалардан келтирилди.

Июнь. Тошкентдаги “Ўзэкспомарказ”да “Энергияни ҳисобга олиш, унинг истеъмол қилинишини бошқариш ва иқтисодиёт соҳасида энергияни тежаш” мавзuida Республика кўргазма-семинари бўлиб ўтди.

26 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти “Солиқлар ва давлат бюджетига тўловлар бўйича имтиёзлар беришни тартибга солиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

27 июль. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 1999 йилнинг биринчи ярмида республикада ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари, иқтисодий ислохотларнинг бориши ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга оширишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов маъруза қилди.

Мажлисида шу йилнинг дастлабки олти оyi мобайнида саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, чакана савдо ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишда иқтисодий ўсиш таъминланганлиги, иқтисодиётга инвестициялар жалб қилиш ҳажми ортганлиги таъкидлаб ўтилди.

28 июль. Мамлакатимиз галлакорлари бу йил катта меҳнат галабасига эришганликлари ҳақида хабар эълон қилинди. Улар қарийб 3,6 миллион тонна ҳосил йиғиштириб олдилар, давлатга 2 миллион 205 минг тонна дон топширилди. Ҳосилдорлик республика бўйича гектаридан ўртача 31,1 центнерни ташкил этди.

Июль. Самарқанд — Мароқанд темир йўли электрлаштирилган участкасининг очилиш меросими бўлиб ўтди.

Июль. Андижон вилоятининг Марҳамат туманида Ўзбекистон — Россия “Экомевалар” қўшма корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Уни сабзавот ва меваларни қайта ишлаш ҳамда вино ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи “Марҳамат” акционерлик жамияти ва Москванинг “ТД-Детское питание” жамияти таъсис этган.

Июль. Ўзбекистон металлургия комбинатида консерва заводлари учун зарур бўлган шиша идиш ишлаб чиқарадиган линия ишга туширилди.

Июль. Республикамизда ишлаб чиқарилган “ИЛ-114” самолёти Тошкент—Нукус, Тошкент—Фарғона йўналишлари бўйича доимий парвозларни амалга ошира бошлади. Йўловчилар учун қулай ва тежамли бу лайнер ЯК-40 ва АН-24 самолётлари ўрнида уча бошлади.

Июль. Тахиатош шаҳрида 4,5 минг абонентга мўлжалланган электрон автомат телефон станцияси фойдаланишга топширилди.

Июль. Андижон вилояти Булоқбоши туманида “Антекс” тўқимачилик мажмуининг янги тикувчилик фабрикасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

2 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси чакана бозорлари ҳудудида жисмоний шахсларнинг савдо фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида Қарор қабул қилди.

5 август. Сурхондарё вилоятининг бешта шимолий тумани — Узун, Са-риосиё, Олтинсой, Шўрчи ва Денов туманларида 14 мингдан кўпроқ но-мерли автомат телефон станцияларини монтаж қилиш тугалланди. АТС-ларда Швеция-Хорватиянинг “Эриксон-Никола Тесла” фирмаси жиҳозла-ри ўрнатилган.

12 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Автотўхташ жойлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қа-рор қабул қилди.

Август. Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида ўсимлик мойи чиқаради-ган янги корхона маҳсулотнинг дастлабки туркумини харидорларга еткази-б берди.

Август. Жиззах вилоятининг Бахмал туманида “Сандвик” ўзбек-америка қўшма корхонаси дастлабки маҳсулотини берди. Унинг ишлаб чиқариш ли-нияси бир соатда 3 тонна сабзавотни қайта ишлайди, қуритади ва қадоқ-лайди.

Август. Фарғона туманида пиллани қайта ишлайдиган Водил пиллакаш-лик фабрикасининг биринчи навбати ишга туширилди.

Август. Ургут туманининг Навоий номидаги ширкат хўжалигида поми-дорки қайта ишлайдиган мини-цеҳ фойдаланишга топширилди. Бу ерда хўжа-ликнинг ўзида ва қўшни жамоаларда етиштирилган маҳсулотлар қайта иш-лана бошланди.

5 сентябрь. Тошкент аэропортида АҚШдан учиб келган янги супер са-молёт “Боинг-757-200”ни кутиб олиш маросими бўлди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг самолёт паркни яна бир энг янги ҳаво кемаси билан бойиди.

11-16 сентябрь. Тошкентда биринчи Халқаро матбаа кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада Россия, АҚШ, Германия, Голландия, Финляндия, Швей-цария, Италия, Бельгия, Австрия, Япония, Англия каби мамлакатлар-нинг матбаа соҳасидаги ютуқлари намойиш этилди.

Кўргазма доирасида Ўзбекистон матбаа тармоғини ривожлантириш та-мойиллари ва истиқболларига бағишланган махсус анжуман ўтказилди, иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик йўллари ва шарт-шароит-лари кўриб чиқилди.

23 сентябрь. Халқаро саралаш қўмитаси В.І.Д. (Business initiative Directions) сифат учун “Олтин юлдуз”ини Бухоро шаҳридаги “Бухоро” тўрт юлдузли меҳмонхона мажмуига беришга қарор қилганлиги ҳақида хабар эълон қилинди. Бундай мукофотга сайёраимиздаги 114 та меҳмонхона сазо-вор бўлган.

27 сентябрь-1 октябрь. “Италия ва Ўзбекистон. Истиқболлар ва тарақ-қиёт” мавзусидаги симпозиум билан мамлакатимизда Италия технологияси

ҳафталиги бошланди. Ана шу кунлари Ўзбекистон тадбиркорлари Италиянинг 40 дан ортиқ фирмалари ва компаниялари вакиллари билан турли иқтисодий дастурлар: мрамр ва гранитга ишлов бериш, тўқимачилик, чарм, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалигида янги технологияни жорий этиш тўғрисида музокаралар олиб бордилар.

27 сентябрь. Тошкентда Американинг “Моторола” компанияси ваколатхонаси ва радиостанциялар ишлаб чиқарадиган “Ўзбекистон-Моторола-Телеком-Радио” (“ЎМТ-Радио”) қўшма корхонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Сентябрь. Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги Будақчи қишлоғида Германиянинг “Паффа-Зингер” фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган янги тикувчилик фабрикаси ўз ишини бошлади.

Сентябрь. Наманган вилоятининг Косонсой туманида Туркия фирмалари билан ҳамкорликда маҳаллий хом ашёдан тикув маҳсулотлари ва адёлар ишлаб чиқарувчи “Косонсой-Текмен” ва “Атлос-Мен” номли иккита янги қўшма корхона ташкил этилди.

6 октябрь. АБН АМРО Банк — Ўзбекистон Миллий банки акционерлик жамияти мамлакатимиздаги ягона йирик халқаро банк бўлиб, Ўзбекистонда Еврокард (Мастеркард) кредит карточкаларини чиқариш ва тарқатиш учун бош лицензияни қўлга киритди. Мазкур карточкалар жаҳоннинг 220 мамлакатда тўловларни амалга ошириш учун қабул қилинади.

6-7 октябрь. Тошкентда “Ўзбекистонда нефтни қайта ишлашнинг долзарб муаммолари ва мойловчи материаллар ишлаб чиқариш истиқболи” мавзuida Республика конференцияси бўлиб ўтди.

8 октябрь. Тошкентдаги “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида Ўзбекистоннинг тўртта туманида телекоммуникация тармоғини модернизациялаш ва ривожлантиришнинг тугалланган лойиҳаси тақдими бўлиб ўтди. Ушбу лойиҳа республикамизга Япония чет эл иқтисодий ҳамкорлик Жамғармаси томонидан тақдим этилган имтиёзли кредит бўйича амалга оширилди.

Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 67 та шаҳар ва туман марказларида 70 рақамли телефон станцияларини, Нукус, Урганч, Бухоро ва Навоийда тўртта кудратли рақамли шаҳарлараро телефон станциясини фойдаланишга топшириш, шаҳарлараро ва зоналар ичида толали-оптик магистраллар, жумладан, Бухоро—Урганч—Нукус магистралини барпо этиш имконини берди. Бу Ўзбекистон ҳудудида телекоммуникацияларнинг ўз техникавий воситаларимиз ёрдамида телефон-телеграф алоқасини ташкил этиш ҳамда республика теле ва радиодастурларини узатиш, шунингдек, умумий узунлиги 1900 километр бўлган Тошкент—Ангрен магистрали, Тўрткўл—Урганч, Ангрен—Фарғона—Наманган—Андижон, Самарқанд—Қарши радиорелейлиниларини қуриш имконини беради.

20 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Жалолитдин Мангубердининг 800 йиллик юбилейига атаб 25 сўм қийматга эга бўлган

ёдгорлик тангани муомалага чиқарди. Танганинг ўнг томонида жанговар курул-аслаҳа таққан Жалолиддин Мангубердининг бюст тасвири берилган, орқа томонда — танганинг марказида Ўзбекистон Республикасининг Герби тасвирланган.

21-25 октябрь. Тошкентда “ЭКСПО Италия-99” кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Италиянинг 120 дан ортиқ фирмалари ўз маҳсулотларини Ўзбекистонда биринчи марта намойиш қилди.

23 октябрь. “Тошкент иккиламчи қора металл” ижара корхонасига сифат учун “Халқаро платина юлдузи” мукофоти берилгани хабар қилинди.

26-29 октябрь. Республика савдо кўргазмалари маркази “Ўзэкспомарказ” да қурилиш материалларининг учинчи Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Европа ва МДХ мамлакатидан 20 та фирма иштирок этди.

Кўргазмада дизайн ва меъморчилик соҳасидаги энг янги ишланмалар, қурилиш индустрияси, хоналарни иситиш ва совутиш учун жиҳозлар, шунингдек, уй интерьерни жиҳозлари намойиш этилди.

Октябрь. Самарқанддаги “СамКочАвто” ўзбек-турк қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган автобусларнинг дастлабки туркуми экспортга жўнатилди.

Шу пайтгача шаҳар атрофи йўналишларида асосан Павлов автозаводи автобуслари “ПАЗлар”дан фойдаланиб келган Россия “ЎзОтайўл” мини-автобусларининг асосий харидорларидан бири бўлиб қолди. Шу йил охиригача бу мамлакатга 500 дан ортиқ шундай автобус етказиб берилади.

Октябрь. Ўзбекистон бизнес-фонди Канаданинг “Раанани холдинг интернейшл” компанияси билан биргаликда хусусий ва кичик корхоналарни инвестициялаш дастурини амалга оширишни бошлаб юборди.

Октябрь. “Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти” — ана шу ном остида Екатеринбургда кўргазма бўлиб ўтди. Умуман, экспозиция стендларида мамлакатимизнинг 60 дан ортиқ корхонаси ўз маҳсулотини намойиш этди.

Октябрь. Хўжаобод тумани марказида тикув ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди. Қўшма корхона машҳур “Тянь-Дин-Ду” компанияси билан биргаликда ташкил этилган.

Октябрь. Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида янги пахта тозалаш заводи ишга туширилди.

Октябрь. Тошкентда Республика “Тошкент” фонд биржаси билан Франкфурт фонд биржаси (ГФР) ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик Меморандумини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Октябрь. “Янги замон” Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида қандалатчилик саноати учун қуруқ мевалар ишлаб чиқарувчи янги корхонанинг очилиш маросими бўлди. Маҳсулотлар ички бозордан ташқари, Россия ва Японияга ҳам жўнатилади.

Октябрь. Потсдам шаҳрида (ГФР) Европартенариатнинг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда 76 мамлакат бизнесменлари иштирок этди. Республикамиздан тўртта хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбарлари, шунингдек, бизнесга кўмаклашувчи Марказ мутахассиси қатнашди.

9 ноябрь. Ўзбекистонда “Ла-Сота” штаммасидан вакцина ишлаб чиқилгани тўғрисида хабар босилди. Бу профилактик восита қушлардаги ньюкаслс (сохта вабо) касаллигига қарши энг самарали, деб тан олинган. Шу пайтгача уни чет элдан валютага сотиб олинарди.

Ноябрь. Бхопал (Ҳиндистон) шаҳрида шולי, пахта ва боғ экинлари етиштириш масалаларига бағишланган Ҳиндистон-Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги семинари бўлиб ўтди.

Семинарда Фан ва техника Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва эксперименталь биология институти, Шоличилиқ илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қишлоқ хўжалиги бўйича илмий-ишлаб чиқариш марказидан ўзбек олимлари делегацияси, шунингдек, Панжоб ва Карнатака штатлари қишлоқ хўжалиги университетларидаги ҳинд ҳамкасабалари иштирок этди.

Ноябрь. Жиззах вилоятида электрон алоқа воситаси — Япониянинг НЕС фирмаси ишлаб чиқарган 6 минг 500 номерли телефон тармоғи ишлай бошлади.

Ноябрь. Дрезденда (ГФР) “Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик стратегияси ва саноат корхоналарига самарали раҳбарлик қилиш” мавзuida иқтисодий семинар бўлиб ўтди.

Дрезден учрашуви иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Ўзбекистоннинг потенциал имкониятларини очишга, шунингдек, Саксония тадбиркорлари билан шерикликда Республиканинг автомобилсозлик, кимё ва озиқ-овқат саноати соҳасидаги янги инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқаришга бағишланди.

1 декабрь. Тошкентда “КабулЎзбек К” Ўзбекистон-Жанубий Корея тўқимачилик қўшма корхонаси ишлаб чиқариш мажмуининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов қатнашди.

2 декабрь. Ўзбекистонда маҳаллий ферромарганецнинг дастлабки саккиз юз килограмми олингани хабар қилинди. Қора металлургия корхоналари учун зарур бўлган бу қимматбаҳо қотишма Олмалиқ кон-металлургия комбинати заводларидан бирининг саноат печида ишлаб чиқарилди.

13 декабрь. Москвада “Улгуржи озиқ-овқат бозорлари: инвестициялар, қурилиш, фойдаланиш, жиҳозлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари” (“Улгуржи озовқатинвест-99”) учинчи Халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси очилди. Унда Ўзбекистон ўзининг мустақил миллий стендга қўйилган маҳсулотлари билан иштирок этди.

14 декабрь. Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилари ўз маҳсулотларини химоя қилиш имконига эга бўлдилар: “Белгим” акционерлик жамияти ўзи ёпишадиган ёрлиқ ишлаб чиқаришга киришди. Уни ҳар қандай ўрамга, қутига, қоғоз қутига, шунингдек, товарнинг ўзига ҳам ёпиштириш мумкин.

17 декабрь. Қорақалпоғистонда 115 километр узунликдаги тугалланаётган Мискен — Султануиздаг магистралида темир йўл изларини туташтириш ниҳоясига етди.

18 декабрь. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси билан ҳаво ҳаракатлари бошқаруви тизими учун радиотехника ускуналарини етказиб бериш ва монтаж қилиш тендерини ютиб олган “Алени Маркони Системс” фирмаси ўртасида Битим имзоланди. Бу битим Самарқанд, Бухоро ва Урганчдаги аэропортларни модернизация қилиш бўйича кенг қамровли лойиҳанинг навбатдаги босқичига асос солди. У Япония ҳукумати-нинг “Тараққиётга расмий ёрдам” дастури доирасида амалга оширилмоқда.

27 декабрь. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси Давлат акционерлик жамияти цехларидан бирида бирлашманинг янги қалдирғочи — ИЛ-114-100 самолётига Халқаро авиация қўмитасининг сифат сертификатини топшириш маросими бўлиб ўтди. Топшириш маросимида Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов иштирок этди.

Декабрь. Сурхондарё вилоятида йод ишлаб чиқарадиган Ховдан корхонаси маҳсулот бера бошлади. Хайрия ёрдами сифатида йоднинг дастлабки туркуми вилоятнинг 22 та даволаш муассасасига, ногиронлар ва меҳр-муруват уйларига, махсус мактаб-интернатларга жўнатилди.

Декабрь. Тошкентда почта алоқасида технологик жараёнларни автоматлаштириш тизимининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.

Декабрь. Тошкентда Омск вилояти йирик саноат корхоналари вакилларидан иборат Россия делегацияси бўлди. Ташриф доирасида Омск шаҳри ва вилоятида ишлаб чиқилган маҳсулотлар кўرғазмаси бўлиб ўтди.

Декабрь. Франкфурт-на-Майнда (ГФР) ўзбек-герман иқтисодий симпозиуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Голишев бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси ва ГФР стакчи компаниялари, молия муассасалари, вазирликлари ва идораларининг 200 дан ортиқ вакиллари иштирок этди.

Симпозиумни ўтказиш дастури доирасида ўзбек-герман иқтисодий анжуманининг биринчи кенгайтирилган мажлиси бўлди, унда “Сименс”, “Тиссен-Крупп”, “Даймлер-Крайслер” немис компаниялари ва Германиянинг бир қатор банклари иштирок этди.

Декабрь. Тошкент вилояти Бўка туманида “Тадбиркор таъминот” акционерлик жамиятининг республика бизнес-фонди ҳамкорлигида барпо этган ёрдамчи корхонаси ишга туширилди. Корхона маҳаллий далаларда етиштирилган помидор ҳосилини қайта ишлаб томат пастаси ва тўйинган шарбатлар тайёрламоқда.

Декабрь. Тошкент вилояти Зангиота туманидаги “Тошкент” ширкат хўжалиги Голландия саноатчилари билан ширкат негизда голланд пишлоғи ишлаб чиқарадиган “Уздатс чиз” қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги Шартномани имзолади.

Декабрь. Ангрен шаҳри аҳолиси уяли телефон алоқа станцияси хизматидан фойдалана бошлади. Унинг ишида энг янги замонавий технологиялар қўлланди. Станция “Ўздунробита” телекоммуникация алоқасини ривожлантириш дастурига мувофиқ қурилди ва барча туман аҳоли пунктларини бир-бири билан боғлади.

2000 ЙИЛ

12 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

15 январь. Сифат бўйича Халқаро конференция Қўқондаги енгил сааноат корхонаси — “Дилором” акциядорлик жамиятини маҳсулотнинг юксак сифати учун соврин — Халқаро платина юлдузи билан мукофотлаганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинди.

21 январь. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида аккредитация қилинган Американинг 24 компания ваколатхоналари бошлиқларининг Республика Давлат мулкни бошқариш қўмитаси раҳбарлари билан учрашуви бўлди. Учрашувда мамлакатимизда ўтказилаётган хусусийлаштиришнинг бориши, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишда ўзаро ҳамкорлик тўғрисида АҚШ тадбиркорлари билан фикрлашиб олинди.

22 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Нақд пул эмиссиясининг даражаси ва 2000 йилги касса режасининг параметрлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

28 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида “Кейс-Нью Холланд” корпорацияси директорлари кенгашининг раиси Жан Пьер Россо раҳбарлигидаги корпорация делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Сухбат давомида икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, ҳамкорлик самарадорлигини ошириш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Январь. Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорлари палатасининг делегацияси Германия техникавий ҳамкорлик жамиятининг “Ўзбекистонда экспортни ривожлантиришга қўмаклашиш” лойиҳаси доирасида Германияга ташриф буюрди. Делегация аъзолари Федерал иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Штутгарт савдо-сааноат палатаси, Эшборндаги немис иқтисодиётини рационализация қилиш ва инновация маркази, Гессендаги иқтисодий ривожланиш жамияти ҳамда бошқа бир қанча вазирлик ва идораларнинг вакиллари билан учрашдилар.

Январь. Урганчдаги “Даритал” ўзбек-итальян қўшма корхонасининг пойабзалчилари ўз маҳсулотининг дастлабки туркумини экспортга жўнатдилар.

Январь. Навоий вилояти Навбахор туманининг Анорбоқи, Қизилтой қишлоқлари, “Истиқлол” хўжалиги хонадонларига табиий газ келди.

Январь. Асака шаҳрида шоколад фабрикаси ишга тушди ва маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

Январь. Хоразм вилояти Хонка туманида ишга туширилган ўзбек-итальян қўшма корхонаси маҳаллий хом ашёдан мева-сабзавот шарбатлари ишлаб чиқара бошлади.

Январь. “ЎзДЭУавто” компанияси ISO 9001 сертификатини олди ва МДХ мамлакатларидаги енгил автомашина ишлаб чиқарувчилар орасида Халқаро сифат тизимидан фойдаланувчи биринчи корхона бўлиб қолди.

9 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Америка “Ньюмонт майнинг” компанияси директорлари кенгашининг раиси ва бош ижрочи директори Рональд Кэмбри бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Сухбат давомида ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида фикрлашиб олинди.

9 февраль. Тошкентда Германия машинасозлик корхоналари иттифоқи /VDMA/нинг Марказий Осиёдаги бюроси расмий очилиш маросими бўлди.

10 февраль. Италиянинг Бергамо шаҳрида юқори сифатли эркаклар пойабзали ишлаб чиқарувчи “Даритал” ўзбек-итальян қўшма корхонасининг савдо уйи очилди.

Февраль. Тошкентда “Ўзбекистон Республикаси ва Австриянинг инновация тизимлари: ўзаро ҳамкорлик имкониятлари” мавзудидаги илмий семинар бўлиб ўтди.

Февраль. Германия машинасозлик корхоналари уюшмаси бошқарувининг раиси Райнхольд Фестче бошчилигидаги уюшма делегацияси мамлакатимизда меҳмон бўлди. Уч кун давом этган шу ташриф доирасида иккала мамлакат ишбилармонлари доиралари вакилларининг симпозиуми, давра суҳбати ўтказилди ҳамда немис корхоналари ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма ташкил этилди.

20 март. Президент Ислом Каримов Тошкентда барпо этилган янги бинолар ва иншоотлар билан танишди. Даставвал мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузуридаги Банклараро молия хизмати маркази биносини кўздан кечирди. Замонавий меъморий услубда қурилган мазкур бинода жаҳон банк тизими талаблари даражасида мижозлар билан ишлаш учун барча шароит яратилган. Яна бир байрам иншооти — нометалл қувурлар ишлаб чиқарувчи “Хобас—ТАПО” ўзбек-швейцар-герман қўшма корхонаси бўлиб, у Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида барпо этилган. Президент Ислом Каримов ушбу қўшма корхона очилишига бағишланган тантанали маросимда қатнашиб, технология жараёни билан танишди. Автоматлаштирилган машина-ускуналарнинг қуввати ва ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш имкониятлари билан қизиқди.

Мамлакатимиз раҳбари Шайхонтоҳур туманида очилган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети ҳузуридаги академик лицейини ҳам бориб кўриб, ўқувчилар билан суҳбатлашди.

Шунингдек, Президент Ислом Каримов Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг янги биносини кўздан кечирди.

23 март. Тошкентда шаҳарлар ва вилоятлараро йўловчи автобус маршрутларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун шофёрларнинг республикада биринчи тендери бўлиб ўтди.

27 март. Тошкентда “XXI аср маррасила иқтисодиётни барқарор ривожлантириш” мавзуида Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ўзбек касбдошлари билан учрашиш учун Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академиясининг олимлари, Британия хизматининг етакчи маслаҳатчи экспертлари келдилар.

28 март. Тошкентда “Ўзбекистонда қилинган—2000” учинчи ҳар йилги кўргазма очилди, унда республиканинг барча минтақаларидан турли мулкчилик шаклидаги тўқсондан ортиқ корхона иштирок этди.

31 март. Тошкентда Халқаро бизнес-марказ ишлай бошлади. Унинг очилишига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон ҳуқумати аъзолари, дипломатия корпуси аъзолари, тадбиркорлар иштирок этишди. Ун етти қаватли бинони Туркиянинг “Ай-Сель” компанияси қурувчилари ўзбек шериклари билан биргаликда барпо этишган.

Март. Хоразм вилоятининг жанубидаги олис Сарибой чўлқуварлари шаҳарчасида автомобилларга комплекс техникий хизмат кўрсатувчи станция дастлабки миқозларни қабул қилди. Станция Амударё этакларида Қорақалпоғистон ва Хоразмни мамлакатнинг марказий вилоятлари билан боғловчи энг серқатнов чорраҳада жойлашган.

Март. Хоразмда “Мева” ўзбек-итальян қўшма корхонаси ишга туширилди. Савдо тармоқларига қўшма корxonанинг дастлабки маҳсулоти — ўрик, узум ва помидор шарбатлари жўнатилиди.

Март. Вашингтонда Ўзбекистон ва Жаҳон банки делегациялари ўртасидаги музокаралар мамлакатимизга 29 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз бериш тўғрисидаги Протокол ва лойиҳа шартномасини имзолаш билан якунланди. Бу маблағ республика шаҳар йўловчи транспортини ривожлантириш лойиҳасини амалга оширишга сарфланади.

Март. “Совпластитал” ўзбек-итальян қўшма корхонаси халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдаги савдо маркаси юксак обрўйига эришганлиги учун халқаро савдо “Лидерлар клуби” томонидан юксак мукофот — “Энг яхши савдо маркаси — янги минг йиллик соврини” олтин соврини билан тақдирланди.

Март. Брюсселда 1998 йилда таъсис этилган “Бельгия-Ўзбекистон” бизнес клубининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Ўзбекистоннинг Бельгиядаги Элчиси Ш. Ҳамроқулов бизнес клуб қатнашчиларини республиканинг 1999 йилги макрroiқтисодий тараққиёти яқунлари билан, ҳуқуматнинг иқтисодиёти ва ташқи савдони эркинлаш-

тириш, хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг турли соҳаларида капитал маблағларидан фойдаланишга оид тадбирлари билан таништирди.

1 апрель. Ўзбекистонда икки йилга мўлжалланган “Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитига хотин-қизларни кўниктириш ижтимоий дастури” Халқаро лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Лойиҳа “Хотин-қизлар ва жамият” деб аталган тендер муносабатларини ўрганиш нодавлат институти томонидан Ўзбекистон хотин-қизлари Республика кўмитаси ҳамда Штутгард таълим маркази билан биргаликда ишлаб чиқилган. У Европа Иттифоқининг ТАСИС Дастури томонидан сармоя билан таъминланади.

14 апрель. “Урганч” аэропортининг аэровокзал комплекси тантанали равишда очилди.

13 апрель. ХХР Ташқи савдо ва иқтисодий ҳамкорлик вазирининг ўринбосари, ўзбек-хитой ҳукуматлараро савдо-иқтисодий ҳамкорлик комиссиясининг ҳамраиси Чжан Сянь бошчилигидаги Хитой Халқ Республикаси делегацияси мамлакатимизга келди. Делегация Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжасида бўлиб, Бош вазир Ў. Султонов билан учрашди. Шу куни “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида Хитой Халқ Республикаси томонидан икки томонлама ҳамкорлик дастури лойиҳасини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасига грант беришга оид айирбошлаш хатларини имзолаш маросими бўлди. Хитой халқи ва ҳукуматининг Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига дўстлик туйғулари ифодаси сифатида ажратилган бу грантдан иккала мамлакат ҳукуматлари томонидан келишиб олинган соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришдаги ҳамкорлик лойиҳасини амалга ошириш учун ишлатилади.

19 апрель. Фарғонада “Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари” мавзuida Халқаро илмий-амалий конференция очилди.

19-21 апрель. Ўзбекистондаги Британия Кенгаши Тошкентда тўқимачилик ва тайёр кийим-кечак дизайни бўйича семинар ўтказди, унда Тошкент ва республиканинг турли минтақаларидан келган етакчи мода мутахассисларидан 30 киши қатнашди.

25-27 апрель. Рейнланд-Пфальц Федерал ўлкаси иқтисодиёт, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва виночилик вазирлигининг давлат котиби жаноб Э. Эггерс бошчилигидаги немис ишбилармонлари делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ташриф давомида немис ишбилармонлари республикамызнинг бир қанча вазирлик ва идораларида музокара ўтказдилар, ўзбек тадбиркорлари билан учрашдилар, Андижон ва Фарғонага сафар қилдилар.

28 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Нефть ва газ конларини қидириб топиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

Апрель. Тошкентда "Авиация юк ташиш тармоғини ривожлантириш истиқболлари" мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди.

Апрель. "Наманганёғмой" акциядорлик жамиятида озуқа ёғ қуядиган янги линия ишга туширилди. Янги линия соатига 1600 та бир литрли полиэтилен идишга ёғ қуйиб бера олади.

Апрель. Американинг қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқаришда дунёда пешқадам бўлган АГКО корпорациясига кирувчи "Массей-Фергюсон" заводи етказиб берган MF-8160 маркали ҳайдов тракторлари ва плуглар Қашқадарё вилояти Нишон туманининг далаларида кенг миқёсда ишлаб чиқариш синовидан ўтказила бошлади.

Апрель. Навоий вилоятининг Учқудуқ туманидаги Бўзтов деган жойда мрамар қазиб олина бошлади. Экспертларнинг маълумотига қараганда, бу кондаги қимматбаҳо тош ёрқин гўзал қиёфага эга бўлиб, маъмурий биноларни безаш учун жуда яхшидир.

Апрель. Ўзбекистон ва Россия товар ишлаб чиқарувчилари ҳамда тадбиркорлари палаталари томонидан ташкил этилган "Ўзбексаноатпалатаси" савдо уйи Россияга Ўзбекистон корхоналари товарларининг дастлабки туркумини жўнатди.

Апрель. "Тошкент—АЭРО" ихтисослашган божхона комплекси ходимларининг делегацияси Манчестерга бориб келди. Бу — Ўзбекистон божхона ходимларининг Европа божхона ташкилоти уюштирган TACIS "Тошкент—Манчестер биродарлашган аэропортлари" дастури доирасидаги жавоб ташрифи эди.

Апрель. Кёльнда "АНУГА-2000" жаҳон кўргазмаси доирасида "Мева шарбатлари ҳафталиги" анъанавий Халқаро ярмарка бўлиб ўтди, унинг ишида ўзбек делегацияси иштирок этди. Делегациямиз вакиллари "Мева шарбатлари ишлаб чиқариш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик истиқболлари" мавзуидаги Халқаро конференцияда ҳам қатнашдилар. Конференция доирасида Ўзбекистон иқтисодий имкониятларининг тақдими бўлиб ўтди.

Апрель. Германиянинг Ганновер шаҳрида бўлиб ўтган 5-жаҳон компьютер кўргазмасида Самарқанд "ТС-технология" илмий-ишлаб чиқариш маркази экспертлардан Марказий Осиёда компьютерлар ишлаб чиқарувчи энг истиқболли корхона, деган баҳони олди.

Апрель. Франциянинг Лион шаҳрида Халқаро "Евроэкспо" кўргазмаси бўлиб ўтди. Халқ амалий санъати буюмларининг ана шу кўргазма-ярмаркасида қатнашган 30 мамлакат орасида Самарқанд вилоятидаги "Усто" бирлашмасининг хунармандлари ҳам қатнашиб, ўз маҳсулотларини сотувга қўйдилар.

Апрель. Андижон вилоятида "Асака—АСК" Ўзбекистон—Россия қўшма корхонаси ташкил этилди. Вилоят "Мевасабзавот" бирлашмаси ва Пермдаги "АСК" масъулияти чекланган жамият унинг муассислари бўлдилар. Янги корхона 2150 тонна сабзавот, 400 тонна мевани қайта ишлаб, 1 миллион шартли банкадан кўпроқ сабзавот консерваси, шу жумладан, компот, мураббо ва шарбатлар ишлаб чиқарди.

3 май. Тошкентда “Ипак-2000: Ўзбекистон ипак индустриясининг инвестиция имкониятлари” мавзuidaги Халқаро бизнес-семинар иш бошлади.

4-5 май. Тошкентда “Пахта-2000—Ўзбекистон” Халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

16 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов “Ўзтемирйўлмаштаъмирлаш” ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент тепловоз таъмирлаш заводининг бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

16 май. Тошкентда геодезия, картография, ер кадастри ва олисдан текшириш Давлатлараро кенгашининг XIV сессияси иш бошлади. Сессия ишида МДХга аъзо бўлган ўн икки давлат, шунингдек, бир қанча хорижий давлатлар, шу жумладан, АҚШ, Германия, Швейцария, Швециядан келган мутахассислар иштирок этишди.

16-18 май. Тошкентда “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” Халқаро кўргазмаси ва шу номдаги конференция бўлиб ўтди. Кўргазмада дунёнинг йигирма беш мамлакатидан телекоммуникация, нефть-газ, кончилик, қурилиш ва озиқ-овқат саноати тармоқларида фаолият кўрсатувчи 130 дан ортиқ компания қатнашди.

17 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов “Ўзтемирйўлмаштаъмир” ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўп миллатли жамоасини — ишчилар, муҳандис-техник ходимлар ва хизматчиларни, шонли юбилей — Тошкент тепловоз таъмирлаш заводининг 100 йиллиги билан самимий табриклади.

17 май. Тошкентда “Хизмат бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш ҳамда транспорт ва алоқа соҳасидаги лицензиялаш” мавзuida Республика илмий-амалий конференцияси ўз ишини тугаллади.

18-19 май. Тошкентда инсон манфаатлари йўлидаги янги технологиялар мавзuida “INFRA-2000” Халқаро илмий конференцияси бўлиб ўтди.

24 май. Тошкентда “Ўзбекистон банк тизимини эркинлаштиришнинг энг муҳим масалалари ва жаҳон тажрибаси” мавзuida Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда иқтисодчи олимлар, республика банк индустриясининг вакиллари ва чет эллик экспертлар, МДХ мамлакатларидан меҳмонлар иштирок этишди.

24 май. Бухоро вилоятининг пиллачилари қабул пунктларига салкам икки минг тонна пилла топшириб, мамлакатимизда биринчи бўлиб шартномавий мажбуриятларини бажардилар.

31 май. Тошкентда “Халқаро логистика маркази” лойиҳаси бўйича инвесторларнинг Халқаро конференцияси бўлиб ўтди, ушбу марказ Марказий Осиёда яққо ягона ҳисобланади. Хорижда ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар транспортга ортिलाдиган ва тушириб олинадиган. Марказни Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида қуриш мўлжалланмоқда. Конференция ишида мамлакатимиз ва чет элларнинг 150 дан кўпроқ компания вакиллари қатнашди.

Май. Навоийда халқаро метрология Конвенциясининг 125 йиллигига бағишлаб “XXI аср маррасида метрология таъминоти” мавзуида семинар бўлиб ўтди. Саноатчилар, юристлар, кичик ва хусусий бизнес намояндalари, метрология экспертлари метрология тизимини янада ривожлантириш муаммоларини муҳокама қилдилар.

Май. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиация компаниясида мазкур компания билан Исроилнинг “EIAI” авиация компанияси ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик соҳасидаги бир қанча муҳим битимлар, шу жумладан, ҳамжиҳатлик тўғрисидаги Меморандум, “EIAI” рейсларини “Тошкент” аэропортида авиация ёқилғиси билан таъминлаш тўғрисидаги, ерда хизмат кўрсатиш ҳақидаги, самолётларни ижарага олиш тўғрисидаги Битимларни имзолаш маросими бўлди.

Май. Навоийда “Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлашнинг ноанъанавий технологияси — XXI аср кончилик фанининг тараққиёти” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Май. Навоийда иқтисодийёт ва савдо соҳасида Ўзбекистон—Польша ҳамкорлиги масалаларига бағишланган семинар ўтказилди. Унда минтақа ишбилармон доираларининг, маҳаллий ҳокимият идораларининг, давлат ва хусусий корхоналарининг вакиллари қатнашдилар.

Май. Вашингтонда Америка—Ўзбекистон савдо палатасининг тўртинчи ҳар йилги конференцияси бўлиб ўтди. Унинг ишида Америка бизнесининг 140 дан кўпроқ намояндalари, уларнинг ўзбекистонлик шериклари, шунингдек, таркибида бир қанча вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари бўлган мамлакатимиз делегацияси иштирок этди.

Конференция доирасида олти секциянинг мажлислари ўтказилди. Мажлисларда нефть-газ саноати, телекоммуникация, транспорт ва кичик бизнес, кончилик саноати, агробизнес ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, нотижорат сектори, хорижий инвестициялар учун ҳуқуқий тартиб каби соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Май. Канада парламенти Халқаро ишлар ва ташқи савдо доимий қўмитасининг делегацияси мамлакатимизга ташриф буюрди. Жамоалар палатасининг аъзоси Диан Морло хоним бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини бориб кўрди.

Олий Мажлис раисининг ўринбосари Ф. Муҳиддинова билан учрашиб, Ўзбекистон билан Канада ўртасида парламентлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Май. Германиядаги Кредитенштальдт фюр Видерауфбау (КФВ) банки бошқарувининг аъзоси Питер Клаус бошчилигидаги шу банкнинг делегацияси мамлакатимизга уч кунлик ташриф буюрди. Унинг асосий мақсади Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг бориши, қўшма лойиҳаларнинг қандай амалга оширилаётганлиги ва бундан буёнги ҳамкорликнинг истиқболлари билан танишишдан иборат. Ташриф доирасида республика-

миз ҳукуматининг вакиллари, вазирлик ва идоралари раҳбарлари билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Май. Москвада ахборот техникаси ва компьютер технологиясининг Comtek-2000 XI Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди, унда яқин ва олис хорижнинг ўн беш мамлакатидан 225 компания қатнашди, улар орасида Самарқанддаги “ТС-Технология” илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳам бор.

Май. Фарғона вилоятининг Бувайда туманида очилган “Гилам” жамоа корхонаси ўзининг дастлабки маҳсулоти — бахмал ишлаб чиқарди.

Май. Брюсселда Бельгия ҳукумати ҳомийлигида ўтказиладиган обрўли анжуманлардан бири — “Евромаркет Форум-2000”нинг бизнесдаги ютуқлари учун совринлар топшириш маросими бўлди. Ўзбекистоннинг ноёб қурилиш материаллари — пенобетон ишлаб чиқаришни ўзлаштирган “Хориж-қурилиш” компанияси биринчи марта қурилиш соҳасидаги ушбу соврин билан тақдирланди.

Май. Мамлакатимизга Германиядаги Комерцбанк бошқарувининг аъзоси Андреасде Мезьер бошчилигидаги мазкур банк делегацияси расмий ташриф буюрди. Немис банкларини республика бир қанча вазирликлари ва идоралари, тижорат банкларининг раҳбарлари билан учрашдилар. Ушбу учрашувларда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни янада жадаллаштириш истиқболлари, мамлакатимиз банк тизимини ривожлантиришга қўмаклашиш масалалари муҳокама қилинди.

Май. Дрезденда “FAN-2000” Халқаро кўргазмаси бўлди. Саксониядаги энг катта “Мессе Дрезден” кўргазма павильонининг залларида табиий тошларнинг энг ноёб намуналари, шунингдек, сангтарошлик соҳасидаги энг сўнгги ютуқлар намойиш этилди. Кўргазма ишида биринчи марта Самарқанд тадбиркорлари уюшмасидан вакил бўлиб келган бизнесменлар иштирок этиб, “Афросиёб мрамари”, “Афросиёб гранити” корхоналарининг, “Лада мрамар” қўшма корхонасининг маҳсулотларини намойиш қилдилар.

Май. Жаҳон банки мамлакатимиздаги шаҳар транспортини ривожлантириш лойиҳасини пул билан таъминлашга сарфланадиган шу йилги биринчи қарз берилишини маъқулади. Лойиҳанинг умумий қиймати 31,45 миллион АҚШ доллари қийматида баҳоланди.

Май. “Лемкен ГМБХ К” компаниясининг бош директори Франц-Георг фон Буссе бошчилигида немис ишбилармонлари делегацияси Қорақалпоғистонга ташриф буюрди. Немис бизнесменлари Қорақалпоғистон ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш йўлларини муҳокама қилдилар.

Май. Бухородаги “Шохруд” акциядорлик жамияти чўл ўсимликларининг 33 тури экстрактларидан тайёрлаган “Шифобахш” бальзами Ялта Халқаро кўргазмасида Олтин медалга сазовор бўлди.

Май. Германиянинг Трир шаҳрида “Европа Халле-2000” анъанавий Халқаро ташқи иқтисодий анжуманида Ўзбекистон Республикаси имкониятлари билан таништирилди.

Май. Тошкентда “Ўзтемирйўлмашгаъмир” ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент тепловоз таъмирлаш заводи 100 йиллигига бағишланган юбилей тантаналари бўлиб ўтди. Пойтахтдаги Темирйўлчилар саройида завод юбилейи шарафига тантанали йиғилиш ўтказилди.

1 июнь. Германиянинг Ганновер шаҳрида ЕХРО-2000 Жаҳон кўргазмаси очилди. Унда 170 дан зиёд давлат ва халқаро ташкилотлар иштирок этди. Ўзбекистон бундай жаҳоншумул тадбирда биринчи бор иштирок этди. Бир ярим минг квадрат метр майдонни эгаллаган мамлакатимиз кўргазма павильонида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё тарихидаги роли ва ўрни намоёни этилди.

2-7 июнь. Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг Грециядаги Бош консулхонаси ва Грециянинг экспортни ривожлантириш ташкилоти (Ю.П.Е.) ташаббуси билан уюштирилган “Хорижий инвестицияларни қандай жалб этиш керак” мавзуида семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистонда кичик ва ўрта тадбиркорлик вакиллари — банк ходимлари, фирма директорлари беш кун мобайнида инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни экспорт қилиш соҳасидаги малакаларини оширдилар. Семинар сўнггида Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан 18 тадбиркор ва банк ходими Греция компания ва фирмаларида икки ҳафталик амалий машғулотларда қатнашиш учун Афинага жўнаб кетдилар.

6 июнь. Тошкентда “Орол денгизи ҳавзасидаги сув захираларини бошқариш муаммолари мавзуига бағишланган Халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияда АҚШ, Марказий Осиё Республикалари мутахассислари, халқаро ташкилот ва фондларнинг вакиллари қатнашдилар.

9 июнь. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиация компанияси орўли халқаро мукофот — “Евромаркет-2000” совринига сазовор бўлганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинди.

Бу соврин компания раҳбари Арслон Рўзметовга Брюсселдаги анжуманда топширилди.

13 июнь. “Хилтон” меҳмонхонасида (Брюссель, Бельгия) “Euro Market Forum” нинг тантанали тақдимотида Ўзбекистон—Америка COSCOM уяли алоқа қўшма корхонасининг бош директори Алексей Борисович Степановга Европа Иттифоқининг “Euro Market Award-2000” соврини топширилди. Тақдимотда айтилганидек, компания бизнесдаги катта муваффақиятлари ҳамда алоҳида янгилиги билан ажралиб турувчи фаолияти ва тадбиркорликдаги ташаббускорлиги учун ушбу мукофотга сазовор бўлди.

COSCOM — халқаро автоматик роуминг тақдим этадиган Ўзбекистондаги уяли алоқа компанияси бўлиб, абонентга РОССИЯнинг 130 дан ортиқ шаҳари, шунингдек, ГЕРМАНИЯ, ШВЕЙЦАРИЯ, АВСТРИЯ, БУЮК БРИТАНИЯ, ФИНЛЯНДИЯ, ЧЕХИЯ, СЛОВАКИЯ, ЛЮКСЕМБУРГ, ЭСТОНИЯ, ЛАТВИЯ, ҚОЗОҒИСТОН, БЕЛЬГИЯ, ГРЕЦИЯ, ОЗАРБАЙЖОН, ФРАНЦИЯ, ПОЛЬША, УКРАИНА, ГОНКОНГДА уяли алоқадан фойдаланиш имконини беради.

Компаниянинг тармоғи Буюк Ипак йўли бўйлаб ўтадиган худудни, шунингдек, республикамизнинг асосий саноат ва сайёҳлик марказлари: ТОШКЕНТ, САМАРҚАНД, БУХОРО, ФАРФОНА, НАВОИЙ, ЗАРАФШОН, ГУЛИСТОН, ЖИЗЗАХ, ЧИРЧИҚ, ЯНГИЙЎЛ шаҳарларини ҳамда уларнинг атрофидаги маконларни қамраб олади.

20 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг республикада биринчи бўлиб дон сотиш шартномавий мажбуриятларини муваффақиятли бажариб, давлатга 40 минг тоннадан зиёд дон топширган Хоразм вилояти ғаллакорларига табрикномаси эълон қилинди.

20 июнь. “Maxsys Technika Servis” очиқ турдаги масъулияти чекланган фирма дастурий таъминот соҳасидаги ишлари учун нуфузли халқаро мукофот — “Евромаркет-2000” соврини билан тақдирланганлиги ҳақидаги хабар эълон қилинди.

24 июнь. “Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш дастури”ни амалга оширилганлиги учун Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига Осиё ва Тинч океан минтақасининг Куала-Лумпур (Малайзия) да бўлиб ўтган ҳар йилги банк конгрессида халқаро молия ҳамжамиятининг юксак мукофоти топширилганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинди. Банк мамлакат хусусий секторини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун “Молиявий ривожланишнинг энг яхши дастури” номинациясида ғолиб деб топилди.

30 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жанубий Кореядаги “ДЭУ мотор” компанияси президенти Ким Шин Жонгни қабул қилди. Учрашув чоғида томонлар ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати тўғрисида, яқин келажақда биргаликда амалга ошириладиган ишлар ҳақида фикрлашиб олдилар.

30 июнь. Чирчиқ машинасозлари турли касалликларни даволашга мўлжалланган барокамеранинг дастлабки саноат намунасини ясаганликлари тўғрисида эълон қилинди. Бирданига саккиз беморни юқори босимли кислород билан даволайдиган қурилма “Ўзбекимёмаш” акциядорлик жамияти, “РОТОК Energy” масъулияти чекланган жамияти ва академик В.Воҳидов номидаги жарроҳлик илмий марказининг бир гуруҳ мутахассислари томонидан яратилган ва Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника қўмитасининг патент давлат идорасида патентланган.

Июнь. Тошкентда Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорлари палатасида Бангладеш Республикаси Чой палатасининг делегацияси билан учрашув бўлди. Делегация таркибида шу мамлакат йирик чой заводларининг эгалари, етакчи чой ишлаб чиқарувчилар, Бангладеш Чой ишлаб чиқарувчилари уюшмасининг вакиллари бор. Учрашувда Бангладеш ва Ўзбекистон тадбиркорлари ўртасида ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва алоқаларни кенгайтириш, маҳсулот экспорт ва импорт қилишда уларга қўмаклашиш масалалари муҳокама қилинди, шу соҳаларда аниқ тадбирлар белгиланди. Бангладеш делегацияси, шу жумладан, Самарқандга бориб, бир қанча муҳим учрашув ва музокаралар ўтказди.

“Ўзозиковқатсаноат”, “Ўзбексавдо” уюшмалари ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида музокаралар бўлиб ўтди.

Июнь. Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги “Нафосат” хусусий фирмасида машҳур “Хидирша” гиламларини қўлда тўқиш қайтадан бошланди.

Июнь. “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмасида формалин ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Илгари у Россиядан келтирилар эди.

Июнь. Словакиядаги ИЕК компаниясининг президенти Драгона Метод бошчилигидаги машҳур фармацевтика компаниясининг делегацияси Ўзбекистонга келди. Фармацевт саноатчилар Соғлиқни сақлаш вазирлигида ва Ўзфармсаноат бирлашмасида ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари ва қўшма корхона барпо этиш имкониятлари тўғрисида музокаралар ўтказишди.

Июнь. Навоий вилоятининг Хатирчи туманида жойлашган “Лангар” конида гранит ва мрамар қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш йўлга қўйилди.

Июнь. Европада машҳур бўлган ва автомобиль таъмирлаш техникаси ишлаб чиқариладиган “Вертген” немис фирмаси ходимларидан иборат мўътабар делегация Жиззах вилоятига келди. Делегация бошлиғи Вертген хоним ташрифдан хотира сифатида Жиззах йўлчиларига замонавий тош майдалаш агрегатини олти ой муддатга ижарага берди.

Июнь. Россиядаги Орехово-Зуево шаҳри мэрининг таклифига биноан бухоролик ишбилармонлар, корхона раҳбарлари ҳамда фермерларнинг бир гуруҳи шу шаҳарда бўлди. Учрашув ва суҳбатларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустақамлаш ва Орехово-Зуевода Бухоро савдо уйини очиш ҳақида келишиб олинди. Бу ерда Бухоро корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилади.

Июнь. Тошкентда “Нусха кўчириш дунёси” компаниялар гуруҳининг ваколатхонаси очилди. Бу гуруҳ Япониянинг жаҳонга машҳур бўлган CANON фирмаси номидан иш кўради.

Июнь. Британия музейида “Ўрта Осиё тўқимачилиги” номли семинар бўлди. Унинг ишида тўқимачилик соҳасидаги дизайн ва маркетинг билан шуғулланувчи 150 нафардан кўпроқ британиялик мутахассис қатнашди.

Семинарда Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларидан келтирилган анъанавий тўқимачилик маҳсулотлари — сўзана, атлас, тўн ва дўппилар намойиш этилди.

Июнь. “Автоойна” акциядорлик жамиятининг корхонаси негизида йилига 200 юз минг комплект автомобиль ойнаси ишлаб чиқариш учун керакли технологияни топшириш ҳақида “Ўзавтосаноат” уюшмаси билан Италиянинг “Текинт” компанияси ўртасида Шартнома имзоланди.

Июнь. Наманган вилояти Косонсой туманининг Гўрмирон қишлоғида “Телеком-тек” янги телефон станцияси ишга туширилди. У Хитойдаги “Хуавэй” компаниясининг ETS-450 радиоступ курилмаси билан жиҳозланган.

Июнь. Парижда ҳар йилги 23 “Жаҳон олтини” конференцияси очилди, унда 35 мамлакатдан 3 мингдан зиёд олтин ишлаб чиқарувчилар, тақсим-

ловчилар, сақловчилар, улгуржи ва чакана сотувчилар, заргарлар, саноатда фойдаланувчилар қатнашдилар. Конференция ишида мамлакатимиз вакиллари ҳам иштирок этишди. Бу йил биринчи марта мамлакатимиздан миллий банк вакили “Ўзбекистон ва олтин” мавзуида маъруза қилиб, минтақада олтин қазиб олиш соҳасидаги бой тарихий анъаналари ва олтиндан фойдаланиш соҳалари, асл металл захиралари, республика олтин қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш тармоқларининг ҳозирги даражаси, миқёслари ва истиқболлари ҳақида гапириб берди.

Июнь. “Пахтаобод” шахри автобекати ҳузурда “Дамас”, “Тико” ва бошқа маркалардаги енгил автомашина эгаларининг кўнгилли бирлашмаси ишлаб бoшлади. Улар туман ичидаги аҳоли пунктларида ва Андижон вилояти шаҳарлари ўртасида йўловчилар ташиш билан шуғулланадилар.

4-7 июль. Тошкентда кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулот, мини-технологиялар ва мини-асбоб-ускуналар сотиладиган ярмарка-кўргазмаси бўлиб ўтди.

7 июль. Мамлакатимизда шифобахш ўсимлик — стейдан чой ишлаб чиқариш бошланганлиги ҳақидаги хабар эълон қилинди. Бу Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган “Бек” агросаноат илмий-ишлаб чиқариш компанияси мутахассислари томонидан амалга оширилди.

18 июль. Навоий машинасозлик заводига чех ишбилармонлари делегацияси келди. Делегация аъзолари бу ерда ноёб фрезер станоклари ишлаб чиқарилиши билан қизиқиб танишдилар.

Июль. Наманганда барпо этилган Ўзбекистон-Россия “Намточ” корхонаси илгари чет эллардан келтирилган газ ва сув ўлчагичларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Июль. Нукус шаҳридаги “Карат” акциядорлик жамияти Халқаро платина сифат юлдузининг соҳибси — “Қорақалпоқбойн” акциядорлик жамиятининг хом ашёсидан тайёрланган тез эрийдиган қизилмия илдици экстрактининг биринчи туркумини савдо тармоғига чиқарди.

Июль. Намангандаги “Электрқурилишдеталь” корхона жамоаси гулдор ойналар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Июль. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида иқтисодий савдо самарали ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган нодир металл — осмий ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Июль. Виночиларнинг “Ялта — Олтин грифон-2000” XVIII Халқаро танлови бўлиб ўтди. Бу ерда МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларидан, Болгария, Аргентина, Германия, Исроил, Уругвай, Франция, Швейцария виночилари келдилар. Мазкур обрўли ва машҳур Халқаро танловга етмишдан ортиқ корхона ва фирма ўз вино коньяк ва шампан виноларини тақдим этди.

“Тошкентвино” ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз виноларининг икки намунаси учун иккита кумуш медаль олди. “Шоҳрух” вино-ароқ заводи ҳам иккита медалга сазовор бўлди. “Сурхондарё” Сурхондарё акциядорлик жами-

яти эса кумуш ва бронза медаллари билан, “Хўжаобод Шароб” корхонаси кумуш медаль билан тақдирланди. “Меҳнат” кичик корхонаси виноларининг икки тури ҳам иккита кумуш медаль олди. Янгийўл вино заводи эса ўз коньяклари учун олтин ва кумуш медаллар билан мукофотланди. “Конвин” қўшма корхонаси муносиб равишда кумуш медалга сазовор бўлди.

Июль. Япониянинг Осака шаҳрида XXIV Халқаро кўргазма ўз ишини якунлади. Бу ерда дунёнинг 58 мамлакатидан келган йирик компаниялар экспозициялари билан бир қаторда Ўзбекистон экспозицияси ҳам намоёйиш этилди. Мамлакатимиз кўргазмасига халқ амалий санъати намуналари, китоблар, ўзбек диёрида етиштирилган ноз-неъматлардан тайёрланган маҳсулотлар қўйилган эди.

Риштон, Гиждувон, Хоразм кулоллари ҳамда тўқимачиларининг маҳсулотлари кўргазмага келган кўпдан-кўп томошабинларнинг диққатини тортди.

3 август. Навоий шахрининг энг йирик кимё корхонаси — “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳсулотнинг яна бир тури ўзлаштирилди. Бу ерда суюқ метанол ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилди. Бу модда нирон, формалин ишлаб чиқаришда, шунингдек, мебел ясашда ҳамда газ саноатида қўлланилади.

Энди суюқ метанолни четдан келтириш учун кўп маблағ сарфлашга эҳтиёж қолмади. Янги цех йилиги 35 минг тонна метанол ишлаб чиқаради, бу республика эҳтиёжини тўла-тўқис қондиради.

7 август. Пекинда биринчи Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси — “Ўзбек ярмаркаси” очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Ўзбек делегациясининг раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаментининг бошлиғи А. Муҳитов тантанали йиғилиш қатнашчилари ҳузурда сўзга чиқиб, қўшма корхона барпо этишдан асосий мақсад Буюк Ипак йўлини тиклашдан иборат эканлигини, бу йўл неча асрлар давомида турли халқлар ва давлатлар ўртасидаги савдо-сотик ҳамда маданий алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашиб келганлигини алоҳида таъкидлади.

10 август. Жиззах вилояти деҳқонлари Республикада биринчи бўлиб қишга ем-хашак ғамлашни муваффақиятли тугаллаганликлари тўғрисидаги хабар босилиб чиқди. Ҳаммаси бўлиб 120 минг тонна хашак, шу жумладан, 12 минг тонна беда тайёрланди.

11 август. Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг “Иточу корпорейшн” компанияси бошқаруви раиси Минору Муруфушини қабул қилди.

Сўхбат чоғида “Иточу корпорейшн” билан ҳамкорлик миқёсларини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Жумладан, келажақда амалга ошириш белгиланган янги қўшма лойиҳалар хусусида бафуржа фикрлашиб олинди.

12 август. Ўзбекистон Республикаси билан ОПЕК мамлакатлари фонди ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида Битим имзоланганлиги тўғрисидаги хабар босилиб чиқди. Мазкур Битим маориф, соғлиқни сақлаш, ирригация ва мелиорация соҳасидаги давлат дастурлари бўйича, шунингдек, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳамда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш лойиҳалари бўйича ОПЕК мамлакатлари фондининг маблағи ҳисобидан лойиҳаларни пул билан таъминлаш борасидаги ҳамкорлик бошланганлигидан дарак беради. Битимни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Молия вазири Р. Азимов билан ОПЕК мамлакатлари фонди бошқарувчилари кенгашининг раиси доктор Солиҳ ал-Омайр имзоладилар.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга 5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi линиясини очиш тўғрисида Ўзбекистон Миллий банки билан ОПЕК фонди ўртасидаги Битимни имзолаш маросими бўлди.

22 август. Тошкентда Ўзбекистон-Корея иқтисодий ҳамкорлик ва савдо қўмитаси билан Корея-Ўзбекистон савдо қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Август. Ўзбекистон Мустақиллиги байрами арафасида “Қўқон-кимё” акциядорлик жамиятида янги маҳсулот — аккумуляторлар учун электродитлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Халқ хўжалигининг кўпгина тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўлган бу маҳсулот шу пайтга қадар четдан келтирилар эди. Энди Қўқон кимёгарлари Фарғона водийси аҳолиси ва халқ хўжалиги учун ҳар ойда мунтазам равишда салкам 15 тонна аккумулятор электродитларини юборадиган бўлди.

Август. Бухоро вилояти Қоровулбозор туманида иморатбоп ғишт ишлаб чиқарадиган завод ишга туширилди.

Август. Нукус тилларни ўрганиш маркази — “Прогресс”да аҳолига микрокредитлар ажратишга бағишланган Халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда БМТ ва бошқа хорижий нодавлат ташкилотлари ҳамда фондлари томонидан Оролбўйи ҳудудида яшовчи аҳолига бериладиган имтиёзли микрокредитлар кам таъминланган оилаларнинг иқтисодий аҳолини яхшилаш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун амалий ёрдам эканлиги таъкидланди.

Август. Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги “Умид” фермер хўжалигида “Барака” лизинг компанияси билан Исроилнинг “Мараф” фирмаси кўмагида барпо этилган кичик сут заводи истеъмолчиларга дастлабки маҳсулотни етказиб бера бошлади.

Август. Германиянинг йирик саноат шаҳарларидан бири — Кёльнда енгил саноат маҳсулотларининг Халқаро кўرғазмаси бўлиб ўтди. “Интержинс” (“Эркақлар модаси ҳафталиги”) деб аталган бу кўрғазмада трикотаж ва кийим-кечак ишлаб чиқарувчи жаҳоннинг етакчи фирма ҳамда компанияларидан вакиллар иштирок этди. Ушбу мўътабар Халқаро анжуманда МДХ мамлакатларидан биринчи марта Ўзбекистон делегацияси ҳам қат-

нашди. Делегация таркибида республикамизнинг “Агама” (Тошкент), “Бизинтруд” ва “Феруз” (Урганч), “Каштекс” ва “Санам” (Қарши), “Садо” (Шаҳрисабз) ва “Елтекс” (Қорақалпоғистон) каби таниқли фирма вакиллари бор эди. Қўрғазма доирасида ўтказилган конференцияда Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик ва энгил саноат маҳсулотини экспорт қилишни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Август. Осие Тараққиёт банки (ОТБ) Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга оид янги лойиҳани амалга ошира бошлади. Мазкур банк республиканинг кичик ва ўрта корхоналари эҳтиёжлари учун 50 миллион АҚШ доллари миқдорига кредит ажратишни мўлжалламоқда.

Август. Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида барпо этилган Ўзбекистон-Америка “Қорақўлтекс” қўшма корхонаси истеъмолчилар учун маҳсулот етказиб беришга киришди. Бу корхона йилига 3800 тонна калава ип ишлаб чиқаради.

1 сентябрь. Шу вақтга қадар Ўзбекистонда 400 га яқин Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси рўйхатга олинди.

1 сентябрь. Шу вақтга қадар Ўзбекистонда Ҳиндистон компаниялари иштирокида ташкил этилган дори-дармон ишлаб чиқарувчи тўртта қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

1 сентябрь. Ўзбек мутахассислари Япониянинг “Иточу корпорейшн” компанияси маслаҳатчи-монтажчиси Татсуя Кавано билан биргаликда телевидениенинг биринчи миллий дастури учун Тошкент радио-телевизион узатиш маркази (телеминора)да янги қудратли узатиш ускунасини ўрнатиш ишини тугаллаб, уни ишга туширдилар.

1 сентябрь. Германиянинг Ганновер шаҳридаги Жаҳон кўрғазмасида Ўзбекистон Куни ўтказилди. Унда мамлакатимиздан нуфузли делегация иштирок этди. Шу куни Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг намуналари, халқ усталари ясаган буюмлар кўрсатилди, ўзбек халқининг тарихи ва бой маданий мероси ҳақидаги видео материаллар, фильмлар намойиш этилди, таниқли ўзбек артистлари, хонанда ва созандалари ўз санъатларини намойиш этишди.

14-16 сентябрь. Тошкентда “Саноатни автоматлаштириш учун интеллектуал тизимлар” мавзuida Халқаро илмий-назарий ва амалий конференция бўлди. Конференцияда кўпгина мамлакатларнинг олимлари янги ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни саноат ишлаб чиқаришини бошқариш тизимларига жорий этиш соҳасида орттирилган тажрибани умумлаштирдилар ва уларни янада ривожлантириш йўллари белгиладилар.

15 сентябрь. Шу пайтга қадар Ўзбекистонда иккита Ўзбекистон-Япония қўшма корхонаси — ип ишлаб чиқарадиган “Silk Road” (“Ипак йўли”) ва “Тойота” автосервис маркази ишлаб турибди.

16 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш давлат буюртмасини бажарган Асака ва Олтинқўл туманлари пахтакорларига табрик эълон қилинди.

18 сентябрь. Тошкентда “Нефть ва газ конларини тахмин қилишнинг геодинамик асослари” мавзуида Республика илмий-техникавий конференцияси иш бошлади.

Конференцияда иқтисодиётнинг нефть ва газ тармоғига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг энг муҳим масалалари, бу соҳадаги лойиҳалар ва Ўзбекистонда нефть қидириш ишларининг истиқболли йўналишлари кўриб чиқилди.

20 сентябрь. Оқсарой қароргоҳида эгнергетикадаги генератор қувватларини ошириш истиқболларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирликлар, муассасалар, қўмиталар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, мутахассислар иштирок этишди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов бошқарди.

Мажлисда энергия ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ва қайта қуриш истиқболлари тўғрисидаги лойиҳа батафсил муҳокама қилинди ва тегишли қарорлар қабул этилди.

21 сентябрь. Хитой Халқ Республикаси Ахборот индустрияси вазирининг ўринбосари Чжан Чуньцзян бошчилигидаги ХХР делегацияси мамлакатимизга келди.

1999 йил сентябрида Ўзбекистон ва Хитой ҳукуматлари ўртасида электрон ва почта алоқасини ривожлантириш тўғрисида Битим имзоланган эди. Хитой делегациясининг ташрифи мазкур Битим доирасида бўлди.

Ташрифнинг биринчи куни меҳмонлар Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида бўлдилар. Музокаралар чоғида Транс-Осиё-Европа толали-оптик алоқа линиясини иш билан таъминлаш, почта алоқаси соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, Хитой компаниялари билан муносабатларни мустаҳкамлашга алоқадор масалалар кўриб чиқилди.

Шу куни Хитой делегацияси “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси вакиллари билан музокара ўтказдилар.

22 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Хитой Халқ Республикаси Алоқа индустрияси вазирининг ўринбосари Чжан Чуньцзян бошчилигидаги делегация билан музокаралар ўтказилди.

Музокаралар чоғида Хитой компаниялари билан Ўзбекистон ишбилармонларининг ҳамкорлигини янада ривожлантириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш хусусида фикрлашиб олинди.

Хитой делегациясининг вакиллари Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитасига ҳам бориб, мамлакатимизда янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга доир амалий ишлар билан танишдилар.

22 сентябрь. Ўзбекистон Миллий матбуот Марказида Қорақалпоғистоннинг бир қанча туманларини ичимлик сув билан таъминлаш дастурини молиялаш тўғрисида Битим имзоланди. Бу ҳужжатни АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва Мухтор Элчиси Жозеф Пресел ва Америкадаги

“Жей-Ди-Эй” ноҳукумат ташкилотининг ижрочи директори Роберт Хедлунд имзоладилар.

Шу Битимга биноан АҚШ ҳукумати “Жей-Ди-Эй” ташкилотига 25 минг доллар миқдориди грант ажратади. Бу маблағ Қорақалпоғистон Республикасининг қурғоқчиликдан азият чеккан олис туманларида, жумладан, Мўйноқ тумани овулларида яшовчи кишиларни сув билан таъминлашга сарфланади. Лойиҳага биноан “Жей-Ди-Эй” Қорақалпоғистоннинг бир қаңча туманларида ер ости қудуқларида ичимлик сув чиқариб олиш учун қўл насослари, сув тозалаш ускуналари ўрнатади.

“Жей-Ди-Эй” ташкилоти Ўзбекистонда 1993 йилдан бери ишлаб келмоқда. Шу вақт ичида мазкур ташкилотнинг ташаббуси билан Қорақалпоғистондаги 60 мингга яқин киши ичимлик сув билан таъминланди.

25 сентябрь. Андижон деҳқонлари 305 минг тонна “Оқ олтин” териб олиб, давлатга пахта сотиш йиллик топшириғини муваффақиятли бажардилар. Сентябрь ойидаёқ пахта тайёрлаш топшириғининг бажарилиши Ўзбекистон пахтачилиғи тарихида ноёб воқеадир.

28 сентябрь. “Китобдон” акциядорлик жамиятида ёрма ишлаб чиқарадиган янги цех ишга туширилди. Германиянинг “Негама” фирмаси билан ҳамкорликда очилган бу цех учун 517.350 немис маркаси қийматидаги хорижий асбоб-ускуналар етказиб берилди.

Цехда арпа ва буғдой ёрмаси ишлаб чиқарилиб, шоли ҳам тозаланади. Цех тўла қувват билан ишлай бошлаганидан кейин тайёр маҳсулотнинг бир қисмини экспорт қилиш кўзда тутилмоқда.

Сентябрь. Қўқондаги “Қўқон” ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузурида Исроилнинг “Флороцент” компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган “Хўқанд” қўшма корхонаси спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқаришга киришдилар. Бу ерда ҳар куни 5 мингдан кўпроқ маъданли “Хўқанд” суви махсус идишга жойланади, шунингдек, ичимликларнинг олти тури тайёрланмоқда.

Сентябрь. Ўзбекистон Давлат мулкани бошқариш қўмитасида Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан Ўзбекистон Давлат мулки қўмитаси ҳамда Почта ва телекоммуникациялар агентлиғи ўртасида “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси электр алоқа корхоналарини хусусийлаштиришга тайёрлаш тўғрисида Протоколни имзолаш маросими бўлди. Бу Протокол томонларнинг Ўзбекистон телекоммуникациялари соҳасида хорижий йирик ҳамкорлар иштирокида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш юзасидан белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш соҳасида томонлар қиладиган катта амалий ҳаракатларни аниқ-равшан олға силжитиш йўлидаги биринчи қадам бўлди.

Сентябрь. Орол денгизининг қуриб қолган ўзанида ўрмон барпо этишга оид Ўзбекистон-Германия қўшма лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Биргаликда ишлаб чиқилган лойиҳада тўрт йил мобайнида Орол денгизининг қуриб қолган 80 минг гектар майдонида дарахт кўчатлари экиш белгиланган.

Сентябрь. Кува туманининг Кўшкечик қишлоғида қурилаётган тўқимачилик мажмуасининг биринчи навбати ишга туширилди.

Сентябрь. Саноатни ривожлантириш ташкилоти инвестициялар ва технологияларга кўмаклашувчи Токио бюроси (ООН ИТРО UNIDO Токуо)да Ўзбекистон микроэлектро саноати инвестиция потенциалининг 1997 йилдаёқ бошланган ва унда инжиниринг консалтинг фирмалари уюшмаси (ЕСФА) ҳам қатнашган тадқиқотлари якунлари юзасидан уюштирилган учрашув бўлиб ўтди.

Сентябрь. Бухоро вилоятида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида тузилган “Тадбиркор оила” уюшмасини Америкадаги “Каунтерпарт” консорциуми 1000 доллар миқдоридagi халқаро ташкилот грантини олиш учун танлади.

Сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма бизнес кенгашининг ҳамраиси М. Агравал бошчилигидаги ҳинд тадбиркорлари гуруҳи иштирокида бизнес-семинар ўтказилди.

Сентябрь. Мамлакатимизда Аудиторлар Палатаси фаолият бошлади. Унинг мақсади услубий материаллар тайёрлаш йўли билан аудиторларнинг касб-кор даражасини оширишдан, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан, тренинглар уюштиришдан, малака ошириш таълим марказларини ташкил қилишдан иборат. Яқин истиқболда республиканинг бир қанча вилоятларида палатанинг филиалларини очиш режалаштирилмоқда.

Сентябрь. “Кўқон механика заводи” акциядорлик жамиятида янги маҳсулот — 4 атмосфера босими остида суюқликни 40 метр баландликка кўтариб бера оладиган “ЕМ-125-80” русумли эгилувчан насослар ишлаб чиқарила бошланди.

Сентябрь. Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлари палатаси, Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази Исроилнинг “Машав” маркази билан биргаликда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида “Кичик ва ўрта корхоналар учун бизнес-тренинг усуллари” мавзuida туркум семинарлар ўтказди.

Сентябрь. Ўзбекистон Президенти Ислom Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан жаҳон ҳамжамиятига Орол ва Оролбўйи муаммоларига эътибор бериш ҳақида қилган даъвати кенг акс садо берди. Давлатимиз бошлигининг ташаббусини қўллаб-қувватлаш йўлидаги амалий қадам сифатида Тошкентда Жаҳон метеорология ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология Бош бошқармаси томонидан чақирилган “Орол — гидрология циклини кузатиш тизими” (Орол — СНГЦ) лойиҳаси бўйича минтақавий кенгаш ҳамда сув ресурсларини чамалашга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Кенгашда Ўрта Осиё давлатлари гидрометеорология хизматларининг, Орол денгизи муаммолари бўйича Швейцария миссиясининг, бошқа халқаро ташкилотларнинг етакчи мутахассислари қатнашдилар.

Сентябрь. Ўзбекистон деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан Американинг “Си Эл Эс” фармацевтика фирмаси ўртасида ўт етиштириш

учун уруғлик ва асбоб-ускуналар етказиб бериш ҳақидаги Протокол имзоланди. Бу лойиҳа Тошкент вилояти далаларида амалга оширилади.

Сентябрь. Ўзбекистон Адлия вазирлигида Ўзбекистондаги Россия корхоналарига ахборот ва маркетинг хизмати кўрсатишга доир доимий дастурларни, қонунчилик инвестиция иқлими соҳасидаги маслаҳатларни амалга ошириш, Россия ва Ўзбекистон минтақалари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш билан шуғулланувчи нодавлат, нотижорат ташкилоти сифатида тузилган “Россия амалий маркази” бирлашмаси рўйхатдан ўтказилди.

Сентябрь. Германиядан Қашқадарё вилоятининг Қарши туманига фермер хўжалиги учун мева ва сабзавотни куриштириб, қадоқлаб берадиган қурилма олиб келинди. Қурилмани Германиянинг “Тиссен-Крупп” компанияси вакиллари монтаж қилиб беришди.

Сентябрь. Германияга сафар қилган Қашқадарё енгил саноат корхоналарининг вакиллари амалий тақлифлар мажмуаси билан қайтиб келдилар. Кёльнда ўтказилган “Интержинс” Халқаро ярмаркасида юздан ортиқ мамлакатдан эркаклар кийим-кечагини ишлаб чиқарувчилар қатнашди. Улар орасида Қаршидаги “Санам”, “Картекс” акциядорлик жамиятларининг ва Шаҳрисабздаги “Садо” корхонасининг мутахассислари ўз маҳсулотлари билан қатнашдилар.

Сентябрь. Хоразм вилояти делегациясининг Санкт-Петербургга қилган жавоб ташрифи давомида Хоразм вилояти ҳокимияти билан Санкт-Петербургнинг Фрунзе маъмурий тумани ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди. Битимда экспортга мўлжалланган хашак ўриш ва йиғиш техникаси ишлаб чиқарадиган, лой сўргич механизмларини йиғадиган ва қайта тиклайдиган қўшма корхоналар ҳамда уларни таъмирлайдиган ва хизмат кўрсатадиган сервис маркази, Урганчдаги йирик корхоналарда сув тозалагичлар ва рўзгор электр асбоблари ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар барпо этиш, вилоят марказида “Санкт-Петербург” Савдо уйини ва Россиянинг шимолий марказида “Хоразм” Савдо уйини очиш ва бошқа тадбирлар кўзда тутилган.

Сентябрь. Навоий машинасозлик заводи (НМЗ) кенг миқёсда қўлланадиган ўлчов воситаларини саноат усулида ишлаб чиқаришга киришди.

2 октябрь. Тошкент вилоятининг Қибрай туманида пиво ишлаб чиқарадиган “Остербау” кичик заводини очиш маросими бўлди. Венгриянинг замонавий асбоб-ускуналари билан жиҳозланган бу завод ҳар кеча-кундузда 400 литр пиво ишлаб чиқара бошлади.

4 октябрь. “Ўзкўргазмасавдо” Республика марказида Тошкент ҳокимияти билан “Карвонбозор” улгуржи савдо мажмуаси ташкил этган “Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти” номи биринчи кўргазма-ярмарка очилди.

6 октябрь. Тошкентда тайбейлик ишбилармонлар билан бизнес-учрашув бўлиб ўтди. Тайван оролидаги ўрта ва кичик бизнеснинг 15 та йирик компанияси иқтисодий имкониятлари ўзбекистонликларга намойиш этилди. Бу

мамлакат иқтисодиёти ҳозир дунёда 14-ўринни эгаллаб турибди. Кўрғазмага қўйилган буюмлар орасида пластик плиталар, озиқ-овқат ўрамалари ишлаб чиқариш учун керакли асбоб-ускуналар, қувурлар, зангламайдиған пўлат арматуралар, ваннахоналар учун жиҳозлар, шунингдек, автомобиллар, синтетик газлама, тўқимачилик буюмлари, фурнитура ва шу кабилар бор.

6 октябрь. Фарғона вилояти Кува туманидаги Осиёхум қишлоғида “Куваун” акциядорлик жамиятининг макарон маҳсулотлар ишлаб чиқарадиған цехи ишлай бошлади. Бу цех кунига 9 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқара олади.

10 октябрь. Тошкентда Италиядаги юздан ортиқ фирма ва компаниялар чиқарған маҳсулот намуналари қўйилған Ўзэкспомарказда “Экспо-Италия-2000” кўрғазмаси очилди. Кўрғазма ишлаб турған пайтда давра суҳбати ўтказилиб, итальян ва ўзбек талбиркорлари ўз муаммолари ҳамда режаларини ўртоқлашдилар.

13 октябрь. Украина Президенти Л. Кучма мамлакатимизга хизмат ташрифи билан келди. Ташриф чоғида “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида иккала мамлакат ишбилармонларининг учрашуви бўлади.

Учрашувда Ўзбекистон ва Украинанинги турли вазирликлари, концернлари ва компаниялари ўртасида бевосита алоқа ўрнатиш, ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

15 октябрь. Ҳозирги кунга келиб, мамлакатимиз бозорида туркиялик инвесторлар иштирокида ташкил этилған 375 корхона ишлайпти, улардан 284таси қўшма корхона бўлиб, 91 таси 100 фоиз турк сармояси билан ишлайдиған корхона. Турк инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти Ўзбекистон халқ хўжалигининг тўқимачилик ва кўнчилик саноти, озиқ-овқат, қурилиш материаллари корхоналари ва халқ истеъмолитоварлари савдосида фаолият юритади.

Улар орасида “Самкочавто”, “Папфен”, “Кохие”, “Межик-Пласт”, “Шарқ-Мир Лтд”, “Дилек интерпрайзис” қўшма корхоналари бир неча йиллардан бери мамлакатимиз бозорида ишлаб келмоқда.

18 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Миллий матбуот Марказида сув ресурслари ва атроф-муҳитни бошқариш хусусида Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий фикрини шакллантириш Стратегияси тақдимоти бўлиб ўтди.

Учрашув Ўзбекистон миллий ишчи гуруҳи ва Халқаро ВДРА консалтинг компанияси (Франция) ташаббуси билан ўтказилди.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқилған ва 2002 йилгача ҳамда истиқболда амалга оширишга мўлжалланған мазкур стратегия сув ресурсларини бошқариш, тўғонлар хавфсизлиги, сув омборларини бошқариш, мамлакатлараро сув манбалари мониторинги ва ботқоқларни қайта тиклаш каби энг зарур минтақавий вазифаларни ҳал этишни кўзда тутати.

19 октябрь. Люксембург Транспорт вазирлиги департаментининг директори Чарльз Кляйн бошчилиғидаги Люксембург делегацияси Ўзбекистон пойтахтига келди. Кичиккина ҳудудга эга бўлған Люксембург давлати

билан Ўзбекистон ўртасида авиация қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро Битимни ўзаро келишиб олиш мақсадида иккала мамлакат вакиллари музокара ўтказишди.

19 октябрь. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг А-130 русумли замонавий ҳаво кемаси 9 соатда Япониянинг кўм-кўк ўрмонли Миязаки префектурасидан йўлга чиққан 170 нафар сайёҳни Буюк Илак йўлининг юраги — Бухорога олиб келди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг янги дастури шу тариқа иш бошлади, бу дастурга биноан Миязаки-Бухоро-Самарқанд-Тошкент маршрути бўйлаб бир неча чартер рейсларини бажариш кўзда тутилган.

25 октябрь. Пойтахтдаги “Ўзэкспомарказ”да кенг истеъмол ва озиқ-овқат товарлари, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги ускуналари XI Халқаро кўргазмаси иш бошлади. Германия, Италия, Россия, Қозоғистон, Сингапурдаги 30 дан ортиқ етакчи ишлаб чиқарувчи корхоналар ўз маҳсулотларининг энг яхши намуналарини намойиш қилмоқдалар. Корёя ва Шри Ланка миллий экспозициялари алоҳида стендларда тақдим этилган.

25 октябрь. АҚШдаги “Сомрақ Computer” корпорациясининг Россия, Ўрта Осиё ва Кавказорти мамлакатларидаги ваколатхонаси Тошкентда Республиканинг йирик ва кичик бизнес вакиллари учун конференция ўтказди. Бу корпорация аппарат ва дастурий таъминот техникасини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, жорий қилиш ва сотиш билан шуғулланади.

Корпорацияда энг янги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Ўзбекистонда биринчи бор намойиш этилди. Конференция қатнашчилари “Сомрақ Computer” маҳсулоти ва қарорларининг афзалликлари, қўлланиш соҳалари, шунингдек, унинг функционал имкониятлари, истиқболлари ва ривожланиш йўналишлари билан таништирилди.

26 октябрь. Бухоро вилояти Ромитан туманидаги “Чилонгу” ширкат хўжалигида пиллани қайта ишлайдиган Россия-Ўзбекистон “Ромси” қўшма корхонаси очилди.

26 октябрь. Тошкентда иқтисодий ҳамкорлик Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон комиссияларининг олтинчи қўшма мажлиси бўлди.

Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов очди. Унда бешинчи мажлис ўтказилган пайтдан бери (яъни бир ярим йил мобайнида) Япония билан Ўзбекистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий соҳалардаги муносабатлар анча илгарилаб кетганлиги таъкидланди. Товар айланма ҳажми қарийб икки баробар кўпайиб, 172,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Мустақил Ўзбекистон иқтисодиётига сарфланган япон инвестицияларининг умумий ҳажми 1 миллиард АҚШ долларидан ошди.

30 октябрь. Швейцариянинг Женева шаҳрида Қаршидаги “Санам” акциядорлик жамиятига Халқаро “Бизнес инвайтид директейшн” Конвенциясининг “Олтин юлдуз” мукофоти топширилди. Мазкур мукофот Германиядаги “Интержинс-2000” кўргазмасида намойиш этилган эркаклар кўйлаги ва спорт кийими учун берилди.

30 октябрь. Тошкентда саноат экологияси, шунингдек, мазкур соҳа учун кадрлар тайёрлаш муаммоларига бағишланган Республика илмий-техника конференцияси бўлиб ўтди.

31 октябрь. Тошкентда Ўзбекистон пойтахтида барпо этилган “Азимут” корхонасида ишлаб чиқарила бошлаган “ARABIK CLASSIK” янги маркадаги табиий кофе тақдими ўтказилди. “Азимут” Марказий Осиё мамлакатларида шу турдаги бирдан-бир корхонадир.

Октябрь. Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари сув хўжалиги ходимлари малакасини оширадиган минтақа тренинг маркази очилди.

Октябрь. Томди туманидаги қорақўлчиликка ихтисослашган “Оёққудуқ” ширкат хўжалиги марказида автомат-телефон станция ишга туширилди, натижада Қизилқумнинг олис яйловларида ишловчи чўпонлар ҳатто чет эллар билан телефон орқали гаплашиш имкониятига эга бўлдилар.

Октябрь. Нукусда иккинчи шаҳарлараро “Жануб” автобекати ишга туширилди. Ундан Тошкентга ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига, шунингдек, Қорақалпоғистоннинг узоқ туманларига 15 та маршрут бўйлаб автобуслар қатнай бошлади. Бу ерда ҳар куни 500 дан зиёд йўловчига хизмат кўрсатилмоқда.

Октябрь. Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор Эчиси Кёко Накаяма ўз ҳукумати номидан бегараз молиявий ҳамкорлик доирасида ажратиладиган грант Шартномасини имзолади. Бу малбағ “Қорақалпоғистон Республикасининг сув камчилигидан азият чеккан аҳолисига ёрдам” кичик миқёсий лойиҳани бажаришга сарфланади. 39,9 минг АҚШ доллари миқдоридаги грант эвазига “Қорақалпоқ қишлоқ сув қувури” трести Қорақалпоғистон сув иншоотларидаги эскирган агрегатлар ўрнига 90 та насос сотиб олишига мўлжалланган.

Октябрь. Англияда Ўзбекистон Республикаси минтақаларидаги молия идораларининг 20 раҳбари икки ҳафта малакаларини оширдилар.

Ўзбек молиячилари Бирмингем университети давлат сиёсати марказида тажриба ўргандилар. Бу мактаб Буюк Британияда давлат бошқаруви соҳасида юқори ихтисосли мутахассисларга таълим берадиган ва уларни тайёрлайдиган энг катта марказ ҳисобланади.

Октябрь. Тошкентда Ўзбекистон-Корея “Амако-боулинг” қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди. Ҳордиқ чиқариладиган бу катта мажмуада ғарбда урф бўлган боулинг шарларини ўйнаш мумкин.

Октябрь. Тошкентда Осиё Тараққиёт банки уюшгирган банк секторига халқаро маслаҳатчиларни жалб этиш бўйича семинар ўтказилди.

Октябрь. Конимех туманидаги “Конимех”, “Сарибел” ширкат хўжалиklarининг марказларида, шунингдек, “Саржал” ва “Янги ўзган” овулларидаги чорвадорлар хонадонларида “Зангори олов” ёна бошлади. Энди туман маркази тўлалигича газлаштирилди.

Октябрь. Чирчиқда “Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компанияси корхоналарида ишлатиладиган компрессор ускуналарига техникавий хизмат

кўрсатувчи марказ ишлай бошлади. Бу марказни “Ўзбеккимёмаш” заводи билан Американинг “Дрессар Ренд” фирмаси барпо этди.

Октябрь. Хоразм вилояти тадбиркорлари “Даритал” кўшма корхонаси, “Гурлан” акциядорлик жамияти, Эсковатор заводи, “Матбуотсавдо”, “Хунарманд” уюшмаси, “Тест-сервис” маркази, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорлари палатасининг раҳбарларидан иборат делегацияси Санкт-Петербургга сафар қилди. Сафар вақтида Хоразм вилояти корхоналари маҳсулотларининг кўرғазмаси уюштирилди. Санкт-Петербургда Хоразм Савдо уйини очиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Октябрь. Гина шаҳрида сартарошларнинг “Londa-2000” VI Халқаро танлови бўлди, унда дунёнинг 13 мамлакатидан 150 устalar қатнашди. Ўзбекистонлик мутахассислар мазкур танловда биринчи бар иштирок этдилар. Тошкентдаги гўзаллик салонининг косметолог-визажисти, халқаро классдаги уста Регина Степанова танловда иккинчи ўринни олди. Унинг шу салондаги дугонаси, аёллар сартароши — стилист, халқаро классдаги уста Виктория Терентьева энг кучли бешлик таркибига кириб, диплом ва махсус Кубок билан мукофотланди.

Октябрь. Умумжаҳон кредит банки (УКБ)нинг Москвадаги ваколатхонаси бошлиғи Антон Фабрик республикамиз банк-молия тизимида ўтказилган ислохотлар билан танишиш мақсадида Тошкентга келди.

Меҳмон бир нечта тижорат банклари ҳамда Ўзбекистон Банклар уюшмаси фаолияти билан танишди, халқаро сармоя бозорларида УКБ ўтказилган тажрибаси ҳақида гапириб берди. Ваколатхона раҳбари, шунингдек, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Асакабанк”, “Пахтабанк”нинг раҳбарлари билан ҳам музокаралар ўтказди.

Октябрь. Голландиядаги кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш дастури (MNCР) маршрутлари харитасида Ўзбекистон ҳам пайдо бўлди. Мазкур дастур эксперти Питер Кэт “Фурсат-Маскани” тармоқ бизнес инкубаторининг субъекти бўлмиш “Корчалон” ўқув марказининг фаолияти билан танишиш ва унинг муаллифлари билан туркум машгулот семинарлари ўтказиш учун Тошкентга келди.

Октябрь. Хоразм вилоятининг Хонқа туманида томат пастаси ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Италия кўшма корхонаси ишга туширилди.

Октябрь. Бухорода хатлар ва юкларни элтиб берадиган халқаро экспресс-почта — “UPS” Ўзбекистон-Америка кўшма сервис корхонасининг филиали иш бошлади. Экспресс-почта мижозларнинг юклари ва хатларини 48 соат мобайнида дунёнинг икки юздан кўпроқ мамлакатига элтиб беришни кафолатлайди.

Филиал дастлабки иш кунларидаёқ бухороликларнинг хатлари, юклари ва жўнатмаларини Канада, АҚШ, Германия, Исроилга етказиб берди.

Октябрь. Тошкентда Ўзбекистон ва Россия Федерацияси тадбиркорлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар масалалари ҳамда уларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш истиқболлари тўғрисида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати ва унинг доирасида ўтказилган музокара якунлари юзасидан Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорларининг “Мовароуннаҳр” ташқи иқтисодий фирмаси билан Волгоград вилояти Волжск шаҳри товар ишлаб чиқарувчилари уюшмаси ўртасида иккала мамлакат корхоналарининг савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлиги тўғрисида шартнома тузиш имкониятлари борасидаги яхши ният Протоколи имзоланди.

Октябрь. Чимбой туманида Туркиянинг “И-Тако” фирмаси билан ҳамкорликда “Чимбой-тери” қўшма корхонаси ташкил этилди. Мазкур корхона ҳар йили 225 мингта қорақўл ва қорамол терисини қайта ишлайди.

3 ноябрь. Тошкентда Гавҳар ва Ал-Хоразмий кўчаларини туташтирувчи узунлиги 248 ва эни 20 метр бўлган кўприкни очиш маросими бўлди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов иштирок этди.

3-4 ноябрь. Тошкентда Халқаро қишлоқ хўжалик кредити конфедерацияси (КИКА)нинг ХХХ Бош ассамблеяси бўлиб ўтди. Унда дунёдаги 100 дан зиёд энг йирик қишлоқ хўжалик банк президентлари қатнашдилар. Халқаро анжуман иштирокчилари икки кун мобайнида дунё минтақаларининг иқтисодий ҳолатини таҳлил этдилар, қишлоқ хўжалигини молиялаш соҳасидаги фикрлар ва тажрибалар билан ўртоқлашдилар, Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти билан танишдилар. Бу тадбир Республикамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда хориждан янги инвестициялар жалб этилишига хизмат қилади.

7 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида “Юридик шахслар” мавзuida Халқаро семинар бўлди. Юридик шахслар тўғрисидаги қонунларга ва шу мавзуга алоқадор масалаларга бағишланган мазкур тадбирни Олий хўжалик суди ва Германиянинг “Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини қўллаб-қувватлаш” дастури доирасидаги техникавий ҳамкорлик жамияти ташкил этди. Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида 1998 йил 15 октябрда Боннда имзоланган молиявий ва техникавий ҳамкорлик давлатлараро музокараларнинг якуний битимида кўзда тутилган эди.

7 ноябрь. Тошкентда бошланган фольклор либослари Халқаро фестивали Бухорода якунланди. Республика “Тадбиркор аёл” уюшмаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу модалар байрамида Бангладеш, Германия, Латвия, Литва, Малайзия, Қирғизистон, Қозоғистон каби мамлакатлардан келган дизайнер ва модельерлар иштирок этишди.

Фестивални ўтказишдан кузатилган мақсад, ўзбек миллий маданиятини, жумладан, кийим-кечакларни тарғиб қилишдан иборат эди. Мамлакатимизда биринчи бор уюштирилган бу тадбирда дунёнинг машҳур дизайнерчилари ўз коллекцияларини намойиш этишди.

8 ноябрь. Бухоро вилояти Ромитан туманидаги “Боғитуркон” хўжалигида меваларни қайта ишлайдиган Ўзбекистон-Россия “Тринмева” қўшма корхонаси маҳсулот бера бошлади.

9 ноябрь. Фарғона вилоятининг пахтакорлари ва барча меҳнаткашлари пахтачилик учун қийин келган бу йилги мураккаб шароитда “оқ олтин” етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олинган шартномавий мажбуриятни тўрт йил мобайнида биринчи марта муваффақиятли бажардилар ва республика хирмонига 362 минг тонна юқори сифатли тўқимачилик хом ашёси топширдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов эришилган бу катта ғалаба билан Фарғона вилояти пахтакорлари ва барча меҳнатчиларини чин кўнгилдан табриклади.

13 ноябрь. Тошкентда Япониянинг ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти — ЖЕТРО ваколатхонасини очипга бағишланган расмий маросим бўлиб ўтди.

15 ноябрь. Пойтахтдаги “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида Ўзбекистон-Британия Савдо ва саноат кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни кенгаш ҳамраислари — Ўзбекистон томонидан Бош вазир ўринбосари Валерий Отаев, Британия томонидан Хартли Бут бошқардилар.

22 ноябрь. Урганчда Ўзбекистон ва Туркменистон боғхона хизматлари вакилларининг навбатдаги амалий учрашуви бўлди.

27-29 ноябрь. Тошкентда “Ювелирия-2000” Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмага Ўзбекистон, Қирғизистон, Украина, Россия корхоналари ва хусусий фирмаларининг қимматли тошлардан ясалган заргарлик buyumlari, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари қўйилди.

23-27 ноябрь. Ўзбекистонда Саксония иқтисодиёти кунлари ўтказилди.

28-30 ноябрь. Тошкент қишлоқ хўжалик улгуржи бозорида Ўзбекистон Республикасида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг “Ўзбек маҳсулоти учун маркетинг имкониятлари” Халқаро кўргазмаси ўтказилди, унда республиканинг барча вилоятлари ўз сабзавот-меваларини намойиш этди. Кўргазмада, шунингдек, Англия, Италия, Франция, Россия, Германия, Исроил, Туркия ва бошқа мамлакатлардан вакиллар қатнашди.

Ноябрь. Халқаро экспертларнинг BESO ташкилоти йўлланмасига ва Ўзбекистон Республикаси амалий алоқалар марказининг таклифига биноан жунни қайта ишлаш соҳасидаги йирик мутахассис ва эксперт, иқтисодиёт доктори Рональд Вильсон (Англиянинг Йоркшир шаҳридан) Жиззахга келиб кетди.

Ноябрь. Тошкент вилояти Қибрай туманидаги “Лоренадон” ўзбек-болгар қўшма корхонаси юқори сифатли рақобатбардош макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Ноябрь. Марказий банкдаги тижорат банкларини рўйхатга олувчи комиссия Бухоро шаҳридаги “Ташаббус” хусусий акциядорлик тижорат банкига барча турдаги операцияларини ўтказиш ҳуқуқини берадиган лицензия топширди ва уни тижорат банкларини рўйхатга олиш Давлат китобига қайд этди. “Ташаббус” банки фаолиятининг устувор йўналиши ижтимоий-иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш, ўрта ва кичик корхоналарни пул

билан таъминлаш, шунингдек, мамлакатда янги мулкдорлар синфи шаклланишини рағбатлантиришдан иборат.

Шундай қилиб, мамлакатимизда ишлаб турган 34 банкдан 12 таси хусусий банкдир.

Ноябрь. Япониядаги NEC корпорациясининг Тошкентдаги ваколатхонаси Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ва “Ўзтелеком” акциядорлик жамиятининг кўмагида семинар ўтказди.

Семинар телекоммуникациялар ва телекўрсатувлар инфратузилмасидаги янги технологиялар ва хизматларга бағишланди. Унда тармоқнинг етакчи мутахассислари, бир қанча вазирлик ва идоралар, уюшма ва корпорацияларнинг раҳбарлари қатнашдилар. Япониядан келган обрўли мутахассислар хизмат соҳасидаги жаҳон тамойиллари ҳақида маъруза қилдилар.

Ноябрь. Тошкентда уч кун давомида алоқа почта бўлимлари орқали банк хизмати кўрсатиш масалаларига бағишланган Халқаро конференция бўлиб ўтди. 20 га яқин мамлакат Ўзбекистонга ўз вакилларини юборди. Конференция ташкилотчилари: Жаҳон почта иттифоқи, Голландия Транспорт, ижтимоий ишлар ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги.

Ноябрь. Сеулда ўзбек пахтаси тақдимоти бўлди, уни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги элчихонаси, Корея Республикаси Ташқи савдо агентлиги уюшмаси (АФТАК), Корея Ташқи савдо уюшмаси (КОТРА), Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИСА) ва “Дэу” корпорацияси уюштирди.

Мазкур тадбир Корея Республикаси ишбилармонлари ва саноатчиларини Ўзбекистоннинг пахта комплекси билан батафсил таништириш мақсадида ташкил этилди. Семинар ишида ўзбек пахта толасини импорт қилишдан манфаатдор бўлган Корея Республикасининг қирқдан ортиқ савдо компаниялари ва саноат корхоналари вакиллари қатнашдилар.

Унинг қатнашчиларига Ўзбекистонда пахта етиштириш ва уни қайта ишлашни ривожлантириш истиқболларини таснифлаш, стандартлаш, сертификатлаш соҳасидаги ютуқлар ҳақида муфассал ахборот берилди. Улар ўзбек пахтасининг Жануби-Шарқий Осиёга ва жумладан, Корея Республикасига келтиришнинг ҳозирда мавжуд ва истиқболдаги маршрутлари билан ҳам таништирилди.

Ноябрь. “Дойче банк АГ” бошқаруви аъзоси доктор фон Хайдебрек бошчилигидаги банк делегацияси мамлакатимизга ташриф буюрди. Делегациянинг Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкидаги музокаралари давомида бир қанча йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш режалари белгиланди.

Ноябрь. Мюнхенда Бавария “Ост-Вест” менежмент тренинг Гмбх” (OWZ Waerth) маркази ташкил этилган куннинг 10 йиллигига бағишланган “Шарқ-Ғарб” Иккинчи Халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Унда Осиё, Америка, Европа мамлакатларининг 450 вакили қатнашди. Конференция-

да биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Фуломов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

Конференция доирасида Тошкент Давлат иқтисодий университетининг хузурида Ўзбекистон-Бавария менежмент-тренинг маркази ташкил этиш тўғрисида келишиб олинди. “OWZ Вауегн” ўзбек менежмент мутахассисларидан 100 кишини қайта тайёрлаш, уларга Ўзбекистон ва Германияда таълим беришга молиявий маблағ ажратишга тайёр эканини билдирди.

Ноябрь. Навоийда Ўзбекистон-Америка “URS” сервис қўшма корхонасининг филиали халқаро экспресс-почта ишлай бошлади.

Энди навоийликлар хат ва жўнатмаларни дунёнинг ҳар қандай нуқта-сига тез юбориш имкониятига эга бўдилар. Экспресс-почта хатлар ва бошқа ахборотларни дунёнинг 180 дан ортиқ мамлакатига узоғи билан икки кунда етказиб берилишини кафолатлайди. Филиал АҚШ, Германия, Япония, Корея, Исроилга дастлабки хат ва жўнатмаларни етказиб беришга улгурди.

Ноябрь. “Ўзбекипакчи” Қашқадарё уюшмасининг корхоналари орасида биринчи бўлиб “Кумуш” пиллачилик фабрикаси хорижий инвестицияларни жалб этди. Ушбу фабрика акцияларининг 35 фоизи “Картхелл” инглиз компанияси томонидан 565 минг АҚШ долларига сотиб олинди.

Мазкур компаниянинг замонавий технологияси “Кумуш” пиллачилик фабрикасида экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг муҳим омили бўлади.

Ноябрь. Венада “Уран ишлаб чиқариш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” МАГАТЭ Халқаро симпозиуми бўлиб ўтди.

Мазкур йирик Халқаро анжуман ишида Европа, Осиё, Лотин Америкаси ва АҚШ мамлакатларининг 160 вакили, шу жумладан, Навоий конметаллургия комбинати экология хизматининг раҳбари Виктор Групинов қатнашди. У “Ер остида ажратиб олиш усулида уран қазиб чиқаришда атроф-муҳит муҳофазаси” мавзuida маъруза қилди.

Ноябрь. Навоий конметаллургия комбинати Учкудуқ автомобиль-транспорт бошқармасида оғир юкларни ташишда Япониядаги “КамаЦУ” фирмасининг 55 тоннагача юк кўтара оладиган ўнта машинаси ишлатила бошлади. Шу машиналар кабинасидаги кондиционер ҳаво ҳароратини бир меъёрда таъминлайди, компьютер эса машинага ортилган юкнинг оғирлигини кўрсатади. Япониядан харид қилинган бу машиналардан фойдаланиш туфайли иш самарадорлиги қарийб икки баробар ошди.

Ноябрь. Хитойдаги “СІПС” компанияси гуруҳи бошқарувининг раиси Ван Цзюнь бошчилигидаги делегация республикамызда меҳмон бўлди. У Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари “Узавтойўл” концерни раиси Р.Юнусов билан музокара ўтказди. Молия, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликларида ва бошқа баъзи муассасаларда бўлди.

5-7 декабрь. Тошкентда “Агромаҳсулот—2000-2001” гўртинчи Халқаро савдо-сотик вино-ароқ маҳсулотлари ярмаркаси бўлди.

6 декабрь. “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акциядорлик темир йўл компаниясида “Ўзбекистон билан Европа ва Осиё мамлакатлари ўртасидаги коммуникация қатновини ривожлантиришда транспорт экспедиторлик компанияларининг роли” мавзuida Халқаро илмий-амалий конференция бўлди. Ўрта Осиё мамлакатлари, Қозоғистон, Россия, Германия, Украина, Латвия ва бошқа бир қанча давлатлардан мутахассислар қатнашди.

6-9 декабрь. Москвада “Улгуржи озиқ-овқат бозори-2000” кўрғазмаси бўлди. У Ўзбекистон билан Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик дастури доирасида ўтказилди.

Ўзбекистонда россиялик инвесторлар иштирокидаги 470 дан ортиқ корхона, 149 та Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, юз фонизи Россия сармояси бўлган 29 та корхона ишлаб турибди. Россия Федерациясида Ўзбекистон Республикаси резидентлари 106 та корхона барпо этишган.

Москвада “Ўзметасабзавотузумсаноати” холдингининг 3 та савдо уйи фаолият кўрсатмоқда.

12-15 декабрь. Тошкентда 2001 йилда енгил саноат товарлари улгуржи сотиладиган Республика ярмаркаси бўлиб ўтди.

19 декабрь. Жаҳон маркетинг ташкилоти кенгашининг қарорига биноан “Совпластитал” ўзбек-итальян қўшма корхонаси “Устунлиги учун шоҳона тож” жаҳон соврини билан мукофотланганлиги, бу мукофот истеъмолчиларининг фикрлари ва бозор тадқиқотлари асосида берилганлиги ҳақидаги хабар эълон қилинди.

22 декабрь. Ўзбекистон энергетиклари касбий байрамлари шарафига Тошкентда тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон энергетика тизими 37 та иссиқлик ва гидравлик электр станциясидан иборат бўлиб, уларнинг умумий қуввати 11 миллион килловаттдан ошади, шу қувват ёрдамида йилига 55 миллиард килловатт-соат электр энергияси ҳосил қилиш мумкин.

Ўзбекистон энергетикларини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.Отаев табриклади. Тармоқнинг энг яхши ходимлари ва фахрийларига фахрий нишонлар, ёрликлар ва қимматбаҳо мукофотлар топширилди.

Энергетиклар кун шарафига Ўзбекистон санъат усталари катта байрам концерти қўйиб бердилар.

Декабрь. Тошкентда “Ўзбекистон-Европа Иттифоқи” Савдо-сотик ва инвестициялар кичик қўмитаси билан Ҳамкорлик қўмитасининг биринчи мажлиси бўлди.

Декабрь. Европа ҳамжамияти XVII Халқаро Конвенциясининг Мадриддаги нуфузли компанияларни танлаш Халқаро қўмитасининг қарорига биноан “Қизилқумцемент” очиқ турдаги акциядорлик жамияти қўшма корхонасининг махсулотига сифат учун Кубок бериладиган бўлди.

Декабрь. БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонасида “Ўзбекистондаги сув камчиллиги оқибатларини юмшатишга оид шошилиш чора-тадбирлар” ҳужжати имзоланди. Шу лойиҳа доирасида Қорақалпоғистоннинг энг кўп

азият чеккан туманлари аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда ёрдам кўрсатиш мўлжалланади. Чунончи, 300 га яқин кўл насоси харид қилиниб Қораўзак, Тахгакўпир ва Бўзатов туманларида ўрнатилади. Шу туфайли 10 мингдан кўпроқ киши истиқомат қиладиган салкам 70 та аҳоли пунктлари сифатли ичимлик сув билан таъминланади. Бундан ташқари, шошилинич инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг масалаларида Республикага ёрдам берилади.

Декабрь. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В. Отаев бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Нидерландия ва Бельгияга бориб келди.

Бўлиб ўтган ташриф доирасида Нидерландия Савдо-сотиқни ривожлантириш кенгаши, Голландия нефть-газ саноати етказиб берувчилари уюшмаси ва Ўзбекистон Республикасининг Бельгиядаги элчихонаси кўмагида “Ўзбекистон Республикаси нефть-газ саноатининг ҳолати ва истиқболлари” мавзuida тадқиқот бўлиб ўтди.

Декабрь. Самарқандда Ўзбекистонда биринчи Франция парфюмерия “Vendote” дўкони очилди. Муҳташам савдо биноси — Ўзбекистон-Франция “Брефак” қўшма корхонаси “Планет ЛТД” шўба корхонасининг қадимий шаҳарга совғасидир.

Декабрь. Сирдарё вилоятининг Ховос туманидаги “Фарҳод” ширкат бирлашмасида сут заводи ишга туширилди, бу корхона Исроилниинг “Марав фуд ЛТД интернейшнл” компанияси билан ҳамкорликда барпо этилди.

Декабрь. Киевда МДХ давлатлари банк муассасалари ходимларининг Халқаро конференцияси бўлиб ўтди, унда янги мустақил давлатлар ва Европа молия ҳамда банк соҳаси учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашдаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласи кўриб чиқилди.

Декабрь. Фарғонада Ўзбекистон-Америка “Коском” қўшма корхонасининг водийдаги биринчи филиали “Коском-Водий” тақдимоги бўлиб ўтди. “Коском” халқаро роуминг берадиган Ўзбекистондаги бирдан-бир уяли алоқа корхонасидир, бунда абонент олдиндан бирор-бир билдиришсиз бошқа давлат ҳудудидаги уяли алоқадан фойдаланиши мумкин.

Декабрь. Ўзбекистонда “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компаниясининг бош корхонаси — “Ўзбеккимёмаш”да Марказий Осиёда биринчи ва дунёда учинчи нефть ва газ ва бошқа компрессор ускуналарини таъмирлайдиган универсал сервис маркази очилди. Уни қуришда Германия, Франция ва Америка Қўшма Штатларидан келган ишбилармон ҳамкорлар ёрдам беришди.

Декабрь. Тошкентда Ўзбекистон фармацевтика маҳсулотлари кўргазмаси бўлди. Ўзбекистонда биринчи бор ўтказилган бу кўргазмада мамлакатимизнинг юздан ортиқ корхонаси турли дори-дармон воситалари, шифобахш ўсимликлар ва тиббийёт асбоб-ускуналарини намойиш қилдилар.

Декабрь. Жиззах вилояти электр тармоқлари корхонаси Франция Миллий саноат уюшмасининг Олтин медали билан мукофотланди. Жиззахлик

энергетиклар ишлаб чиқаришдаги юксак муваффақиятлари, меҳнатни илмий асосда ташкил қилганликлари, энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиб, тежамкор иш тартибини жорий қилганликлари учун ушбу олий мукофотга сазовор бўлдилар.

Декабрь. Хўжайли туманида Октябрь юқори босимли газ тақсимлаш қурилмаси ишга туширилди. Бу қурилма “Амударё”, “Хатеп”, “Бекжам” хўжаликларидagi беш мингга яқин хонадонни табиий газ билан таъминлайди.

Декабрь. Самарқанд марказида Ўзбекистон-Франция “Брефак” қўшма корхонаси барпо этган “Бан-Дом” галантерея савдо маркази очилди. Савдо марказининг очилишидаги тантанادا Франциянинг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва Мухтор Элчиси Жак Андре Костиль жаноблари қатнашди.

Декабрь. Наманган вилояти Чуст туманидаги “Нурафшон” ширкат хўжалигида Исроилдан келтирилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган сут заводи бир кеча-кундузда икки тоннагача сутни қайта ишлай бошлади.

Декабрь. Перулик Цезарь Ирардо Костило Вартас бошчилигидаги Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) экспертлар гуруҳи Ўзбекистонда ўн кун мобайнида авиация ходимларига ҳаво кемаларини ишлата олиши ва уларнинг учишга яроқлилиги ҳақида гувоҳнома берилишини аудиторлик текширувидан ўтказди. Ўзбекистон Республикаси Чикаго Конвенциясини ратификация қилиш орқали ўз зиммасига Халқаро ҳамжамият ва Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти олдида муайян хавфсизлик даражасини кафолатлай оладиган ҳамда амалиётга ва Чикаго тавсияларига мос келадиган бир қанча талабларни бажариш мажбуриятини олган эди.

Декабрь. Ўзбекистонга Британия кенгашининг етакчи маслаҳатчиси, тўқимачилик бўйича дизайнер Филиппа Уоткине ташриф буюрди. Ташриф вақтида у Британия кенгаши уюштирган Республика дизайнерлари семинарида қатнашиб, дунёда тўқимачилик дизайни санъатининг ҳозирги аҳволи ҳақида гапириб берди, Буюк Британия тўқимачилик саноатига алоқадор мактаблар ва олий ўқув юртларининг иш тажрибасини баён этди ва ўзининг бу борадаги фикрларини ўртоқлашди.

Декабрь. Германиядаги Саксония Федерал ўлкаси иқтисодиёт вазири Кайо Шоммер бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга келди. Немис ишбилармонларининг республикамизга сафари ривожланиб бораётган Ўзбекистон-Германия икки томонлама ҳамкорлиги доирасида ўтди.

Ш. ТАЪЛИМ. ФАН

1991 ЙИЛ

1 сентябрь. Тошкентдаги 305-мактаб қошида республикада биринчи экологик ўқув-тарбия маркази очилди.

16 октябрь. Тошкентда невропатологларнинг Бутуниттифоқ илмий конференцияси очилди.

21 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Фаргона Давлат университети ходимларини мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

16-18 декабрь. Тошкентда Ўзбекистон физиологларининг биринчи съезди бўлиб ўтди.

1992 ЙИЛ

8 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Молия институти ходимларини мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

10 январь. Тошкентда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Молия институтининг 60 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди.

12 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси геологик қидирув ташкилоти ходимларини мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

5 февраль. Тошкентда талабаларнинг ўзаро ёрдам кўрсатиши ва тадбиркорлиги бўйича Ўзбекистонда биринчи концерн ташкил этилди.

5 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлар ва ўқув-ёрдамчи ходимларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

28 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Республикада янги олий ўқув юртлари ташкил этиш тўғрисида” Фармон чи-

карди. Ушбу Фармонга мувофиқ, Ўзбекистонда 1992 йил мартда Тошкент Давлат аграр университетининг Нукус филиали, Андижон Давлат университети, Андижон Иқтисодиёт ва бошқарув институти, Андижон Қишлоқ хўжалик институти, Бухоро Давлат университети, Тошкент Давлат техника университетининг Бухоро филиали, Жиззах Политехника институти, Қарши Давлат университети, Қарши Аграр-иқтисодиёт институти, Тошкент Давлат техника университетининг Қарши филиали, Навоий Давлат педагогика институти, Тошкент Давлат техника университетининг Навоий филиали (кон-металлургия ва энергетика йўналиши билан), Наманган Давлат университети, Наманган Муҳандислик-иқтисодиёт институти, Гулистон Давлат университети, Термиз Давлат университети, Тошкент Автомобиль йўллари институтининг Термиз филиали, Тошкент Электротехника ва алоқа институтининг Термиз филиали, Фарғона Политехника институтининг Қўқон филиали, Тошкент Давлат техника университетининг Фарғона филиали, Урганч Давлат университети, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг Урганч филиали, Тошкент Давлат тиббиёт институтининг Урганч филиали очилди.

3-4 март. Тошкентда Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон ва Озарбайжон фанлар академиялари президентларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш илмий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, мазкур республикалар олимлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш тўғрисидаги битимни имзолаш билан якунланди.

10 март. Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида Ўғитлар институти барпо этилди.

11 март. Тошкентда “Йил ўқитувчиси-92” республика танлови якунланди. Шаҳрисабзлик она тили ва адабиёт ўқитувчиси Я. Авлоқулов танлов голиби деб топилди.

11 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига қабулни такомиллаштириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

9 апрель. Ўрта Осиё Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти ходимлари ўсимликларнинг 60 га яқин зараркунандаси кушандаси — габробраконни саноат йўли билан ишлаб чиқариш учун жиҳозлар мажмуини яратдилар.

5 май. Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари фан-техника тараққиёти шароитида илмий жамоаларнинг вазифалари, республикада рўй бераётган туб иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш соҳасида олимларнинг ҳиссасини ошириш масалаларини муҳокама қилдилар, янги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитларда Фанлар академияси фаолиятини тартибга солувчи янги низомни қабул қилдилар.

11-14 май. Тошкентда “Ўрта Осиё ва жаҳон цивилизацияси” Халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

12 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

12-23 май. Бухорода “Абдурауф Фитрат ҳаёти ва фаолияти” мавзуида илмий конференция бўлиб ўтди.

27 май. Тошкентда Корея Республикасининг Таълим маркази очилди.

8 июнь. Тошкентда ҳуқуқшуносларнинг Халқаро семинари очилди.

8 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Илм-фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

20 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил августда Ҳ.М.Абдуллаевнинг 80 йиллиги нишонланиши муносабати билан юбилейга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида Қарор қабул қилди. Ушбу қарор билан Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришни таъминлайдиган йирик илмий тадқиқотлар учун диплом ва Ҳ. М. Абдуллаев номидаги медал таъсис этилди.

23 июль. Ўзбекистон Республикасининг Республика Олий Кенгаши X сессиясида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун эълон қилинди.

Июль. Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида Генетика институти ташкил этилди.

Июль. Тошкент вилоятининг Паркент туманида республикада биринчи ёзги халқаро агрокосмик ва компьютер мактабида машғулотлар бошланди. Машғулотларни синовчи-космонавт Солижон Шарипов ўтказа бошлади.

7 август. Тошкентда Иқтисодиёт ва статистика илмий-тадқиқот институти ташкил этилди.

22 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ҳар йили “1 сентябрда Ўзбекистон ўқув юрларида Мустақиллик куни ўтказиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

27-28 август. Нукусда Орол ва Оролбўйига бағишланган биринчи Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда юздан ортиқ илмий муассаса ва ташкилотларнинг вакиллари, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, АҚШ, Япония, Нидерландия сув ҳўжалиги тизими ходимлари иштирок этдилар.

29 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида “Жаҳон муаммолари институти ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

1 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистонда биринчи марта техника авиация лицейи очилди.

1 сентябрь. Тошкентда очилган диний билим юртида машгулотлар бошланди.

23 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

23 сентябрь. Самарқандда меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклашда янги материаллардан фойдаланиш бўйича иккинчи Халқаро илмий-техникавий анжуман ўз ишини якунлади.

2 октябрь. Тошкентда МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари таълим вазирларининг биринчи кўшма маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

5 октябрь. Тошкентда йирик олим Ҳабиб Абдуллаев туғилган кунининг 80 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳ. Абдуллаев юбилей муносабати билан унинг номида таъсис этилган медални академик И. Ҳамроевга топширди.

8 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Фан соҳаси ходимларига имтиёзлар бериш тўғрисида” Фармон чиқарди.

10 октябрь. Тошкентда Ўзбекистон “Рус тили ва адабиёти” ассоциациясининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

15 октябрь. Тошкентда юқори молекуляр бирикмалар кимёси бўйича “Ўзбекистон Макро-92” мавзuida Халқаро конференция ўз ишини бошлади.

Октябрь. Тошкентда Ўзбекистонда биринчи шарқ тиллари лицейи очилди.

14 ноябрь. Дунё фани ва техникасини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган машҳур олимлар ҳаёти ва илмий фаолиятининг асосий маълумотларидан ташкил топган, АҚШда нашр этилган “Фан ва техника донгдорлари” қомусида Ўзбекистон олимларидан биринчи бўлиб академик П. Қ. Ҳабибуллаев ҳақидаги маълумот берилгани тўғрисида хабар эълон қилинди. Олим бундай шарафга иссиқлик физикасининг фундаментал муаммоларини ишлаб чиққани учун сазовор бўлди.

22 декабрь. Техника фанлари доктори, Тошкент кишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш институтининг иссиқлик техникаси кафедраси мудири Г.Г.Умаров К.Э.Циолковский номидаги Халқаро космонавтика академияси аъзоси бўлганлиги ҳақида хабар эълон қилинди.

22 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси ўқувчилари ва талабаларининг ҳар йилги қишқи таътиллари тўғрисида” Фармон чиқарди.

1993 ЙИЛ

7 январь. Халқ хўжалигининг долзарб муаммоларини ҳал этишга қодир туғма истеъодларни аниқлаш мақсадида Улуғбек номли жамғарма эълон

қилган истеъдодли ёшлар биринчи Республика танловининг якунлари эълон қилинди. Танловда Ўзбекистоннинг турли вилоятлари ва Қорақалпоғистондан 150 дан ортиқ ёш олим, талаба ва мактаб ўқувчилари иштирок этдилар, уларнинг ўттиз нафари ушбу ижодий беллашувларнинг ғолиблари ва совриндорлари бўлдилар.

5 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини рағбатлантириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

5 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари учун абитуриентларни тест усулида танлаб олиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

10 март. Тошкент Давлат шарқшунослик институтида Марказий Осиёда биринчи корейшунослик факультети очилди.

12 март. Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институти олимлари микроорганизмларнинг энг майда сув ўтлари ва тирик микроорганизмларнинг ўзидан комплекс равишда “Биоплан” биологик препаратини олдилар. Бу препарат экиш олдидан чигитга ишлов бериш ва унинг униб чиқиш қобилиятини оширишга мўлжалланган бўлиб, республиканинг пахта етиштирувчи хўжалиқларида биринчи марта кенг миқёсда қўлланила бошлади.

23 апрель. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “1994 йилда ўрта асрнинг буюк олими Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини ўтказиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

23 апрель. Тошкентда “Жамиятда ислохотларни амалга оширишда Хитой тажрибасининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида” Республика илмий конференцияси очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов унинг иштирокчиларига табрик йўллади.

3 май. Қўқонда Ўзбекистон педагогика олий ўқув юртлари талабаларининг биринчи Республика илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди.

11 май. Тошкентда исломгача бўлган даврдаги ёзувлар ва уларга доир ёдгорликларни ўрганишга бағишланган Халқаро илмий конференция очилди. Ушбу конференция Дания олими В.Томсен ва рус туркшуноси, академик В.В.Радлов томонидан ўрхун-енисей қадимги туркий матнлари маъноси очиб берилганлигининг 100 йиллигига бағишланди.

15 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таниқли ҳуқуқшунос олим, академик Х.Сулаймонова туғилган куннинг 80 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида Қарор қабул қилди.

25 май. Тошкентда Ўзбекистон олий ўқув юртларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш муаммоларига бағишланган республика илмий-амалий конференцияси очилди.

Май. Тошкентда Орол ва Оролбўйи муаммолари бўйича дастлабки Халқаро тадқиқотлар лойиҳаси имзоланди. Лойиҳа Ўзбекистон, Қозоғистон,

Қорақалпоғистон ва Россия экологларининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда Германия олимлари ташаббуси билан ишлаб чиқилган эди.

5 июнь. Тошкентда Марказий Осиё Академиясини ташкил этиш тўғрисида ахборот эълон қилинди.

11 июнь. Фарбий Тянь-Шань тизма тоғларидаги камдан-кам учрайдиган жонли табиатнинг ноёб бурчаги — Чотқол давлат табиий биосфера қўриқхонаси ЮНЕСКО муҳофазасига олинганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди. Мазкур маскан табиий биосфера қўриқхоналари халқаро тармоғининг бир қисми бўлиб, унинг вазифаси камдан-кам учрайдиган жонли табиатни сақлаб қолиш ва инсон манфаатлари йўлида илмий тадқиқотлар ўтказишдан иборат.

Июнь. Самарқандда Ўзбекистон Фанлар академиясининг филиали очилди.

16 июль. Тошкентда Ўзбекистонда биринчи компьютер фестивали якунланди. Фестивалнинг якунловчи турида республика ўқувчилари биринчи миллий терма командаси ва Американинг Нью-Жерси штатидаги икки мактаб ўқувчиларининг мусобақаси бўлиб ўтди. Танловда Америка мактаб ўқувчиларидан иборат программаловчилар ғолиб бўлди.

Июль. Тошкентда Ўзбекистон Геология миллий Комитети (ЎзГМК) ташкил этилди.

16 август. Андижонда ўзбек ёзувининг келажаги тўғрисидаги масала муҳокамасига бағишланган биринчи Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

1 сентябрь. Тошкент Давлат техника университети ҳузурида Ўзбекистонда биринчи политехника лицейи очилди.

1 сентябрь. Янгийўл шаҳрида Ўзбекистонда биринчи тўрт йиллик Тиббиёт коллежида ўқув машғулотлари бошланди.

3 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ёш муаллифларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида” Фармон чиқарди. Аҳрор Акбаров, Усмон Юсупов, Смағул Қоражонов, Собир Ўнар ушбу мукофотнинг дастлабки совриндорлари бўлишди.

8 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистонда биринчи Халқаро банк мактаби очилди.

16 сентябрь. Тошкентда геологлар ва геофизикларнинг Халқаро анжумани очилди.

23 сентябрь. Киевда Фанлар академиялари Халқаро ассоциациясининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг ваколатли делегацияси иштирок этди.

Сентябрь. Тошкентда Халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда иқлимнинг ўзгариши, атроф-муҳитга антропоген таъсирнинг кучайиши муносабати

билан қор ва музликларнинг роли, музлашнинг эволюцияси билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

1 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида” Фармон чиқарди. Бу Фармонга мувофиқ ушбу кун ҳар йили октябрь ойининг биринчи яқшанбасида нишонланадиган бўлди.

5-7 октябрь. Тошкентда морфологларнинг қурултой бўлиб ўтди.

13 октябрь. Ўзбекистон ёшларининг 90 кишидан иборат биринчи гуруҳи Миср Араб Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун Тошкентдан Қоҳирага жўнаб кетди.

23-24 октябрь. Самарқандда “Имом ал-Бухорий ва унинг даври” мавзuida Халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Унинг иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов табрик йўллади. Конференцияда Имом ал-Бухорий меъморий ансамблини қайта қуриш бўйича энг яхши лойиҳа танловининг яқунлари чиқарилди. 1993 йил март ойида Ислом тадқиқотлари Оксфорд маркази томонидан эълон қилинган бу танловда германиялик доктор Бодо Раш ва ўзбек меъмори Камол Шоаҳмедовнинг биргаликдаги лойиҳаси ғолиб, деб топилди.

30 октябрь. Тошкентда Хожа Аҳмад Яссавий меросига бағишланган Халқаро илмий-маърифий конференция бўлиб ўтди.

Октябрь. Самарқандда Мирзо Улуғбекнинг олти юз йиллигига бағишланган Ер ва Қуёш физикасини ўрганиш муаммолари бўйича Халқаро илмий симпозиум бўлиб ўтди.

Октябрь. Ўзбекистон илмий уюшмалар Халқаро кенгашининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди. Бу кенгашга кириш маросими Сантьягода (Чили) бўлиб ўтган илмий уюшмалар Бош ассамблеясида амалга оширилди.

Октябрь. Тошкентда инглиз тилини жадал ўргатишнинг замонавий услубларига бағишланган Халқаро семинар бўлиб ўтди.

Октябрь. АҚШнинг Арканзас университетида Баҳром Ражабов бакалавр даражасини олиш учун дипломни муваффақиятли ёқлади. У халқаро бизнес ва менежмент соҳасида Америка университети бакалаври даражасини олган ўзбекистонлик биринчи фуқаро бўлди.

3 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

4 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган Халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Унда Россия, Германия, АҚШ, Швейцария, Туркия, Украина, Беларусь, Марказий Осиё мамлакатларидан таниқли олимлар иштирок этишди.

4 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йўғилиш иштирокчиларига табрик йўллади.

5 ноябрь. Табиий ва техника фанлари соҳасидаги улкан ютуқлар учун Ўзбекистон Фанлар Академияси томонидан таъсис этилган Ал-Хоразмий номидаги Олтин медаль билан мукофотлаш тўғрисида хабар эълон қилинди. Ҳ. Ф. Фозилов ушбу олий мукофотнинг биринчи лауреати бўлди.

Шу куннинг ўзида ижтимоий ва гуманитар фан соҳасида таъсис этилган Заҳриддин Бобур номидаги Олтин медаль билан мукофотлаш тўғрисида хабар эълон қилинди. Бу мукофотга Убайдулла Каримов сазовор бўлди.

15 ноябрь. Алишер Навоий номидаги театрда таниқли олим, академик Обид Содиқовнинг 80 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

23 ноябрь. Тошкентдаги Республика Ўқитувчилар Уйи қошида Ўзбекистон Халқ таълими тарихи музейи очилди.

Ноябрь. Тошкентда саноат чиқиндиларининг ер юзидаги ўсимликларга таъсирини баҳолаш бўйича Давлатлараро конференция бўлиб ўтди.

Ноябрь. Тошкентда “Ўқитувчи-93” шиори остида Ўзбекистон ўқитувчиларининг биринчи Республика танлови бўлиб ўтди. Жиззахдаги 22-мактабнинг математика ва информатика ўқитувчиси С. Муродов танлов ғолиби бўлди.

29 декабрь. Тошкентда буюк олим Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг 600 йиллигига бағишланган “Янги замон Улуғбеклари” биринчи телевизион танлови ўтказилди. Унда республикамизнинг турли бурчакларидаги мактаблардан келган Улуғбек исмли 25 ўқувчи иштирок этди. Тошкент Технология институтининг биринчи курс талабаси Улуғбек Умаров биринчи ўринни эгаллади.

30 декабрь. Тошкентдаги кимёвий технологиялар илмий-тадқиқот институти мутахассислари жаҳон амалиётида биринчи марта шоли поясидан қоғоз чиқариш учун дастлабки материал бўлган целлюлоза олиш технологиясини ишлаб чиққанликлари ҳамда тажриба саноат ускунасида янги технология бўйича шоли сомонидан дастлабки ўнлаб килограмм целлюлоза олинганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди.

Декабрь. Тошкентда узлуксиз экологик таълим ва тарбия муаммолари юзасидан Республика илмий-услубий конференцияси бўлиб ўтди.

Декабрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллигига бағишланган Халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

1994 ЙИЛ

19 январь. Ўзбекистонлик ўқитувчиларнинг 16 кишидан иборат бир гуруҳи Франциянинг Руаян шаҳрида тилларни ўқитишнинг аудио-визуал усуллари марказида бир ойлик стажировка ўтказишни бошлади.

20 январь. Математика фани ривожига қўшган шахсий ҳиссаси учун Ўзбекистон Фанлар академиясининг Президенти Маҳмуд Салоҳиддинов Иордания Ислом фанлари академияси аъзоси этиб сайлангани тўғрисида хабар эълон қилинди.

Январь. Тошкентда тиббиёт олимлари ва фармацевтларнинг “Мустафа невзат илач саной” турк фирмаси чиқараётган энг янги препаратларни қўлланиши муаммоларига бағишланган Халқаро симпозиуми бўлиб ўтди.

Январь. Тошкентда АҚШнинг “Осиё” жамияти раҳбарларининг Ҳамза номидаги Санъатшунослик институти олимлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

19 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “1994 йилни Мирзо Улуғбек йили деб эълон қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Март. Самарқанд Давлат университетида Улуғбек ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. Республикада буюк олим ва мутафаккир, давлат арбобининг 600 йиллигига бағишланган Улуғбек ўқишлари бошланиб кетди.

Март. Тошкентда Ўзбекистон мактабгача болалар муассасаларида ишловчи ёш педагогларнинг биринчи “Тарбиячи-94” Республика танлови бўлиб ўтди. Қаршидаги “Шўртангаз” газ саноати бошқармасига қарашли Нодирабегим номидаги болалар боғчасининг дастурчи-тарбиячиси Соҳиба Хўжахонова танлов ғолиби бўлди.

12-13 апрель. Тошкентда “Талабалар билимини тест йўли билан назорат қилиш ҳамда рейтингли баҳолаш” мавзуида биринчи Республика илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

2-5 май. Тошкентда “Орол денгизи ҳавзасининг долзарб илмий муаммолари: замонавий ўрганиш ва бундан кейинги тадқиқотлар зарурияти” мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

3 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Тошкент Давлат университетининг 75 йиллиги тўғрисида” Қарор қабул қилди.

23 май. Тошкентда Марказий Осиёдаги беш мамлакат — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикалари илм-фани ва технологияларини бошқариш бўйича давлат органлари раҳбарлари Маслаҳат кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда қабул қилинган Меморандумда фан ва техника соҳасидаги ҳамкорликнинг энг долзарб муаммолари белгилаб олинди.

30 май-6 июнь. Гронингене шаҳрида (Голландия) ёш физикларнинг VII Халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳридаги 110-мактаб ўн биринчи синфининг беш ўқувчисидан иборат Ўзбекистон ёш физиклари миллий командаси бу турнирда илк бор иштирок этди.

Май. Гулистонда экология муаммолари бўйича биринчи Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Май. Наманганда келажакда ўзбек мактабларида рус тили ва адабиётидан дарс берувчи ўқитувчилар бўлиб етишадиган талабаларнинг биринчи Республика олимпиадаси бўлиб ўтди. Тошкент Давлат университетининг рус филологияси бўлими IV курс талабалари Феруза Ашурбоева, Чарос Абдуллаева ва Бобомурод Абдуллаевлардан иборат команда олимпиада ғолиби бўлди.

Май. Нукусда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими таркибда Биоэкология илмий-тадқиқот институти очилди.

1 июнь. Тошкентда ёш ҳуқуқшуносларнинг “Ўзбекистоннинг мустақил ҳуқуқий йўли: тажриба ва муаммолар” мавзuidaги биринчи республика илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди.

20-22 июнь. Хельсинкида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича “Европанинг эртанги куни ҳақида ғамхўрлик” мавзuida Халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда Халқаро “Экосан” жамғармасининг президенти профессор Ю. Шодиметов маъруза қилди.

Июнь. Истамбулда Улугбекнинг 600 йиллиги ҳамда Кандиль расадхонасининг 125 йиллигига бағишлаб Туркияда ва ислом оламида фан ва технология бўйича Халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Симпозиум ишида Ўзбекистон олимлари ҳам иштирок этди.

Июнь. Тошкентда “Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқшунослик фанларининг долзарб муаммолари” мавзuida биринчи илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

1 июль. Самарқандда “Ўзбекистоннинг мустақиллиги шароитида архив ҳужжатларидан фойдаланиш тўғрисида” мавзuida Республика илмий-амалий конференцияси очилди.

10 август. Тошкентда “Мустақил Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тизимининг яратилиши — чинакам халқ демократиясининг ғалабаси” мавзuida илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

16 август. Тошкентда “Сув ресурсларини бошқариш” мавзuida Халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

31 август-5 сентябрь. Панжикентда янги археологик топилма — кўҳна Саразм шаҳарчасига бағишланган Халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Симпозиум ишида француз археологлари билан биргаликда бу ерда қазув ишлари олиб борган ўзбекистонлик археолог олимлар ҳам иштирок этдилар.

1 сентябрь. Ўзбекистонда биринчи Тошкент машинасозлик лицейида машгулотлар бошланди.

2 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ташкил этилди.

24 сентябрь. Тошкентда республика ўрта мактаблари француз тили ўқитувчиларининг олти кун давом этган ўзбек-француз семинари ниҳоясига етди.

28 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

Сентябрь. Тошкентда нутқ маданияти масалаларига бағишланган Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Сентябрь. Ўзбекистонлик ёшларнинг 14 нафаридан иборат биринчи гуруҳи физика, ирригация, банк иши, менежмент ва филология соҳасидаги ўз билимларини такомиллаштириш учун Англияга жўнаб кетди.

Сентябрь. Жиззахда олий ҳарбий билим юрти очилди.

Сентябрь. Ўзбекистон олимлари Қоҳирада бўлиб ўтган нуфус бўйича Халқаро конференцияда иштирок этдилар.

4 октябрь. Тошкентда неонатологиянинг долзарб масалаларига бағишланган Халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

6 октябрь. Тошкентда “Ўсимлик моддалари кимёси” Халқаро симпозиуми бўлиб ўтди.

7 октябрь. Самарқандда Марказий Осиёни ўрганиш бўйича халқаро институт ташкил этишга бағишланган таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ишида халқаро ташкилотларнинг вакиллари, сиёсий ва жамоат арбоблари, АҚШ, Англия, Франция, Эрон, Россия, Марказий Осиё мамлакатлари олимлари ва мутахассислари иштирок этдилар.

13 октябрь. Тошкентда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган “Мирзо Улуғбек ва унинг жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссаси” мавзуида Халқаро илмий конференция очилди. Конференция иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов табрик йўллади.

Октябрь. Тошкентда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган “Республикани ахборотлаштириш ҳамда янги ахборот технологиялари” мавзуида Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда кўплаб мамлакатларнинг олимлари Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни ахборот билан қўллаб-қувватлашнинг ҳозирги аҳволи, шу соҳада амалга оширилаётган ва ишлаб чиқиляётган дастурлар ва лойиҳалар ҳақида тезкор ахборот алмашишнинг амалга оширилишини таҳлил қилдилар.

Октябрь. Тошкентда аълочи талабалар ва ёш олимларнинг олий ўқув юртлиаро конференцияси бўлиб ўтди.

Октябрь. Тошкентда “Архитектура ва қурилиш фанлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш” мавзуида Халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда яқин ва узоқ хорижий мамлакатлардан етакчи олимлар ва тадбиркорлар иштирок этдилар.

Октябрь. Тошкентда Ўрта Осиёни ўрганиш бўйича Франция институти ташкил этилди.

8 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Самарқанд Давлат чет тиллар институтини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

25 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Миср Араб Республикаси таълим вазири Ҳусайн Комил Баҳоуддинни қабул қилди.

25 ноябрь. Тошкентда Миср фан ва таълим маркази очилди.

Ноябрь. Тошкентда мустақиллик мафқурасига бағишланган биринчи Республика илмий-назарий ва амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Ноябрь. Биргаликдаги ўзбек-француз экспедицияси Сурхондарё вилояти ҳудудларида Қадимги Бақтрия тарихий ёдгорликлари археологик қазилмаларининг биринчи мавсумини тугатдилар. Ўзбекистон ва Франция археологлари кўҳна Термизнинг истеҳком иншоотларини ўргандилар. Хонтобод шаҳарчасида милоддан аввалги 1 минг йиллик ўргаларида барпо этилган қалъа иморатларини аниқладилар, Кушон ҳукмдорлари зарб этган тангаларни топдилар.

Декабрь. Тошкентда “Математик моделлаштириш ва ҳисоблаш эксперименти” мавзуида Халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

Декабрь. Тошкентда “Йил ўқитувчиси” мавзуида Республика танлови ўтказилди. Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 20-мактаб тарих ўқитувчиси Т. Халилова биринчи ўринни эгаллади.

1995 ЙИЛ

18 февраль. Ўзбекистонлик олимлар — Ўзбекистон Фанлар академияси Кимё институти директори, академик З.С.Салимов ва шу институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, кимё фанлари доктори, профессор А. А. Аъзамхўжаев экология ва ҳаётий фаолиятнинг хавфсизлиги бўйича Халқаро Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари этиб сайландилар.

Март. Термиз Давлат университети қошида очилган Маънавият академиясининг дастлабки машғулотлари бошланди.

Март. Тошкентда “Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар маданияти” мавзуида Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

19 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

26-28 апрель. Тошкентда талабаларнинг “Юксак маънавият — келажак пойдевори” мавзуидаги Халқаро илмий-назарий ва техникавий конференцияси бўлиб ўтди.

19 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Тошкентда “Исломни тадқиқ қилиш бўйича Халқаро марказ ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

31 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикасидаги минтақавий олий ўқув юртларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

31 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Тошкент Давлат авиация институтини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

31 май. Франциянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкуллда ва Мухтор Элчиси Жан Поль Везиан Андижон Чет тиллар институтининг Француз тили кафедраси доценти Аҳмадали Мамадалиевага “Академия пальмалари” орденини топширди. Олим ўзбекча-французча ва французча-ўзбекча изоҳли луғатлар яратганлиги учун шундай мукофотга сазовор бўлди.

6 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Академик Восит Воҳидов хотирасини абадийлаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

7 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Навоий Давлат кончилиқ институтини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

31 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтини ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

8 август. Исломбодда ўзбек олими Раҳмонберди Муҳаммаджоновга “Шавкатли меҳнати учун” медалини топшириш маросими бўлиб ўтди. Урду тили ҳақидаги фан тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳамда Ўзбекистон ва Покистон халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш ишидаги хизматлари учун Покистон Ислом Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ ўзбек олими шундай мукофот билан тақдирланди.

9 август. Тошкентда ёш истеъодларга Президент стипендиясини топшириш маросими бўлиб ўтди. Ушбу стипендияга Успенский номидаги Республика махсус мусиқа мактаб-интернатининг 5-синф ўқувчиси Даниил Холиқов ва Фарғона вилоятидаги 25-мактаб ўқувчиси Лазиз Зокиров сазовор бўлди.

14 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Республика боғдорчилиги ва узумчилигида илм-фанни ишлаб чиқариш билан интеграциялашни чуқурлаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

16 август. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

1 сентябрь. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти базасида қишлоқ туманларнинг истеъодли болалари учун Ўзбекистонда биринчи республика лицей-интернати очилди.

2 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Академиясининг очилиш маросими бўлди.

5 сентябрь. Тошкентда илмий, технологик ва саноат сийёсати масалалари бўйича Халқаро конференция ўз ишини тугатди.

7 сентябрь. Ўзбекистон олий ва ўрта ўқув юртларининг ўн саккиз нафар француз тили ўқитувчисининг бир ой давомида Франциянинг Руан шаҳридаги Потье университети қошида ташкил этилган француз тилини ўрганиш аудио-визуаль марказида ўз касбий малакаларини оширганлиги ҳақида хабар эълон қилинди. Ўзбекистонлик ўқитувчиларни Руан мэри қабул қилди, улар Шарант департаментидаги йирик шаҳарларга саёҳат қилдилар.

14 сентябрь. Вазирлар Маҳкамаси “Тошкент Давлат университетига Мирзо Улуғбек номини бериш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

15 сентябрь. Тошкентдаги “Туркистон” саройида М.Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети (ТошДУ) ташкил этилганлигининг 75 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

25-28 сентябрь. Тошкентда халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи нормаларини ва маданий меросга нисбатан ҳуқуқий нормаларни жорий этиш бўйича Халқаро минтақавий семинар бўлиб ўтди.

27-28 сентябрь. Тошкентда “Халқаро андозалар негизида сифат тизимларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амал қилиш тажрибаси” мавзуида Республика конференцияси бўлиб ўтди.

27-28 сентябрь. Нукусда “Орол бўйида ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар” мавзуида илмий конференция бўлиб ўтди.

4 октябрь. Бухорода “Ўзбекистоннинг дунё тараққиётидаги аҳамияти: Бухоро ва жаҳон маданияти” мавзуида Халқаро семинар иш бошлади. Бу анжуманда АҚШ, Буюк Британия, Италия, Дания, Германия, Франция, Польша, Россия ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари иштирок этди.

11-12 октябрь. Тошкентда Германиянинг “Скет машиненбау Гмбх” машинасозлик фирмаси мисолида саноат корхоналарини хусусийлаштириш ва санацияси тажрибасини ўрганишга бағишланган “Хусусийлаштириш ва бозор муносабатларини ривожлантириш йўллари” мавзуидаги Халқаро семинар бўлиб ўтди.

8 ноябрь. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институти олимлари Швейцариянинг “Сандо-агро” фирмаси билан биргаликда қишлоқ хўжалик экинларини замбуруғлар ва бактерия касалликларидан ҳамоя қилиш учун янги “Полисанд” полимер препаратини ишлаб чиққанликлари ҳақида хабар эълон қилинди.

9 ноябрь. Тошкентда “Полимерлар ҳақидаги фаннинг ҳозирги муаммолари” мавзуида Халқаро илмий конференция очилди.

16-18 ноябрь. Тошкентда Тупроқшунослар ва кимёгарлар жамиятининг II курултойи бўлиб ўтди.

18 ноябрь. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институтида республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор М. Асқаров раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар сифат ва пишиқ-

лиги ҳозир фойдаланиб келинаётган полимерлардан анчагина ортиқ бўлган бирикма олганликлари ҳақида хабар эълон қилинди.

23 ноябрь. Тошкентда қаттиқ жисмларнинг механоқимёси бўйича Халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

Ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида Хоразмда тугилиб ўсган буюк тилшунос олим, шоир ва файласуф Абулқосим Аз-Замахшарийнинг 920 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди.

Ноябрь. Тошкентда тарихчилар, археологлар, санъатшунослар, этнографларнинг Марказий Осиё ва Ҳиндистоннинг савдо, фан, маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорлиги муаммоларига бағишланган Халқаро коллоквиуми бўлиб ўтди.

1 декабрь. Тошкентдаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 540 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

12 декабрь. Республикамізда меҳмон бўлиб турган Жанубий ва Шарқий Европа бўйича Британия Кенгаши минтақавий директори Петер Санифорд бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазириликда бўлдилар. Бу ердаги учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Британия Кенгаши ўртасида мамлакатимизда шу ташкилот фаолиятини ривожлантириш тўғрисидаги Меморандум имзоланди. Британия Кенгаши турли мамлакатлар олий ўқув юртлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш, инглиз тилини ўрганиш марказлари ташкил этиш билан шуғулланади.

28 декабрь. Ўзбекистоннинг бир неча йирик тиббиёт олимлари, шу жумладан, профессор, тиббиёт фанлари доктори, биринчи Тошкент Давлат Тиббиёт институти госпитал жарроҳлиги кафедраси мудири А. В. Воҳидов, тиббиёт фанлари доктори, республика Кардиология илмий-тадқиқот институтининг юрак ишемиyasi касаллиги лабораторияси мудири С. З. Костко 1995 йилда Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари деб эълон қилинди.

Декабрь. Тошкентда “Цивилизация, мустақиллик ва инсон” мавзуида республика илмий-техникавий конференцияси бўлиб ўтди.

1996 ЙИЛ

Январь. Тошкентда ЮНЕСКО ҳомийлигида куёш, сув ва шамол энергиясидан инсон манфаатлари йўлида фойдаланиш муаммоларига бағишланган минтақавий семинар бўлиб ўтди.

Январь. Тошкентда Алишер Навоий таваллудининг 555 йиллигига бағишлаб “Ўзбекистон Мустақиллиги ва навоийшунослик истиқболлари” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Январь. Тошкентда “Хотин-қизлар ва бизнес” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Январь. Ҳиндистон пойтахти Деҳлида “Марказий Осиё ва Ҳиндистон” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференция ишида Ўзбекистон шарқшунослари ва тарихчилари делегацияси ҳам иштирок этди.

Январь. Тошкент Давлат иқтисодиёт университетига “Янги жамиятни барпо этиш шароитида ижтимоий-иқтисодий таълимни такомиллаштириш” мавзуида икки ҳафталик Республика семинари бўлиб ўтди.

23 февраль. Самарқандлик олим, тиббиёт фанлари доктори, Болалар жарроҳлиги илмий-текшириш бирлашмаси бош директори Азамат Шамсиев Нью-Йорк Фанлар академиясининг фахрий аъзоси қилиб сайлангани ҳақида хабар эълон қилинди.

24 февраль. Ўзбекистон ФА Ўғитлар илмий-тадқиқот институти кимёгар олимлари чигит ва донли экинлар уруғини экишдан олдин уларга ишлов берадиган янги самарали препарат ишлаб чиқдилар. У ўсимликни турли касалликларга чалинишдан сақлайди.

Февраль. Тошкент Давлат техника университети билан “Сименс” акционерлик жамияти ўртасида “Электроника, автоматика ва ҳисоблаш техникаси” факультети қошида автоматлаштириш ва бошқариш техникаси лабораторияси ташкил этиш тўғрисида шартнома имзоланди. Бу лаборатория талабаларга таълим бериш, республика халқ хўжалиги тармоқлари кадрларини қайта тайёрлаш, “Сименс” фирмаси қурилмалари ва ускуналари ёрдамида “Автоматлаштириш ва бошқарув” йўналиши бўйича илмий ишлар олиб бориш, мутахассисларга маслаҳатлар беришда Марказий Осиёда биринчи ўзига хос марказ бўлиб қолади.

Февраль. Тошкентда “Иқтисодий таълим халқаро тажрибаси ва унинг Ўзбекистонда ривожланиши” мавзуида икки ҳафталик Республика семинари бўлиб ўтди.

Февраль. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Корея Республикаси Осиё маданияти тараққиёти институти ўртасида “Осиё дунёси” ўзбек-корейс университети ташкил этиш тўғрисида Протокол имзоланди.

1 март. Тошкентда Халқаро фанлар, саноат, таълим ва маданият академиясининг Марказий Осиё филиалини очиш бўйича таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда республика вазирликлари, идоралари, ижодий уюшмалари раҳбарлари, таниқли олимлар, маданият арбоблари иштирок этдилар.

Конференцияда академиянинг низоми қабул қилинди, унинг раёсати таркиби тасдиқланди, академия филиали қошида фан ва маданият жамғармаси таъсис этилди. Халқаро академиянинг Марказий Осиё филиали президенти этиб академик П.Ҳабибуллаев сайланди.

1 март. Ўзбекистон Фанлар Академияси Ўғитлар институти олимлари ғўза баргини тўкишга мўлжалланган самарадор “Сихат” препаратини

яратганлари ҳақидаги хабар эълон қилинди. Бу препаратни Фарғонадаги “Азот” ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

1 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов АҚШнинг чет эллардаги хусусий инвестициялар бўйича Корпорацияси (ОПИК) биринчи вице-президенти Сюзан Левин ҳамда АҚШнинг савдо ва ривожланиш бўйича Мустақил агентлиги (ТДА) минтақавий директори Даниэл Стайни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг ер ости бойликларини, хусусан, нефть конларини, шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

13 март. Францияда нашр этиладиган “Археология” журналининг махсус сони чоп этилгани ҳақида хабар эълон қилинди. Ушбу сон бир вақтлар қадимги Бақтрия давлатининг бир қисми ҳисобланган Сурхондарё вилоятида олиб борилган археологик тадқиқотларга бағишланган.

15 март. Парижда “Амир Темур ва темурийлар тўғрисида илмий асарлар библиографияси” китоби чоп этилгани ҳақида хабар эълон қилинди. Китобда чет эллик тадқиқотчиларнинг Ўзбекистон тарихининг ана шу даврига бағишланган 400 дан ортиқ асарлари ҳамда Темур давлатининг бошқа мамлакатлар билан дипломатик муносабатлари ҳақида Э. Ртвеладзе ва А. Саидов тайёрлаган бир қатор илмий мақолалар ўрин олган.

Март. Самарқандда халқаро бизнес-коллежи очилди.

Март. Тошкентда жиноят, жиноят процессуал ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларни қўлланиши амалиётига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Олий Мажлисининг масъул ходимлари, маъмурий органларининг раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар иштирок этди.

Март. Тошкентда “Ёшларни экологик тарбиялаш муаммолари” мавзуга бағишланган Халқаро илмий-услубий конференция бўлиб ўтди.

5 апрель. Тошкентда “Транспорт, экология ва саломатлик” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

11 апрель. Японияда инглиз тилида тақриз билан ўзбек ва япон тилларида “Далварзинтепа шаҳристонини” илмий асари нашр этилгани ҳақида хабар эълон қилинди. Ушбу ҳажмдор, безакли асар муаллифлари Ўзбекистоннинг жанубидаги кўҳна обидаларни қазиш бўйича илмий экспедицияда қатнашган ўзбекистонлик ва япониялик олимлардир.

11 апрель. Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият бўйича атташеси жаноб Ханс Штокер Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон санъатшунослиги бўлими мудирини, тарих фанлари номзоди Баҳодир Азизович Турғуновга Германия археология институти президенти профессор Гельмут Киреляйс номидан Европада энг кўҳна илмий-тадқиқот маркази бўлган бу институтнинг чет эллик муҳбир аъзосини этиб сайлангани ҳақида диплом топширди.

17 апрель. Эълон қилинган хабарга кўра, К. Жиянбоев бошчилигидаги Қорақалпоғистон геология экспедицияси Султон Увайс тоғ тизмаси марказидаги Зийнабулоқ деган жойда тальк (оҳак талқони) кони борлигини аниқлади. Бу кон шу пайтгача маълум бўлган Шарқий Саяндаги энг йирик кондан беш баравар ортиқроқ захирага эга экан.

20 апрель. “Адолат” нашриётида “Амир Темур ва Франция” китоби нашрдан чиққани тўғрисида хабар эълон қилинди. Китоб муаллифлари ҳуқуқшунос Акмал Саидов билан француз олими Люсьен Керэнди. Асарда Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VI ва Кастилия қироли Генрих III билан олиб борган ёзишмалари, шарқшуносларнинг француз мактаби томонидан Амир Темур ва Темурийлар сулоласини ўрганишга бағишланган мақолалари ўрин олган.

22 апрель. Парижда “Темурийлар даврида фан, маданият ва таълим равнақи” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди.

Апрель. Техрон ва Шероз университетларининг темуршунос олимлари Ўзбекистонда бўлдилар. Улар Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтини бориб кўрдилар, Самарқанд ва Бухорога сафар қилиб, Темурийлар даври тарихий обидалари билан танишдилар.

Апрель. Самарқандда меъморий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва таъмирлаш муаммоларига бағишланган Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ишида Германиянинг Веймар шаҳридан ва бошқа айрим мамлакатлардан олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Апрель. Тошкентда техникавий ҳамкорлик бўйича Германия жамияти билан биргаликда “Бозор иқтисодийёти шароитида шартномалар тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириш” мавзуида Республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон ҳамда вилоятлардаги адлия бошқармалари раҳбарлари, Ўзбекистон ва Германия ҳуқуқшунос олимлари иштирок этди.

Апрель. Тошкентда “Чернобиль сабоқлари ва радиация хавфсизлиги муаммолари” мавзуида Халқаро учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон вазирликлари ва идоралари, халқаро ташкилотлар вакиллари, республика мидаги бир қатор МДХ давлатлари Фавқулодда ва Мухтор Элчилари ҳамда мутахассислар қатнашди.

2 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институтида “Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик орқали — тинчлик ва хавфсизликка” мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда республика вазирликлари ва идоралари раҳбарлари, Олий Мажлис депутатлари, дипломатик корпус вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

2 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини ташкил қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

11 май. Шаҳрисабзда “Буюк Темур, табиат ва инсон” мавзуида конференция очилди. Унда таниқли тарихчи олимлар, экологлар, ёзувчилар, бир қатор давлатлар элчихоналарининг бошлиқлари, нодавлат халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди. Конференция доирасида Қашқадарё тадбиркорлари ва хорижлик конференция иштирокчиларининг “давра суҳбати” бўлиб ўтди.

17 май. Бухорода Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд филиалининг илмий маркази очилди.

20 май. Тошкентда “Яқин Шарқ ва Марказий Осиё маданиятларининг ўзаро бойиш йўли” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

29 май. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ЮНЕСКО ижроия кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи асосида ҳозирги босқичда ёшларни тарбиялаш вазифалари мавзуида икки кунлик Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

30 май. Тошкентда Ўзбекистон ҳуқуқшуносларининг “Фуқароларни ҳуқуқий ҳимоялаш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” мавзуида Республика конференцияси бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари, давлат нотариуслари, ЗАГС идоралари ходимлари, адвокатлар, халқ хўжалигида машғул бўлган ҳуқуқ маслаҳатчилари, ҳуқуқшунос олимлар, халқ таълими тизими вилоят ҳокимиятлари, давлат-ҳуқуқ хизмати ходимлари иштирок этди.

Май. Фарғонада ижодий фанлар ўқитувчиларининг Халқаро семинари бўлиб ўтди. Унда педагоглар, шоирлар ва ёзувчилар қатнашди.

Май. Наманганда рус тили ва адабиёти бўйича навбатдаги олимпиада бўлиб ўтди. Унда республиканинг 14 олий ўқув юртидан талабалар жамоалари иштирок этди.

Май. Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институтида республика олимлари ва амалиётчиларининг амалда кенг қўлланиладиган янги биологик фаол полимерлар ҳамда композицион материаллар яратиш учун зарур синтетик ва табиий ноорганик ва органик бирикмалар олишининг самарали технологияларини ишлаб чиқишга бағишланган семинари бўлиб ўтди.

Май. Ўзбекистон Фанлар академиясида Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига бағишланган илмий конференция ўтказилди.

Май. Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг ҳисоблаш марказида янги компьютер синфларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Университет тарихида биринчи марта ўз маҳаллий ЭТЕРНЕТ компьютер тармоғи яратишга уриниб кўрилди. У хорижий университетлар билан бевосита алоқа ўрнатиб, улар билан зарур ахборотлар айирбошлашга имкон беради.

Май. Андижонда олий ўқув юртлари қошида ташкил этилган лицейлар ва лицей-интернатларда ўқув-тарбиявий жараёни такомиллаштириш муаммолари бўйича Республика илмий-амалий семинари ўтказилди.

Май. Тошкентда биринчи марта “Тошларнинг мафтункор олами” деган геммологик конференция — кўрғазма бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон рангли тошлар минерал хом ашё базасини ривожлантириш муаммолари кўриб чиқилди.

Май. Гавр шаҳри университетига “Марказий Осиё — мустақиллик ва мустахлак” мавзуида илмий конференция бўлиб ўтди. Конференция кунларида университетда ҳозирги Ўзбекистон ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи катта фотоқўрғазма ташкил этилди.

Май. Тошкентда беш кун давомида “Илғор технологиялар ҳамда авиакосмик техникани яратиш ва ундан фойдаланиш услублари” мавзуида I Республика илмий-амалий конференцияси иш олиб борди.

Май. Ўзбекистон олимлари “Араблар оламининг Марказий Осиёдаги му сулмон республикалари билан муносабатлари истиқболлари” мавзуида Эр-Риёлда (Саудия Арабистони) илмий-амалий семинарда иштирок этдилар.

Май. Наманганда Амир Тему р меросини ўрганиш бўйича унинг тавал лудининг 660 йиллигига бағишланган Халқаро илмий-назарий конферен ция бўлиб ўтди. Унда олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар ўқитувчилари, Ўзбекистон Фанлар академияси вакиллари, республикамизда рўйхатга олинган хорижий дипломатлар иштирок этди.

Май. Халқ таълими вазирлигида республикадаги 13-мактаб ва 2-хунар- техника билим юртига таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик воситасида тинчлик ва ҳамжиҳатлик ғояларини тарғиб қилиш мақсадида ЮНЕСКО томонидан тузилган “Уюшган мактаблар дастури”га аъзолик ҳақидаги рес- публика сертификатини топшириш маросими бўлиб ўтди.

13 июнь. Бостон коллежида “Ўзбекистон: мустақилликнинг беш йили” мавзуида илмий семинар бўлиб ўтди. Семинарда Ўзбекистон Республика- сида экология, демография, сиёсат ва иқтисодиёт муаммолари кўриб чи- қилди. Семинарнинг якунловчи мажлиси Бостон шаҳри яқинидаги Кем- брижнинг Гарвард университетига ўтказилди. У ерда “Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти” китобининг тақдимоти ўтказилди.

21-22 июнь. Тошкентда “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мус- таҳкамлашда қасаба уюшмаларининг тутган ўрни” мавзуида икки кунлик Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

28 июнь. Пекинда ХХР Ижтимоий фанлар академияси ҳамда Шарқий Европа ва Марказий Осиё муаммолари тадқиқотчилари Умумхитой ассо- циацияси ташкил этган “Амир Тему р ва унинг жаҳон тарихидаги аҳамия- ти” мавзуида Халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

Июнь. Тошкентда “Мустақиллик: маҳалла ривожланиш йилларида” мав- зуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Июнь. Тошкентда “Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқнинг дол- зарб масалалари” мавзуида III анъанавий Республика илмий-назарий кон- ференцияси бўлиб ўтди.

9 июль. Самарқанд Тиббиёт институти госпиталь жарроҳлиги кафедраси мудири, профессор Баҳром Турсунов Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Июль. Франциянинг Экс-Ан-Прованс шаҳрида араб-мусулмон олами муаммоларини муҳокама қилиш бўйича уч кунлик Халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Конференциянинг Марказий Осиё минтақаси тарихи ва маданияти масалалари мавзуи бўйича секциясида ўзбек ёш олимлари Бахтиёр Бобожонов, Элёр Каримов, Аширбек Мўминовлар маъруза қилдилар.

2 август. Тошкентда “Темурийлар тарихи буюк меросимиз” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

28 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Фан ва техника соҳасида 1996 йилги Беруний (Абу Райҳон Беруний) номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотини бериш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Мукофот “Атом комплексларининг қаттиқ жисм сирти билан ўзаро таъсири, янги технологиялар ва приборлар” тадқиқоти (1979—1995 йиллар давридаги тадқиқотлар цикли) учун Э. Т. Абдукаримов, Н. Х. Жемиллов, Э. Г. Назаровга; “Тезпишар ва серҳосил, тола сифати юқори бўлган ўрта толали ғўза навлари яратгани ва ишлаб чиқаришга жорий этгани учун С. С. Содиқов (марҳум), В. А. Автономов, А. М. Батталов, К. М. Маҳмадалиева; “Қорақалпоқ тилининг изоҳли луғати” (4 жилдди) яратгани учун М. Календерев, К. Д. Давлетбоев, Р. Есемуратова, А. Тўрабоевга; “Болаларда ўткир ичак касалликлари” иши учун О. С. Маҳмудовга берилди.

Август. Тошкентда Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган “Мустақиллик — фан — ривожланиш” мавзуида семинар ўтказилди.

21 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ташкил этилган “Ўзбекистоннинг янги тарихи” маркази ташкилий гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда марказнинг асосий мақсад ва вазифалари белгилаб чиқилди.

23 сентябрь. Тошкентда “Фан ва техника соҳасида халқаро интеграция: МДХ давлатларининг янги бозорларга чиқиш йўли” мавзуида илмий семинар очилди. Унда жаҳоннинг 14 мамлакатидан илмий-техникавий соҳа вакиллари иштирок этди.

27-29 сентябрь. Самарқандда Амир Темуր таваллудининг 660 йиллигига бағишланган Халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

Сентябрь. Тошкентда “Буюк Ипак йўли. Табиий ипак етиштириш ва уни қайта ишлашнинг илмий асослари” мавзуида Амир Темури таваллудининг 660 йиллик юбилейига бағишланган уч кунлик Халқаро илмий-ама-

лий конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Япония, Туркия, Швейцария, Россия, Тожикистон, Қирғизистон мутахассислари қатнашдилар.

Сентябрь. Пекинда ХХХ Халқаро геология конгресси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон геологларининг Миллий комитети делегацияси илк марта иштирок этди.

Сентябрь. Куvasой шаҳрида тадбиркорларнинг республикада биринчи ўқув-илмий ишлаб чиқариш маркази очилди. Янги коллежда ўқишга 300 йигит ва қиз қабул қилинди.

Сентябрь. Анқарада (Туркия) математика бўйича Халқаро олимпиада бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 27 мамлакатидан ўқувчилар иштирок этди. Бухородаги лицей ўқувчиси Санжар Шарипов учинчи совринли ўринни эгаллади.

Сентябрь. Бухорода “Шайх Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг аҳамияти, унинг ахлоқ ва сиёсатга таъсири” мавзуида Халқаро илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

4 октябрь. Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институтида ядро реакторини физикавий ҳимоя қилиш янги тизимининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унинг лойиҳасини Институт ходимлари Американинг “Advantor” фирмаси мутахассислари билан биргаликда яратдилар.

Октябрь. Вашингтонда юқори инстанция судьяларининг “Марказий ва Шарқий Европа, Болтиқбўйи, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари конституциявий ва олий судлари” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференция ишида Ўзбекистон ҳуқуқшунослари делегацияси ҳам иштирок этди.

Октябрь. Тошкент вилоятининг тоғлик Чорвоқ посёлкасида Ўзбекистон олимларининг буюк француз олими Рене Декартнинг 400 йиллигига бағишланган “Фалсафа, математика ва физика” мавзуида тўрт кунлик семинар бўлиб ўтди.

Октябрь. Киевда “Амир Темур ва унинг даври” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди.

Октябрь. Тошкентда “Бозор муносабатлари шароитида тупроқлар бонтировкасининг илмий асослари” мавзуида конференция бўлиб ўтди. Унда республиканинг барча вилоятларидаги тупроқшунос олимлар ва уларнинг қўшни давлатлардаги ҳамкасблари иштирок этишди.

Октябрь. Тошкентда антик даврдан ҳозирги кунгача бўлган шаҳарсозликнинг тадрижий тараққиётига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди. Унинг муаллифи ва ташкилотчиси ёш француз меъмори, Марказий Осиё тадқиқотлари Француз институти ходими Реза Нураньян бўлди, у қарийб икки йил Тошкент шаҳарсозлиги тараққиёти генезисини ва тарихи ҳақида илмий изланишлар олиб борган эди.

Октябрь. Орол денгизи ҳавзаси муаммоларини ёритиш бўйича “Вестник Арала” (“Орол ахборотномаси”) илмий журналининг илк сони босмадан чиқди.

4 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг тантанали очилиш маросими бўлди. Унинг жамоаси ва тиңловчиларига Президент Ислом Каримов табрик йўллади.

21 ноябрь. Тошкентда пудратнинг аҳамияти ва муаммоларига бағишланган Халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинар ишида Ўзбекистон, ГФР ва АҚШдан ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, олимлар ва амалиётчилар иштирок этишди.

Ноябрь. Андижонда Давлат тили тўғрисидаги Қонунни амалга ошириш муаммоларига бағишланган Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Ноябрь. Тошкентда умумий тавсияларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилиш, узлуксиз таълимни таъминлашдаги жаҳон тажрибаси билан танишиш, бозор шароитларида унинг мазмунини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш масалаларига бағишланган Халқаро ҳамкорлик конференцияси бўлиб ўтди.

Ноябрь. Тошкентда “Махсус таълимни такомиллаштириш” мавзуида ўн кунлик Республика семинари бўлиб ўтди.

Ноябрь. Исломободда ўзбек тилида гаплашув бўйича танлов бўлиб ўтди. Уни Покистон замонавий тиллар Миллий институти ташкил этди. Талаба Шарбат Хон танлов ғолиби бўлди. У Шарқнинг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижоди ҳақида ўзбек тилида ахборот берди.

Ноябрь. Тошкентда сиёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий ислоҳот яқунлари ва вазифалари юзасидан ёшларни тарбиялаш масалалари, гуманитар ва табиий фанларни ўқитиш услугиёти бўйича Республика илмий-услубий конференцияси бўлиб ўтди.

4 декабрь. Тошкентда фундаментал тадқиқотлар республика танлови яқунларига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондаги илмий ташкилотлар ва олий ўқув юр்தларининг юздан ортиқ вакиллари иштирок этди.

5 декабрь. Тошкентда “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди.

16 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистоннинг янги тарихи”ни тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

20 декабрь. Ўзбекистон Фанлар академиясида Абдурауф Фитрат тавалудининг 110 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ва илмий конференция бўлиб ўтди.

21 декабрь. Покистоннинг “Бураг” планетар жамияти ташкил этган учинчи Халқаро ёшлар аэрокосмик лагери машғулотларида иштирок этиш учун Ўзбекистондан уч нафар юқори синф ўқувчилари: Қашқадарё вилояти Фузор туманидан Худойберди Шарипов, Самарқанддан Зафар Воҳидов, Тошкентдан Шавкат Усмонов Исломободга учиб кетишди.

Декабрь. Анкарада “Ўзбекистон — Туркия” ва “Туркия — Ўзбекистон” жамиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди. У икки халқ ўртасидаги маданий ва илмий алоқаларни кенгайтиришга, туркий тили халқларнинг бой маданий меросини ёйишга қаратилган эди.

Декабрь. Тошкент Давлат Юридик институти қошида инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш бўйича Марказ очилди.

Декабрь. Андижонда “Хотин-қизлар ва саломатлик” мавзуида Республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

1997 ЙИЛ

10 январь. Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов мамлакатимизга ташриф буюрган Тожикистон Республикаси Бош вазири Яхё Азимов билан учрашди. Учрашувда таълим соҳасида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланди.

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Истеъдодли ёшларнинг чет элларга бориб ўқишини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умид” жамғармасини ташкил этиш бўйича ташкилий тadbирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

22 январь. Тошкентдаги Фан ва техника Давлат қўмитасида Американинг “Новелл” фирмаси вакиллари Ўзбекистоннинг бир қатор олий ўқув юртиларига инъом тариқасида компьютер дастурлари пакетини топширдилар. Мазкур дастурлар фирманинг энг янги маҳсулотлари бўлиб, республика компьютер тармоғининг жаҳон ахборот тизимига уланишига имкон беради.

Январь. Тошкентда ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий ва маънавий тарбиясини янада такомиллаштириш вазифаларига бағишланган Республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

28 февраль. Тошкентда “Инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг қонунчилик асослари” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Февраль. Марказий Осиё саҳро ресурсларини ўрганиш, сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш Халқаро илмий-техникавий дастурини шакллантириш АҚШ, Франция, Германия олимлари иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган кенгашининг асосий мақсади бўлди.

10 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

19 март. Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида унинг китоб бойлигини тўлдирган китоблар тақдими бўлиб ўтди. Иқтисодиёт бўйича рус ва инглиз тилларида чиқарилган янги нашрлар Жаҳон банки томонидан университетга инъом тариқасида тақдим этилди.

19 март. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида чет эллардаги истеъдодли ёшлар таълимини қўллаб-қувватлаш

бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умид” жамғармаси билан “Нише Иваи корпорейшн” компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди. Ушбу битимга кўра компания жамғармага 150 минг АҚШ долларини ажратганди.

Март. Тошкентда ёш олимлар ва талабаларнинг III Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Март. Тошкентда япон тилида нотиқлик санъати Халқаро танлови ўтказилди. Унда Марказий Осиё мамлакатларидаги олий ўқув юртларининг япон тили факультетлари талабалари иштирок этди. Биринчи ўринни Қозоғистон Давлат университети талабаси Кэмэсали Бисэнгали, иккинчи ўринни Тошкент Давлат Шарқшунослик институти талабаси Фаррух Валиев эгаллади.

8 апрель. Тошкент Давлат Жаҳон тиллари университетида япон тили марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида очилган марказга Япония томони Куёш чиқиш мамлакати ҳаётининг турли соҳаларига оид зарур адабиётлар, телевизорлар, аудио ва видео аппаратлар, кўпайтириш техникасини инъом этди.

17 апрель. Тошкентда “Космик тадқиқотлар, технологиялар ва конверсия” мавзуида Халқаро илмий-амалий конференция ўз ишини якунлади. Конференция ишида Россия, Беларусь, Марказий Осиё республикалари космик агентликлари вакиллари, ўзбекистонлик мутахассислар иштирок этишди.

26 апрель. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Самарқанд бўлими олимлари жаҳон амалиётида биринчи марта консерваланган тарвуз шарбати олиш технологиясини ишлаб чиққанлиги ва Ўзбекистон Давлат стандартининг меъёрий-техник ҳужжатларини олганлиги ҳақида хабар эълон қилинди.

Апрель. Япония монетар ва фискаль сиёсати институти президенти Харухико Курода Республикамызга ташриф буюрди. Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси билан ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома имзоланди. Ушбу шартномага биноан академия тингловчилари Япониянинг энг йирик банк ва молия муассасаларида амалий машғулотлар ўтказиш имкониятига эга бўлдилар.

Апрель. Самарқандда “Хорижий таълим ва истеъдодли ёшларни танлашнинг жаҳон тажрибаси” мавзуида Халқаро илмий семинар бўлиб ўтди.

Апрель. Ўзбекистон олимлари делегацияси агрометеорология маълумотлари базасини бошқариш долзарб муаммосига бағишланган V Халқаро семинарда иштирок этишди. Семинар Бег-Даган шаҳрида (Исроил) бўлиб ўтди.

Апрель. Тошкентда “Суд қарорларини ижро этишнинг ҳуқуқий тартибга солиниши” мавзуида Халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

8 май. Тошкентда “Давлат, оила ва тарбия муаммолари” мавзуида Республика конференцияси очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов конференция иштирокчиларига табрик йўллади.

21-22 май. Тошкентда қишлоқ ҳўжалик ўқув юртлари ўқитувчилари, шунингдек, Тошкент ва Жиззах вилоятлари фермерлари учун минтақавий семинар бўлиб ўтди.

28 май. Навоий шаҳрида “Минерал ресурсларни комплекс ўрганиш: XXI аср муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари” мавзуида Халқаро илмий-техникавий конференция бўлиб ўтди.

28 май. Тошкентда дастурий лойиҳалар ва компьютер технологияларининг интеллектуал мулк тури сифатидаги ҳуқуқий ҳимояси масалаларига бағишланган Халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда Англия, АҚШ, Швейцариядан мутахассислар, Марказий Осиё минтақаси давлатларидан муаллифлик ҳуқуқлари муҳофазаси билан шуғулланувчи хизматлар раҳбарлари ва ходимлари иштирок этди.

30 май. Тошкентда республика ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари томонидан тайёрланган буюмларнинг анъанавий Республика кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди.

30 май-13 июнь. Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг бир гуруҳ олимлари АҚШда “Таълимда Америка менежменти” мавзуидаги семинар ишида қатнашдилар. Семинарни Нью-Йорк давлат университети ҳар иккала университет ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага биноан ташкил этган эди.

Май. Тошкентда “Мустақил Ўзбекистон: фалсафий ва ҳуқуқий фанларнинг долзарб муаммолари” мавзуида IV Республика илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди.

Май. Андижонда Бобур номидаги Халқаро жамғарма ҳамда унинг номи билан аталган Халқаро илмий экспедиция ташкил этилганининг беш йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Бу йиллар мобайнида Халқаро илмий экспедиция 15 мамлакат ҳудудидан буюк Темурийлар қадами теккан жойлар бўйлаб 100 минг километрдан ортиқроқ йўлни босиб ўтди. Покистон, Ҳиндистон, Афғонистонда Бобур зурёдлари топилди ва улар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди. Тантаналарда таниқли ўзбек ёзувчилари, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, қўшни Марказий Осиё республикаларидан олимлар иштирок этишди.

Май. Тошкентда “Миллий қадриятлар ва ёшлар” мавзуида республика талабаларининг биринчи кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Май. Оролбўйи минтақасида Ўзбекистонда ишлаб турган Марказий Осиёни ўрганиш Франция институти директори Пьер Шувен бошчилигидаги Халқаро илмий экспедиция ўз ишини якунлади. Таркибида Франция, Ўзбекистон, Қозоғистоннинг йирик тарихчи олимлари, элшунослари, археологлари, экологлари бўлган экспедициянинг йўли қадимги карвон сўқмоқларидан ўтди. Қадимда бу сўқмоқлар Устюрт ясси тоғлари орқали Жанубий Оролбўйи ва Шарқий Европа халқлари ўртасидаги савдо алоқаларини таъминлар эди.

Май. Тошкентда Давлат Юридик институтида Марказий Осиё билан алоқалар бўйича ЕХХТ Бюроси ташаббуси билан ташкил этилган инсон ҳуқуқлари бўйича курслар ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Май. Урганчда хўжалик даъволари бўйича суд ишлари масалаларига бағишланган Халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Май. Тошкентда мамлакат олий ўқув юртлари иқтисодиёт факультетлари талабалари учун “Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳон хўжалиги тизи-мида” мавзуида Республика олимпиадаси бўлиб ўтди.

10 июнь. Тошкентда қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда йигирма мамлакатдан, шу жумладан, Австрия, Буюк Британия, Германия, АҚШ, Франция, Швейцариядан олимлар ва мутахассислар иштирок этишди.

18-20 июнь. Тошкентда “Тупроқдан оқилона фойдаланишнинг экологик жиҳатлари” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

24 июнь. Самарқандда “Ҳозирги босқичда ўрта бўгин мутахассислари тайёрлашнинг долзарб масалалари” мавзуида Республика илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

25 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш, ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишларини яхшилаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Июнь. Янгийўлдаги 12-мактаб Халқаро мактаблар тизимида киритилди. Мактабга ЮНЕСКОнинг махсус гувоҳномаси топширилиши туфайли у бошқа мамлакатлар билан ўқувчилар айирбошлаш имкониятига эга бўлди.

Июнь. Самарқандда зилзила муаммоларига, бу табиий офатни олдиндан айтиб бериш муаммоларига бағишланган Халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференция ишида Россия, Қозоғистон, Украина ҳамда Ўрта Осиё республикаларидан олимлар ва мутахассислар иштирок этишди.

8 июль. Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларида таълимнинг пуллик-шартномавий шаклига ўтиш ва тушган маблағларни сарф қилиш тўғрисидаги Низом эълон қилинди. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан 1997 йил 3 июлда тасдиқланган.

31 июль. Эълон қилинган хабарга кўра, Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг ректори, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Нейматилла Иброҳимов Қувайтнинг “Ал-Бабтин” жамғармаси таъсис этган Имом ал-Бухорий номидаги Халқаро мукофотга сазовор бўлди. Ўзбек олими бу мукофотга 1995 йили Байрут шаҳрида нашр этилган “Араб халқ романи” асари учун лойиқ, деб топилди.

Июль. Тошкентда “Ижтимоий фикр” жамоатчилик марказини ташкил этиш бўйича таъсис йиғилиши ўтказилди.

Бу марказ мустақил илмий-тадқиқот, ахброт-таҳлилий муассаса ҳисобланади. Унинг асосий мақсади ва вазифаси Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик давлат барпо этиш соҳасида амалга оширилаётган сиёсий, ижти-

мой, иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлашдир. Марказ ўз фаолиятида АҚШ, Германия, Англия, Россия каби мамлакатнинг тажрибасини, хусусан, республикамизнинг хусусиятларини, халқимизнинг тафаккур тарзини ҳисобга олган ҳолда жамоатчилик фикрини ўрганиш учун услубий асосларни ишлаб чиқишга алоҳида эътиборни қаратади.

Ташкилот қошида республиканинг етакчи социолог олимларини ўз таркибига бирлаштирган илмий-услубий кенгаш ишлаб турибди.

“Ижтимоий фикр” маркази ўз фаолиятида бутун мамлакатни қамраб олади. Вилоятларда малакали социолог мутахассисларни бирлаштирган ҳудудий таянч пунктлар ва базалар ташкил этилган. Маҳаллий ҳокимиятлар ёрдамида уларнинг ходимлари савол-жавоблар, сўровлар ўтказадилар, комплекс ижтимоий тадқиқотлар олиб борадилар.

Июль. Аски шахрида (Туркия) кимё бўйича ўтказилган Халқаро олимпиадада Самарқанддаги ўзбек-турк лицейининг ўқувчиси Хайрулла Ҳамидов олтин медални қўлга киритди.

1 август. Тошкентдаги Киночилар уйида чет элда ўқиётган истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича Президентнинг “Умид” жамғармаси танлови ғолибларини тантанали шарафлаш маросими бўлиб ўтди. Танловда олий ўқув юртлари талабаларидан икки минг нафарга яқин киши иштирок этди. Улардан 160 нафари ғолиб чиқиб, “Умид” жамғармаси гранти соҳиби бўлди.

7 август. Тошкент Давлат Техника университети қошида бизнесни бошқариш факультетини биринчи битириш маросими бўлди. Факультет маркетинг тадқиқотлари, молия ва кредитлар масаласида инглиз тилини эгаллаган, компьютерда ишлай оладиган 50 нафар мутахассис тайёрлаб чиқарди. Уларга бакалавр сертификатлари топширилди.

20 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг моддий турмуш шароитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

21 август. Тошкентда хотин-қизларнинг жамиятдаги ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга бағишланган илмий-амалий конференция ўз ишини бошлади.

Август. Измирда (Туркия) математик лойиҳалар бўйича Халқаро олимпиада бўлиб ўтди. Унда 17 мамлакатдан 126 истеъдодли ёшлар иштирок этди. Жумладан, Тошкент вилояти Ангрен шахридаги ўзбек-турк лицейи ўқувчиси Фаррух Қорабоев олимпиадада “Ёпиқ ҳавза хавфсизлик стратегиясини қидириш” лойиҳасини инглиз тилида ёқлаб, биринчи ўринни эгаллади ва олтин медалга сазовор бўлди.

Август. Ўзбекистонлик юқори синф ўқувчиларининг катта бир гуруҳи АҚШда ўқиш учун жўнаб кетди. АҚШдаги таълим ва тилларни ўрганиш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича “Акселс” Маркази уларнинг чет элда бир йил давомида ўқиши учун имконият туғдирди. Марказ истеъдодли ўқувчилар, талабалар ва аспирантларнинг таълим олиши учун бир неча йилдан бери Ўзбекистонда бир қатор узоқ муддатли хайрия дастурларини амалга ошириб келмоқда.

1 сентябрь. Республика олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” номли янги курсни ўрганишга киришдилар. Унга Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китоби асос қилиб олинган.

9 сентябрь. Самарқандда “Ядро физикасининг ҳозирги замон муаммолари” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференция ишида Ўзбекистон, АҚШ, Италия, Франция, Туркия ва МДХ давлатларининг олимлари иштирок этди.

9 сентябрь. Тошкентда “Интеллектуал мулкдан фойдаланиш ва инновация жараёнларини ривожлантириш соҳасида “Шарқ — Ғарб” ҳамкорлиги ва ўзаро мувофиқлиги” мавзуида Халқаро илмий семинар ўз ишини бошлади. Унинг ишида Бельгия, Германия, Италия, Нидерландия, АҚШ, Португалия, Туркия, Болтиқбўйи республикалари ва МДХнинг бир қатор мамлакатларининг етакчи олимлари ва бизнесменлари иштирок этишди.

17 сентябрь. Тошкентда “Амир Темур ва теурийлар даврида Марказий Осиё ва Европа” мавзуида Халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. У ўз ишини Шаҳрисабзда давом эттирди.

26 сентябрь. Тошкент вилоятининг Паркент туманида Чотқол биосфера қўриқхонасининг 50 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Қўриқхона Тянь-Шань тизма тоғи тармоқларида жойлашган бўлиб, тоғ массивининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш билан шуғулланади.

30 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги IX сессиясида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва жорий этилди.

Сентябрь. Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги Карноб посёлка яқинида қалай қазиб олиш бўйича бронза даврига оид конларни тадқиқ этиш бўйича ўзбек-герман археологик экспедицияси ўз ишини ниҳоясига етказди.

Сентябрь. Тошкентда Европа сиёсати институти (Бельгия) билан биргаликда “Европа Иттифоқи ТАСИС дастури доирасида мустақиллик” ва “Мелфодий лойиҳаси” мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда энг йирик чет эл ва ўзбек экспертлари иштирок этди.

Сентябрь. Туркияда бўлиб ўтган ўқувчиларнинг биринчи Евроосиё олимпиадасида Намангандаги ўзбек-турк лицейининг ўқувчиси Шерзод Мадраҳимов кимёдан аъло билими учун биринчи даражали диплом ва олтин медалга сазовор бўлди. Ориф Мелибоев эса физика бўйича олимпиадада учинчи ўринни олишга муваффақ бўлди.

3 октябрь. Тошкентда “Ўзбекистонда полиметалл хом ашёсини қайта ишлаш кимёси ва технологиясининг долзарб муаммолари” мавзуида илмий-техникавий конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ишида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия мутахассислари иштирок этди.

6 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

11 октябрь. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг бошлиғи, юридик фанлари доктори, профессор У. Тожихонов ҳамда криминология кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлари доктори, профессор З. Зарипов табиат ва жамият тўғрисидаги фанлар Халқаро академиясининг ҳақиқий аъзолари бўлганликлари ҳақида хабар эълон қилинди.

13-16 октябрь. Тошкентда Марказий Осиё ва Россия етакчи метеоролог-мутахассисларининг Халқаро илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

14-16 октябрь. Тошкентда турли-туман маҳсулотлар — дори-дармонлар, қоғоз, локли бўёқлар ва кўйлаб бошқа буюмлар тайёрлаш учун янги экологик материаллар олиш мақсадида полисахаридларни ўрганиш муаммоларига бағишланган Халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

18 октябрь. Эълон қилинган хабарга кўра, Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида пахта кунжарасидан (ёғ заводи чиқитидан) ҳайвонларни тўйимли озиқлантириш учун оқсилли қўшимчаларнинг янги турларини яратиш технологияси ишлаб чиқилди.

19 октябрь. Бухорода “Инсониятнинг илмий ва маданий мероси — учинчи минг йилликка” мавзуида Халқаро симпозиум бўлиб ўтди, у Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига бағишланди.

28 октябрь-3 ноябрь. Тошкентда “Талабалар ва амалиётчи юристларни инсон ҳуқуқлари соҳасида ўқитиш” мавзуида иккинчи Халқаро семинар бўлиб ўтди.

29 октябрь. Тошкентда мактабда ҳуқуқий фандан дарс бериш услубиётини ўқитиш бўйича Республика семинари ўз иштини бошлади. Семинар ишида мамлакатимиз барча вилоятларининг услубиётчи ўқитувчилари, олий ўқув юрлари муаллимлари, вазирликлар, хорижий ва жамоат ташкилотлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ вакиллари иштирок этишди.

Октябрь. Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида ўзбек олими, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Бўрибой Аҳмедовга Ўш вилояти жамоат ташкилотлари таъсис этган Халқаро “Мисир” мукофотини топширилиши муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Олим ўзининг “Амир Темур” тарихий романи учун ушбу мукофотга сазовор бўлди.

Октябрь. Қирғизистон Миллий Фанлар академияси президенти Т. Қўйчиев, шу академия вице-президенти М.Плоских ва Тарих институти директори Ж. Жунушалиевдан иборат Қирғизистон олимлари делегацияси мамлакатимизда бўлди. Делегация аъзолари Ўзбекистон Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида бўлишди. Суҳбат чоғида икки қўшни мамлакат олимлари жамоалари ўртасида илмий алоқаларни мустаҳкамлаш гоят зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Октябрь. Тошкентда энергетика соҳаси учун янги истиқболли материаллар ва юксак технологияларни ишлаб чиқиш муаммоларига бағишлан-

ган Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда илмий-тадқиқот институтлари ва илмий-техникавий марказлар раҳбарлари, энергетика йўналишидаги корхоналарнинг директорлари ва бош конструкторлари, бир қатор МДХ давлатларининг олимлар ва мутахассислар, саноятчилар иштирок этишди.

Октябрь. Тошкентда Ўзбекистон микробиологларининг I съезди бўлиб ўтди. Съезд ишида Украина, Россия, Беларусь, Покистон олимлари қатнашди.

Октябрь. Пекинда ХХР Ижтимоий Фанлар академияси Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига бағишлаб ташкил этган илмий конференция бўлиб ўтди. Унда мамлакат илмий муассасалари, олий ўқув юртларининг етакчи олимлари ва мутахассислари иштирок этишди.

3 ноябрь. Тошкентда “Марказий Осиё саҳролари: ҳимоя қилиниши ва ривожланиши” мавзуида Халқаро семинар бўлди. У кенг миқёсдаги ҳалокатлар ва табиатдан нооқилона фойдаланиш туфайли келиб чиққан ернинг хароблашуви ва бузилишига қарши ўзаро уйғунлашган фаолиятни ишлаб чиқишга бағишланди.

4 ноябрь. Тошкентда ер йўлдошидан олинган тасвирларни ишлаб чиқиш ва ўрганиш учун “Кофутис” ўзбек-француз тезкор маркази очилди. Марказда ишлаш учун ўзбек олимлари Париж ва Тулуза университетларида махсус тайёргарликдан ўтишди.

4 ноябрь. Республика Таълим марказида Польша, Туркия, Туркменистонда ўтказилган Халқаро олимпиадалар ғолиблари — ўқувчи ва талабаларга совғалар топшириш маросими бўлиб ўтди. Уларда етти нафар юртдошимиз олтин, ўн тўрт нафари эса кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишганди. Ғолибларнинг барчасига замонавий компьютерлар ва бошқа қимматбаҳо совғалар топширилди, шунингдек, ўқувчилар олий ўқув юртларининг биринчи курсига имтиҳонсиз қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўлдилар.

6 ноябрь. Тошкент Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида пойтахтимизда Иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар маркази ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжат лойиҳаси имзоланди. Ҳужжат БМТ тараққиёт дастури (БМТ ТД) билан биргаликда Ўзбекистон ҳукумати томонидан тузилди. Ушбу лойиҳа бўйича битимни БМТнинг республикамиздаги вакили Холид Малик ва Президентнинг ижтимоий ва иқтисодий масалалар бўйича давлат маслаҳатчиси В.Ғолишев имзолادилар.

10 ноябрь. Тошкентда “Амир Темури ва инсон манфаатлари” мавзуида Халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

11 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов “Хоразм Фанлар академиясини тиклаш тўғрисида” Фармон чиқарди. Қадимда “Маъмур” деб аталган бу академия фан, таълим ва маданият маркази ҳисобланиб, инсоният тарихида дастлабки илм марказларидан бири бўлган.

Ушбу Фармон илм-фанни ривожлантириш, халқимизнинг маънавий ва интеллектуал қадриятларини тиклаш ҳамда кўпайтириш ҳақида қилинаётган гамхўрликнинг ёрқин далилларидан бири бўлди. Фармонда қайта

тикланган Академиянинг бош мақсади — Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини ошириш, унинг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақаларда илм-фанни янада ривожлантириш, шунингдек, истеъдодли ва фидойи олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, миллий анъаналарни тиклаш, юксак даражадаги интеллектуал муҳитни шакллантиришдан иборат муҳим вазифани адо этишдир.

17-18 ноябрь. Тошкентда иқлим ўзгаришлари муаммолари бўйича БМТ Конвенцияси доирасида Марказий Осиё республикаларининг фаолиятига бағишланган Халқаро семинар бўлиб ўтди.

20-22 ноябрь. Тошкентда микроиқтисодий сиёсат масалаларига бағишланган Халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда Жаҳон банкининг етакчи иқтисодчилари, Ўзбекистон, Польша, Чехия, Канада, Мексика, Колумбия, Буюк Британия мутахассислари, Халқаро валюта жамғармаси вакиллари иштирок этишди.

20-21 ноябрь. Тошкентда “Экологик таълим ва саноатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари” мавзуида Халқаро илмий-техникавий конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Украина, АҚШ, Чехия, Швейцариянинг эколог олимлари, ЮНЕСКО вакиллари иштирок этишди.

26 ноябрь. Тошкентда ўқув юртлари педагогларининг кадрлар тайёрлаш Миллий дастури олий таълим тизими олдига қўйган вазифалар юзасидан олий ўқув юртлари профессор ва ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга бағишланган Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Ноябрь. Тошкентда “Конституция ва ёшлар ҳуқуқлари” мавзуида Республика конференцияси бўлиб ўтди. Унда ёш ҳуқуқшунос олимлар, олий ўқув юртлари талабалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Ноябрь. Тошкентда Халқаро конференция бўлиб ўтди, унда пўлат эмиссион электроникаси соҳасидаги янги усуллар ва технологиялар муҳокама қилинди. Конференцияда жаҳоннинг 11 мамлакати — Австрия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Франция, МДХ республикаларидан электрон саноат соҳасида ишлайдиган етакчи олимлар қатнашдилар.

Ноябрь. Тошкентда “Мустақил Ўзбекистон — илм-фан тараққиёти ва илғор технологиялар кафолати” мавзуида II Республика илмий коллоквиуми бўлиб ўтди. Унда республика олий ўқув юртларидан 246 аспирант ва фан доктори иштирок этди.

12-13 декабрь. Тошкентда “Дистацион таълим: тажриба ва ривожланиш” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Уни АҚШ ахборот агентлиги билан ҳамкорликда Халқаро тадқиқотларни айирбошлаш кенгаши ташкил этди.

12-13 декабрь. Тошкентда “Енгил саноат корхоналарида экология ва саноатли муаммолари” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Олимлар ва амалиётчилар, дипломатик корпус вакиллари нафақат экологик жиҳатдан соф маҳсулот ишлаб чиқариш, балки атроф-муҳитнинг энг кам даражада ифлосланиш йўларини қидириб топишни муҳокама қилишди.

17 декабрь. Таниқли физик олим, Андижон университети ректори, профессор Сирожиддин Зайнобиддинов АҚШ Фан, таълим индустрия ва санъат Халқаро академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайлангани ҳақида бабар эълон қилинди.

29 декабрь. Тошкентда 1998 йилда аспирантлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиясига сазовор бўлган танлов голибларига махсус гувоҳномалар топшириш маросими бўлди. Улар қуйидагилардир: А. Г. Холлиев — Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети аспиранти; Г. О. Муротов — шу университет аспиранти; Л. К. Сарибоев — ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими табиий фанлар Қорақалпоғистон кўп тармоқли институти аспиранти; Ш. Г. Маҳкамова — 1-Тошкент Давлат Тиббиёт институти аспиранти; Ф. У. Мамарасулов — Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника университети аспиранти.

30 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Республика “Устоз” жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Декабрь. Англияда таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар шарафига Лондоннинг машҳур “Имаженейшн” қабуллар залида тантанали янги йил олди оқшоми ташкил этилди. Учрашув чоғида Ўзбекистоннинг Англиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Ф.Тешабоев ва Банк-молия академияси ректори М. Очилов иштирок этишди.

Бу йил бакалавр ва магистр даражасини олиш учун иқтидорли ёшларнинг хорижда таълим олишини қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти “Умид” жамғармасининг 160 стипендиат йигит ва қизлари АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва Италия олий ўқув юртларида таълим олдилар.

Декабрь. Фарғонада Ўзбекистон гидрогеология ва мелиорация хизмати-нинг 30 йиллигига бағишланган ўқув-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, мамлакатимиз вилоятлари, шунингдек, Қозоғистон ва Қирғизистон олимлари, мутахассислари иштирок этишди.

Декабрь. Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи президенти Т.Н.Қори Ниёзий туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган илмий сессия бўлиб ўтди.

Декабрь. Тошкентда архитектура, дизайн, монументаль-декоратив ва декоратив-амалий санъат бўйича талабаларнинг диплом ишлари ва лойиҳалари Халқаро кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда республикамиз, Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия олий ўқув юртлари вакиллари иштирок этишди. Дастлабки мукофотларга Тошкент Архитектура-қурилиш институти талабаси А.Ғофурбеков томонидан бажарилган “Пахтакор” стадионини қайта тиклаш лойиҳаси, Самарқанд Давлат Архитектура қурилиш институти тала-

баси А. Червинскийнинг қадимий Самарқанд шаҳри маҳаллалари бир қисмининг қайта қурилиши ва меъморий муҳитини замонавийлаштиришга бағишланган лойиҳаси, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари Т. Егорова ва М. Сапегаларнинг миллий газмоллардан бажарган ўзига хос замонавий либослари сазовор бўлди.

Декабрь. Туркияда бўлиб ўтган илмий-техник тадқиқотлар танловида Намангандаги ўзбек-турк лицейининг ўқувчиси Нодир Хусаинов “Сув ва ҳавонинг ифлосланишини ўлчашда оптик-электрон элементлардан фойдаланиш” мавзуидаги илмий тадқиқоти учун биринчи ўринни эгаллади. Шу лицей ўқувчиси Шаҳриёр Турғунов ўзининг “Магнит майдонларининг турли ҳашаротлар асаб тизими ва ҳаракатланишига таъсири” тадқиқоти учун иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Декабрь. Тошкентда Ўзбекистон тиббиётчиларининг “Аёллар ва болаларнинг гемоглобинли шифоланиши” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда мана шу долзарб муаммони ҳал этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Декабрь. Тошкентда “Геодинамика ва палетектоник қурилмалар принциплари” мавзуида анъанавий Халқаро илмий симпозиум бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз олимлари билан бирга Озарбайжон, Қирғизистон, Россия мутахассислари ҳам иштирок этишди. Икки кун мобайнида иштирокчилар минтақавий тектоник хариталар тузиш, Ернинг янги тектоник қатламлари хусусиятларини ўрганиш, геодинамик қурилмалар асосида Ўзбекистон олтин конларини қидириб топиш масалаларини муҳокама қилдилар.

1998 ЙИЛ

Январь. Тошкентда Давлат Техника университети негизида мамлакатимиз етакчи техника университетининг чет эл олий ўқув юртлари, давлат ташкилотлари, касб-ҳунар ассоциациялари, техника жамиятлари, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлигини кенгайтириш мақсадида талабалар айирбошлаш бўйича Халқаро ассоциациянинг Миллий бюроси очилди. Бундан мақсад, шу ташкилотга аъзо мамлакатлар билан таълим, ишлаб чиқариш, илмий ва техникавий соҳалар тизимида доимий равишда кадрлар айирбошлашдир.

Январь. Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси Самарқанд Кооператив институти талабаларига япон тили ва ёзувини ўрганиш жараёнини осонлаштиришга имкон берувчи қўлланмалар, китоблар, хариталар, услубий ва кўргазмали қурооллар, аудио ва видео материаллар тақдим этди.

Япония ва мамлакат иқтисодиётига бағишланган худди шундай кутубхоналар илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясига, Банк академиясига ва Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетига ҳам тақдим этилган.

Январь. “Асака пахта тозалаш заводи” акционерлик жамиятида чигит тозалайдиган цех ишга туширилди.

10 февраль. Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институтида ошқозон-ичак йўллари ни даволаш ва тозалаш учун мўлжалланган самарали тиббий воситалари ишлаб чиқилгани ҳақида хабар эълон қилинди.

“Ором” кичик корхонаси технологлари билан ҳамкорликда олимларимиз “Ором” лактобактерини ва “Бифидум-бактерин ПЛ” биологик дориларини яратдилар.

23 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳамда халқаро ҳамкорлик масалаларига бағишланган беш кунлик иқтисодий-сиёсий семинар ўз ишини бошлади.

24 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ҳамда бошқариш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Ана шу қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта ва махсус касб-ҳунар таълими маркази ташкил этилди. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, Наманган индустриал технология институти эса Наманган муҳандислик-педагогика институтига айлантирилди.

Февраль. Термиз ва Омск университетлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома имзоланди. Ушбу ҳужжатга кўра, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, илмий монографияларни биргаликда чиқариш, барча даражаларда кадрлар тайёрлаш, шунингдек, ҳар иккала олий ўқув юрти етакчи ўқитувчиларининг лекциялар ўқиши ва махсус курслар ўтказиши назарда тутилди.

Февраль. Тошкентда бўлиб ўтган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Буюк Британия, Германия ва Голландия ўқув юртлари консорциумидан иборат Халқаро “Фонтус” компанияси билан биргаликда ташкил этган семинар таълим тизимини ислоҳ қилишга бағишланди. Семинарда республика олий ўқув юртлари олимлари ва ўқитувчилари, чет эл экспертлари иштирок этишди. Ушбу семинар Европа Иттифоқи Комиссиясининг ТАСИС дастури доирасида Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилишга кўмаклашиш халқаро лойиҳасини амалга ошириш йўлида қўйилган илк қадамдир.

Февраль. Тошкент Кимё-технология институтида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Республика вазирликлари, ассоциациялари, корпорациялари ҳамда йирик саноат корхоналари раҳбарлари, олимлар иштирок этди. Унда кимё ва озик-овқат саноати, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишлар учун юксак савияли мутахассислар ҳамда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш юзасидан шу соҳаларда менежментлар тайёрлашда олий ўқув юртлари, саноат корхоналари ва идоралар ҳамкорлиги йўллари янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Февраль. “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни “Инсон бахт учун туғилди” тўпламини чиқарди. Китобга Президент Ислом Каримовнинг асарлари ва нутқларидан шундай иборалар жамланганки, улар ўзининг образли-

лиги, лўндалиги билан ажралиб туради ва ҳикматли сўзларга айланиб қолган. Улар Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, кенг қўламли ўзгаришлар йўлига қадам қўйган жамиятимиз ҳаётининг барча жиҳатларини ўзида акс эттиради. Тўплам Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бир гуруҳ мутахассислари томонидан тузилган ва нашрга тайёрланган.

Февраль. Тошкентда бир қатор вазирликлар ва идоралар, вилоят ҳокимиятлари, халқаро ташкилотлар ва чет давлатларнинг Тошкентда фаолият кўрсатаётган элчихоналарининг раҳбарлари иштирокида “Экотуризм ва Буюк Ипак йўли” илмий конференцияси бўлиб ўтди.

Февраль. Тошкентдаги “Сорос Жамғармаси”нинг Очиқ Турдаги Жамиятида республикада илк бор “Мунозаралар” дастури бўйича педагоглар учун уч кунлик семинар бўлиб ўтди. Бундан мақсад, Ўзбекистонда ўқувчиларни муомала, баҳслашув, мунозараларда қатнашиш, дунёқарашни кенгайтириш санъатига ўргатиш, умумий маданиятни ривожлантириш янги дастурини амалга ошириш бўйича ўқитувчилар тайёрлашдир.

17 март. Тошкентда кўзи ожиз ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернати ва 5-сон болалар касалхонасига хайрия ёрдами сифатида Япония ҳукумати билан грант-шартномаларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Бу ёрдамни амалга ошириш учун Япония ҳукумати 120 минг АҚШ долларига яқин маблағ ажратди.

24 март. Тошкент Давлат Юридик институтида ҳуқуқий адабиётлар Очиқ кутубхонасининг расмий тақдимот маросими бўлиб ўтди. Кутубхона Америка юристлари ассоциацияси ва “Сорос Жамғармаси” Очиқ Турдаги Жамияти институти ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, улар адабиётлар ва асбоб-ускуналар сотиб олишга 45500 АҚШ доллари миқдорига грант ажратди.

Ўзбекистонда биринчи марта фақат талабалар ва ўқитувчилар эмас, шу билан бирга парламентарийлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, турли ташкилотлар ва хоҳлаган киши ҳуқуқий адабиётларнинг мазкур ноёб тўпламидан фойдаланиши мумкин.

25 март. Эълон қилинган хабарга кўра, Санкт-Петербургдаги Экология ва иш фаолияти хавфсизлиги Халқаро Фанлар академияси Раёсати қарори билан Ўзбекистон Фанлар академияси Кимё институти директори Зокиржон Салимов М.В. Ломоносов номидаги медаль билан мукофотланган. Академик З.Салимов саноат ҳамда газ чиқиндилари ва қаттиқ чиқиндилардан бошқа соҳаларда фойдаланиш, уларнинг физикавий технологиясини ишлаб чиққанлиги, хусусан, ҳавони нам билан тозалайдиган, тола гардини 99 фоиздан кўпроқ йўқотадиган юксак самарали аппарат яратганлиги учун шундай мукофотга сазовор бўлди. Мазкур технология жаҳон амалиётида ўхшашли йўқ технология ҳисобланади.

27 март. Тошкентда “Инсон манфаатлари: қонун ҳужжатлари тайёрлашни тақомиллаштириш муаммолари” мавзuida илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис қўмиталари раислари, уларнинг

ўринбосарлари, Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳужалик суди, прокуратура раҳбарлари, тегишли вазирликлар ва идораларнинг вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар иштирок этишди.

31 март. Тошкентда “Ўзбекистон Республикаси, Англия, Франция ва Данияда тарих ўқитиш методологияси ва услубиётини қиёсий таҳлил қилиш” мавзuida уч кунлик Халқаро амалий конференция очилди.

Март. Женевада бўлиб ўтган ихтиролар, янги технологиялар ва маҳсулотларнинг XXVI Халқаро кўргазмасида Ўзбекистон ўзининг ўнта илмий-техникавий ишланмасини намойиш этди ва уларнинг барчаси нуфузли медалларга сазовор бўлди. Мис-молибден аралашмасини ажратишнинг “Ўзнипроцветмет” институтида ишлаб чиқилган технология соҳасидаги ишланма кумуш медалга муносиб деб топилди. Шундай мукофот оқова сувларни цианиддан тозалашнинг “Водгео” Тошкент илмий-текшириш институтида ишлаб чиқилган технологияси учун берилди.

Илмий-техникавий ишланмаларнинг бронза медалига сазовор бўлганлари ичида қуйидагилар бор: турли чуқурлик, диаметр ва профиль тирқишларини электроэрозия йўли билан чоклаш учун технология ва асбобускуналар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларга ультратовушли ишлов берадиган қурилма, электр ўтказувчи материаллар сиртига вакуум-ёйли ишлов бериш усули, минерал хом ашёни майдалаш учун технология ва қурилма, шоли ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинларини капсула билан қоплаш усули.

Март. Тошкентда ўзбек ва рус тилларида “Ҳуқуқ” — “Право” янги илмий-назарий юридик журнаlining биринчи сони чиқди. Унинг муассиси — Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясидир.

Март. Умумтаълим фанлари бўйича ўқувчиларнинг анъанавий олимпиадаси бўлиб ўтди. Олимпиаданинг Республика Таълим марказида ўтказилган якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 245 ўқувчи иштирок этди.

Иштирокчилар 20 фан бўйича ўз билимларини намойиш этдилар, улардан 18 таси тест йўли билан ўтказилди.

Команда ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари биринчи ўринни эгалладилар, олимпиадада 1—3-ўринни эгаллаган 55 ўқувчи олий ўқув юртлари-га имтиҳонсиз қабул қилиниш ҳуқуқини олди.

Март. Буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги ва машҳур олим, нужумшунос Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги муносабати билан ташкил этилган илмий экспедиция аъзолари уч ҳафта давомида Туркия, Сурия, Иордания ва Мисрда бўлдилар, мутафаккирларнинг асарлари, улар ҳақидаги тадқиқотлар, рисоалар, китоблар билан танишдилар, юқоридаги мамлакатлар кўлэзма фондларида сақланаётган асарлардан микрофильмлар, фотонусхалар олдилар, Имом ал-Бухорий ҳамда Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш билан шуғулланувчи олимлар, тадқиқотчилар билан танишдилар, улар билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйиш хусусида музокаралар олиб бордилар.

Экспедицияга тарих фанлари доктори Ашраф Аҳмедов раҳбарлик қилди.

Март. Тошкентда Орол денгизи ҳавзасида экологик муаммоларнинг турли жиҳатларини муҳокама қилишга бағишланган икки кунлик минтақавий илмий семинар бўлиб ўтди. Семинарда Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг етакчи олимлари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Март. Тошкентда Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. Унда олимлар, мутахассислар, талабалар, Тошкентдаги Миср маданий марказининг ходимлари ҳамда дипломатик корпус вакиллари қатнашдилар.

Март. Тошкентда “Орол денгизи ҳавзасидан тузларнинг шамолда кўчиши” мавзуида минтақавий илмий семинар бўлиб ўтди. Унда Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Қорақалпоғистоннинг йирик илмий-текшириш институтлари, Россия Фанлар академияси, Ўзбекистонда вакил қилинган дипломатик корпус, турли жамоатчилик ташкилотлари вакиллари ҳамда етакчи олим ва мутахассисларимиз иштирок этишди.

Март. Республикада биринчи марта мактаб ўқувчиларининг “Солиқлар ҳақида нимани биламан?” танлови якунлари бўлди. Танловни Халқ таълими вазирлиги, ТАСИС бозор малакаларини ривожлантириш маркази ва АҚШнинг Ўзбекистондаги Тинчлик корпуси ҳомийлигида Давлат солиқ кўмитаси “Солиқ ва боғхона хабарлари” газетаси билан биргаликда ўтказган эди.

Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларидан 12 ёшдан 17 ёшгача бўлган мингдан ортиқ бола биринчи давранинг 59 саволига ўз жавобларини юборишди.

Энг кўп — 457 баллни Сурхондарё вилояти Кумқўрғон туманидаги “Беш қаҳрамон” жамоа хўжалигидаги мактаб ўқувчиси Фахринисо Янгибоева тўплади.

Март. Фарғонада Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган Халқаро конференция бўлиб ўтди.

Март. Тошкент Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида Шиллер номидаги Халқаро университет билан Шартнома имзоланди.

Ушбу шартноманинг амалга оширилиши нафақат ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш, балки кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур доирасида таълим тизимини ислоҳ этишнинг муайян вазифаларини ҳам ҳал этиш имконини беради.

Март. Тошкентда “Мустақилликнинг етти баҳори” шиори остида талабалар ва аспирантларнинг Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Март. АҚШдаги Ўзбекистон Республикаси элчихонасида Гарвард университети билан биргаликда “Гарвард университетида Марказий Осиёни ўрганиш ва минтақани ривожлантириш” мавзуида конференция ўтказилди.

Конференция ишида АҚШнинг Ўзбекистонга, умуман, Марказий Осиёга қизиқувчи нуфузли корпорациялари ва компанияларининг раҳбарлари ҳамкорлик қилишни ва мавжуд алоқаларни кенгайтиришни хоҳловчилар иштирок этишди.

Март. Будапештда бўлиб ўтган ихтиролар халқаро танлови якунлари бўйича Ўзбекистон олимлари ва технологларининг бир қатор ишлари “Даҳа-98” медали билан тақдирланди. Танлов бу ерда бўлиб ўтган ихтирочилар Халқаро симпозиуми ва “Ихтиро, инновация, ахборот, инвестиция” кўргазмаси доирасида ташкил этилган бўлиб, унда 80 га яқин мамлакат вакиллари иштирок этишди.

Март. Тошкентда республика олий ўқув юртлари етакчи ўқитувчилари ва бу ўқув юртлари қошида иш олиб бораётган бизнес-мактаб директорларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

9 апрель. Тошкентда Гёте номидаги Германия институти филиали очилди. Маданият, таълимнинг турли соҳаларида Халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, немис тили курслари ташкил этиш бу филиал фаолиятига кирувчи вазибалардан ҳисобланади.

15 апрель. Япониянинг телекоммуникация жиҳозлари ва материаллари ишлаб чиқарадиган машҳур NEC корпорацияси ўзбек мутахассислари билан биргаликда Тошкентда Алоқа электротехника институти алоқа коллежи талабаларига, алоқа корхоналарига телекоммуникацияларнинг замонавий тизимларидан фойдаланишни ўргатиш техник марказини ташкил этди.

16 апрель. Бухорода “Мустақиллик ва маънавият” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

26 апрель. Тошкент Давлат Маданият институтида “Холис илмий дунё-қарашни ривожлантиришда Имом ал-Бухорийнинг ўрни ва аҳамияти” мавзуида илмий конференция бўлиб ўтди.

29 апрель-12 май. Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетида макроиқтисодий сиёсатга бағишланган Халқаро семинар бўлиб ўтди. Семинарда Марказий Осиё, Озарбайжон ва Монголия давлатларидан келган олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Апрель. Дехлида “Аҳмад ал-Фарғоний ва унинг даври” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистоннинг етакчи олимлари, дипломатик корпус вакиллари, журналистлар, шунингдек, мазкур мамлакат ўқув юртларида таълим олаётган ўзбек стажёрлари, аспирантлари ва талабалари иштирок этишди.

Апрель. Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтида шу институт ўқув кўргазма маркази ва Германиянинг “Гейдельберг — Марказий Осиё” фирмаси семинар-тақдимоти бўлиб ўтди.

Марказий Осиёда ҳозирча ягона ҳисобланган ушбу марказда институт ўқитувчилари ва талабалари герман мутахассислари ёрдамида матбаачиликда фойдаланиладиган замонавий техникани ўрганиб, ўз касб даражаларини ошира бошладилар.

Апрель. Мельбурнда ЮНЕСКО ҳомийлигида “XXI асрда Осиё — Тинч океани минтақасида юзага келувчи муаммолар” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Жаҳоннинг 61 мамлакатидан 600 дан ортиқроқ делегат —

таълим вазирлари, жаҳонга машҳур олимлар, халқаро ташкилотлар, ҳукумат ва жамоатчилик жамғармалари вакиллари янги минг йиллик бўсағасида таълим тизими муаммолари ҳақида қизиқарли суҳбат олиб боришди.

Форумда иштирок этган мамлакатлар ичида фақат Ўзбекистонгина кадрлар тайёрлаш бўйича келаси асрга мўлжалланган узоқ муддатли Миллий дастурини тақдим этди. Австралия пойтахтида унинг тақдими бўлди.

МДХ давлатлари ичида биргина бизнинг мамлакатимиздан ушбу анжуманда Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг биринчи проректори Дониёр Обидов иштирок этди.

13 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

13 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

15 май. Навоий шаҳрида топономика муаммолари бўйича Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

20-21 май. Тошкентда Президент Ислон Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида “Марказий Осиё халқлари тарихи ва тарихшунослиги масалалари” мавзуида илмий конференция бўлиб ўтди.

22 май. Тошкентда “Оила — давлат таянчи” мавзуида Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

22 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Май. Самарқандда “Меъморий лойиҳалаштириш ва шаҳар аҳолиси” мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда Самарқанд Давлат архитектура қурилиш институти архитектура факультети талаба ва ўқитувчилари, Милан политехника институти ва Ла-Камбра (Брюссель) Архитектура институти талаба ва ўқитувчилари иштирок этди.

Май. Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтида Халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда бозор шароитида тўқимачилик саноати тизими таълимини замонавийлаштириш тўғрисида Бельгия ва Греция профессорлари маъруза қилдилар.

Май. Тошкентда ўқувчиларнинг “Солиқ ҳақида нима биламан?” Республика танловининг якунловчи, тўртинчи давраси бўлиб ўтди. Компьютер тести бўлган бу якунловчи турда 166-сонли Тошкент иқтисодиёт лицейи ўқувчиси Евгений Федоров ғолиб бўлди. Иккинчи ўринни Алишер Навоий номидаги Республика иқтисодиёт лицейи ўқувчиси Нилуфар Каримова, учинчи ўринни 166-сонли Тошкент иқтисодиёт лицейи ўқувчиси Владислав Самохин эгаллади.

Май. Андижон Тиббиёт институти психиатрия, наркология ва тиббиёт психологияси кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Марк Аграновский Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. У кўп йиллик илмий тадқиқотлар ўтказиб, алкоголизм, наркомания, тамакига ружу қўйиш ва семизликни даволашнинг янги самарали услубларини ишлаб чиқди.

Май. Тошкентда “Сиз қонунни биласизми?” мавзуида юқори синф ва лицей ўқувчилари ўртасида Республика танлови иштирокчиларининг якуний учрашуви бўлди. Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 10-ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари энг яхши ҳуқуқий билимга эга эканликларини намоиш этишди.

Май. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ўқитувчилари ва ходимлари делегацияси биринчи проректор, профессор Рустам Жумаев бошчилигида Буюк Британия ва Францияда бўлди. Ўзбекистон делегацияси давлат хизматчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг европача тажрибаси билан танишди.

Май. Қозонда талабалар илмий жамоаларининг конференцияси бўлиб ўтди, унда МДХнинг 46 тиббиёт олий ўқув юртидан вакиллар иштирок этди. Самарқанд Тиббиёт институти талабаларининг конференцияда тақдим этган илмий тадқиқотлари фахрий мукофот — дипломлар билан тақдирланди. Д. Шамсиевга биринчи даражали, З. Жуманова, Ш. Муҳиддинов ва М. Саидовга иккинчи ва учинчи даражали дипломлар топширилди.

Май. Ўзбекистон Бадий академияси Маданият ишлари вазирлиги ва Халқ Таълими вазирлиги билан биргаликда иқтидорли ёшларнинг тасвирий ва амалий санъат бўйича иккинчи Республика танловини ўтказди. Танлов ишлари якунига қўра энг яхши муаллифлар Камолидин Беҳзод номидаги бадий ва дизайн Миллий институтига имтиҳонсиз кириш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Май. Тошкентда “Марказий ва Жануби-Ғарбий Осиё ўсимликлари ҳаёти” мавзуида V Халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда Германия, Япония, Буюк Британия, Россия ва бошқа давлатларнинг ботаник олимлари иштирок этди.

3 июнь. Тошкентда “Космик тадқиқотлар, технологиялар ва конверсиялар” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унинг ишида Ўзбекистон, МДХ давлатлари ҳамда Италия, Франция, Англия, Голландия, Германиядан космик фанлар ва технологиялар соҳаси бўйича мутахассислар иштирок этди.

3 июнь. Тошкентда “Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари” V Республика конференцияси бўлиб ўтди.

19 июнь. Тошкентда Республика хотин-қизлар қўмитаси ташкил этган “Оила” Республика илмий-амалий марказининг очилиш маросими бўлди.

Июнь. Ғаллачилик илмий-тадқиқот институтида кузги бугдой селекцияси ва уруғчилиги бўйича Халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда бугдой бўйича

халқаро дастур раҳбарлари, Жаҳон банки вакиллари, Туркия, Грузия, Озарбайжон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон мутахассислари иштирок этишди.

Июнь. Истамбулда бўлиб ўтган навбатдаги халқаро экологик олимпиадада мамлакатимиздан Наманган ўзбек-турк лицейининг ўқувчиси Дамир Шамсидинов қатнашиб, унинг сувни суyoқ ифлослантирувчи моддалардан тозалаш муаммосига бағишланган иши энг яхши деб топилди ва биринчи даражали диплом билан ғолиблик олтин медали топширилди.

Июнь. Навоий вилояти Нурота шаҳрида иқтидорли болалар учун тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати очилди.

7 июль. Наманган ўзбек-турк лицейи юқори синф ўқувчиларининг бешта илмий иши Варшавада бўлиб ўтган “Нобель” мукофоти сари бир қадам” Халқаро танловида фахрий дипломлар билан тақдирланди. Улар орасида Денис Обидовнинг сувни турли аралашмалар, шу жумладан, мойли ва суyoқ аралашмалардан тозалаш иқтисодий усулига оид илмий лойиҳаси бор.

7 июль. Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника университетиغا Москвадан хабар келди: электроника, автоматика ва ҳисоблаш техникаси факультетининг талабаси Тоҳир Абдукаримов Россия ёш олимлар политехника жамияти аъзоси этиб сайланган.

Ўзбекистонлик талабанинг илмий ютуқлари унинг “Келажак сари одим” ёш олимлар Халқаро конференциясидаги маърузасида эълон қилинди. Конференция Н. Бауман номидаги Москва Давлат Техника университетида бўлиб ўтган эди. Талабанинг иш мавзуи табиатшуносликнинг математика масалаларига татбиқ этишга тааллуқлидир.

7 июль. Тошкентдаги Ўзбекистон Республикаси дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти кенгашида республика олий ўқув юртларининг 40 нафар энг яхши талабасига Япониянинг “Камая гранд” жамғармаси стипендияларини топшириш тантанали маросими бўлиб ўтди.

8-10 июль. Наманганда “Микроэлектроника ва қуёш энергияси учун поли- ва монокристалли кремний ишлаб чиқариш муаммолари” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон мутахассислари ва олимлари фаннинг шу соҳаси учун долзарб масалаларни муҳокама қилиб, уларни ҳал этиш йўларини белгилаб олдилар.

11 июль. Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти бош директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, фан ва техника соҳасида А. Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати Аваз Авлиёқулов Халқаро информатика академияси (ХИА) раҳбарияти қарори билан унинг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

А. Авлиёқулов — Академиядаги Ўзбекистон аграр фани илмий бўлинмасининг ягона вакили ҳисобланади. Ушбу бўлинма яқинда БМТ тизимида ташкил этилган эди.

27 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Июль. Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Хўжа Анқо қишлоғида “Зараутсой-98” мавзуида Халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, АҚШ, Германия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг олимлари иштирок этишди. Шу қишлоқ яқинида қирқинчи йилларда ибтидоий одам расмлари топилганди.

Июль. Тошкентда “Талаба ёшларни миллий мафкура руҳида тарбиялаш — замон талаби” мавзуида илмий-амалий семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда университет ва институтларнинг раҳбарлари, олимлар, мутахассислар иштирок этишди.

Июль. Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Халқобод посёлкасида республика болалар ёзги агромактабининг очилиш маросими бўлди.

20 август. Самарқандда ёпиқ турдаги “Менежментга ўқитиш Халқаро маркази” акционерлик жамиятининг тақдироти бўлиб ўтди. У Самарқанддаги учта олий ўқув юрти — Давлат университети, Кооператив институти ва Архитектура-қурилиш институти томонидан таъсис этилган.

Август. Ўзбекистон Фан ва техника Давлат қўмитаси мукофотига тақдим этилган илмий ишларнинг Республика танловига яқун ясалди.

Ошқора муҳокама ва яширин овоз бериш яқунлари бўйича танлов ғолиблари аниқланди. Ҳар бир йўналишда биттадан танлаб олинган учта иш энг яхши, деб тан олинди. Фундаменталь йўналишда Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси С. Ш. Рашидова раҳбарлигида полимерлар кимёси ва физикаси илмий-текшириш институтида ўтказилган янги биологик фаол полимерлар тадқиқотлари мукофотга лойиқ деб топилди. Физика-математика фанлари номзоди Г.Т.Одилов раҳбарлигида “Физика — Қуёш” илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси мутахассислари гуруҳи ишлаб чиққан саноат чиқиндилари ва маҳаллий хом ашё асосида кенг миқёсга мўлжалланган техника керамикаси ишлаб чиқишнинг импорт ўрнини босувчи янги технологияси ҳам муҳим, деб эътироф этилди. Амалга оширилган тадқиқотлар номинациясида термосезувчанлик бўйича жаҳонда машҳур барча турларидан устун бўлган янги плёнка ишлаб чиқиш бўйича жорий этилган ишланма энг яхши, деб тан олинди. Уни Электроника илмий-текшириш институтида Т. В. Мисюченко раҳбарлигидаги мутахассислар гуруҳи бажарган.

Август. Орхус шаҳрида (Дания) экологларнинг Халқаро симпозиуми бўлиб ўтди. Унинг ишида Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди.

2 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг божхона коллежи очилди.

2 сентябрь. Навоий шаҳридаги Давлат педагогика институти қошида ташкил этилган академик лицей очилди.

2 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси солиқ коллежининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

11 сентябрь. Андижонда бу ерда ташкил этилган академик лицей тақдими бўлиб ўтди.

16 сентябрь. Беруний шаҳрида Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган Халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда Германия, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган олимлар иштирок этишди.

16 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Улуғбек номидаги Астрономия институтига асос солинганлигининг 125 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

18 сентябрь. Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг илмий ходими, кимё фанлари доктори Алламберган Айтмамбетов Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинди.

22 сентябрь. Тошкентдаги Тўқимачилик ва енгил саноат институти қошида ташкил этилган Ўзбекистонда биринчи техника йўналишидаги академик лицей очилди. Республиканинг барча вилоятларидан юзта йигит ва қиз унинг ўқувчилари бўлишди.

22-24 сентябрь. Тошкентда “Атроф-муҳитнинг минтақавий муаммолари ва уларни биргаликда ҳал этиш йўллари” мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди. У Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан ўтказилди.

Семинарда Марказий Осиёдаги бешта республика, шунингдек, Озарбайжон, Беларусь, Грузия, Италия, Латвия, Молдова, Польша, Россия, Словакия ва бошқа бир қатор мамлакат вакиллари иштирок этишди.

23 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “1999—2005 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Сентябрь. Тошкентда ўзбек халқи ва давлати ҳақиқий тарихини ўрганишнинг долзарб муаммоларига бағишланган икки ҳафталик илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда республика олий ўқув юрғларидаги Ўзбекистон тарихи кафедраси мудирлари ва ўқитувчилари иштирок этишди.

Сентябрь. Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институтида ёш олимлар конференцияси бўлиб ўтди. Унинг ишида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва мамлакатимиз бошқа шаҳарлари илмий доираларининг вакиллари иштирок этишди. Улар ўзларининг катта ёшдаги ҳамкасблари билан биргаликда ўтказилган тадқиқотлар натижаларини муҳокама қилдилар ва умумлаштирдилар ҳамда давлатимизнинг иқтисодий жиҳатдан янада тараққий этишига имкон берувчи энг истиқболли йўналишларни белгилаб олдилар.

Сентябрь. Тошкентда “Ўзбекистоннинг олтин конлари: геологияси ва саноат турлари” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унинг

ишида АҚШ, Канада, Буюк Британия, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон геологлари иштирок этдилар.

Сентябрь. Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетида шу ўқув юртининг тарихи музейи очилди. Музейнинг учта стендида мингдан ортиқ экспонат намойиш этилмоқда.

Сентябрь. Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида “ЎзКейссервис” маркази ташкил этилди. У хорижий русумли трактор ва комбайнлар учун сервис хизматини ташкил этишда талабалар ва мутахассисларга ёрдам кўрсатади.

9-11 октябрь. Бухорода “Юсак молекуляр бирикмалар кимёсининг ҳозирги замон муаммолари” мавзуида Республика илмий конференцияси бўлиб ўтди.

22-26 октябрь. Тошкентда Марказий Осиё минтақасининг “Почта алоқаси ва телекоммуникацияларда метрология” алоқа маъмурияти метрологларининг мактаб-семинари иш олиб борди. Унинг ишида етакчи олимлар ва мутахассислар — Россия, Украина, Қозоғистон, Тожикистон ва Ўзбекистон почта тармоқлари ва телекоммуникациялари соҳаси метрологлари, шунингдек, телекоммуникация ускуналари ва ўлчов воситалари чиқарувчи машҳур фирмаларнинг вакиллари иштирок этишди.

27 октябрь. Тошкентда “Марказий Осиё хом ашёси асосида доривор препаратлар яратиш истиқболлари” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон илмий жамоаларининг олим ва мутахассислари иштирок этишди.

Октябрь. Тошкентда “Мактабларимизни ўзгартирамиз” мавзуида семинар бўлиб ўтди. У республика Халқ таълими вазирилиги билан биргаликда Ўзбекистон — Очиқ Жамият Институти ҳамкорлик жамғармаси томонидан ташкил этилди. Семинар ишида республика халқ таълими маркази раҳбарлари, ўрта мактабларнинг директор ва илмий бўлим мудирлари, Тошкентда вакил этилган хорижий элчихоналар, халқаро ва маҳаллий ноҳукумат ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Октябрь. Наманган туманидаги Шўркўрғон қишлоғида касб-хунар техника мактаби негизида Наманган вилоятида биринчи қишлоқ хўжалик коллежи очилди. Коллежда бўлажак фермерлар, қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш ва улардан фойдаланиш усталари, молия агентлари ва бухгалтерлар ўқишни бошлаб юборишди.

Октябрь. Наманган Давлат университети негизида ташкил этилган биринчи академик лицейга вилоятнинг барча туманларидан келган 250 нафар юқори синф ўқувчиси қабул қилинди.

Октябрь. Фарғонада Давлат университети негизида ташкил этилган биринчи академик лицей ўз фаолиятини бошлади.

Октябрь. Конимех туманидаги “Қизилқум” жамоа хўжалигида қоракўл терини қайта ишлайдиган цех фойдаланишга топширилди.

Октябрь. Тошкентда худудларнинг иқтисодий ҳолатига инсон ҳўжалик фаолиятининг таъсир кўрсатишига иқтисодий баҳо беришнинг турли жиҳатларига бағишланган Халқаро семинар ўтказилди.

3 ноябрь. Тошкентда “Иқтисодий таълим ва тарбиянинг педагогик муаммолари” мавзуида илмий-педагогик конференция бўлиб ўтди.

6 ноябрь. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистонда бўлиб ўтган 155-сессияси иштирокчиларининг ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор бошчилигидаги бир гуруҳи Тошкент Давлат университетиди Мирзо Улуғбек номидаги ЮНЕСКО кафедраси очилиши маросимида иштирок этишди. Кафедра назарий физика ва астрономия билан шуғулланади. Кафедра мудири қилиб таниқли япон олими А.Накамуре сайланди. Шу куни бир гуруҳ меҳмонлар Темурийлар тарихи Давлат музейини, пойтахтдаги Алишер Навоий номли Миллий боғни бориб кўришди, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетиди бўлишди, бу ерда ЮНЕСКОнинг инсон ҳуқуқлари, демократия, хайрихоҳлик бўйича кафедраси ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

10 ноябрь. Тошкентда “XXI асрга йод тақчиллигисиз борайлик” шиори остида Халқаро симпозиум очилди. Унда МДХ мамлакатлари ва Европанинг таниқли олимлари иштирок этишди.

10 ноябрь. Андижон Тиббиёт институти олимларининг “Минтақавий лимфатик терапия” деган асари Буюк Британияда биринчи марта инглиз тилида нашр этилганлиги ҳақида хабар эълон қилинди.

11 ноябрь. Тошкентда симпозиум бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон пойтахти учун сейсмик хавфни пасайтириш чора-тадбирларини аниқлаш ва ишлаб чиқишга қаратилган халқаро “Радиус” лойиҳасини рўёбга чиқариш бўйича мутахассисларнинг ярим йиллик иш натижалари кўриб чиқилди. Симпозиум ишида Япония, Ҳиндистон ва Австралиядан келган сейсмология ва зилзилабардош қурилиш соҳасидаги етакчи халқаро экспертлар иштирок этишди.

19 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатдан ташқарида таълим олаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, давлат, жамоат ва нодавлат тузилмаларида улардан янада самарали фойдаланиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича 1998 йил 18 ноябрда қабул қилинган Фармойиши эълон қилинди.

23 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раёсатининг навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтди. Унда “Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилинди. Унда бу соҳадаги фан номзоди ва доктори илмий даражаси, доцент ва профессор илмий унвонлари олиш учун илмий иш олиб бораётган барча тадқиқотчилар давлатимиз раҳбари асарлари бўйича қўшимча имтиҳон топширишлари қайд этилди.

25 ноябрь. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Ўзбекистон—Очиқ Жамият Институти билан ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг имзоланиш маросими бўлди. Бу Битим республика олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш бўйича биргаликда иш олиб боришни, янги педагогик технологияларни жорий этишни, ўқитувчилар таркибининг малака даражасини оширишни назарда тутди.

Ноябрь. Бухорода вилоятда биринчи академик лицей очилди.

Ноябрь. Тошкентда “Қаттиқ ва юмшоқ материалларнинг истиқболли микротузилмаси: фан ва технология” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Австрия, Португалия, Ўзбекистон, Франция ва Швеция университетлари ҳамда илмий-текшириш институтлари олимлари иштирок этишди.

Ноябрь. Тошкентда “Минерал ҳосил қилувчи флюидлар ва рудогенез” мавзуида Халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда ХХР, Австралия, Германия, Ўзбекистон, Россия, Қозоғистондан олимлар ва мутахассис ишлаб чиқарувчилар иштирок этишди.

Ноябрь. Тошкентда “Фундаментал фанлар жамият хизматида: Марказий Осиёда ҳамкорлик учун имкониятлар ва истиқболлар” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ноябрь. “Миллатлараро ва маданиятлараро муносабатларда ёшларнинг роли, мустақил Ўзбекистон тажрибаси” — Лондондаги Халқаро талабалар семинари ана шундай шиор остида ўтди. У Шиллер номидаги Халқаро университет билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонаси томонидан ташкил этилди. Унда шу ўқув юрти талабалари билан бир қаторда “Умид” жамғармаси грантлари соҳиби бўлган талабалар ҳам иштирок этишди.

1 декабрь. Тошкентда фундаментал фанлар, техника фанлари ва Орол денгизи минтақасида экологик таълим бўйича Халқаро семинар ўз ишини бошлади.

18 декабрь. Ўзбекистон Фанлар академияси “Марказий Осиё халқлари адабиётида Бердақ ижодининг аҳамияти” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

18 декабрь. Эълон қилинган хабарга кўра, Ўзбекистон Чорвачилик илмий-тадқиқот институти “Племэлита” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси лабораториясининг мудири, профессор С. И. Шодмонов Россия Табиий Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланган.

Декабрь. Ўзбекистон Олий ўқув юртлари раҳбарларидан бир гуруҳи ГФРда бўлди. Ўзбекистон делегациясининг ташрифи доирасида Боннда ўтказилган семинар-кенгашда икки мамлакат олий ўқув юртлари раҳбарлари, таълим вазирликлари ва илмий муассасалари вакиллари иштирок этишди. Делегация аъзолари Гумбольдт номидаги Берлин университетига бўлишди, ҳамда Берлин, Гамбург ва Килдаги бошқа бир қатор ўқув юртларига боришди.

Декабрь. Тошкент Давлат Жаҳон тиллари университетиди испан тили ва маданияти маркази очилди.

Декабрь. Тошкентда “Йил ўқитувчиси-98” анъанавий Республика кўриктанлови бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган танлов ғолиблари иштирок этишди.

Танлов якунларига кўра “Бунёдкор ўқитувчи” унвони тошкентлик Бибисора Ҳасановага, “Изланувчан ўқитувчи” унвони бухоролик Шухрат Мирхоновга, “Энг фидойи ўқитувчи” унвони хоразмлик Роҳатой Саидовага, “Ташаббускор ўқитувчи” унвони қашқадарёлик Ҳабиба Ориповага берилди.

Декабрь. Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Оқтош посёлкасида иқтидорли болалар учун мактаб очилди.

Декабрь. Андижонда ўқувчиларнинг ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштиришга бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.

Декабрь. Наманганда ёш кимёгарларнинг таниқли олим, академик О. С. Содиқов хотирасига бағишланган биоорганик кимё муаммолари бўйича XI Халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

1999 ЙИЛ

19 январь. Ўзбекистон Республикасининг дастлабки ўн иккита патенти чигит, юмшоқ буғдой ва арпанинг янги навларини яратганларга берилди. Патентларни топшириш тантанали маросими Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитасининг идорасида бўлиб ўтди.

28-29 январь. Тошкентда ўқувчи ва талаба ёшларни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялаш вазифаларига бағишланган Республика илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Январь. “Хитой ва Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар тажрибаси: якунлар ва истиқболлар” мавзуида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унинг ташкилотчилари республикада БМТ тараққиёт дастури техникавий ҳамкорлигида ташкил этилган Иқтисодий тадқиқотлар Маркази ва ХХР Иқтисодий ислоҳотлар Қўмитасидир.

Давра суҳбатида Марказ тадқиқотчилари ва экспертлар, Хитой ва мамлакатимиз илмий-тадқиқот муассасалари давлат тузилмаси вакиллари иштирок этди. Икки кун мобайнида ўтиш даври шароитида ижтимоий сиёсат, мулк муносабатларини ислоҳ қилиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ХХР ва Ўзбекистон тажрибаси ҳамда очиқ иқтисодиётга ўтиш шароитида мамлакатларимизнинг ташқи савдо сиёсати каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Январь. Хивада Хоразм воҳасининг ижтимоий-экологик ривожланиш муаммолари ва истиқболларига бағишланган Халқаро конференция бўлиб ўтди.

Январь. Тошкентда ватанимизда ишлаб чиқарилган ноёб препарат — иммуномодулинга бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Мазкур препарат профессор Феруз Гариб раҳбарлигида мамлакатимизнинг бир гуруҳ олимлари томонидан ишлаб чиқилди.

Январь. Самарқандда илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда ёш авлодга билим бериш ва маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашда Имом ал-Бухорий меросининг аҳамияти кўриб чиқилди.

Январь. Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетида “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва университет таълими истиқболлари” мавзуида Республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

4 февраль. Бирлашган Араб Амирликларидаги илмий тадқиқотлар ва хужжатларни ўрганиш Марказида “Форс кўрфази мамлакатларининг Ўрта Осиё ва Кавказорти республикалари билан тарихий алоқалари” мавзуида Халқаро семинар ўтказилгани ҳақида хабар эълон қилинди. Унда Ўзбекистоннинг тарихчи ва шарқшунос олимларидан Убайдулла Уватов, Омон Тошмухамедов, Аширбек Мўминов иштирок этдилар.

8 февраль. Тошкентда Ўзбекистон файласуфлари Миллий жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида фалсафа жамиятининг Низоми қабул қилинди. Жамият раиси этиб фалсафа фанлари доктори, профессор Инъомжон Раҳимов сайланди.

10 февраль. “Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига Президент Ислон Каримов жавобларидан келиб чиқувчи ёшларни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялаш вазифалари Тошкентда бўлиб ўтган республика илмий-амалий семинар-кенгашда муҳокама этилди. Унда олий ўқув юртларининг ректорлари ва проректорлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари, республика таълим тизими ходимлари иштирок этишди.

11 февраль. Тошкентда Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди, унда ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим учун ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиёти соҳалари учун мутахассислар тайёрлашни яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

Февраль. Тошкентда Ўзбекистон тарихчилари жамияти ташкил этилди.

12 март. Тошкентда ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш мониторинги масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинар ишида мамлакатимиз кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш жараёнида ёрдам кўрсатувчи Европа таълим жамғармаси ва Европа Иттифоқи ТАСИС дастури вакиллари иштирок этишди.

18-19 март. Франциянинг Тошкентдаги элчихонаси қошидаги Ўрта Осиёни тадқиқ этиш Франция Институтига “Этнологик қарашлар ва Ўрта Осиёни англаш” мавзуида илмий конференция бўлиб ўтди. Унда Германия, Франция, Россия ва Ўрта Осиё давлатларидан этнолог олимлар, шунингдек, мамлакатимиздан шу соҳа мутахассислари иштирок этишди.

30-31 март. Бухоро Давлат университетида “Рейтинг тизими ва уни такомиллаштириш” мавзуида Республика услубий ва илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унинг ишида бир неча йиллардан буён ўқувчилар билимини баҳолаш усули сифатида рейтингдан фойдаланиб келаётган республика олий ўқув юртлиги раҳбарлари ва педагоглари иштирок этишди.

Март. Тошкентда ЮНЕСКО ишлаб чиққан “Таълим — ҳамма учун” лойиҳасини Ўзбекистонда амалга оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинар қатнашчилари шу лойиҳа асосида тузилган дастурни муҳокама қилдилар, унинг аҳамияти тўғрисида ЮНЕСКО вакили Ишида Киичи сўзлаб берди.

Март. Поляк ва ўзбек мутахассислари ҳамкорликда беш йилдан кўпроқ вақтдан бери мамлакатимизнинг саҳро шароитида ўсимликларни етиштириш бўйича илмий изланишлар олиб боришмоқда. Унга Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд филиалининг чўл ва яйловшунослик бўлими мудири Кристина Тодерич раҳбарлик қилмоқда. Қўлга киритилган ютуқлари учун Кристина Тодерични Польша Фанлар академияси қошидаги Фанни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ўз гранти билан тақдирлади.

1998 йилда олимпиага худди шундай грантни Япония тақдим этганди.

Март. Тошкентда ўқувчилар билимини текшириш бўйича олимпиадаларнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўлиб ўтган олимпиадаларнинг 250 голиби иштирок этди.

Олимпиада якунига кўра барча фанлар бўйича мусобақаларда юқори натижалар кўрсатган 60 иштирокчига танлаган соҳалари бўйича олий ўқув юртлигига имтиҳонсиз кириш ҳуқуқини берувчи имтиёзли гувоҳномалар топширилди.

Март. Тошкентда мамлакатимиз юристларининг малакасини ошириш бўйича “Ўзбекистон Республикаси Қонунлари” мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг янги уй-жой, оила кодексларининг асосий жиҳатлари таҳлил этилди, Ўзбекистон ва АҚШнинг мулк, мерос ҳуқуқларидаги замонавий ғоялар муҳокама қилинди.

Март. Г.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академиясининг Тошкентдаги ўқув-илмий марказини биринчи бор 105 киши тамомлаб чиқди, уларга иқтисодчи дипломи берилди.

Март. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институтида илмий конференция бўлиб ўтди. У кимё фани тараққиёти истиқболлари, халқ хўжалигининг турли соҳаларида кимёдан амалий фойдаланиш масалалари, бугунги кунда ўтказилаётган тадқиқотлар натижаларини муҳокама этишга бағишланди. Конференция буюк кимёгар олим, академик Собир Юнусов хотирасига бағишланган ўқиш доирасида ўтказилди. Унда Россия, Беларусь, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлар олимлари иштирок этишди.

Март. Хивадаги Маъмун академиясида Ўзбекистон тарихини тадқиқ этиш ва ўрганиш муаммоларига бағишланган доимий ишлаб турувчи семинар иш бошлади.

2 апрель. Тошкентда ўзбек мусиқа маданияти тарихини ўрганишга бағишланган Республика илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди.

2-3 апрель. Тошкент Давлат университетида “Жаҳон маданиятини ривожлантириш ва миллий кадрлар тайёрлашда ўзбек халқи маънавиятининг аҳамияти” мавзуида илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

7 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов “Тошкент Ислоом университетини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

8-11 апрель. Тошкентда Халқаро семинар бўлиб ўтди, унда республиканинг иқтисодиёт факультетлари мавжуд бўлган олий ўқув юртлари педагоглари иштирок этди. Тўрт кун давомида улар “Иқтисодий назария” ва “Маркетинг” фанларини ўқитишнинг самарадор, янги усулларини ўргандилар. Шу мавзуда ватанимиз ва хориж олимлари, шу жумладан, Г. Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академияси олимлари ҳам маъруза қилишди.

12 апрель. Ўзбекистон Фалсафа жамиятида фалсафа фанини янгилашга бағишланган илмий-назарий семинар бўлиб ўтди. Унда олий ва ўрта ўқув юртлари олимлари, ўқитувчи ва талабалари иштирок этишди.

13 апрель. Тошкент Молия институтида Халқаро конференция бўлиб ўтди. У хорижлик шериклар билан алоқаларни ривожлантиришга, республика олий ўқув юртларининг хорижий таълим ва фан муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилишига бағишланди.

21 апрель. Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника университетида республика олий ўқув юртлари ректорлари, проректорлари, профессор ва ўқитувчиларининг Олий мактаб Халқаро Фанлар академияси президенти, академик В.Шукшунов билан учрашуви бўлиб ўтди, учрашувда у “XXI асрда олий таълим” мавзуида маъруза қилди.

23 апрель. Тошкентда Маърифатчилар жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, олимлар, ёзувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисида жамият тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Маърифатчилар жамиятининг раиси этиб филология фанлари доктори Наим Каримов сайланди.

26 апрель. Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетида иқтисодий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш масалаларига бағишланган семинар очилди. Бир ҳафта давом этган семинар ишида Япония, Жанубий Корея ва Малайзия олимлари сўзга чиқдилар. Улар ўзбекистонлик ҳамкасбларига Шарқий Осиё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, уларда мавжуд таълим тизимлари ва иқтисодий фанларни ўқитиш технологиялари тўғрисида сўзлаб бердилар.

27 апрель. Тошкентда “Зилзилани олдиндан айтиб бериш муаммолари” мавзуида Халқаро конференция очилди.

29 апрель. Тошкентда Ўзбекистон олий ўқув юртлари ректорларининг бозор иқтисодиёти шароитида раҳбар кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий-

психологик жиҳатларига бағишланган Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Апрель. Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетидида республиканинг турли олий ўқув юртларидан тўпланган талабаларининг икки кунлик ижодий учрашуви бўлиб ўтди. Уларнинг билим ва қобилиятлари шу ўқув йилида Президент ва Ибн Сино, Беруний, Навоий, Улуғбек номидаги Давлат стипендиялари билан тақдирланган эди.

Апрель. Етти кун давомида Бухорода иқтисодий фан ўқитувчиларининг малакасини ошириш бўйича семинар бўлиб ўтди. Семинар иши жараёнида иштирокчилар кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида қўйилган асосий талаблар, жаҳон иқтисодиётида ва сўнгги вақтларда шу фанни ўқитиш услубиётида пайдо бўлган янги ва илғор усуллар билан танишдилар.

Апрель. Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик институтида ёш санъатшунос олимларнинг “Санъатшунослик ниҳоллари” илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда шу илмий-тадқиқот муассасаси ва Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ходимлари иштирок этишди.

Конференция яқунлари бўйича истеъдодли олимларга энг оригинал гоёса, бенефсон нотиклик қобилияти ва бошқа йўналишлар бўйича рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Апрель. “Ёшлар ва сиёсат” — Навоийда бўлиб ўтган уч кунлик Халқаро илмий-амалий семинар ана шу мавзуга бағишланди.

6 май. Тошкент Алоқа электротехника институтида “Цивилизация. Экология. Инсон” мавзуидаги илмий-амалий конференция ўз ишини яқунлади. Ўзбекистоннинг таниқли олимлари бўлган конференция қатнашчилари телекоммуникациялар соҳасида Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлиги, Ўрта Осиёда цивилизация асосларининг пайдо бўлиши каби долзарб муаммоларни муҳокама қилдилар.

11 май. Олий Мажлиснинг XIV сессиясида Президент Ислам Каримов қўйган вазифалардан келиб чиқиб, олий ва ўрта махсус мактабнинг янги замонавий ўқув қўлланмаларини тайёрлаш — Тошкентда бўлиб ўтган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташкил этган Республика семинар-кенгашининг мавзуи бўлди. Кенгашда бўлажак дарслик ва ўқув қўлланмалари муаллифлари, республика ўқув юртлари, Фанлар академияси, Ўзбекистон Фан ва техника Давлат кўмитаси вакиллари иштирок этишди.

11-13 май. Тошкентда “Космик тадқиқотлар, технология ва конверсия” мавзуида IV Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Уни Европа “ЕКА” Космик агентлиги кўмагида “Ўзбеккосмос” агентлиги ўтказди.

Конференцияда “Ўзбеккосмос”, Фанлар академияси, Главгидромет, Бош гидрометеорология станцияси, Ўзгеокадастр, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Почта ва телекоммуникациялар агентлиги, Республикамиздаги илмий-текшириш институтлари ва олий ўқув юртларининг, шунингдек, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа МДХ мамлакатлари космик

идораларининг етакчи олим ва мутахассислари, Буюк Британия, Франция, ГФР, Тунис халқаро ва хорижий марказларининг вакиллари иштирок этишди. Иштирокчилар космос соҳасидаги тадқиқотлар ва замонавий технологияларни Ўзбекистон иқтисодиётига тадбиқ этишни ривожлантириш истиқболларини белгилаб олишди.

14 май. Газ конлари Шўртан бошқармаси қошидаги Нодирабегим номи болалар боғча-гимназиясида “Германияда мактабгача таълим” мавзuida Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан бу ерга келган мактабгача тарбия муассасаларининг мутахассислари иштирок этишди.

17 май. Қаршида ёқилги-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини оширишга бағишланган биринчи Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда газ ва нефть тармоқларида ёқилги-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш, муҳандислик-технологик вазифаларни янада самаралироқ ҳал этиш йўллари қидириб топиш ҳақида фикр алмашилди. Олимлар, мутахассислар, тадқиқотчилар шу йўналишдаги тажрибаларини ўртоқлашдилар.

19 май. Ўзбекистон Банк-молия академиясида “Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимини такомиллаштириш ва унинг жаҳон молия бозорига интеграциялашувига доир долзарб масалалар” мавзuida Халқаро илмий-амалий конференция ўз ишини бошлади.

Конференцияда мамлакат банк ва молия тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим ҳамда долзарб масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистоннинг етакчи банкирлари ва молиячилари, шунингдек, хорижлик мутахассислар маърузалар қилишди.

20 май. Мамлакатимизда бўлиб ўтган аёл ёки аёллар гуруҳи томонидан яратилган энг яхши кашфиёт учун танлов якунлари эълон қилинди. У Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси томонидан ташкил этилди.

Тошкент Сув-геология илмий-тадқиқот институтининг Е. Кацанович, Л. Шпиц, Е. Киршина ва В. Чавичаловадан иборат мутахассислари жамоаси ғолиб, деб топилди. Улар чарм ишлаб чиқаришдаги оқова сувларни тозалаш имконини берувчи кашфиётни ишлаб чиқиб, амалда татбиқ этишган эди.

“Зухро” хусусий фирмасининг бош директори З. Сайдаминова иккинчи мукофотга сазовор бўлди. У танловга эфир ёғи олишнинг баъзи бир самарали ва техник ечимларини тақдим этганди.

Тиббиёт вакиллари танловда учинчи ўринни олишди. Булардан офтальмолог Ш. Маҳкамова — миопия касаллиги асоратини жарроҳлик йўли билан даволаш усулини, невропатолог Д. Курбонова болалар ДЦПси, перинитал энцефалопатия, периферик фалажни даволаш усулларини, шунингдек, мияда қон айланишини яхшилаш усулини таклиф этганди.

Май. Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университетида бўлиб ўтган “Иссиқхона газлари эмиссиясини юмшатишнинг миллий стратегиясига доир таклифлар” мавзуидаги Республика илмий семинари иштирокчилари “Келажакда иқлим қандай бўлади?” деган саволга жавоб топишга уриниб кўрдилар.

Май. Тошкентда “Сен қонунни биласанми?” Республика танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Тадбир бошлангандан буён унда Республиканинг барча минтақаларидаги мактаб, лицей, коллежлардан 60 мингдан зиёд ўқувчи иштирок этди. Якуний даврада қатнашган вилоятларнинг 14 та голиб командаси юксак тайёргарлик даражасини, Ўзбекистон қонунлари аҳамиятини яхши тушунишини намойиш этди. Танлов якунлари бўйича қорақалпоғистонлик болалар (Нукус шаҳридаги Республика академик лицейи) биринчи, Самарқанд командаси (Тойлоқ туманидаги 13-мактаб) ва Андижон командаси (Кўрғонтепа туманидаги 29-лицей) иккинчи ўринни эгаллашди.

Май. Самарқанд Чет тиллар институтида “Ўзбекистон XXI асрда” мавзуида Халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Мамлакатимиз ва хорижнинг етакчи университетларидан келган эллиқдан ортиқ таниқли олимлар: иқтисодчилар, сиёсатшунослар, социологлар ва педагоглар XXI аср бошида ёш мустақил давлатнинг муаммолари ва яқин келажакга тўғрисида таҳлилий маърузалар қилишди. Улар орасида АҚШнинг Донвер университети профессори Жонатан Зартман, Канаданинг Йорк университети профессори Норма Жо Бэкер бор.

Май. Тошкентдаги Темурийлар тарихи Давлат музейида Ўзбекистон Тарихчилар жамиятининг илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. У Фарғона вилояти Кува туманида топилган туркий руний битикларига бағишланди. Унда етакчи олимлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этишди.

Май. Болалар ва ўсмирлар ижоди Қашқадарё вилояти марказида халқ таълими тарихи музейи очилди. Унда вилоят халқ таълими тарихи бўйича ҳужжатлар, ўқитувчиларнинг илғор тажрибалари тўғрисида ҳикоя қилувчи ашёлар, турли ўқув қўлланмалари, мақолалар, фотосуратлар намойиш этилган.

Май. Ўзбекистон Банк-молия академияси қошида “Молия” нашриёти ташкил этилди. Унда молия ва кредит, банк ва солиқ иши, қимматли қоғозлар бозори каби муҳим ва долзарб масалалар бўйича услубий, ўқув, илмий-тадқиқот адабиётлари нашр этилади.

2 июнь. Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетида республикада биринчи хотин-қизлар сиёсий раҳбарлиги мактаби очилди.

3 июнь. Ўзбекистон Бадий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг Ихтисослаштирилган кенгаши бир овоздан ёш япон олими Кэндзо Кавасакига “Эрамининг IV асрида Шимолий Бақтрия ва Тоҳаристонда буддавийлик тасвирий санъати” мавзуидаги диссертация иши учун санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасини беришга қарор қилди.

Диссертацияда Буюк Ипак йўлидаги маданий-тарихий жараёнларни аниқлашдек санъатшуносликдаги энг долзарб муаммолардан бири тадқиқ этилган. К. Кавасаки республикамызда бир неча йил яшади, ўқиди, мамлакатимиз жанубида Япония ва Ўзбекистон олимлари билан биргаликда ўтказилган археологик экспедицияларда фаол иштирок этди.

4 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “1999—2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул қилиш тўғрисида” 1999 йил 2 июнда қабул қилган Қарори ва мазкур Қарорга шарҳлари эълон қилинди.

7 июнь. Республика Халқ таълими вазирлигида шу йили банк синфларини тугатган ўқувчилар учун халқ таълими вилоят бошқармалари раҳбарлари, мактабларнинг директорларига сертификатлар топшириш маросими бўлиб ўтди.

Битирув кечаларида 911 нафар ўспирин етуклик аттестати билан бирга мазкур сертификатларни олди. Улар уч йил давомида молия иши асослари ҳамда менежмент бўйича сабоқ олдилар, компьютер ва инглиз тилини ўргандилар.

9 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Тошкент Ислон университети Маслаҳат кенгашини тузиш тўғрисида”ги Фармойишини чиқарди.

16 июнь. Эълон қилинган хабарга кўра, ўзбек олимлари геология фани ривожига муҳим ҳисса қўшдилар. МДХ мамлакатлари ва Хитойдаги ҳамкасблари билан биргаликда Республика Давлат геология қўмитаси минерал ресурслари институти мутахассислари “Евроосиё марказий қисми литологик-палеогеографик ва структура хариталари атласи”ни тузиш ишини ниҳоясига етказишди.

22 июнь. Темурийлар тарихи Давлат музейида “Ўрта Осиё этнологиясининг долзарб муаммолари” мавзuida Халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференция Ўрта Осиёни ўрганиш бўйича Франция тадқиқот институти ҳамкорлигида Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти томонидан ташкил этилди. Унда тарихчилар, этнологлар, мутахассислар, хорижий тадқиқотчилар, журналистлар иштирок этишди.

Конференцияда, бундан ташқари, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти ва Ўрта Осиёни ўрганиш бўйича Франция Тадқиқот институти ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Жумладан, Ўрта Осиё тарихи, этнологияси, қадимги археологик обидаларни биргаликда ўрганиш, шунингдек, ўзбек ва француз тилларида турли мавзудаги китоблар, қўлланмалар, журналлар ва тўпламлар нашр қилиш тўғрисида келишиб олинди.

25 июнь. Ўзбекистон Фанлар академиясида Ёш олимлар Миллий жамияти Кенгашининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон ёш олимлар Миллий жамияти Кенгашининг аъзолари, тафтиш ҳайъати, бошқарув раиси сайланди. Унинг раиси этиб Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти докторанти Э.Каримов сайланди.

Июнь. Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида Тошкентдаги 60-сонли ва Марғилондаги 6-сонли мактабнинг юқори синф ўқувчиларидан 21тасига тантанали суратда немис тили бўйича дипломлар топширилди. Диплом уларнинг Германиядаги исталган олий ўқув юртига ўқишга кириш ҳуқуқини беради.

Июнь. Республика Фанлар академияси Шарқшунослик институтида “X—XII асрларда Ўрта Осиё маданияти ва Имом ал-Мотурудий мероси” мавзuida илмий семинар бўлиб ўтди. Бу мавзу юзасидан, шунингдек, яқинда илоҳиётчи олим ал-Мотурудий ҳаёти ва фаолияти тўғрисида китоб чиқарган ўзбек ва немис тадқиқотчилари ҳамкорлиги ҳақида семинарда Ф. Эберт номидаги Жамғарма вакиллари маъруза қилишди.

Июнь. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Тошкентда очилган минтақалараро ўқув марказида машғулотлар бошланди.

Июнь. Япониянинг Нара шаҳрида “Буюк Ипак йўли ва дунё хитойлик сайёҳ Санзо Хоши нигоҳи билан” номи остида археологик топилмалар Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

Бу сайёҳ эрамиздан аввалги VI асрда биринчилардан бўлиб Буюк Ипак йўли ўтган мамлакатлар бўйлаб 17 йил саёҳат қилган.

Кўргазма ишида мамлакатимиз санъатшунослари делегацияси иштирок этишди ҳамда кўргазмага Сурхондарё вилояти Далварзинтепа шаҳарчаси қазилмалари чоғида ўзбек ва япон археологлари топган қадимий маданият намуналаридан еттитасини тақдим этишди.

Июнь. Филиппин пойтахти Манилада бўлиб ўтган навбатдаги жаҳон IGA (Ўғитлар индустрияси жаҳон ассоциацияси) конференциясида Ўзбекистон биринчи марта иштирок этди. Мамлакатимиз номидан Самарқанд Қишлоқ хўжалик институти ректори, профессор Абдуқодир Эргашев қатнашди ва конференцияда Орол денгизи ҳавзаси мамлакатларининг қишлоқ хўжалигида ўғитлардан фойдаланишнинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатларига бағишлаб маъруза қилди.

Июнь. Қоҳира университетиде “Ўзбекистон XXI асрда: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов назарияси ва амалиётида давлат қурилиши, ташқи ва ички сиёсат масалалари” мавзuida Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Халқаро анжуманда Миср давлат ва жамоат арбоблари, дипломатик корпус, сиёсий, илмий ва ишбилармон доиралар вакиллари қатнашди. Ўзбекистон делегацияси таркибида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридеги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори, профессор А. Азизхўжаев, Имом ал-Бухорий Халқаро жамғармаси раиси, профессор З. Мунавваров ва мамлакатимизнинг бошқа олимлари бор эди.

Июнь. Рус овзаки ва ёзма ижодиёти бўйича Республика олимпиадаси ғолиблари: фарғоналик Д. Дичук ва янгийўллик Е. Соловьёвага Россия Халқ Таълими вазирлиги томонидан Россия олий ўқув юртига қабул қилиниш ва шу мамлакат ҳуқумати таъсис этган махсус стипендияни олиш ҳуқуқи берилди.

Июнь. Тошкентда “Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари” мавзуида VI анъанавий Республика илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди.

2 июль. Пойтахтнинг “Туркистон” саройида республика олий ўқув юр்தларини аъло баҳолар билан битирган ёшлар — мамлакатимизда ўтказилаётган кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи қалдирғочлари Республика анжумани бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Фулумов мамлакатимиз Президенти Ислон Каримовнинг мустақил Ватанимиз тарихида биринчи марта бакалавр дипломларини олган йигит ва қизларга йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Катта ҳаётга йўлланма берувчи бакалавр дипломларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. Рискйев топширди.

25 июль. Тошкентда Саёҳатчилар ассоциациясининг Очиқ осмон остидаги Мактабнинг учинчи якунловчи конференцияси бўлиб ўтди. Унда иштирок этган ёш эколог ва этнографларнинг тўққизта жамоаси олдиндан белгилаб қўйилган мавзулар бўйича ўз билимларини намоиш этди.

Июль. Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ректори, Тошкент Ислон университети маслаҳат кенгаши аъзоси, профессор Неъматулло Иброҳимов раҳбарлигидаги ўзбек ислоншунос олимлар делегацияси Роттердам Ислон университетига (Голландия) ташриф буюрди. Сафар давомида Роттердам Ислон университетида, “Роттердам Ислон университетининг дўстлари” жамиятида, Париждаги Шарқ тиллари ва цивилизацияси Миллий институтида, Брюсселдаги Ислон марказида учрашув ва суҳбатлар бўлиб ўтди.

Июль. Тошкентдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ваколатхонасида “Ўзбекистонда иқлим ўзгаришларини ўрганиш” лойиҳаси тақдими бўлди. Уни БМТ дастурининг раҳбари Ричард Ромерс олиб борди. Тақдимида олимлар, халқаро ташкилотлар экспертлари, журналистлар иштирок этишди.

2 сентябрь. Тошкентда қурилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш бўйича касб-хунар коллежининг очилиш маросими бўлди. Тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов сўзга чиқди.

28 сентябрь. Ўзбекистоннинг биринчи геоиқтисодий харитасини тузиш устидаги иш ниҳоясига етганлиги ҳақида хабар эълон қилинди. Унда табиий жараёнлар билан, шунингдек, техноген жараёнлар билан боғлиқ вазиятнинг ҳаққоний манзараси берилган.

28 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистонда таълим ва тарбия соҳасида алоҳида ўрнатилган бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

30 сентябрь. Тошкент эндоскопик хизмат, эндовизуал жарроҳлик масалаларига бағишланган “Воҳидов ўқишлари” Республика конференцияси бўлиб ўтди.

Сентябрь. Тошкентда “Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференция ишида мамлакатимиз етакчи мутахассислари билан бирга Германия, Италия, Нидерландия, АҚШ, Франция, Япония ва МДХ давлатлари тарихчилари иштирок этишди.

8 октябрь. Эълон қилинган хабарга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти ходимлари германиялик ҳамкасблари билан биргаликда беш минг йил муқаддам Ўзбекистон ҳудудида таркиб топган йирик кон-металлургия базасини топишди.

Қадимий кон-металлургия минтақаси Зирабулоқ ва Зиёвуддин тоғ этакларидаги Қарнобдан Жанубий Қизилқумгача чўзилиб кетган бўлиб, у минтақамизда вужудга келган цивилизацияларни мис ва қалай билан таъминлаган. Булар инсоният тарихидаги энг муҳим металл қотишмаси — бронза бўлиб, бутун бир давр номини англатади.

Қадимий қазув ишларининг кўплаб излари топилган Қизилқум ва унга туташ жойларда маъдан қазиб чиқариш асосан эраמידан аввалги икки мингинчи йилларда олиб борилган.

Коннинг очилиши мамлакатимиз ҳудудида кенг миқёсда бронза қазиб чиқариш ишлари олиб борилганлигидан гувоҳлик беради, бу эса тарихий адабиётларда бронза ва ундан ясалган буюмлар бизга Жанубий Эрон ва Олтойдан келтирилгани ҳақидаги фикрларни инкор этади. Демак, Сўғд, Бақтрия, Хоразмдаги жаҳонга машҳур қадимий ёдгорликлардан топилган бронзадан ясалган меҳнат қуролилари ва бошқа буюмлар асосан маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсули эканлигидан далолат беради.

13 октябрь. Тошкентда атом энергияси бўйича Халқаро агентлик (МАГАТЭ) семинари иш бошлади. Етти кун мобайнида унинг иштирокчилари — Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Грузия, Марказий Осиё республикалари вакиллари ядро қурилмаларидан фойдаланиш ва ядро материаллари билан иш олиб боришга тааллуқли асосий қонун-қоидалар билан танишдилар.

20 октябрь. Тошкентда “Геодинамика, сейсмотектоника ва геомеханика муаммолари” мавзуида Халқаро илмий-техникавий конференция ўз ишини якунлади.


Октябрь. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида Марказий Осиё мамлакатлари олий ўқув юртларида биринчи марта халқаро тижорат ҳуқуқини ўқитиш масалалари бўйича семинар бўлиб ўтди. Семинар иштирокчилари — олий ўқув юртлари ўқитувчиларига ҳуқуқий фанларни ўқитиш илғор тажрибаси, методологияси ва услубиёти хусусида лекциялар уюштирилди. Лекцияларни АҚШ, Россия, Германия, Нидерландия



Япония элчиси билан мулоқотда



Таълим жиҳозлари кўргазмасида



Институт янги биносининг очилиш маросимидан лав-



Институт янги биноси



Оила даврасида www.ziyouz.com kutubxonasi



Мактабларимиз моддий базасини мустаҳкамлаш йўлида



Келажаги буюк Ўзбекистон ёшлари давраида

диядан келган халқаро тижорат ҳуқуқи соҳасидаги етакчи мутахассислар ўқишди.

Октябрь. Нукусда онкология илмий маркази очилди. У Қорақалпоғистон Республикаси Экспериментал ва клиник тиббиёт илмий-текшириш институти, Соғлиқни сақлаш вазирлиги онкология диспансери негизда ташкил этилди.

Октябрь. Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ Таълими вазирликлари республика “Усто” жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказган дарсликлар ва дарслик адабиётлар Республика танлови якунлари чиқарилди. Якунлар бўйича С. Отамуродов раҳбарлигидаги бир гуруҳ олим ва мутахассислар тайёрлаган “Сиёсатшунослик” дарслиги, 6-синф учун “Ўзбекистон тарихи”, “Ботаника” дарсликлари, шунингдек, “Адабиётшуносликка кириш” қўлланмаси биринчи даражали дипломга сазовор бўлди.

Октябрь. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Микробиология институтида микробиология ва биотехнология муаммолари бўйича Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги А. Холмуродов таваллудининг 60 йиллигига бағишланган ушбу конференцияда Россия, Хитой, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистондан келган олимлар иштирок этишди.

Конференция қатнашчилари тиббиёт, қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат саноати учун зарур ҳисобланган микробиологиянинг турли соҳалари, хусусан, микроорганизмлар, экологик соф ва камзаҳарли ўғитлар ва дефолиантлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари яратиш билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Октябрь. Тошкентда қишлоқ хўжалигида қуёш энергиясидан фойдаланишга бағишлаган Ўзбекистон-Исроил семинари бўлиб ўтди.

1 ноябрь. Тошкентда Республика Таълим маркази ҳузурида ташкил этилган “Педагогик технологиялар маркази”нинг тақдими бўлиб ўтди.

Марказнинг келгусидаги фаолияти, янги педагогик технологияларни амалда жорий этиш, таълим тизимига Интернетни таъбиқ этиш усуллари тўғрисидаги ахборотлар билан етакчи мутахассис ва олимлар сўзга чиқишди.

Учрашувда Халқ Таълими вазирлигининг “Таълим тараққиёти” ахборотномасининг ҳам тақдими бўлди.

5 ноябрь. Хивада “Жалолиддин Мангуберди — Ватан ҳимоячиси” мавзуида Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг ўн икки мамлакатидан келган олимлар иштирок этишди.

17 ноябрь. Тошкентда механизм ва машинашунослик назариясининг замонавий муаммолари бўйича Республика илмий-техникавий конференция ўз ишини бошлади.

18-20 ноябрь. Тошкентда “Инсон, маънавият ва ижтимоий тараққиёт” мавзуида Халқаро фалсафий илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, АҚШ, Буюк Британия, Покистон, Қирғизистон, Туркманистон, Беларусь, Қозоғистон олимлари иштирок этишди.

19-20 ноябрь. Тошкентда “Ал-Мотуридий таълимоти ва унинг Шарқ халқлари маданиятида тутган ўрни” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди.

23 ноябрь. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида япон тили бўлими очилди.

Ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари Ассоциациясининг учинчи миллий анжумани бўлиб ўтди. Уч кун давом этган ушбу анжуманда мамлакат олий ўқув юртлари ва мактабларининг уч юзга яқин ўқитувчилари иштирок этишди. Улар Ўзбекистон, АҚШ ва Буюк Британия етакчи тилшуносларининг лекция ва маърузаларини тингладилар, инглиз тилини ўқитишнинг замонавий услубиётини муҳокама қилдилар.

Ноябрь. Бухорода тиббиёт билим юртлари ва коллежларида таълимни такомиллаштиришга бағишланган Республика конференцияси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги барча тиббиёт билим юртлари ва коллежлари раҳбарлари, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари иштирок этишди.

15-16 декабрь. Тошкентда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури: ислохот натижалари ва истиқболлари” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда таълим тизимининг икки юзга яқин мутахассислари иштирок этдилар, улардан ўттиздан ортиқроғи хорижнинг йирик экспертларидир.

28 декабрь. Фан ва техника Давлат қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йилги давлат стипендиатларига дипломлар топширилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Аспирантлардан беш нафари: Наманган Давлат университетидан — Нодира Абдуллажоновна, Самарқанд Давлат Тиббиёт институтидан — Жамшид Жабриев, Нукус Давлат Педагогика институтидан — Гавҳар Патуллова, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш маркази Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институтидан — Абдураззоқ Хўжабеков ва Тошкент Давлат Педагогика университетидан — Шоира Шодмонова стипендиат бўлишди.

Декабрь. “Ўзбекистонда ахборотлаштиришнинг ҳозирги аҳволи, муаммолари ва ривожланиш истиқболлари” мавзуида Республика илмий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция ишида республиканинг етакчи олимлари, хорижий давлатлардан техникавий, ижтимоий, биологик, тиббий, экологик ва бошқа тизимларни ахборотлаштириш ва бошқариш муаммолари билан шуғулланувчи мутахассислар иштирок этишди. Конференцияда республикада кибернетика тараққиёти яқунлари муҳокама қилинди ва бу фаннинг ривожланиш истиқболлари белгилаб олинди.

Декабрь. Асвон шаҳрида (Миср) ичимлик сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган биринчи Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унинг ишида Ўзбекистон олимлари ҳам иштирок этишди.

15 январь. Урганчда республикадаги ўттизта академик лицей директорлари ва муаллимлари учун семинар-кенгаш очилди, унда янги турдаги мазкур ўқув муассасаларида таълим-тарбия ишининг муҳим жиҳатлари, уни такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

25-28 январь. Тошкентда иқтисодий таълим масалаларига бағишланган Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон халқ таълими вакиллари қатнашдилар.

28 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Тошкент Давлат университетига “Ўзбекистон Миллий университети” мақоми бериш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Январь. Термиз Давлат университетига “Тилшуносликнинг энг муҳим муаммолари” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда МДХ мамлакатлари ўқув ва илмий муассасаларидан келган юздан ортиқ олим иштирок этди.

Январь. Вест Пойнтдаги АҚШ Ҳарбий академияси (Нью-Йорк штати) чет тиллар кафедрасининг мудир полковник Вуди Хелд бошчилигидаги мазкур ҳарбий академия делегацияси Ўзбекистонга келди. Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлар академияси ва Чирчиқдаги Танк билим юрти раҳбарлари билан учрашувлар бўлди, замонавий армияда ўқув жараёнини ташкил этишнинг долзарб масалалари юзасидан мунозаралар ўтказилди, ўқув соҳасида ҳамкорлик қилиш имкониятлари қўриб чиқилди.

1 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Япония ҳукуматининг мамлакатимизда беғараз ёрдам кўрсатиш лойиҳаси доирасида талабаларга стипендиялар ажратиш юзасидан Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида айирбошланганида Нота имзоланди.

Ушбу лойиҳага биноан, мамлакатимизнинг бир гуруҳ йигит-қизлари икки йил мобайнида Япония олий ўқув юрларида иқтисодиёт, қонунчилик, соғлиқни сақлаш, бошқарув ва бошқа тармоқлар бўйича таълим оладилар ва тажриба ўрганадилар.

Февраль. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида “Марказий Осиё минтақасидаги куролли можаролар ва уларнинг ҳарбий санъатни ривожлантиришга таъсири” мавзуида илмий-амалий конференция иш бошлади.

Конференцияда мамлакатимиздаги барча куч вазирликларининг генерал ва зобитлари, Ташқи ишлар, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти вакиллари қатнашдилар.

Бундан ташқари, конференцияда МДХ давлатлари ҳарбий ҳамкорлигини мувофиқлаштирувчи штаб вакиллари, АҚШ, ГФР, Франция, Туркия, Украина, Хитой ва Россиянинг ҳарбий атташелари иштирок этдилар.

Февраль. Олти мамлакат — Ўзбекистон, Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон олий ўқув юрларининг 60 нафар муаллими

Тошкентда иқтисодиёт юзасидан ўтказилган бир ҳафталик Халқаро ўқув-семинари ишида қатнашди. Машғулотларни АҚШ иқтисодий таълим Миллий кенгашининг мутахассислари ўтказишди.

1 март. Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳукуматлари ўртасида Иқтисодий тараққиёт бўйича ҳамкорлик фондидан қарз ажратиш тўғрисидаги Битимни имзолаш маросими бўлди.

Шу аҳдлашув доирасида бир юз элликта академик лицей ва касб коллежларини Кореянинг замонавий техник ўқув асбоб-ускуналари билан жиҳозлашга оид лойиҳа ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, ажратиладиган маблағ ҳисобидан янги лицей ва коллежлар муаллимларининг Кореядаги энг яхши ўқув юртларида тажриба ўрганиши режалаштирилган.

16 март. Самарқанд Қорақўлчилик илмий-тадқиқот институтининг селекциячилари “Зармолла” номли янги ноёб рангли қорақўл наслини яратганликлари тўғрисидаги хабар эълон қилинди. Бу — олимларнинг катта ютуғи бўлиб, кўп йиллик ишнинг якунидир. Ниҳоят, қўйларнинг товланувчи оч жигарранг қорақўл насли яратилди.

24 март. “Халқ сўзи” газетасида эълон қилинган хабарга қараганда, жанубий Орол бўйида ишлаётган Қорақалпоғистон-Австралия археология экспедицияси кум остида қолиб кетган қадимий шаҳарни аниқлаган. Оқша-ханқалъа деб аталган бу шаҳар, олимларнинг тахминича, милодий IV—VI асргача Ўрта Осиёнинг энг қадимий давлатларидан бири — Хоразм давлатининг пойтахти бўлган.

Март. Тошкентда “Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи” мавзуида Республика илмий семинари бўлиб ўтди.

4 апрель. Академик Яҳё Фуломов номидаги “Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи” Республика илмий семинари қатнашчиларининг Ўзбекистон тарихчиларига мурожаатномаси эълон қилинди.

4 апрель. Тошкентда “Иқтисодий мерос ва жаҳон тажрибаси” мавзуида Республика конференцияси очилди. Конференцияда қатнашган республикадаги бир қатор олий ўқув юртларининг раҳбар ходимлари ва педагоглари ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни муҳокама қилдилар.

4 апрель. Тошкентда “Ўзбекистон Республикасида тест усулида имтиҳон олишнинг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш муаммолари” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда таълим муассасаларининг раҳбарлари, муаллимлар, шунингдек, АҚШ, Англия, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган етакчи мутахассислар қатнашдилар.

6 апрель. Навоий вилояти ҳудудида топилган қимматбаҳо ерости бойликлари олтин, кумуш, вольфрам билан бир қаторида бертолет гил кони топилганлиги ҳақида хабар эълон қилинди. Навбаҳор туманидаги Қоратов этакларида жойлашган бу конда 7 миллион тоннадан кўпроқ бертолет гили

бор деб тахмин қилинмоқда. Мазкур кон давлат рўйхатига қайд этилди. Шу пайтга қадар бу модда республикамизга чет элдан келтириларди.

11-13 апрель. Тошкентда касб-хунар таълимидаги давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муаммоларига бағишланган Халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Буюк Британия, Франция, Финляндия, МДХ мамлакатлари ва Монголиядан келган мутахассислар уч кун давомида касб-хунар таълими соҳасида қилган ишларини гапириб бердилар, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўргандилар.

19 апрель. Республика Таълим марказида ажнабийлар учун ўзбек тили маркази, шунингдек, давлат тили муаллимлари Республика уюшмасининг тақдироти бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда республиканинг барча минтақаларидан методист олимлар, ўзбек тили муаллимлари, адабиёт ва санъат арбоблари, дипломатик корпус вакиллари ва чет эллардан келган меҳмонлар иштирок этишди.

26 апрель. Тошкент Давлат иқтисодийёт университетида талабалар орасида тадқиқотчилик ишини фаоллаштириш мақсадида илм-фан куни ўтказилди.

Апрель. Токиодаги Сока университети Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг директори, тарих фанлари доктори Темур Шириновни жаҳон фани ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси учун “Сока университети ифтихори” юксак мукофоти билан тақдирлади.

Апрель. Тошкентда Мартенс танлови сифатида машҳур бўлган Халқаро гуманитар ҳуқуқ бўйича танлов бўлиб ўтди. Танловда Марказий Осиё минтақасидаги беш мамлакатдан қирққа яқин бўлажак халқаро ҳуқуқчилар қатнашдилар. Тошкент Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети талабалари жамоаси конкурсда ғолиб чиқди, унга бош мукофот — Мартенс кубоги топширилди.

Апрель. Шимолий Атлантика блоки (НАТО) илмий қўмитасининг делегацияси мамлакатимизда бўлди.

4 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши “Бухоро ва Фарғона шаҳарларида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг солиқ коллежаларини ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

16 май. Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган “2000 йилнинг энг яхши ўқитувчиси” кўрик-танлови нихоясига етди. Танлов якунларига кўра Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 70-сонли мактаб ўқитувчиси Дилфуза Фаниева биринчи, Наманган вилояти Тўрақўргон туманидаги 12-сонли мактаб ўқитувчиси Зайнаб Умарова иккинчи, Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги 29-сонли мактаб ўқитувчиси Зарифа Шокирхонова учинчи ўринни олди.

18 май. Эроннинг Ўзбекистондаги элчихонаси маданият ва маориф масалалари бўйича маслаҳатчиси Худоёр Иброҳим жаноблари Термиз университетининг филология факультети ҳузуридаги форс тили марказига

1,5 миллион сўмлик аудио ва видео аппаратлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, форс мумтоз адабиёти асарларини совға қилиб топширди.

19 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабалари фаолиятини рағбатлантиришга доир қўшимча чоратadbирлар” тўғрисида Қарор қабул қилди.

19 май. Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Элчихонасида немис тилидан имтиҳон топширган республикамизнинг 31 ўқувчисига иккинчи даражали диплом топширишга бағишланган тантанали маросим бўлди. Бу имтиҳон ГФР томонидан дунёнинг барча мамлакатларида ўтказилди. Мазкур диплом соҳиблари Германиядаги истаган олий ўқув юртига тил бўйича қўшимча имтиҳон топширмай ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўлади, яъни ҳуқуқ жиҳатидан немис талабаларига тенглаштирилади.

19 май. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида Республика Фанлар академияси фаолиятини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш масалалари юзасидан умумий йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда академиянинг мухбир аъзолари тартиботини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилинди ва шу муносабат билан Ўзбекистон Фанлар академиясининг барча 82 мухбир аъзосини Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайлашга қарор берилди. Йиғилишда Фанлар академиясининг бўлимларини қисқартиришга оид таклифлар кўриб чиқилди, натижада Фанлар академиясини бошқаришнинг беш поғонали тизимидан иккитасини — Фанлар академиясининг бўлимлари ва президиумини қисқартиришга қарор қилинди. Бундан буён Фанлар академиясининг Ҳайъати Фанлар академиясини бошқарувчи асосий оператив органи бўлиб қолади. Фанлар академияси президентининг тўрт вице-президентини, бош илмий котибини, минтақа бўлинмалари раҳбарларини сайлаш тартиби тасдиқланди. Халқаро илмий алоқаларни ривожлантириш учун масъул бўлган Фанлар академияси вице-президенти лавозимни жорий этилди. Маслаҳат органи — Фанлар академияси президенти ҳузурдаги илмий тадқиқот муассасалари директорлари кенгаши тузилди, шунингдек, вице-президентлар ҳузурда фанлар йўналишлари бўйича кенгашлар тузиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Фанлар академиясининг янги тахрирдаги Низоми қабул қилинди.

22 май. Тошкентда Германия академия ҳамкорлиги хизмати собиқ стипендиатларининг учрашуви бўлди. 1925 йилдан бери мавжуд бўлган бу хизмат хорижий олий ўқув юртлари ва илмий муассасалари ўртасида илмий ҳамкорлик билан шуғулланади. Учрашувда Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан, Тожикистон, Туркменистондан немис ўқув юртларида тажриба ўрганиб келган 160 олим қатнашди.

25-28 май. Тошкентда “Ўзбекистон-Корея: илмий ва маданий ҳамкорлик” мавзуида Халқаро конференция бўлди. Ялпи ва секция мажлислари-

да дўст мамлакатлар олимлари ва мутахассисларининг илмий-маданий ва гуманитар соҳадаги алоқалари тўғрисида маърузалар қилинди, ахборотлар берилди. Кореялик меҳмонлар Самарқанд ва Бухорога сафар қилдилар, “Дўстлик” жамоа ҳўжалигининг, Ким Пен Хва номли корпорациянинг меҳнаткашлари билан учрашдилар.

Май. Тошкентда, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида инглиз, немис, француз тилларининг энг яхши билимдони номини олиш учун талабаларнинг Республика олимпиадаси бўлди. Танловда йигирма олий ўқув юртининг талабалари уч кун давомида мусобақалашдилар. Олимпиада ғолиблари мукофот тарзида Германияга бир ойлик стажировкага йўланма олдилар.

Май. Тошкентда уч кун давом этган Халқаро конференцияда Орол бўйида юзага келган иқтисодий вазиятни ўрганувчи Ўзбекистон, Қозоғистон, Германия, Россия ва бошқа мамлакат олимларининг тадқиқот натижалари муҳокама қилинди.

Май. Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида “Иқтисодиёт, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш”, “Хусусийлаштириш”, “Информатика ва автомат бошқарув тизимлари” каби фанлар, инглиз, немис ва француз тиллари бўйича талабаларнинг Республика олимпиадаси ўтказилди. Унда мамлакатдаги 30 та олий ўқув юртининг талабалари қатнашди. Совриндорлар орасида Андижон Муҳандислик-иқтисодиёт институтининг, пойтахтдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг, Меъморчилик-қурилиш институтининг ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг вакиллари бор.

Май. Тошкентда “БМТнинг иқлим ўзгаришлари Бозор конвенциясига ёндашувнинг учинчи йўли” мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди.

Май. Тошкентда “Зилзила хавфини чамалаш ва муҳандислик геологияси муаммолари” мавзуида Халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркменистон олимлари қатнашдилар.

16 июнь. Тошкентда, Халқаро экология ва саломатлик “Экосан” фондида халқаро давра суҳбати бўлди. Ерларнинг чўлга айланиши ва қурғоқчилик билан кураш муаммосига бағишланган учрашувда республикамиз вазирликлари ва идораларининг, Ўзбекистонда ишлаб турган халқаро ташкилотларнинг вакиллари ва хорижий дипломатлар, мазкур муаммо билан шуғулланувчи олимлар ва мутахассислар қатнашдилар.

20-22 июнь. Самарқандда “Шўрхоқ тупроқ ва сизот сувларнинг Марказий Осиёдаги тарихий ёдгорликларга таъсири” мавзуида конференция бўлиб ўтди.

28 июнь. Республика Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигига Кембриж хорижий фондидан (Буюк Британия) дунёнинг энг обрўли университетларидан бири — Кембриж университетида таълим олиши учун Ўзбекистондан магистрлар ва докторантларга бешта стипендия ажратилганлиги ҳақида хабар келди.

29 июнь. Банклараро молиявий хизматлар марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодорли ёшларни чет элларда таълим олишга кўмаклашувчи “Умид” жамғармасининг 2000-йилги гранти соҳибларини шарафлашга бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Йиғилишда танлов ғолиблари, уларнинг ота-оналари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари вакиллари ва жамоатчилик намоёндалари ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д. Ғуломова грант соҳибларига сертификатлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовдан эсдалик соатларини топширди.

Бу йил Ўзбекистон Республикаси Президенти грантини олишга 1300 дан зиёд даъвогар беллашди. Танлов натижаларига кўра юксак билим савиясини намоён қилган 124 йигит ва қиз чет элларда ўқишга тавсия этилди, танлов ғолибларидан 75 киши Буюк Британияга, 24 киши Германияга, 8 киши АҚШга, 8 киши Канадага, 8 киши Францияга ва 1 киши Италияга йўлланма олдилар. Улар Бирмингем, Манчестер, Ноттингем, Йель, Колумбия университетларида ўқийдилар.

Июнь. Тошкентда бўлиб ўтган Республика семинарида олий ўқув юртлиари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари кутубхоналарининг янги нашр этилган ўқув адабиётлари билан таъминланиш даражаси муҳокама қилинди. Семинарда Ўзбекистоннинг барча вилоятларидаги олий ўқув юртлиарининг ректорлари, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларининг раҳбарлари, олий ўқув юртлиари кутубхоналарининг директорлари қатнашдилар.

Июнь. Миср Араб Республикасида араб талабалари учун ўзбек тили дарслигининг биринчи қисми нашр этилди. Дарсликни мисрлик олим, шарқ тиллари ва адабиёти профессори, ватандошимиз Насрулло Мубошир ат-Тарозий ёзган.

Ўзбек тилини ўрганувчилар эътиборига ҳавола этилган матнлар мамлакатимиз тарихи, буюк аждодларимиз фаолияти ҳамда мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин республикамызда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар билан таништиради.

Июнь. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими таркибида Оролбўйи ижтимоий-иқтисодий муаммолари илмий-тадқиқот институти ишлай бошлади. Институт Интернет тизимига уланган.

Июнь. Ўзбекистон Фанлар академиясининг “Физика-Куёш” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида барпо этилган кичик куёш печи яқин орада Мисрдаги Таббин металлургия институтида фаолият кўрсата бошлайди. Мутахассисларимиз ноёб қотишмалар олиш имконини берадиган асбоб-ускуналарни сошлаб берадилар ҳамда маҳаллий касбдошларга хунар ўргатадилар, Ўзбекистон Фан ва техника Давлат кўмитасида иккала мамлакат институтилари ўртасида шу ҳақда Шартнома имзоланди.

Миср индустриясида куёш энергиясидан фойдаланиш муаммосини ўрганиш учун “Физика-Куёш” илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Мате-

риалшунослик институти билан қўшма марказ барпо этиш ҳақида ҳам келишиб олинди.

Июнь. Нукусада Тошкент Давлат иқтисодийёт университети ҳузуридаги ихтисослаштирилган бизнес олий мактабининг филиали очилди.

Июнь. Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде ижтимоий-сиёсий фанлар факультети ташкил этилган куннинг бир йиллиги нишонланди. Байрам муносабати билан факультетда Республика ёш сиёсатчилар маркази Германиянинг Фридрих Эберт фонди билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасида фуқаро жамиятининг ривожини” мавзуида биринчи Халқаро конференция ўтказди.

Семинарда бир қатор халқаро ташкилотлар, элчихоналар, партияларнинг вакиллари, сиёсатчилар, диншунослар, иқтисодчилар ҳамда университет ижтимоий-сиёсий фанлар факультетининг муаллимлари ва талабалари маъруза қилдилар ва музокараларда қатнашдилар.

Июнь. Тошкент Архитектура-қурилиш институти Германиялик шериклари — Баухаус университети ва “Зенде-Фульд” хунармандчилик устахонаси келгусида ҳамкорлик қилиш тўғрисида бир йўла иккита Шартнома имзолади. Имзоланган ҳужжатларда қурилиш материалларининг хоссаларини биргаликда тадқиқ қилиш, шунингдек, Ўзбекистондаги тарихий ёдгорликларни ўрганиш ва уларга молиявий қўмак бериш кўзда тутилган.

Июль. Мамлакатимизда Хитой Халқ Республикаси Фан ва техника вазирлигининг делегацияси бўлди. Юань Шугуан бошчилигидаги хитойлик олимлар Тошкентнинг бир қатор йирик илмий марказларида бўлдилар ва уларда фаннинг турли соҳаларида ўтказилган фундаментал ва амалий тадқиқот натижалари билан танишдилар. Ўзбекистон-Хитой савдо ва иқтисодий ҳамкорлик ҳукуматлараро комиссияси ҳузуридаги Ўзбекистон-Хитой илмий-техника ҳамкорлиги ёрдамчи комиссиясининг биринчи мажлисида иштирок этдилар.

Июль. Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд бўлимининг Бухородаги базасида Бухоро ва Навоий вилоятларининг олимларини бирлаштирувчи минтақа илмий маркази ташкил этилди.

5 август. Жиззах вилояти Фаллаорол туманидаги Писталитоғ ёнбағирларида қора мраммарнинг янги кони топилганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинди.

21 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ходимларининг меҳнатларини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилди.

25-29 август. Тошкентда “Шарқий Европа мамлакатлари ва Ўзбекистонда Халқаро жинойий ишлар судига оид билимларнинг тарқатилиши” мавзуида семинар бўлиб ўтди. Семинар ишида Халқаро инсон ҳуқуқлари жамиятиниң бош котиби Ханс Борн қатнашди.

Август. Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети Япониянинг Нагойя университети билан ижодий ҳамкорлик тўғрисида Шартнома имзолади. Ушбу ҳужжатга биноан биргаликда илмий конференциялар, талабалар ва муаллимлар билан учрашувлар ўтказиш, СамДУ ва Нагойя университетининг ҳуқуқшунослик факультетлари умумий илмий ишларини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Август. Тайжон шаҳри (Жанубий Корея)да 41-Халқаро математика олимпиадаси ўтказилди. Унда 82 мамлакатдан 450 ёш математик қатнашди. Мазкур олимпиадада бухоролик мактаб ўқувчиларидан Умид Раҳмонов билан Зулҳиддин Камоловлар бронза медалга сазовор бўлдилар ва дунёнинг 30 та энг катта олий ўқув юртидан хоҳлаганларига имтиҳонсиз кириш ҳуқуқини олдилар.

5 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасида мамлакатимизга келган Япония хотин-қизлар таълими Халқаро уюшмаси делегациясининг аъзолари билан республика хотин-қизлар жамоат ташкилотлари вакилларининг учрашуви бўлди. Суҳбат чоғида фикрлар алмашилди, томонларни қизиқтирган масалаларга жавоб қайтарилди.

12 сентябрь. Бухорода “Инновация-2000” Халқаро илмий-амалий конференцияси бўлиб, унда Россия, Франция, Беларусь илмий марказларининг мутахассислари иштирок этдилар.

12 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг умумий йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари Ядро физикаси институтининг директори, академик Беҳзод Йўлдошевни очик овоз бериш йўли билан Республика Фанлар академиясининг президенти этиб сайладилар. Улуғбек номидаги Астрономия институтининг директори Шўҳрат Эгамбердиев бош илмий котибликка сайланди.

15 сентябрь. Бухорода “Қишлоқ хўжалигида экология муаммолари” мавзuida Халқаро илмий-амалий конференция бўлди. Унда Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Миср Араб Республикасидан биология, тупроқшунослик ва экология муаммолари билан шуғуланувчи етакчи олимлар иштирок этишди.

Конференцияда Орол бўйида юзага келган экологик вазият, тупроқнинг шўр босиши ва коррозияси масалалари, сизот сув сатҳининг кўтарилиш оқибатлари, саноат чиқитларининг табиатга салбий таъсири, сув камчилиги, нохуш экологик омилларнинг қоракўлчилик ривожланишига таъсири масалалари тўғрисидаги маърузалар тингланди.

18 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институтида Германиянинг “Унионматекс” ва “Жозеф Майсснер” фирмаларидан юборилган лаборатория асбоб-ускуналарини топшириш маросими бўлди. Ушбу тадбир илмий-техникавий ҳамкорлик дастури доирасида ўтказилди.

20 сентябрь. Ўзбекистонда 1993 йилдан фаолият кўрсатаётган Американинг таълим ва тилларни ўрганиш соҳасидаги ҳамкорлик кенгаши

(АКСЕЛС) АҚШ ҳукумати томонидан пул билан таъминланадиган дастурлар бўйича ўқиш учун АҚШга 101 аспирант, 50 талаба, юқори синфларнинг 400 ўқувчиси, олий ўқув юртларининг 30 муаллими ҳамда яна Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умид” жамғармаси томонидан танлаб олинган 350 талаба ва аспирантни АҚШга жўнатди.

26 сентябрь. АҚШнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси 2001—2002 ўқув йилида ўн та таълим дастурига стипендия ва грантлар берилишини эълон қилганлиги ҳақидаги хабар эълон қилинди. Шунингдек, АҚШда таълим олиш ҳуқуқига эга бўлишни хоҳловчилар учун танлов дастурлари ва мезонлари ҳам эълон қилинди.

27 сентябрь. “Очиқ Жамият — Ўзбекистон” институти (Сорос фонди) Республика “Устоз” фондига жами 110 минг долларлик 28 минг нусха китоб топширди. Бу китобларни топшириш маросимида республикамининг мазкур илмий ва ўқув адабиётини олиши лозим бўлган ўқув юртлари раҳбарлари ҳозир бўлдilar.

Китоблар туркумида жамиятшунослик, фалсафа, сиёсатшунослик тарих, иқтисодиёт ва илм-фаннинг бошқа соҳалари бўйича дунёнинг етакчи олимлари қаламига мансуб бўлган 118 номдаги китоблар бор.

29 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва устозлар куни муносабати билан Ўзбекистон таълим ва тарбия соҳасининг алоҳида ўрнатилган кўрсатган бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Сентябрь. Бухорода буюк олим ва мутафаккир Абу Али ибн Сино туғилган куннинг 1020 йиллигига бағишланган Халқаро ўқиш бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари орасида турли мамлакатлардан, жумладан, Ҳиндистон ва Эрондан келган олимлар бор эди.

Олимлар бухоролик аждодимиз фаолиятининг турли соҳалари хусусида маъруза қилдилар, унинг фикрлари замонавий фан билан ҳамоҳанг эканлигини таъкидладилар. Тадбир иштирокчилари Бухородаги Ибн Сино номи Давлат тиббиёт институтида унинг ҳайкали очилишида қатнашдилар, Ибн Сино туғилган Афшона қишлоғини зиёрат қилдилар.

Сентябрь. Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети қошида Маънавият халқ университети ташкил этилди. Унинг очилиш маросимида янги ўқув юрти маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар малакасини оширишда муҳим ўрин тутиши қайд этилди.

Сентябрь. Тошкент вилояти Оҳангарон туманининг Оқтом қишлоғида фермер Авазхон Азимовнинг шахсий маблағи ҳисобига қурилган 150 ўринли мактабда машғулотлар бошланди. Янги ўқув йили бошланишига бағишланган маросимда фермер А.Азимов ўқувчиларга дарсликлар, ўқув анжомлари топширди, шунингдек, ўқувчиларни ҳар куни текин овқатлантириш учун маблағ бериш ҳамда ўқитувчиларга иш ҳақи тўлаш мажбуриятини олди.

Сентябрь. Тошкентда Америка халқаро тадқиқот ва айирбошлаш кенгаши (IREX) билан Халқаро таълим ташкилоти (IEARN) томонидан

уюштирилган икки кунлик семинар бўлиб ўтди. Пойтахт мактабларининг ўқитувчилари ва маъмурий ходимлари учун мўлжалланган бу семинарда Интернет тизимида ишлашни сиртдан ўргатиш, шунингдек, IЕARN лойиҳалари билан амалий таништириш кўзда тутилган.

Сентябрь. Тошкентда “Тадбиркорликни ривожлантиришнинг зарур шarti сифатида интеллектуал мулкга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш” мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда мутахассисларимиз илмий-тадқиқот фаолият натижаларини ҳимоя қилиш ва тижоратлаштириш соҳасида Фарбада орттирилган тажриба билан танишдилар. Мазкур тадбир ўзбек фанининг жаҳон илмий ҳамжамиятига қўшилиши ишига хизмат қилади.

3-5 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида “Радиоизотоплар ва уларнинг қўлланилиши” мавзуида иккинчи Республика илмий-амалий конференцияси бўлди. Унда муҳокама қилинган масалалар жаҳон тараққиёти учун аҳамиятли бўлганлиги сабабли унда Германия, Россия, Украина, Марказий Осиё Республикаларининг таниқли олимлари иштирок этишди.

10 октябрь. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларига бағишланган “Ўзбек давлатчилиги тарихи” мавзуидаги анъанавий Республика илмий семинарида Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти ва Термиз Давлат университетининг олимлари иштирок этишди. Семинарда шунингдек, Сурхон водийсида неча йиллардан бери археология изланишларини олиб бораётган француз олимлари ҳам қатнашдилар.

16 октябрь. Бўстон шаҳрида “Қадимий Хоразм тамаддунининг жаҳон маданияти тарихидаги аҳамияти” мавзуида Халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

Симпозиумда олимлар турли мавзуларда — Хоразм тамаддунининг жаҳон маданияти тарихидаги, ўзбек давлатчилиги тарихидаги аҳамияти ҳақида фикр алмашдилар.

18-19 октябрь. Тошкентда нефть ва газ конларини ишлатиш ва қатламлардан нефть олинишини кўпайтириш муаммолари юзасидан Республика илмий-техникавий конференцияси бўлиб ўтди.

18-20 октябрь. Тошкентда бўлиб ўтган “Геофизика вазифаларини ҳал этиш учун замонавий таҳлил усулларидан фойдаланиш” мавзуидаги Республика илмий-назарий конференциясида математик моделлаш, ахборот технологиялари ва атроф-муҳит экологияси муаммолари муҳокама қилинди.

Конференция ишида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Россия гидрометеорология хизматлари, академия институтлари, миллий марказлар, илмий-тадқиқот ва ўқув муассасаларининг мутахассислари иштирок этишди. Илмий анжуманнинг асосий мақсади об-ҳавони олдиндан айтиб беришда, шунингдек, таҳликали ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб бориши мумкин бўлган нохуш метеорология ҳодисаларини башорат қилишда аниқликни ошириш ишида олимлар билан амалиётчи мутахассисларнинг кучларини бирлаштиришдан иборат бўлди.

21 октябрь. Фарғона вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида буюк олим ва мутафаккир Аҳмад ал-Фарғоний хотирасига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

24-25 октябрь. Навоийда “Бошқа тилларда таълим бериладиган мактабларда давлат тилини ўқитиш ва лотин графикасига асосланган ўзбек алифбесини жорий этиш” мавзуида Республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

30 октябрь. Тошкентдаги Рус драма театри сахнасида инглиз тилини ўқитишда, кичик бизнесни ривожлантиришда ўрта ва олий ўқув юртларига ёрдам беришдек фахрли вазифани бажариш учун АҚШ Тинчлик корпусининг 59 нафар кўнгилдилари республиканинг турли жойларига жўнаб кетишдан аввал қасамёд қабул этиши маросими бўлиб ўтди.

Октябрь. Тошкентда бўлиб ўтган илмий конференция атмосфера, гидросфера ва литосферадаги биофизик жараёнларни ўрганиш соҳасида мамлакатимиз олимлари эришган ютуқларнинг кўриги бўлди.

Октябрь. Самарқандда бўлиб ўтган “CASS-2000” мавзуидаги III Халқаро конференцияда ҳисоб-китобларда компьютер алгебрасини қўлланиш истиқболлари муҳокама қилинди. Унда Америка, Англия, Франция, Германия, Италия, Испания, Австрия, Исроил, Россиядан келган 70 олим маъруза қилди.

Октябрь. Тошкентда АҚШ, Швейцария, Бельгия, Франция, Россия ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг етакчи илмий марказ олимлари иштирокида “Марказий Осиё маданиятларида макон ва замоннинг идрок этилиши” мавзуида Халқаро коллоквиум бўлди.

Октябрь. Ўзбекистонда ўтказилаётган Япония кунлари доирасида Жаҳон иқтисодий ва дипломатияси университети профессор-муаллимлари ва талабларининг япон олимлари — Хитоцубаши университети социология факультетининг профессори Като Тецуро ва Хосэй университети менежер факультетининг профессори Хашимото Дзюро билан учрашуви бўлди.

Октябрь. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Кимё ва физика институтида “Макромолекуляр иерархия тузилмаларининг синергетикаси” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Франция, Россия, Украина, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларнинг олимлари қатнашдилар.

Октябрь. Бухорода бўлиб ўтган Халқаро илмий-амалий конференцияда Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон олимлари қишлоқ хўжалигининг экологик муаммоларини муҳокама қилдилар.

Октябрь. Тошкентда Бутунроссия илмий ва техника ахбороти институти ахборот маҳсулотларининг кўرғазмаси бўлди.

Кўрғазмада турли соҳаларни ёритувчи рефератив журналлар тақдим этилди. Мамлакатимиз илм-фани ва халқ хўжалигининг кўпгина тармоқлари учун бу журналлар катта илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Кўрғазма доирасида “Умумий ахборот макони: ахборотдан бемалол фойдаланиш” мавзуида семинар, бир қатор амалий учрашувлар ўтказилди.

Октябрь. Самарқанд ва Бухорода “Компьютер алгебраси — илмий изланиш” мавзуида учинчи Халқаро конференция бўлиб ўтди.

Халқаро конференцияда Австрия, Германия, АҚШ, Англия, Исроил, Россия, Испания каби мамлакатларнинг олимлари қатнашди. Улар компьютер алгебрасида алгоритмлар ва дастурлар таъминоти, уларни илмий ҳисоб-китобларга тағбиқ этиш, белгили рақамлар таҳлили ва дифференциаль тенгламалар ечими, матрицаларнинг самарали ҳисоб-китоби каби муҳим масалалар хусусида ўз фикрларини баён этди.

Октябрь. Россия Археология жамиятининг президенти академик Анатолий Деревянко Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги Обираҳмат горида Новосибирск ва Ўзбекистон олимлари биргаликда ўтказётган қазиш ишларини давом эттиришдаги кучларни бирлаштириш мақсадида Ўзбекистонга келди. Обираҳмат гори энг қимматли тарихий ёдгорликлардан бири бўлиб, инсоният тараққиёти занжирининг муҳим ҳалқасидир.

Октябрь. Санъатшунослик илмий тадқиқот институтида “Ўзбекистон — Камалиддин Беҳзод меросҳўри” мавзуида Республика семинари ўтказилди. Унда мамлакатимиз олимлари, талабалари иштирок этишди.

Октябрь. Тошкентдаги Беҳзод номли Санъат ва дизайн институтида Бельгия ва Германия олий ўқув юрларининг вакиллари: Антверпен шаҳри олий рассомчилик мактабининг ректори Петерс жаноблари ва Крехфельд ГФР Амалий санъат университетининг профессори Рольф Закс жаноблари билан Розвита Закс хоним меҳмон бўлди. Улар талабаларга санъат тарихининг айрим жиҳатлари ва дизайн йўналишлари ҳақида маъруза қилди. Бельгиядаги олий ўқув юртининг ректори Петерс жаноблари билан Тошкент институтининг ректори С. Абдуллаев ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани имзоладилар.

Октябрь. Нукусдаги 1-сонли мактаб ўқувчилари Сан-Францискодаги тенгдошларидан совға олди. Совғани Ўзбекистонга келган америкалик педагог Таиз Дероза топширди. У республикамиз Халқ таълими вазирлиги билан Америка халқаро таълим кенгаши (АКСЕЛС) ўртасидаги шартномага биноан амалга оширилатган дастурлардан бири доирасида республикамизга келган. Таиз Дероза икки ҳафта давомида нукуслик касбдоши, инглиз тили муаллимаси Вероника Вохитованинг иш фаолияти билан танишди.

1 ноябрь. Тошкентда немис тили бўйича халқаро классдаги биринчи замонавий дарслик “Ассалом, DEUTSCH” тақдими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Германиянинг Гёте институти кўмагида бешинчи синф ўқувчилари учун тайёрланган ушбу қўлланма дарслик, машқлар дафтари ва аудио кассеталар комплексидан иборат. Муаллифлар Н. Суханова, З. Шайхудинова, О. Спасова, Ф. Тиллахўжаевалар Германияга бориб ўрганган тажрибалари асосида дарслик яратиб, уни ўша ерда 10 минг нусхада чоп эттирдилар.

1 ноябрь. Тошкентда “Мактабгача тарбия ва бошланғич таълимнинг давомийлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлаш муаммолари” мавзуида

илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Республикамизнинг турли вилоятларидан келган олим ва тарбиячилар болаларни мактабга тайёрлаш, мактабгача ёшдаги гўдакларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, ягона педагогика технологияларини жорий этиш ҳақида фикрлашиб олишди.

3-4 ноябрь. Тошкентда “Ўқув дастурларини ислоҳ қилишнинг энг муҳим масалалари” мавзuida конференция ўтказилди.

Конференцияни очиш маросимида ва унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Буюк Британия ва АҚШ элчихоналарининг вакиллари, мазкур мамлакатлардан, шунингдек, Канада ва Венгриядан келган 30 га яқин мутахассис, Ўзбекистоннинг ўн та вилоятидан келган 350 га яқин муаллим ва талабалар қатнашди. Улар инглиз тилини ўқитишнинг муҳим муаммоларини хорижий касбдошлари билан муҳокама қилдилар, тил ўқитиш жараёнларини ислоҳ қилиш соҳасидаги янги лойиҳалар билан, бу жараёнда педагоглар маҳоратини ошириш имкониятлари ва касб бирлашмаларининг роли билан танишди.

6-7 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон инглиз тили муаллимлари уюшмаси (UzTEA)нинг тўртинчи конференцияси бўлди. У ўқув дастурларини ислоҳ қилишнинг энг муҳим масалаларини муҳокама қилишга бағишланди.

10 ноябрь. Америкадаги Таржимаи ҳолларни ўрганиш институтининг халқаро тадқиқотлари якунлари юзасидан Навоий кон-металлургия комбинатининг директори Николай Кучерский “2000-йил кишиси” деб аталганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинди. У кончилик ва металлургия саноатидаги жуда катта хизматлари, юксак шахсий обрў-эътибори, келажак авлодларга олижаноб намунаси учун ушбу номга сазовор бўлди. Бундан сал аввал Н. Кучерский БМТ бош маслаҳатчи ва Жаҳон ахборотшунослик парламенти ҳузуридаги Халқаро академиянинг ҳақиқий аъзолигига сайланган эди. Халқаро таржимаи ҳол марказий кенгашининг яқдил қарорига биноан Навоий кон-металлургия комбинатининг директори Ўзбекистон вакили сифатида кончилик ва металлургия саноатидаги меҳнати учун Халқаро Қадр-қиммат орденига қабул қилинган эди. Ҳозирги пайтда унинг аъзолари 500 кишига етди.

17 ноябрь. Самарқандда ислом фанининг машҳур даҳоси Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг 1130 йиллик юбилейи республика жамоатчилиги вакиллари, турли хорижий мамлакатлардан келган меҳмонлар иштирокида кенг миқёсда нишонланди. Тантаналарда Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади. Шу куни Самарқандда мутафаккир юбилейига бағишлаб “Имом ал-Мотуридий ва унинг ислом фалсафасидаги аҳамияти” мавзuida конференция бўлди.

22 ноябрь. Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида миллий мустақиллик ғояларини ўрганиш ва тарғиб қилиш маркази барпо этилди. Бу марказ университет профессор ва муаллимларини, шунингдек, аспирант ва юқори курсларнинг иқтидорли талабаларини бирлаштирди. Марказнинг асосий вазифаси миллий мустақиллик ғояларини тарғиб қилувчи омма-

боп китоблар, рисолалар тайёрлашдан, маъруза ва суҳбатлар уюштиришдан иборат.

24 ноябрь. Инсон ҳуқуқлари миллий марказида Дунё болалари кунига бағишланган “Болаларнинг ҳуқуқлари ва қонун” мавзуида Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

“Болаларни қутқаринг” (Буюк Британия) фондининг мамлакатимиздаги фаолияти, Болаларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, уюшган жиноятчиликка қарши курашда болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, балоғатга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликни тугатишда АҚШнинг тажрибаси, Ўзбекистонда соғлом авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг асосий йўналишлари мавзуларида маърузалар тингланди.

29 ноябрь. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида корейс тили дарсхонасини очиш маросими бўлди. Олий ўқув юртининг раҳбарияти Корейнинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан биргаликда қабул қилган ушбу қарорда университет талабаларига компьютерлар, ташкилий техника, телевизор, видеоманитофон ҳамда мингтадан кўпроқ китоб ва видеокассета берилиши кўзда тутилган.

29 ноябрь. Самарқанд вилоятининг Челақ туманида қадимий Кўктепа шаҳри харобалари ўрнида Сакслар маликасининг даҳмаси топилди. Уни ўзбек археологлари француз мутахассислари билан бирга топдилар.

Ноябрь. Бобур номидаги Халқаро илмий экспедицияси Шарқий Осиё мамлакатлари бўйлаб уюштирган илмий сафарнинг навбатдаги босқичи тугалланди. Экспедиция аъзолари ўтган саккиз йил мобайнида саккизта илмий сафар қилдилар. Сўнгги сафар 51 кун давом этди, унинг қатнашчилари Хитой, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Эрон мамлакатларида бўлдилар. Изланишлар натижасида Бобур Мирзо ва унинг сулоласига боғлиқ бўлган ноёб топилмалар аниқланди. Шунингдек, Бангладешда Бобур ва Бобурийлар музейи мавжудлиги, унда Бобур даврида зарб қилинган тангалар, ҳарбий либослар, тўплар, ўқ-дорилар билан бир қаторда, шахсан буюк аждодимизнинг ўзи имзо чеккан фармоннинг асл нусхаси сақланаётганлиги маълум бўлди.

Ноябрь. В.Успенский номи мактаб-интернатда шонли воқеа бўлиб ўтди. Турли танловларнинг совриндорлари бўлган олти ўқувчи — Б. Абдураимов, Н. Ҳошимов, Б. Умарова, Э. Қутлибўлатова, Г. Такиева ва С. Умаровларга Владимир Спиваков Халқаро хайрия фондининг бир галги стипендиялари топширилди.

Ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, мамлакатимиз Бадий академияси Санъатшунослик институти “Санъат тарихи” бўлимининг мудирини Эдвард Ртвеладзе Швецияга илмий сафарга бориб келди. У Стокгольм университети Шарқ тиллари институти томонидан ўтказилган Марказий Осиёга бағишланган симпозиумда қатнашиб, “Эллинизмдан буддизмгача” мавзуида маъруза қилди, Стокгольм университети ҳиндшунослик кафедрасида бир неча лекциялар ўқиди.

9 декабрь. “Ёшлик” спорт мажмуасининг спорт майдонида (“Пахтакор” метро бекати) Ўзбекистонда биринчи марта “Lucky Strike РОК-МАСТЕР ФЕСТИВАЛЬ” бўлиб ўтди, унда “Мумий Тролль” (Россия), “Вопли Водоплясова” (Украина), “Халхин-Гол” (Қозоғистон), “Хазонрез” (Ўзбекистон) рок гуруҳлари иштирок этишди.

5 декабрь. Республика илмий-техника кутубхонасида “Жаҳон тамаддуни ва интеллектуал мулк, Ўзбекистон билан АҚШнинг ХХI аср бошида интеллект соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиги” мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Уни Американинг олимлар билан ҳамкорлик хизмати (ЭРЕКС), Ўзбекистон илмий-техника кутубхонаси ва Ёш олимлар Миллий жамияти ташкил этдилар.

5-6 декабрь. Тошкентда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: ислоҳот натижалари ва истиқболлари” мавзуида Халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг 300 дан кўпроқ ва чет элларнинг 40 нафар олими, дунёнинг 19 мамлакатидан мутахассислар қатнашди.

5-7 декабрь. Тошкентда вино-ароқ, мева-сабзавот ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари сотиладиган тўртинчи Халқаро ярмарка ўтказилди.

8 декабрь. Тошкентда Халқаро кураш уюшмаси ижроия қўмитасининг мажлиси бўлди.

12 декабрь. Тошкентда Ўзбекистон кардиологларининг тўртинчи курултойи очилди.

19 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси тавсиясига биноан ўз қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001-йилги давлат стипендиатларини тасдиқлади. Тошкент олий ўқув юр்தларининг аспирантларидан А. Х. Аҳоров, Ю. М. Прихожко, Н. Р. Сафоева, Ш. Х. Боқиева, А. А. Иброҳимовлар стипендия соҳиби бўлдилар.

Декабрь. Тошкентда ўтказилган “Ёшлар ва Ер хартияси” Халқаро анжуманига МДХ мамлакатларидан, маҳаллий давлат идоралари, жамоат ташкилотларидан, талабалардан, шунингдек, Ер Кенгашидан, аниқроқ қилиб айтганда, Барқарор ривожланиш миллий кенгаши (NSCD)дан вакиллар қатнашдилар.

Декабрь. Гамбург университети шарқшунослик бўлимининг раҳбари профессор Берг Фрагнер Самарқанд Давлат университетининг муаллим ва талабалари билан учрашди. Мазкур университет Гамбургдаги олий ўқув юрти билан ҳамкорлик қилиб келаётир. Б.Фрагнер учрашув вақтида Германияда ўтказилаётган филология тадқиқотлари тўғрисида, Шарқ халқларининг маданияти, жумладан, “Авесто”ни ўрганиш борасидаги ишлар ҳақида маъруза қилди.

2001 ЙИЛ

4 январь. Маънавият ва маърифат соҳасида 1998—2000 йилларда нашр этилган энг яхши монография, дарслик, ўқув қўлланмаси учун Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси томонидан ўтган йил-

нинг март ойида эълон қилинган биринчи Республика танлови якунлари эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясидан А. Бегматовнинг “Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши” асари биринчи ўринни олди.

6 январь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши эълон қилинди.

15 январь. Оқсарой қароргоҳида бўлган учрашувда М. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг ректори Виктор Садовничий давлатимиз бошлиғига тантанали вазиятда фахрий профессор дипломини топширди. Ислом Каримов Ўзбекистон-Россия муносабатларини, фан, маориф ва маданият соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган жуда катта ҳиссаси учун мазкур унвонга сазовор бўлди.

Ислом Каримов ўз меҳнатига берилган юксак баҳо ва кўрсатилган ҳурмат учун москвалик олимларга миннатдорчилик изҳор этди.

20 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Миллий мустақиллик ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар” фани юзасидан ўқув дастурлари яратиш ва уларни республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида”ги Фармойиши босилиб чиқди.

Январь. М. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Меҳмонлар республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлдилар, бу ерда вазирлик билан Москва Давлат университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Шартнома имзоланди.

Январь. Тошкентда, Ўзбекистон Миллий университетида физика бўйича Республика танлови бўлди, унда республика ўрта мактаблари 9—11 синфларининг, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 91 ўқувчиси қатнашди.

Ўн нафар энг иқтидорли ва чуқур билимли ўқувчи танлов ғолиби деб топилди, уларга 23 апрель—1 май кунлари Тайвандаги Тайбей шаҳрида ўтказиладиган физика бўйича иккинчи Осиё олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқи берилди.

Январь. БМТ қочоқлар ишлари бўйича Олий Комиссарининг Термиздаги бошқармаси Термиз Давлат университетида марказ очди. Имзоланган шартномага биноан бу марказда инсон ҳуқуқлари, халқаро қонунчилик юзасидан маърузалар ва семинарлар ўтказилади.

Ваколатхона университетнинг халқаро муносабатлар бўлими учун 337 минг сўмлик ўқув қўлланмалари, Қочоқлар ишлари бўйича Олий Комиссар бошқармасининг инсонпарварлик фаолияти ҳақида, унинг Марказий Осиёда ва бутун дунёда ўтказаяётган ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар, аҳолининг кўчишига оид адабиётлар ва бошқа китоблар ажратди.

IV. МАДАНИЯТ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

1991 ЙИЛ

11 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Б. Ф. Жалоловга “Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми” фахрий унвони бериш тўғрисида” Фармон чиқарди.

20 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Фанлар академияси Адабиёт институтига Алишер Навоий номи берилиши тўғрисида” Қарор қабул қилди.

24 сентябрь. Тошкентда ўзбеклар (туркистонликлар)нинг АҚШ, Германия, Афғонистон, Саудия Арабистони, Сурия, Иордания, Туркия, Австралия, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда яшовчи ватандошлари ишгирокида биринчи Халқаро учрашуви бўлиб ўтди.

25 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотини бериш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Мукофотлар ёзувчилардан Абдулла Қодирийга (марҳум), Абдулҳамид Чўлпонга (марҳум), Абдурауф Фитратга (марҳум), хонанда Шермат (Шерали) Жўраевга, рассом Баҳодир Жалоловга, бош меъмор Серго Михайлович Сутягинга, халқ устаси Саминжон Мўйдиновга, меъмор Мурод Фозиловга, Ҳиндистон фуқароси, ёзувчи ва шоир Манзар Салимга берилди.

28 сентябрь. Тошкентда Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. У Алишер Навоий йили деб эълон қилинган йил доирасида ўзбеклар диёрида ҳамда унинг ташқарисида ўтказилган тантаналар якуни сифатидаги айём бўлиб қолди. Кечада адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларида илк бор таъсис этилган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотлари топширилди.

28 сентябрь. Тошкентда Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳайкали (ҳайкалтарошлар Э.Алиев, Н.Бандзеладзе, В.Дегтярёв) ва катта Миллий боғнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мемориалнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

30 сентябрь. Тошкентда болалар уйлари тарбияланувчилари учун биринчи меҳр-саховат кўرғазмаси очилди. “Артра” (“Санъат”) болалар жамғармасининг кичик корхонаси дирекцияси ташкил этган ушбу кўрғазмада мусаввирларнинг юзга яқин асарлари намойиш этилди.

10 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Х. Тўхтабоев, Ў.Р.Умарбеков, Ш.Холмирзаевага “Ўзбекистон Халқ ёзувчиси” фахрий унвонини бериш тўғрисида” Фармон чиқарди.

22 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Адабиёт, санъат ва архитектура арбобларининг ижодий фаоллигини рўёбга чиқариш, бозорга ўтиш шароитида уларнинг турмуш даражасини яхшилаш ва ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон ижодий арбоблари фонди”ни ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Октябрь. Порто шахрида (Португалия) ўтказилган пианиночиларнинг Халқаро танловида Ўзбекистон Республикаси биринчи марта мустақил давлат сифатида иштирок этди. Бизнинг вакилимиз — ёш мусиқачи Улуғбек Полвонов ушбу кўрикнинг совриндори бўлди. Унга Бах ва Шопен асарларининг ижроси учун учинчи ўрин берилди.

9 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Маҳалла кўмиталари фаолларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

9 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “М.Қориеқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси яккагон хонандаси Ортиқ Отажоновга “Ўзбекистон халқ артисти” фахрий унвонини, Зокир Иноғомовга “Ўзбекистон халқ рассоми” фахрий унвонини бериш тўғрисида” Фармон чиқарди.

15 ноябрь. Тошкентдаги “Баҳор” концерт залида Ўзбекистон халқ артисти, профессор Зоҳид Ҳақназаров бошчилигидаги Ўзбекистон Миллий симфоник оркестрининг тақдимот маросими бўлди.

29 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Сулаймон Юдаковнинг ёдгорлик музейи очилди.

Ноябрь. АҚШда анъанавий Ўзбек мусиқаси кунлари бўлиб ўтди. Мусиқашунос Отаназар Матёқубов бошчилигидаги Ўзбекистон халқ артисти Дилафрўз Жабборова, Республикада хизмат кўрсатган артистлар Муножот Йўлчиева ва Шавкат Мирзаев, қорақалпоғистонлик бахши-шоир Қаҳҳор Раҳимов, созандалар Турғун Алиматов ва унинг ўғли Алишерлардан иборат йиғма бадийий жамоа Нью-Йорк, Вашингтон, Миннеаполис, Миннесот, Сан-Франциско шаҳарларида концертлар беришди.

1992 йил

23 январь. Тошкентда Туркия маданий маркази очилди.

24 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика байналмилал маданий маркази тўғрисида”ги Қарори баёни эълон қилинди. Ушбу Қарорга биноан Миллатлараро маданий марказ Республика маданий марказига айлантирилди, собиқ СССР халқлари дўстлиги музейи негизида эса Республика байналмилал маданий марказининг таркибий қисми сифатида Ўзбекистон халқлари дўстлиги Уйи ташкил этилди.

24 январь. Республика театр фестивали Аброр Ҳидоятлов номли Тошкент ўзбек драма театрида Алишер Навоий асари асосида яратилган “Искандар” спектакли билан очилди.

Январь. Тошкентда “Адолат” юридик адабиётлар нашриёти ташкил этилди.

Январь. Тошкентда “Мактабгача тарбия”, “Бошланғич таълим” услубий журналларининг илк сонлари, Бухорода “Навқирон Бухоро” адабий-бадий журналининг биринчи сони, Хивада Хоразм вилояти ўлкашунос-лар жамиятининг безакли “Хива” адабий-бадий журналининг биринчи сони босмадан чиқди.

9 февраль. Тошкентда Франция маданияти ҳафталигининг очилиш маросими бўлди.

26 февраль. Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг навбатдан ташқари V курултойи бўлиб ўтди.

28 февраль. Тошкентда Ўзбекистон архитекторларининг XIII съезди иш бошлади.

Февраль. Тошкентда Ўзбекистонда биринчи “Файзи-фильм” оилавий киностудияси рўйхатга олинди. Унинг таъсисчилари — кинорежиссёр Латиф Файзиев, унинг укаси сатира театрининг режиссёри Ҳабибулла, Латиф Файзиевнинг ўғли актёр Фурқат ва оиланинг бошқа аъзоларидир.

9 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ташкилий тузилишини янада такомиллаштириш ва фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

14 март. “Наврўз” республика умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

21 март. Тошкентда Ўзбекистон рассомларининг янги ижодий уюшмаси “Карвон” галереяси томонидан ташкил этилган тижорат бадий кўргазмаси очилди.

21 март. Тошкентда Ўзбекистон алоқачилари “Хабар” газетасининг биринчи сони босмадан чиқди.

27 март. Тошкентда Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг “Наврўз-92” Халқаро театр фестивали тантанали равишда очилди.

27 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Рўза ҳайити” кунини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида” Фармон чиқарди. Ушбу Фармонга кўра шу йилнинг 4 апрели — Рўза ҳайити (ийд-алфитр) диний байрами кунини, шунингдек, кейинги йилларда Рўза ҳайитининг биринчи кунини дам олиш кунини деб эълон қилинди.

Март. Тошкентда қасаба уюшмалари фольклор-этнографик жамоаларининг “Дўстлик тароналари” биринчи Республика фестивали бўлиб ўтди. Биринчи ўринни Қарши шаҳри жамоаси эгаллади.

1 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Правда Востока” газетасининг бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

1 апрель. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Адабиёт ва санъат асарларини нашр этиш, оммавий ижро этиш ёки бошқача турда фойдаланиш учун муаллифлик қалам ҳақи ставкалари тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

9 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Республиканинг бир гуруҳ ижодкорларини узоқ йиллик ҳалол меҳнатлари, ўзбек адабиёти ва санъатини ривожлантиришдаги хизматлари, жамият ҳаётидаги фаол иштироклари учун мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

16 апрель. Тошкентда Ўзбекистон rassomларининг XIV съезди очилди.

28 апрель. Тошкентда Ўзбекистон театр арбобларининг иккинчи съезди бўлиб ўтди.

28 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Бозор муносабатларига ўтиш шароитида республика оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан ҳимоя қилишнинг биринчи навбатдаги чоратadbирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

29 апрель. Тошкентда рус православ черкови Ўрта Осиё епархиясининг иккинчи епархиал ййғилиши очилди. Икки кун давомида ибодатхона руҳонийлари, черков кенгашлари аъзолари, минтақанинг 90 дан ортиқ қавм вакиллари Ўрта Осиёдаги православиенинг бугунги куни ва келажигини муҳокама қилдилар.

Апрель. Нукусда “Гумша” (“Гунча”) адабий-бадий болалар ва ўсмирлар журналининг биринчи сони босмадан чиқди.

4 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Фан ва техника соҳасида Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Ўзбекистонда илмий тафаккур тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилган тадқиқотлари учун, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари дарсликлари учун Абу Райҳон Беруний мукофоти қуйдагиларга: М. К. Баҳодирхонов, С. З. Зайнобиддинов, М. С. Мадаминов, М. Юнусовларга — кремнийдаги аралашмаларнинг ҳолатини, технологик асбоб-ускуналар ишланмаларини ва уларнинг халқ хўжалигида фойдаланилишини тадқиқ этганликлари учун; Д. Ҳамидов, И. К. Мусабоев (раҳбарлар), А.Т.Оқилов (марҳум), Т. М. Ислонмонов, Нишонбоев, А. А. Турдиев, Ю. В. Шполянскийларга — ҳужайралар ва тўқималар тизими: эволюция, радиосезувчанлик, юқумли патологияни тадқиқ этганликлари учун; А. К. Валиев, Г. А. Пугаченкова, Х. П. Пўлатов, М. М. Хайруллаев, С. Ш. Шермухамедов, Э. Юсуповларга — миллий маданият ва маънавий мерос муаммосини тадқиқ этганликлари учун; А. Ҳ. Ҳайитметов (раҳбар), А. Х. Абдуғафуров, С. Ф. Фаниева, Ё. Исоқов, Э. А. Қария

мов, А. Қаюмов, М. Р. Мирзааҳмедова, С. Эркиновларга — “Ўзбек адабиёти тарихи”ни рус тилида яратишда иштирок этганликлари учун; Т. А. Саримсоқовга — “Аниқ ўзгартирувчи функциялар назарияси” (2-нашри, Т., “Ўқитувчи”, 1982 й.), “Функционал анализ курси” (2-нашри, Т., “Ўқитувчи”, 1986 й.), Н. Аҳмедовга — “Табиий ва патологик анатомия ва физиология” (Т., “Медицина”, 1990 й.)ларни ўзбек тилида яратганликлари учун берилди.

7 май. Тошкентдаги Киночилар уйида мустақил Ўзбекистон биринчи почта маркасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Почта маркасида ўзбек шоираси Моҳларойим — Нодира акс эттирилган. Унинг муаллифи мусаввир Ш.Ҳасановадир.

14 май. Бухорода Бухоро ва Братск шаҳарларининг биродарлашуви тўғрисидаги Шартнома имзоланди. Братск шаҳар вакиллари Иркутск вилояти делегацияси таркибида уч кун давомида Бухоро меҳнаткашларининг меҳмони бўлдилар.

21 май. Урганчда ёш скрипкачи ва виолончелчиларнинг биринчи Халқаро танлови очилди. Унда Россия, Украина, Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Литва ва Ўзбекистон Республикалари танловлари ғолиблари тўпландилар. Ушбу танловда ўн иккита совринли ўриндан тўрттасини Ўзбекистон вакиллари эгалладилар, шу жумладан, Урганч мусиқа билим юрти виолончелчиси Комил Мусаев “Гран при” ғолиби бўлди.

22 май. Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта опера ва балет театрида буюк ўзбек шоири Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

23 май. Наманганда Бобораҳим Машраб музейи ва ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлди.

23 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Наврўз” хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

24 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фармонига биноан Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиевага “Ўзбекистон халқ шоири” фахрий унвони, Неъмат Аминовга “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” фахрий унвони берилди.

29 май. Тошкентда Ўзбекистон ижодкор арбоблари жамғармасининг биринчи таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

29 май. Тошкентда Ўзбекистон прокуратураси идораларининг 70 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Май. Баҳрайн пойтахти — Манамада Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъати кўргазмаси бўлиб ўтди.

Май. Тошкентдаги мусиқа мактаби ўқитувчиси А. А. Голинец томонидан республикада биринчи шаҳар мусиқа мактаблари ўқувчиларидан иборат “Ёш истеъодлар” камер оркестри тузилди.

9 июнь. Тошкентда “Билим” жамиятининг навбатдан ташқари XI съезди бўлиб ўтди. Съезд республика “Билим” жамиятини Ўзбекистон зиёлиларининг илмий-маърифий ассоциациясига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилди.

24 июнь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг органи — “Ватанпарвар” газетасининг биринчи сони босмадан чиқди.

25 июнь. Парижда Араб олами институти музейи залларида “Самарқанд кулоллари” деб номланган Самарқанд музейи-қўриқхона фонди экспонатлари кўргазмаси очилди. Унда ўзбек халқининг ўзига хос кўҳна маданиятини ёрқин ифода этувчи сопол, металл, шиадан ясалган қадимий буюмларнинг уч юздан ортиқ асил нусхаси намойиш этилди.

26 июнь. Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг ҳамкорлик ва тараққиётига кўмаклашувчи халқаро ассоциациясининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Июль. Тошкентда “Ўзбекистон Республикаси Олий суди бюллетени”-нинг ўзбек ва рус тилларидаги биринчи сони босмадан чиқди.

11-20 август. Тошкентда дўстлик фестивали бўлиб ўтди. Япониянинг Фукусима префектурасидан келган меҳмонлар унинг қатнашчилари бўлди.

23 август. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган Умумармия аскар қўшиқлари фестивалининг якунловчи тури бўлиб ўтди. Фестивалда биринчи ўринни жамоалар орасида подполковник Сергей Горячев раҳбарлигидаги Самарқанд ҳарбий билим юртининг “Ҳамдўстлик” оилавий вокал-чолғу ансамбли эгаллади.

28 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон ижодкор ёшларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

31 август. Тошкентдаги “Нодирабегим” кинотеатрида режиссёр Даврон Салимовнинг “Истиқлол” фильми намойиш этилди. Фильм мустақиллик эълон қилинган кундан бошлаб Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳикоя қилади. Бу билан она ўлка ўтмиши ва ҳозирги куни, буюк ўзбек шоирлари, мутафаккирлари ҳамда файласуфларининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган фильмлар намойиши бошланди.

Август. Тошкентда “Ўзбекнаво” акционерлик ассоциацияси ва “Ўзбек-бирлашув” бошқаруви таъсис этган “Савдогар” газетасининг биринчи сони босмадан чиқди.

Август. Нукусда ўзбек тилида “Аму тонги” янги ижтимоий-сиёсий газетасининг биринчи сони босмадан чиқди.

17 сентябрь. Шиа мусулмонлари имоми, Оғохон жамғармасининг асосчиси ва раҳбари Оғохон жаноби олийлари ўз фонди томонидан ўтказилаётган архитектура бўйича семинарда қатнашиш ва Самарқандда унинг номидаги Халқаро мукофотни шаҳар марказини қуриш борасидаги энг яхши лойиҳа учун архитекторлар танлови ғолибларига топшириш учун Тошкентга келди.

Сентябрь. Урганчда қадимий Хоразм амалий санъати ва тарихи музейи очилди. Музейда тарихий ҳужжатлар, уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечак ва гиламлар, идиш-товоқ, қадимги хоразмликлар фойдаланган меҳнат қуролларидан иборат уч мингга яқин турли экспонатлар намоиш қилинмоқда.

Сентябрь. Хоразм вилоятининг Хонқа туманида хоразмлик ҳофизлар мактабининг асосчиси, машҳур миллий мусиқа ижрочиси ва қўшиқчиси Ҳожихон Болтаев номидаги ўзига хос нодир мақомчилар музейи очилди.

6 октябрь. Тошкентда МДХ кинематографчилар ва кинокомпаниялар уюшмалари раҳбарларининг расмий учрашуви бўлиб ўтди, унда собиқ Иттифоқ республикалари худудида кино ишини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

8-15 октябрь. Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг XI Халқаро кинофестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов фестивал иштирокчиларига табрик билан мурожаат қилди.

26 октябрь. Тошкентдаги Киночилар уйида Ўзбекистонда Малайзия киноси ҳафталигининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда иштирок этиш учун Малайзия кинематографчиларининг 60 кишидан иборат делегацияси келди.

Октябрь. Тошкентда Маданият институти мутахассислари раҳбарлигида болаларнинг Халқаро гитара чалиш маркази ташкил этилди.

Октябрь. Андижонда ёшларнинг IV Халқаро фестивали бўлиб ўтди.

2-13 ноябрь. Тошкентдаги Киночилар уйида Ўзбекистонда биринчи марта машҳур француз режиссёри Жан-Люк Годар кинокартиналарининг ретроспектив намоиши бўлиб ўтди.

3 ноябрь. Тошкентда ёш ватандошлар фестивали очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов фестивал иштирокчиларига табрик йўллади.

3 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Баҳодурдин Наҳшбанд таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

4 ноябрь. Бухорода “Музейларда маркетинг” биринчи Халқаро илмий симпозиуми иш бошлади. Унинг ишида МДХнинг бир қатор республикалари, Франция ва Финляндиянинг музей ходимлари иштирок этдилар.

5 ноябрь. Тошкентда давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Ш. Р. Рашидовнинг ҳайкали (ҳайкалтарош Я. Шапиرو, меъмор М. Расулов) очилди.

Ноябрь. Ўзбекистон журналистлар уюшмаси Халқаро журналистлар ташкилотига қабул қилинди.

Ноябрь. Бухорода темирчилик маҳорати музейи очилди.

Ноябрь. Тўрткўлда “Жайхун” адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий журналининг биринчи сони босмадан чиқди.

11-21 декабрь. Тошкентда КХДР амалий санъати кўрғазмаси бўлиб ўтди. Кўрғазмада корейс халқининг анъаналари мужассамлашган қамиш, чиганоқ, сомон, садафдан ясалган буюмлар, ёрқин локли миниатюралар Ўзбекистонда биринчи бор кенг миқёсда намойиш этилди.

18 декабрь. Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти қошида музей очилди. Ундаги экспонатлар Ўзбекистондаги энг кекса олий ўқув юртидан бирининг тарихини акс эттиради.

18 декабрь. Тошкентда ўз ижодларида Библия сюжетларини акс эттирувчи Ўзбекистон замонавий рассомлари асарлари кўрғазмаси очилди. “Ўзбекистон рассомларининг Библия сюжетлари” деб аталган бу кўрғазмада М. Кагаров асарлари намойиш этилди.

Декабрь. Тошкентда Ўзбекистон Давлат санъат музейида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистонда яшовчи уйғур рассомларининг биринчи Халқаро кўрғазмаси бўлиб ўтди.

Декабрь. Самарқанд вилоятидаги Оқтош шаҳрида Ўзбекистонда машҳур бахши Ислом шоир Назар ўғлининг уй-музейи очилди. Халқ бахшиси таваллудининг 120 йиллиги муносабати билан унинг ҳайкали очилди, юбилей тантаналари доирасида эса Республика бахши шоирларининг танлови бўлиб ўтди. Унда Ислом шоирнинг набираси Зиёдулло Исломов биринчи ўринни эгаллади.

Декабрь. Бухоро амирининг ёзги қароргоҳи — Ситораи Моҳи Хосада Ўзбекистонда биринчи марта сарой жиҳозлари кўрғазмаси очилди. Унда ўтмишдаги моҳир усталар томонидан ишланган амир ва унинг оила аъзоларига тегишли турли хонтахталар, ўриндиқлар, тагликлар ва бошқа жиҳозлар намойиш этилди.

Декабрь. Малайзияда Ўзбек киноси ҳафталиги бўлиб ўтди.

Декабрь. Тошкентда биринчи марта илмий-техник видеофильмлар фестивали бўлиб ўтди.

1993 ЙИЛ

1 январь. Тошкент радиоси биринчи марта хитой тилида эфирга чиқди. Шу кундан бошлаб Тошкентдан ҳар куни бир соат мобайнида радиоэшитиришлар орқали хитой тили янграй бошлади.

6 январь. Тошкентда Ўзбекистонда биринчи “Осиё” хусусий галереяси очилди. Унда Тошкент ва республиканинг бошқа шаҳарлари ёш рассомларининг асарлари намойиш этилди.

12 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Қишлоқ ҳақиқати” газетасининг бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

25 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фармони билан “Мустақиллик дарвозаси” лойиҳаси муаллифи меъмор А. М. Аҳмедовга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган меъмор”

фахрий унвони, Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси бадиий фонди қошидаги “Усто” халқ санъати усталари бирлашмасининг ёғоч ўймакорлари бригадери Х.Д.Умаровга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби” фахрий унвони берилди.

26 январь. Тошкентда Қорақалпоғистон маданияти кунлари очилди.

Январь. Тошкентда замонавий ислом санъатининг “Шам” номли кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда ўзбек рассомлари Муҳтарам Облоқулов, Файзулла Аҳмадалиев, Энгель Исоқов, Григорий Рева, Саидолим Шариповларнинг асарлари намойиш этилди.

Январь. Андижон вилояти “Намуна” савдо-саноат бирлашмасининг “Намуна” иқтисодий ҳафтаномагининг биринчи сони босмадан чиқди.

3 февраль. Марказий Осиё беш республикаси халқ ижодиёти илмий-услубий марказлари ва маданият ишлари бўйича маданий-маърифий муассасалар вакиллари Тошкентда бўлиб ўтган кенгашда халқ ижодиёти соҳасида ҳамкорлик қилиш юзасидан қарор қабул қилдилар.

12 февраль. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясида авиакомпания томонидан рус ва инглиз тилларида нашр қилина бошлаган айни шу ном билан аталадиган реклама журналининг биринчи сони тақдимоти бўлиб ўтди.

12 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фармони билан шоир Омонбой Магҷонов (Омон Магҷон)га “Ўзбекистон халқ шоири” фахрий унвони берилди.

Февраль. Тошкент вилоятининг “Дўстлик” жамоа хўжалигида корейс санъатининг Халқаро фестивали бўлиб ўтди. Унда Тошкент, Самарқанд, Алматы, Бишкек, Жамбул, Бекобод, Тошкент вилояти жамоа хўжаликларининг мусиқа жамоалари, қўшиқ ва рақс ансамбллари иштирок этдилар.

Март. Тошкентда Касаба уюшмалари Федерациясининг “Ишонч” — “Доверие” ойлик газетасининг биринчи сони рус тилида чиқди.

Март. Тошкентда “Пищевая и перерабатывающая промышленность” илмий-ишлаб чиқариш реклама-тижорат журналининг биринчи сони чиқди.

Март. Тошкентда ногирон болалар, болалар уйлари ва мактаб-интернатлар тарбияланувчиларнинг биринчи Республика “Меҳрибонлик” хайрия фестивали бўлиб ўтди.

1 апрель. Эълон қилинган хабарга кўра, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи таъсис этган адабиёт ва санъат соҳасида Усмон Носир номидаги мукофотнинг берилиши маросими бўлиб ўтди. Ёзувчилар А. Акбаров, Э. Шуқуров, артист Ҳ. Тожибоев, Тошкент консерваториясининг ўқитувчиси И. Икромов, Давлат Телерадио қўмитаси “Камалак” ахборот-муסיқий эшиттиришининг ижодий гуруҳи ушбу мукофотнинг биринчи соҳиблари бўлишди.

4 апрель. Тошкент телемаркази биринчи маротаба алоқа йўлдош орқали Туркияга бевосита телесигнал кўрсатувини амалга оширди. Турк то-

мошабинлари Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол бошчилигидаги расмий давлат делегациясининг Тошкентга келганлиги тўғрисидаги репортажни Ўзбекистон халқи билан бир вақтда томоша қилдилар.

Апрель. Тошкентда Эрон Ислом Республикаси маданияти кўргазмаси бўлиб ўтди.

Апрель. Фарғона шаҳрида Ўзбекистон талабаларининг биринчи фестивали бўлиб ўтди. Унда республиканинг 54 олий ўқув юрти вакиллари иштирок этдилар.

Апрель. Тошкент ва Берлин шаҳарлари биродарлашди.

Май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ижодкор ёшларнинг “Истеъдод” республика жамғармасини таъсис этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

8 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ижодкор ёшларнинг уй-жой шaroитларини яхшилаш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

11 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ёш муаллимларнинг энг яхши асарлари ва илмий ишланмалари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

19-22 май. Тошкентда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташкил этган “Француз матбуоти панорамаси” кўргазмаси ўтказилди.

23 май. Наманган вилоятида шоир ва мутафаккир Бобораҳим Машраб ижодига бағишланган мушоира бўлиб ўтди.

27 май. Тошкентда биринчи профессионал жаз-оркестрининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

24 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида” Фармон чиқарди. У ҳар йили 27 июнда нишонланадиган бўлди.

25 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Олтин водий” ва “Ферганская правда” вилоят газеталарининг алоҳида хизмат кўрсатган ходимларини мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

27 июнь. Ўзбекистонда Француз кинеси кунлари бошланди.

3 июль. Тошкентда ўзбек аёллари орасида биринчи ҳуқуқшунос академик Х. Сулаймонова музейи очилди. У Тошкент Давлат Ҳуқуқшунослик институти томонидан ташкил этилди.

30 июль. Тошкентда Республика “Истеъдод” жамғармасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Июль. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги расом Н. Никитин томонидан ишланган Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ва герби тасвирланган почта маркаларини муомалага чиқарди.

Июль. Чикагода бўлиб ўтган Халқаро архитекторлар конгрессида Ўзбекистон Республикаси Архитекторлар уюшмасига “Суверен давлатнинг мустақил ижодий уюшмаси” овози ҳуқуқи билан сертификат топширилди.

25 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғармани ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

27 август. Наманганда туристларнинг биринчи “Наманган олмалари” Халқаро фестивали бўлиб ўтди.

31 август. Тошкентда мустақил Ўзбекистонда ўз мамлакатлари номидан иш олиб бораётган биринчи элчиларнинг портретлари кўرғазмаси очилди.

31 август. Тошкентда Амир Темура хайкали очилди. Меъморлар Илҳом Жабборов ва Камол Жабборовлар.

1 сентябрь. Тошкентда Улугбек хайкали очилди.

4 сентябрь. Тошкентда “Туркистон” саройининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

10 сентябрь. Тошкентдаги “Баҳор” концерт залида Мукаррама Турғунбоева музейи очилди.

16 сентябрь. Бухорода буюк мутафаккир Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига бағишланган тантаналар бошланди. Уларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

22 сентябрь. Анқарадаги (Туркия) “Буюк балет” театрида Ўзбекистон маданияти ва санъати кунларининг тантанали очилиши бўлиб ўтди.

25 сентябрь. Тошкентда кичик пластика усталари — Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтган кулолчиларнинг тўртинчи Халқаро симпозиуми иштирокчиларининг кўрғазмаси очилди.

Сентябрь. Тошкентда Ўзбекистонда биринчи Халқаро “Мустақиллик” кутубхонаси очилди. Унда инглиз тилида нашр этилган 20 минг жилд китоб ва 10 минг нусха журналлар бор.

Сентябрь. Венада бўлиб ўтган “Австрия” Халқаро мусиқа фестивалида танловнинг энг ёш иштирокчиси, Тошкентдаги Успенский номли мусиқа мактабининг ўқувчиси Ася Небольсина биринчи ўринни эгаллади.

1 октябрь. Тошкентда Матбуотни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

1-12 октябрь. Португалиянинг Порто шаҳрида пианиночиларнинг Халқаро танлови бўлиб ўтди. Тошкент консерваторияси талабаси Гулнора Алимова иккинчи ўринни олди. Бундан ташқари, у К.Дебюсси ва Л.Бетховен асарларининг энг яхши ижроси учун иккита махсус совринга ҳам эга бўлди.

23-30 октябрь. Тошкентда “Театр: Шарқ-Ғарб” Халқаро фестивали бўлиб ўтди. Унда 25 дан зиёд Шарқ ва Ғарб давлатлари ижодий жамоалари иштирок этди.

28 октябрь. Республика Киночилар уйида янги нашр — “Ўзбекистон автомобиль транспорти” журнали биринчи сонининг тақдими бўлди.

Октябрь. Бухорода “Бухоро ва жаҳон маданияти” мавзуида биринчи Халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

1-6 ноябрь. Тошкентда “Тарихан вужудга келган муҳит ҳамда катта ва кичик шаҳарларни замонавий тарзда қуриш” мавзуйда энг яхши меъморий ишлар Халқаро кўрик-танлови бўлиб ўтди.

16 ноябрь. Москвадаги “Россия” концерт залида “МДХ дўстлари учрашуви” шиори остида санъат усталарининг концерти бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё санъатини намойиш қилиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Давлат “Ялла” эстрада жамоаси иштирок этди.

17 ноябрь. Нукусда Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент шаҳри маданияти кунларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

19 ноябрь. Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаровга “Тагаристон Республикаси халқ рассоми” фахрий унвони берилгани ҳақида хабар эълон қилинди.

23 ноябрь. Тўрткўлда, Қорақалпоғистоннинг биринчи пойтахти бўлган бу шаҳарнинг 120 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

Ноябрь. Тошкентда “Хитой ва Япония санъатида гул ва қушлар” кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ноябрь. Тошкентда ўзбек ва рус тилларида “Пахтачилик” — “Хлопководство” журналининг биринчи сони босмадан чиқди.

Ноябрь. Кегайли туманидаги “Халқобод” совхозида қорақалпоқ халқ бахшиси Есжон бақси Қуспўлат ўғли хотирасига бағишланган минтақавий фестиваль бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркменистон, Қозоғистон бахшиларининг зонал танлови ғолиблари иштирок этишди. Фестиваль танловида биринчи ўринни Кегайли туманидан Парниёз Утегенов эгаллади.

3 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Республика театрлари артистларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини яхшилаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

17-18 декабрь. Андижонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

18 декабрь. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ватани — Андижонда саркарда ва шоир ҳайкали очилди.

21 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон овози” газетасининг меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларини мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

22 декабрь. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи МК бюросининг 1993 йил учун адабиёт соҳасида Усмон Носир номидаги мукофотни бериш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. “Бахтли йил” шеърлар тўплами учун Абдували Кутбиддинов, “Дарё ортидаги йигит” қиссаси ва туркум ҳикоялари учун Қўчқор Норқобил, “Жигарбандлар” қиссаси ва ҳикоялар тўплами учун Тўлқин Эшбек, “Сехрли уйку” эртақлар тўплами учун Оллоёр Бегалиев ушбу мукофот лауреатлари бўлдилар.

22 декабрь. Тошкентда Оренбург вилоятининг декоратив-амалий санъати “Оренбург ўлкаси нақшлари” кўргазмаси бўлиб ўтди.

23 декабрь. Тошкентда “Ўзбекистон овози” газетасининг биринчи сони чиққан куннинг 75 йиллиги муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

30 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Наманган ҳақиқати” — “Наманганская правда” вилоят газеталари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Декабрь. Тошкентда Успенский номидаги мусиқа мактаби ўқувчилари — пианиночи Р.Муҳитдинов ва Л.Астамова, скрипкачи Т. Ваҳобов ва Черномор, виолончелчи М. Величкин Жанубий Германиянинг бир қатор шаҳарларида концертлар беришди.

Декабрь. Деҳлида Ўзбекистон билан Ҳиндистоннинг тарихий ва маданий алоқаларига бағишланган Халқаро семинар бўлиб ўтди.

1994 ЙИЛ

1-11 январь. Техронда XII Халқаро кинофестиваль бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон фильмлари биринчи марта намоиш этилди. Фестивалда ўзбек кинематографчиларидан режиссёр М. Қаюмовнинг “Исмоил Бухорий”, Н. Маҳмудовнинг “Баҳоуддин Нақшбанд” ҳужжатли фильмлари ва 1945 йилда Н. Фаниев суратга олган “Тоҳир ва Зухра” бадиий фильми намоиш этилди.

3 январь. Ўзбекистон аҳолиси илк бор олис Ҳиндистондан бевосита узатилган телевизион дастурни томоша қилди. Бу дастур Деҳлидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ҳиндистонга ташрифини ёритувчи репортаж билан очилди. Ушбу мамлакат телекомпанияси билан сунъий йўлдош орқали ўрнатилган алоқа натижасида ўзбек телетомошабинлари халқаро канал орқали ҳафтада бир марта Ҳиндистондан ахборот, иқтисодий, бадиий, кўнгилочар кўрсатувларни томоша қилиш имкониятига эга бўдилар.

10 январь. Тошкентда Рус маданий марказининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Шу вақтга келиб Ўзбекистонда ўз маданиятини ривожлантириш, ўз халқи тилини, анъаналарини ва урф-одатларини тиклаш, республикада истиқомат қилаётган барча халқлар билан дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш бўйича 76 миллий маданий марказ иш олиб бормоқда.

4 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида 1994 йилги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотини бериш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Адабиёт соҳасида мукофотлар: “Муножот” танланган шеърый асарлари тўплами учун Абдулла Ориповга; “Кафансиз кўмилганлар” мемуар романи учун Шукруллога; “Навоийнома” тетралогияси учун Барот Бойқобиловга; архитектура соҳасида: Тошкент Халқлар Дўстлиги саройи архитектура

мажмуаси учун қурилиш ғоясининг асосий муаллифи ва ижодий раҳбари Шароф Рашидович Рашидовга (вафотидан сўнг); архитектура-қурилиш комплексини барпо этиш бўйича раҳбар Асадулла Ашрапович Хўжаевга, лойиҳа муаллифи ва архитекторлар гуруҳи раҳбари Евгений Григорьевич Розановга, лойиҳа муаллифи, архитектор Фарҳод Юсупбоевич Турсуновга; архитектор Ҳошимхўжа Муҳаммадировга, қурувчи уста Улаш Жалиловга, дурдгор уста Абдушукур Сатторовга, Самарқанд вилоятининг Ургут туманида аҳоли ташаббуси билан мустақиллик шарафига барпо этилган миллий архитектура ва халқ амалий санъати мажмуаси учун — архитектор Муса Гуломовга; Халқаро ижодий ҳамкорлик соҳасида: Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романи таржимаси ва Абдулла Қодирий асос солган ўзбек романчилиги мактаби ютуқларини турк китобхонлари орасида тарғиб қилишдаги ижодий фаолияти учун турк адиби Аҳсан Ботурга берилди.

18-25 февраль. Анқарада Евроосиё фильмлари ҳафталиги бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондан режиссёр Р. Муҳаммаджоновнинг “Адашганлар” (“Ватан” студияси), Ф. Ҳайдаровнинг “Гуноҳ” (“Киноактёр” студияси), Ф. Давлетшиннинг “Алиф ва Лайло” (“Меъмор” студияси) фильмлари намойиш этилди.

22 февраль-4 март. Тошкентда торли чолғу асбоблари ижрочиларининг VII Республика танлови ҳамда пианиночиларининг IX Республика танлови бўлиб ўтди.

24 февраль-3 март. Тошкентда машҳур француз актёри Жерар Филипп иштирокидаги фильмлар фестивали бўлиб ўтди. Унда актёрнинг кинематографиядаги ижодий йўлининг турли босқичларини ёритувчи 8 та картина намойиш этилди.

25 февраль. Анқарада VI Халқаро Анқара кинофестивали очилди. Ушбу фестивалда ўзбек киночилари режиссёр Нозим Тўлахўжаев “Ислом тарихи” туркумидан суратга олган фильм билан қатнашишди.

11 март. Тошкентда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонасида “XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёдаги рус аҳолиси маданияти ва турмуши” кўргазмаси очилди.

31 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Муштум” журналининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларини мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Март. Тошкентда Украинанинг “Батькивщина” маданий маркази тuzилди.

Март. Тошкентда “Наврўз, ёшлик, дўстлик” шиори остида ўқувчи ёшларнинг Халқаро байналмилал фестивали бўлиб ўтди. Беш кун давомида Россия, Украина, Латвия, Чехия, Беларусь, Ҳиндистон, Қозоғистон, Мўғулистон, Тожикистондан келган меҳмонлар турли мавзуларда баҳслар олиб бордилар, Ўзбекистондаги байналмилал дўстлик клублари фаолияти билан танишдилар.

Март. Тошкентда Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмасида В. Тюриков томонидан яратилган “Ўн аср. Ўзбек адабиёти энг қадимги даврдан шу кунгача бўлган шонли воқеа ва саналарда” номли республикада биринчи энциклопедик лугат-маълумотнома нашр этилди.

Март. Қарши шаҳрида буюк мутафаккир ва олим Муҳаммад Тарағай Улуғбек номи билан аталадиган мактабда унинг номидаги республикада биринчи мактаб музейи очилди. Мактабда Улуғбек ҳайкалининг очилиш маросими ҳам бўлди. Баландлиги уч метр келадиган бу ҳайкални маҳаллий уста Б. Анваров ишлаган.

23 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Республика Маънавият ва маърифат” жамоатчилиқ марказини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

27 апрель. Тошкентда Германия китоблари кўргазмаси очилди.

Апрель. Тошкентда “Ҳаёт ва қонун” журналининг биринчи сони босмадан чиқди.

Апрель. Боннда “Германия-Ўзбекистон” жамиятининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

4 май. Тошкентда маданий ҳамкорлик масалалари бўйича ўзбек-герман қўшма комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида фан, маданият, маориф, радио ва телевидение, нашриётчилик иши ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш хусусидаги Протокол имзоланди.

13 май. Тошкентда миллий театр, эстрада ва кино санъатини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича Сойиб Хўжаев номидаги жамғарманинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

17 май. Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 1993 йилда таъсис этилган мукофотлари топширилганлиги ҳақида хабар эълон қилинди. Унинг дастлабки совриндорлари — Наманган вилояти Косонсой шойи тўқиш фабрикасининг “Сўғдиёна” ашула ва рақс ансамбли иштирокчилари, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши маданият марказининг “Тошкент” профессионал эстрада жамоаси, Ўзбекистон Куролли Кучлари ашула ва рақс ансамбли ҳузуридаги “Юлдузлар” гуруҳи солисти Алишер Холиқов, Фарғона ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси Тўқимачилар маданият саройи, Хоразм вилояти Гурлан тумани Маданият уйи “Ау-Ганг” ашула ва рақс ансамбли қатнашчилари бўлишди.

23-27 май. Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари бўлиб ўтди.

25-29 май. Тошкентда Халқаро модалар ярмаркаси бўлиб ўтди.

Май. Тошкентда Европа кунлари бўлиб ўтди.

Май. Алматида бўлиб ўтган академик Жубанов номидаги скрипкачилар, альтчилар ва виолончелчиларнинг биринчи Халқаро фестивалида Тошкентдаги Глиэр номли мусиқа мактаби ўқувчиси виолончелчи Жаҳонгир Азимхўжаев ва Успенский номли мусиқа мактаб-интернатининг ўқувчиси скрипкачи Женя Угай совриндор бўлдилар.

Май. Парижда “Шарқ мусиқаси” фестивали бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Давлат филармониясидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Муножат Йўлчиева ва Шавкат Мирзаев иштирок этишди.

Май. Тошкентда “Частная собственность” (“Хусусий мулк”) газетасининг биринчи сони босмадан чиқди.

Май. Тошкентда бошқирд-татар халқ ижоди фестивали бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда яшайдиган энг яхши бошқирд ва татар кўшиқчилари, раққослари, мусиқачилари, рассомлари, ҳайкалтарошлари иштирок этишди.

Май. Тошкентда Тўқимачилик ва енгил саноат институти тарихи музейи очилди.

Май. Самарқандда кулол уста Шариф Азимов буюмларининг биринчи шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда устанинг Канада, Ҳиндистон, Италия каби жаҳондаги йигирмадан ортиқ давлатлардаги кўргазмаларда мукофотланган кўзалар, лаганлар, пиёлалар, чойнақлар ва бошқа кулолчилик буюмлари намойиш этилди.

Май. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги мусобақаларига бағишланган маркаларни почта муомаласига чиқарди.

1-3 июнь. Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари Болалар фольклор-этнографик фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов унинг иштирокчиларига табрик йўллади.

9 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Маънавият ва маърифат” жамоатчиликлари маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

9-10 июнь. Тошкентда “Аёл, оила ва жамият” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов конференция иштирокчиларига табрик йўллади.

Июнь. Алишер Навоий номли Давлат академик Катта опера ва балет театри жамоаси Таиландга гастролга борди. У ерда энг яхши балет спектакллари — “Золушка” ва “Дон Кихот”ни намойиш этди.

Июнь. Куала-Лумпурда (Малайзия) Халқаро ислом маданияти фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль давомида Ўзбекистон кунлари ҳам бўлиб ўтди.

Июль. Санкт-Петербургда шахмат коллекционерлари Ассоциациясининг Халқаро съезди бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон вакиллари маъруза қилдилар. Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Г. А. Пугаченкова съезд иштирокчиларини Сурхондарё вилоятидаги Далварзинтепа шаҳарчасида олиб борилган қазилар ишлари жараёнида топилган милодий иккинчи асрга оид шахмат доналари билан таништирди, тарих фанлари доктори Ю. Ф. Буряков эса Афросиёбдан ва Ўзбекистоннинг ўрта асрлардаги бошқа шаҳарчаларидан топилган шахмат доналари тўплами ва алоҳида шахмат доналари ҳақида ахборот берди.

Август. Тошкентда “Тафаккур” журналининг биринчи сони нашрдан чиқди.

17 сентябрь. Эълон қилинган хабарга кўра, Американинг Мичиган шта-тидаги “Интерлокин” мусиқа марказида бўлиб ўтган Халқаро танлов якун-ларига кўра ватандошимиз Яйра Матёқубова замонамизнинг энг истеъ-додли скрипкачиларидан бири деб топилди ва унга ушбу мусиқа маркази-да бир йил давомида ўқиш ҳуқуқи берилди.

Сентябрь. Берлинда ўзбек кулолчиси Шаҳноза Мўминова ясаган бу-юмларнинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Сентябрь. Тошкентда ҳафталик бюллетень — “Финансовое законода-тельство Республики Узбекистан”нинг биринчи сони чиқди.

Сентябрь. Самарқандда шаҳар тadbиркорлар уюшмаси органи “Карвон” газетасининг биринчи сони чиқди.

Сентябрь. Истамбулда бўлиб ўтган Халқаро гўзаллик танловида тош-кентлик манекенчи Алла Королькова биринчи мукофотга сазовор бўлди. Шунингдек, у “Мисс глоб-94” (“Жаҳон гўзали-94”) номини ҳамда ва энг яхши турмакланган соч “Гюзели-94” учун мукофот совринини олди.

Сентябрь. Ҳиндистонда бўлиб ўтган “Шанкар-94” Халқаро расмлар танлови якунларига кўра Республика ўрта махсус санъат мактаб-интерна-тининг ўқувчиларидан Розеда Сабирзянова Жавоҳарлал Неру номидаги олтин медалга, Беҳзод Раҳматов, Камол Абдурахмонов ва Ўлмас Каримов кумуш медалга сазовор бўлдилар.

3 октябрь. Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг “Ипак йўли” Халқаро конференцияси очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов унинг иштирокчиларига табрик йўллади. Халқаро учрашув ўз ишини 6 октябрда Самарқандда ту-галлади. Шу ерда “Ипак йўли бўйлаб сайёҳлик бўйича Самарқанд Декла-рацияси” қабул қилинди.

6 октябрь. Нукусда буюк олим, атоқли астроном Муҳаммад Тарағай Улуғбек ҳайкали очилди.

15 октябрь. Самарқандда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллик юбилеи тантаналари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Прези-денти Ислом Каримов иштирок этди.

20 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Муҳаммад Та-рағай Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейига бағишлаб кўп рангли почта мар-калари туркумини муомалага чиқарди. Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси, Бухородаги Улуғбек мадрасаси, Улуғбек яшаган даврдаги астрономик ас-боблар, Тошкентдаги Улуғбек ҳайкали акс этирилган маркаларни рассом Ю. Габзалилов ишлаган.

24 октябрь. Парижда ЮНЕСКОнинг мажлислар ўтказиладиган залида “Улуғбек ва буюк Темурийлар даври” мавзuida Халқаро конференция бўлиб ўтди ҳамда “Улуғбек ва анъанавий санъат” кўргазмаси очилди.

25 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Овози Тожиқ” газетасини Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

28 октябрь. Тошкентда Республикамиздаги энг кекса автокорхона бўлмиш 2502-Тошкент автоколоннаси тарихи музейи очилди.

Октябрь. Покистонда бўлиб ўтган ислом мамлакатлари халқ амалий санъати кўргазмасида ўзбек мискар усталари Шокир Комилов ва Бахшулло Жумаев, ёғоч ўймакор устаси Ортиқ Файзуллаевлар ишлари мукофотлар билан тақдирланди.

Октябрь. Ҳиндистонда бўлиб ўтган Халқаро тасвирий санъат кўргазмасида ўзбекистонлик ёш rassomлар — Республика болалар ижодий марказининг ўқувчилари Алишер Қорабоев, Тамилла Мамедова, Елена Лимешко, Ёрқиной Сафароваларнинг ишлари мукофот билан тақдирланди.

Октябрь. Тошкентда Япония кинеси кунлари бўлиб ўтди. Кинотеатрларда кунчиқар мамлаката киночиларининг этгита асари намойиш этилди.

Октябрь. Ўзбек ёзувчиси ва таржимони Носир Фозиловга Н. Назарбоев томонидан 1992 йилда таъсис этилган Халқаро Қозоғистон мукофоти — “Тинчлик ва маънавий тотувлик учун Президент мукофоти” берилди.

Октябрь. Тошкентда кулолчилик санъатининг йирик устаси Ўзбекистон халқ rassomi Усто Муҳиддин Раҳимов ҳамда унинг ўғли Акбар Раҳимов асарлари музейи ҳамда доимий ишлаб турувчи кўргазма очилди.

Октябрь. Республика кўғирчоқ театри Туркиянинг Бурза шаҳрида бўлиб ўтган соялар кўғирчоқ театрлари фестивалида иштирок этди. Ўзбек кўғирчоқбозлари фестивалда И. Лукьянов ва Д. Йўлдошевнинг “Буюк Ипак йўлидаги карвонсарой” спектаклини турк тилида намойиш этишди.

Октябрь. Москвада бўлиб ўтган ёш мусиқачиларнинг биринчи Халқаро фестивалида Успенский номидаги республика ихтисослашган санъат мактаб-интернати ўқувчилари Фазлиддин Ҳусаинов, Гулруҳ Шокирова, Лола Остонова, Максим Величкин, Моҳинур Мирраҳимовалар ўз ижрочилик маҳоратлари учун дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

1-10 ноябрь. Санкт-Петербургда ўзбек санъати байрами бўлиб ўтди. Унинг доирасида Ўзбекистон rassomларининг асарлари ва халқ усталари ишлаган буюмларнинг кўргазмали савдоси, “Сўғдиёна” миллий мусиқа асбoblари оркестрининг концертлари, кинофильмлар намойиши бўлиб ўтди.

7 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Миллий кадриятларни тиклаш ва маданиятни юксалтириш, Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросини ўрганиш ва тарғиб қилишдаги фидокорона хизмати учун республика маданият ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

8-14 ноябрь. Ўзбекистонда Чехия Республикаси кунлари бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Тошкентда кўргазма ташкил этилиб, унда Чехиянинг 15 та корхонаси маҳсулотлари намойиш этилди.

14-28 ноябрь. Тошкентдаги Ўзбекистон Санъат музейида “Гандхара ва Буюк Ипак йўли орасида” номли кўргазма бўлиб ўтди. Унда Германиянинг Гейдельберг шаҳри Фанлар академияси томонидан тайёрланиб, Буюк Ипак йўли шохобчаларидан бири бўлмиш Ҳинд дарёси юқори қисмларидан топилган петроглифлар қоялардаги тасвирларнинг суратлари намойиш этилди.

16-23 ноябрь. Токиода Марказий Осиё давлатларининг биринчи кинофестивали бўлиб ўтди. Унда намойиш этилган Ўзбекистон кино дастури Юсуф Азимовнинг “Саҳаргача”, Зулфиқор Мусоқовнинг “Абдуллажон” кинокомедияси, Фарид Давлетшиннинг “Қаипнинг охири саёҳати” киноафсонаси ва Жаҳонгир Файзиевнинг “Сиз кимсиз?” фильмларидан иборат бўлди.

Ноябрь. Тошкентда Ҳиндистон фильмлари фестивали бўлиб ўтди.

Ноябрь. Тошкентда “Маҳалла — эзгулик бешиги” мавзуидаги биринчи Республика конференцияси бўлиб ўтди.

Ноябрь. КХДР пойтахти — Пхеньянда бўлиб ўтган IV Халқаро кинофестивалда ўзбек режиссёри Исамат Эргашевнинг Шароф Бошбеков сценарийси асосида суратга олинган “Темир хотин” фильми томошабинларнинг махсус соврини ва оригинал сценарий учун мукофотга сазовор бўлди.

3 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “1994 йил учун адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларини бериш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Адабиёт соҳасидаги мукофот Тоғай Мурод (Тоғай Менгноров)га “Отандан қолган далалар” романи учун берилди. Ҳайкалтарошлик соҳасидаги мукофот Илҳом Жабборов ва Камол Жабборовга Тошкент шаҳрида ўрнатилган Амир Темур ҳайкали учун берилди. Тасвирий санъат соҳасида Лутфулла Абдуллаевга “Замондошларим” мавзуидаги рангтасвир асарлари ҳамда атоқли ўзбек адиблари китобларига чизган расмлар туркуми учун, Алишер Мирзаевга Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романига бағишланган расмлар альбоми ва кейинги йилларда яратилган энг яхши рангтасвир асарлари учун берилди.

23 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

29 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини байрам қилиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

1995 ЙИЛ

Январь. Европадаги немис тилида гаплашадиган мамлакат учун “Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий, суратли журналининг биринчи сони босмадан

чиқди. У Германиядаги Ўзбекистон Республикаси элчихонаси томонидан чоп этилди.

Январь. Тошкентда билимнинг кўп тармоқлари — иқтисодиёт ва банк иши, фалсафа ва тилшунослик, табиий фанларга доир республикада биринчи олий ўқув юртлариаро хорижий адабиётлар кутубхонаси очилди.

Январь. Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида “Ширин садоси” — “Голос Ширина” газетасининг биринчи сони чиқди.

14 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот ходимларининг меҳнат шарафларини яхшилаш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Февраль. Урганчда “Тадбиркор” газетасининг биринчи сони чиқди.

18-30 март. Успенский номидаги республика ўрта махсус musiқа мактаби тарбияланувчиси, тўққиз ёшли Гулнора Мирзахўжаева Гетинген шаҳрида (ГФР) бўлиб ўтган Шопен номли Халқаро ўсмир пианиночилар танловида қатнашиб, ушбу танлов дипломанти бўлди ва танловда иштирок этган 52 қатнашчи орасида Нью-Йоркда ўқиш учун таклиф этилган ягона иштирокчи бўлди.

31 март-10 апрель. Англиянинг Фолькстон курорт шаҳарчасида Иегуда Менухин номли Халқаро скрипка танлови бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондан В.А.Успенский номли Республика musiқа мактаб-интернатининг 4-синф ўқувчиси Даниил Холиқов иштирок этиб, лауреат бўлди.

31 март. Нукусда қорақалпоқ адабиётининг мумтоз вакили Ажиниёз Қўсибой ўғлининг 170 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

14 апрель. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Соғлом авлод учун” журналини ташкил этиш тўғрисида Қарор қабул қилди.

Апрель. Альтергорф шаҳрида (Швейцария) ўзбекистонлик кулолларнинг амалий санъат асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда қадимий кулолчилик буюмлари, шунингдек, самарқандлик уста кулоллар ишлаган буюмлар намоиш этилди.

Апрель. Бухорода шашмақомни ижро этиш муаммолари бўйича биринчи Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон musiқачилари иштирок этишди.

Апрель. Ашгабадда бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари, Озарбайжон, Эрон ва Туркия биринчи Халқаро танловида Тошкент Давлат консерваторияси талабаси Гули Жўраева (фортепьяно) иккинчи мукофотни ва лауреатлик унвонини қўлга киритди. Хоразм musiқа мактабининг талабаси — скрипкачи Марат Худойберганов лауреатлик унвони ва иккинчи мукофотга сазовор бўлди.

Апрель. Туркияда Муҳаммад пайғамбарнинг таваллуд топган куни муносабати билан бўлиб ўтган туркий тилли мамлакатлар шоирларининг мушоирасида ўзбек шоири Рауф Парфи “Муножот” шеъри учун биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи мукофотга ўзбекистонлик шоир Тўра Мирзо “Яратганга ёлвораман” шеъри учун сазовор бўлди.

20 май. Алматида Қозоғистонда Ўзбекистон кунларининг очилиш маросими бўлди.

20 май. Алишер Навоий номли Давлат академик Катта опера ва балет театри ускуналар билан жиҳозланиши учун 47 миллион иен (қарийб 500 минг АҚШ доллари) миқдорига бепул ёрдам ажратилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги билан Ўзбекистондаги Япония элчихонаси ўртасида алмашинув ноталари имзоланганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди.

26-28 май. Самарқандда Ўзбекистон ёшларининг “Талабалар баҳори-95” фестивали бўлиб ўтди.

30 май. Тошкентдаги “Туркистон” саройида халқ шоираси Зулфия таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

9 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Свято-Успенский кафедрал соборида диний-маъмурий марказни ташкил этиш ва 1996 йилнинг ноябрида Ўрта Осиёдаги Рус православ черковининг 125 йиллигига бағишланган тантаналарни ўтказиш тўғрисида Фармойиш қабул қилди.

9 июнь. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

26 июнь. “Бизнес-пресс” биринчи Республика танлови якунланди. Уни кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси ўтказди. Президентнинг “Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уни рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони қандай бажарилаётганини яхши ёритганлиги учун “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририятлари биринчи ўринни эгалладилар.

6 июль. Тошкентда буюк қозоқ ёзувчиси ва мутафаккири Абай Қўнонбоев таваллудининг 150 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

18 июль. Тошкентдаги “Туркистон” саройида республикадаги биринчи — “Ўзбекистон” нашриёти ташкил этилган куннинг 70 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

21 июль. Самарқандда Ислом дунёсининг буюк маърифатчиси муҳаддис Имом Исмоил ал-Бухорий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш учун махсус жамғарма ташкил этиш бўйича таъсис конференция бўлиб ўтди.

3 август. Тошкентдаги Амалий санъат музейида замонавий япон кулоллари буюмлари кўргазмаси очилди.

18 август. Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасида қирғиз эпоси “Манас”нинг минг йиллигига бағишланган китоблар ва рассомлар асарларининг кўрғазмаси очилди.

Август. Андижонда Республика Давлат мулк қўмитасининг вилоят бошқармаси муассислик қиладиган “Ҳиссадор” газетасининг биринчи сони чиқди.

1 сентябрь. Тошкентда Марказий Осиёдаги мустақил давлатларнинг илмий ва ижодкор зиёлиларини бир-бирига яқинлаштириш мақсадида “Туркистон халқлари маданиятлари анжумани” ноҳукумат халқаро ҳаракати таъсис қилинди.

12 сентябрь. Тошкентдаги Давлат санъат музейида Ўзбекистон кулоллари асарлари кўрғазмаси очилди. Унда намойиш қилинган экспонатлар кейинги 200 йил ичида минтақамизда кулолчилик санъатининг ривожланиш жараёнини акс эттиради.

15 сентябрь. Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари сартарошларининг иккинчи Халқаро касбий маҳорат танлови бўлиб ўтди. Унда 18 устадан иборат Ўзбекистон жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Усталардан Тоир Йўлдошев, Анвар Насриддинов ва Дониёр Ҳасановлар ушбу танлов лауреатлари бўлишди.

28 сентябрь. Париждаги “Флак” галереясида ўзбек мусаввири Доимахоннинг “Шоирлар боғи” номли суратлар кўрғазмаси очилди. Бир ой давом этган кўрғазмада Доимахоннинг 20 дан ортиқ асари намойиш қилинди.

4 октябрь. Тошкентда “Ипак Йўли бўйлаб сайёҳлик” Халқаро ярмаркаси доирасида Жаҳон туризми ташкилоти томонидан уюштирилган семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида “Туркистон— умумий уйимиз” шиори остида “Буюк Ипак йўли” йўналиши бўйлаб туризмни ривожлантириш юзасидан жамоат ташкилотларини ташкил этиш тўғрисидаги Протокол имзоланди.

12 октябрь. Тошкентдаги Республика Ўқитувчилар уйида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳаким Назир таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

17 октябрь. 1995 йил учун касаба уюшмалари мукофотини бериш тўғрисида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг қарори эълон қилинди. Юксак ижрочилик маҳорати, аҳолига маданий хизмат кўрсатишда фаол иштирок этганлиги ва халқ ҳаваскорлик ижодини тарғиб қилганлиги ва унга оммани кенг жалб этганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Давлат Телерадиокомпаниясининг халқ чолғу оркестрига, Фарғонадаги “Азот” ишлаб чиқариш бирлашмасининг “Фантазия” шоу-ритм-балетига, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ансамбли солисти Шуҳрат Воҳидовга, Бердах номидаги Қорақалпоғистон университетининг “Хурлиман” халқ ҳаваскорлик ансамблига, Тошкент Давлат Аграр университетининг “Гулшан” халқ ҳаваскорлик ансамблига мукофотлар тақдим этил-

ди. Уларга “Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати” унвонлари берилиб, нишонлар, дипломлар ва пул мукофотлари топширилди.

19 октябрь. “Ўзбекистон маркаси” нашриёт маркази ва Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан “Самолётлар” туркумидаги почта маркалари муомалага чиқарилганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди. Бу маркаларда шу пайтгача Тошкентдаги В.П.Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқарилган “Антей” (АН-22), К-22, ЛИ-22 самолётлари, ИЛ-76, АН-8, АН-12 транспорт самолётлари тасвирланган.

20 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

22-29 октябрь. Тошкентда Ўзбекистон кўғирчоқ театрларининг V фестивали бўлиб ўтди.

24 октябрь. Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллик юбилейига бағишланган Ўзбекистон халқ усталари буюмларининг Республика ярмаркаси очилди.

28 октябрь. Париждаги Катта сарой Миллий галереясида “Серенада, Будда диёри. Ипак йўлидаги ўн асрлик санъат” номли кўргазма очилгани тўғрисидаги хабар эълон қилинди. Кўргазмада Тошкентдаги Ҳамза номли Санъатшунослик илмий-текшириш институти тақдим этган ноёб экспонатлар намойиш этилди.

Октябрь. Алишер Навоий номли Давлат академик Катта опера ва балет театри солисти Руслан Ғафоров Уфа шаҳрида бўлиб ўтган Глинка номли Халқаро танловда учинчи мукофот лауреати унвонига сазовор бўлди.

Октябрь. Тошкентда “Солиқ тўловчининг журнали” — “Журнал налогоплательщика” журналининг биринчи сонлари босмадан чиқди.

Октябрь. Тошкентдаги Республика Киночилар уйида Миср киноси ҳафталиги бўлиб ўтди.

Октябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг Табиатни ҳимоя қилиш Давлат қўмитаси ўзбек ва рус тилларида нашр этадиган “Ўзбекистон экологик хабарномаси” — “Экологический вестник Узбекистана” журналининг биринчи сонлари босилиб чиқди.

7 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон бастакорлари Уюшмасининг X қурултойи бўлиб ўтди.

8 ноябрь. Тошкентда П.П.Беньков номидаги Бадиий билим юртининг 75 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

10-14 ноябрь. Тошкентдаги Республика Киночилар уйида Япония кино кунлари бўлиб ўтди.

14 ноябрь. Ҳиндистонда бўлиб ўтган Жавоҳарлал Неру номидаги анъанавий “Шанкар-95” болалар расмлари Халқаро танловида Республика Санъат мактаб-интернати ўқувчиси Азамат Турдиқулов олтин медалга сазовор бўлганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди.

21 ноябрь. Тошкентдаги “Туркистон” саройида Марказий Осиё мамлакатлари қардош халқлари маданияти вакиллари анжуманининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов; Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Ақаев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов анжуман иштирокчиларига табрик йўллагилар. Анжуман иштирокчилари “Марказий Осиё мамлакатлари халқлари маданият арбобларининг ассамблеяси” халқаро ҳаракатини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Қирғизистон халқ ёзувчиси Чингиз Айтматов Ассамблея раиси этиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёкубов биринчи вице-президенти этиб сайланди.

23-24 ноябрь. Тошкентда “Жамиятни демократлаштириш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг вазифалари ва имкониятлари” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди.

24 ноябрь. “Ўзбекистон маркаси” нашриёт маркази ва Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан “Ўзбек халқ эртақлари” мавзуида биринчи марта почта маркалари муомалага чиқарилгани тўғрисида хабар эълон қилинди. Туркум бешта марка ва битта купондан иборат, уларда таниқли тошкентлик rassom Людмила Содиқова мўйқаламига мансуб турли ўзбек эртақларидан лавҳаларни ифода этувчи манзаралар акс этган.

Ноябрь. Тошкентда Биеннале “Осиё-арт” иккинчи Халқаро кўرғазмаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан 16 та хусусий галерея қатнашиб, ўз коллекцияларини ва энг яхши бадиий асарларини намойиш этди.

5 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикасининг беш йиллигига бағишланган “Ўзбекистон — Ватаним маним” кўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

6 декабрь. “Ўзбекистон маркаси” нашриёт маркази “Қамолитдин Беҳзод” (1455—1537) почта маркаси тайёрланганлиги ва Республика Алоқа вазирлиги уни муомалага чиқарганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди. Маркада Беҳзоднинг Деҳлавийнинг “Лайли ва Мажнун” достонига ишлаган миниатюрасидан парча акс эттирилган. Марка тошкентлик rassom Юлай Габзалилов томонидан безатилган.

7 декабрь. Бир вақтлар Ўзбекистонда яратилган “Икки жангчи” (режиссёр В. Луков) ва “Севишганлар” (режиссёр Э. Эшмуҳамедов) фильмлари Ҳамдўстлик мамлакатлари кинематографчилари Уюшмалари конференцияси ўтказган сўров якунларига кўра асрнинг энг яхши юзта фильми рўйхатига кирганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди.

12 декабрь. Индонезиянинг Соло шаҳридаги “Оғохон” Халқаро хайрия жамғармаси ўтказган танловда бухоролик меъморларнинг ушбу танловга тақдим этган “Бухоро ва бухороликлар” номли тарихий ёдгорликларни

қайта тиклаш ва таъмирлаш лойиҳаси танлов совринини олишга сазовор бўлганлиги ҳақида хабар эълон қилинди.

16 декабрь. “Ўзбекистон маркаси” нашриёт маркази ва Ўзбекистон Алоқа вазирлиги Тошкент ҳайвонот боғига бағишланган кўп рангли почта маркалари туркумини тайёрлаганлиги ва муомалага чиқарганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди. Янги туркумдаги почта маркаларида: туя, айиқ, бургут, маймун, сақоқуш, зебра ва фил тасвирланган. Тошкент ҳайвонот боғининг эмблемаси бўлган бурама шохли серка акс эттирилган почта блоки билан туркум ниҳоясига етади. Расмларни тошкентлик рассом Сергей Бобров ишлаган.

Декабрь. Тошкентда “Ўзбекистон—Вьетнам” жамиятининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

Декабрь. Тошкентда Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг “Хамар” залида Бухоро ва Хоразм рассомлари асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада бухоролик 25 муаллиф ва хоразмлик 13 муаллифнинг 400 дан ортиқ асари намойиш этилди.

1996 ЙИЛ

10 январь. Тошкентда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон кинематографчиларининг учрашуви бўлиб ўтди.

18 январь. Тошкентда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котибиятининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси этиб сайланди.

18-19 январь. Тошкентда “Касаба уюшмалари ва матбуот ижтимоий-иқтисодий ислохотлар даврида” мавзuida семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

30 январь. Қирғизистон Республикаси Президентининг Фармониға биноан Ўзбекистон жамоатчилиги, фан, маданият ва санъат вакилларидан бир гуруҳи қўшни давлатнинг олий унвонларига ва фахрий ёрлиқларига сазовор бўлганликлари тўғрисида хабар эълон қилинди. Мукофотланганлар орасида “Ялла” ансамблининг раҳбари Фаррух Зокиров ҳам бор бўлиб, унга “Қирғизистон халқ артисти” унвони берилган. Икки қардош халқ ўртасидаги дўстликни янада мустақкамлашга қўшган ҳиссалари, шунингдек, “Манас” халқ достонининг 1000 йиллигига бағишланган тантаналарда фаол иштирок этганликлари учун ўзбекистонликлар бу мукофотларға сазовор бўлдилар.

Январь. Ёш рассомларнинг “Орол — болалар нигоҳида” Республика кўрик-танлови ниҳоясига етди. Ўн нафар ёш рангтасвирчи танлов голиби бўлди.

Январь. Самарқандда Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига бағишланган “Бадиий таржима ва ўзбек адабиётининг халқаро алоқалари” мавзuida конференция бўлиб ўтди.

Январь. Тошкентда “Замонавий шаҳарлар ва шаҳарликлар” мавзуида тасвирий санъат асарлари танлови кўргазмаси бўлиб ўтди. Акмал Нуриддинов “Узоқлашаётган сарчашмалар” маъжозий триптихи учун биринчи мукофотга, “Шарқдаги шаҳар” асари учун Владимир Бурмакин иккинчи мукофотга ва “Сўқоқ” полотноси учун Ҳикмат Жалилов учинчи мукофотга сазовор бўлдилар.

Январь. Республика Президенти девонида Ахборот Маркази ташкил этилди. Бундан мақсад мамлакатимиз халқига ва жаҳон жамоатчилигига Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотлар, сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳаларда юз бераётган ўзгаришлар ҳақидаги мунтазам ва ба-тафсил ахборотни тезкорлик билан етказиб беришди.

Январь. Тошкент болалар рақс ансамблининг ўн нафар ёш раққосаси ўз раҳбари — Ўзбекистон халқ артисти Малика Аҳмедова бошчилигида бир ҳафта давомида Германияда бўлиб, Боннда катта муваффақиятлар билан ўтган бир неча концерт беришди.

9 февраль. Фарғонада Алишер Навоий ҳайкали очилди.

9 февраль. Тошкентда буюк ўзбек шоири Алишер Навоий таваллудининг 555 йиллигига бағишланган навоийхонлик бошланди. Шу куннинг ўзида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тилшунослик институтида Алишер Навоийнинг ижодий меросини ўрганиш масалалари бўйича анъанавий илмий конференция бўлиб ўтди. Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасида эса буюк шоир ва мутафаккир юбилейига бағишланган кўргазма очилди.

9 февраль. Тошкентда “Офарин-95” Республика эстрада фестивали катта концерт билан якунланди. Концертда фестиваль давомида бўлиб ўтган поп-музиқа танлови ғолибларига ҳамда совриндорларига фестивалнинг фахрий дипломлари топширилди. Тошкентлик хонанда Ўктам Ҳакимов фестивалнинг энг юксак мукофоти “Гран при” (“Олтин Офарин”)га сазовор бўлди. Биринчи ўринни Фарҳод Иброҳимов олди.

20 февраль. Эълон қилинган хабарга кўра, Японияда бўлиб ўтган Халқаро фортепьяночилар дуэтлари танловида тошкентлик Ирина ва Максим Железновлар жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган 60 ансамбль орасида энг яхшиси деб тан олинди ва “Гран при”га сазовор бўлишди.

21 февраль. Бухоро вилояти Когон шаҳрида “Ипак йўлини тиклаш: билиш туризмини ривожлантириш, Ўзбекистоннинг маданий меросини тиклаш” мавзуида Халқаро конференция иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов конференция қатнашчиларига табрик йўллади.

22 февраль. Бухоро шаҳрини жаҳон маданий мероси ҳисобланувчи ва ЮНЕСКО ҳимоясида бўлган шаҳарлар рўйхатига киритиш тўғрисида ЮНЕСКО қарори қабул қилингани ҳақида хабар эълон қилинди.

29 февраль. Тошкентдаги Алишер Навоий номли Давлат академик Катта опера ва балет театрида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Кумуш Раз-

зоқова ижросидаги эстрада кўшиқлари ёзилган лазерли диск тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу лазерли диск республикада учинчисидир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Усмонова ва “Ялла” вокал-чолғу ансамбли кўшиқларининг ҳам шундай дисклари ёзилган.

Февраль. Термизда ушбу шаҳарнинг 2500 йиллигига бағишланган “Бақтрия—Тоҳаристон шаҳар маданияти” муаммоси бўйича Халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

Февраль. Республикада Корея киноси ҳафталиги бўлиб ўтди.

Февраль. Тошкентдаги Давлат санъат музейида Ўзбекистонда биринчи марта немис рассоми Альбрехт Дюрер гравюралари кўргазмаси ташкил этилди. Унда рассомнинг Берлин Дипломатия институтидаги коллекциясида келтирилган 80 га яқин асари намойиш этилди.

Февраль. Тошкентдаги Марказий кўргазмалар залида Хитой халқ усталари буюмларининг савдо-кўргазмаси ҳамда дўст мамлакатнинг бугунги куни ҳақида ҳикоя қилувчи фотоэкспозиция бўлиб ўтди.

12 март. Республика Алоқа вазирлигида “Би-Би-Си” Жаҳон хизмати ешиттиришларини Ўзбекистонга олиб бериш тўғрисида Битим имзоланди.

14 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон ФА ҳузурида “Темурийлар тарихи Давлат музейини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

28 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислохотлар йўлидир” номли янги китоби “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилгани ҳақида хабар эълон қилинди.

Март. Наманганда “Наманган футбол” ҳафталик газетасининг биринчи сони чиқди.

Март. Тошкентда баҳорги таътил кунларида Ўзбекистон иқтидорли болалари анъанавий бешинчи слёт-танлови бўлиб ўтди. Унда республика вилоятларидан, Қорақалпоғистон ва Тошкентдан 300 га яқин бола иштирок этди.

Март. Тошкентда экологик энтомология жамоатчилиқ уюшмаси томонидан ташкил этилган кўргазма бўлиб ўтди. Унда кўпроқ Ўзбекистон ҳамда Марказий Осиёнинг бошқа республикаларида учрайдиган капалақлар ва кўнғизларнинг кўплаб турлари намойиш этилди.

Март. Тошкентда “Заминимиз кўрки” номли кўргазма бўлиб ўтди. Кўргазмага Ўзбекистоннинг уч авлодга мансуб 20 дан ортиқ рассомларининг 100 дан зиёд рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлиқ асарлари, халқ ҳунармандчилиги буюмлари қўйилди.

Март. Самарқанд ҳунармандлар уюшмасининг биринчи кўргазмаси бўлиб ўтди. У анъанавий халқ санъатини тиклаш, ўзбек халқининг маънавий меросини оммалаштириш, усталарни ижодий камол топтириш ва юксак даражада бадиий асарлар юзага келиши учун шарт-шароит яратиш мақсадида ЮНЕСКО шафелигида ташкил этилган эди. Кўргазмада миллий му-

сиқа асбоблари, заргарлик буюмлари, сопол буюмлар, зардўзи кийимлар намоён этилди.

Март. Тошкентда Ўзбекистонда биринчи бор санъат асарлари кимошди савдоси бўлиб ўтди. Унда ўзбек мусаввирларининг 30 га яқин асарлари ҳамда қадимги усталар ясаган ўндан зиёд гўзал безаклар қўйилди.

4 апрель. Тошкентда Эрон санъати асарлари кўргазмаси очилди.

5 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон гастроль-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

5 апрель. Қарши шаҳар халқ таълими бўлими қошида ушбу минтақадаги педагогика тарихи музейи очилди. Унга Қашқадарё вилояти халқ таълими соҳасида кўп йиллар ишлаган Нусрат Нусуров номи берилди.

16 апрель. Пойтахтдаги “Туркистон” саройида қўшиқчи, бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров таваллудининг 50 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди.

20 апрель. Нукус шаҳридаги Е.Қўспўлатов номи бадий мактаб ўқувчилари бўлган 15 ёш раффом, Россия Федерациясининг Электросталь шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро кўргазмада иштирок этиб, кўргазманинг махсус дипломлари билан тақдирланганликлари ҳақида хабар эълон қилинди.

20-28 апрель. Тошкентда биринчи “Илҳом-XX” — замонавий мусиқа фестивали бўлиб ўтди.

24 апрель. Покистон-Ўзбекистон иқтисодий ва маданий маркази Покистоннинг Лоҳур шаҳрида Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган конференция ўтказди. Дўст мамлакатга ташриф буюрган Ўзбекистон хотин-қизлар делегацияси аъзолари ушбу конференциянинг фахрий меҳмони бўлишди.

25 апрель. Тошкентда иккинчи босқичдан ўтган ҳунар-техника таълими ўқувчилари фольклор қўшиқлари Республика фестивали иштирокчиларининг якуний концерти бўлиб ўтди. Фестиваль ҳайъати Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги касб-ҳунар лицейининг “Сайқал” фольклор дастасига “Гран при” мукофотини берди.

29 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекино” Давлат акционерлик компаниясини тузиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

30 апрель. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Республика Раффомлар уюшмаси раиси Тоҳиржон Миржалилов ва М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси ректори Офелия Юсупова Саноат, таълим ва маданият Халқаро Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари этиб сайланганликлари тўғрисида хабар эълон қилинди.

Апрель. “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни Ўзбекистонда биринчи марта матбаа ижроси бўйича энг юқори андозаларга жавоб берувчи уч рангли бадий альбомларнинг ноёб нашрини амалга оширишди, булар: “Темурийлар даври: маданият уйғониши” альбом-китоби, “Темурийлар даври мей-

морий қаҳқашони” альбом-китоби ва Парижда Амир Темурга бағишланган ҳафталик доирасида ташкил этилган кўргазма тўғрисида ҳикоя қилувчи “Ўзбекистон санъати” альбом-каталогидир.

Апрель. Тошкентда “Қонун ҳимоясида” илмий-оммабоп ва ижтимоий-ҳуқуқий журналининг биринчи сони нашрдан чиқди.

Апрель. Алишер Навоий номи Давлат академик Катта опера ва балет театрида Ўзбекистон санъатини жаҳоннинг турли мамлакатларида муносиб тақдим этган халқаро танловлар совриндорларининг тақдимоти бўлиб ўтди. Галаконцертда Гулнора Мирзахўжаева, Динара Меняева, Евгений Угай, Алевтина Федосеева, Гули Жўраева, Анна Гузаирова, Ирина ва Максим Железновлар, Руслан Гаффоров, Даниил Холиқов ва бошқа мусиқачилар иштирок этишди.

Апрель. Тошкентда Американинг “Озод Европа” ва “Озодлик” радиокорпорацияси ваколатхонаси очилди.

Апрель. Тошкентда “Соғлом авлод учун” янги безакли илмий-оммабоп журналнинг биринчи сони босмадан чиқди. Журнал муассислари — Республика Халқ таълими вазирлиги, “Соғлом авлод учун” халқаро нодавлат жамғармаси ва ҳаммуассис — Германиянинг “Гермед” фирмасидир.

Апрель. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар Миллий ассоциациясида Ҳиндистон маданий алоқалар кенгашининг бош директори Мира Шанкар билан учрашув бўлиб ўтди.

Апрель. Тошкентда Республика болалар бадиий ижодиёти марказида “Биз буюк Соҳибқирон набираларимиз” шиори остида Ўзбекистон ёш рассомларининг Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган кўргазма-танлови бўлиб ўтди. “Амир Темур ва унинг набираси Улуғбек” акварели муаллифи, Тошкентдаги 19-мактаб ўқувчиси Наташа Анисимова танлов ғолиби бўлди.

Апрель. Тошкентда рус маданий маркази ва “Парнас” ижодий бирлашмаси томонидан Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси иштирокида ташкил этилган ёшлар мумтоз мусиқа фестивал-танлови бўлиб ўтди.

Апрель. Тошкентда “Хўжалик ва ҳуқуқ” — “Хозияство и право” номи янги ойлик ижтимоий-ҳуқуқий, илмий-маърифий журналининг биринчи сони босмадан чиқди.

7 май. Наманган вилояти газета дўконларига янги нашр — “Иқтисодиёт ва солиқ” газетаси келди. Уни вилоятдаги икки ташкилот — солиқ бошқармаси ва божхона хизмати таъсис этган.

7 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди. Ушбу Фармонга кўра Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиштиришлар компанияси жойларда ҳудудий бўлинмаларга эга бўлган Ўзбекистон Телерадиокомпанияси (Ўзтелерадио)га айлантирилди.

8-18 май. Тошкентда “Буюк Ипак йўли XX асрда: янгича фалсафа” мавзуида сопол пластика бўйича Халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондан, МДХдаги бошқа мамлакатлардан, Латвия, Франция, Швециядан сополчи rassomлар иштирок этишди. Симпозиум қатнашчилари Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўли ўтган шаҳарлар — Самарқанд-Бухоро-Ургут-Фиждудон ва Убо қишлоғида бўлдилар. Сўнгра Ўзбекистон Rassomлар уюшмаси Марказий кўرғазмалар залида ўзлари Ўзбекистонда бўлган чоғларида бажарган сопол композициялар кўрғазмасини тайёрладилар.

14 май. Пойтахтдаги “Туркистон” саройида Ўзбекистон халқ артисти, мустақил республикамик Давлат мадҳияси муаллифи, бастакор Мутал Бурхонов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

15 май. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Орол денгизи ҳавзасидаги экологик тангликка бағишланган почта блокани почта муомаласига киритгани ҳақидаги хабар эълон қилинди. Бешта маркада Орол денгизи ҳавзаси ҳайвонот дунёсининг камёб вакиллари: мушуксимонлар оиласига мансуб нодир ҳайвон қорақулоқ, орол лососи, ола-була сиртлон, осетрлар оиласига кирувчи нодир балиқ — катта Амударё сариқ патонос — чўртансимон оққайроқ балиқ тасвирланган. Булар — Қирғизистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон алоқа маъмуриятлари биргаликда чиқарган биринчи Халқаро маркалардир.

15 май. Жиззахда “Жиззах тадбиркори” газетасининг биринчи сони нашр этилди.

20 май. Тошкентда машҳур америкалик фотосанъаткор Рей Мьюс асарлари кўрғазмаси очилди. Кўрғазма Тошкент билан биродарлашган Сизтл шаҳри делегациясининг мамлакатимизга ташрифи дастури доирасида ташкил қилинган.

24 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Телерадиокомпаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

24 май. Тошкентда Республика байналмилал маданий марказида Славян ёзуви ва маданияти кунни нишонланди. Анъанага кўра, славян ёзувини яратган Кирилл ва Мефодий шарафига ташкил этилган бу хотира кунни православ черковининг диний байрами сифатида ҳам, барча славян маданиятларининг дунёвий байрами сифатида ҳам нишонланади.

24 май. Алишер Навоий номли Давлат академик Катга опера ва балет театрида Халқ артисти, Давлат мукофотлари совриндори, хореография профессори Бернора Қориева таваллудининг 60 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Миллий балет санъатини ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун Бернора Қориева “Дўстлик” ордени билан мукофотланди.

Май. Тошкентда Ўзбекистон гидрометеорология хизмати музейи очилди.

Май. Республика байналмилал маданий маркази залларида “Тошкент — мен орзу қилган шаҳар” кўрғазмаси очилди. Унда пойтахтимиз ўтмиши, бугуни ва келажagini акс эттирувчи бадиий полотнолар, фотосуратлар, меъморий лойиҳалар ва макетлар намойиш этилди.

Май. Чимёнда “Чимён-96” муаллифлик кўшиғи Республика фестивали ўтказилди. Екатерина Болдирева (Қозон), Фотиҳ Алиев (Зарафшон), Ширин Курбонова, Владимир Пак, Александр Перегняк, Лариса Ячина, Виола Гайнутдинова, Вадим Спиридонов, Роман Мусин, Георгий Суруханов ва Валерий Кунгурцев дуэти (Тошкент) фестиваль совриндорлари бўлишди.

Май. Қаршида “Камолот” газетасининг биринчи сони босмадан чиқди. “Соғлом авлод учун” республика ноҳукумат жамғармасининг вилоят бўлими унинг муассиси бўлди.

Май. Ҳиндистонда яшовчи Бобур авлоди тарихини тиклаш бўйича иш олиб боришда мамлакатимиздаги жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Бобурнинг зурёдларини бирлаштирувчи Бобурийлар жамияти делегацияси Ўзбекистонга келди.

Май. Тошкентдаги “Туркистон” саройида жаҳоннинг энг қадимги шаҳарларидан бири — Қуддус шаҳрининг уч минг йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Май. Тошкентдаги Халқаро маданий-маърифий алоқалар Миллий ассоциациясида Ўзбекистон билан Япония ўртасида халқ амалий санъати соҳасидаги алоқаларни ривожлантиришга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Республикамиз ижодий ташкилотлари вакиллари ва халқаро маданий ҳамкорликни яхшилаш япон жамияти раисаси Мори Мика бошчилигидаги делегация ассоциация фаолларининг меҳмони бўлишди.

1 июнь. Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Ақаев Фармони билан таниқли ўзбек балеринаси Бернора Қориевага “Қирғизистон Республикаси халқ артисти” фахрий унвони берилгани тўғрисида хабар эълон қилинди.

29 июнь. “Ўзбекистон маркаси” нашриёт маркази ва Ўзбекистон Алоқа вазирига томонидан Олимпия ўйинларига бағишланган “Олимпиада-96” почта маркалари туркуми тайёрланиб, муомалага чиқарилгани тўғрисида хабар эълон қилинди. Маркаларда спортнинг футбол, от спорти, бокс ва велоспорт сингари оммавий турлари тасвирланган. Марка расмларини рассом Ю. Левинский ишлаган.

Июнь. Беларусь пойтахти Минск шаҳрида атроф-муҳит мусаффолиги, табиатни муҳофаза қилиш мавзуига бағишланган “Экомир-96” Халқаро телефильмлар фестивали бўлиб ўтди. Ушбу фестивалда “Ўзбекфильм” студияси маҳсулоти “Орол — менинг тақдиримда” фильми дипломга сазовор бўлди.

Июнь. Тошкентда мамлакатимизда миллий рақс санъатини янада ривожлантириш, ёш истеъдодларга касб маҳоратини оширишда кўмаклашиш мақсадида Халқ артисти Мукаррама Турғунбоева номидаги жамғарма тузилди.

Июнь. Самарқандда “Информация для инициативы” газетасининг ойлик иловаси “Экосан” нашрининг биринчи сони чоп этилди.

Июль. Марғилонда Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги ҳамда Амир Темуր таваллудининг 660 йиллигига бағишланган “Алла” халқ кўшиқлари ижрочиларининг учинчи анъанавий Республика кўрик-танлови ўтказилди. Сурхондарё вилояти кўшиқчилари кўрик голиби бўдилар.

Июль. Япониянинг “Фукусима—Ўзбекистон” маданий-иқтисодий ҳамкорлик ассоциацияси делегацияси Ўзбекистонда бўлди.

10 август. Тошкентда Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш масалалари билан шуғулланувчи янги ижтимоий-сиёсий Жамғарманинг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда янги ташкилот Низоми, жамғарма кенгаши ва бошқаруви тасдиқланди. Жамғарманинг мақсади ва вазифаси оммавий ахборот воситалари фаоллигини ошириш, демократия ва сўз эркинлигининг чинакам институтлари сифатида уларнинг аҳамияти ва ролини кучайтириш, даврий матбуот, телерадио, видеохужжатли кино ва бошқа ахборот воситаларини бемалол тайёрлаш ва тарқатишни таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат, токи улар ислохотлар йўлининг фаол тарғиботи, янгича тафаккурнинг шаклланишида таъсирчан восита, кишилар фикри ва иродасининг холис ифодачиси бўлиб қолсин; шунингдек, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий негизини мустақкамлаш, журналистларнинг ҳуқуқий-ижтимоий, иқтисодий ва ижодий ҳуқуқларини, ор-номуси ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техникавий базасини мустақкамлаш, хорижий оммавий ахборот воситалари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини ҳар тарафлама ривожлантириш Жамғарма вазифасига киради.

Бошқарув Кенгаши Жамғарма фаолиятига раҳбарлик қилади. Жамғарма бошқарув аппарати, республиканинг барча вилоятларида, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ўз бўлимларига эга бўлади.

Жамғарма таркибида қуйидаги бўлинмалар иш олиб боради: Ўзбекистон журналистлар Уюшмаси Ассоциацияси, Миллий матбуот маркази, “Истиклол” нашриёти, мустақил “Хуррият” газетаси, “Ҳилол нури” концерт гуруҳи.

Жамғарма журналистларни қайта тайёрлаш Халқаро жамоат марказининг ҳаммуассиси ҳисобланади.

20 август. “Ўзбекистон маркаси” нашриёт маркази “Амир Темуր” почта маркаси блокени тайёрлагани, республика Алоқа вазирлиги эса уларни муомалага чиқаргани ҳақида хабар эълон қилинди. Рангли расмларни расм Юлай Габзалилов ишлаган.

27 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон — Ватаним маним” кўшиқ байрами ҳақида” Фармон чиқарди. Ушбу Фармонга кўра ҳар йили августнинг учинчи якшанбаси “Ўзбекистон — Ватаним маним” кўшиқ байрами кун, деб эълон қилинди.

29 август. “Ўзбекистон маркаси” нашриёт маркази “Мустақиллик” почта блокани тайёрлагани, республика Алоқа вазирлиги эса уни муомалага чиқарганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди. Блок марказида Ўзбекистон Республикаси герби ва байроғи ҳамда юбилей санаси “1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни” ёзуви бор.

Август. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мусиқали театрида биринчи қорақалпоқ миллий балети “Ойжамол” сахналаштирилди.

Август. Аскар қўшиқлари фестивали бўлиб ўтди. Унда олий ҳарбий ўқув юртлирининг барча бўлинмаларидан, шунингдек, республика Мудофаа вазирлиги муассасаларидан ҳаваскор артистлар иштирок этишди. Фестиваль танловларида Ўзбекистон Куролли Кучлари ашула ва рақс ансамбли солисти прапоршчик К.Раҳматов, лейтенант А.Жалилов ҳамда Тошкент бўлинмасининг фахрий қоровул хор жамоаси биринчи ўринларни эгаллашди.

2-5 сентябрь. Тошкентда “Марказий Осиё Республикаларида маданиятга инвестициялар” мавзuida минтақавий семинар бўлиб ўтди. Семинар иштирокчилари Фарбий Европа ва Лотин Америкасида маданият соҳасини молиявий таъминлаш тажрибасини ўрганиш билан боғлиқ масалалар ва уни Марказий Осиё мамлакатларида қўллаш имкониятларини муҳокама қилдилар.

4 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази бошқаруви раҳбарлари ва аъзолари билан учрашди. Суҳбат чоғида халқнинг маънавий ва маданий даражасини янада ошириш, миллий хусусиятлар ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда жамиятимизни демократлаштириш жараёнини кучайтириш, маданият муассасалари ишини янада такомиллаштириш юзасидан фикр алмашувлар бўлди.

5 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган “Нашриётчилик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

7 сентябрь. Тошкентда машҳур кишилар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ҳаётидаги шонли саналарни ёритиш бўйича “Маҳалла” газетасига “Сана” — “Дата” иловасининг биринчи сони чиқди.

9 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Маданият ва маърифат” жамоатчилик маркази ишини янада такомиллаштириш тўғрисида” Фармон чиқарди. Ушбу Фармон билан 1 октябрь куни Ўқитувчилар ва мураббийлар куни сифатида белгиланди ва у дам олиш куни деб эълон қилинди.

16 сентябрь. Тошкентда “Олтин куз” деб аталган мусиқа фестивали бўлиб ўтди.

17 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди ва кучга киритилди.

20 сентябрь. Самарқандда қадимий Афросиёб шаҳристони қазилмаларида ишлаган француз археологлари топилмалари кўрғазмаси очилди.

27 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиги маркази ҳузуридаги халқаро “Олтин мерос” хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

27 сентябрь. Туркиянинг Истамбул шаҳрида йиллик Жаҳон филателиячилари кўрғазмаси очилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг “Ўзбекистон маркаси” нашриёт маркази маҳсулотлари биринчи бор намоиш этилди. Кўрғазмада нашриёт маркази Ўзбекистон мустақил бўлганидан бери беш йил давомида чиқарган 126 почта блоки намоиш этилди.

Сентябрь. Бухоро вилояти Жондор туманидаги Жондор посёлкасида XII асрда яшаб ўтган Халқ қаҳрамони, саркарда Маҳмуд Горобийга ҳайкал ўрнатилди. Ҳайкал муаллифи бухоролик ҳайкалтарош Ҳамро Зоировдир.

Сентябрь. Вашингтонда “Жаҳон иқтисодиётига ўтиш” мавзуида Халқаро журналистлар семинари бўлиб ўтди. Унинг ишида Ўзбекистон журналистлари ҳам иштирок этишди.

Сентябрь. Логроньо шаҳрида (Испания) бўлиб ўтган XIII Халқаро мусиқа фестивалида Ўзбекистон Республикаси маданий-маърифий алоқалар Миллий ассоциацияси қошидаги “Сўғдиёна” халқ чолғу оркестри фестивалнинг бош соврини — Халқаро бриллиант сертификати ва лауреатлик дипломига сазовор бўлди.

Сентябрь. Термизда ҳар йили Сурхондарё вилоятида яшовчи адабиёт ва санъат вакилларига бериладиган Собир Термизий номидаги мукофот топширилди. Бойсун болалар уйи “Ширу шакар” этнографик ансамбли, адиб Н. Исмоилов ва шоир Х.Раимов мукофот совриндорлари бўлишди.

4 октябрь. Тошкентда “Демократлаштириш шароитида оммавий ахборот воситалари” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

5 октябрь. Тошкентда Германия Федератив Республикаси Маданият кунлари очилди.

14 октябрь. Тошкентдаги Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар Миллий ассоциациясида шу ассоциация ва “Ўзбекистон—Вьетнам” ҳамда “Вьетнам—Ўзбекистон” жамиятлари ҳамкорлиги тўғрисидаги Протокол имзоланди.

15 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Адабиёт ва санъат соҳасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотини бериш тўғрисида” Фармон чиқарди. 1996 йил учун ушбу мукофот Самарқанд шаҳрида Амир Темур ҳомийлигида қурилган тарихий обидаларни таъмирлашнинг қадимги ноёб услубларини татбиқ этиш ишига қўшган улкан ҳиссаси учун Эгамберди Нуруллаев, Матлабжон Маҳмудов, Абдуворис Фаттоев, Ражаб Юсуповларга берилди.

17-28 октябрь. Тошкентда “Амир Темури: буюклик ва одабийлик” Республика театр фестивали бўлиб ўтди.

18 октябрь. Тошкентда Темурийлар тарихи Давлат музейининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Митингга Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади.

18 октябрь. Шаҳрисабзда Амир Темури ҳайкали очилди ва Шаҳрисабзда “Амир Темури” ордени топширишга бағишланган митинг бўлди. Митингга Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади ва ордени Шаҳрисабз шаҳри байроғига тақиб қўйди.

23 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Марказий Осиё халқлари маданиятлари арбоблари Ассамблеяси президенти, таниқли ёзувчи Чингиз Айтматовни қабул қилди.

24 октябрь. Тошкентда “Амир Темури ва унинг жаҳон тарихидаги роли” мавзуда Халқаро конференция бўлиб ўтди.

25 октябрь. Самарқандда Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан байрам тантаналари бўлиб ўтди. Унда Тошкентда бўлиб ўтган Амир Темури юбилейига бағишланган Халқаро конференция иштирокчилари қатнашди.

31 октябрь. Тошкентда “Ёзувчи” газетасининг биринчи сони чиқди.

Октябрь. Тошкентда Амир Темури Халқаро жамғармасининг “Соҳибқирон юлдузи” газетасининг биринчи сони чиқди.

Октябрь. Алишер Навоий номи Давлат академик Катта опера ва балет театри артистларидан бир гуруҳи Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бўйлаб сафар гастролларида бўлди. Гонгконг ва Сингапурда “Раймонда”, “Ромео ва Жульетта”, “Уйкудаги гўзал” балет спектакллари намойиш этилди.

Октябрь. Тошкентда япон санъати оригами (қоғоз тахлаш) намойиш этилди.

Октябрь. Ўзбекистон Тарих музейида “Германия ва Марказий Осиё: расмлар, учрашувлар” шиори остида ноёб фотосуратлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Октябрь. Анқарада Амир Темури таваллудининг 660 йиллигига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Анжумандан сўнг Туркия ЕКА ахборот агентлиги нашр этган “Ўзбекистон” журналининг биринчи сони ва ўзбек расмони Исфандиёр Ҳайдаров асарлари кўргазмаси тақдими бўлди. Ўзбекистон халқ ҳофиси Ўлмас Саиджонов ва “Ялла” гуруҳи концерт берди.

Октябрь. Тошкентда “Немис тўлқини” радиостанцияси ўқув маркази ташкил этган Марказий Осиё радиожурналистларининг уч кунлик семинари бўлиб ўтди.

Октябрь. “Ўзбекистон маркаси” нашриёт маркази ва Ўзбекистон Алоқа вазирлиги томонидан ёзувчи, олим, файласуф, маърифатчи ва сайёҳ Абдурауф Фитрат таваллудининг 100 йиллигига бағишланган почта маркаси тайёрланди ва муомалага чиқарилди. Очриткали почта конверти ҳам чиқарилди.

7 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган халқаро масалалар бўйича бельгиялик журналист-мухбирларни, Марказий ва Шарқий Европа, шунингдек, МДХ давлатлари бўйича “Де стандарт” газетасининг етакчи мутахассиси Йорн де Кок ва “Ле соир” газетасининг Марказий ва Шарқий Европа ва МДХ давлатлари муаммолари бўйича мутахассиси Леопольд Унгерни қабул қилди.

8 ноябрь. Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси буюк озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулий таваллудининг 500 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этди.

11 ноябрь. Тошкентдаги Алишер Навоий номи Давлат академик Катта опера ва балет театрида Рус православ чerkови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Унда Москва ва Бутун Русь Патриархи Алексий Иккинчи иштирок этди. Тантанали мажлис иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов табрик йўллади.

20 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистонда анъанавий кўшиқ байрами ўтказиш тўғрисидаги 1996 йил 18 ноябрда қабул қилган Қарори баёни эълон қилинди.

21 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот маркази тузилмаси тўғрисида” Фармон чиқарди.

21 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Марказий Осиё халқлари маданиятлари Ассамблеясининг Халқаро жамоат ҳаракатини ривожлантириш Жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

22-23 ноябрь. Тошкентда “Оммавий ахборот воситаларида ҳаққонийликнинг акс эттирилиши ва унинг Марказий Осиёда миллий ўзликни англаш ҳамда миллий маданиятга таъсири” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди.

26 ноябрь-4 декабрь. Тошкентда Ўзбекистон, Франция, Германия ёш мусиқачилари учрашуви бўлиб ўтди. Унда Лион шаҳри консерваторияси вакиллари, Лейпциг оркестри, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар Миллий ассоциацияси қошидаги “Сўғдиёна” халқ чолғу асбoblари камер оркестри иштирок этди.

28 ноябрь. Хивада туркман шоири ва мутафаккири Маҳтумқули ҳайкали очилишига бағишланган митинг бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркменистон Президенти Сапармурот Ниёзов иштирок этишди.

30 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовни ўзбек маданиятини ривожлантиришдаги салмоқли ҳиссаси, миллий маънавият соҳасидаги самарали фаолияти ва мустақил Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштироки учун “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Ноябрь. Тошкентдаги Биржа марказида қимматли қоғозлар бозори тарихи музейи очилди. Турли мамлакатлар ва турли даврларга оид: облигациялар, акциялар, пуллар, хазина мажбуриятлари, векселлар, сертификатлар музейдан ўрин олган. Музейга шунингдек, Туркия, Покистон, Англия, Америка, Германияда малака оширган биржа мутахассисларига совға қилинган буюмлар қўйилган.

Ноябрь. Наманганда “Камолот” газетаси чиқа бошлади. Унинг муассиси “Камолот” ёшлар Республика жамғармасининг вилоят бўлимидир.

Ноябрь. Тошкентдаги Ўрол Тансиқбоев уй-музейида этюдлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг 94 рассоми мўйқаламига мансуб 200 та асар намойиш этилди.

Ноябрь. Тошкентдаги телефон алоқаси ва радиолаштириш шаҳар ишлаб чиқариш бирлашмасида “Тошкент телефони: кеча, бугун, эртага” мавзуда музей очилди.

Ноябрь. Жанубий Кореяда бўлиб ўтган Халқаро “Сеул-96” фестивал-танловида Ўзбекистон Республикаси халқаро ва маданий-маърифий алоқалар Миллий ассоциацияси “Сўғдиёна” халқ чолғу асбоблари камер оркестри солисти Ғафуржон Норбоев биринчи ўринни эгаллади ҳамда биринчи даражали диплом ва номи ёзилган совғани олишга сазовор бўлди.

Ноябрь. Японияда Ўзбекистон Маданияти кунлари бўлиб ўтди.

7 декабрь. Тошкентда Марказий Осиё “Реклама-96” кўргазмаси бўлиб ўтди.

16 декабрь. Тошкент Киночилар уйида режиссёрлар И. Эргашев ва Б. Содиқов яратган икки серияли “Буюк Амир Темур” бадиий фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.

18 декабрь. Ўзбекистоннинг Риштон ва Япониянинг Камацу шаҳарлари биродарлашган шаҳарлар бўлишгани ҳақида хабар эълон қилинди.

19 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Республика оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раҳбарларини қабул қилди. Сўхбат чоғида жамғарма фаолиятини янада фаоллаштириш, рамзий номланган “Хуррият” газетасини нашр этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

20 декабрь. Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясида Абдурауф Фитратнинг 100 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ва илмий конференция бўлиб ўтди.

29 декабрь. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида Тошкент шаҳрининг янги герби тасдиқланди.

30 декабрь. “Ўзбеккино” Давлат акционерлик компанияси қошидаги республика кино арбоблари ижодий ассоциациясининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

30 декабрь. Тошкентдаги Ўзбекистон Рассомлари уюшмасининг “Хамар” залида “Табиат ва рассом” кўргазмаси очилди. Унда 300 рассомнинг мингдан ортиқ асари намойиш этилди.

31 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Декабрь. Тошкентда Япония фотоусталарининг “Бугунги Япония” кўرғазмаси бўлиб ўтди.

Декабрь. Тошкентда Корея драма ва эстрада миллий театри ташкил этилди.

Декабрь. Тошкентда Қомуслар бош таъхририяти тайёрлаган, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи қомуси — “Ўзбекистон Республикаси” босмадан чиқди.

Декабрь. Порт-Саидда француз рассомлари Армаль ва Лучино Риспулининг “Самарқандга йўл” номли асарлари кўрғазмаси бўлиб ўтди. У рассомларнинг Ўзбекистон шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентга қилган сафари ҳақида ҳикоя қилади.

1997 ЙИЛ

3 январь. Ўзбекистон Республикасининг “Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди. Қонун билан бу кун 1 октябрь деб белгиланди ва байрам (дам олиш кун) ҳисобланади.

8 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

23 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш тўғрисида” Фармон чиқарди. Ушбу Фармон билан халқ ҳунармандчилиги, тасвирий ва амалий санъат соҳасидаги энг яхши асарлар учун Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди.

29 январь. Тошкентдаги “Фан” нашриёти биринчи марта рус тилида Мирзо Муҳаммад Ҳайдар (1499—1551)нинг Марказий Осиёнинг ўрта аср тарихи ҳақидаги “Тарихи Рашидий” асарининг форс тилидан қилинган таржимасини босиб чиқарганлиги ҳақида хабар эълон қилинди.

Январь. Парижда “Ислом, Франция ва Европа: умумий келажакимизни қандай қураимиз” мавзуида Халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этишди.

Январь. Наманганда “Сухбатдош” газетаси чиқа бошлади. Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиқ марказининг вилоят бўлими ва “Маҳалла” Республика хайрия жамғармаси бўлими унинг муассиси бўлишди.

Январь. Тошкентда “Эрон хотин-қизлари” фотоқўрғазмаси бўлиб ўтди. Унда Эрон фотоусталарининг 60 дан ортиқ асарлари намойиш этилди.

Январь. Тошкентда ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий ва маънавий тарбиясини янада такомиллаштириш вазифаларига бағишланган Республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

Январь. Тошкентда “Ўзбекистон — шарафимсан-шонимсан” шиори остида танлов бўлиб ўтди. Унда республика миллий-маданий марказлари иштирок этишди. Уйғур маданий маркази жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг бош совринини қўлга киритди.

4 февраль. Тошкентда ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги мусиқий асарлар кўриги бошланди.

10-17 февраль. Тошкентда “Наврўз арафасида-97” шиори остида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган Республика театр санъати фестивали бўлиб ўтди.

14 февраль. Тошкентда Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг навбатдан ташқари Қурултойи бўлиб ўтди. Бадий академия қошида Рассомлар ижодий уюшмаси ташкил этилганлиги муносабати билан Қурултой, Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси ўз фаолиятини тугатган деб ҳисоблади. Шу кунги Рассомлар ижодий уюшмасининг ташкилий кенгаши бўлиб ўтди. Унда янги уюшма Низоми тасдиқланди ва раҳбар органлари сайланди.

16 февраль. Алишер Навоий номили Давлат академик Катта опера ва балет театрида “Насриддиннинг қилиқлари” биринчи миллий комик балет премьераси бўлиб ўтди.

21 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Абдулҳамид Сулаймон ўгли Чўлпон таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

25 февраль. Тошкентда Мукаррама Турғунбоева номидаги “Ўзбек рақс” миллий рақс бирлашмасининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. У Республика Президентининг “Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармониغا биноан тузилди.

27 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Жаҳон адабиёти” журналин ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Февраль. Тошкентда “Оммавий ахборот воситалари ва миллий тараққиёт” Халқаро семинари бўлиб ўтди.

6-7 март. Ўзбекистонлик бир гуруҳ журналистлар НАТОнинг Брюсселдаги Бош қароргоҳи ҳамда Шерикликни мувофиқлаштириш Бош кўмондонлик қароргоҳини (Монс шаҳри) бориб кўрдилар. Ташриф НАТО Ахборот ва матбуот бўлими таклифи билан амалга оширилган ва НАТО Бош котиби Х.Соланнинг Ўзбекистонга келишига бағишланган эди.

11 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Шарқ тароналари” Халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

11 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

18 март. Тошкентда “Қонун ва оммавий ахборот воситалари” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

20 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Март. Тошкентда Франция маданият Уйи очилди.

Март. “Ўзбекистон маркаси” нашриёт маркази ва Республика Алоқа вазирлиги томонидан “Космос ва ҳаёлот” мавзuida почта маркалари туркуми тайёрланди ва муомалага чиқарилди.

Март. Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонаси немис, француз ва италян тилларидаги адабиётлар кутубхоначаси билан бойиди. 300 нусхадан иборат бу китоблар Швейцарияда нашр этилган бўлиб, Швейцария маданият жамғармаси ва Ўзбекистондаги Швейцария элчихонаси уларни ўзбек китобхонларига инъом сифатида тақдим этди.

2 апрель. Самарқандда “Гўзаллик оламини асрайди” шиори остида расомларнинг III Халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Унда 20 дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этди.

3-8 апрель. “Баҳор” концерт зали ва М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг Катта залида “Беш оқшом” деб номланган фортепьяно дуэтлари фестивали бўлиб ўтди.

7 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида журналистларни қайта тайёрлаш Халқаро марказининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

9 апрель. Амир Темураваллудининг 661 йиллиги нишонланадиган кунда мамлакатимиз барча шаҳар ва вилоятларида бу шонли санага бағишланган илмий конференциялар, адабий кечалар, олим ва ёзувчилар билан учрашувлар бўлиб ўтди.

9 апрель. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалари Миллий ассоциациясида “Ўзбекистон—Франция” Дўстлик жамиятининг ҳар уч ойда чиқадиган нашри биринчи сони тақдими бўлди.

15 апрель. Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан эълон қилинган “Наврўз—боқий байрам” танловининг аяқлари эълон қилинди. Наврўз байрамини энг яхши ёритган “Халқ сўзи” газетаси деб топилди. “Наврўз гавҳарлари” мақоласи учун Азим Суюнга (“Ўзбекистон овози”) “Энг яхши мақола учун” мукофоти берилди.

16 апрель. Тошкентдаги Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси Кўрғазмалар залида республикамизнинг энг кекса архитектори, архитектура доктори, Шарқ мамлакатлари архитектураси Халқаро академияси вице-президенти М.С.Булатов таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб кўрғазма очилди.

16-25 апрель. Туркияда анъанавий Болалар байрами бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 40 мамлакатидан мингга яқин болалар иштирок этишди. Шу жумладан, Ўзбекистондан Тошкент Темирийўлчилар Маданият саройининг “Салом, қуёш!” ансамбли ҳам қатнашди.

17 апрель. Алоқа вазирлигининг “Ўзбекистон маркаси” нашриёт маркази етгита почта блоки ва “Булбулигўё” деб номланган махсус конвертдаги комплектни тайёрлаб, муомалага чиқаргани тўғрисида хабар эълон қилинди. Машҳур ўзбек халқ эртаги “Булбулигўё” асосида ишланган бу рангли миниатюра тошкентлик rassom Ирина Лисенко томонидан тайёрланган.

19-30 апрель. Тошкентда замонавий мусиқа “Илҳом-XX” Иккинчи фестивали бўлиб ўтди.

21 апрель. Тошкентда Ботир Зокиров Жамғармаси ташаббуси билан “Юлдузча” болалар телевизион танлови бўлиб ўтди. Унда 4 ёшдан 8 ёшгача бўлган болакайлар ўзларининг мусиқий, артистлик ва ижрочилик қобилиятларини намоиш этишди.

26 апрель. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис VIII сессиясида қабул қилинган “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

28 апрель. Бонндаги Бетховен концерт залида ГФРда Ўзбекистон Маданияти кунларининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Апрель. Бонн шаҳрида (ГФР) “XXI аср бўсағасида Ўзбекистон рангтасвир санъати ва ҳайкалтарошлиги” кўргазмаси бўлиб ўтди.

Апрель. Тошкентда “Зарб-97” ёш доирачиларнинг Республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Республика ўқувчилар саройининг Т. Иноғомов номидаги ансамбли кўрик ғолиби бўлди.

Апрель. Наманганда ўзбек халқ чолғу асбоблари ёш ижрочиларининг Республика танлови бўлиб ўтди. Унда ўрта махсус мусиқа ўқув юртлари ва санъат билим юртларидан икки юзга яқин ўқувчи иштирок этди.

Апрель. Тошкентда кино-видео-фото ишлар туман ва вилоят танловлари ғолиб мактаблари ўқувчиларининг Республика фотофестивали бўлиб ўтди. Тошкентдан Т.Костянц, Чирчиқдан В.Голубев ва П. Пак, Самарқанддан А. Ведерников сингари ёш фотографлар, кино ва видео тасмалар тақдим этган Тошкентнинг “Эремурус” клуби жамоаси, Сурхондарё вилоятидан Б. Норматов ва С. Холматовнинг фильмлари ушбу мусобақа ғолиблари деб топилди.

Апрель. Тошкентдаги Республика Киночилар уйида Франциянинг таниқли артисти Филипп Нуаре иштирокидаги фильмлар фестивали бўлиб ўтди. У Ўзбекистондаги Франция элчихонаси ташаббуси билан ўтказилди.

Апрель. Тошкентда Халқаро сартарошлик санъати фестивали бўлиб ўтди.

3 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бадий академиянинг ҳақиқий ва фахрий аъзолигига номзодлар ҳақидаги, Ўзбекистон Рассомлар ижодий уюшмаси йиғилишининг таклифини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди. Қуйидагилар Ўзбекистон Бадий академиясининг ҳақиқий аъзолари этиб сайланди: rassomлар — Саъдулла Абдуллаев, Ботир Болтаев, Владимир Бурмакин, Баҳодир Жалолов, Жўлибой Изентаев, Акмалжон Икромжонов, Тоҳир Миржалилов, Али-

шер Мирзаев, Шомаҳмуд Муҳаммаджонов, Акмал Нуриддинов, Жавлон Умарбеков, Ниёзали Холматов, Турсунали Кўзиев, ҳайкалтарошлар — Илҳом Жабборов, Жўлдасбек Қуттимуродов, кулолчилар — Шариф Азимов, Акбар Раҳимов, Шарофиддин Юсупов, Худойберди Ҳақбердиев, дизайнёр — Азамат Тўхтаев, санъатшунос — Акбар Ҳақимов.

Академиянинг фахрий аъзолари ҳам сайланди. Бу унвонга таниқли расомлар — Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Қутлуғ Башаров, Малик Набиев, Рўзи Чориев, Николай Шин, Неъмат Кўзибоев, рангтасвирчилар — Саидаҳмад Маҳмудов, Маҳмуд Усмонов, ҳайкалтарош — Қосим Мирзароҳимов, санъатшунос — Рафаил Тоқтош сазовор бўлишди.

7 май. Тошкентда буюк шоир, файласуф, мусиқачи ва рассом Робиндранат Тагор Ҳафталиги бошланди.

19 май. Тошкентда “Мустақиллик — бахтимиз ва фаровонлигимиз” шиори остида Марказий Осиё республикалари адиблари учрашуви бўлиб ўтди.

19 май. Тошкентда “Мустақиллик шароитида Марказий Осиё халқлари шеърляти” мавзuida симпозиум очилди.

20 май. Тошкентда чет эллар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти Кенгашининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

22-29 май. Тошкентда жаҳоннинг 32 та давлати ва 8 та халқаро ташкилотларининг маданият ва санъат арбоблари иштирокидаги “Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт” шиори остида XII Халқаро Тошкент кинофестивали бўлиб ўтди. “Хайр, азизим” фильми сценарий муаллифи ва режиссёри Жанубий корейлик Пак Чул Сунга фестивалнинг бош соврини — “Олтин ҳумо” топширилди. “Буюк Амир Темур” (Ўзбекистон) фильмини яратишдаги операторлик маҳорати учун Рифқат Иброҳимовга халқаро жюрининг махсус мукофоти — “Нексия” автомашинаси берилди.

26 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон чет эллар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар Жамияти кенгашини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди.

29 май. Тошкентда мумтоз мусиқа биринчи Республика болалар танлов-фестивали — “Санъат ғунчалари” тугалланди. Виолончель мутахассислиги бўйича С. Иброҳимов ва Э. Манциревга, фортепьяно бўйича Э. Катлабулатов ва М. Исаевга биринчи мукофотлар берилди.

Май. “Ўзбекистон” нашриёти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобини ўзбек ва рус тилларида нашр этди.

Май. Тошкентда Ўзбекистонда биринчи бор бизнес-журналистлар мактаби иш бошлади. Унда дарс бериш учун Буюк Британия ва Италиядан иқтисодиёт ва бизнес-журналистика соҳаси мутахассислари таклиф этилди.

Май. “Ўзбекистон маркаси” нашриёт маркази ва республика Алоқа вазирилиги “Ўзбекистоннинг ноёб ҳайвонлари. Қоплон” мавзuidaги почта

маркалари туркумини тайёрлади ва муомалага чиқарди. Маркаларда қоплон турли қиёфаларда тасвирланган. Туркум тўрт почта маркаси ва битта почта блокидан иборат. Расмларни тошкентлик рассом Сергей Бобров ишлаган.

Май. Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги Болалар шоу-гуруҳи Россиянинг Иваново шаҳрида бўлиб ўтган “Қақнус” болалар ижоди анъанавий фестивалида иштирок этди ва вокаль гуруҳларда иккинчи ўринни эгаллаб, ушбу фестиваль лауреати бўлди.

Май. Самарқандда тасвирий санъат асарлари бадиий галереяси очилди.

Май. Тошкентда Ўзбекистон “Камолот” ёшлар жамғармаси билан “Медиа Менежер” ахборот-тарғибот фирмаси ҳамкорлигида “Менежер” номли ҳафталик газетанинг биринчи сони чиқди.

Май. Андижонда Бобур номидаги Халқаро жамғарма ва шу буюк аجدодимиз номидаги Халқаро илмий экспедиция ташкил этилганининг беш йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Шу йиллар мобайнида Халқаро илмий экспедиция йўллари 15 мамлакат ҳудудидан ўтди ва Темуравлодлари бўлган жойлар бўйлаб юз минг километрлик масофа босиб ўтилди, Покистон, Ҳиндистон, Афғонистондаги Бобур авлодлари қидириб топилди ва улар билан яқиндан алоқалар ўрнатилди. Тантаналарда Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Марказий Осиё мамлакатлари олимлари, таниқли ўзбек ёзувчилари иштирок этишди.

Май. Тошкентда Евроосиё жамғармаси ёрдамида муаллифлик ҳуқуқлари Ўзбекистон Давлат агентлиги билан ҳамкорликда “Банкинформрейтинг” компанияси томонидан ташкил этилган муаллифлик ҳуқуқи бўйича тўрт кунлик семинар бўлиб ўтди. Семинарда АҚШ, Германия ва Франция ташкилотларининг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича иш тажрибаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш халқаро жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги батафсил ёритиб берилди.

3-6 июнь. Тошкентда Халқаро “Олам — болалар нигоҳида” болалар ижоди кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистондан 133 ёш рассом иштирок этди. Қашқадарёлик Санжар Ҳусайнов ва тошкентлик Жамшид Тиллаев биринчи ўринни олди.

10 июнь. Тошкентда “Маънавият ва инсон ҳуқуқлари” мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

13 июнь. Тошкентда журналистларни қайта тайёрлаш Халқаро жамоат марказининг тақдироти бўлиб ўтди.

16 июнь. Парижда Маринья театрида “Буюк Ипак йўли” спектакли билан Ўзбекистон Маданият кунлари очилди. У Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги муносабати билан ЮНЕСКОнинг юбилей тадбирлари доирасида ўтказилди. Шу куни Бухоро ва Хивага бағишланган кўргазма очилди, ЮНЕСКО бош қароргоҳида Ўзбекистон санъат усталари концерти бўлди.

24 июнь. “Ўзбекистон маркаси” нашриёт маркази ва Ўзбекистон Алоқа вазирилик махсус конвертли “Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон” почта маркаси тайёрлаб, муомалага чиқарганлиги ҳақида хабар эълон қилинди. Ушбу марка Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишланган.

26 июнь. Корея Республикасининг XV асрада қирол Сегжон таъсис этган олий мукофоти — “Олтин Юлдуз” орденига биринчи марта ўзга давлат фуқароси — ўзбекистонлик rassom Николай Шин сазовор бўлди. Унинг 75 та асари Сеулнинг замонавий санъат миллий музейи залларида намоиш этилди.

27 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига Миллий Матбуот куни билан йўллаган табриги эълон қилинди.

27 июнь. “Йилнинг энг яхши журналисти” танлови якунлари эълон қилинди. Танловда 1996 йилдаги ижодий ишлар кўриб чиқилди. Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси куйидагиларни йилнинг энг яхши журналисти деб топди ва биринчи мукофотларни топширди: Амирқул Каримов (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги), Ҳаким Сагторов (“Халқ сўзи” газетаси), Раҳмон Кўчқоров (Ўзбекистон телевидениеси), Абдунаби Ҳайдаров (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси).

Июнь. Жиззах вилояти Зомин туманида анъанавий ёш ёзувчилар семинари бўлиб ўтди. Унда қирққа яқин ижодкор ёшлар иштирок этишди. Улар шу кунлардаги наср, назм, драматургия, танқид ва адабиётшунослик бўйича долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар, Ўзбекистоннинг таълиқли ёзувчилари билан суҳбатлашдилар.

4 июль. “Дийдор” реклама фирмаси кўрғазмалар залида тошкентлик фотожурналист ва фоторассом Анатолий Раҳимбоев асарларининг шахсий кўрғазмаси очилди.

4 июль. Санкт-Петербургда ўз ишини тугаллаган анъанавий “Инсонга даъват” Халқаро кинофестивалида “Олтин кентавр” “Гран при” мукофоти Розия Мерганбоева сценарийси асосида суратга олинган “Қоракўл” ҳужжатли фильми режиссёри Шуҳрат Маҳмудовга берилди.

29 июль. Истамбулда Халқаро болалар фестивали ниҳоясига етди. Унда Кипр, Албания, Польша, Руминия, Ўзбекистон жамоалари иштирок этишди. Фестивалда Улугбек номидаги иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш Республика жамғармасининг “Умид” болалар фольклор-рақс ансамбли биринчи ўринни олди.

30 июль. Давлат санъат музейида дўппилар кўрғазмаси очилди. Унда бу қадимий бош кийимнинг энг ноёб турлари намоиш этилди.

Июль. Кембрижда (Англия) қадимий ўзбек шаҳарлари Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига бағишланган кўрғазма бўлиб ўтди.

Июль. Макао шаҳрида (Португалия) бўлиб ўтган машҳур португал пианиночиси Виана да Мотта номидаги пианиночилар XII Халқаро кўрғазма-

сида тошкентлик пианиночи, “Ўзбекнаво”нинг якка ижрочиси Барно Ҳақназарова танловнинг биринчи ўн ғолиби ичида фахрли ўринни эгаллади ва диплом билан тақдирланди.

Июль. Андижонда халқ таълими музейи очилди. Унда устоз ўқитувчилар асрлар мобайнида фойдаланиб келган дарсликлар, қўлланмалар, икки мингга педагоглар сулоласининг ҳаёти ва касб маҳорати ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар намойиш этилди.

Июль. Наманган вилоят ҳокимияти Учқўрғон шаҳрида Тасвирий ва амалий санъат лицейини очди.

Июль. Бишкекда “Марказий Осиё республикалари абадий дўстлигини мустаҳкамлаш ва интеграциялашда матбуотнинг роли” мавзуида Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон журналистларининг Халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Конференция сўнгида унинг иштирокчилари ахборот соҳасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумни имзолашди.

Июль. Тошкентда адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий “Жаҳон адабиёти” журналининг биринчи сони босмадан чиқди.

Июль. Тошкентда ўзбек ва рус тилларида “Пойтахт хабарномаси” — “Вестник столицы” иқтисодий ахборот бюллетенининг биринчи сони чиқди.

11 август. Тошкентда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда халқ маънавиятини янада ошириш, ёш авлодни мустақиллик гоёларига садоқат руҳида тарбиялашда ёзувчилар олдида турган вазифалар тўғрисида сўз юритилди. Йиғилишда, шунингдек, ташкилий масалалар ҳам кўрилди. Шоир Муҳаммад Юсуф Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари этиб сайланди.

14-15 август. Пойтахтнинг “Туркистон” саройида “Ўзбекистон— Ватаним маним” кўшиқ танловининг якунловчи тури бўлиб ўтди. Унда республикада истиқомат қилувчи турли миллат ва элатларнинг мингга яқин вакили иштирок этди. Биринчи ўрин фольклор-этнографик ансамбль билан “Ватанимни куйлайман” кўшигини ижро этган сурхондарёлик Норали Алланазаровга берилди.

17 август. Республикада кўшиқ байрами кенг нишонланди. У пойтахтнинг Халқлар дўстлиги саройида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон кўшиқ байрами якунловчи турининг ғолиблари ва совриндорлари, шунингдек, мамлакатимизнинг етакчи ижрочилари ва созандалари иштирокида катта концерт берилди.

20 август. Ўзбекистон Республикаси байналмилал маданий марказида Конрад Аденауэр Жамғармасининг минтақавий вакили Вольфганг Шрайбернинг республика миллий маданий марказлар вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди.

26 август-1 сентябрь. Самарқандда Халқаро “Шарқ тароналари” фестивали бўлиб ўтди. Унда ўтгиздан ортиқ давлат вакиллари иштирок этди. Ёпилиш маросимида фестиваль ғолиблари ва совриндорлари эълон қилинди. Озарбайжонлик Симара Имонова олий мукофот — “Гран при”га сазо-

вор бўлди. Биринчи ўринни Муножот Йўлчиева (Ўзбекистон), Шайну Кхурана (Ҳиндистон) эгаллашди.

Фестиваль доирасида бўлиб ўтган “Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги” Халқаро илмий-ижодий конференцияси қатнашчилари ЮНЕСКО Бош директорини “Шарқ тароналари” иккинчи Халқаро мусиқа фестивалини 1999 йилда Самарқандда, болаларнинг анъанавий мусиқа фестивалини Осиёда ўтказишга кўмаклашишга даъват этдилар.

28 август. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Кўرғазмалар залида республика мустақиллигининг олти йиллигига бағишланган санъат усталари асарларининг кўрғазмаси очилди. Кўрғазмага рангтасвирчилар, графиклар, ҳайкалтарошлар, миллий декоратив-амалий санъат усталаридан юз муаллифнинг уч юздан ортиқ асари қўйилди.

Август. Тошкентда “Жамият ва бошқарув” номли янги журналнинг биринчи сони чиқди. У Давлат ва жамият қурилиши академиясининг нашридир.

Август. Андижон вилояти Кўрғонтепа туманида “Бедана” фольклор-этнографик ансамбли ташкил этилди.

Август. Тошкентдаги Ҳиндистон маданий марказида ҳинд расоми Рам Кашер Ядава асарлари кўрғазмаси бўлиб ўтди. Унинг асарлари жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларида намойиш этилган.

8-10 сентябрь. Тошкентда “Марказий Осиё мамлакатлари маданиятига инвестиция киритиш” мавзуйда Халқаро конференция бўлиб ўтди.

8-13 сентябрь. Ўзбекистон телевидениесининг биринчи каналида “Буюк Амир Темур” янги олти серияли телевизион бадиий фильми намойиш этилди (постановкачи режиссёр И.Эргашев).

10 сентябрь. Тошкентда “Тасвирий ойна” Республика иждоий уюшмасининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Уюшма Низоми тасдиқланди, унинг жамоат кенгаши ва бошқаруви сайланди.

10 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари” китобига бағишланган катта форматдаги рангли альбом ўзбек, инглиз ва рус тилларида нашр этилганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинди. Мазкур нашр катта ҳажмдаги ахборотни қамраб олган бўлиб, мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги асосий йўналишлар ва тамойилларни очиб беради.

11 сентябрь. Қароргоҳи Москвада жойлашган Халқаро Архитектура академияси илмий кенгашида замонавий анъанавий архитектурани ривожлантиришдаги хизматлари учун Самарқанд вилояти бош архитектори Мусо Фуломов яширин овоз бериш йўли билан Халқаро Архитектура академияси профессори этиб сайланганлиги ҳақида хабар эълон қилинди.

12 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойна” иждоий уюшмасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

12 сентябрь. Тошкентда Япониянинг Ўзбекистондаги Маданият кунлари очилди.

18 сентябрь. “Ўзбекистон маркаси” нашриёт маркази Почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан Ўзбекистоннинг ривожланаётган автомобиль саноатига бағишланган “ЎзДЭУавто” почта кварталблочки тайёрлади ва муомалага чиқарганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди. Квартблок уч почта маркаси ва бир купондан иборат. Почта купонида Асака шаҳридаги автомобилсозлик заводи биноси, почта маркасида эса “Тико”, “Дамас”, “Нексия” автомобиллари акс эттирилган.

19 сентябрь. Тошкентда чет эллар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти Кенгаши билан “Фукусима-Ўзбекистон” Маданий-иқтисодий ҳамкорлик ассоциацияси ўртасида 1997—1999 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Сентябрь. “Ўзбекистон маркаси” нашриёт маркази ҳамда Почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига бағишланган “Буюк Ипак йўли” мавзuida почта маркалари туркуми тайёрланди ва муомалага чиқарилди. Расмларни тошкентлик rassom M. Бакликов ишлаган.

Сентябрь. Ҳамза номидаги Давлат академик театри Миср Араб Республикасида бўлиб ўтган Халқаро театр фестивалида иштирок этди. Театр артистлари ўзбек халқи миллий анъаналари, расм-русумлари ва урф-одатларини акс эттирувчи “Чимилдиқ” спектаклини Қоҳира томошабинларига кўрсатишти.

Сентябрь. Термизда қадимги замон ва ўрта асрлардаги Бақтрия—Тоҳаристон тарихи ҳамда маданиятига бағишланган иккинчи халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Франция, Япония, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон олимлари иштирок этишти.

Сентябрь-октябрь. Тошкентдаги “Туркистон” саройида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллигига бағишланган “Дастурхон” бадий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда эллик муаллифнинг рангасвир, графика, ҳайкалтарошлик асарлари намойиш этилди.

Сентябрь. Тошкентда бўлиб ўтган кўргазма Ҳиндистоннинг машҳур Рампур Ризо кутубхонаси Ўзбекистонда биринчи марта Амир Темур даврида араб, турк ва форс тилларида ёзилган Марказий Осиё қадимги қўлёзмаларини намойиш этди. Кўргазма экспозициясидан қадимги форс қўлёзмалари билан бир қаторда турли тарихий шахслар Марказий Осиё шаҳарлари бўйлаб қилган саёҳатлари вақтида ёзиб қолдирган бир қанча кундалиқлар, йўл хотиралари ҳам ўрин олган.

Сентябрь. Наманганнинг “Тумор” бадий галереясида бўлиб ўтган кўргазмада америкалик rassom Картер Малик хоним (БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Маликнинг рафиқаси), халқ амалий санъати соҳасида ишлайдиган кўқонлик Эргашали Тожибоев асарлари, наманганлик rassom Иброҳим Валихўжаев ишлаган расмлар намойиш этилди.

Сентябрь. Қўқон адабиёт музейида шу йил таваллудига 90 йил тўлган Халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар ва ҳужжатлар кўргазмаси очилди.

Сентябрь. Нукусда қорақалпоқ халқ дostonи “Қирққиз” ва туркий тилли халқлар оғзаки ижодини ўрганишга бағишланган илмий-ижодий конференция бўлиб ўтди. Унинг ишида БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик иштирок этди.

Сентябрь. Англиянинг Шеффилд шаҳрида фольклор фестивали бўлиб ўтди. Унда Тошкент Санъат институти талабаси Темур Холмирзаевнинг рангтасвир асарлари катта муваффақият қозонди.

Сентябрь. Ўзбекистон Бадий академияси Марказий Кўргазмалар залининг бадий саломида япон пейзажчи рассомлари, Анига профектура-сидаги Сулбокута жамияти аъзолари (тушь билан чизилган) асарларининг кўргазмаси бўлиб ўтди.

Сентябрь. “Тошкент юлдузлари” рақс ансамблининг рақосалари Фарғонанинг “Фантазия” хореографик жамоаси билан биргаликда Болгариянинг Варна шаҳрида бўлиб ўтган VI Халқаро фольклор рақс фестивалида биринчи бор иштирок этиб, олтин медални қўлга киритишди.

Сентябрь. Тошкентда “Орол менинг тақдиримда” кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазма экспозициясида турли жанрларда яратилган юздан ортиқ асар намоиш этилди.

5-12 октябрь. Тошкентда Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги маданият кунлари бўлиб ўтди.

7 октябрь. Тошкентда “Марказий Осиёнинг ислом давридаги қўлёзма анъанаси” Халқаро семинари иш бошлади. Бир ҳафта давом этган семинарда Тожикистон, Туркменистон, Франция, Германия, Нидерландиядан олимлар иштирок этишди.

9-11 октябрь. Токиода Осиё-Тинч океани минтақасининг “Анъанавий санъат ва халқлар” номли йигирманчи фототанлови бўлиб ўтди. Унда биринчи марта ўзбек фотожурналисти Абдувоҳид Тўраев мукофот билан тақдирланди. Танловда унинг “Доира жаранги” асари намоиш этилди ва энг яхши асарлардан бири деб топилди.

10 октябрь. Тошкентдаги Олимпия шон-шухрати музейида Лозанна (Швейцария)да бўлиб ўтган “Олимпия ўйинлари — болалар нигоҳида” Халқаро кўргазма-танлов иштирокчиларига махсус совғалар топшириш маросими бўлиб ўтди. Ушбу кўргазма-танловда Ўзбекистоннинг 29 ёш муаллифи ишлари тақдим этилди, улар ичида “Сурхондарё” вилояти Шўрчи тумани ўрта мактаб ўқувчиси Фахриддин Анабоевнинг тақдим этган иши “Тертони” кубогига сазовор бўлди.

14-17 октябрь. Тошкентда “Демократик жамиятда журналистиканинг роли” Халқаро семинари бўлиб ўтди. У Конрад Аденауэр номидаги Германия жамғармаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш Халқаро жамоат маркази ҳамкорлигида ташкил этилган эди.

15 октябрь. Тошкентда Туркменистон мустақиллигининг олти йиллигига бағишланган шу мамлакат Кино кунлари бошланди.

18 октябрь. Самарқандда шаҳар музейига ислом анъаналари тафсилотидан иборат, XV асрда Самарқандда яшаб ижод этган машҳур хаттот Абдулла ал-Табахон ал-Харавий иншо қилган қўлёзмаларни инъом этиш маросими бўлиб ўтди. Британия музейи кутубхонасидан харид қилинган ушбу ноёб қўлёзмани шаҳарга “Бритиш Америкен тобакко” фирмаси совға қилди.

18 октябрь. Самарқандликлар улкан айём — Самарқанд кунини биринчи марта нишонладилар. Қадимги шаҳарнинг кўча ва майдонларида профессионал артистлар ва ҳаваскор ижодий жамоалар томошалар кўрсатди, амалий санъат ва рангтасвир асарлари кўрғазмаси бўлди. Байрам муносабати билан шаҳарда бир қанча маданий-маиший корхона объектлари фойдаланишга топширилди.

19 октябрь. Булоро шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланди. Пойи Калон майдонида улкан театрлаштирилган томоша бўлиб ўтди, у ёрқин бадий шаклларда Шарқнинг энг қадимги шаҳари тарихи, шаҳар меҳнаткашларининг бугунги куни ҳақида ҳикоя қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тантана иштирокчиларига табрик йўллади.

20 октябрь. Хива шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланди. Арк майдонида Хиванинг қадимий тарихи ва бунёдкорлик ишлари билан тўлибтошган бугунги куни ҳақида ҳикоя қилувчи театрлаштирилган томоша намойиш этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тантана қатнашчиларини шаҳар байрами билан қизгин кутлади.

20 октябрь. Хивада “Хива ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Шунингдек, 9 октябрда Бухорода ўз ишини бошлаган “Башариятнинг илмий ва маданий мероси — учинчи минг йилликка” мавзуидаги Халқаро симпозиумнинг якуний мажлиси ўтказилди.

Октябрь. Харьков шаҳрида (Украина) “Шарқ экспресси” Халқаро театрлаштирилган фестивали бўлиб ўтди. А.Навоий асари асосида яратилган “Шайх Санъон” ва Ф.Атто асари асосида яратилган “Иблис аёл” постановкаларини намойиш этган Қаршининг “Эски масжид” театри катта муваффақият қозонди.

Октябрь. Ўзбекистонда янги “Ўзнет” алоқа тизими ишлай бошлади. Ушбу алоқа тизими ёрдамида мамлакатимиз идора ва вазирликлари халқаро “Интернет” алоқаси бўйича ахборот алмашиш ҳамда янгиликлар, турли хабарлар олиш имконига эга бўлдилар.

Октябрь. Бухорода XIV аср меъморчилик ёдгорлиги бўлмиш Пойи Остона масжидининг таъмирлаш ишлари тугалланди. Тарихий манбаларга қараганда, унда ўрта асрнинг буюк тариқатчиси Баҳоуддин Нақшбанд таҳсил олган экан.

Октябрь. Тошкентдаги Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўрғазмалар залида Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига бағишланган ран-

гтасвир, китоб беагаи, ҳайкалтарошлик ва декоратив-амалий санъат асарлари кўрғазмаси бўлиб ўтди.

Октябрь. Римда ЮНЕСКО қошидаги Халқаро мусиқа кенгашининг Бош Ассамблеяси бўлиб ўтди. Унда биринчи марта Ўзбекистон вакили — миллий симфоник оркестр раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Зоҳид Ҳақназаров иштирок этди.

Октябрь. Тошкентда Ўзбекистонда бўлаётган Британия фестивали доирасида “Келажак шаҳар меъморчилиги” мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унинг ишида таниқли инглиз архитекторлари Жон Оутрэм, Питер Стаддерт ва Питер Бьюкенен иштирок этишди.

Октябрь. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат тарих музейида “Бухоро ва Хива археология, нумизматика, этнография ёдгорликлари” кўрғазмаси бўлиб ўтди. Унда илгари намоиш этилмаган тарихий материаллар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Октябрь. Тошкентда Бухоро ва Хиванинги 2500 йиллигига бағишланган Республика ёш рассомлар кўрғазмаси бўлиб ўтди. Унда акварель, расм, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, каштачиликка оид икки юзга яқин асар намоиш этилди.

Октябрь. Варшавада замонавий мусиқага бағишланган “Варшава кузи-98” деган 40 йиллик юбилей фестивали бўлиб ўтди. Унда юртдошимиз, айнан шу мўътабар анжуман учун махсус асар ёзган Дмитрий Янов-Яновский ҳам иштирок этди. Унинг бу асарини келиб чиқиши польшалик бўлган француз клависинисткачиси Элизабет Хойнацка ижро этди.

Октябрь. Тошкентда республика тасвирий ва амалий-санъат лицей-интернати ўқувчилари ва ўқитувчиларининг “Устозлар ва шоғирдлар” номили кўрғазмаси бўлиб ўтди. Экспозицияда рангтасвир, ҳайкалтарошлик, кулолчилик ва керамика, ганч ўймакорлигига оид юздан ортиқ асар, шунингдек, ёш рассомлар — А. Турдиқулов, Р. Собирзянова, Э. Обидов, Д. Раҳматовнинг Ҳиндистондаги Жавоҳарлал Неру номидаги танловда олтин ва кумуш медаллар билан тақдирланган асарлари намоиш этилди.

Октябрь. Андижонда Республика “Камолот” ёшлар жамғармасининг вилоят бўлими “Андижон ёшлари” ижтимоий-сиёсий нашри босмадан чиқди.

Октябрь. Самарқандда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоятлараро тарғибот марказининг “Гулшан” газетасининг биринчи сони босмадан чиқди.

Октябрь. Тошкентда “Марказий Осиё халқлари маданиятлари Ассамблеяси” Халқаро жамоатчилик ҳаракатининг “Марказий Осиё маданияти” газетаси чиқа бошлади. Ушбу саккиз саҳифалик нашр ўзбек, қирғиз, тожик ва рус тилларида босилди.

5 ноябрь. Қашқадарё вилояти Китоб туманига қарашли Ҳазрати Башир қишлоғида бундан олти аср муқаддам яшаган ва Нақшбанд таълимотининг энг нуфузли давомчиларидан бири бўлган Ҳазрат Султон Аҳмад Башир мемориал мажмуининг очилиш маросими бўлди.

10-12 ноябрь. Тошкентда Сорос Жамғармаси Ўзбекистон Очiq Жамияти “Институт кутубхоналари ва кутубхоначилик иши” дастури доирасида кутубхоналарни автоматлаштириш” мавзуйда Республика ва вилоят кутубхоналари директорларининг семинари бўлиб ўтди.

13 ноябрь. Ўзбекистон Бадий академияси уюштирган “Ўзбекистон-97. Истиқлол одимлари ва одамлари” деб аталувчи энг яхши тасвирий ва амалий санъат асарлари биринчи Республика танлови якунлари эълон қилинди. Унда сўнгги олти йил давомида яратилган мингдан ортиқ асарлар намойиш этилди. Рўзи Чориевнинг “Замондошим”, Рустам Худойбердиевнинг “Зухра опа”, Муҳаммаджон Нуриддиновнинг “Она” портретлари, Акмал Икромжонов, Қутлуғ Башаровнинг рангтасвир суратлари, Иброҳим Комиловнинг кулолчилик асарлари, Қобилжон Қорабоевнинг деворий миниатюралари энг яхши асарлар деб топилди.

17 ноябрь. Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида Украина Маданияти кунларининг тантанали очилиш маросими бўлди.

18 ноябрь. Тошкентдаги Ўзбекистон Бадий академияси Кўргазмалар залида Украина тасвирий ва амалий санъати кўргазмаси очилди. Киночилар уйда украин кинематографчиларининг энг яхши фильмлари намойиш этила бошлади.

22-23 ноябрь. Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари декоратив-амалий санъат асарлари бешинчи савдо-кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда декоратив-амалий санъатнинг деярли барча турига оид 150 га яқин усталар иши намойиш этилди.

24 ноябрь. Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрида Абдулла Қаҳҳорнинг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

27 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

28 ноябрь. Тошкентда “Театр мавсуми — 96-97” актёрлик маҳорати фестивал-кўригининг ёпилиш маросими бўлди.

28 ноябрь. Икки ой давом этган Республика “1996—1997 йил театр мавсумининг энг яхши актёрлик роли” фестивал-кўриги якунлари эълон қилинди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, А. Ҳидоятлов номидаги драма театри актёри Абзал Рафиқовга унинг В. Шекспирнинг “Отелло” спектаклидаги Яго роли учун биринчи даражали лауреатлик дипломи ва пул мукофоти берилди. Ўзбекистон халқ артисти, Қўқон Давлат драма театри актёри Рашидхон Содиқов Н. Абдуллаевнинг “Қўқоннинг ўн икки дарвозаси” спектаклидаги Чингизхон роли учун биринчи даражали лауреат бўлди.

28 ноябрь. Тошкентдаги Республика Киночилар уйда Хитой киноси биринчи фестивали очилди. Фестивалнинг тўрт куни давомида сўнгги йилларда яратилган ва ҳозирги замон Хитой ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи бешта бадий ва тўртта ҳужжатли фильм намойиш этилди.

28 ноябрь. Тошкент Санъат музейида 1995 йилда Штутгарт ва Берлинда бўлиб ўтган “Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўли меросхўрлари” кўргазмаси каталогининг тақдироти бўлиб ўтди.

28 ноябрь. Тошкентда Абдулҳамид Чўлпоннинг 100 йиллик юбилейига бағишланган “Шарқ халқларининг миллий уйғониши ва Чўлпон ижоди” мавзuida илмий конференция бўлиб ўтди.

28 ноябрь. Андижонда Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг 100 йиллиги юбилейига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Тошкентдан ва мамлакатимизнинг деярли барча вилоятлари, қўшни давлатлардан келган юзлаб меҳмонлар Чўлпон номидаги боққа ташриф буюрдилар ва шоир музейининг тантанали очилиш маросимида қатнашдилар.

Ноябрь. Тошкентда Марказий Осиё замонавий тасвирий санъати Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг 19 та галереяси иштирок этди. “Кўргазманинг энг яхши рассомига” аталган “Гран при” ўзбек рангтасвир устаси Темур Аҳмедовга топширилди (Тошкент “Стеллар” галереяси”).

Ноябрь. Ҳиндистон пойтахти Деҳлида болалар театрлари Халқаро фестивали бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздан Тошкент шаҳар Ўқувчилар саройининг кўғирчоқ театри иштирок этди.

Ноябрь. Самарқандда Марказий Осиёда ягона Халқаро ахборотлаштириш академиясининг минтақавий бўлими очилди.

Ноябрь. Ҳиндистоннинг Янги Деҳли шаҳрида болалар театрлари биринчи Халқаро фестивали бўлиб ўтди. Мамлакатимиздан Гулнора Бухорбоева раҳбарлигидаги Тошкент “Хаёл” театр студиясининг ёш артистлари иштирок этишди. Улар Оскар Уайльд эртаги асосида “Шаҳзода учун совға” спектаклини ва ўзбек халқ эртаклари асосида яратилган спектаклни намойиш этиб, “Касбий маҳорати учун” рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлишди.

Ноябрь. Фарғонада фермерлар, боғбонлар ва соҳибкорлар учун “Ер ва эл” ҳафталик газетаси чиқа бошлади. Шахсий томорқа ва хусусий фермер хўжаликлари Фарғона ассоциацияси унинг муассиси бўлди.

Ноябрь. Ўзбекистон Бадий академиясида Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров ижодига бағишланган илмий-назарий конференция ва унинг асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ноябрь. Тбилисида пианиночилар биринчи Халқаро танлови бўлиб ўтди. Унда 16 мамлакатдан 47 вакил иштирок этди. Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси ассистент-стажёри Улуғбек Полвонов ушбу танловдаги “Гран при”га сазовор бўлди.

Ноябрь. Бурса шаҳрида (Туркия) анъанавий Халқаро “Олтин қоракўз” миллий ансамбллар фестивали бўлиб ўтди. Бу фестивалда биринчи марта иштирок этган ўзбек сахна усталари учинчи ўринни олишди.

Ноябрь. Давлат санъат музейида Ўзбекистон халқ рассоми Лутфулла Абдуллаевнинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ноябрь. Наголя шахрида (Япония) ўзбекистонлик болалар суратлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ноябрь. Андижоннинг “Лола” кўғирчоқ театри жамоаси Туркияда бўлиб ўтган Халқаро фестивалда иштирок этиб, биринчи мукофотга сазовор бўлди.

Ноябрь. Самарқандда халқ ҳофиси Абдулазиз Абдурасуловга бағишланган Республика кўшиқ танлови бўлиб ўтди. Унда М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг биринчи курс талабаси Гулсара Ғоипова биринчи ўринни эгаллади.

Ноябрь. Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида корейсларнинг Республикамизда истиқомат қилаётганлигининг 60 йиллигига бағишланган “Ўзбекистон — умумий уйимиз” кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда 40 дан ортиқ корейс профессионал ва ҳаваскор рассомлари ҳамда тасвирий санъатнинг бошқа турлари вакиллари иштирок этишди.

Ноябрь. Бухорода “Шарқ марвариди” номи остида Халқаро гўзаллик танлови бўлиб ўтди. Унда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Ўзбекистоннинг бир қатор шаҳарларидан келган қизлар иштирок этди. Республиканинг бадий гимнастика бўйича чемпиони, танлов соҳибаси Феруза Шарипова ғолиб бўлди.

Ноябрь. Деҳлида бўлиб ўтган “Жаҳон шеърятида севги” мавзуида икки кунлик Халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқ шоири Ж.Жабборов ва етакчи ҳиндшунос олим Т.Холмирзаев иштирок этишди.

Ноябрь. Кливленд шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтган XII Роберт Казаднезюс номидаги пианиночилар танловида М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси битирувчиси Гулнора Алимова иккинчи ўринни олиб, лауреат унвонига сазовор бўлди.

Ноябрь. Қоҳирада (Миср) бўлиб ўтган Халқаро араб мусиқаси фестивалида “Сўғдиёна” халқ мусиқа асбоблари оркестри иштирок этди (жамоа раҳбари Феруза Абрураҳимова).

4 декабрь. Ўзбекистон Бадий академиясида тасвирий санъат, архитектура, дизайн, мусиқашунослик ва санъатшунослик бўйича энг ёрқин намояндаларга икки йилда бир марта бериладиган мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Дастлабки олтин медаллар соҳиблари Бадий академия ҳайкалтароши Саидолим Шарипов, рассомлар Ортиқали Қозоқов, Леким Иброҳимов бўлишди. 20 дан ортиқ рассомларга кумуш медаль ва дипломлар топширилди.

9-12 декабрь. Малайзияда Ўзбекистон санъати кунлари бўлиб ўтди.

17 декабрь. Тошкентдаги Ҳамза номли Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида “Марказий Осиё: тарихий ривожланишнинг ўзига ҳослиги” мавзуида Халқаро илмий-амалий конференция иш бошлади.

23 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Буюк расом Камолиддин Беҳзоднинг 545 йиллик юбилейини байрам қилиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

24 декабрь. Темурийлар тарихи Давлат музейида Ўзбекистон музейлар Кенгашини ташкил қилиш ва унинг Халқаро музейлар Кенгаши ИКОМга аъзо сифатида қабул қилинишига бағишланган тақдимот бўлиб ўтди.

29 декабрь. Ўзбекистон Давлат санъат музейида миллий кийимлар бе­заги ҳамда XIX—XX асрлар уй жиҳозлари кўргазмаси очилди.

30 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Республи­ка “Устоз” жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Декабрь. Тошкентда “Авто-дунё” — “Авто-мир” журналининг бирин­чи сони ўзбек ва рус тилларида нашр қилинди.

Декабрь. Успенский номидаги ўрта махсус мусиқа мактаб-интернати тарбияланувчилари Ирэна Гулзарова ва Олег Вошуркин фортепьяно бўйича Испанияда бўлиб ўтган пианиночиларнинг иккинчи Халқаро танловида қатнашдилар.

Ўн беш ёшли Ирэна ўз тенгдошлари орасида испан пианиночиси Ро­жер Калье Грау билан биринчи ўринни бўлашиб олишди. Ўн бир ёшли Олег ҳам ўз ёш гуруҳида биринчи ўринни эгаллади.

Декабрь. Тошкентда Республика “Қизиқчи-97” кўрик-танлови бўлиб ўтди. Таниқли артист Собит Асомов хотирасига бағишланган бу танловда машҳур қизиқчилардан 27 киши қатнашди.

Декабрь. Тошкентда Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ража­бий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди. Маданият ва санъат арбоблари марҳум қабрини зиёрат қилишди, уй-му­зейида бўлишди. Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрида Юнус Ражабий хотирасига бағишланган кеча бўлди, кеча бошланиш олдидан унинг ҳаёти, шунингдек, ижод йўли ҳақида ҳужжатли фильм намойиш қилинди.

Декабрь. Тошкентдаги Ҳиндистон маданий марказида Ҳиндистон ва Ўзбекистон аёлларининг дўстлик кечаси бўлиб ўтди. Кеча Ҳиндистон мус­тақиллигининг 50 йиллигига бағишланди. Бу ерда икки халқ дўстлиги та­рихи, кино ва адабиёт соҳасидаги ижодий алоқалар ҳақида ҳикоя қилувчи фото­кўргазма очилди.

Декабрь. Ўзбекистондаги Ҳиндистон элчихонаси ва “Правда Востока” газетаси таҳририяти томонидан уюштирилган “Сиз Ҳиндистонни била­сизми?” танловида Тошкентдаги 18-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Зарина Селимова ғолиб деб топилди.

Декабрь. Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат университетида “Ўзбе­кистон билан Миср ўртасидаги маданий алоқалар” мавзуида икки кунлик Халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

Декабрь. Тошкентда Марказий Осиё минтақаси декоратив-амалий санъ­ати усталари асарларининг учинчи савдо-кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондан 200 ижодкорнинг 2000 дан зиёд асари намойиш этилди.

10 январь. 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

10 январь. Тошкентда “Коре синмуан” — “Корейская газета”нинг биринчи сони корей ва рус тилларида нашр этилди.

12 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Алпомиш” достонининг 1000 йиллигини байрам қилиш” тўғрисида Қарор қабул қилди.

13 январь. Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида “Табиат ва рассом” мавзуида кўргазма очилди. Унда мўйқалам усталарининг жонли табиатга бағишланган график асарлари намойиш этилди.

15 январь. Москвадаги йирик “Дрофа” нашриёти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобини нашр этди.

19 январь. Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб “Она диёр посбонлари” кўргазмаси бўлиб ўтди.

23 январь. Тошкентдаги Санъат саройида француз фильмлари фестивали очилди. Фестиваль 8 февралгача Тошкентда, кейин эса Бухоро, Навоий ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтди.

Фестивалда таниқли француз киноактёри Ален Делон иштирок этган тўққизта кинокартина, яъни “Жазирама кўёш остида”, “Самурай”, “Ҳавза”, “Ер ости куйлари”, “Мистер Кляйн”, “Уч кишини ўлдириш”, “Бизнинг тарихимиз”, “Казанованинг қайтиши”, “Хитнинг жасади учун” намойиш этилди.

25 январь. Тошкентдаги Тракторсозлар Маданият уйи қошида ва Юнусобод туманидаги Ҳ.Олимжон номли Маданият уйида муаллифлик қўшиқларидан тузилган концерт бўлди. Бу концерт театр ва кино артисти Владимир Висоцкий таваллудининг 60 йиллигига бағишланди.

29 январь. (Франция) Канн шаҳрида В. И. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи бадий фонди асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмада 284 экспонат, яъни аср бошида яшаб ижод этган мўйқалам усталарининг расмлари, замонавий истеъдодли рассомларнинг асарлари ҳамда безак ва тақинчоқлар, маиший буюмлар ва зардўзлик кийим-кечак намуналари намойиш этилди.

29 январь. Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг минтақавий ваколатхонасида филология фанлари доктори, профессор Фозила Сулаймонованинг Ғарб ва Шарқнинг маданий ва адабий алоқалари тарихига бағишланган “Ғарб ва Шарқ” китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

29 январь. Тошкентда бир гуруҳ маданият арбобларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда ижодий уюшмалар ва бирлашмалар раҳбарлари аъзолари, олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, шунингдек, бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Мустақиллик йилларида халқимиз маданият соҳасида босиб ўтган йўл муҳокама қилинди, галдаги вазибалар белгилаб олинди.

30 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовни “Амир Темур” ордени билан мукофотлаш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

1997 йил 26 декабрда Ислоҳ Каримов Ўзбекистон давлат қурилиши ва жаҳон ҳамжамиятида миллат обрўсини кўтаришдаги, фуқаролар осойишталиги ва умуммиллий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги, маданий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришдаги буюк хизматлари учун ва таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан бу мукофотга сазовор бўлди.

30 январь. Республика Киночилар уйида Германиянинг аср бошидаги энг яхши фильмларидан бири режиссёр Фридрих Мурнауниг “Фауст немис халқ ривояти” номли овозсиз фильмини кўрсатиш билан “Немис фильмларининг тўққиз авлоди” номли мавзули кўрсатув бошланди, бу фильмларда овозсиз кино юлдузларидан Гест Экман, Эмиль Женнигс, Камилла Хорн, Иветта Жильберт иштирок этган эдилар.

Январь. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўرғазмалар залида Ҳиндистон мустақиллигининг 50 йиллигига бағишланган “Ҳиндистон — ўзбек рассомлари нигоҳида” мавзуида кўрғазма бўлиб ўтди. Унда С. Абдуллаев, Ч. Аҳмаров, А. Нуриддинов, О. Ҳабибуллин ва бошқа рассомларнинг асарлари намойиш этилди.

Январь. Япониянинг Кашиивасаки шаҳрида “Марказий Осиёдан қўмсалган суратлар” фотоқўрғазмаси бўлиб ўтди. Кўрғазма уч ойдан зиёд давом этди. Бу вақт ичида ўлкамизга бағишланган турли мамлакатларнинг шахсий коллекцияларидан тўпланган, ишланганига камида юз йил бўлган фотосуратларни икки юз мингдан ортиқроқ киши келиб кўрди.

4 февраль. Тошкентда “Ижтимоий фикр” жамоатчилиқ маркази таъсисчиларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди. Ижтимоий марказ директори қилиб Р.Убайдуллаева сайланди.

9 февраль. Тошкентда буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 557 йиллигига бағишланган анъанавий конференция бўлиб ўтди.

11 февраль. “Ўзбекистон” нашриётида “Маънавий тикланиш йўлида. Тарих. Маърифат. Маънавият” номли китоб босмадан чиққанлиги ҳақида хабар эълон қилинди. Китобда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг китоблари, маърузалари ва нутқларидан парча келтирилган (тузувчи А.Усмонов).

11 февраль. Ўзбекистон Бадиий академияси Самарқанд ва Бухоро вилоят ҳокимиятлари билан биргалиқда Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллик

юбилейига бағишланган эмблема яратиш тўғрисида эълон қилган танлов якунланди. Миниатюрачи рассом, академик Ниёзали Холматов ишлаган эмблема лойиҳаси энг яхши, деб топилди.

12 февраль. Тошкентда Республика Киночилар уйида “Яратганга шукур” бадий фильмнинг премьераси бўлиб ўтди. Ушбу фильм Ўзбекистон ва Япония кинематографчиларининг ҳамкорликда яратилган биринчи ижодий ишдир. Фильм “Прайт-студия” (Ўзбекистон) ва “Н-Эйч кей” (Япония) студиялари томонидан суратга олинган. Постановкачи режиссёр З. Мусоқов.

13 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Ислохотлар ва барқарорлик” номли китоби Анқарада “XX аср раҳбарлари” туркумида турк тилида чоп этилди. Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирел ва Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Ҳикмат Четин китобга сўз боши ёзишган.

13 февраль. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар ассоциациясида “Ўзбекистон—Дания” дўстлик жамиятининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

17 февраль. Тошкентда “Ўзбекистон—Словакия” дўстлик жамиятининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

18 февраль. Тошкентдаги Санъат саройи биносига Марказий Осиёда энг катта мусиқа салонининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

25 февраль. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти “Ўзбек фольклори ёдгорликлари” сериясида 100 жилдлик нашрни тайёрлашга киришди. Республика олимлари биринчи марта аскиябозлар, айтишувчилар, эртакчилар, шоирлар томонидан сақлаб келинган халқ оғзаки бадий ижоди дурдоналарини тўплашга қарор қилишди.

26-27 февраль. Тошкентда саҳна санъати арбобларининг “Мустақиллик ва ўзбек театр санъати” мавзуида Республика семинари бўлиб ўтди.

27 февраль. Тошкентдаги Киночилар уйида 1930 йилнинг иккита немис фильми — “Бензоколонкадаги уч киши” ва “Ҳаворанг фаришта” — “Герман фильмларининг тўқсон йиллиги”га бағишланиб намойиш этилди. У Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан уюштирилди.

Февраль. Тошкентда “Ўзбекистон—Болгария” жамияти очилди. Унинг бошқаруви таркибида таниқли олимлар, санъат арбоблари, ишбилармонлар бор.

11 март. Тошкентда “Ўзбекистон—Миср” дўстлик жамиятининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда жамиятнинг Низоми тасдиқланди, раҳбар органлари сайланди.

13 март. Тошкентда Ўзбекистон архитекторларининг навбатдаги съезди бўлиб ўтди. Съездда янги Низом қабул қилинди. Унга мувофиқ ташкилот бундан буён Архитекторлар ижодий уюшмаси деб аталадиган бўлди. Уюшманинг бошқаруви ва раёсати сайланди.

13 март. Самарқандда баҳорий янгилиниш — Наврӯзи оламга бағишланган кўргазма очилди, унда самарқандлик рассомлар, халқ усталари томонидан ишланган 200 та асар намоиш этилди.

16 март. Тошкентда, Ўзбекистон ёшлар “Камолот” жамғармасида “давра суҳбати” бўлиб ўтди, унда оммавий ахборот воситаларининг ёш авлодни тарбиялашдаги иштироки ҳақида сўз борди. Учрашувда республика ҳамда вилоят ёшлар нашрларининг бош муҳаррирлари, ёшлар муаммоларини ёритувчи журналистлар иштирок этишди.

17 март. Тошкентда “Ўзбекистон—Малайзия” дўстлик жамиятининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда жамиятнинг бошқарув органлари сайланди ва Низоми қабул қилинди.

19 март. Ўзбекистон Бадий академиясининг Кўргазмалар залида “Наврӯз жилolari” номли кўргазма очилди, унда 300 га яқин рангтасвир ва амалий санъат асарлари намоиш этилди.

20 март. Тошкентдаги Ўрол Тансиқбоев уй-музейида Наврӯз умумхалқ байрамига бағишланган кўргазма очилди. Кўргазма рассом Муборак Йўлдошевнинг ижоди билан таништирди.

21 март. Тошкентда “Ўзбекистон—Озарбайжон” дўстлик жамиятининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда жамиятнинг бошқарув органлари сайланди ҳамда Низоми тасдиқланди.

23 март. Тошкентдаги Ўзбекистон Республикаси чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти Кенгашида Ўзбекистон—Иордания дўстлик жамиятининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

23 март. Қоҳирада Матбуот ва замонавийлик мавзуида бўлиб ўтган Халқаро конференцияда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда телерадиокомпанияси вакиллари иштирок этишди.

26 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

26 март. Бухорода маърифатпарвар ёзувчи Абдурауф Фитрат ҳайкалининг очилиш маросими бўлди.

27-28 март. Тошкентда “Оммавий ахборот воситаларида ҳаётга танқидий-таҳлилий демократик жараёнларни чуқурлаштириш назари билан қарашни кучайтириш” мавзуида Республика семинари бўлиб ўтди.

Март. Ўзбекистоннинг Байналмилал маданий марказида “Ўзбекистон рассомлари Германия ҳақида” номли кўргазма бўлиб ўтди.

Март. Тошкентда Республикамиз ва Марказий Осиё давлатларида яшовчи туркий тилли ва тожик миллатига мансуб халқларнинг истеъдодли шоир ва бахшилари Мушоираси ўтказилди.

Март. Тошкентда ўзбек, инглиз ва рус тилларида нашр этиладиган “Ижтимоий фикр” — “Общественное мнение” илмий-ахборот журналининг биринчи сони чиқди.

Март. Тошкентда ҳужжатли кино ва видеофильмлар фестивали бўлиб ўтди. У “Ўзбеккино” Давлат акционерлик компанияси ва Фридрих Эберт номидаги Жамғарма томонидан ташкил қилинди. Танловда Ўзбекистон-

нинг давлат ва хусусий студияларида суратга олинган 17 та ҳужжатли фильм кўрсатилди. “Достон-фильм” киностудияси режиссёри Даврон Салимовнинг “Хор” ҳужжатли фильми ва режиссёр Жасур Исҳоқовнинг Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида суратга олинган “Гиёҳвандлик” видеофильми энг яхши фильмлар деб топилди.

Ана шу фильмларнинг муаллифлари совринлардан ташқари, шу йил май ойида Штутгартда бўладиган ижтимоий-иқтисодий фильмлар ва “INPUT” теледастурлари Халқаро фестивалида республикамиз номидан қатнашиш имконига эга бўлдилар.

Март. Режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев бош қароргоҳи Калифорнияда жойлашган Саноат, таълим ва санъат Халқаро Фанлар академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланди.

Март. Деҳли ва Чандигарҳ шаҳарларининг Жавоҳарлал Неру ва Курукштра номли университетларида “Ҳиндистон билан Ўзбекистон маданий алоқалари тарихи” мавзуга бағишланган икки кунлик семинар ўтказилди. Семинарда Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти директори, академик М. Хайруллаев бошчилигидаги ўзбек олимлари делегацияси қатнашди.

Март. “ЭКО” ҳафталик газетасига ойлик компьютер илова “Интерфейс”нинг биринчи сони босмадан чиқди.

Март. Даккада (Бангладеш) Осие ва Тинч океани минтақаси мамлакатларининг тасвирий санъатига бағишланган Халқаро VIII кўргазма ўтказилди. Унда 35 мамлакатдан 700 дан ортиқ рассомларнинг асарлари намойиш қилинди. Шу жумладан, ўзбек рассомларининг беш нафар ўзбекистонлик рассомлари кўргазма лауреати бўлди.

Ортиқали Қозоқов ва Фафур Абдурахмонов махсус дипломлар билан мукофотланди. Республикамиз рассомларининг тўққизта асари кўргазманинг асосий каталогига киритилди.

Март. Озарбайжон Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан “Булбуллар” болалар рақс ансамбли Наврўз кунларида Боку шаҳрида концертлар беришди. Бир ҳафта давомида тошкентлик болалар Озарбайжон пойтахтининг азиз меҳмони бўлишди.

1 апрель. Чет эл мамлакатлари билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти Кенгашида “Ўзбекистон—Франция” дўстлик жамиятининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

3 апрель. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси кутубхонасида буюк Махатма Ганди 100 жилдлик асарлари тўпламининг тақдими бўлиб ўтди.

3 апрель. Дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти Кенгашида “Ўзбекистон — Россия” дўстлик жамиятининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан Россиянинг Ўзбекистондаги элчиси Александр Пацев Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Евгений Примаков ва

жаҳонда биринчи аёл космонавт, Россия Халқаро ҳамкорлик Ассоциацияси раёсатининг раиси Валентина Терешкова табригини ўқиб эшиттирди.

8 апрель. Тошкентда “Ўзбекистон—Грузия” дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жамият бошқаруви ва раёсати аъзолари сайланди, унинг Низоми қабул қилинди.

9 апрель. Мамлакатда Соҳибқирон Амир Темур туғилган куни кенг нишонланди. Пойтахтдаги тантаналар буюк аجدодимиз номи билан аталувчи хиёбонда ўтказилди. Самарқандда эса Ғури Амир мақбараси ёнида буюк Амир Темур руҳига таъзим бажо келтириш маросими бўлиб ўтди.

14-16 апрель. Тошкентда “XX асрнинг бурилиш даврларида оммавий ахборот воситаларининг роли” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференция ишида немис, турк, ўзбек олимлари ва журналистлари қатнашди.

15 апрель. Тошкентда “Ўзбекистон—Польша” дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида янги ташкилотнинг Низоми тасдиқланди, бошқарув, тафтиш комиссияси сайланди.

15-19 апрель. Мамлакатимизда Қирғизистон Республикаси маданият кунлари бўлиб ўтди.

20-30 апрель. Тошкентда учинчи марта Халқаро замонавий мусиқа — “Илҳом — XX” фестивали бўлиб ўтди. Жаҳоннинг ўнта мамлакатидан келган юздан ортиқ ижрочи ва хонандалар пойтахт театрлари сахнасида ўз санъатларини намойиш этдилар.

Апрель. Токиода “Япония—Ўзбекистон” дўстлик Ассоциацияси ташкил этилишига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Унда Япония парламенти депутатлари, сиёсати ва жамоат арбоблари иштирок этишди.

Апрель. Тошкентда “Марказий Осиё маданияти” Халқаро газетаси чиқа бошлади. Унинг муассиси Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси. Янги газета саккиз саҳифадан иборат бўлиб, ўзбек, қozoқ, қирғиз, тожик ва рус тилларида чоп этилади.

Апрель. Парижнинг “Зингаро” театрида ўзбекистонлик артистлар ижодий фантазия фестивали қатнашчилари сифатида халқ мақомларини ижро этдилар. Хонанда Матлуба Дадабоева ижросидаги Алишер Навоий газаллари асосидаги мақомлар катта муваффақият қозонди.

6 май. Кёльн шаҳрида (Германия) “Замонавий Ўзбекистон тасвирий санъати: анъаналар ва тараққиёт ўртасида” мавзуида кўргазма очилди. Унда Республикамиздан 15 нафар rassomнинг ишлари, шу жумладан, декоратив амалий санъат асарлари намойиш этилди. Улар томошабинларнинг ўзбек халқининг ўзига хос маданияти, тарихий ўтмиши ҳақидаги тасаввурини бойитди.

12 май. Тошкентда “Ўзбекистон—Таиланд” дўстлик жамиятининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

12 май. Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасида самарқандлик rassom Владимир Иванов ва сурхондарёлик ҳайкалтарош Азамат Ҳотамов-

ларнинг ижодий кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада намойиш этилган асарлар 50 тага яқин бўлиб, уларнинг асосий мавзуси Самарқанд, унинг архитектура ёдгорликлари, шаҳар аҳолисида.

15 май. Олий Мажлис томонидан 1998 йил 1 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрирда) эълон қилинди ва кучга киритилди.

16-25 май. Тошкент театрларининг “Баҳор чорраҳасида” номли биринчи фестивали бўлиб ўтди.

Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг “Чимилдик”, Тошкент рус ёш томошабинлар театрининг “Умар Хайём юлдузлар буржи”, Тошкент мусикали комедия (оперетта) театрининг “Граф Люксембург” асарлари энг яхши спектакллар деб топилди.

18 май. Тошкентда Халқ ёзувчиси Одил Ёқубов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кўп йиллик самарали меҳнати, ўзбек адабиётини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун ёзувчига Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиги топширилди.

19 май-4 июнь. Сен-Гилен шаҳрида (Бельгия) ўтказилган XV Халқаро фольклор фестивалида “Ўзбекрақс” республика бирлашмасининг “Баҳор”, “Танавор”, “Лазги” ансамблларининг яккахон ижрочилари зўр муваффақият қозондилар.

22 май. Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрида ўтказилган кўшиқ байрамининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Унда республика-мизинг барча вилоятларидан халқ таълими вазирлигига бўйсунувчи муассасаларнинг минга яқин ёш кўшиқ ишқибозлари ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Биринчи ўринни Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги болалар ва ўсмирлар ижоди Марказига қарашли вокаль-чолғу ансамбли, иккинчи ва учинчи ўринларни эса Хоразм вилояти мактаб ўқувчиларидан иборат мақомчилар ансамбли ва Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги 8-ўрта мактаб фольклор гуруҳи эгаллашди.

23 май. Тошкентда Польшанинг буюк фарзанди — шоир Адам Мицкевич таваллудининг 200 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

28 май. Тошкентда Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Театр арбоблари уюшмаси фаолиятини тўхтатиш ва унинг ваколатини янги тузилган Театр ижодий ходимлари уюшмасига топшириш ҳақида бир овоздан қарор қилинди. Ўша куни “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги Театр ижодий ходимлари уюшмасининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Янги уюшманинг Низоми тасдиқланиб, раҳбар органлари сайланди.

Май. Тошкентда иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик муносабатларини ёритувчи МДХ мамлакатлари журналистлари учун Халқаро семинар бўлиб ўтди.

Май. Тошкентда Ўзбекистонда биринчи марта ёш модельерлар фестивали бўлиб ўтди.

Май. Регистон майдонидаги Самарқанд Давлат музей қўриқхонасида “Қоғоз-пул белгилари” кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда охириги юз йилликда чиқарилган мингга яқин пул белгилари намойиш этилди.

Май. Тошкентда болалар расмлари кўргазмаси бўлиб ўтди. “Ипак йўли дўстлик ришталари — Ўзбекистон ва Япония болалари тасавурида” мавзуларидаги бу кўргазмада Ўзбекистон ва Япония ёш рассомларининг ишлари намойиш этилди.

Май. Самарқандда “Москванинг ёш рассомлари — Самарқанд аҳолисига” деб номланган болалар расмлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган 60 дан ортиқ москвалик болаларнинг ишлари намойиш этилди.

Май. Вашингтонда бир ой давомида “Марказий Осиёнинг ажойиб шойилари” кўргазмаси бўлиб ўтди. Унинг очилиш маросимида мамлакатимизнинг бир гуруҳ санъат ва маданият арбоблари қатнашдилар.

Май. Тошкентда биринчи бор Ўзбекистондаги Рус маданий маркази томонидан ташкил қилинган “Янгра гармонь” мусиқа фестивали ўтказилди. Фестивалда бу мусиқа асбобини чаладиган профессионал ижрочилар билан биргаликда ҳаваскорлар ҳам иштирок этишди.

Май. Тошкентда ҳарбий мусиқа асарлари танлови бўлиб ўтди. Биринчи ўринлар Умар Ҳамдамовга “Ватанга муҳаббат” кўшиғи (Пўлат Мўмин сўзи) учун, Ҳабибулло Раҳимовга “Бир гўзални севиб қолдик” (Пўлат Мўмин сўзи) ҳазил кўшиғи учун, Григорий Терзянга генерал Сирожиддиновга бағишланган марш учун берилди.

Май. Тошкентда ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрларининг Республика фестивали ўтказилди.

Май. Ўзбекистон Давлат санъат музейида итальян рассоми, графиги, санъатшуноси Карло Каррнинг (1881—1966) кўргазмаси ўтказилди. Унда рассомнинг 30 дан ортиқ асари намойиш этилди.

Май. Миллий рақсларни ижро этиш бўйича Мукаррама Турғунбоева номидаги Республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловнинг олий мукофотига “Ўзбекрақс” театри раққосаси Гулишод Абдиева сазовор бўлди. Биринчи ўринга Урганч тумани “Навбаҳор” кўшиқ ва рақс ансамбли раққосаси Умида Авазимбетова муносиб, деб топилди.

Май. Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси қошидаги фан ва техника марказида Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадиий академиясининг фахрий аъзоси Раҳим Аҳмедов асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

11 июнь. Тошкентда Ўзбекистонда “Коммерческий вестник” хусусий газетасининг биринчи сони чиқди. Унинг муассиси журналист ва ёзувчи Валерий Ниёзматовдир.

16 июнь. Тошкентда Ўзбекистон—Буюк Британия жамиятининг таъсис мажлиси бўлди. Мажлисида бошқарув ва тафтиш комиссияси аъзолари сайланди, Низом қабул қилинди.

18 июнь. “Тафаккур” журнали бош муҳаррирининг саволларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жавоблари эълон қилинди.

19 июнь. Ўзбекистон Бадий академияси санъатшунослик илмий-текшириш институтида Республика акварель ва ҳайкалтарошлик асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмада кейинги икки-уч йил ичида турли авлод рассомлари томонидан яратилган асарлар намоиш этилди.

23 июнь. Тошкентда “Ўзбекистон—Туркменистон” дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Унда бошқарув ва тафтиш комиссияси сайланди, Низом қабул қилинди. Мажлисида Туркменистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси С. Пирмухамедов сўзга чиқди ва Туркманбоши С. Ниёзовнинг табрикномасини ўқиб эшиттирди.

25 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китоби иврий тилида нашр этилгани ҳақида хабар эълон қилинди. Китоб тақдироти Тель-Авивда бўлиб ўтди ва нафақат оммавий ахборот воситалари ходимларининг эмас, шу билан бирга, иқтисодчи олимлар, жамоат арбоблари ва дипломатларнинг ҳам эътиборини қозонди.

25 июнь. Тошкентда “Ўзбекистон—Латвия” жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Унда бошқарув ва тафтиш комиссияси аъзолари сайланди, Низомни тасдиқланди. Мажлис ишида Латвиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Андрис Вилцанс қатнашди ҳамда Латвиянинг ташқи сиёсат идораси бошлиғи Валдис Биркваснинг табрик хатини ўқиб эшиттирди.

26 июнь. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш жамғармаси томонидан эълон қилинган “Йилнинг энг яхши журналисти-97” танлови яқунланди. Танловда республиканинг барча вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида яшаб, ижод қилаётган юзга яқин журналист ва фотожурналистлар қатнашдилар.

Ўзбекистон телевидениесининг “Юзма-юз”, “Акс-садо” эшиттиришлари учун шарҳловчи Қуддус Аъзамов халқаро мавзудаги таҳлилий мақолалари учун “Правда Востока” газетасининг ходими Нигина Бойқобулова, Наманган вилояти бўйича ЎЗА мухбири Назира Хўжаева ижтимоий-иқтисодий мавзудаги мақолалари учун, “Халқ сўзи” газетаси бўлим бошлиғи Икром Ўтбосаровлар иқтисодий мавзудаги мақолалар туркумлари учун танлов ғолиблари деб топилдилар. Журналистларнинг катта гуруҳи иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

20 июнь. “Наврўз — боқий байрам” Республика танловининг якунлари эълон қилинди.

“Наврўз-98” байрамини энг яхши ёритгани учун мукофот Сурхондарё вилояти “Сурхон тонги” газета таҳририятига берилди.

“Энг яхши мақола” учун биринчи даражали мукофот “Қадрият” газета-сида нашр қилинган “Қуёш соати” мақоласи учун Ўрол Ўзбекка берилди. Шунингдек, “Маърифат” газетасида чоп этилган “Наврўз хислатлари” мақолалар туркуми учун Икром Искандар ҳам биринчи мукофотга сазовор бўлди.

27 июнь. Мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов журналистларга ва матбаачиларга табрик йўллади.

29 июнь-5 июль. Мамлакатимизда Тожикистон Республикаси кунлари бўлиб ўтди.

Июнь. “Ўзбекистон маркаси” ОТАЖ ва Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар Агентлиги томонидан тайёрланган Аҳмад ал-Фаргоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган почта маркаси нашр қилиниб, муомалага чиқарилди.

Июнь. Польшада шаҳрида (Германия) академик ҳор ҳаваскорларининг III Халқаро фестиваль-танлови ўтказилди. Унда биринчи мартаба Ўзбекистон жамоаси — М. Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети-нинг хори қатнашди. У иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаль билан тақдирланди.

Июнь. Реклинггаузен шаҳрида (Германия) бўлиб ўтган Европа театр фестивалида Тошкентнинг “Илҳом” театри “Отель Вавилон” спектакли-нинг премьераси бўлиб ўтди.

Июнь. Тошкентда Ҳиндистон элчихонасининг маданий марказида Ўзбекистон Бадий академияси ижодий уюшмаси аъзоси Эркебой Машарипов асарлари кўргазмаси ўтказилди. Кўргазмада мўйқалам соҳибининг сўнгги йилларда яратган йигирмага яқин асари намойиш этилди.

Июнь. Верона шаҳрида (Италия) Халқаро кино, телевидение ва спорт ташкилотининг симпозиуми бўлиб ўтди. Симпозиум ишида 67 мамлакат вакиллари иштирок этди. Шу жумладан, июнь ойида ушбу халқаро ташкилотга аъзо бўлиб кирган Ўзбекистондан ҳам вакиллар қатнашди. Симпозиум иштирокчиларига Ўзбекистон миллий спорт турлари ва боксчи Карим Тўлаганов ҳақида ҳикоя қилувчи иккита фильм намойиш этилди.

Июнь. Гармиш шаҳрида (Германия) “Демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари ва миллий хавфсизлик” мавзuida Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда кўплаб давлатларнинг намоёндалари, шу жумладан, Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этди.

Июнь. Жиззахда “Янги тароналар” миллий эстрадасининг биринчи Республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда Тошкент вилоятдан “Сарбон” ижодий жамоаси бош совринни қўлга киритди. Иккинчи ўринни Жиззахлик хонанда Фарҳод Иброҳимов ва тошкентлик кўшиқчи Дилфуза Раҳимова эгаллашди. Учунчи ўрин Жиззахлик эстрада кўшиқчиси Лариса Москалёвага насиб этди.

Июнь. Татаристонда В. И. Сивец номидаги Маданият ва техника саройининг Тошкент “Дўстлик” ижодий бирлашмаси гастроллари бўлиб ўтди.

1 июль. Наманганда “Аёл ва жамият” газетасининг биринчи сони чиқди. Муассис — Наманган вилояти хотин-қизлар кўмитасидир.

3 июль. Эълон қилинган хабарга кўра, “Ўзбекистон маркаси” ОТАЖ томонидан тайёрланган рангли “Имом ал-Бухорий” почта маркаси Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги муомалага чиқарилди. Маркада IX асрда яшаб ижод этган, ҳадисларни тўплаб, изоҳлаган буюк муҳаддис олимнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ миниатюранинг бир қисми тасвирланган. Марка билан бирга почта конверти мажмуи ҳам чиқарилган.

8 июль. Жаҳоннинг 40 мамлакати телетомошабинлари Самарқанд ҳақида Франция телеканалининг ижодий гуруҳи томонидан суратга олинган фильмни кўришди.

9 июль. Тошкент вилоятидаги “Йик ота” жамоа хўжалиги маданият саройида “Жозибадор буюқлар олами” III Халқаро кўрик-танлови бўлиб ўтди. Марказий Осиё мамлакатларидан келган 50 дан ортиқ бола тасвирий санъат соҳасидаги ўз наҳоратларини намойиш этишди.

Танлов давомида мағирон болалар муаммоларига бағишланган Халқаро семинар бўлиб ўтди.

9 июль. Тошкентда “Ўзбекистон—Украина” дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда бошқарув аъзолари сайланиб, Низом қабул қилинди. Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси В. Сметанин Украина Президенти Леонид Кучманинг табригини ўқиб эшиттирди.

10 июль. Франция телевидениесининг ТФ-1 биринчи дастурида “Дунёнинг ажойиб шаҳарлари” кўрсатувлар туркуми доирасида Самарқанд ҳақидаги телефильм премьераси бўлди. Фильм “PRO-TV” биринчи дастурига қарашли компания томонидан “Ўзбектуризм” миллий компанияси ва Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси кўмагида суратга олинган. Муаллифлар — Жиль Деланура ва Дмитри де Кошко.

17 июль. Халқаро “Шарқ тароналари” мусиқа фестивалига бағишланган “Ўзбекистон маркаси” ОТАЖ ва Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тайёрланган почта маркаси муомалага чиқарилгани тўғрисида хабар эълон қилинди. Бир йил олдин Самарқандда бўлиб ўтган ушбу байрам ёш мустақил давлатимиз маданияти ҳаётида катта воқеа бўлган эди.

24 июль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Маънавият ва маърифат соҳасида ислохотларни янада чуқураштириш ва улар самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

24 июль. Темурийлар тарихи Давлат музейига Ўзбекистон Президентининг совғасини топшириш маросими бўлди. Бу XV асрда Ибн Арабшоҳ ёзган ва XVII асрда Голландияда таржима қилинган “Темур тарихининг мўъжизавий тақдири” китобидир. Бу ғоят қимматли китобни Ислом Каримовга Ўзбекистонда меҳмон бўлган йирик швейцар коллекционерни ўз жамғармасидан инъом этди.

27 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маққамаси “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

30 июль. “Народное слово” газетасига ҳафталик илова — “Наше время”нинг биринчи сони чиқарилди.

31 июль. Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган юбилей эмблемасини яратиш учун Ўзбекистон Бадий академияси Фарғона вилояти ҳокимияти билан ҳамкорликда эълон қилган танлов якунланди. Танловга тавсия этилган лойиҳалардан Ўзбекистон халқ рассоми, академик Қутлуғ Башаров эмблемаси ғолиб деб топилди ва Юбилей эмблемаси сифатида тасдиқланди.

Июль. Бухорода “Маданий-билиш мақсадларидаги туризм ва Ўзбекистонда ҳунармандчиликни ривожлантириш” лойиҳасини амалга оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари чет эллик туристларни бевосита ҳунармандлар ижодхонасида яратилаётган санъат асарлари билан таништириш усулларини муҳокама қилишди.

Июль. Бишкекда бўлиб ўтган Халқаро “Ёш истеъодлар-98” фестивалида Нукусдаги ўқувчилар саройи мусиқа мактаби вакиллари ҳамда “Фарзанд” маркази дипломлар билан тақдирландилар.

Июль. Фрайберг шаҳрида (Германия) ўрта аср мусиқасининг VIII Халқаро фестивали бўлиб ўтди. Унда Тошкент Давлат консерваторияси “Сўғдиёна” камер оркестри томошалари катта муваффақият қозонди.

Июль. Жиззах вилояти Зомин туманидаги “Ўрикли” дам олиш уйида мамлакатимиз ёш ёзувчилари ва шоирларининг тўрт кунлик Республика семинари бўлиб ўтди.

4 август. Ўрол Тансиқбоев мемориал уй-музейи залида Ўзбекистон халқ рассоми Константин Чепраков (1907-1972) асарлари кўргазмаси очилди.

7 август. Тошкентда “Ўзбекистон” нашриёти таъсис этган бепул “Мурувват” газетасининг биринчи сони ўзбек ва рус тилларида чиқди.

7 август. Тошкентда “Ўзбекистон матбуоти” журналининг биринчи сони чиққанига 80 йил тўлиши муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

14 август. Пойтахтнинг “Туркистон” саройида Республика кўшиқ байрамининг якунловчи кўрик-танлови ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шунингдек, турли вазирликлар тизимида ўтказилган танловларда ғолиб чиққан хонандалар ва йигирмадан ортиқ бадий жамоалар ўз санъатларини намойиш этишди. Танлов якунига кўра биринчи ўрин бастакор Аваз Мансуров шоир Нормурод Нарзуллаев билан биргаликда яратган ва Тошкент Давлат Жаҳон тиллари университети талабалари ижро этган “Ўзбекистон — дўстлик диёри” кўшиғига берилди.

16 август. Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида республика санъат усталари иштирокида Республика кўрик-танлови ғолиблари ва соврин-

дорларининг байрам концерти билан Ўзбекистон кўшиқ байрами ниҳоясига етди.

20 август. Беруний шаҳрида буюк олим Абу Райҳон Беруний музейи биносининг пойдеворига биринчи ғишт қўйиш маросими бўлиб ўтди.

22 август. АҚШнинг нуфузли нашриётдан бири “Сент-Мартин Пресс” (Нью-Йорк) Англиянинг Керзон Пресс фирмаси билан ҳамкорликда Исом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобини нашр этганлиги ҳақида хабар эълон қилинди.

31 август. Тошкентда “Шарқ бозори” ҳафталик газетасининг биринчи сони чиқди.

Август. Бухоро шаҳри ҳамда вилоят туманларида ўзбек фильмлари кинофестивали ўтказилди. Фестиваль кунларида мустақиллик йилларида мамлакатимизда рўй берган буюк ўзгаришлар ҳақидаги бадиий, илмий-оммабон ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилди.

Август. Тошкентда “Ўзбекистон—Молдова” дўстлик жамияти тузилди.

Август. Наманганда вилоят тиббиёт ходимлари газетаси — “Шифокор ва ҳаёт”нинг биринчи сони чиқди.

Август. Тошкентда “SAIDA” хотин-қизлар журналининг биринчи сони чиқди.

Август. Тошкентда “Ўзбекистон—Исроил” дўстлик жамияти тузилди.

Август. Тошкентда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг 16 саҳифали “RESPUBLIKA” газетасининг биринчи сони чиқди.

Август. Германиянинг Польшайм шаҳрида ўтказилган жаҳон халқлари фестивалида Нуротанинг Нуржаҳон халқ этнографик ансамбли ижодий уюшмаси қизиқарли дастур намойиш этди. Ансамблга “Жаҳон халқлари фестивалининг энг яхши жамоаси” унвони берилиб, диплом топширилди.

10 сентябрь. Тошкентда “Энг намунали оила” Республика кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 14 ғолиб оила мусобақалашди.

Кўрик-танлов якунига кўра бош соврин — “Гран при” Хоразм вилоятидан Э.Худойбергенов оиласига насиб этди. Биринчи ўрин Қашқадарё вилоятидан К.Боқиев оиласига берилди.

10 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон—Германия дўстлик жамияти тузилди. Унинг таъсис мажлисида жамиятнинг раҳбар органлари сайланди ҳамда Низоми тасдиқланди.

12 сентябрь. Олий Мажлиснинг XII сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Маданий бойликларни четга олиб чиқиш ва олиб келиш тўғрисида”ги Қонуни эълон қилинди. Қонун 1998 йил 1 ноябрдан кучга киритилди.

18 сентябрь. Жиззах кўғирчоқ театрининг бир гуруҳ артистлари 2 ой давомида гастроль сафари билан АҚШнинг Нью-Йорк, Нью-Жерси, Фло-

рида каби йирик шаҳарларида Нодир Норматов асари асосида инглиз тилида тайёрланган “Томоша” спектаклини намойиш этиб қайтганликлари ҳақидаги хабар эълон қилинди.

21-26 сентябрь. Ўзбекистонда Корея маданияти ҳафталиги бўлиб ўтди.

22-27 сентябрь. Тошкентда биринчи Халқаро “Тошкент-98” симфоник мусиқа фестивали бўлиб ўтди. Унда Франция, АҚШ, Хитой, Корея, Туркия, Люксембург каби йигирмага яқин давлат вакиллари иштирок этди.

23 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳийнинг 190 йиллигини нишонлаш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

23 сентябрь. Республика Байналмилал маданий марказида муфтий Зиёвуддинхон Бобохон таваллудининг 90 йиллигига бағишланган “Ислом — тинчлик ҳамда дўстлик дини” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

24 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

25 сентябрь. Тошкентда “Туркистон-пресс” ёпиқ турдаги акционерлик жамияти нодавлат ахборот агентлигининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

29 сентябрь. Халқаро симфоник мусиқа фестивали меҳмонларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Мурожаатномаси эълон қилинди.

Сентябрь. Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар кенгаши томонидан нашр этилган Ўзбекистон журналининг биринчи сони чиқди. Журнал ўзбек тилида (лотин алифбесида), инглиз, араб ва рус тилларида чиқади.

Сентябрь. Прусс маданий мероси Фондининг Берлин давлат кутубхонаси Ўзбекистоннинг ГФР даги элчихонасига Шарқ қўлёзмаларининг ноёб коллекциясини тақдим этди. Ҳар бири 1000 варақ ҳажмидаги 12 та китобдан иборат бу коллекцияда Улугбек, Бобур, Форобий, Самарқандий, ал-Фарғоний билан бир қаторда бошқа ватандошларимиз — олим, шоир, маърифатпарвар ва давлат арбобларининг қўлёзмалари ҳам бор.

Сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг биологик хилма-хиллик бўйича Миллий стратегия ва ҳаракатлар режаси тақдимоти бўлиб ўтди.

Сентябрь. Мукаррама Турғунбоева номидаги Ўзбекрақс бирлашмасининг Андижон бўлими “Сумалак” ашула ва рақс ансамбли Япониянинг Негата, Таяма, Кашивазаки шаҳарларида 80 дан ортиқ концерт берди.

Сентябрь. Тошкентдаги Республика болалар бадиий ижоди марказида 80 дан ортиқ ёш истеъодларнинг икки юздан ортиқ зардўзлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, қулоччилик, шунингдек, рангтасвир асарлари намойиш этилган “Ўзбекистон — Ватаним маним” кўргазмаси бўлди. Кўргазма яқунларига кўра тошкентлик Нигора Мирсолиҳова, Феруза Аркабаева,

Жамшид Валиев ва термизлик Шаҳноза Ҷуроқоваларнинг ишлари махсус совринларга сазовор бўлди.

Сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида фикрдувонлик ажойиб кулол уста Ибодулло Нарзуллаев (1927—1980) хотирасига бағишланган миллий кулолчилик санъати кўرғазмаси бўлиб ўтди.

Сентябрь. Теннис бўйича “Президент кубоги” турнирига бағишланган почта маркаси “Ўзбекистон маркаси” ОТАЖ томонидан тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан муомалага чиқарилди.

Янги почта маркаси икки рангли бўлиб, уни тошкентлик рассом Ю. Габзалилов ишлаган. Почта маркаси билан биргаликда почта карточкаси ҳам чиқарилди.

Сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон Бадий академияси “Санъат” журналининг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги биринчи сони чиқди.

Сентябрь. “Авто-пресстиж” ҳафталик журналининг биринчи сони чиқди.

Сентябрь. Тошкентда “Ташаббус” ахборот бюллетени янги нашрининг тақдимоти бўлиб ўтди. Нашрнинг асосий вазифаси жамиятга хизмат ва ҳамкорлик қилиш, нодавлат ташкилотларни бирлаштириш ва мувофиқлаштириш воситасида адолатни қарор топтиришдан иборат. Уни Каунтерпарт халқаро фонди чиқара бошлади.

9 октябрь. Нурота шаҳрида “Алпомиш” достонининг 1000 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда олимлар ва адабиётшунослар, ўқитувчилар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

14 октябрь. Республика Киночилар уйида мамлакатимиз ҳаётининг долзарб мавзуларига бағишланган ҳаваскор ҳамда профессионал кино ва видеофильмлар кўрик-танлови якунига кўра совриндор фильмлар муаллифларига диплом ва мукофотлар топшириш маросими бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Очиқ Жамияти институти томонидан ташкил этилган эди. Ушбу кўрик-танловда биринчи мукофот “Улар Германияда ўқишган эди” фильмига берилди (Сценарий муаллифи Х. Султонов, режиссёр Ш. Маҳмудов).

17 октябрь. “Ўзбекистон” нашриётида давлатимиз раҳбари Илом Каримовнинг “Ўзбекистон буюк келажак сари” китоби нашр этилгани ҳақида эълон қилинди. Китобга Президентимизнинг китобхонлар томонидан ҳолис баҳоланган мустақиллик йилларидаги энг долзарб мавзулардаги асарлари ўз аксини топган.

18 октябрь. Қадимий Самарқандда шаҳар куни бўлиб ўтди.

22 октябрь. Тошкентда Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ташкил этилган ва буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги ва буюк олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик тантаналарига бағишланган Халқаро кўрғазма очилди. “Шарқдан таралаётган зиё” шиори остида ўтган бу кўрғазмада рангтасвир, ҳайкалтарошлик, кулолчилик ва халқ

амалий санъати усталари томонидан яратилган кўплаб асарлар намойиш этилди.

23 октябрь. Самарқандда буюк мутафаккир Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг деярли 40 мамлакатидан меҳмонлар, жумладан, “Юнеско”, “Ал-Бабтийн” жамғармаси каби нуфузли ташкилотларнинг вакиллари қатнашди. “Афросиёб” меҳмонхонасининг мажлислар залида “Имом ал-Бухорий ва унинг жаҳон маданиятида туган ўрни” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Шу куннинг ўзида Челақ туманининг Хартанг қишлоғида Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими бўлди. Унинг очилиш маросимида Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

24 октябрь. Фарғонада Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Юбилей тантаналари “Жаҳон фанини ривожлантиришда Аҳмад ал-Фарғонийнинг роли” мавзуидаги Халқаро конференция билан бошланди. Сўнгра Президент Ислом Каримов ва юбилей иштирокчилари Кувада бўлдилар.

Шу кунги Фарғонадаги Аҳмад ал-Фарғоний номи билан аталган боғда унинг ҳайкалини очиш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Октябрь. Сен-Диедей-Вож шаҳрида (Франция) Халқаро жўгрофия фестивали доирасида бўлиб ўтган фотоқўрғазма “Ўзбекистон Марказий Осиёнинг мовий дури” деб номланди. Қўрғазмада профессионал фотосуратчи эр-хотин Сильвиан ва Франсис Бургерларнинг мамлакатимизга сайёҳлик ташрифи чоғида олган қирқдан ортиқ сурат намойиш этилди.

Октябрь. Тошкент шаҳрида АҚШ ҳукумати ҳамда ЮСИА ташаббуси билан “Аҳолининг ҳуқуқий билим олишида кутубхоналарнинг роли” мавзуида семинар бўлиб ўтди. Кутубхона ходимлари, республика ҳуқуқшунослари иштирок этган ушбу семинарда Вашингтон давлат кутубхонаси бош кутубхоначиси Ненси Заеси хоним АҚШ ахборот қўмитаси, қонун, ахборот олиш қоидалари ва анъаналари, уни етказиш технологияси ва механизми, шунингдек, кутубхоналар кўрсатаётган хизматлар ҳақида сўзлаб берди.

Октябрь. Алмати шаҳрида Евроосиё Халқаро кинофестивали бўлиб ўтди. Унда ўзбек кинорежиссёри Малик Қаюмовнинг “Гўри Амир” фильми МДХ ва Болтиқбўйи давлатларининг махсус совринига сазовор бўлди.

Октябрь. Майрхофен шаҳрида (Австрия) бўлиб ўтган Халқаро анъанавий киноҳаваскорлар фестивалида жаҳоннинг 40 мамлакатидан 120 та фильм намойиш этилди. Ўзбекистон киноҳаваскорлари бу фестивалга учта фильм тақдим қилишди. Улардан “Миллий ўйинлар”, “Шерободдаги болалар ўйинлари” номли фильмлар бронза медалига ҳамда фестивалнинг энг яхши ҳужжатли фильми учун махсус совринга сазовор бўлди.

Октябрь. Туркиянинг Денизли шаҳрида Туркия Республикаси эълон қилинганлигининг 75 йиллигига бағишланган III Халқаро бадий пласти-

ка санъати фестивали бўлиб ўтди. Бу анжуманда Ўзбекистондан ҳайкалта-рош Гулсара Ражабова ва бадий кулолчилик устаси Шаҳноза Мўминова иштирок этишди.

Октябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди “Ахборотномаси”нинг биринчи сони ўзбек ҳамда рус тилларида чиқди.

Октябрь. Жанубий Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.

Октябрь. Бухорода кутубхона ходимларининг ислохотларни амалга оширишда маънавият ва маърифат соҳасида кутубхоналарнинг роли мавзуга бағишланган Республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Октябрь. 670 жилддан иборат “Гмелин” номли ноёб кимё маълумотномаси Республика илмий-техника кутубхонаси фондини тўлдирди. Бу маълумотнома Германиянинг Шпрингер нашриёти ва илмий-тадқиқот жамиятида совға тариқасида берилди.

Октябрь. Гулистон шаҳрида профессионал кўғирчоқ театри иш бошлади. Театр “Бўғирсоқ” спектаклини намойиш этиш билан очилди.

Октябрь. Ўзбекистон Бадий академияси эълон қилган “Энг улуг, энг азиз” Республика танлови якунланди.

Биринчи мукофот “Момолар замини” полотноси учун Ўзбекистон халқ рассоми А. Икромжоновга берилди. Иккинчи мукофот “Ўзбек миллий ўйинлари” триптихи учун Ўзбекистон халқ рассоми, академик Қ. Башаров ҳамда “Самарқанд манзаралари” сурати учун самарқандлик рассом Г. Улькага берилди. Учинчи мукофотга олти мўйқалам ва нақш усталари сазовор бўлишди. Булар: Ўзбекистон халқ рассоми М. Кагаров (Тошкент), И. Валихўжаев (Наманган), Б. Анваров (Қашқадарё), ҳайкалтарошлар Д. Турениёзов (Нукус), Э. Тожибоев (Кўқон), Х. Усмонов (Наманган).

2-6 ноябрь. Тошкентдаги Республика Киночилар уйида Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан уюштирилган француз фильмлари фестивали бўлиб ўтди.

2 ноябрь. “Нур-консалт” хусусий фирмаси томонидан таъсис этилган “Тошкент бозорлари” газетасининг биринчи сони чиқди.

14—28 ноябрь. Тошкентда ёшлар театрларининг Халқаро фестивали бўлиб ўтди.

16 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Халқаро Имом ал-Бухорий жамгармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

20-21 ноябрь. Тошкентда “Шарқ либослари — дизайнерлар ижодининг манбаи” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз олимлари ҳамда мутахассислари билан бир қаторда, Озарбайжон, Қирғизистон, Россия, Украинадан келган меҳмонлар ҳам қатнашдилар.

21-30 ноябрь. Алишер Навоий номли Давлат академик Катта опера ва балет театрида Жузеппе Верди опералари фестивали бўлиб ўтди. Ўша кун-

лар давомида Ж. Вердининг “Аида”, “Травиата”, “Отелло”, “Риголетто” ва бошқа опералари намойиш этилди.

Ноябрь. “Ўзбекистон” нашриётида “Адолат, Ватан ва халқ манфаатлари ҳамма нарсадан устун” номли янги гўплам нашр қилинди. Унга Президент Ислам Каримовнинг Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатларининг Навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқлари, Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Телерадиокомпанияси раисига берган интервьюси киритилган. Тўплам ўзбек ва рус тилларида чиқарилди.

Ноябрь. Қоҳирада (МАР) араб мусиқаси еттинчи Халқаро фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон Маданиятининг “Сўғдиёна” чолғу камер оркестри юксаб ижрочилик маҳорати учун фестиваль дипломига сазовор бўлди.

Ноябрь. “Алпомиш” дostonи юбилейига бағишланган 9 миниатюрадан иборат почта варағи “Ўзбекистон маркаси” очиқ турдаги акционерлик жамияти томонидан тайёрланди ва Ўзбекистон Республикаси почта ва телекоммуникациялар Агентлиги томонидан муомалага чиқарилди.

Ноябрь. Республика халқ ижоди ҳамда маданий-маърифий ишлар марказида кўшиқ ва рақс ансамблларининг фаолиятини янада яхшилашга бағишланган Республика ўқув семинари бўлиб ўтди. Уч кун давомида мамлакатнинг барча вилоятларидан келган бадиий ҳаваскорлик жамоалари раҳбарлари Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли, “Ўзбекнаво” гастроль концерт бирлашмаси ва “Ўзбекистон” ашула ва рақс ансамбли иш тажрибалари билан танишдилар.

Ноябрь. Япониянинг Окинава префектурасидаги шу номли шаҳарда бўлиб ўтган “Ишигаки-98” Халқаро фольклор фестивалида Ўзбекистондан “Ассалом, Куёш” ассоциацияси рақс гуруҳи ўзининг ижрочилик маҳоратини муваффақиятли намойиш этди.

Ноябрь. Бишкекдаги Славян-Қирғиз университетиди диний мусиқага бағишланган фестиваль бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Давлат хор капелласи қатнашди.

Ноябрь. Алматы шаҳрида оммавий ахборот воситалари ходимларининг “Марказий Осиё учун соғлиқни сақлаш бўйича ахборот тармоғи” мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон журналистлари ҳам қатнашдилар.

Ноябрь. “Шарқ” нашриёт-матбаа концернига Франция саноат Ассоциациясининг “Олтин медали” топширилди.

Ноябрь. Ҳиндистонда ўзбек фильмлари фестивали бўлиб ўтди.

Ноябрь. Тошкентда жамоатчиликнинг Абу Али ибн Сино номидаги нашриётининг 40 йиллигига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Ноябрь. Истамбулда ЮНЕСКО мусиқа кенгаши мақомчилар гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уч кун давомида Германия, Англия, Франция ва бошқа мамлакатлардан, шу жумладан, бизнинг мамлакатимиздан келган мусиқа санъатининг мутахассислари мақом муаммолари ҳамда унинг ҳозирги тараққиётига оид маърузаларни муҳокама қилишди.

Ноябрь. Самарқандда вилоят ўрта махсус ва ҳунар таълими бошқармасининг “Улуғбек ворислари” номли газетаси чиқа бошлади.

Ноябрь. Акропол шаҳрида (Италия) бўлиб ўтган Халқаро XXI ёш пианиночилар танловида Тошкентдаги 13-сон болалар мусиқа мактабининг ўқувчилари Феруза Муҳамедова ва Нодира Қориевалар биринчи ўзбек дипломантлари бўлишди.

1 декабрь. Тошкентда Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик театрида ўзбек миллий театри асосчиларидан Ўзбекистон халқ артисти Маннон Уйгур таваллудининг 100 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

5 декабрь. Тошкентда “OSIVO STIL” модалар фестивали бўлиб ўтди.

11-12 декабрь. Пойтахтнинг “Туркистон” саройида америкалик бастакор Жорж Гершвин таваллудининг 100 йиллигига бағишланган иккита концерт бўлди. Унда АҚШнинг таниқли мусиқачилари хонанда Даниэл Вашингтон ҳамда пианиночи Жон Фергюсон иштирок этишди.

14 декабрь. Ўзбекистон Санъат музейида замонавий япон кулолчилиги кўرғазмаси очилди.

15 декабрь. Алишер Навоий номли Давлат академик Катта опера ва балет театрида ўзбек миллий мусиқа санъатининг таниқли намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти Муҳиддин Қори Ёқубов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

18 декабрь. Тошкентда Бердақ номи билан аталувчи боғда машҳур шоир ҳайкалининг очилишига бағишланган митинг бўлди. Шоирнинг тошдаги тимсолини ҳайкалтарошлар А. Раҳматуллаев ва Л. Рябцевлар мужассам этганлар.

25 декабрь. Ўзбекистон Бадий академияси қошидаги бадий коллеж залида “Рассом ва табиат” мавзуида анъанавий кўрғазма очилди. Унда 50 муаллифнинг рангтасвир ва ҳайкалтарошлик бўйича юздан ортиқ асарлари намойиш этилди.

Декабрь. Ўзбекистон Бадий академияси Аҳмад ал-Фарғоний тимсолини яратиш учун эълон қилган танлов якунланди. Ҳайкалтарош Илҳом Жабборов биринчи ўринга сазовор бўлди, ўзбек рассомлари Собир Раҳметов, Жўра Асронов ва америкалик Ричард Л. Дан иккинчи ўринга муносиб деб топилди.

Декабрь. Нукусда қорақалпоқ адабиётининг асосчиларидан бири Бердақнинг 170 йиллик юбилеи арафасида шоир зурёдлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда шоирнинг Нукус, Қўнғирот, Чимбой, Кегайли, Бўзатов, Қораўзак туманларида истиқомат қилувчи юзга яқин қариндош-уруғлари иштирок этишди.

Декабрь. “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиги марказининг Фарғона вилояти бўлимида шарқ қўлёзмалари илмий лабораторияси иш бошлади. Бу ерда Алишер Навоийнинг 1901 йилда Тошкентда нашр этилган “Ҳамса”си, XVIII аср охири XIX аср бошларига мансуб “Девони Машраб”

китоби, Ҳожихон қози Рожий Марғилоний девони, Фазлий Намангонийнинг “Мажмуатуш шуаро” китоби ҳамда XX аср ўзбек адабиёти ва санъати тарихига оид бошқа ноёб китоблар, журналлар тўпланган.

Декабрь. Истамбулда туркий халқлар маданияти кунлари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон кинематографчилари иштирок этишди. Кинофестивалда Шуҳрат Аббосовнинг “Абу Райҳон Беруний”, “Аждодларимиз юрти”, Йўлдош Аъзамовнинг Абдулла Қодирий романи асосида сувратга олинган “Ўтган кунлар”, Наби Ғаниевнинг “Хўжа Насриддин саргузаштлари” фильмлари ретроспективда намоёйиш этилди.

Декабрь. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ташкил этган “Ёш танқидчи” танлови якунлари бўлди. Биринчи ўрин М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси бастакорлик факультети талабаси, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси шарҳловчиси Ойдин Абдуллаевага, иккинчи ўрин эса “Менежер” журнали маданият бўлими мудирини Барно Нормухамедовага берилди.

Декабрь. Фарғонада ўрта махсус ва хунар таълим ҳудудий бошқармасининг ижтимоий-маърифий, адабий-бадий газетаси — “Ниҳол” чиқа бошлади.

1999 йил

6 январь. “Ўзбекистон” нашриёти “Маънавий юксалиш йўлида” тўпламини нашр этганлиги эълон қилинди. Унда Президент Ислом Каримовнинг юксак маънавият ҳамда таълим-тарбия жараёнининг кучи ва аҳамияти тўғрисидаги маърузалари, нутқлари ва китобларидан олинган энг муҳим бўлимлар жамланган. Тўплам рангли суратлар билан кўп минг нусхада чоп этилди.

11 январь. Самарқандда француз ва инглиз тилларида Парижда нашр этилган “Самарқанднинг мовий олгини” китобининг тақдими бўлиб ўтди. Китоб муаллифи Темурийлар даври тарихи ва маданияти тадқиқотчилари Ассоциациясининг бош котиби Фредерик Бессанддир.

Китобдан Ўзбекистон қадимий шаҳарининг ўтмиши ва ҳозирги кунлари тўғрисидаги бир қатор тадқиқий мақолалар, лавҳалар ўрин олган. Унда, асосан, мовий рангда олинган 250 дан ортиқ фотосурат берилган.

13 январь. Франция Саноат, фан ва маданиятга кўмаклашувчи Халқаро ассоциацияси Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигини “Олтин медаль” билан тақдирлаганлиги ҳақида хабар эълон қилинди. МДХ давлатлари орасида Ўзбекистон бундай мукофотга сазовор бўлган биринчи мамлакатдир.

14 январь. “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни Ислом Каримовнинг “Кучли давлатдан кучли жамият сари” ижтимоий-сиёсий тўпламини нашр этганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди. Унда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг жамоат ташкилотларини ривожлантиришда муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган фикр-мулоҳазалари, маслаҳатлари, кўрсатма ва тавсиялари киритилган.

Ушбу тўпلامга илова тарзида нашр этилган “Жамиятни ислоҳ қилиш йўлида” деган ном остида нашр этилган қўлланмада Ўзбекистон Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг жамоат ташкилотлари тўғрисидаги Фармонлари ва Қарорлари ўрин олган.

15-22 январь. Аҳмадободда (Ҳиндистон) фольклор рақслари иккинчи Халқаро фестивали бўлиб ўтди. Унда “Ўзбекрақс” миллий рақс бирлашмаси Хоразм вилоят бўлими Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гавҳар Матёқубова бошчилигидаги “Хоразм наволари” ансамбли фестиваль иштирокчилари ва меҳмонларини ўзбек миллий рақслари билан таништирди.

25 январь. Республика Киночилар уйида “Ўзбеккино” Давлат акциядорлик компанияси томонидан 1997—1998 йилларда яратилган бадиий, ҳужжатли ва мультипликацион фильмлар Ҳафталиги бошланди. Режиссёр Р. Маликовнинг “Пиёда одам” фильми тадбирни бошлаб берди. Ҳафта давомида кино мухлисларига “Севги”, “Истайманки...”, “Кичкина табиб”, “Аждодларимиз юрти”, “Тилсимой — фаройиб қиз”, “Ягона хотира”, “Марғиёна”, “Ўтган кунлар” бадиий фильмлари ҳамда бир қатор ҳужжатли ва мультипликацион фильмлар намойиш этилди.

29 январь. Ўзбекистон Давлат санъат музейида ўзига хос рангтасвирчи рассом Сергей Алибеков расмлари кўргазмаси очилди. Унда рассомнинг 1992—1998 йилларда ижод қилган ва “Ахлоқ мезонлари” номли туркумга бирлаштирилган асарлари намойиш этилди.

Январь. Тошкентда “Фан — спортга” илмий-оммабоп, расмли журналнинг биринчи сони чиқди.

Январь. Хоразм вилоятида шоир ва мутафаккир, афсонавий курашчи Паҳлавон Маҳмуднинг 750 йиллиги кенг нишонланди. Буюк аждодимиз хотирасига бағишланган тантаналар унинг она шаҳри қадимий Хивада бўлиб ўтди. Хоразм “Маъмун” Академиясида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция Паҳлавон Маҳмуднинг кўпқиррали шеърӣй ва фалсафӣй меросига бағишланди. “Ичон қалъа” музей-қўриқхонасида юбилейга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Январь. Тошкент вилояти Қибрай туманидаги “8 Март” сўхаттоҳида “Асрга тенг умр” номи остида учрашув бўлиб ўтди. Унда ёши бир аср ва ундан ҳам ошиб кетган онахонлар иштирок этишди. “Қувайт” халқаро хайрия жамғармаси раҳбари Жалол Бин Садоқ учрашувда сўзга чиқиб, онахонларга гул ва совғалар топширди.

Январь. Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги Пайшанба шаҳрининг бош майдонида Алишер Навоӣй ҳайкалининг очилиш маросими бўлди.

Январь. Тошкентда Халқ таълими вазирлигининг “Таълим тараққиёти” ахборотномасининг биринчи сони чиқди.

Январь. Термизда “Сурхондарё газетаси” акционерлик жамиятининг янги “Жануб вақти” газетаси чиқа бошлади.

Январь-февраль. Ўзбекистон Давлат санъат музейида Германия Федератив Республикаси график рассомлари асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Унда тасвирий санъатнинг модернистик йўналиши таниқли намояндалари бўлган немис рассомларининг 107 та график асари намоёиш этилди.

6 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

6 февраль. “Ўзбекистон” нашриёти Ислом Каримовнинг “Ўз келажакимизни ўз кўлимиз билан қурмоқдамиз” китобини кўп нусхада чоп этганлиги ҳақидаги хабар эълон қилинди. Ушбу китобдан Президентнинг “Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига берган жавоблари ўрин олган.

7 февраль. Тошкентда Рус академик драма театри янги биносининг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда театр ўзининг олтинчи тўртинчи мавсумини бошлади.

9 февраль. Мамлакатимизда буюк мутафаккир, ўзбек шеърятининг асосчиси Алишер Навоий таваллудининг 558 йиллиги кенг нишонланди.

Тошкентдаги шоир номи билан аталувчи Миллий боғда унинг таваллудига бағишланган анъанавий маросим бўлиб ўтди. Унда шоирлар, ёзувчилар, шарқшунос олимлар иштирок этишди.

9 февраль. “Шарқ” нашриёт-матбаа концернида Ислом Каримовнинг “Баркамол авлод орзуси” китоби босилиб чиққанлиги эълон қилинди. Президент Ислом Каримовнинг таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш Миллий модели ҳамда Юртбошимизнинг Олий Мажлис IX сессиясида сўзлаган “Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг асоси” номли нутқи, шунингдек, унинг “Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига берган жавоблари китобдан жой олган. Китобнинг тўртта бобида таълим ва ёшлар тарбияси, таълим тизимини ислоҳ қилишнинг мақсад ва вазифалари, босқичлари тўғрисидаги публицистик мулоҳазалар баён этилган.

Февраль. Мамлакатимизда буюк шоир, саркарда, давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 516 йиллиги кенг нишонланди.

Шоир туғилган Андижон шаҳри тантаналар маркази бўлди. Бу ерда тантанали йиғилиш бўлиб ўтди, унда фақат республикамыздан эмас, балки Покистон, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистондан таъриф буюрган таниқли адабиёт ва санъат арбоблари иштирок этишди.

Февраль. Самарқандда “Ўрта Осиё мамлакатлари ва Кавказ хотин-қизлари — ўтиш даврида” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда 12 та мамлакат, шу жумладан, Латвия, Украина, Мўғулистон ва Югославиянинг ноҳукумат хотин-қизлар ташкилотларининг раҳбарлари уч кун мобайнида хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий мақомини оширишда ёрдам кўрсатиш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Февраль. Нью-Йоркда Гвидо Голдман тўплаган коллекциядан “Ўрта Осиёнинг нафис шойиси: икат” кўرғазмаси бўлиб ўтди. Кўрғазма АҚШ жамоатчилигига ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида шойи ва миллий либос-

лар ишлаб чиқариш қадимий санъати, умуман, ўзбек халқи маданияти билан чуқурроқ танишиш имконини берди.

Февраль. Тошкентда “Ўзбекистон—Корея” дўстлик жамиятининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда жамият Низоми тасдиқланди, бошқарув аъзолари ва тафтиш комиссияси сайланди.

3-5 март. Тошкентда ВИЧ/СПИД га қарши кураш бўйича Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари оммавий ахборот воситалари ходимларининг иккинчи миллий минтақавий семинари бўлиб ўтди.

4-15 март. Тошкентда “Аёл қалби олами” кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Бухоро, Самарқанд, Фарғона водийси ҳамда бошқа вилоятлардан 70 дан ортиқ халқ амалий санъати билан шуғулланувчи ижодкор аёлларнинг ишлари, шунингдек, таниқли ва ёш рассом хотин-қизлар асарлари намойиш этилди.

4 март. “Ўзбекистон” нашриётида “Февраль воқеалари” китоби нашр этилганлиги эълон қилинди. Унда февраль воқеалари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фикрлари ва интервьюларига кенг ўрин берилган.

10 март. Нью-Йоркнинг “Нерросгене Вок” нашриётида Линн Виссоннинг “Ўзбек таомлари санъати” китоби босмадан чиққанлиги тўғрисида хабар эълон қилинди. Унда 175 та ўзбек миллий таом рецепти берилган.

11 март. “Ўзбекистон” нашриёти “Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда” китобини ўзбек ва рус тилларида чоп этганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди. У Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг “Туркистон-пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларидан иборат.

11 март. “Камолот” ёшлар жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими қошида республикада ташкил этилган ёш модельерлар клубининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Клубнинг вазифаси истеъдодли модельерларга ўз ижодий ғояларини рўёбга чиқаришда амалий ёрдам кўрсатишдан иборат.

12 март. Ўзбекистон Давлат санъат музейида “Санъатда аёл тимсоллари” кўргазмаси очилди. Унда XVIII, XIX асрлар ва XX аср бошларида яратилган 76 та рангтаъсир асари ҳамда бешта ҳайкал намойиш этилди.

15 март. Фарғона водийси шаҳарларида “Жан Марэ” шиори остида француз фильмлари фестивали бошланди.

17 март. Республика Киночилар уйида “Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” илмий-публицистик фильмлар сериалининг миллий лойиҳаси тақдими бўлиб ўтди.

Лойиҳага Ислом Каримовнинг шу номдаги китоби асос қилиб олинган бўлиб, фильмни 12 серияда чиқариш мўлжалланган. Тақдимотда сериалнинг дастлабки икки фильми: “Маънавий янгиланиш йўлида” ва “Экологик хавфсизлик ва табиатдан фойдаланиш маданияти” намойиш этилди.

19 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Туркистон-пресс” ноҳукумат ахборот агентлигини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

20 март. Ўзбекистон Бадиий академиясида Франциядаги машҳур Уфция италян галереясига Ўзбекистон халқ рассоми, фахрий академик Абдулҳақ Абдуллаев мўйқаламига мансуб “Автопортрет”ни тақдим этиш тантанали маросими бўлиб ўтди. Портрет санъати устаси ўз асарини Италиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Иоланда Брунетти Гостц хонимга топширди.

22 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “О. Шарафиддиновни “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

“Жаҳон адабиёти” журналининг Бош муҳаррири Озод Шарафиддинов ўзбек адабиётини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, маънавий-ахлоқий ислохотларни рўёбга чиқаришдаги фаол иштироки, жасорати ҳамда янги тафаккурни шакллантириш ва халқимиз маънавий дунёсини бойитишдаги катта хизматлари учун ушбу олий мукофотга сазовор бўлди.

23 март. Алишер Навоий номидаги Санъат саройида таниқли француз кинорежиссёри Роберт Брессон (1901—1983) фильмлари фестивали очилди.

24 март. Ўзбекистон Республикасининг чет эллар билан маданий ва маърифий алоқалар дўстлик жамияти Кенгашида “Ўзбекистон—АҚШ” жамиятини тузиш бўйича ташкилий йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жозеф Пресел иштирок этди.

24 март. Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси билан биргаликда республика Олий ҳўжалик судида “Суд ҳоқимияти ва мағбуот эркинлиги” мавзудида семинар бўлиб ўтди.

Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари, республика газеталари ва журналларининг бош муҳаррирлари иштирок этишди.

25 март. Корея Республикасида олти тилда — ўзбек, инглиз, рус, немис, француз ва корейс тилларида самарқандлик истеъдодли рассом Аслиддин Исаев ҳаёти ва ижодига бағишланган альбом чоп этилганлиги ҳақида хабар эълон қилинди.

Тўплам рассомнинг 30 йил давомида ижод қилган асарларидан ташкил топган. Унинг кўпчилик расмлари севимли диёримиз гўзаллигига, унинг бепоён кенгликларига, фидокор ва меҳнатсевар одамларига бағишланган.

26 март. Республика Киночилар уйида “Грузия кинноси кунлари” очилди.

26 март. Ўзбекистон Рус академик драма театрида Халқаро театр кунига бағишланган маросим ва Тошкентда нашр этила бошлаган “Театр” журналининг биринчи сони тақдими бўлиб ўтди.

26 март. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида болалар тасвирий ва амалий санъати Республика кўргазмаси очилди. Унда “Болалар санъати — 2000” Халқаро фестивалининг Республика

барча вилоят ва шаҳарларида бўлиб ўтган кўрик-танлови яқунловчи босқичи ғолиблари ва совриндорларининг 411 та расм ва 340 та амалий санъат асарлари намойиш этилди.

Ёш рассомлар ҳамда усталарнинг мароқли кўриги мукофоти “Гран при”га 8 ёшли Диёра Ҳасанова “Дисней-ленд” акварели учун сазовор бўлди. Бу ғалаба қизалоққа ёш истеъдодларнинг Вашингтонда бўладиган фестивалига бориш учун йўлланма олиш ҳуқуқини берди.

11 ёшли Лейла Бейкенова ҳам “Мустақиллик куни” акварели учун ва Собир Раҳимов тумани, 4-сонли Маданият уйи қатнашчиси 14 ёшли Бекзод Булатов миллий усулда ясаган олти бурчакли курсичаси учун ғолиблик унвонига эга бўлдилар. Уларга фестивалнинг олтин медаллари ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

30 март. Тошкентда “Наврўз-99” театр фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди, унда Тошкентнинг олтита театри ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Наманган, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Сирдарё, Қўқон театрлари иштирок этишди.

31 март. Ўзбекистон амалий санъати музейида ўзбек рассомлари Файрат Бойматов, Акмал Нур, Вячеслав Усеинов ва ноёб Риштон кулолчилик мактаби усталарининг альбомлари тақдими бўлиб ўтди. Бу альбомларни Ўзбекистон — Очиқ Жамият Институтининг “Санъат ва маданият” дастури доирасида нашр этган эди.

Март. Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатида “Лицие-99” Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада ўқувчиларнинг “Менинг бобом ва бувим” мавзусига бағишланган 100 дан ортиқ асарлари намойиш этилди.

Март. Тошкентдаги Ҳиндистон маданий марказида ўзбек ҳайкалтароши Туркман Ҳосновнинг асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди, унинг асарлари Россия, Латвия, Мўғулистон, Бельгия, Даниядаги Халқаро кўргазмаларда намойиш этилган.

Март. Алишер Навоий номи Миллий боғда республика халқ усталарининг Наврўз байрамига бағишланган анъанавий савдо ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар халқ амалий санъати усталари ўз асарларини намойиш этдилар. Пештахталарда “Ташаббус-98” вилоятлар кўрик-танловлари ғолиблари, истеъдодли усталар, кўплаб кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этган оилавий сулолалар аъзолари ижод маҳсуллари бўлган турли-туман буюмлар намойиш этилди.

Март. Пойтахтдаги “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида Ўзбекистон хунармандлари буюмларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Республиканинг турли вилоятларидан келган халқ амалий санъати усталаридан 50 нафари ушбу кўргазмада ўз асарларини намойиш этди.

Март. Флорида штати консерваториясида таълим олаётган ўзбек қизи Яйра Матёқубова ижро санъати бўйича Америка талабалари танловида биринчи ўринни эгаллади.

Март. Фарғона газетхонлари янги нашрга эга бўлдилар. “Адолат йўли” газетасига рус тилидаги илованинг биринчи сони чиқди. Янги нашр “Криминальные вести Ферганы” деб номланади.

Март. Бельгиядаги Антверпен телекоммуникациялар ва алоқа олий мактаби биносида Ўзбекистонга бағишланган кўргазма бўлиб ўтди. Кўргазмада ўзбек усталарининг ёғоч, сополдан ясалган буюмлари, миллий кийимлар, аёлларнинг заргарлик зебу зийнатлари, машҳур Бухоро ва Самарқанд меъморчилик ёдгорликларининг макетлари намойиш этилди. Шу ерда намойиш этилган хужжатли фильмлар томошабинларни ўзбек халқининг бой маданий мероси ҳамда бутунги кундаги ҳаёти билан таништирди.

Март. Халқаро “Экосан” жамғармаси “Соғлом бола” жамияти ва “Бахтли келажагимиз” хайрия жамғармаси билан биргаликда “Оила ва экология болалар нигоҳида” мавзуида Республика кўрик-танлови ўтказди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва вилоятлар мактаблари, лицейлари, гимназиялари ўқувчилари, шунингдек, шаҳар ва туман марказларидаги қўшимча таълим тўғарақлари аъзолари иштирок этишди.

Кўрик-танловнинг якунловчи босқичи Ўзбекистон Бадий академияси коллежида бўлиб ўтди. Кўргазмада юзлаб суратлар, плакатлар, амалий санъат буюмлари, адабий асарлар, экология мавзуидаги фотосурат ва видеоманзаралар намойиш этилди.

Танлов якунига кўра 60 дан ортиқ ўқувчи совриндор бўлди. “Болалар санъати-2000” Халқаро фестивали доирасида ўтказилган танлов ғолиблари қуйидагилар бўлишди: чирчиқлик Нодира Отажонова “Оққушлар сайёраси” асари учун, қашқадарёлик Сунбула Ҳайдарова “Оиланинг бош эколог — она” мавзуидаги шеър ва ҳикоялари учун, чирчиқлик Нодира Фозиева амалий санъат буюмлари учун.

Март. Санкт-Петербургда яқинидаги Гатчина шаҳарчасида анъанавий бўлиб қолган “Адабиёт ва кино” бешинчи фестивали бўлиб ўтди. Танловдаги фильмлар намойишида Ўзбекистон режиссёр Мелис Абзаловнинг Абдулла Қодирийнинг романи асосида суратга олинган “Ўтган кунлар” фильми билан иштирок этди. Ушбу фильм фестиваль дипломи билан тақдирланди ва жюри мукофотига сазовор бўлди.

Март. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетиде “Инсон ҳуқуқлари ва замонавий ахборот воситалари” мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Март. Тошкентда “Таклиф” газетаси чиқа бошлади. У меҳнат, аҳоли бандлиги ва ижтимоий ҳимояси бўйича бош бошқарма томонидан таъсис этилган.

6 апрель. Варна шаҳрида (Болгария) ёш эстрада ижрочилари Халқаро танлови бўлиб ўтганлиги ҳақида хабар эълон қилинди. Унда жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатларидан яқка ижрочилар ва гуруҳлар иштирок этишди. Ўзбекистон халқ артисти Мансур Тошматов бошчилигидаги “Сидерис” эстрада гуруҳи конкурснинг бош соврини “Гран при”га сазовор бўлди.

6 апрель. Тошкентдаги Муқимий номли театрда Ш. Бошбековнинг “Хўжайинлар” асари асосида ТошДУ талабалари томонидан қўйилган спектакль билан “Ниҳол-99” Ўзбекистон олий ўқув юрглари ёшлари театр санъати биринчи фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Беш кун давомида йигирмадан ортиқ талабалар жамоалари Тошкент театрлари сахнасида ўз санъатларини намойиш этишди.

15 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистонда 2005 йилгача туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида” Фармон чиқарди.

Бу Фармонга асосан Маданият институти Маданият ва туризм институти деб ўзгартирилди.

16 апрель. Ҳамза номли Давлат академик драма театрида адабиётшунос олим, “Жаҳон адабиёти” журналининг бош муҳаррири Озод Шарафиддинов таваллуд топган куннинг 70 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

19 апрель. Навоий шаҳрида Ўзбекистон халқлари мусиқа санъати фестивали очилди.

22 апрель. Эълон қилинган хабарга кўра, “Ўзбекистон” нашриёти Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIV сессиясида қилган маърузасини “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” номи билан ўзбек ва рус тилларида кўп нусхада босиб чиқарди.

23 апрель. Тошкентда Ўзбекистон Давлат санъат музейи филиали Ўрол Тансиқбоевнинг Уй-музейида “Марказий Осиёга назар” мавзуида фотоасарлар кўргазмаси очилди.

Кўргазмада Тошкентдаги Америка элчихонаси ходимаси Май Лунинг асосан Ўзбекистоннинг ўтмиши ва ҳозирги кунини ифодаловчи 40 та фотосурати ҳам намойиш этилди.

25 апрель. Москвада давлатлараро “Хуқуқ-тартибот ва жамият” кинофестивали ниҳоясида режиссёр Жасур Исҳоқовнинг “Оқ тулпорнинг тавқи лаънати” тўрт қисмли телесериали биринчи мукофотга сазовор бўлди, “Ёвузлик салтанати” ҳужжатли фильми эса жюри томонидан режиссураси учун махсус соврин билан тақдирланди.

26 апрель. Нукус ўлкашунослик музейида мусиқа асбоблари кўргазмаси очилди. Бу асбоблар жўрлигида қорақалпоқ халқ бахшилари ва қўшиқчилари “Алпомиш” достонини ижро этдилар. Кўргазмада дуторлар, қўбизлар, ғижжақлар, рубоблар намойиш этилди. Уларни XVII—XIX асрларда яшаб ўтган Сейитниёз, Бисенбой, Бозорбой, Отамурод, Қурбонбой каби таниқли усталар, шунингдек, ҳозирги маҳоратли ёшлар ясаганлар.

Апрель. Ўзбекистон Бадий академияси “Ўзбекистоннинг графика ва ҳайкалтарошлик санъати” Республика кўргазмасини ташкил этди.

Марказий кўргазмалар залида элликдан ортиқ муаллифнинг беш юздан зиёдроқ асари намойиш этилди.

Апрель. Брюгге шаҳрида (Бельгия) Африка, Осиё ва Лотин Америкасининг XVI Халқаро кинофестивали бўлиб ўтди, унда 30 давлатдан тақдим этилган 60 та фильм намойиш этилди. “Фокус” дастурида Ўзбекистондан

режиссёр З. Мусоқовнинг “Яратганга шукур” ва режиссёр Т. Камолова-нинг “Атроф қор билан қопланган” фильмлари намоиш этилди.

Апрель. Тошкентда баянчи ва аккордеончиларнинг “Янгра, баяним” номи остида шаҳар фестивали бўлиб ўтди.

Апрель. Бонн, Бохум, Вуперталь, Дортмунд, Шверт шаҳарлари (Германия) концерт майдонларида Навоий шаҳар “Ширин” хор жамоаси ва В. Успенский номидаги ўрта махсус мусиқа мактаб-интернати ўқувчиси Л. Астанованинг фортепьяно классси бўйича томошалари муваффақиятли ўтди.

Апрель. Измирда (Туркия) ўзбек рассоми, Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги Шомаҳмуд Муҳаммаджоновнинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. Қирқта миниатюрадан иборат кўргазма 20 кун давомида Зиё Гулкап номли Маданият марказида намоиш этилди. Алишер Навоийнинг “Хамса”, Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлар” асарларига чизилган миниатюралар, шунингдек, Бедил, Паҳлавон Маҳмуд портретлари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Апрель. Республика Киночилар уйида кинофотоҳаваскорларнинг VII анъанавий фестивали бўлиб ўтди. Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан бир юз қирқ нафар ўқувчи қатнашди. Киноҳаваскорлар ҳакамлар ҳукмига 4 йўналишдаги фильмларни тақдим этишди.

Ўзбекистон ҳаётини жонли ва мазмундор акс эттирган ҳаваскорлик фильмлари учун ўқувчи ёшлар орасида Қорақалпоғистондан С. Самандаров, Самарқанддан В. Кадешников ва Наманган вилоятидан Д. Умурзоқовлар биринчи ўрин олишди.

Фотоҳаваскорлар орасида биринчи ўринларни Сирдарё, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг вакиллари эгаллашди.

Апрель. Франция ва Германиянинг ёш санъат вакиллари апрель ойида Ўзбекистонда 15 кунлик сафарда бўлишди. Улар Тошкент, Самарқанд ва Бухоронинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Бастакорлар уюшмасида бўлдилар, бу ерда иқтидорли ёшлар санъати билан танишдилар. Уюштирилган концертда меҳмонлар ҳам қатнашдилар.

Апрель. В.Успенский номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатининг бир гуруҳ иқтидорли ўқувчилари республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Тамара Попович раҳбарлигида Францияда — Париждаги Расин номли лицейда ва Германияда — Берлиндаги Бах номли гимназияда бўлиб, у ердаги таълим жараёни, ўз тенгдошларининг ҳаёти билан танишдилар.

Апрель. Шу ойда Миср радиосида Ўзбекистонга бағишланган иккита дастур эшиттирилди (муаллифлари — муҳаррир Маха Жамол ва директор Маха шаҳзода Аҳмад).

Биринчи эшиттириш Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги туб ўзгаришларга, иккинчи эшиттириш республикамизнинг илмий интеллектуал салоҳиятига ва унинг манбаларига бағишланди. Муаллифлар ўзбек халқининг буюк аждодлари маънавий меросининг тиклани-

ши ҳақида гапирар эканлар, Амир Темури, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний юбилейлари, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда ўтказилган тантаналар ҳақида ҳикоя қилдилар.

Апрель. Тошкентда ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбллари ва оркестрлари мусиқа фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда республикадаги барча мусиқали ўқув юртларининг ижодий жамоалари, композиторлар, ўқитувчилар, санъатшунослар иштирок этдилар.

Фестиваль доирасида ўтмиш ва замонавий мусиқий меросни ўрганишга оид илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Апрель. М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг халқ чолғу асбоблари кафедрасининг 50 йиллигига бағишланган ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрларининг Республика фестивали бўлиб ўтди.

Апрель. Тошкентда театр санъатининг анъанавий “Наврўз-99” фестивали бўлиб ўтди. 10 кун давомида Тошкент театр саҳналарида томошабинлар Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон вилоятлари ва шаҳарлари санъаткорларининг энг яхши асарлари билан танишдилар.

Биринчи ўрин Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театрининг “Етти фарёд” спектаклига берилди.

Режиссёрлар орасида Рус академик драма театри бадий раҳбари Владимир Шапиро “Қоронғулик ёки бўшлиқ ўйини” спектакли учун энг яхши режиссёр деб тан олинди.

Энг яхши безак учун фестиваль соврини Фарғона вилоят мусиқали драма театри рассоми Шухрат Абдумаликовга “Осмонга сигмаган муҳаббат” спектакли учун берилди.

Энг яхши аёллар роли учун фестиваль совринлари Бердақ номидаги Қорақалпоғистон мусиқали драма театрининг актрисаси Н. Колмуратова ва Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят театри актрисаси А. Ҳайитовага топширилди.

Эркаклар ролини ижро этишда энг яхши актёр деб Аброр Ҳидоятлов номли ўзбек Давлат драма театрининг актёри Элёр Носиров ва Алишер Навоий номли Давлат академик Катта опера ва балет театри актёри Аваз Ражабовлар топилди.

Апрель. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида Жаҳон китоблар куни ва муаллифлик ҳуқуқига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Бу кун БМТ доирасида 1995 йилдан буён нишонлаб келинади. Семинар БМТ ваколатхонасининг ахборот маркази ҳамда муаллифлик ҳуқуқи “Тарғибот” маркази томонидан ташкил этилди.

Семинарда жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Унинг иштирокчилари чет эллар ва Ўзбекистонда мавжуд фан, санъат ва адабиёт соҳасидаги интеллектуал мулк ҳамда уни ҳимоя қилиш механизмлари масалаларини муҳокама қилдилар.

Апрель. Нукусда Оролбўйи минтақаси бахшиларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Бахтиёр Есемуротов, Тенгел Қалиев, Зиёда Шарипова ва Зулфия Арзимбетовалар танлов ғолиблари деб топилди.

Апрель. Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонасида ҳайкалтарош Гулсара Ражабова, рангтасвирчи Галия Абдурахмонова, график Гулзор Султонова асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Франция ўртасида маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга ёрдам берувчи бу тadbир Ўзбекистон Бадий академияси ва Ташқи ишлар вазирлиги ташаббуси билан ўтказилди.

Апрель. М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида “Ассалом, Наврўз” хор кўшиқлари Республика фестивали бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, ватанимиз пойтахти ва вилоятларнинг 30 га яқин ижодий жамоалари иштирок этди. Глиэр номидаги, В. Успенский номидаги республика махсус мусиқа мактаб-интернатлари, Тошкентдаги 6-сон болалар мусиқа мактаби, ТошДУ ва “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмаси хор жамоалари кўрик якунларига кўра энг яхши деб топилди.

4 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов “Миллий адабиётни ривожлантиришдаги катта хизматлари, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга, унинг маънавияти ва маданиятини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тўлепберган Қаипбергенов ва Ўзбекистон халқ шоири Иброҳим Юсуповни “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

6 май. Тошкентдаги Миср Араб Республикаси фан ва таълим марказида тошкентлик rassom Жўра Асроннинг шахсий кўргазмаси очилди. У Ўзбекистоннинг кўпгина таниқли фан ва маданият арбоблари портретларининг муаллифидир. Ж. Асрон Германия, Австрия, Руминия, Болгария, Туркия ва Эронда чизган кўплаб йўл чизгиларини намойиш этди.

9 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов Фармони билан республикада биринчи бор 9 май Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланди. Тошкентда Хотира майдонининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ерда Республиканинг барча вилоятларидан уруш ва меҳнат фахрийлари, вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари тўпланди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов нутқ сўзлади. У жанг майдонларида ва фронт ортида мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган халқимизни Хотира ва қадрлаш куни билан табриклади. Шу куннинг ўзида Тошкентда соат 21 да тўплардан 21 марта ўқ узиб салют берилди ва байрам мушаклари отилди.

12-13 май. Термизда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон бахши ва оқинларининг биринчи Халқаро кўрик-фестивали бўлиб ўтди.

“Алпомиш” — боқий асар” деб ном олган бу фестивалда Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан, шунингдек, Туркменистон, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган юзга яқин бахши ва оқинлар ўртасида дoston, шеър ва кўшиқ, айтув баҳси бўлиб ўтди.

17-21 май. Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида “Қурилиш индустрияси” кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди.

17-22 май. Андижонда “Андижон баҳори-99” номли Халқаро театрлар фестивали бўлиб ўтди. Унда Қирғизистон, Бошқирдистон, Тошкент, Наманган ва Андижон театр жамоалари қатнашди.

18 май. Тошкентда “Классикага муҳаббат билан” тасвирий санъат кўргазмаси очилди. Ушбу кўргазмада Ўзбекистон рангтасвиричи ва китоб безакчилари, ҳайкалгарошларининг юзга яқин асари намойиш этилди. Уларда замонавий ижодкорларнинг мозийдаги устозлардан қандай ўрганганликлари, устозлар билан мулоқотда бўлиш расомларнинг камол топишига нечоғли самарали таъсир кўрсатиши ўз ифодасини топган.

18 май. Пойтахтнинг “Туркистон” саройида Халқаро музейлар кунига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда вилоятлар ва Тошкент шаҳри музей ходимлари, маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари ва пойтахт меҳмонлари иштирок этишди.

Тантанали кеча давомида “Мозийдан садо” номли янги журналнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди, у ўзбек, инглиз ва рус тилларида нашр этила бошлади.

Саройнинг фойсидида “Ўзбекистон музейлари — кеча, бугун, эртага” кўргазмаси ташкил этилди. Унинг экспонатлари республикамиз тарихи ва бугунги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

22 май. Аёллар йили муносабати билан “Ўзбекистон” нашриёти “Аёлга эҳтиром” тўпламини нашр этганлиги ҳақидаги хабар эълон қилинди. Тўпланда ижтимоий ҳаётда аёл ролини ошириш ҳақида Президент И. Каримовнинг фикр-мулоҳазалари, расмий ҳужжатлар билан бир қаторда публицистик мақолалар, тарихда ўчмас из қолдирган Шарқнинг Тўмарис, Бибиҳоним, Гулбаданбегим, Зебуннисо, Нодира, Увайсий сингари буюк аёллари ҳақида ҳикоя қилувчи тасвирий санъат асарларидан намуналар ҳам ўрин олган. Китобда яна уларнинг ҳозирги издошларига бағишланган мақолалар, ўзбек мумтоз адабиёти вакилларининг шеър ва очерклари, замонавий шоирлар ва ёзувчиларнинг оналаримиз, рафиқаларимиз ва опсингилларимизни тараннум этувчи асарлари берилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон хотин-қизлари санъат ва спортда эришган улкан ютуқларни акс эттирувчи рангли суратлар ҳам китобдан ўрин олган.

25 май. Республика Амалий санъат музейида “Франциянинг қадимги либослари” кўргазмаси очилди. Уни пойтахт жамоатчилигига Франциянинг Ўзбекистондаги Фавкулотда ва Мухтор Элчиси Жан-Клод Ришар тақдим этди. Санъатшунос Одил Арвелве-Баше тавсия қилган бой экспозициядан замонавий жаҳон модаси сардори бўлмиш ушбу мамлакат минтақалари миллий либослари ҳақида ҳикоя қилувчи турли нашрлар, китоблар, журналлардаги ноёб фотосуратлар, факсимилелар ўрин олган.

27 май. Мамлакатимизнинг бош ахборот муассасаси — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Интернетда ўз саҳифасини очганлиги ҳақида хабар эълон қилинди. Ундан сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётимизга

оид барча спорт ҳақидаги муҳим хабарларни, янгиликларни билиб олишимиз мумкин.

28 май. Тошкентдаги “Туркистон” саройида Тўхтасин Жалилов номли Давлат академик миллий чолғу асбоблари оркестри хизмат кўрсатган жамоасининг 60 йиллиги тантанали нишонланди.

Юбилей концерти дастурида ўзбек композиторларининг асарлари, турли мамлакат халқларининг мусиқаси, классик композиторлар ҳамда замонавий муаллифларнинг асарлари янгради.

31 май. Тошкентда рақс дунёсида ёш истеъодларни етиштириш мақсадида Мукаррама Турғунбоева номидаги Республика танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

“Раққоса” ва “Ўйна, гўзал” рақсларини моҳирона ижро этган “Ўзбек-рақс” бирлашмаси “Лазги” ансамблининг раққосаси Рагиза Ҳожихонова танловнинг олий мукофотига сазовор бўлди.

Биринчи ўринни хоразмлик Садоқат Ниёзматова эгаллади, сирдарёлик Назокат Қорахўжаева ва тошкентлик Шаҳноза Каримовалар иккинчи ўринни, қашқадарёлик Феруза Самиева ва қорақалпоғистонлик Дилноза Пиржоновалар учинчи ўринни эгалладилар.

Май. Тошкентда замонавий мусиқа ва “Илҳом-XX” театри IV Халқаро фестивали бўлиб ўтди. У Ўзбекистон — Очқ Жамият Институти, “Илҳом” театри томонидан Ўзбекистондаги Европа мамлакатлари ва АҚШ элчихоналари ҳамкорлигида ташкил этилган. Фестивалга тақдим этилган 200 га яқин асарнинг кўпчилик қисми Тошкент концерт майдонларида биринчи бор янгради.

Май. Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан эълон қилинган “Наврўз — боқий байрам” кўрик-танлови якунланди.

Ўзбекистон телевидениесининг “Наврўз — оммавий байрам” телемарафонини уюштирувчилари ҳамда Республика радиосининг “Маориф ва тарбия” таҳририяти Наврўзга аталган эшиттиришлар учун “Энг яхши таҳририят” совринига сазовор бўлишди. “Энг яхши мақола учун” мукофот “Ўзбекистон овози” газетаси мухбирлари Салим Ашур, Кўчқор Норқобил, Нурбек Тошнӣёз ва Саида Бонуга берилди.

Май. Тошкентда биринчи бор Жанубий Кореялик 18 ёшли рассом Ким Жон Хоннинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. Ёш рассом Ўзбекистон Бадиий академиясининг Республика тасвирий ва амалий санъат лицейида икки йил таълим олган. Кўргазмада Ўзбекистоннинг манзаралари, такрорланмас табиати, натюрмортлар, портретлар, жанрий расмлар намоиши этилди.

Май. Бишкекда “Чингиз Айтматов ва театр” Халқаро театр санъати фестивали бўлиб ўтди. Унда республикамиз номидан Қарши шаҳридаги “Эски мачит” театр студияси қатнашди. Чингиз Айтматов асари асосида яратилган “Найман она нидоси” спектакли учун Қарши театр-студияси фестивалининг энг олий соврини — “Гран при”га сазовор бўлди.

Май. Самарқандда Зиёлилар саройи очилди. Энди бу ерда илмий конференциялар, ижодий кечалар, ранг-баранг мубоҳасалар бўлиб ўтмоқда.

Май. Тошкентда “Зарб-99” кўрик-танлови бўлиб ўтди, унда Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан, Қорақалпоғистон ва Тошкентдан вакиллар қатнашди. Ушбу анъанавий, ёш истеъодларнинг учинчи байрамида Т. Иноғомов номидаги Республика ўқувчилар саройи солистлари — халқ чолғу асбоби — доирани зўр маҳорат билан ижро этганлари учун голиб деб топилдилар. Иккинчи ўринни эса Самарқанднинг “Сўғдиёна” гуруҳи доирачилари ва учинчи ўринни бухороликлар қўлга киритишди.

Май. Италиядаги етакчи оммавий ахборот воситалари журналистлар делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди. Мамлакатимизга ташрифи чоғида чет эллик мухбирлар республиканинг турли вазирликлари, идоралари ва компаниялари раҳбарлари билан учрашдилар.

Май. Тошкентда Словакия рангтасвир расмлари ва миллий хунармандчилик буюмлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

1 июнь. Алишер Навоий номли Давлат академик Катта опера ва балет театрида “Евгений Онегин” спектакли билан Пушкин ҳафталиги бошланди.

4 июнь. Мамлакатимиздаги Чехия элчихонасида Прагада бўлиб ўтган болалар расмлари Халқаро танловида голибликни қўлга киритган тошкентлик ўқувчилар — 11 ёшлик Юлия Исонова ва 12 ёшлик Саидмалик Акбаровларни қутлаш маросими бўлиб ўтди. Танловда дунёнинг 70 мамлакатидан ёш рассомларнинг ўн мингдан ортиқ расмлари намойиш этилди, улар орасида ўзбекистонлик болаларнинг ҳам юздан ортиқ расмлари бор эди.

6 июнь. Мамлакатимизда буюк рус шоири А. С. Пушкиннинг 200 йиллик юбилеи кенг нишонланди. Тошкентда шоир ҳайкали пойига гуллар қўйиш маросими бўлиб ўтди. Республика байналмилал маданий марказида юбилей кечаси ҳамда “Ўзбекистон рассомлари Пушкин ҳақида” кўргазмаси бўлиб ўтди.

10 июнь. Тошкентда Алишер Навоий номли Давлат академик Катта опера ва балет театрида П. Чайковскийнинг “Уйкудаги гўзал” балети билан Сибирь Катта театри балет артистлари Нелла Алимова ва Халқаро балет артистлари конкурси лауреати ҳамда Сергей Дягилев номидаги мукофот лауреати Денис Владимиров гастроллари бошланди.

11 июнь. Тошкентда “Модалар байрами” номли иккинчи Республика фестивали бўлиб ўтди.

14 июнь. Тошкентда Россия Федерацияси элчихонасида Алишер Навоий номли театр раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Бернора Қориевага Ўзбекистонда А. С. Пушкин юбилейини ўтказишда ижодий ҳисса қўшганлиги учун Россия Федерацияси Маданият вазирлигининг махсус мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Россия Маданият вазирлиги вакили Майя Кобахидзе Бернора Қориевага Россия Федерацияси Маданият вазири В. Егоровнинг ташаккурно-

масини ўқиб берди ва Халқ артистига А.С.Пушкин таваллудининг 200 йиллигига атаб чиқарилган медални топширди.

21-27 июнь. Каннда (Франция) Халқаро реклама фестивали бўлди. Унда Улуғбек Ҳамроев томонидан яратилган “Шлагбаум” ўзбек реклама ролиги биринчи бор намоёниш этилди.

26 июнь. Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси эълон қилган “Йилнинг энг яхши журналисти” танлови якунлари эълон қилинди. Ижодий ишлари учун биринчи мукофотлар ЎзТВ “Ахборот” дастури шарҳловчиси Кимё Хўжаевага, ҳуқуқий масалалар бўйича шарҳловчи Сафар Остоновга, “Халқ сўзи” газетаси бўлим муҳаррири Исмоил Сулаймоновга; иккинчи мукофотлар ЎЗА Республика ахборот таҳририяти бош муҳаррири Беҳзод Усмоновга, ЎзТВ “Давр” дастури шарҳловчиси Хайрулла Нуриддиновга, “Ўзбекистон овози” газетаси муҳбири Юнус Узоқовга; учинчи мукофотлар “Народное слово” газетаси бўлим муҳаррири Людмила Кучеренкога, “Водил ёғдуси” (Фаргона тумани) газетаси бош муҳаррири Собиржон Дадахўжаевга, “Овози тожик” газетаси бўлим муҳаррири Бекназар Тўйназаровга берилди.

Июнь. “Ипак Йўли санъати ва ҳунармандчилиги” — шундай ном остида Лондоннинг “Чэлси отд таун холл” саройида ўзбек амалий безак санъати асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда миллий либослар ва чолғу асбоблари, сўзана ва гиламлар, заргарлик, зардўзлик ва сопол буюмлари, локли миниатюралар ва китоблар учун ёғочдан тайёрланган лавҳалар, шунингдек, анъанавий ўзбек атласларидан тикилган замонавий хотин-қизлар либослари намуналари ва рассом В. Охуновнинг рангтаъсир асарлари намоёниш этилди. Шу билан бир қаторда инглиз фотоусталари Р. Моррис ва С. Парнасининг “Ўзбекистон қиёфалари” номи остидаги суратлари ҳам намоёниш этилди.

Июнь. Ўзбекистон Давлат санъат музейида халқ рассоми Алишер Мирзонинг таваллуд топган кунига 50 йил ва ижодий фаолиятига 25 йил тўлишига бағишланган унинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Июнь. Республика адабий жамоатчилиги ХХ аср ўзбек адабиётининг таниқли арбоби Элбек таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлади. Шу муносабат билан Тошкент вилоятининг ёзувчи туғилиб ўсган Бўстонлик туманида адабиёт, санъат, фан арбоблари, шоирнинг қариндошлари ва яқин дўстлари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Газалкент шаҳрида шоир ҳайкали очилди, Элбек ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Июнь. Чимёнда Ўзбекистон кўшиқларининг навбатдаги “Чимён — ЭКО-99” фестивали бўлиб ўтди. Унда россиялик кўшиқчи муаллифлар ҳам иштирок этишди. Зарафшонлик Т. Ёрмухамедов, О. Томилин, В. Набережнийлар, тошкентлик В. Ерёмин ва Навоийдан А. Токаренколлар фестивал лауреатлари бўлдилар.

Июнь. Дубай шаҳрида (Бирлашган Араб Амирликлари) цирк санъати Халқаро фестивали бўлиб ўтди. Унда Казбек Қораев бошчилигидаги паркент-

лик “Ўзбек дорбозлари” оилавий гуруҳидан иборат ўзбек артистлари иккинчи ўринни эгалладилар.

Июнь. “Бухороча” фольклор миллий ашула ва рақс ансамбли Германия бўйлаб ижодий сафарда бўлди. Бухоролик артистлар Бонн, Берлин, Кёльн, Потсдам шаҳарларида бўлган вақтларида ўндан ортиқ концерт бердилар. Рейн соҳилидаги гала-концертда иширок этдилар. Бу концертда Германияда ваколатхоналарига эга бўлган барча мамлакатлар ижодий жамоалари ўз маҳоратларини намоиш қилдилар.

Июнь. Тошкентда замонавий чех ёзувчилари ижодиётига бағишланган “Ғала-ғовурли ёлғизлик” номли кўргазма бўлиб ўтди. Уни мамлакатимиздаги Чехия Республикаси элчихонаси уюштирди.

Июнь. Арнеме шаҳрида (Голландия) ўзбекистонлик болалар расмлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Июнь. Самарқандда талабалар кўшиқлари танлови бўлиб ўтди, унда республика ўрта ва олий ўқув юртларининг 48 та бадиий жамоалари иштирок этди. Танлов ғолиблари турли қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан тақдирландилар.

Июнь. Тошкентда “Растр” журналининг биринчи сони чиқди, унинг таъсисчилари Давлат Матбуот қўмитаси ва “РАСТР” ўзбек-инглиз қўшма корхонаси бўлди.

Июнь. Боннда (Германия) жаҳон халқлари маданиятлари “Толеранс” VII Халқаро фестивали бўлиб ўтди. Унда Бухородан “Шашмақом” мусиқа ансамбли жамоаси биринчи бор иштирок этди, шунингдек, Ўзбекистоннинг амалий ва зардўзлик санъати буюмлари намоиш этилди.

5 июль. Навоий вилоятида мусиқий-шеърый бадиҳа усталари — оқинларнинг Республика фестивали якунланди. Фестивалнинг “Гран при” соврини Томди туманидан оқин, ўқитувчи Нурлибек Тасқараевга, биринчи ва иккинчи ўринлар эса Қулмахон Дусенов ва Тошкент вилоятидан Норгул Тўймановаларга берилди.

6 июль. Тошкентда Ҳаким ат-Термизий номидаги янги 7 қисмли бадиий-публицистик фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Бу фильм буюк алломанинг ҳаёти ва ижодига бағишланган. Фильм Сурхондарё вилояти ҳокимияти буюртмасига биноан “Олтин мерос” Халқаро хайрия жамғармаси қошидаги “Меросфильм” студияси томонидан яратилган. Сценарий муаллифи — ёзувчи Ф. Мусаёнов, бош режиссёр Ф. Шермухамедов, бош ролни Ўзбекистон халқ артисти Ё. Аҳмедов ижро этган.

22 июль. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида рассом Раҳмон Шодиёвнинг шахсий кўргазмаси очилди.

27 июль. Саудия Арабистонида Ислоҳ Каримов китоблари нашр этилгани ҳақида хабар эълон қилинди. Саудия Арабистонининг энг катта нашриётларидан бири бўлган “Ал-Саравот” чоп этган мазкур тўпلامдан давлатимиз бошлиғининг қуйидаги йирик фундаменталь асарлари ўрин ол-

ган: “Ўзбекистон: ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, шунингдек, унинг “Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда” номли суҳбати ҳам киритилган.

28 июль. Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида “Шарқ гавҳари — Самарқанд” номи остида кўргазма бўлиб ўтди. Унинг асосий экспозицияларига ўзбек фотожурналистларининг мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган ютуқларни ёритган ишлари қўйилган.

Июль. Бўстон шаҳрида Ўрта Осиёнинг машҳур ҳофизларидан бири, Ўзбекистон ва Татаристон халқ артисти Отажон Худойшукуров хотирасига бағишланган биринчи Республика ёшлар кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Хоразмлик Равшан Матёқубов ҳамда бухоролик Сойибжон Ниёзовлар танлов ғолиби бўлдилар.

Июль. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тошкентлик рассом В. Ю. Шумилов мўйқаламига мансуб уч жасур ака-ука саргузаштлари ҳақидаги эртақ акс эттирилган 7 хил рангли почта маркалари муомалага чиқарилди.

Июль. Ўзбекистон Санъат музейида замонавий Эрон рассомлари асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Июль. Республика болалар ижоди Марказида Хотин-қизлар йилига бағишланган “Темурийлар даври маликалари” номи остида тасвирий санъат асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Мамлакатимиз тарихига бағишланган кўргазмада болалар ижоди Маркази ҳамда унинг вилоят студиялари аъзоларининг эллиқдан ортиқ расмлари намойиш этилди. Ёш рассомлар Темурийлар даври маликаларини ўзлари тасаввур қилганларича хилма-хил талқин қилишган.

Ҳакамлар қарорига кўра 10 ёшлиқ Василя Солиҳованинг “Суҳбат” деб номланган расми биринчи ўринни эгаллади.

Июль. Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Республика тасвирий ва амалий санъат лицейи ўқувчилари Аҳмаджон Муҳсинов ҳамда Ким Жон Ханларнинг “Ёшлиқдаги эзгу ҳисларим” номли биринчи кўргазмаси бўлиб ўтди.

Июль. Чимён сайёҳлик мажмуида “Буюк Ипак йўли” санъат фестивали бўлиб ўтди.

4-6 август. Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани Йик ота хўжалигида “Ранглар жилоси” номи остида ногирон болаларнинг 4-Халқаро бадий танлови ўтказилди. Биринчи ўрин Фарғона вилоятидан Шухрат Урумбоевга берилди. Иккинчи ўринни қозоғистонлик Аманат Мусин ва қорақалпоғистонлик Лилия Лошмановалар эгаллашди. Учунчи ўрин Самарқанд вилоятидан Ирина Давидовага, Андижон вилоятидан Фаррух Мадраҳимов ҳамда Навоий вилоятидан Ёрқин Шомуродовларга берилди.

6 август. “Ўзбекистон маркаси” акционерлик бирлашмаси тайёрлаган ҳамда почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан “Қорабайирлар” почта маркалари муомалага чиқарилганлиги ҳақидаги хабар эълон қилинди. Тошкентлик ёш rassom А.Алиқулов бажарган “Қорабайирлар” — 8 та почта миниатюрасида ўз аксини топган.

6-10 август. Бухорода иккинчи миллий фильмлар кинофестивали бўлиб ўтди.

10 август. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси базасида “Журналистиканинг ёзги мактаби-99” ўз ишини бошлади. Журналистларни қайта тайёрлаш Халқаро маркази ва ЮНЕСКОнинг медиа-ресурс маркази ҳамкорлигида Республика “Устоз” жамғармаси ушбу икки ҳафталик ўзига хос журналистлар мактабининг ташаббускорлари бўлишди.

Ёзги мактабнинг 16 тингловчиси Тошкент ва Нукус Давлат университетлари ҳамда Жаҳон тиллари университети ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетлари ўқитувчиларидир.

Чет элда кадрлар тайёрлаш тажрибасини ўрганиш ҳамда тингловчиларни энг янги концепция, назария ва методологиялар билан таништириш мақсадида мактабга Туркия, АҚШ ва бошқа мамлакатлардан маърузачилар таклиф этилди.

12-13 август. Тошкентдаги “Туркистон” саройида “Ўзбекистон — Ватаним маним” кўшиқ танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар ҳамда баъзи вазирликлар тизимида ўтказилган танловнинг олдинги босқичларида ғолибликни қўлга киритган, мавзу ва ижрочилик маҳорати турлича бўлган 50 дан ортиқ асарлар ижро этилди.

Танлов натижаларига кўра Шаҳло Рустамова ижросидаги “Огоҳ бўлинг” кўшиғи (И. Турсунов шеъри, Ш. Рустамова мусиқаси) биринчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети жамоаси, сурхондарёлик хонанда Манзура Қодирқулова ва навоийлик Шерзод Остоновга иккинчи ўрин берилди. Муллатўйчи Тошмухамедов номидаги Қашқадарё Мусиқали драма театри жамоаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ҳамроқулов ҳамда сирдарёлик Шерзод Одинаевга учинчи ўрин берилди.

15 август. Халқлар дўстлиги саройида мустақилликнинг саккиз йиллигига бағишланган “Ўзбекистон — Ватаним маним” кўрик-танловининг ғолиблари, лауреатлари ҳамда санъат усталари ва ёш хонандалар иштирокида катта гала-концерт бўлиб ўтди.

Шу куни мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида анъанавий бўлиб қолган Ўзбекистон кўшиқ байрами кенг нишонланди. Машҳур артистлар ва бадий ҳаваскорлар жамоалари иштирокида катта байрам концертлари намойиш этилди.

19 август. “Ислом Каримов миллий давлатчилик, мустақиллик мафкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида” номли китоби нашр этилганлиги тўғрисида ЎзАнинг хабари эълон қилинди.

Китобга миллий давлатчилик ва мустақиллик мафкурасини шакллантириш, демократик давлат, ҳуқуқий ва фуқаровий жамият барпо этишда маънавият ва мустақиллик мафкурасининг аҳамияти, ҳуқуқий маданиятни ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарларидан парчалар, нутқлар ва маърузалар киритилган.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги Академияси томонидан ўзбек ва рус тилларида кўп минг нусхада нашр этилди.

24 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпонни миллий истиқлол учун курашдаги матонати ва буюк хизматлари, ўзбек адабиётини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун (ўлимидан сўнг) “Мустақиллик” ордени билан мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

26-31 август. Самарқандда иккинчи Халқаро “Шарқ тароналари” мусиқа фестивали бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатидан 350 дан ортиқ хонанда ва мусиқашунослар қатнашди. Фестивалнинг энг олий мукофоти “Гран при” Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли яккахон хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Сагторовага берилди.

Август. Бойсунда “Алпомиш” дostonи юбилейини нишонлаш доирасида ёш бахши ва рассомларнинг Республика кўрик-танлови ўтказилди. Унда ёш бахшилар “Алпомиш” дostonидан парчалар ижро этишди. Ёш рассомларнинг дoston мавзуйига доир яратилган асарлари намойиш қилинди.

Кўрик-танловнинг олий мукофоти Зулҳумор бахши Шерназаровага берилди. Исроил Анваров, Абдуқаҳдор Умаров, Равшан Маматраҳимовлар ҳам мукофот олдилар.

Чоршанби Маматқулов яратган рангасвир асарлари ҳамда Холбой Ҳасан ўғли зўр маҳорат билан чизган Ойбарчин портрети энг яхши деб топилди.

Август. Термизда Ўрта Осиё республикалари халқ оқинлари ва бахшиларининг “Алпомиш” дostonи юбилейига бағишланган фестивали бўлиб ўтди.

Унда Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қорақалпоғистондан ҳамда Ўзбекистоннинг бир қатор вилоятларидан келган юздан ортиқ оқин ва бахшилар иштирок этишди. Танлов икки йўналшда — ёш кўшиқчилар ва катта ёшдаги бахшилар орасида ўтказилди.

Ёш ижрочилар орасида бахши Зиёда Шарипова энг яхши бахши деб топилди, иккинчи ўрин Зулфия Арзимбетовага берилди, учинчи ўрин халқ бахшиси Бахтиёр Есемуродовга ҳамда бахши Абдусамат Кўжаковга насиб этди.

Катта ёшдаги ижрочилар ўртасида бир овоздан Қорақалпоғистон халқ бахшиси Жумабой Бозоров биринчи ўринга муносиб деб топилди. Иккинчи ўрин бахши Тенгелбой Қалиевга берилди.

Август. Термизда чегарачиларнинг “Чегара юлдузлари” номли кўшик кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Август. Ўзига Огаҳий деб адабий тахаллус олган шоир, тарихчи, таржимон Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўгли таваллудининг 190 йиллигига бағишлаб чиқарилган янги почта маркаси юртимизнинг адабий мавзуга доир почта маркалари хазинасини бойитди. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги муомаллага чиқарган марказдаги Огаҳий тимсолини тошкентлик rassom С. Шарипов чизган.

Август. Бангкокда (Таиланд) Халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон артистлари ҳам иштирок этишди. Фестивалда Ўзбекистон Давлат симфоник оркестрининг симфоник концерти ва Алишер Навоий номли Давлат академик Катта опера ва балет театри артистлари ижросида учта балет намоиш этилди.

8 сентябрь. Пойтахтнинг Амалий санъат музейида Ўзбекистонда Япония Маданият кунларининг тантанали очилиши бўлиб ўтди.

9 сентябрь. Тошкентда “Ўзбекистон — Эрон” дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди.

11 сентябрь. Москвада юз минг нусхада нашр этиладиган “Федеральная газета” ўзининг август сонини бутунлай Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига бағишлаганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди. Чиройли суратлар билан безатилган 24 саҳифали ушбу нашрда 1991 йилда эришилган мустақилликдан сўнг мамлакатимизнинг босиб ўтган йўли ҳақида ҳикоя қилувчи турли-туман ахборотлар берилган.

13-18 сентябрь. Тошкентда корейс маданияти ҳафталиги бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида кўргазма намоиши билан бошланди. Бу кўргазмада Ўзбекистонда истиқомат қилаётган корейс миллатига мансуб rassomларнинг 200 га яқин асари намоиш қилинди.

15 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида жадидлар ҳаракати вакиллари — Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулҳамид Сулаймон ўгли Чўлпон, Тавалло, Файзулла Хўжаев, Мунаввар Қори, Муҳаммадшариф Сўфизодага бағишланган “Унутилмас сиймолар” тўпламининг тақдими бўлиб ўтди. Тўплам тарих фанлари докторлари С. Аъзамхўжаев ва Д. Алимова ҳамда филология фанлари номзоди Ш. Ризаевлар томонидан тайёрланган.

20-21 сентябрь. Тошкентда Буюк Ипак йўлини тиклаш бўйича Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унинг ишида Марказий Осиё мамлакатларидан ташқари Хитой, Туркия, Грузия, Озарбайжон, Сурия ва бошқа бир қатор давлатлар ҳамда БМТ, Халқаро йўл федерацияси каби нуфузли Халқаро ташкилот вакиллари ҳам қатнашдилар.

Конференция иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов табрик мактуби йўллади.

21 сентябрь. Тошкентда хотин-қизлар йилига бағишланган “Энг ибратли келинчак” иккинчи Республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда ҳудудий танловлар голибаларидан ўн тўрт нафари иштирок этди. Улар орасида тошкентлик Раъно Каримова мутлақ голиб деб топилди. Биринчи ўрин эса Наманган вилоятидан Марғуба Сиддиқовага берилди.

25 сентябрь. Қирғизистон, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистон таниқли маданият арбоблари томонидан имзоланган ва Марказий Осиё халқлари маданият арбобларига йўлланган “Халқларимизнинг тинч ҳаёти учун кураш — муқаддас бурчимиздир” мурожаатномаси эълон қилинди.

30 сентябрь. Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўرғазмалар залида фотожурналист Фарҳод Курбонбоев ва фоторассом Владимир Ковреиннинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” деб номланган фотоқўрғазмаси очилди.

Сентябрь. Пойтахтнинг “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида “Ипак йўлида телебозор-99” Халқаро телевизор бозори бўлиб ўтди. Унда 120 дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этишди.

Сентябрь. Финале Лигори шаҳрида (Италия) “Олтин пальма” деб номланган Халқаро камер мусиқа танлови бўлиб ўтди. Йигирма олтинчи марта ўтказилаётган ушбу мусиқа танловида Япония, Франция, АҚШ, Жанубий Корея, Германия, Хитой каби ўн етти мамлакатнинг етакчи санъаткорлари иштирок этдилар. Ўзбекистондан Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг аспиранти Мадина Файзиева иштирок этди ва учинчи ўринни эгаллаб, танлов совриндори бўлди.

Сентябрь. Вико Экуэнзе шаҳрида (Италия) олтинчи Халқаро фольклор фестивали ўтказилди. Ўзбекистондан Тошкент Давлат консерваториясининг бир гуруҳ ўқитувчи ва талабалари қатнашишди. Фестивалнинг энг ёш иштирокчиси, доирачи Рустам Тоғаймуродовнинг чиқиши иштирокчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида XX аср бошларида юртимизда фаолият кўрсатган жадидчилик ҳаракати намояндalари — маърифатпарварларга бағишланган кўрғазма бўлиб ўтди. Кўрғазмада жадидчилик ҳаракати намояндalарининг портретлари, уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи фотосуратлар, ҳужжатлар, муаллифларнинг бадий асарлари намойиш этилди.

Сентябрь. Тошкентда бахши-оқинларнинг навбатдаги Халқаро кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда 20 та бахши иштирок этди, шу жумладан, 11 киши Ўзбекистондан, 8 киши Қозоғистондан ва бир киши Қирғизистондан эди. Бош совринга Тароз шаҳридан (Қозоғистон) Муҳаммеджон Тозабеков сазовор бўлди. Чимкент шаҳридан Ақмарал Леубаевага биринчи ўрин берилди. Жиззах вилояти Мирзачўл туманидан Бўрибой Оразимбетов ва тарозлик Олтинқўл Қосимбекова иккинчи ўрин соҳиби бўлишди.

Сентябрь. Тошкентда “Ўзбекистон—Греция” дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди.

Сентябрь. Қуддусда 28-Халқаро санъат кўргазмаси ва хунармандчилик ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда турли қитъалардан 31 давлат иштирок этди. Кўргазмада Ўзбекистон биринчи бор қатнашиб, ўзининг бой экспозициясини намойиш этди.

Сентябрь. Тошкентда “Ўзбекистон — Эрон” дўстлик жамиятининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамият Низоми тасдиқланди ва бошқарув аъзолари сайланди.

Сентябрь. Токионинг “Нью-Отани” меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига бағишланган кўргазма катта муваффақият билан ўтди. Вернисажда Ўзбекистоннинг таниқли маданият арбоблари — кулолчи А.Нарзуллаев, сураткашлар Ф. Қурбонбоев ва В. Ковреинларнинг асарлари намойиш этилди.

Сентябрь. Анапада бўлиб ўтган МДХ мамлакатлари ва Болтиқбўйи давлатлари VIII Халқаро кинофестивалида режиссёр Юсуф Розиковнинг Ўзбекфильм киностудиясида суратга олинган “Воиз” бадий фильми бош мукофот — “Гран при”га сазовор бўлди.

Сентябрь. Нукусда Шомуротовлар оиласи — Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ойимхон Шомуротова ҳамда унинг турмуш ўртоғи таниқли ёзувчи-драматург Амет Шомуротовларнинг уй-музеи очилди.

Музейнинг иккита залида хонанданинг театр либослари, тақинчоқлари ҳамда шахсий буюмлари, фотосуратлари, шунингдек, А. Шомуротов асарларининг турли нашрлари, мазкур таниқли санъат арбоблари акс эттирилган қорақалпоғистонлик рассомлар қаламига мансуб рангташвир асарлари намойиш этилди.

5 октябрь. Тошкентнинг Боткин қабристонига буюк рус шоирининг қизи, журналист, ёзувчи Татьяна Сергеевна Есенина қабри устига унинг исми шарифи ва яшаб ўтган даври “11.06.1918—05.05.1992” ёзилган қабртош қўйилди.

5 октябрь. Сеулда корейс тилида нашр этилган Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобининг тақдими бўлиб ўтганлиги ҳақида хабар эълон қилинди. Пойтахтнинг “Плаза” меҳмонхонасида бўлиб ўтган тақдимот маросимида Корея Республикаси ҳукумат ва Миллий Ассамблеяси аъзолари, таниқли тадбиркорлар ва молиячилар, дипломатик корпус вакиллари, бир қатор олий ўқув юртлари ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, журналистлар иштирок этишди.

5 октябрь. Алишер Навоий номли Давлат академик Катта опера ва балет театрида “Олтин мерос” Халқаро хайрия жамғармаси қошида ташкил этилган миллий мумтоз “Муножот” рақс ансамблининг тақдими бўлиб ўтди.

6 октябрь. Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми Тўра Курёзов асарларининг шахсий кўргазмаси очилди.

7 октябрь. Ҳиндистоннинг энг йирик нашриётларидан бири “UBC Publishers Distributors Ltd” Ўзбекистон Президенти Илом Каримов асарини ҳинд тилида нашр этганлиги ҳақидаги хабар эълон қилинди. Ушбу китобга Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Жасвант Сингх сўз боши ёзган.

8 октябрь. Тошкентда Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Бадий академияси ижодий бирлашмаси аъзолари, тошкентлик Дилора Имомова ва андижонлик Низомиддин Холиқовларнинг рангтасвир ҳамда графикага оид асарлари кўргазмаси очилди.

12-14 октябрь. Тошкентда V Тошкент Халқаро туристик ярмаркаси (ТХТЯ-99) бўлиб ўтди. Унда 35 давлатдан 150 та фирма ва компанияларнинг маҳсулоти (сайёҳлик анжомлари) намойиш этилди.

19 октябрь. Республика Киночилар уйида Халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган фильм тақдими бўлиб ўтди. (Сценарий муаллифлари Машраб Бобоев ва Дониёр Бегимкулов, режиссёр Собир Назармуҳамедов.)

19 октябрь. Тошкентдаги Санъат саройида режиссёр Керим Аннановнинг “Афсона” фильмининг намойиши билан Туркменистон кино ҳафталиги очилди.

21 октябрь. Жамоатчилик фикрини ўрганиш “Ижтимоий фикр” марказида “Аҳолининг демографик одоб-ахлоқига таъсир этувчи ижтимоий-маданий омиллар” мавзуида Халқаро семинар ўз ишини бошлади. Ушбу семинарни ташкил этишда ЮНЕСКО вакиллари иштирок этишди. Унда марказ мутахассислари бир йил давомида олиб борган социологик тадқиқотлар натижаларига яқун ясалди.

22 октябрь. Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида поляк бастакори ва пианиночиси Фредерик Шопен вафотининг 150 йиллигига бағишланган мусиқа фестивали очилди.

22 октябрь. Тошкентдаги Санъат саройида режиссёр Жанни Амелионинг “Бола ўғрилари” фильми намойиши билан Италия кино кунлари очилди.

22 октябрь. Тошкентда “Марказий Осиёда хотин-қизлар ва ҳуқуқ” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. У Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Ўзбекистон юристлари, шу билан бирга нодавлат ва нотижорат хотин-қизлар ташкилотлари раҳбарларининг диққатини жалб этди. Улар хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш лозим бўлган мавжуд қонулар ва ҳуқуқий амалиёт самарадорлигини ошириш масалаларини муҳокама қилишди.

27 октябрь. Республика Киночилар уйида ўзбек миллий киносининг асосчиларидан бири — актёр, режиссёр, драматург Наби Ғаниев таваллудининг 95 йиллигига бағишланган “Ўзбек киноси ривожланишида Наби Ғаниев ижодининг аҳамияти” мавзуида ижодий конференция бўлиб ўтди.

Шу куни кечкурун Киночилар уйининг катта залида Ўзбекистон кино-санъатининг улкан устаси хотирасига бағишланган кеча ўтказилди.

29 октябрь. Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Республика байналмилал маданий марказига “Қалбда баҳор ва куёш билан” мавзудидаги суратлар туркумини тақдим этди. 15 та суратнинг муаллифи — элчихона ходими Илҳом Одил ўгли Замоновдир.

30 октябрь. Алишер Навоий номли Давлат академик Катта опера ва балет театри биносига “Юлдузлар болаларга чарақлар” номи остида хайрия акцияси ўтказилди. Ушбу эзгулик ва мурувват байрами Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳомийлигида ҳамда Франция элчиси Жан Клод Ришар, “Соғлом авлод учун” жамғармаси раҳбарияти ва театр жамоаси ташаббуси билан ташкил этилди. Ўзбек эстрадасининг таниқли артистлари, опера қўшиқчилари, “Ўзбекистон солистлари” камер оркестри ва бошқа жамоалар иштирок этган концертдан тушган бутун маблағ боқувчисиз қолган ва ногирон болаларни қўллаш ва даволашга берилди.

Октябрь. Тошкентда Халқаро кураш ассоциацияси томонидан таъсис этилган “Кураш” адабий, ижтимоий-публицистик ахборот журналининг биринчи сони ўзбек, инглиз, рус тилларида чиқди.

Октябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллиги шарафига бағишланган Озарбайжон киноси кунлари ўтказилди.

Октябрь. Андижонда “Талабалик йилларим” номли газетасининг биринчи сони чиқди. Бу газетани Андижон Муҳандислик иқтисодиёт институти қошидаги “Ёшлар тараққиёти” илмий-маърифий маркази таъсис этган.

Октябрь. Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг инсон ҳуқуқларига бағишланган “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журналининг биринчи сони чиқди.

Октябрь. Ўзбекистон Давлат санъат музейида Хитой Халқ Республикасининг 50 йиллигига бағишланган фотосуратлар кўргазмаси ўтказилди. Кўргазмада халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида, иқтисодий ва маданий ҳаётда, шунингдек, ярим асрлик муддат ичида мамлакат эришган ютуқларни акс эттирувчи 200 дан ортиқ ҳужжатли суратлар намойиш этилди.

Октябрь. Остонада (Қозоғистон) тил байрами доирасида чет элларда яшаётган қозоқ шоирлари мушоираси бўлиб ўтди. Бу мушоирада Хитой, Мўғулистон, Ўзбекистон вакиллари қатнашдилар. Биринчи ўрин Навоий вилоятидан ҳамюртимиз Рўзи Йўлдошевга, учинчи ўрин Жиззах вилоятидан Бўрибой Рўзимбетовга берилди.

Октябрь. Иссиққўлда (Қирғизистон) “Ёш истеъодлар-99” Халқаро фестивали бўлиб ўтди. Бу тадбирда Тошкент болалар “Томоша” фольклор студияси қатнашди. Ёш ўзбек артистлари фестиваль дипломи ҳамда “Мерим” жамғармаси мукофоти билан тақдирландилар.

Октябрь. Пойтахтнинг “Туркистон” саройи ёзги майдонида шу йилнинг май ойида бошланган “Гул болалари” II Республика рок-фестивали бўлиб ўтди. Тошкентнинг “Амальгама” гуруҳи фестивалнинг олий мукофоти — “Гран при”га сазовор бўлди.

1 ноябрь. Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида уч моҳир рассом, Бадий академия ижодий уюшмаси аъзолари — Анвар Бахтиев, Имом Мансуров ва Александр Зенкин асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмада рассомлар томонидан кейинги йилларда яратилган юздан ортиқ турли жанрдаги суратлар намойиш этилди.

2-12 ноябрь. Америка Кўшма Штатларида Ўзбекистон Маданияти ҳафталиги ўтказилди.

3 ноябрь. Лондонда ўзбек киносининг биринчи фестивали очилди. Икки кун давомида “Курзонсинема” кинотеатрида Ўзбекистонда яратилган фильмлар — 40-йилларда К. Ёрматов томонидан суратга олинган “Алишер Навоий”, Э. Эшмухамедовнинг “Севишганлар” ва “Нафосат” картиналари, Ю. Розиковнинг “Воиз” фильми намойиш этилди.

5 ноябрь. Тошкентда “Дин ва демократия” мавзуида Халқаро анжуман ўтказилди. Унинг иштирокчилари диний-сиёсий террорчилик ва экстремизмга қарши Тошкент резолюциясини қабул қилишди.

Тошкент резолюцияси 1999 йил 6 ноябрда матбуотда эълон қилинди.

5 ноябрь. Урганчда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган катта тантаналар бўлиб ўтди. Шаҳарда юбилей шарофати билан бунёд этилган Шавкат канали қирғоқларини бирлаштирган ансамбль марказида Жалолиддиннинг улугвор ҳайкали қад ростлади.

Ёдгорлик мажмуи очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

6 ноябрь. Термиз шаҳри марказида барпо этилган катта боғда “Алпомиш” достонининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали байрам бўлиб ўтди. Тантанали маросимда очилган ёдгорлик мажмуида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

17-20 ноябрь. Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Африка қитъасининг қадимий ва ўзига хос санъатини тақдим қилган “Усико — Африка хазинаси” кўргазмаси бўлиб ўтди.

19 ноябрь. Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида бир йўла уч таниқли мўйқалам устаси — республика халқ рассомлари, академиклар — Абдулҳақ Абдуллаев, Николай Шин ва Баҳодир Жалоловларнинг кўргазмаси бўлиб ўтди.

28 ноябрь. Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида машҳур тошкентлик ҳайкалтарош, хизмат кўрсатган санъат арбоби Дамир Рўзиевнинг кўргазмаси очилди. Унинг “Жаз калитидаги бадиҳа” номли ҳайкал шаклидаги портретлари ва абстракт тасвирлардан иборат композицияси намойиш этилди. Улар жаҳон жаз санъати вакиллари қўшиқчи ва хонандалари Дюк Эллингтон, Элла Фитцджеральд, Луи Армстронг, Сидней Беше, Бенни Гудман ва машҳур жаз-квартетларига бағишланган. Бу экспозицияларда нафислик, ранглар мажмуи ва мусиқа бир бутун ҳолда уйғунлашиб кетади.

Ноябрь. Тошкентда “Ўзбекистон маликаси-99” биринчи Республика гўзаллар танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Биринчи ўрин ва Олтин тожга тошкентлик талаба Камола Фуломова сазовор бўлди.

Ноябрь. Москвада IV Халқаро болалар анимацион киноси фестивали бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон кинематографчилари биринчи марта иштирок этишди. Ундан ортиқ давлатларнинг кино усталари томонидан яратилган мультфильмлар намойиш этилган ушбу эътиборли анжуманда ўзбек режиссёри Мавзур Маҳмудов “Энг яхши фильм” йўналиши бўйича “Бул-бул” лентаси учун биринчи соврин — “Мармар куб устидаги олтин балиқча” билан мукофотланди.

Ноябрь. Тошкентда “Ўзбекистон — Жанубий Африка Республикаси” дўстлик жамиятининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

Ноябрь. Германиянинг Мюнхен Мусика ва театр институти ҳамда шу шаҳарнинг Бовария Федерал ўлкасида Гёте институтида ўзбек ва немис анъанавий мусика фестивали бўлиб ўтди. Бу ерда профессор Ф. Абдурахимова раҳбарлигидаги “Сўғдиёна” ўзбек ансамбли ва Г. Гласл раҳбарлигидаги Бовария камер квартети концертлари муваффақият билан ўтди.

Фестиваль доирасида Рихард Штраус номидаги Мюнхен консерваториясида “Ўзбек халқ чолғу асбоблари” мавзуида семинар ўтказилди.

Ноябрь. Навоий шаҳрида тўрт кун давомида хор жамоалари фестивали бўлиб ўтди. Унда Тошкент Давлат филармонияси ва консерваторияси хор жамоалари, республиканинг турли шаҳарлари хор жамоалари иштирок этишди.

Ноябрь. Қозонда XVIII Халқаро М. Глинка номидаги вокалчилар танлови ўтказилди. Унда Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси талабаси Кирилл Барганинов иштирок этди ва танлов дипломанти бўлди. Унга ижодкор шахсни қўллаб-қувватлаш жамғармаси мукофоти топширилди.

Ноябрь. Ўзаро икки томонлама дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ҳақидаги ҳужжатларни тайёрлаш мақсадида Бонн шаҳри вице-мэри Андреас Леш раҳбарлигидаги делегация Бухорога ташриф бурди. Шу кундан бошлаб Бухоро ва Бонн биродарлашган шаҳарлар деб эълон қилинди.

17 декабрь. Хоразмда ўзбек адабиёти классиги Муҳаммад Ризо Эрнийёзбек ўғли Огаҳийнинг 190 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

Юбилей тадбирлари шоир дафн этилган “Шайх Мавлон бобо” қабристонини зиёрат қилиш билан бошланди. Юбилей тантаналари иштирокчилари Хива тумани Эски Қиёб қишлоғидаги Огаҳий уй-музейида ҳам бўлишди. Сўнгра Хивадаги “Маъмун” академиясида “Шарқнинг маънавий-маърифий ривожланишида Огаҳий адабий-илмий меросининг аҳамияти мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Шундан кейин асосий юбилей

маросимлари Урганч шаҳрига кўчди. У ерда иштирокчилар Огаҳий номи билан аталувчи майдонда унинг ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Огаҳий номидаги вилоят театрида ушбу санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев давлатимиз Бошлиғи Ислом Каримовнинг тантана иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

20 декабрь. Нукусда қорақалпоқ адабиёт классикаларидан бири Ажиниёз Кўсибой ўғли таваллудининг 175 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Тадбирлар Ажиниёзнинг адабий меросини ўрганишга бағишланган илмий-амалий конференция билан бошланди. Ўша куни Ажиниёз номи билан юритиладиган майдонда унинг ҳайкалини очиш маросими бўлиб ўтди. Кечқурун Бердақ номидаги театрда Ажиниёз юбилейига бағишланган тантанали йиғилиш ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг тантана иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Декабрь. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги “Тасвирий ойна” республика ижодий уюшмаси билан биргаликда шу йилнинг бошида эълон қилган хотин-қизлар йилига бағишланган публицистик асар ва фотосуратлар танлови якунлари эълон қилинди. Биринчи ўрин “Миллий тикланиш” газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари Абдунаби Ҳайдаровга берилди.

Декабрь. Тошкентда машҳур созанда Дюк Эллингтон таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб Америка жаз мусиқанинг уч кун давом этган фестивали ўтказилди.

Декабрь. Гулистонда Хотира майдонининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мармар тахталарда Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳалок бўлганлар ҳамда Мирзачўлни боғ-роғлар ўлкасига айлантиришда хизмат кўрсатган фидокор меҳнаткашларнинг исми шарифлари зарҳал ҳарфлар билан ёзилган.

Декабрь. Мюнхенда “Марказий Осиё мусиқа маданияти” фестивали бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги қошидаги “Сўғдиёна” миллий чолғу камер оркестри иштирок этди.

2000 ЙИЛ

12 январь. Саудия Арабистонидаги машҳур “Даруссалом” нашриёти “Ўзбекистон буюк келажак сари” китобини босиб чиқарганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинди. Араб тилида босилиб чиққан китобга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос модели”, шунингдек, “Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда” асарлари киритилган.

13 январь. Тошкентда оилавий ўқиш учун рус тилидаги “Зеркало” газетасининг биринчи сони босилиб чиқди.

20-22 январь. Тошкентда “Марказий Осиё оммавий ахборот воситалари: бугун ва эртага” мавзуидаги Халқаро конференция бўлиб ўтди.

28 январь. Республика Киночилари уйида Халқ артисти Марьям Ёқубова туғилган куннинг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Январь. Тошкентда “Сен ҳамиша ардоқдасан, муқаддас аёл!” мавзуида халқ амалий санъати усталарининг Республика кўرғазма-танлови бўлиб ўтди. Хотин-қизлар йили якунида ташкил этилган кўрғазмада моҳир чеварларнинг 200 дан ортиқ ишлари намойиш этилди.

Танловда биринчи ўрин бухоролик зардўзчи Шоира Соиповага, иккинчи ўрин тошкентлик бадий каштачи Саодат Тоҳировага, учинчи ўрин қашқадарёлик гилам тўқиш устаси София Долиевага берилди.

Январь. Қозон шаҳрида бўлиб ўтган қор-муз фигуралари Халқаро танловида муздан ясалган ноёб композиция учун ижодий мусобақада Тошкент меъморчилик мактабининг вакиллари, меъморчилик фахрий академиги Митхат Бўлатов шогирдлари биринчи ўринни олдилар.

Январь. “Ўзбекистон маркаси” акциядорлик ташкилоти ўзбек миллий циркига бағишланган олтига марка ва битта почта блокидан иборат почта миниатюралари туркумини тайёрлади, уни Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги почта муомаласига чиқарди.

Почта маркалари мазкур туркуми учун расмларни тошкентлик рассом Ирина Лисенко бажарган.

Январь. Тошкентда 1947 йилда Фарба ташкил этилган “Магнум” халқаро фотоагентлиги қатнашчилари олган фотосуратлар кўрғазмаси бўлиб ўтди. Кўрғазмада дунёнинг турли мамлакатларидаги эркин касб эгалари олган 130 та ҳужжатли фотосурат намойиш этилди.

Кўрғазма ишлаб турган пайтда амалий семинар ҳам ўтказилди. “Магнум” аъзоси, асарлари кўрғазмага қўйилган Бруно Барбе бу семинарни Ўзбекистонлик 15 фотограф билан биргаликда ўтказди.

Январь. Нукусда ўзбек ва қорақалпоқ тилларида “Газийне” (“Ҳазина”) газетасининг биринчи сони босилиб чиқди. Унинг муассиси Қорақалпоғистон Республикаси Бош Давлат солиқ бошқармаси.

Январь. Хоразм жамоатчилиги халқ ҳофиси, ўзбек мумтоз мусиқаси ижрочиси, оғзаки халқ кўшиқларини оммалаштирувчи Ҳожихон Болтаевнинг 95 йиллигини кенг нишонлади.

Январь. Наманганда “Болалар дунёси” газетаси чиқа бошлади.

Январь. “Ўзбекистон маркаси” акциядорлик жамияти бир неча миллион йил аввал яшаган қадимий жониворлар тасвирланган саккизта почта маркасидан иборат туркумни чиқарди. Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация агентлиги уни почта муомаласига киритди. Кўп рангли марка расмларининг муаллифи — тошкентлик рассом В. Шумилов.

4 февраль. Тошкентдаги Марказий кўрғазмалар залида “ГФР расомларининг 80-йилларидаги графикаси” кўрғазмаси очилди.

5 февраль. “Ахборот” кўрсатувлари космик йўлдош орқали ва Америкадаги “Скола” компанияси тизими воситасида дунёнинг кўпгина мамлакатларига узатилди. Бу компания ўзининг ахборот дастурларини Интернет орқали эликдан кўпроқ давлатга тарқатади.

8 февраль. Пойтахтдаги “Туркистон” саройида “Навоий лирикаси мусаввирлар ижодида” кўрғазмаси очилди. Кўрғазма улўф мутафаккир шоир ва жамоат арбоби Алишер Навоий туғилган куннинг 559 йиллигига бағишланган эди.

11 февраль. Тошкентда республикада эълон қилинган “Соғлом авлод йили”га бағишланган “Замонавий импровизация” театр фестивали ўтказилди.

11 февраль. Президент Ислон Каримовнинг “Баркамол авлод орзуси” китоби турк тилида босилиб чиққанлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинди. Бу китобда мамлакатимизнинг буюк келажаги бунёдкорларини тарбиялаш мақсадида давлатимиз маориф тизимида изчиллик билан ўтказилаётган ислохотлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар баён этилган. Китоб мамлакатимизда ишлаб турган ўзбек-турк лицейлари Бош бошқармаси томонидан Истамбулда нашр этилди.

Мазкур китобга давлатимиз бошлигининг мамлакатимизда ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялаш, миллий мафқурани шакллантириш, маориф тизимини тубдан ислох қилиш, Кадрлар тайёрлашга доир миллий дастурни амалга ошириш тўғрисидаги мулоҳазалари тўпланган.

29 февраль. Тошкентда “Ўзбекистон — Ватаним маним!” шиори остида мамлакатимиз бастакорлари болалар учун яратган янги кўшиқларнинг кўрик-танлови бўлиб ўтди. 30 дан ортиқ бастакор ижод қилган 35 та кўшиқ ижро этилди.

Февраль. Ҳамза номидаги Давлат академик драма Катта театрида фавқулодда ғаройиб томоша — бодибилдинг бўйича “Мистер Ўзбекистон” шоу-турнир ўтказилди. Ўзбекистоннинг турли шаҳарларидан келган атлетикачилар ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. “Мистер Ўзбекистон” унвони Геннадий Блажкога насиб этди.

Февраль. Берлинда “Берлиналле” Халқаро кинофестивали ўтказилди, унинг танлов дастурида ўзбек режиссёри Юсуф Розиковнинг “Нотиқ” кинофильми билан қатнашди.

Февраль. Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги элчихонасида “Виллерс” немис галереяси кўмаги билан Ўзбекистон Халқ рассоми Неъмат Кўзибоевнинг рангасвир асарлари кўрғазмаси бўлди.

Февраль. Тошкентдаги республика амалий санъат музейи залларида Ўзбекистон рассомларининг 40–60-йилларда яратилган ва хусусий коллекцияларда сақланаётган асарлари кўрғазмаси намойиш этилди.

Февраль. Токионинг Сетагая-ку туманидаги “Каррот товер” кўрғазма павильонида “Буюк Ипак йўлига марҳамат” ўн кунлик ўзбек маданияти фестивали бўлиб ўтди.

Февраль. Тошкентда Николай ва Святослав Рерихлар мўйқаламига мансуб асарлар кўргазмаси ўтказилди, бу асарлар Рерихларнинг Москвадаги Халқаро маркази коллекциясидан келтирилди.

Февраль. Англиянинг Йорк шаҳрида ўзбек кинеси фестивали бўлиб ўтди.

1 март. Бухорода “Бухоро ёшлари” — янги газетасининг биринчи сони босилиб чиқди.

2 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Оқсарой қароргоҳида Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг президенти, машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовни қабул қилди.

Қабул чоғида минтақа халқлари ўртасида дўстлик ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш, асрлар давомида қарор топган яхши кўшничлик ва қардошлик анъаналарини авайлаб-асраш тўғрисида, минтақада тинчлик ва осойишталикни таъминлашда маданият ва санъат арбобларининг роли ҳақида суҳбатлашилди.

6 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Зулфия номидаги Давлат мукофотини бериш тўғрисида” Қарор қабул қилди. Қуйидагилар бу мукофотнинг биринчи соҳибалари бўлишди:

Мустафоева Гулмира Қашқарбоевна — Нукус шаҳридаги 37-лицейнинг 11-синф ўқувчиси;

Сотқинова Жамила Инобиддиновна — Андижон вилояти Избоскан туманидаги 6-сонли гимназиянинг инглиз ва ўрду тиллари муаллимаси;

Орипова Ирода Талабовна — Бухоро вилояти Пешку туманидаги 11-сонли мактабнинг кутубхона мудираси;

Муродова Сайёра Собировна — Жиззах Давлат педагогика институти биология кафедрасининг муаллимаси;

Эргашева Гулҳаё — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридаги Амир Темуր номли гимназиянинг 7-синф ўқувчиси;

Рўзиева Феруза Усмоновна — Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 13-сонли мактабнинг 11-синф ўқувчиси;

Маҳмудхўжаева Зулҳумор Юнусовна — Наманган Муҳандислик-иқтисодиёт институти 4-курс талабаси;

Тожиева Робия — Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 6-сонли қишлоқ кутубхонаси мудираси;

Қурбонова Нодира Аҳмаджоновна — Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 41-сонли мактабнинг 6-синф ўқувчиси;

Маҳмараимова Шоҳиста Тўхташевна — Сурхондарё вилоятидаги “Жарқўрғон ҳақиқати” газетаси муҳбири;

Тўлабоева Рухсора Сайфуллаевна — Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 14-сонли мактабнинг 10-синф ўқувчиси;

Абдуллаева Ойдин Ўтамуродовна — Тошкент Давлат консерваториясининг аспиранти, мусиқа назарияси фанлари муаллимаси;

Содиқова Дилфуза Акрамжоновна — Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги “Истиқбол” гимназиясининг 11-синф ўқувчиси;

Жуматова Дилрабо Аминбоевна — Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 1-сонли мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

6 март. Тошкентда МДХ мамлакатларидаги карлар жамиятлари олдида турган муаммолар, уларни ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш бўйича семинар иш бошлади.

10 март. Бельгия Умубашарий қадриятлар институтида Бельгиянинг “Олтин давр” уюшмаси ташаббуси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бельгия қироллигидаги элчихонаси кўмагида Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўлида жойлашган Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарлари тарихига бағишланган фотокўргазма очилди.

Кўргазмага ўрта аср меъморчилигининг жаҳонга машҳур дурдоналари, жумладан, Самарқанддаги Шохизинда, Ғўри Амир мажмуи, Улугбек ва Тиллакори мадрасалари, шунингдек, Бухородаги Сомонийлар мақбараси, бир қатор меъморий иншоотлар суратлари тақдим этилган.

Ана шу катта форматдаги ранг-баранг бадий фотосуратлар муаллифи Бельгиянинг таниқли фотожурналисти Клер Эйкерман хоним. Мазкур фотокўргазма унинг мамлакатимиз бўйлаб яқинда қилган ижодий сафари натижаси бўлди.

14 март. Халқаро дўстлиги саройида Ўзбекистон Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, “Ўзбекнаво” гастроль-концерт бирлашмаси, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ҳамда бир қатор бошқа жамоат ташкилотлари томонидан йилнинг энг яхши ижодий ходими унвони учун ўтказилган “Офарин” Республика танлов конкурси ғолибларини мукофотлаш маросими бўлди. Қуйидагилар “Офарин” танловининг ғолиблари деб топилди:

Адабиёт ва санъат соҳасида:

наср:

а) “Энг яхши бадий асар муаллифига” номинациясида;

Шарафиддинов Озод — адабий-танқидий мақоллари ва таржималари учун.

шеърят:

Усмон Азим — шеърлар туркуми учун.

б) “Энг яхши режиссёрлик иши учун” (кино, театр, оммавий саҳна) номинациясида:

Абдураҳмонов Наби — Ўзбекистон ёшлар театрида саҳналаштирилган “Ато этилган муҳаббат” спектаклидаги режиссёрлик иши учун.

в) “Энг яхши ижрочиға” номинациясида:

Усмонова Юлдуз — янги кўшиқлар дастури учун.

г) “Энг яхши мусиқа асари учун” номинациясида:

Маҳмудов Мирхалил — “Ўтган кунлар”, “Севги” ва “Чимилдиқ” фильмларига ёзган мусиқаси учун.

д) “Энг яхши тасвирий санъат асарининг муаллифига” номинациясида:
Саъдуллаев Темур — буюк аждодларимиз образларини яратганлиги учун.
е) “Кино ва телевидениедаги энг яхши режиссёрлик иши учун” номинациясида:

Розиқов Юсуф — “Воиз” фильми учун.

ж) “Кино ва телевидениедаги энг яхши ижрочи актёр” номинациясида:
Бегматова Азиза — Аброр Ҳидоятлов номидаги драма театрининг “Чеча” спектаклида Чеча образини яратганлиги учун.

з) “Соғлом авлод йили” муносабати билан “Болалар учун энг яхши адабиёт ва санъат асарлари” номинациясида:

Қурбонова Нодира — болаларга аталган санъат асарлари учун.

и) “Энг яхши мусиқачига” номинациясида:

Исмоилов Абдуҳошим — миллий мусиқамиз равнақига қўшаётган ҳисаси учун.

к) “Энг яхши амалий санъат асари муаллифига” номинациясида:

Тожиқжаев Тўлаган — ҳайкалтарош, мўъжаз пластик асарлари учун.

Телерадио соҳасида:

а) “Ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши кўрсатув ва эшиттириш муаллифи” номинациясида:

Аъзамов Қуддус — “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” туркум кўрсатувлари учун.

б) “Иқтисодий мавзудаги энг яхши кўрсатув муаллифи” номинациясида:

Даминова Светлана — “Приватизация: шаг за шагом” кўрсатуви учун.

в) “Маданий-маърифий мавзудаги энг яхши кўрсатув муаллифи” номинациясида:

Қўшоқов Дилмурод — “Ҳидоят сари” кўрсатуви учун.

г) “Энг яхши телерадио режиссёрлик иши” номинациясида:

Жумаев Раҳмат — “Жалолиддин Мангуберди” радиопостановкаси учун.

д) “Энг яхши телеоператорлик иши учун” номинациясида:

Қодиров Шариф — Республикадаги оммавий байрамларни юксак маҳорат билан тасвирга туширганлиги учун.

е) “Энг яхши бадий жиҳозлаш иши учун” номинациясида:

Расулов Саидакмал — Ўзбекистон телевидение студиясида олинган кўрсатув ва видеофильмларни юксак савияда безаганлиги учун.

ж) “Энг яхши телерадио журналисти” номинациясида:

Обидов Муҳаммаджон — “Ахборот” дастуридаги энг яхши репортажлари учун.

з) “Энг яхши актёрлик иши” номинациясида:

Солиқов Равшан — кино, театр ва телекўрсатувдаги ҳажвий образларни маҳорат билан яратганлиги учун.

Матбуот соҳасида:

а) “Ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши мақола муаллифига” номинациясида:

Мелибоев Аҳмаджон — ижтимоий-сиёсий мавзуидаги туркум мақола-лари учун.

б) “Маданий-маърифий мавзудаги энг яхши мақола муаллифи”га номинациясида:

Каримов Наим — маданий-маърифий мавзуидаги туркум мақолалари учун.

в) “Энг яхши фотомухбир” номинациясида:

Альбеков Равиль — мустақиллик мавзуидаги фотосуратлари учун.

24 март. ТВ-6 телеканалнинг томошабинлари “Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” илмий-оммабоп туркумининг учинчи ҳужжатли фильми умумроссия премьерасини кўрдилар. Мазкур телеканални фақатгина Россия ҳудудида эмас, жаҳоннинг талайгина мамлакатларида ҳам томоша қиладилар.

25-26 март. Тошкентда мактаб ўқувчилари орасида Республика фанлар олимпиадасининг якунловчи давраси бўлиб ўтди. Унда минтақа танловларининг ғолиблари қатнашдилар. Олимпиада ғолиблари — 11-синфларнинг йигирма ўқувчиси (фанлар миқдориға қараб) олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилиниш ҳуқуқини олдилар.

26 март. Тошкентда ёшлар театрларининг “Ҳумо” Иккинчи фестивали очилди.

Март. Нью-Йорк ва Вашингтонда Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаеванинг гастроллари бўлди. Биринчи концерт Нью-Йоркдаги энг нуфузли заллардан бири — икки мингдан кўпроқ томошабин сифадиган иж-рочилик санъати Марказида ўтказилди.

Март. Тошкентда “XXI аср бўсағасида: ўзбек миллий театр санъатининг муаммолари ва ечимлари” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Март. Пойтахтнинг Марказий Кўрғазмалар залида таниқли немис ёзувчиси ва элшуноси Габриеле Келлернинг фотоқўрғазмаси “Ўзбекистонда аёллар маданияти. Европалик аёл Марказий Осиёдаги қадимий анъаналар изидан” шиори остида ўтказилди.

Март. Лондонда Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева ва Шавкат Мирзаев бошлиқ чолғу ансамблининг концертлари зўр муваффақият билан ўтди.

Март. Шу ойнинг охирида Тошкент аэропорти Маккадан қайтиб кел-ётган зиёратчилар тушган сўнгги самолётларни қабул қилди. Март ойининг бошларида бошланган ҳаж сафарида Ўзбекистоннинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида тўрт мингдан кўпроқ киши қатнашди. Улар орасида турли миллат, ёш ва касбдаги эркак ҳамда аёллар бор.

Март. Тошкентда хотин-қизларга аталган “Машҳура” журналининг биринчи сони босилиб чиқди.

Март. Япониянинг Хиросима шаҳрида болалар тасвирий санъат асарларининг XXI Халқаро танлови бўлиб ўтди, унга дунёнинг 52 мамлакати-

дан 7-15 ёшдаги болалар ишларини юборган. Ўзбекистон Бадий академияси тасвирий ва амалий санъат республика лицей-интернатнинг 6-синф ўқувчиси Мадина Толипова танловнинг “Гран при” мукофотини олишга сазовор бўлди. Мадинадан ташқари Ўзбекистоннинг 5 нафар ёш рассоми — Шухрат Каримжонов, Юля Каткова, Дамир Тушкенов, Кристина Астахова ва Ойбек Исломовлар махсус дипломлар билан мукофотландилар.

Март. Машҳур италян пианиночиси Роберт Просседнинг Самарқанд ва Тошкентдаги концертлари зўр муваффақият билан ўтди. Бу моҳир санъаткор бир қанча италян ва халқаро танловларнинг олий мукофотлари билан тақдирланган.

Март. Ўзбекистон почта маркаларининг биринчи каталоги нашр этилди. Республикада 1992-1998 йилларда нашр этилган барча 182 почта маркаси ва блокларининг фотонусхалари, шунингдек, почта конвертлари ва карточкаларининг фотонусхалари каталогдан жой олган.

“Ўзбекистон маркаси” акциядорлик жамияти бу каталогни ўз фаолиятининг саккиз йиллигига атаб чиқарди.

10 апрель. Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари радиожурналистларининг “Янгиликлар ва долзарб муаммолар” мавзуидаги Халқаро семинар-тренинги иш бошлади.

11-15 апрель. Тошкентда талабаларнинг “Нихол — 2000” иккинчи Республика фестивали бўлиб ўтди. Унда олий ўқув юртларида, сўнгра шаҳар ва вилоят кўриқларида фестивалнинг аввалги босқичларидан муваффақиятли ўтган жамоалар иштирок этди.

12 апрель. Тошкентда “Дин ва атроф-муҳит” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияда бир қанча республика вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари, диний идораларнинг намояндлари, Ўзбекистонда қайд этилган чет эл дипломатлари иштирок этдилар.

13 апрель. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Даврий матбуотни тарқатувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

17 апрель. Япониянинг Хюго префектурасига кирувчи Аважи оролида дунёдаги кўпгина мамлакатлар иштирокида “Япония набототи-2000” боғ-безак маданиятининг Халқаро кўрғазмаси очилди. Бу кўрғазмада биринчи марта Ўзбекистон Республикаси иштирок этиб, безак амалий санъат асарларини ҳамда ўзбек халқининг тарихи ва маданиятига бағишланган китобларни намоёиш қилди.

18 апрель. Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг “Ўзбекистон” нашриётида тайёрланган “Халқ ишончи — олий масъулият” номли китоб босмадан чиққанлиги ҳақида ЎЗА ахбороти эълон қилинди. Китобнинг асосий қисмини Юртбошимиз Ислон Каримовнинг иккинчи муддатга Президент лавозимига номзод сифатида сайловчилар билан учрашувларда сўзлаган нутқи, шунингдек, иккинчи чақирқиқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузаси ташкил қилади.

21 апрель. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўрғазмалар залида таниқли ўзбек rassоми Ориф Муиновнинг шахсий кўрғазмаси очилди.

21 апрель. Тошкентда замонавий мусиқа ва театр санъатига бағишланган анъанавий “Илҳом — XXI” Халқаро фестивали очилди.

22 апрель. Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта опера ва балет театрида атоқли ашулачи Иван Семёнович Козловский туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Апрель. Тошкентда “Ўзбекистон дизайни” биринчи Республика кўрғазмаси бўлди. Унда дизайн санъати турларининг 45 вакили иштирок этди.

Апрель. Япония пойтахтида, Токио ҳокимлигининг “Хатагава” маданият марказида Ўзбекистон Республикасига бағишланган конференция ўтказилди.

Апрель. Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида олий ўқув юртлири кутубхоналари ходимларининг XI Республика конференцияси бўлиб ўтди.

Апрель. Москвада бўлиб ўтган III Халқаро “МРУ-2000” арт-салонида Ўзбекистон Бадиий академиясининг экспозицияси учинчи марта тақдим этилди. Тадбирда МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари вакиллари, Европа ва Америка галереяларининг намояндалари қатнашдилар.

4 май. Тошкентда Франция матбуотига бағишланган кўрғазма ўтказилди. Кўрғазма стендларига 180 тадан кўпроқ француз журнал ва газеталари қўйилди. Тадбирда Франциянинг Ўзбекистондаги Фавкулудда ва Мухтор Элчиси Жан-Клод Ришар қатнашди.

12 май. Тошкентда “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасининг очилиш маросими бўлди. Маросимда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар давлат ва жамоат ташкилотлари, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари иштирок этишди. Хотира ёдгорлиги ёнида ўтказилган маросимда Президент Ислон Каримов нутқ сўзлади.

16 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг мажлислар залида Олий Мажлис “Ижтимоий турмушнинг барча соҳаларини демократиялаш жараёнини чуқурлаштиришда ҳокимият ваколатли органларининг ролини ошириш” мавзудида Республика семинар-кенгашини ўтказди.

19-28 май. Тошкентда Европа кинеси кунлари бўлиб ўтди.

20 май. Тошкентдаги “Илҳом” театри йўлагига америкалик фотограф Мишель Доннеллининг фотокўрғазмаси очилди, унда Ўзбекистон, Миср, Иордания ва Тожикистонда олинган суратлар намойиш этилди. АҚШнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси уюштирган мазкур кўрғазма ўн кун давом этди.

23 май. Саудия Арабистони подшолигидаги “Доруссалом” компаниялари гуруҳи Президент Ислон Каримовнинг “Ўзбекистон Буюк истиқбол-

га интилмоқда” китобини араб тилида нашр этганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинди. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида китоб тақдимоти бўлиб ўтди.

24 май. Славян ёзуви ва маданияти куни доирасида Республика Байналмилал маданият марказида христианликнинг 2000 йиллигига бағишланган “Минг йилликлар маррасидаги маъанийлик” мавзуида илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

30 май. Давлат Санъат музейида Германиянинг XX асрдаги машҳур график рассомларидан Герхард Альтенбург асарларининг кўргазмаси очилди.

31 май. Тошкентда болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни арафасида “Ўзбекистон—Россия” дўстлик жамияти, Ўзбекистоннинг чет эллар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ҳамда республикадаги рус маданияти марказининг ташаббуси билан тузилган ёшларнинг “Класс” Халқаро клуби тақдимоти бўлиб ўтди.

Май. Брюсселда “Хотин-қизлар овози” V Халқаро фестивали бўлиб ўтди, унда дунёдаги йигирма бешдан ортиқ мамлакат вакиллари, шу жумладан, Ўзбекистон халқ артисти, мақомлар ижрочиси Муножот Йўлчиева иштирок этди. “Ла Беллон” саройидаги Катта концерт залида бўлган концертда хонанданинг “Келмади”, “Қаро кўзим”, “Омон ёр” ва бошқа халқ кўшиқлари янгради.

Май. Бокуда “Гыз галасы” галереясида Ўзбекистон замонавий мусавирлари ва халқ усталари асарларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада ўзбек рассомлари ва амалий безак санъат усталарининг 150 дан ортиқ иши намойиш этилди.

Май. Тошкентдаги “Туркистон” саройида ёшлар ижодининг “Ёш юлдузлар-2000” деб аталган XIV фестивали бўлиб ўтди, унда “Меҳрибонлик” уйларида республика мактаб-интернатларида тарбияланувчи ўғил ва қизлар иштирок этишди. Саҳнада ногирон болалар билан бирга ўзбек эстрада сининг юлдузлари ўз санъатларини намойиш қилишди.

Май. “Сув йўқ жойда — ҳаёт йўқ” фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди, Орол денгизи муаммоларига бағишланган бу фильмни немис киноҳужжатчилари суратга олган. Шу муносабат билан Германиядаги Баден-Вюртенберг федерал ўлкасининг Тетнанге шаҳрида давра суҳбати ўтказилди.

Май. Чимкент шаҳрида бўлиб ўтган пианиночиларнинг Халқаро танловида Тошкент Давлат консерваториясининг талабаси Ф. Ҳайдарова биринчи ўринни ва лауреатлик унвонини олди.

Май. Ўзбекистон театр маъмурларининг бир гуруҳи Буюк Британиядаги машҳур драма ва опера театрларини, шу жумладан, Лондондаги Роял Опера Хаус, Манчестердаги Қирол театрини бориб кўрди. Лондондаги уч кунлик семинар вақтида сафар қатнашчилари Англиянинг театр индустрияси, уни бошқариш ва пул билан таъминлаш тизими ҳақида тасаввур ҳам олдилар.

Май. Тошкентда болалар ва ёшлар фильмларининг IX фестивали бўлиб ўтди.

1 июнь. Тошкентдаги “Туркистон” саройида болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига ва “Соғлом авлод йили”га бағишланган болалар санъати фестивали биринчи марта ўтказилди. Фестивалнинг вилоят босқичларида голиб чиққан 200 дан кўпроқ қатнашчи ўзларининг мусиқий дастурларини намойиш этишди.

5 июнь. Тошкентда анъанавий Пушкин кунлари бошланди.

12 июнь. Пойтахтнинг “Туркистон” саройида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг 80 йиллик юбилейига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

14 июнь. Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театрида ёзувчи Йўлдош Муқимовнинг китоби асосидаги “Мангу машъал” спектаклининг премьераси бўлди. Уни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, режиссёр Рустам Маъдиев сахналашгирди. Асарга “Авесто” адабий ёдгорлигида тасвирланган қадимий воқеалар асос қилиб олинган.

20-30 июнь. Тошкентда, Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўرғазмалар залида очилган “Бу — менинг Ватаним” кўрғазмаси мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллигига бағишланди. Кўрғазмада мамлакатимизда истиқомат қилувчи кўпгина миллатларга мансуб рассомларнинг 50 тадан кўпроқ санъат асарлари кўйилди.

23 июнь. Римдаги “Сервантес галереясида” XV асрдаги испан сайёҳи Рум Гонсалес де Клавихонинг “Самарқандга саёҳат 1403—1406” китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Темур саройидаги Испания элчисининг бу китоби Италияда биринчи бор босилди. Тақдимот маросимида Испания ва Ўзбекистон Республикаси элчихоналарининг вакиллари, Италия маданият ва фан арбоблари, оммавий ахборот воситаларининг намояндалари иштирок этдилар.

27 июнь. Тошкентдаги Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган байрам тантанаси ва сайил бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов Юртбошимиз Ислам Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини ўқиб эшитгирди. Байрам тадбирида “Йилнинг энг яхши журналисти” номи учун ўтказилган танлов голиблари — “Саодат” журнали бош муҳаррирининг ўринбосари Қ. Раҳимбоева, ўзбек телевидениесининг “Таҳлилнома” дастури бошловчиси Л. Мервинская, “Халқ сўзи” газетасининг Қашқадарё вилоятидаги мухбири Н. Равшановларга дипломлар топширилди.

28 июнь. Тошкентдаги Алишер Навоий номли Санъат саройида мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллигига бағишланган асар кўшиқлари умумармия фестивали голибларининг якунловчи гала концерти бўлди. “Ўзбекистон — Ватаним маним” номинациясида Куролли Кучлар ашула ва рақс

марказий ансамблининг яккахони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, катта лейтенант Марат Ҳақимов “Ҳарбийлар қўшиғи” учун ва Тошкент Олий Ҳарбий билим юртининг хор жамоаси биринчи ўринга сазовор бўлдилар.

28 июнь. Пойтахтдаги “Туркистон” саройида “Ўзбекистон — Ватаниманим” олий ўқув юртлариаро Республика кўшиқ танлови бўлди. Унда мамлакатнинг барча олий ўқув юртларида бўлиб ўтган саралов турларида аниқланган 34 энг яхши ҳаваскор бадийий жамоа иштирок этди. Бир хилда балл олган икки жамоа — Қорақалпоғистон Давлат университетининг “Хурлиман” ва Тошкент Давлат педагогика университетининг “Зиё” ансамбллари биринчи ўринни бўлашиб олдилар.

Июнь. Қорақалпоғистонда оммавий ахборот воситалари ходимларининг байрами арафасида янги нашрлар — “Ҳазина” газетаси, шунингдек, “Қорақалпоғистон” ва “Қалдирғоч” журналларининг биринчи сонлари босмадан чиқди. Шу вақтга келиб Қорақалпоғистондаги газета ва журналлар сони 41 тага етди.

Июнь. Наманганда анъанавий машрабхонлик бўлиб ўтди, бу тадбир шоир туғилган куннинг 360 йиллигига бағишланди.

Июнь. Андижонда ёшларга аталган янги “Бўстон” газетаси лотин алифбесида чиқа бошлади. Чўлпон номидаги хайрия жамғармаси газетанинг муассисидир.

Июнь. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, хонанда Матлуба Дадабоевнинг Испания, Франция ва Бельгияга яна бир гастроль сафари бўлиб ўтди. Набижон Зиёев раҳбарлигидаги бир гуруҳ миллий чолғу асбобларининг ижрочилари унга ҳамроҳ бўлдилар.

Июнь. Тошкентда ёш бастакорлар фестивали ўтказилиб, унда турли жанрдаги 20 га яқин асарлар ижро этилди. Тошкент Давлат консерваторияси бастакорлик факультети магистратурасининг биринчи курс талабаси Артём Кимнинг олти қисмли “Пушкин ҳақида латифалар” асари бош совринга сазовор бўлди.

Июнь. Алматыда талабалар ва бошловчи режиссёрларнинг “Янгича назар ташла” — “Марказий Осиёнинг ёш киноси” иккинчи Халқаро фестивали бўлиб ўтди. Жаҳонга машҳур кинорежиссёр Бўлат Мансуров бошчилигидаги фестиваль ҳакамлар ҳайъати беш номинациясидаги ишларни баҳолаб, М. Уйғур номидаги Тошкент Санъат институти кино ва телевидение факультети режиссёрлик бўлимининг учинчи курс ва операторлик бўлимининг тўртинчи курс талабаларига иккита бош совринни ва учта фахрий дипломни беришга қарор қилди.

Саодат Исмоилованинг “Сўнгги меҳмон” қисқа метражли фильми (Кўзибой Ҳақимов устахонаси) “Гран при”га сазовор бўлди. Бу фильмда ёш кинооператорлардан Абдурахим Ғаниев билан Рустам Комиловнинг иши (Абдурахим Исмоилов устахонаси) тақдирланди. Ёрқин Тўйчиевнинг “Февраль” лентаси энг яхши актёрлик ижроси учун “Гран при” совринини олди (бош ролда — Нигора Каримбоева).

Июнь. Самарқандда “Қуддуси Шарифга бир назар” Халқаро фото кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмага Қуддуснинг ғайритабиий ажиб қиёфасини ифодаловчи юзтадан кўпроқ фотосурат қўйилди.

Июнь. Тошкентда Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида “Osiyó Ramzi-2000” Халқаро модалар фестивали бўлиб ўтди. Унда Осие мамлакатларининг 40 дан ортиқ моделчиси элликка яқин моделни намойиш этди. Фестиваль доирасида визажистлар ва сартарошлар конкурси ҳам ўтказилди.

6 июль. Кортрейк шаҳрида (Бельгия) Абу Али ибн Сино ҳайкалининг расмий очилиш маросими бўлди. Тошкент билан Кортрейк ўртасида қардошлар алоқалари ўрнатилганлигининг 10 йиллик юбилеи муносабати билан Ўзбекистон ҳукумати ва Тошкент ҳокимлиги Бельгиядаги мазкур шаҳарга ушбу ҳайкални совға қилдилар. Ҳайкалнинг очилиш маросимида Бельгия ҳукумати, Ташқи ишлар вазирлиги, Фландрия парламентининг вакиллари, дипломатик корпус аъзолари, шунингдек, Тошкент ҳокими К.Тўлаганов бошчилигидаги шаҳар делегацияси иштирок этди.

Июль. Япониянинг Маебаши шаҳрида Ўзбекистон маданият фестивали ўтказилди.

Фестивални ўтказиш давомида Халқаро маданият марказида Ўзбекистон амалий манзара санъати таниқли усталарининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда тери ва қоғозга ишланган ажабтовур гўзал лок миниатюралари, турли ёғоч қутичалар, сопол буюмлар, зарбоф тўнлар, дўппилар, сўзаналар, шунингдек, Т. Қозоқов, М. Литвинов, Т. Аҳмедов мўйқаламига мансуб суратлар қўйилган эди.

Фотокўргазмага ўзбек-япон археология экспедициясининг Термиз яқинидаги Қоратепа буддавий мажмуасидаги қазилган ишларини тасвирловчи фотосуратлар қўйилди. Неча йиллардан бери ўтказилаётган экспедицияда фаол қатнашаётган япон профессори К.Като машҳур обидадан топилган янги кашфиётлар ҳақида маъруза қилди.

Июль. Германиянинг Бремен шаҳрида Халқаро фольклор мусиқа ва рақс фестивали бўлиб ўтди. Италия, Португалия, Литва, Англия, Чехиядан келган артистлар билан бирга Ўзбекистоннинг ёш ижрочилари — Тошкент шаҳар Шайхонтахур туманидаги “Ибн Сино” маданият марказининг ансамбли, “Умид” болалар-ёшлар фольклор рақс ансамбли ҳам фестивалда иштирок этди.

Июль. Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон байналмилалчи фахрий жангчилар уюшмалари вакиллариининг учрашуви бўлди. Учрашув қатнашчилари ўзаро иш тажрибаларини ўртоқлашиб, минтақадаги мазкур ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар, бундан буёнги амалий ҳамкорлик режаларини белгилаб олдилар.

Июль. Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги Элчихонасида “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” туркумидаги янги фильм тақдими маро-

сими бўлиб ўтди. Бу фильм “Иқтисодий хавфсизлик ва барқарор тараққиётнинг асосий тамойиллари” деб аталади.

Тақдимот маросимида Ҳиндистон Ташқи ишлар, Молия ва савдо вазирликларининг, савдо-саноат доираларининг, йирик банкларнинг вакиллари, етакчи ҳинд сиёсатшунослари ва журналистлар қатнашдилар.

Фильм тақдимоги давомида Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш йўллари ва истиқболлари тўғрисида фикрлашиб олинди.

Июль. Ялта шаҳрида болалар ижоди II Халқаро фестивали бўлиб ўтди. Бу фестивалда Ўзбекистондан борган “Ойзода” ансамбли ва унинг қатнашчилари Линара Мустафоева билан Фарида Алтабоевалар ушбу нуфузли фестиваль дипломларига сазовор бўлдилар.

Июль. Кримдаги болалар фильмларининг “Артек” XIII Халқаро кинофестивалида ўзбек режиссёри Зулфиқор Мусоқовнинг “Кичкина табиб” фильми “Замонавий яхши эртақ” дипломи билан, бош қаҳрамон образини яратган Дилшод Каттабеков эса “Бош ролнинг энг яхши ижроси учун” дипломи билан мукофотланди.

Июль. Австрия, Германия, Канада, Франциядан келган сайёҳлар Беруний туманидаги Аёз қалъа ёдгорлигини кўздан кечиришди. Улар йигирма аср муқаддам барпо этилган ноёб меъморий обидалар билан танишдилар.

Июль. Ўзбек артистлари Беларусининг Витебск шаҳрида ўтказилган “Славян бозори” IX Халқаро санъат фестивалида иштирок этдилар.

2-7 август. Бухорода ўзбек миллий фильмларининг учинчи кинофестивали ўтказилди.

4 август. Чехиянинг Лидица шаҳрида болалар чизган расмларнинг Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги мактабнинг 7-синф ўқувчиси Адиба Пирматова ва Гулистон туманидаги қишлоқ мактабининг 5-синф ўқувчиси Тоҳир Раҳмонбердиев совриндор бўлганликлари тўғрисидаги хабар эълон қилинди. Танловга Адиба “Мен севган китоблар” расмлар туркумини, Тоҳир эса “Ватаним табиати” композициясини тайёрлаб юборган. Халқаро ҳакамлар ҳайъати топшириғига биноан ёш рассомларга диплом ва совғаларни Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси вакиллари топширишди. Ёш дипломантларнинг устозлари — Малоҳат Дадабоева билан Юната Исоқовага ҳам махсус дипломлар берилди.

5 август. Вильнюс шаҳрида ёш ижрочиларнинг Балио Дварионас номидаги Халқаро танловида ўзбек мусиқа мактабининг уч намояндаси кичик гуруҳ (12 ёшгача) кўрик дастурида қатнашиб, совринли ўринларни олганликлари тўғрисидаги хабар эълон қилинди. Ўн ёшли Нодир Ҳошимов ўз маҳоратини скрипкада кўрсатиб, лауреат бўлди ва танловнинг “Энг истеъдодли ва истиқболли скрипкачи” совринини олди, пианиночи Нафиса Умарқулова диплом билан мукофотланди, скрипкачи Динора Шохиддинова “Энг ёш қатнашчи” номинациясида лауреат бўлди ва соврин олди.

8 август. Тошкентда Марказий Осиёдаги бухоролик яҳудийлар конгрессининг таъсис анжумани бўлди. Унда минтақадаги йигирмага яқин ташкилот — яҳудий жамоалари, маданий ва маърифий марказларнинг раҳбарлари, синагог раввинлари, талабалар клубларининг фаоллари иштирок этишди.

10 август. Тошкентлик коллекционер Бахтиёр Исматуллаев хазинасидаги ўтган асрнинг саксонинчи йилларига мансуб мусиқа машинаси Германиянинг Йен шаҳрида ўтказилган қадимий чолғу асбоблари кўргазмасида биринчи ўринни олди, унинг эгаси эса қадимий немис мусиқа асбоблари ҳаваскорлари жамиятининг аъзоси этиб сайланди.

12 август. Тошкентда чегара қўшинлари аскар қўшиқлари биринчи фестивалининг якунловчи давраси бўлиб ўтди.

15-25 август. Тошкентда Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Қорақалпоғистон замонавий тасвирий ва амалий санъати кўргазмаси бўлиб ўтди. Турли жанрларда яратилган 180 дан зиёд асар мамлакат мустақиллигининг 9 йиллигига бағишланган экспозициянинг асоси бўлди.

18 август. Пойтахтдаги “Туркистон” саройида “Ўзбекистон — Ватаним маним” қўшиқ кўрик-танловининг яқсунловчи босқичи бўлди. Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига биноан Халқ таълими вазирлигининг “Ором” болалар боғча-мактабининг хор жамоаси ҳамда Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш компанияси ҳузуридаги Юнус Ражабий номидаги макомчилар дастаси иккита биринчи ўринга сазовор бўлди.

20 август. Тошкентда, Нукусда, барча вилоят марказларида Ўзбекистон мустақиллигининг 9 йиллигига бағишланган Республика “Экофестиваль-2000” бўлиб ўтди.

23 август. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида маданият, маърифат, тиббиёт, профессионал ҳарбий хизмат ва спорт соҳасида “Қамолот” мукофоти лауреатларини расмий мукофотлаш маросими бўлиб ўтганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинди.

“Соғлом авлод йили”да фаол маърифатпарварлик фаолияти учун “Ёш куч” журналининг бош муҳаррири А. Ҳайитов, шунингдек, Жиззахдаги Маънавият ва маърифат марказининг раиси, шоира Ш. Аҳророва мазкур мукофотга сазовор бўдилар. Тиббиёт соҳасидаги хизматлари учун Б. Охуновага, ҳарбий хизмат соҳасида махсус вазифаларни адо этувчи отряд қўмондони З. Тоҳировга, спортдаги ютуқлари учун Наманган вилоятидаги мактаб ўқитувчиси, стол тенниси мусобақасининг ғолиби М. Иноятовага ҳам мукофотлар топширилди. Санъат соҳасида артист Э. Айтниёзова энг яхши, деб тан олинди.

25 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Иқтидорли ёшлар учун “Ниҳол” мукофотини таъсис этиш ҳақида” Қарор қабул қилди.

25 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбек миллий маданиятини ривожлантиришга буюк ҳисса қўшган адабиёт ва санъат усталарини мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

“Бетакрор истеъдоди ва қолдирган ўлмас мероси билан ўзбек миллий маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун умрини Ватан, халқ, миллат равнақиға бағишлаган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб, эл-юрт олдидаги унутилмас хизматларини инобатга олиб, қуйидаги марҳум адиб ва санъаткорлар “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди:

Ғафур Ғулом — академик, Ўзбекистон халқ шоири

Ойбек (Мусо Тошмуҳаммад ўғли) — академик, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Абдулла Қаҳҳор — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов — ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти

Муҳиддин Қориёқубов — Ўзбекистон халқ артисти

Юнус Ражабий — академик, Ўзбекистон халқ артисти

Абнос Ҳидоятлов — Ўзбекистон халқ артисти

Жўраҳон Султонов — ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти

Маъмуржон Узоқов — ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти

Комилжон Отаниёзов — Ўзбекистон халқ артисти

Ботир Зокиров — Ўзбекистон халқ артисти”.

Август. Бухорода Немис маданияти кунлари ўтказилди.

Август. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ободчилик, кўкаламзорлаштириш, шунингдек, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш бўйича маҳаллалар ва фуқаро йиғинларининг соврини учун танлови бўлиб ўтди. Биринчи ўрин Тўрткўл шаҳридаги “Ғалаба” маҳалласига насиб этди. Ғолибга 150 минг сўм мукофот топширилди.

Беруний туманидаги Алишер Навоий номли ва Мўйноқ туманидаги Кўклиўзак овулларидаги фуқаро йиғинлари иккинчи ва учинчи ўринларни олдилар.

Август. Жиззах вилоятида ёш шоирларнинг “Зомин сабоқлари” тўртинчи Республика семинари бўлди. Унда Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан келган 30 дан кўпроқ йигит ва қиз қатнашди.

Август. Тошкентда, Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Голландиянинг таниқли рассоми Анне-Лоре Куришчук асарларининг кўргазмаси бўлди.

Август. Англияда чиқадиган “Майнинг ревью” (“Кончилик саноати шарҳи”) журналида Дэвид Вильямсоннинг мамлакатимизга қилган сафаридан олган таассуротлари тасвирланган “Ўзбекистон” сарлавҳали мақоласи босилиб чиқди. Бу сафарни британиялик брокерлар учун “Оксус рисорсис корпорейшн” компанияси уюштирган эди.

Август. Тошкентда Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлиги таъсис этган “Фуқаро муҳофазаси” — “Гражданская защита” журналининг биринчи сони ўзбек ва рус тилларида босилиб чиқди.

4-8 сентябрь. Тошкентда, Ўзбекистон кўргазмалар марказида Ўрта Осиё ва Қозоғистонда биринчи “O‘ZUPACK-2000” Тара-Ўраш-Ёрлик Халқаро полиграфия кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмага ўров материаллари ишлаб

чиқариш учун керакли буюмлар, асбоб-ускуна ва технологиялар ҳамда ўров намуналари қўйилган. Улар йигирмата хорижий фирма ва қарийб ўттизта ўзбек корхонаси маҳсулотларидир.

6 сентябрь. “Халқ сўзи” газетасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Оила ва хотин-қизлар муаммолари қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон ишбилармон аёллар “Тадбиркор аёл” уюшмаси, Бадиий академияси томонидан Ташқи иқтисодий фаолият банки ҳамда “Асака” банки қўмагида Республикада биринчи марта ўтказилган “XXI аср аёллари” танлови якунлари эълон қилинди.

“Феруз-Хоразм” акциядорлик жамияти раҳбари, тўрт йил муқаддам зарар кўрувчи корхонага бош бўлиб, унинг рентабеллигини оширган, Хоразм вилоятининг Шовот ва Хонқа туманларида етмиш аёлни иш билан таъминлаган филиаллар очган Клара Жумамуротова, шунингдек, Тошкент вилоятидан “Асли” кичик корхонасининг директори, “Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилиш” мавзuida илмий тадқиқот олиб бораётган Гулнора Маҳмудовалар “Гран при” совриндори бўлишди. “Энг яхши фермер аёл” номинациясида Бухоро вилоятидан хусусий хўжалик раҳбари Мўғтабар Жўраева ғолиб, деб топилди.

3-11 сентябрь. Украинанинг Ялта шаҳрида “Дўстлар уммони” телевизион санъат фестивали бўлиб ўтди. Айни бир пайтда, эстрада ва замонавий қўшиқлар ёш ижрочиларининг танлови ҳам бўлди. Жаҳоннинг ўн уч мамлакатидан келган яккахон хонандалар соврин олиш учун курашдилар. Ялта танловлари тарихида биринчи марта Ўзбекистон вакили Шерзод Остонов қатнашиб, “Ялта-2000” танловининг ғолиби ва томошабинлар муҳаббати совринининг соҳиби бўлди.

11 сентябрь. Нукусда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ҳамза, Бердақ ва Кошғарий мукофотларининг лауреати, давлат ва жамоат арбоби Тўлепберген Қаипбергенов туғилган куннинг 70 йиллигига бағишланган кеча бўлди. Кечани Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг раиси А. Тожиев бошқарди.

Президент Ислом Каримовнинг юбилярга йўллаган табрикномасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Мелибоев ўқиб эшиттирди.

14-17 сентябрь. Тошкентда “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида И. В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Давлат музейининг нодир хазинасидаги 20–30-йиллар авангард санъатининг кўرғазмаси бўлди.

Кўрғазма томошабинлари Н. М. Григорьев, Н. Г. Карахан, А. Юсупов, И. М. Мазель, Р. Р. Фальк, А. В. Шевченко, Е. Л. Коровай, В. В. Рождественский, Л. Г. Бакулина, М. И. Курзин, Н. П. Тарасов, К. Н. Редько, В. М. Юститский, Л. С. Попова, А. В. Николаев (Малевичнинг шоғирди, Усто Мўмин тахаллуси билан танилган), шоир ва ўз шеърларига расмлар чизган мусаввир М. К. Соколов, шунингдек, ушбу ноёб расмлар мажмуасини тўплаган И. В. Савицкий ишларини ҳам кўздан кечириш имкониятига эга бўлдилар.

14 сентябрь. Тошкентда ЮНЕСКО ҳомийлигида динлараро мулоқот бўйича “Дунё динлари: жаҳон маданияти йўлида” мавзуида Халқаро конгресс очилди. Унда Эрон, Исроил, АҚШ, Франция, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Ватикан каби 30 га яқин мамлакат, шунингдек, халқаро диний ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Конгрессни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия раиси Ҳ.Кароматов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг анжуман қатнашчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси З. Ҳусниддинов ўқиб эшиттирди. Конгрессда ЮНЕСКО Бош директори К. Мацуура нутқ сўзлади.

15 сентябрь. “Мустақиллик меъмори — экран қаҳрамони” мавзуида Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари” китоби асосида яратилган фильмнинг учинчи ва тўртинчи қисмлари тақдироти ўтказилди.

Тақдирот Ўзбекистон Бадий академиясининг Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида бўлиб ўтди. Томошабинлар китоб асосида режиссёрлар В. Исҳоқов билан Ш. Курбонбоев яратган фильмларни мароқ билан томоша қилдилар.

17-18 сентябрь. “Дунё динлари: жаҳон маданияти йўлида” конгресси қатнашчилари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига сафар қилдилар. Ташриф доирасида Бухорода ЮНЕСКОнинг “Сўфизм ва халқаро мулоқот” мавзуидаги Халқаро симпозиуми ўтказилди.

19 сентябрь. Бирлашган Араб Амирликларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон маънавий тикланиш йўлида” китоби араб тилида нашр этилганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинди.

20 сентябрь. Тошкентда Туркменистон Миллий маданият марказининг очилиш маросими бўлди. Маданият марказининг очилиш маросимида Туркменистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулудда ва Мухтор Элчиси Султон Пирмуҳамедов иштирок этди.

21-28 сентябрь. Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта опера ва балет театрида Америка, Англия, Франция, Россияда яшовчи ватандошларимиз билан учрашув бўлди. Театр саҳнасида Лондондаги Қироллик коллежининг профессори Алла Аблабердиева (вокал), Чикагодаги симфоник оркестр дирижёри Бурхон Бўриев, Париждаги опера театрлари солисти Олим Саъдуллаев ўз маҳоратларини намоён этдилар.

21-25 сентябрь. Тошкентда Иккинчи Халқаро симфоник мусиқа фестивали бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг йигирмадан зиёд мамлакат вакиллари иштирок этишди.

Сентябрь. Тошкент ва Самарқанд Норберт Шолли бошчилигидаги машҳур немис жаз кваттетининг гастроль концертлари бўлиб ўтди.

Сентябрь. Самарқандда “Тил, этнос, маданий хилма-хиллик ва демократия” мавзуида Халқаро конференция бўлди. Ўзбекистон, АҚШ, Фран-

ция, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон сиёсатшунос, ўлкашунос, тилшунослари ва антропологлари уч кун давомида тил, этник ва маданий хилма-хиллик фуқаро жамиятини мустаҳкамлашга нақадар кўмаклаша олишини муҳокама қилдилар.

Сентябрь. Сайёҳларнинг “Работи Малик” уюшмаси ва Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Элчихонаси томонидан Ўзбекистон болалари ва ёшлари учун Ўзбекистон ва Хитой тарихи, маданияти, табиий шароитларини яхшироқ билишлари мақсадида “Буюк Ипак йўли: замонлар ва халқлар алоқаси” мавзуида ўтказилган танлов нихоясига етди. Бир йил давом этган танловда Тошкент, Наманган, Янгиер, Самарқанд, Нукусдаги этнография ва экология клублари иштирок этди. Тарих, археология, санъатшунослик, экология соҳасидаги мутахассислардан иборат нуфузли ҳайъат энг яхши билимларини кўрсатган тўққизта ёшлар, тўртта болалар клубини тақдирлади.

Сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги Элчихонасида учрашув бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, Оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, дўст мамлакат олий ўқув юртлари олим ва муаллимлари қатнашдилар.

Тошкентдаги Мустақиллик майдонида Ўзбекистон Мустақиллиги кунига ўтказилган байрам тантаналарини тасвирловчи фильм кўриги бўлди.

Фильм намоёишидан сўнг бўлиб ўтган мунозарада фикрлар алмашилди ҳамда маданият соҳасида ўзбек-ҳинд ҳамкорлигини ва иккала давлат оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳам дўстликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Сентябрь. Алматида “Алем Саннияз-Қозоғистон” биринчи Халқаро санъат фестивали якунланди. Унда Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театри жамоаси қатнашди.

26 сентябрь. “Дунё динлари: жаҳон маданияти йўлида” мавзуида ЮНЕСКО томонидан 14-16 сентябрь кунлари Тошкентда ўтказилган Халқаро конгресс қабул этган Декларация матбуотда чиқди. Конгресс қатнашчилари динлараро мулоқот ва ҳамкорликка кўмаклашиш мақсадида ўзлари ишлаб чиққан тавсияларни диний раҳбарлар, ЮНЕСКО ва халқаро ҳамжамият эътиборига ҳавола қилдилар.

26 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов билан Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор Элчиси К.Накаяма ҳукуматлараро айирбошлаш Ноталарини имзоладилар.

Япония ҳукумати мамлакатимизнинг маданият соҳасидаги эҳтиёжларини қондириш учун беғариз ёрдам беришга қарор қилган. Имзоланган ҳужжатлар айни шу қарорлар доирасида тузилган бўлиб, Давлат амалий санъат музейини аудиовизуал техника билан жиҳозлаш учун пул ажратишга қаратилган. Япония ҳукумати шу мақсадлар учун 46 миллион иена (салкам 440 минг АҚШ доллари) миқдорида пул ажратган.

Бир ой муқаддам куёшчиқар мамлакат Ўзбекистонга беғараз ёрдам сифатида болалар учун вакцина харид қилишга 204 миллион иен ажратган эди. Ундан ҳам аввалроқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат академик Катта опера ва балет театрига, Ўзбекистон Давлат санъат музейига, Тошкент шаҳар ҳокимлигига беғараз ёрдам берилган эди.

Сентябрь. Жиззах вилоятида Немис миллий маданият маркази тузилди, у вилоятда яшовчи немис миллиятига мансуб кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий манфаатларини қондириш, кўмаклашиш мақсадини кўзлайди. Бу марказ немис миллиятига мансуб оилалар кўпроқ яшайдиган Ғаллаорол туманида рўйхатга олинди.

Сентябрь. Элдор Азимова бошчилигидаги “Туркистон” миллий камер оркестри Корея Республикасига гастроль сафарига бориб келди. У Сеулда Жанубий корейлик артистлар иштирокида тўртта академик концерт берди.

Сентябрь. Ўзбекистонда биринчи “Тошкент ахборот хизмати” очилди, у фуқароларни қизиқтирувчи барча масалалар бўйича маслаҳат беради.

Сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги Элчихонасида Ўзбекистон рассомларининг мамлакатимиз мустақиллиги 9 йиллигига бағишланган картиналари кўргазмаси бўлди.

Сентябрь. Тошкентда бўлиб ўтган фотокўргазма Берлиндаги машҳур фотограф Макс Матези билан унинг қизи Шарлоттага қарашли бўлган фотосалон фаолияти тарихи билан таништиради. Мазкур фотосалон 1993 йилда ёпилгач, унинг салкам уч юз минг негативдан иборат бисоти маҳаллий музейга топширилган.

Сентябрь. Япониянинг Нагано шаҳрида Ўзбекистоннинг Япониядаги Элчихонаси билан Республика Бадий академияси ҳамкорлигида уюштирилган Ўзбекистон маданияти ва санъати фестивали ўтказилди.

Шаҳар савдо-маданият маркази залларида ўзбек куй ва қўшиқлари янгради. Катта мониторларда мамлакатимиз ҳақидаги ҳужжатли фильмлар кўрсатилди. Фестиваль кунлари Ўзбекистон ва Япония халқлари дўстлигига бағишланган спорт мусобақалари ҳам ўтказилди.

Ўзбекистон тарихи ва замонавий ҳаёти, унинг маънавияти ва маданияти ривожини тасвирловчи кўргазма фестивалнинг асосини ташкил этди. Бир неча бўлимдан иборат бўлган кўргазмага салкам уч юзта тасвирий ва амалий санъат асари қўйилган эди. Ўзбек устаси Абдугани Жумаев ва япониялик усталарнинг фотосуратлари кўргазмаси томошабинларда катта таассурот қолдирди, бу суратларда мамлакатимизнинг кўҳна шаҳар ва ёдгорликлари, замондошларимиз ҳаёти ва уларнинг бунёдкорлик фаолияти акс эттирилган.

Сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Чегара қўшинлари аскар қўшиқларининг биринчи фестивали бўлиб ўтди.

Сентябрь. Тошкентдаги Республика бадий коллежида япон фотоустаси Наоя Иноуэ ишларининг кўргазмаси очилди. Кўргазмада намойиш этилган эликта фотосуратда муаллиф қадами етган Осиёдаги турли мамлакат болалари тасвирланган.

Сентябрь. Тошкент циркида россиялик манеж артистларининг гастроллари бўлди. Борис Смирнов Ўзбекистонда биринчи марта ўзининг “Итлар мактаби” билан томоша кўрсатди.

Сентябрь. Тошкентда “Жаҳон халқлари маданиятини ривожлантириш ва уларни яқинлаштиришда хотин-қизларнинг роли” мавзуида Халқаро учрашув бўлиб ўтди.

1 октябрь. Пойтахтдаги “Боғи Эрам”да Республика Миллий ва маданий маркази томонидан биринчи марта “Нон куни” ўтказилди. Бу ерда Ўзбекистонда турли миллат вакиллари тайёрлаган нонлардан намойиш этилди, нонга бағишланган савол-жавоб ўтказилди, халқ ижрочилари ўз санъатларини намойиш қилдилар.

4 октябрь. Москвада ўз ишини тугаллаган Халқаро телеанжуманда ўзбек кинематографчиларининг “Ҳарбий-сиёсий хавф ва миллий хавфсизликка таҳдид” ҳужжатли фильми иккита совринга сазовор бўлганлиги тўғрисидаги хабар босилиб чиқди. Бу асар “Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги фильм” номинациясида бош совринни ва МДХ давлатлари Мудофаа Вазирлари Кенгашининг махсус совринини олди.

5 октябрь. Тошкентнинг Марказий кўرғазмалар залида очилган кўрғазмада дунёнинг 40 мамлакатидан юборилган юзга яқин тақвим — календарь намойиш этилди. Кўрғазма Ўзбекистон Бадий академияси томонидан Япониянинг “OISCA-International” ташкилоти ва Ўзбекистоннинг Япониядаги Элчихонаси кўмагида уюштирилди.

6-30 октябрь. Ўзбекистонда Япония Маданият кунлари бўлиб ўтди. Ушбу анъанавий тадбир бу йил бешинчи марта ўтказилди. Унинг мақсади икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштиришдан, шунингдек, халқни Япониянинг ҳозирги турмуши ва ўзига ҳос маданияти билан яқинроқ таништиришдан иборат.

10 октябрь. Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасида Украина президенти Леонид Кучманинг “Украин халқига ишонаман” китоби тақдими бўлиб ўтди. Украина давлати бошлигининг кейинги олти йил мобайнидаги энг муҳим дастурий мақолалари ва нутқларини ўз ичига олган бу китобни Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. Касьяненко тақдим этди.

Тақдимот сўнггида Украина Элчиси Леонид Кучма китобининг нусхасини Алишер Навоий номли кутубхонага тортиқ қилди.

11 октябрь. Сеулда Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги Элчихонасида Ўзбекистон мустақиллигига бағишлаб Мустақиллик майдонида ўтказилган байрам тантаналари тўғрисидаги видеофильм намойиш этилди.

Бу тадбирда Корея савдо-саноат доираларининг, ноҳукумат ташкилотларининг вакиллари, Сеулдаги хорижий ваколатхоналарнинг раҳбарлари қатнашдилар.

12-14 октябрь. “Ипак йўли бўйлаб сайёҳлик” VI Тошкент Халқаро сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди, унда 35 давлатдан келган икки юздан кўпроқ вакил иштирок этди.

13 октябрь. Германиянинг Мюльхайме шаҳрида ўтказилган ўзбек театр кунлари вақтида томошабинларга Республика ёш томошабинлар театрининг “Боз масхарабоз” ва Қарши шаҳридаги “Эски масжид” театр-студиясининг Же Байрон поэмаси асосидаги “Қобил ва Ҳобил” спектакллари кўрсатилди.

13 октябрь. Тошкентдаги А.Назаровнинг “АНИК” тиббиёт марказида Жон Леннон таваллудининг 60 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

14 октябрь. Тошкентдаги Бобур номли Маданият ва истироҳат боғида “Экофестиваль-2000”нинг иккинчи босқичи “Озарбайжон ва Ўзбекистон санъат усталари — Орол болаларига” шиори остида ўтказилди. Экофестиваль доирасида ўтказилган икки мамлакат маданиятларининг дўстлик концертидан тушган маблағ Орол болаларига ёрдам тариқасида топширилди.

13-18 октябрь. Тошкентда Япония маданияти кунлари доирасида япон киноси фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль дастурига: режиссёр Акиро Куросаванинг “Жаннат ва дўзах” криминал драмаси, Ватанбе Такассининг “Бардаги жинлар” комедияси, Едза Ямаданинг “Ўғлонлар” мелодрамаси, Хаяо Миадзакининг мультфильми ва япон режиссёрларининг бошқа кино ленталари киритилган.

18 октябрь. Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат академик Катта опера ва балет театрида “Фугако тайко” гуруҳининг беш нафар артисти концерт берди. Улар тошкентликларни япон дўмбираларида миллий мусиқа ижро этиш жанри билан таништирдилар. Концерт қатнашчилари Япониядаги турли урф-одатлар ва байрамларнинг бетакрор муҳитини ҳис эта олдилар.

18 октябрь. Анъанавий “Самарқанд куни” ўтказилди. Шу муносабат билан Самарқанд Маданият саройида “Самарқанд — Шарқ сайқали” мавзуда илмий-амалий конференция ўтказилди.

19 октябрь. Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Элчихонасида “Ўзбек-Бавар мулоқоти” мусиқий компакт-дискнинг тақдимоти бўлди. Германияда чиқарилган ушбу дискка Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги “Сўғдиёна” халқ мусиқа асбоблари камер оркестри ва Мюнхендаги Георг Глазл квартети ижросидаги ўн олти мусиқий асар ёзилган.

19 октябрь. Тошкентда хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари “Меҳр” бирлашмасининг таъсис йиғилиши бўлди. Йиғилишда ташкилий масалалар ҳал этилди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

20 октябрь. Тошкентда “Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик муаммолари” мавзуда семинар ўтказилди. Семинар ишида Қозоғистон Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси

Адлия вазирликларининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси манфаатдор вазирликлари ҳамда идораларининг вакиллари қатнашдилар ва маъруза қилдилар.

Семинар ҳуқуқ соҳасидаги ҳамкорликка оид кўптомонлама ва икки томонлама битимларнинг қоидаларини амалга ошириш ва бу ишларни назорат қилиб, таҳлил этиш масалалари муҳокама қилинди.

20 октябрь. Тошкентдаги Ҳиндистон Маданият марказида рассом Раҳмонжон Мирзаев асарларининг кўргазмаси очилди. Юртимиз тарихий ёдгорликлари, қадамжолари, буюк кишилар ва замондошларимизнинг қиёфалари, шунингдек, она табиат нафосати ва латофати тасвирланган элликдан ортиқ сержило расмлар томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

24 октябрь. Пойтахтдаги “Туркистон” саройида “Ҳамшира-2000” Республика кўрик-танлови ниҳоясига етди. Унда туман, шаҳар ва вилоят кўрикларида ғолиб чиққан 14 тиббий ҳамшира мусобақалашди.

Пойтахтнинг Юнусобод туманидаги 17-шаҳар клиник касалхонаси неврология бўлимининг тиббий ҳамшираси Наргиза Содиқова танлов ғолибаси бўлди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги унга “Тико” автомобили совға қилди.

24 октябрь. Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида жаҳон маданияти халқаро йилига бағишланган “Шарқ-ғарб: замонлар мулоқоти” кўргазмаси очилди. Кўргазма заларига рангасвир, графика, ҳайкалтарошликнинг уч юздан кўпроқ асарлари қўйилди.

25 октябрь. Тошкентда “Офарин” фондининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Янги фонднинг асосий мақсади мамлакатимиз ижодкор ходимларини янги руҳда ишлашга давъат қилишдан, иқтидорлиларни қўллаб-қувватлашдан, мустақиллик ғоялари асосида ватанпарварлик, тинчлик ва тотувлик, дўстлик ғояларини акс эттирувчи, ёшларга мустақилликка ва буюк келажакка ишонч туйғусини сингдирувчи ижодий ишларнинг энг яхши намуналарини яратишда ёрдам беришдан иборат.

26-31 октябрь. “Ўзбекистонда Малайзия киноси ҳафталиги” бўлиб ўтди.

26 октябрь. Республика Байналмилал маданият марказида Хитой Халқ Республикаси Миллатлар ишлари қўмитаси делегацияси билан учрашув бўлди. Мазкур қўмита халқаро бўлимининг раиси Тевексол Тиливалди бошчилигидаги ушбу делегация билан учрашув республика Байналмилал маданият марказининг раиси К. Расулов, шунингдек, уйғур, дунган, қирғиз ва бошқа миллий маданият марказлари раҳбарлари қатнашдилар.

Сўхбат давомида меҳмонлар мамлакатимиздаги миллий маданият марказлари фаолияти билан ва республикаимизда миллатлараро муносабатлар қандай йўлга қўйилганлиги билан танишдилар. Ҳозир Ўзбекистонда бир юз ўттиздан ортиқ милят ва элат вакиллари яшаб турганлиги қайд этилди. Уларнинг юздан ортиқ миллий маданият марказлари мавжуд.

Учрашув вақтида томонлар ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида келишиб олдилар.

26 октябрь. Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитасида полиграфия маҳсулоти ишлаб чиқариш ва техникани такомиллаштириш, янги технологияларни ўзлаштиришга бағишланган Халқаро семинар бўлди. Канада ва АҚШ (“NPES”) полиграфия машина ускуналари ишлаб чиқарувчилари уюшмасининг раҳбарлари, республикамиз полиграфия корхоналари ва фирмаларининг вакиллари қатнашдилар.

26 октябрь. Тошкентда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида “Экология ва дипломатия” мавзuida Халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференция ишида Тошкентдаги дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, вазирликлар ва идораларнинг, банкларнинг раҳбарлари, етакчи эколог олимлар, журналистлар иштирок этишди.

Конференцияда экология билан дипломатиянинг ўзаро боғлиқлиги, Оролбўйи ижтимоий-экология муаммоларини ҳал этишда банк тузилмалари ва дипломатия корпусининг роли, минтақанинг давлатлараро экология ва сув муаммоларини ҳал этишнинг дипломатик жиҳатлари каби кўпгина масалалар муҳокама қилинди.

27-28 октябрь. Тошкентда “Ҳамса-2000” фольклор модаларининг биринчи Халқаро фестивали бўлиб ўтди.

“Замонавий либосларда фольклор асослари” номинациясида литвалик моделчи Лилия Банга голиб чиқди. Ўзбекистонлик Александра Чеченова анъанавий газмоллардан ноанъанавий фойдаланганлиги учун мукофотланди. “Келажакка назар” номинациясида икки дизайнчи — немис аёли Ута Гизен билан ўзбекистонлик Аида Шлехтина совриндор бўлишди. Шарқ билан ғарбнинг энг яхши уйғунлиги учун мукофот қорақалпоғистонлик Гулнора Ембергеновага насиб этди.

“Ғайриоддий мода ва фольклор” номинациясида ҳакамлар ҳайъати тошкентлик моделчиларнинг “Батик” гуруҳи ишини афзал кўрди. Лола Бобоевага энг яхши моделчи аёл соврини топширилди. Малайзиялик Саида Санип Мисс “Ҳамса-2000” деб топилди. Фестивалнинг барча қатнашчиларига дипломлар, голибаларга эса анъанавий ўзбек сопол буюмлари топширилди.

27 октябрь. Тошкент консерваториясида буюк немис композитори Себестьян Бах туғилган куннинг 350 йиллигига бағишланган “Бахга таъзим” мусиқий фестивали очилди. Мазкур фестиваль Гёте илмий-тадқиқот институти ҳомийлигида ўтди.

30 октябрь. Навоий шаҳрида “Хотин-қизлар ва жамият” институти кўмагида очилган аёлларни ижтимоий кўниктириш Маркази тақдимоти бўлиб ўтди. Янги ноҳукумат нотижорат ташкилотининг асосий мақсади хотин-қизларнинг турмуш даражасини яхшилашдан, уларнинг жамиятдаги ролини оширишдан иборат.

Октябрь. Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта опера ва балет театрининг балет труппаси Малайзияга гастроль сафари қилди. Куала-Лумпурда 27 октябрь куни Аданнинг “Жизель”, 28-29 октябрь кунлари эса Чайковскийнинг “Шелкунчик” мумтоз балетлари кўрсатилди.

Октябрь. Вашингтонда ёш ўзбек рассоми Алишер Алиқулов ишларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги Элчихонаси уюштирди.

Октябрь. Германиянинг Бранденбург шаҳрида Ўзбекистон рассомларидан Рустам Худойбергандов, Марат ва Людмила Содиқовлар расмларининг кўргазмаси бўлиб ўтди.

Октябрь. “Ўзбекистон маркаси” акциядорлик жамияти Бурхониддин ал-Маргиноний ва Абу Мансур ал-Мотуридий юбилейига бағишланган почта маркаларини тайёрлади, Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги уларни муомалага чиқарди.

Октябрь. Жиззахдаги “Томоша” кўғирчоқ театр-студияси жамоаси Ҳиндистонга гастроль сафарига бориб келди.

Октябрь. Тошкентда Халқ артистлари Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев ва Сойиб Хўжаевлар таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди.

Октябрь. Франциянинг Лион шаҳрида тўққизинчи Халқаро рақс фестивали бўлиб ўтди, “Буюк Ипак йўлида” номи билан ўтказилган мазкур фестивалда дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатидан санъаткорлар иштирок этишди.

Фестивалда “Ўзбекнаво” гастроль-концерт бирлашмасининг артистлари қатнашдилар. Улар орасида Ўзбекистон халқ артистлари Насиба Саторова ва Мардонкул Мавлонов ҳам бор эди.

Октябрь. Ўзбекистонда Венгрия Кунлари бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонликлар венгр кинематографчиларининг ишлари билан танишдилар. Савдо ярмаркаси ўтказилди, мазкур тадбирда Венгриянинг ўнта фирмаси, жумладан, “Фруттрейд ЛТД”, “TVK-Agroplast”, “Stolwepск” фирмалари, машҳур фармацевтика компанияси “Gedeon Richter ЛТД” ўз маҳсулотларини намойиш этди.

Октябрь. Боннда шаҳар маъмурияти Ўзбекистоннинг Германиядаги Элчихонаси кўмагида уюштирган “Бухоро билан маданий учрашув ҳафталиги” бўлиб ўтди.

Учрашувнинг маданий дастурида “Шашмақом”, “Гиёҳ” ансамбллари-нинг чиқишлари бўлди, бухоролик ҳунарманд усталар ясаган буюмлар кўргазмаси, таниқли фотограф Ш.Болтаев ишларининг фотокўргазмаси ўтказилди, Бухоро ва Ўзбекистоннинг ҳозирги турмуши ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар кўрсатилди.

Октябрь. Германияда ўтказилаётган “Экспо-2000” Халқаро кўргазмасининг махсус журналида мамлакатимизга бағишланган “Ўзбекистон — Шарқ афсонаси” сарлавҳали мақола босилиб чиқди.

Октябрь. Ўзбекистоннинг босма маҳсулотлар бозорида Ибн Сино Халқаро фонди нашрининг “Ибн Сино” янги илмий-оммабоп журнали пайдо бўлди.

Октябрь. Хитойда “Учинчи Пекин сайёҳлик ва маданият Халқаро фестивали-2000” бўлиб ўтди. Унда йигирма тўққиз хорижий мамлакат сайёҳ-

лик фирмаларининг вакиллари қатнашдилар. Бу қадар нуфузли Халқаро анжуманда биринчи марта мамлакатимиз сайёҳлари учун яратилган имкониятлар намойиш этилди, унда мамлакатимиз тарихи ва ҳозирги тараққиёт ҳолати ҳақида ахборот берилди. Фестивал доирасида бўлиб ўтган сайёҳлик ярмаркасига ташриф буюрганлар Ўзбекистон кўрғазмасига қўйилган Самарқанд, Бухоро ва Хива меъморий обидаларининг манзараларини, шунингдек, ўзбек халқ усталарининг амалий-безак санъати асарларини мауроқ билан томоша қилдилар.

Октябрь. Ўзбекистон Ёшлар театри Россиянинг Кузнецк шаҳрида бўлиб ўтган кўча театрлари Халқаро фестивалида ўз санъатини намойиш қилди. Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асари асосида режиссёр Наби Абдураҳмонов саҳналаштирган “Ато этилган севги” спектакли фестивалнинг махсус соврини билан тақдирланди.

Октябрь. Франциянинг Ўзбекистондаги Элчихонаси француз адабиёти ихлосмандлари, уни асл нусхасида ўқийдиган китоб дўстлари учун махсус уюштирган “Китобхонлик-2000” тадбири Тошкентда уч кун давом этди. Китобхонларга машҳур романтик ёзувчи ва учувчи Антуан де Сент-Экзюпери ҳаёти ва ижодига бағишланган кўрғазмани томоша қилиш имконияти берилди, комикслар кўрғазмаси ҳам шу ерда намойиш этилди.

Октябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонаси негизида “Соғлом авлод” медиа марказида ташкил этилган болалар компьютер кутубхонаси очилди.

Медиа марказни ташкил этиш лойиҳасига Германиядаги Штутгарт медиатекасининг иш тажрибаси асос қилиб олинган. Унда анъанавий босма адабиётдан тортиб замонавий компьютер технологиялари ва аудиовизуал маҳсулотларигача бўлган, шакли ва мазмунига кўра хилма-хил ахборот захиралари тўпланган.

Медиа марказ ҳузурида “Шум бола” видео клуби, “Кичкинтой” дам олиш маркази ишлаб турибди. Китоб шинавандаларига 60 ўринли ўқув зали хизмат қилади.

2 ноябрь. Пойтахтдаги Аброр Ҳидоятлов номли Ўзбек Давлат драма театрида атоқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Аброр Ҳидоятлов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Улуғ санъаткор умрининг охиригача шу театр саҳнасида томошабинларни хушнуд қилган эди. Мазкур кеча Аброр Ҳидоятлов хотирасига бағишланган ёдгорлик лавҳасининг тантанали очилиши билан бошланди.

3 ноябрь. Хитойдаги Ухани шаҳрида акробатика санъати халқаро тўртинчи цирк фестивали ниҳоясига етди, унда дунёнинг 240 мамлакатидан энг кучли жамоалар иштирок этди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нарзинисо Алиева раҳбарлигидаги ўзбек акробатлари гуруҳи бундай нуфузли тадбирда биринчи бор қатнашиб, фестиваль мезбонларидан кейинги совринли ўринни олиб, зарҳалланган “Сариқ турна”, шунингдек, эсдалик медали ва диплом билан мукофотланди.

9 ноябрь. Республика Марказий банкида “Миллий мустақиллик ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисола тақдимоти бўлиб ўтди. Унга Президент Ислон Каримов сўз боши ёзган.

9 ноябрь. Санкт-Петербургда ўтказилган “Жаҳон халқлари тарихи ва маданияти” нотижорат видеофильмларининг биринчи Халқаро фестивалида ўзбек режиссёри ва оператори Анвар Авазхўжаевнинг “Ўзбекистон — Ватаним маним” иши “Маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, тарғиб этиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги фаол иш учун” махсус дипломига сазовор бўлди, муаллифнинг ўзи қимматли совға билан мукофотланди.

14 ноябрь. Аброр Ҳидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театрида Халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати Шукур Бурхоновнинг хотира кечаси бўлиб ўтди.

16 ноябрь. Пойтахтдаги “Туркистон” саройида машҳур рус композитори М.И.Глинка ижодига бағишланган “Мен сени илҳомим париси деб атайман” деган адабий-музиқий кеча бўлиб ўтди. Кечада жаҳон мумтоз мусиқаси даҳолари китобига олтин ҳарфлар билан қайд этилган композиторнинг кўпгина ажойиб асарлари янгради.

16 ноябрь. Марғилонда буюк мутафаккир, Ислон фикҳининг асосчиларидан бири, шайхулислом Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Тантаналарда дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатидан келган уламолар, олимлар, кўпгина давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, давлат арбоблари иштирок этдилар. Меҳмонлар Риштон шаҳрига бордилар. Ислон дунёси қонунларининг энг мукамал тўплами бўлган “Ҳидоя” асари муаллифининг рамзий хоки шу ерга дафн этилган. Қадимий Марғилонда “Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг жаҳон фани ва маданияти ривожидидаги роли” мавзуида Халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Шаҳар марказида буюк ҳазрат хотирасига ўрнатилган ёдгорлик мажмуаси тантанали равишда очилди.

Тантаналарда Президент Ислон Каримов нутқ сўзлади.

20 ноябрь. Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Элчихонаси ҳузурида “Рус романси оқшоми” бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат арбоблари дипломатик корпус учун уюштирди.

22 ноябрь. Тошкентда Буюк Британия Рейтер ахборот агентлигининг ваколатхонаси очилди.

22-26 ноябрь. Самарқандда Ўзбекистон кўғирчоқ театрларининг олтинчи анъанавий фестивали бўлиб ўтди.

23 ноябрь. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида Ислон Каримовнинг Бирлашган Араб Амирликларида араб тилида нашр этилган “Ўзбекистон — маънавий юксалиш йўлида” китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимот маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, дипломатик корпус ва жамоатчилик вакиллари қатнашдилар.

23-24 ноябрь. Тошкентда, Темурийлар тарихи Давлат музейининг мажлислар залида “Қамолиддин Беҳзод ва шарқ миниатюра санъати” мавзуи-

да Халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида эса миниатюра санъати асарлари кўргазмаси уюштирилди.

24 ноябрь. “Туркистон” саройида “Ўзбек эстрада санъати ва ижодкор ёшлар вакиллари уюшмаси”нинг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Унда машхур эстрада ижрочилари ва иқтидорли ижодкор ёшлар иштирок этдилар.

27 ноябрь. Тошкентда “Бахга таъзим” фестивали очилди, 6 декабргача давом этган бу фестивални Германиянинг Ўзбекистондаги Элчихонаси билан Тошкентдаги Гёте институти ўтказди.

29 ноябрь. Қарши Давлат университетида “Ўзбек адабиёти ва тилини ривожлантиришда улуғ Навоийнинг хизматлари ва ҳозирги замон адабий, лисоний, маданий жараёни” мавзуида Республика илмий конференцияси ўтказилди.

29 ноябрь. Пойтахтдаги “Туркистон” саройида “Соғлом авлод юлдузлари” Республика фестивали бўлиб ўтди, унинг аввалги давралари Тошкент ва Самарқанд вилоятларида ўтказилган эди. Ёш томошабинлар — меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, кам таъминланган оила фарзандлари ҳузурда болалар ижодий жамоалари, таниқли эстрада артистлари катта концерт қўйиб бердилар.

29 ноябрь. Алишер Навоий номидаги Санъат саройида Француз фильмлари фестивали очилди. Уни Франция Республикасининг мамлакатимиздадаги Элчихонаси уюштирди.

Ноябрь. Тошкентлик рассом Петр Анненковнинг турли йилларда ижод қилган олтмишдан кўпроқ асари Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Элчихонасида очилган кўргазмага тақдим этилди.

Ноябрь. Тошкентда республика Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида “Болажонлар — ширинтойлар” номли модалар фестивали бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда биринчи марта болалар ва ёшлар кийим-кечаги кўрсатилди. Кўрикда йигирмадан зиёд дизайнчи рассом ўзларининг 180 та кийим-кечак моделларини намойиш қилди.

Ноябрь. Ҳиндистондаги Жавоҳарлал Неру номли етакчи университетда Ўзбекистонга бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кечани Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги Элчихонаси ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети ташкил қилди.

Кечада Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлиги ва жамоат доираларининг вакиллари — олимлар, мазкур университет муаллимлари ва талабалари, журналистлар иштирок этдилар.

Байрам дастурини ўтказиш давомида давлатимиз бошлиғининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари” китоби, шунингдек, Ўзбекистон тарихи, ватанимизнинг бугунги куни ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар ва журналлар университет кутубхонасига совға қилинди.

“Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” номли ҳужжатли фильм ҳамда Ўзбекистон мустақиллигининг 9 йиллиги байрам муносабати билан ўтказил-

ган тантаналарни тасвирловчи киноленталар кеча қатнашчиларини айниқса қизиқтирди. Халқ ҳунармандлари ясаган буюмлар, ўзбек рассомларининг она диёр жамолини тасвирловчи картиналари кўрғазмаси, шунингдек, Деҳли олий ўқув юртларида таълим олаётган ўзбек талабалари ижросидаги миллий ва ҳинд рақслари ҳинд жамоатчилигида улкан таассурот қолдирди.

“Ўзбекистон ҳақида нималарни биласиз?” савол-жавоб танловининг якунлари кеча дастурининг энг мароқли якуни бўлди. Бу танловда университет муаллимлари ва талабалари иштирок этишди. Танлов якунлари бўйича Жавоҳарлал Неру номидаги университет Форс ва Марказий Осиё тадқиқотлари марказининг талабаси Муҳаммад С. Аълам ғолиб деб тан олинди, унга бош соврин — Ўзбекистонга бепул сафар қилиш ҳуқуқи берилди.

Ноябрь. Японияда хоразмлик фольклор рақс гуруҳининг гастроллари бўлиб ўтди. Ўзбек артистлари кўшчиқар мамлакатининг ўттиздан ортиқ шаҳарида концерт бердилар. Токиодаги Сока университетининг тўрт минг кишилиқ марказий залида томоша кўрсатдилар. Концертдан олдин “Сока Гаккай” Президенти доктор Дайсаку Икедини Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг Фаҳрий ёрлиғи билан мукофотлаш тантанали маросими бўлди.

Ноябрь. Жиззах вилоятидаги “Томоша” болалар кўғирчоқ театр-студияси Ҳиндистонда ўтказилган эллагинчи Халқаро кўғирчоқ театрлари фестивалида қатнашди. Жиззахликлар “Томоша” спектаклини Деҳли, Муссури, Чандагорда томошабинлар эътиборига ҳавола қилдилар.

Ноябрь. Ҳиндистонда ўрду тилида шеърлар ёзган буюк шоир Мирзо Асадуллоҳон Ғолиб номидаги нуфузли адабий мукофот ҳар йили мамлакатнинг энг яхши адибларига топширилади. Бу йил мазкур мукофот Тошкентдаги Ҳинд маданий марказининг директори Қамар Раис жанобларига берилди.

11 та китоб муаллифи бўлган профессор Қамар Раис улардан учтасини Ўзбекистонга бағишлаган. У 1962 йилдан 1995 йилгача ТошДУ шарқшунослик кафедрасида ўрду тили муаллими бўлиб ишлаган даврида яратган китобларида республикаимиз ижтимоий-маданий турмушининг барча жиҳатларини акс эттирган. Чунончи, ҳинд адиби “Ўзбекистон ва Алишер Навоий” китобида буюк шоир ватанининг тарихий ўтмиши ҳақида ҳикоя қилди ва унинг саксонта шеърини таржима қилиб чиқарди. Замонавий ўзбек шеърляти вакиллари Фафур Фулом, Зулфия, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Жуманиёз Жабборов шеърларидан ўрду тилига таржима қилиб икки жилдлик тўплам тайёрлади.

Ноябрь. Ўзбек кинематографчиларининг “Ҳарбий-сиёсий таҳдид ва миллий хавфсизликка хавф” ҳужжатли фильми Москвада ўтказилган Учинчи Евроосиё телеанжуманида иккита соврин билан тақдирланди.

Ноябрь. Мактаб ўқувчиларининг Тошкентда “Буюк Ипак йўли: замонлар ва халқлар алоқаси” номи билан ўтказилган танлови якунланди. Бу танлов “Работи Малик” сайёҳлар уюшмасининг ташаббуси билан “Ўзбектуризм” компанияси ҳамда Хитойнинг мамлакатимиздаги элчихонаси кўма-

гида 2000 йил январида эълон қилинган эди. Танлов икки ёш гуруҳида — Тошкент, Нукус, Самарқанд, Наманган, Янгиер мактаблари кичик ва юқори синфлар ўқувчилари орасида ўтказилди. Ўқувчилар ҳакамлар ҳайъатига Ўзбекистон ва Хитой халқлари тарихидаги умумий хусусиятларни тасвирловчи рефератларни топширган эдилар. Танлов якунлари бўйича олтинта ғолиб команда аниқланди. Кичик синфлар гуруҳида Тошкентнинг икки командаси — “Ушу”, “Тарихга пиёда” ва Самарқанднинг “Дарвиш” жамоалари ғолиб чиқдилар. Юқори синф ўқувчилари орасида пойтахтнинг “Қанотлар” ва “Изтопарлар” жамоалари ва Янгиернинг “Китобсевар” жамоалари энг яхши деб топилди.

Ноябрь. Республика Амалий санъат музейида фотоқўргазма бўлиб ўтди. Томошабинларга Чехия Республикаси Давлат архивидан олинган XIX ва XX асрларга мансуб (Иккинчи жаҳон уруши бошланишигача) суратлар ҳавола этилди, уларда Чехословакиянинг Биринчи Президенти Томаш Гарриг Масарикнинг (1850—1937) ҳаёти ва сиёсий фаолияти тасвирланган.

Ноябрь. Токиода таниқли япон рассоми, олими ва жамоат арбоби У. Хираяма асарлари кўргазмаси ўтказилди. Кўргазма очилиши арафасида унга Ўзбекистон Республикаси Бадий академиясининг мукофоти — олтин медаль топширилди. Бу мукофот унинг Буюк Ипак йўлига ва Ўзбекистон Республикасига бағишланган туркум ишлари учун берилди. У. Хираяма ва унинг ижоди тўғрисидаги очерк босилиб чиққан “Халқ сўзи” газетаси ҳам унга тортиқ қилинди.

Ноябрь. Ўзбекистон Бадий академияси буюк алломалар — исломшунос олим Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига ва ислом ҳуқуқининг даҳоси Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига бағишланган кўргазма уюштирилди.

Ноябрь. Тошкент шаҳар кўшимча таълим мажмуасида “Савол-жавоб” қойдаси асосида биринчи марта Президент Ислом Каримов асарлари билимдонларининг шаҳар танлови бўлди. Унда туман мактабларидаги мусобақаларда ғолиб чиққан болалар жамоалари иштирок этишди.

Сирғали, Юнусобод ва Бектемир туманларидаги уч мактаб жамоаси танлов ғолиби бўлди.

23 ноябрь. Тошкентдаги “Туркистон” саройида буюк рассом Камолиддин Беҳзоднинг 545 йиллик юбилейига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг юбилей тантаналари қатнашчиларига йўллаган табрикномасини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев ўқиб эшиттирди.

Ноябрь. Япониянинг Аважи оролида ўтказилган Халқаро гуллар фестивали олти ой давом этди. Унда дунёнинг етмишта мамлакатидан, чунончи, Ўзбекистондан юборилган анвойи гуллар намойиш этилди.

Ноябрь. Германиядаги Бранденбург Федерал ўлкасининг пойтахти — Постдам шаҳрида ўзбек рассомларидан Лолита Зуфари ва немис рассоми Наталья Шпигель асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмани очиш маро-

симида ҳукумат муассасалари ва шаҳар маъмуриятининг, хорижий элчи-хоналарининг вакиллари, санъатшунослар иштирок этишди.

Ноябрь. Ўзбекистон Чет эллар билан дўстлик маданий-маърифий алоқа жамиятлари кенгашида Рига шаҳрининг 800 йиллигига бағишлаб Латвия элчихонаси ва “Ўзбекистон—Латвия” дўстлик жамиятлари вакилларининг учрашуви бўлди. Шунингдек, “Сиз Латвияни биласизми?” деган савол-жавоб викторинасининг якунловчи босқичи ўтди. Унда талабалар иштирок этишди. Савол-жавоб ғолибалари олган қимматбаҳо совғалар орасида Болтиқбўйидаги энг гўзал шаҳарлардан бири — Рига шаҳрига сафар йўлланмалари ҳам бор эди.

Ноябрь. Пойтахтдаги “Шератон” меҳмонхонасида “Хотин-қизларни камситишнинг ҳамма турларини тугатиш тўғрисида конвенция (СЕДАМ): уни рўёбга чиқариш, назорат ва таҳлил қилиш ҳамда ҳисобот масалалари” мавзuida икки кунлик Халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси БМТнинг хотин-қизлар ривожланиш фонди (ЮНИ-ФЕМ) билан биргаликда ўтказган конференцияда республика вазирликлари ва идоралари, давлат ташкилотларининг вакиллари, Олий Мажлис депутатлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), мамлакатимиз хотин-қизлари ноҳукумат ташкилотларининг раҳбарлари, БМТнинг СЕДАМ бажарилиши устидан назорат қўмитаси экспертлари, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Анжуман давомида бундан буёнги ҳаракатнинг устувор йўналишлари ва режалари ишлаб чиқилди, Конвенция талабларини келгусида биргаликда бажаришда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида амалий мулоқот ўрнатилди.

Ноябрь. ЮНЕСКО Жаҳон мероси қўмитасининг Австралияда бўлиб ўтган мажлисида дунёдаги 61 та нодир сиёсий ёдгорликлари билан бир қаторда Ўзбекистоннинг Шаҳрисабз шаҳри Жаҳон мероси рўйхатига киритилди.

Ноябрь. Ҳиндистон пойтахти — Деҳли шаҳрида анъана бўлиб қолган ҳар йилги болалар Ассамблеяси бўлиб ўтди. Бу фестивалда Ўзбекистон болаларининг делегацияси ҳам қатнашди. Тошкентдаги “Ором” махсус ўқув-таълим мактабининг ўқувчилари тенгдошлари ва меҳмонларга миллий либослар, рақслар ва ашулалардан иборат концерт дастурини тортиқ қилдилар. Фестивалнинг барча қатнашчиларини Ҳиндистон Бош вазири Атал Бихари Вайшьяи ўз қароргоҳида қабул қилди.

Ноябрь. Вашингтонда ёш ўзбек рассоми Алишер Алиқулов ишлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги Элчихонаси ташкил этди.

4 декабрь. М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг Катта залида Ўзбекистон ва Корея Халқ Демократик Республикаси дўстлигига бағишланган байрам концерти бўлиб ўтди. Корея фольклор жамоалари, Пхеньян шаҳрида ўтказилган “Апрель баҳори” Халқаро фес-

тивалининг совриндорлари, Р. Глиэр номидаги мусиқа мактаби ўқувчилари, консерватория талабалари ва педагоглари жозибали мусиқий дастурни намойиш этдилар. Шимолий Корея халқларининг мумтоз, фольклор ва эстрада куйлари янгради. Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулудда ва Муҳтор Элчиси Ким Тхе Сам концертни очаётиб, бундай тадбирларнинг ўтказилиши Корея ва Ўзбекистон халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга кўмаклашади, деб таъкидлади.

15-18 декабрь. Тошкентда Қорақалпоғистон Республикаси Маданият кунлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қорақалпоғистон Маданияти кунлари қатнашчиларига табрик йўллади.

15 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Кўп йиллик самарали ишлари, мамлакатимиз маданияти ва санъатини ривожлантириш, халқлар ўртасида дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлашга кўшган катта ҳиссаси учун, шунингдек, жамоат турмушидаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси маданият ходимларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

15 декабрь. Почта ва телекоммуникация агентлиги муомалага чиқарган почта маркасига халқаро ташкилот — БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича Олий Комиссариати бошқармаси 50 йиллигига бағишланган оригинал купон илова қилинган. Бу ташкилот қуролли можаролар туфайли кўчиб юришга мажбур бўлган ва турли сабабларга кўра таъқибга учраган кишиларга ёрдам бериб келмоқда.

18 декабрь. Тошкентдаги “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида жаҳонга машҳур скрипкачи Шоломо Минтц концерти бўлди. Концерт Исроил давлатининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳомийлигида ўтди. Элдор Азимов раҳбарлигидаги “Туркистон” камер оркестри маэстрога жўрлик қилди.

19 декабрь. Қорақалпоғистон Маданият кунлари қатнашчиларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга миннатдорчилик мактуби матбуотда эълон қилинди.

20-22 декабрь. Урганчда ёш ижрочиларнинг машҳур ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов хотирасига бағишланган иккинчи Республика кўрик-танлови ўтказилди.

21 декабрь. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетига Грузиянинг Ўзбекистондаги Элчихонаси ташаббуси билан “Грузияни ким яхшироқ билади?” мавзuida викторина бўлиб ўтди.

Халқаро иқтисодий муносабатлар факультетининг жамоаси савол-жавоб ғолиби бўлди. Унга бош мукофот — Грузияга бир ҳафталик бепул сафар йўлланмаси берилди.

23 декабрь. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети жаҳон тиллари кафедрасининг талабалари Япониянинг миллий байрами — император туғилган кунни нишонладилар. Бу ерда япон тилидаги “Қорқиз ва етти гном” спектакли кўрсатилди, чой байрами ва чойхўрлик бўлди. Учрашув охирида мезбонлар билан меҳмонлар ер юзиде тинчлик рамзи бўлган анъанавий турначаларни бир-бирларига тортиқ қилдилар.

25 декабрь. Тошкентга Деҳли ташкилий кўмитасидан хушxabар келди: Ўзбекистон Бадий академияси ҳузурндаги тасвирий ва амалий санъат республика лицей-интернатининг ўқувчиси Халқаро “Шанкар-2000” танловининг Жавоҳарлал Неру олтин медали билан мукофотланди. Мамлакатимиздаги ва чет элдаги бир неча кўргазма ва танлов қатнашчилари бўлиши Аҳам Ҳамроев “Олтин дўппи” асари учун ва Нурхон Зиёхонова “Олифта қиз” картинаси учун ушбу мукофотга сазовор бўлдилар. Лицейнинг яна уч ўқувчиси — Бобур Раҳмонов, Мария Куприянова, Зарина Гисматулина “Мустақиллик”, “Байрам”, “Биринчи кўнғирок” асарлари учун Халқаро танлов совриндорлари бўлишди.

27 декабрь. Ўзбекистон диёрида эзгулик ва раҳм-шафқат байрами Ийди Рамазон — Рўза ҳайит нишонланди.

Декабрь. Самарқандда Республика кўғирчоқ театрларининг олтинчи анъанавий фестивали бўлиб ўтди. Фестивалнинг биринчи мукофотиغا Марғилон вилояти кўғирчоқ театрининг “Алпомиш” спектакли сазовор бўлди.

Декабрь. Кўқондаги Фурқат номли Маданият ва истироҳат боғида Шоирлар хиёбони очилди. Алоҳида хогира лавҳасига Кўқоннинг адабий муҳитини вужудга келтириб, унинг шўҳратини бутун дунёга ёйишга катта ҳисса қўшган юзлаб шоир ва ёзувчиларнинг номлари битилган.

Декабрь. Вашингтонда Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги Элчихонаси ташаббуси билан ўзбекистонлик рассом Вячеслав Усеинов асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди. 1980—2000 йилларда яратилган қирқта картига кўргазмага қўйилди.

Декабрь. Тошкентда Россия Федерацияси Элчихонасида очилган романс кечаси рус маданий меросига бағишланган туркум мусиқий-адабий композицияларни бошлаб берди.

Декабрь. Токиодаги “Жуку” жамоат марказида япон-ўзбек дўстлик кечаси бўлди, уни Япониянинг “Токио Интер Артс” уюшмаси, Накамегуро талабалар уюшмаси Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Элчихонаси кўмагида ва Мегуро-ку тумани ҳокимлиги ҳомийлигида уюштирди.

Декабрь. Тошкентда атоқли созанда, “Жаз қироли” Луи Армстронг туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган мусиқа фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль дастури доирасида Луи Армстронг, Одри Хепберн, Барбара Стрейзанд, Ж.Бенсон, Харри Милсон ва Америка жазининг бошқа юлдузлари иштирокида оммабоп видеомусиқа ёзувлари кўрсатилди.

Декабрь. Тошкентда Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги Элчихонаси индонез таомлари фестивалини ўтказди.

Декабрь. Кўқонда буюк ўзбек шоири ва маърифатпарвари Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат номидаги боғ очилди, боғ ҳашар йўли билан барпо этилди.

Декабрь. Бухоро шаҳридаги “Ситора” кино-фото студиясининг раҳбари Шавкат Болтаев Америкада ўз фотосуратлари кўргазмасини намойиш

қила бошлади. Америкадаги “Сорос” фонди ўтказаетган ўзига хос танловда Ш. Болтаев иқтидорли фотограф деб тан олинди, АҚШга тўрт ойлик сафар йўлланмаси билан мукофотланган эди.

Декабрь. Тошкентда Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўрғазмалар залида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бадиий галереяси коллекциясининг кўрғазмаси бўлиб ўтди. Ушбу коллекцияда XX аср бошидан шу кунларгача яратилган мингдан ортиқ рангтаъбир, графика, ҳайкалтарошлик ва амалий санъат асарлари бор. Бу галги кўрғазмага Банк томонидан кейинги вақтларда сотиб олинган ва турли замон мактаб, жанр ва услубларга мансуб рассомлар ишлаган 100 та асар қўйилди.

Декабрь. Урганчда “Хоразм ёшлари” янги газетасининг I-сони босмадан чиқди. Бу газетани Улурбек номидаги Республика иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш фондининг вилоят бўлими таъсис этди.

Декабрь. Лондонда инглиз меценати Майкл Франсес бисотидаги “Бухоро сўзаналари латофати” асарларининг кўрғазмаси бўлиб ўтди. У ўттиз йилдан бери Ўрта Осиё усталари яратган гўзал буюмларни тўплаш билан шуғулланади. Кўрғазмага XX аср бошларида Бухоро амирлигида яратилган ўн учта ноёб ва нодир буюмлар қўйилган.

Декабрь. Америка Қўшма Штатларидаги Луизиана штатининг Шрифпорт шаҳрида пианиночи Войдман номли Халқаро танлов бўлиб ўтди. Уч даврада ўтказилган бў танловда қирқдан кўпроқ мамлакатдан келган ёш ижрочилар қатнашди. Мазкур мураккаб мусобақада иштирок этган Мухтор Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясининг талабаси Гулрух Шокирова бронза медалига сазовор бўлди.

Декабрь. Тошкентда “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори остида иқтидорли ёшлар кўрғазмаси бўлди, унга Ўзбекистоннинг турли ўқув юртиларида таълим олаётган 130 дан кўпроқ йигит ва қизнинг асарлари қўйилди.

Декабрь. Тошкентдаги ҳинд Маданият марказида Ўзбекистон Бадиий академияси ва мамлакатимиздаги Ҳиндистон Элчихонасининг кўмаги билан Республика Санъат коллежи муаллим ва талабалари томонидан бажарилган миниатюра ишларининг Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллигига бағишланган кўрғазмаси бўлди.

Декабрь. Грециянинг Мркополон шаҳарчасида пианиночиларнинг Халқаро танлови бўлди. Унда Тошкент Давлат консерваториясининг 20 ёшли талабаси Рустам Абдуллаев кумуш медаль билан тақдирланди.

29-30 декабрь. “Туркистон” саройининг концерт залида Президент арчалари бўлди, унда Тошкент ва пойтахт вилоятидаги меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатларда тарбияланувчилардан, кўп болали ва кам таъминланган оилалардан келган 7000 дан зиёд болалар қатнашди. Мамлакатимизнинг барча вилоят марказларида ва Қорақалпоғистон Республикасида шундай байрам томошалари бўлди, уларнинг қатнашчиларига совғалар улашилди.

3 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида Вольфганг Амадей Моцарт хотирасига бағишланган мусиқа кечаси бўлиб ўтди. Концертни академия, Германия элчихонаси ва Конрад Аденауэр номидаги минтақа ваколатхонаси уюштирди.

4 январь. Токиода Японияга бағишлаб ўтказилган ҳар йилги Халқаро кино ва видеофильмлар фестивали ниҳоясига етганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинди. Унда “Ўзтелерадио” компанияси кинематографчиларининг Япониядаги “International Motor Picture Co.2 td” кинокомпанияси билан бирга яратган “Ушалмаган умидлар мамлакати” картинасига (режиссёр Э. Нишонов) кумуш соврин топширилди.

5 январь. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари нашр этила бошлаган куннинг ўн йиллигига бағишланган йиғилиш бўлди.

10-18 январь. Мальта оролида дунё ошпазларининг Халқаро фестивал-танлови бўлди. Унда ўзбек миллий таомлари усталари делегацияси иштирок этди.

19 январь. Тошкентда “Ўзбекистонда фуқаро жамияти қурилиши” мавзuida Халқаро семинар иш бошлади.

Январь. Мактаб ўқувчиларининг таътил кунлари Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўрғазмалар залида ўтган йили Чехиянинг Лидице шаҳрида бўлиб ўтган болалар расмлари ҳар йилги Халқаро кўрғазмановида муваффақиятли қатнашган Ўзбекистон ёш рассомларига эсдалик дипломлари ва медаллари топшириш маросими бўлди. Бу танловда Ўзбекистонлик ёшлар 4 медал ва 16 дипломга сазовор бўлган эдилар. Мукофотларни Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва Мухтор Элчиси Ярослав Лудва тантанали вазиятда топширди.

Январь. Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўрғазмалар залида Этагами кўрғазмаси бўлди, унда Ўзбекистон ёш рассомларининг Япония санъатида кенг тарқалган “Этагами” услубида бажарилган 150 асар намойиш қилинди. Бу услубдаги асарлар тушда акварель бўёқда почта откриткаси ҳажмида бажарилган бўлади.

Январь. Италиянинг Торре-дель Греко шаҳрида “Самарқанд маржонлари” кўрғазмаси бўлиб ўтди. Кўрғазмага Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан юборилган анъанавий заргарлик санъатининг 200 га яқин буюми қўйилди. Бу буюмларни И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи билан Ўзбекистон Давлат амалий санъат музейи тақдим қилган эди.

Январь. Тошкентдаги Амалий санъат музейида “Чехия Республикаси минг йилликлар маррасида” номли фотокўрғазма бўлиб ўтди.

Январь. Самарқандда “Бадий таржиманинг тилшунослик муаммолари” мавзуида таржима назарияси мутахассислари ва таржимонларнинг Республика конференцияси бўлиб ўтди.

Январь. Тошкентда “Алла” ижрочиларининг бешинчи Республика кўрик-танлови ўтказилди. Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Маданият уйи ҳузуридаги фольклор-этнография жамоаси голиб деб топилди.

V. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ. СПОРТ

1991 ЙИЛ

20-24 ноябрь. “Тошкентда йод тақчиллиги билан боғлиқ касалликларни бартараф этиш” мавзуида Халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Австралия, Хитой, Англия, Швейцария ва бошқа мамлакатларнинг шифокорлари, олимлари иштирок этдилар.

1992 ЙИЛ

21 январь. Тошкентда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

28 январь. Тошкентда микология ва протозой касалликлари бўйича Ўрта Осиёда биринчи илмий марказ очилди.

Январь. Тошкентда кикбоксинг бўйича биринчи Республика чемпионати бўлиб ўтди. 75 килограмм вазнда Қосим Ниёзов, 82 килограммга вазнда Артур Саидов, энг енгил вазнда эса тошкентлик спортчилар Умид Ҳасанов ва Юрий Исмоилов совриндор бўлдилар.

5 февраль. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

28 февраль. Тошкентда болалик ва оналикни муҳофаза қилиш муаммолари юзасидан учрашув бўлиб ўтди.

28 март. Республиканинг саккизта шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг футбол бўйича биринчи чемпионати старт олди.

28 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Қизил Яримой жамияти тўғрисида” Фармон чиқарди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим ой жамиятининг ўрнатқан бир гуруҳ тиббиёт ходимлари ва фаолларини мукофотлаш тўғрисида” Фармони қабул қилинди.

Май. Тошкентда ҳалокатлар тиббиёти бўйича Халқаро симпозиум бўлиб ўтди, унда фавқуллодда ҳолатларда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш муаммолари муҳокама қилинди.

22 июнь. Кўқонлик шифокор Бахтиёр Мансуров “Хитой Халқ Республикасининг фахрий профессори” унвонига сазовор бўлганлиги ҳақида хабар эълон қилинди.

5 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов “Манила шаҳрида (Филиппин) бўлиб ўтган олимпиадада юқори спорт натижаларига эришганлиги, шахматни ривожлантиришдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикасининг шахмат бўйича терма жамоаси аъзоларини мукофотлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

28 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан спортчиларни тақдирлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

29 август. Олий Кенгаш Раёсати Республикада физкультура ва спортни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган, Ўзбекистон шарафини Халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя қилаётган спортчилар ва тренерларни рағбатлантириш мақсадида “Хизмат кўрсатган спорт устози” ва “Хизмат кўрсатган спортчи” фахрий унвонларини таъсис қилиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги ҳақида хабар эълон қилинди. Шунингдек, бу фахрий унвонлар тўғрисидаги Низомлар ҳам эълон қилинди.

Август. Шаҳрисабзда Амир Темур хотирасига бағишланган ўзбек миллий кураши (бухороча қоида) бўйича биринчи Халқаро мусобақалар бўлиб ўтди. Мусобақаларда Ўзбекистон, Россия, Грузия, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон ва МДХ нинг бошқа мамлакатларидан келган 400 дан ортиқ кураш усталари иштирок этди. Шаҳрисабзлик Абдуқодир Пирматов мусобақанинг мутлақ ғолиби бўлди.

Сентябрь. Тошкентда халқаро иммунологлар мактабининг беш кунлик машғулоти бўлиб ўтди, унда Европа ва Осиёнинг 18 мамлакатидан, шу жумладан, Италия, Швейцария, Нидерландия, Ҳиндистон, Польша, Покистон, МДХ мамлакатларидан тиббий ходимлар иштирок этдилар.

Сентябрь. Тошкентда Республика мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган Ўзбекистон меҳнаткашларининг биринчи спартакиадаси бўлиб ўтди. “Старт” ва “Динамо” стадионларида беш кун давомида Ўзбекистон вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат жамоалари ўртасида мусобақалар ўтказилди.

Сентябрь. Хивада миллий кураш бўйича машҳур хивалик полвон ва шоир Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишланган биринчи Халқаро турнир бўлиб ўтди, унда Хоразм вилоятининг Хонқа туманидан спорт устаси Давлат Қаландаров турнирнинг мутлақ чемпиони бўлди.

Сентябрь. Андижон вилоятининг олимпия резервлари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар мактабининг от спорти базасида Ўзбекистоннинг от спорти бўйича биринчи миллий чемпионати бўлиб ўтди. Андижон вилояти жамоаси чемпионатда биринчи ўринни эгаллади, Василий Чер-

нишев, Нодира Ганиева ва Файрат Мирзажонов каби андижонлик чавандозлар мусобақаларнинг муллақ чемпионлари бўлишди.

Сентябрь. Ўзбекистон парашютчиларининг терма жамоаси, парашют спорти бўйича Австриянинг Трибон шаҳрида ўтказилган XXI жаҳон чемпионатида иштирок этганлиги ва умумий ҳисобда дебютантлар учун фахрий ҳисобланган ўнинчи ўринни эгаллаганлиги ҳақида хабар эълон қилинди.

Октябрь. Бишкекда бўлиб ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг шахмат бўйича биринчи универсиадаси шахсий-жамоа биринчилигида Тошкент Давлат университетининг Д. Қаюмов, А. Паронян, Ш. Ўролов, А. Бондаренколардан иборат жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

2-8 ноябрь. Акапулько шаҳрида (Мексика) миллий олимпия қўмиталарининг бош ассамблеяси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Тайёрлов қўмитасининг делегацияси ҳам иштирок этди.

10 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон стоматологларининг III съезди очилди.

23-26 ноябрь. Тошкентда эркин кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси биринчи чемпионати бўлиб ўтди.

25-26 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон урологларининг биринчи съезди бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов съезд иштирокчиларига табрик йўллади.

8 декабрь. Тошкентда дифтерит, полиомелит, қоқшол, қизамиқ каби юқумли касалликлар иммунопрофилактикаси бўйича биринчи семинар-кенгаш очилди. Унда АҚШ, Англия, Швейцария мутахассислари иштирок этдилар.

9 декабрь. Тошкентда педиатрия амалиётига фармацевтиканинг хилма-хил янгиликларини тадбиқ этиш масалалари муҳокамасига бағишланган Халқаро симпозиум ўз ишини бошлади.

26 декабрь. Тошкентда болалар мия фалажини бошидан кечирган ногиронлар учун Республикада биринчи “Умид” тиббий-даволаш маркази очилганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинди.

Декабрь. Тошкентда Халқаро тиббиёт кўргазмаси бўлиб ўтди, бир ҳафта мобайнида унда Германия, АҚШ, Япония, Туркия, Австрия ва бошқа мамлакатларнинг 20 дан ортиқ илғор фармацевтика концернлари ҳамда фирмалари маҳсулотлари намойиш этилди.

Декабрь. Наманганда эркаклар ўртасида қўл тўпи бўйича Ўзбекистоннинг биринчи миллий чемпионати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Давлат физкультура университетининг спорт клуби жамоаси чемпионат ғолиби бўлди.

1993 ЙИЛ

31 январь. Ўзбекистон Республикаси экология ва саломатлик “Экосан” жамғармаси томонидан ташкил қилинган малакали тиббиёт ходим-

ларидан иборат ва замонавий даволаш-диагностика ускуналари билан жиҳозланган махсус поезднинг биринчи рейси Тошкентдан Қорақалпоғистон туманларига йўл олди.

Январь. Марсель тропик тиббиёт илмий-тадқиқот институти олимлари делегацияси Ўзбекистонда бўлди. Француз тадқиқотчилари Самарқанддаги паразитология илмий-тадқиқот институти ходимлари билан учрашдилар ва улар билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома туздилар.

Февраль. Андижонда, Фарғона водийсида илк бор Германия, Япония, Швейцария ва Туркияда ишлаб чиқарилган замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган кардиологик марказ очилганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди.

Февраль. Тошкентда ногиронларнинг “Меҳр-шафқат, соғломлаштириш ва спорт” Республика жамғармаси ташкил этилди.

20 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида” Қарори эълон қилинди.

Март. Австрияда бўлиб ўтган фуристайл чанғи акробатикаси бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон вакили Лина Черязова олтин медаль совриндори бўлди.

Март. Тошкентда дартс — спорт ўқларини отиш бўйича турнир бўлиб ўтди. Ўзбекистондаги бу биринчи турнирда республиканинг кўпгина шахарларидан 60 га яқин спортчи қатнашди. Эраклар ўртасида Р. Гарипов, хотин-қизлар ўртасида Э. Иброҳимова ғолиб бўлди.

Март. Термизда ўрта асрнинг қомусчи олими Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича Халқаро мусобақалар бўлиб ўтди. Унда турли мамлакатларнинг тўрт юздан ортиқ спортчилари иштирок этдилар. Биринчи ўринни Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон тумани вакили Ўрол Тўраев эгаллади. У бош мукофот — Ўзбекистон Республикаси Президенти совринининг соҳиби бўлди.

Март. АҚШнинг Индиана штатида бўлиб ўтган авиамодель спорти бўйича жаҳон чемпионатида пойга авиамодели билан қатнашган тошкентлик спорт устаси Василий Кромин олтинчи ўринни эгаллади.

Апрель. Москвада футбол бўйича ногиронлар ўртасидаги биринчи марта ўтказилган турнирда Тошкентнинг “Матонат” жамоаси иккинчи ўринни эгаллади.

Апрель. Жиззах вилоятининг Фориш туманида спорт ва халқ ўйинлари миллий турларининг биринчи фестивали бўлиб ўтди, бунга ҳар йили баҳорда шундай байрамларни ўтказиш яхши анъанага айланганлиги асос бўлди.

Май. Ўзбекистонга христианларнинг Халқаро хайрия ташкилоти мутахассислари келди. АҚШ, Буюк Британия, Исроил, Янги Зеландиядан

келган, кўз мутахассиси бўлган 14 та врач Бухоро вилояти кўз касалликлари шифохонасининг ўзида 1500 беморни кўрикдан ўтказиб, 60 та операция қилди.

Май. Тошкент вилоятининг Чорвоқ яқинида Ўзбекистонда спорт радиопеленгацияси бўйича биринчи чемпионат бўлиб ўтди. Қўпкураш яқунлари бўйича эркаклар ўртасида тошкентлик С. Литарцев республика чемпиони бўлди, хотин-қизлар ўртасида эса тошкентлик Р. Майлибоева энг яхши натижага эришди.

Май. Тампере шаҳрида (Финляндия) ўтказилган бокс бўйича жаҳон чемпионатида тошкентлик боксчи Ҳикматулло Аҳмедов энг енгил вазнда кумуш медални қўлга киритди.

13 июнь. Тошкентда дартс ўйинлари бўйича биринчи Ўзбекистон чемпионати яқунланди. Шахсий мусобақаларда тошкентлик Максим Қозиев ва Қарши дартс-клубидан Антонина Ивакина голиб бўлишди.

Июнь. Куала-Лумпурда (Малайзия) бўлиб ўтган шахмат бўйича чемпионатда Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медалларни қўлга киритди.

Июнь. Тошкента Туркиядаги энг йирик “Эком эжажибаши” компанияси томонидан чиқариладиган янги дори-дармонларни қўллаш муамоларига бағишланган Халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

3-9 июль. Тошкентда ногиронларнинг ҳозирги шароитга мослашиши муаммоларига бағишланган биринчи Халқаро семинар бўлиб ўтди.

Июль. Ўзбек велопойгачиси Жамолиддин Абдужапаров Францияда бўлиб ўтган жаҳондаги “Тур де Фуранс” профессионал велоспорт пойгаларида қатнашиб, дўйганинг даража бўйича иккинчи соврини — “Мусобақанинг энг фаол пойгачиси” совринини олди.

Июль. Москвада бўлиб ўтган таэквондо бўйича жаҳон чемпионатида ёшлар орасида 63 килограмм бўлган вазнлилар даражасида биринчи ўринни ўзбекистонлик спортчи Б.Кулаҳмедов эгаллади.

Август. Нью-Йоркда бўлиб ўтган таэквондочиларнинг Халқаро турнирида Ўзбекистон терма жамоаси “Юсак жанговар руҳ учун” махсус Кубоги билан тақдирланди. Ушбу турнир ўтаётган кунларда Ўзбекистон таэквондо ассоциацияси Бутунжаҳон таэквондо федерацияси (БТФ)га қабул қилинди.

3-5 сентябрь. Тошкентда Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатларининг таэквондо бўйича биринчи чемпионати бўлиб ўтди. Уч кун давомида эркаклар ва аёлларнинг якка ва жамоа мусобақаларида медаллар учун кураш давом этди. Ўзбекистон жамоаси базавий техникани намойиш қилиш бўйича мусобақаларда биринчи ўринни эгаллади. Спарринг-курашларда Республика спортчиларидан Ботир Меметов ва Виктор Николаев чемпи-

он бўлишди. Евгений Ли ва Баҳром Кулаҳмедовлар кумуш медалларни қўлга киритишди, Ўзбекистонлик спортчи қизлардан Сусанна Якунина, Лариса Гольцман ва Маргарита Хан ҳам кумуш медаллар соҳиби бўлишди.

28 сентябрь. Самарқандда тиббиёт ходимларининг XI Халқаро конференцияси очилди.

5-10 октябрь. Тошкентда бокс бўйича Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига бағишланган Халқаро турнир бўлиб ўтди.

Октябрь. Ҳиндистоннинг авиация маршали Суброт Акап соврини учун Деҳлида бўлиб ўтган турнирда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси футболчилари иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш кубокни қўлга киритишди.

Октябрь. Хиросимада (Япония) бўлиб ўтган байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоасидан Владимир Казанцев, Андрей Колганов, Иван Киреев, Анатолий Тюринлар 14 олтин медални қўлга киритишди.

Октябрь. Гулистонда ўт ўчирувчилар ўргасида спортнинг амалий турлари бўйича биринчи республика мусобақалари бўлиб ўтди. Тошкентлик ўт ўчирувчи спортчилар ғолиб бўлди.

17 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европадаги минтақавий бюроси директори Асваллини қабул қилди.

Ноябрь. Тошкентда “Соғлом авлод учун” шиори остида тиббий ҳамшираларнинг “Ҳамшира-93” биринчи республика танлови бўлиб ўтди. Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги туғуруқхона акушер-ҳамшираси Раъно Жўраева танлов ғолиби бўлди.

Ноябрь. Тошкентда Марказий Осиё давлатлари ва халқларининг экологик хавфсизлиги муаммолари бўйича Халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

18 декабрь. Халқаро ФИФА ташкилотининг Лас-Вегас шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтган конференциясида Ўзбекистон Миллий Футбол федерацияси ушбу футбол ассоциацияси аъзолигига қабул қилинди.

Декабрь. Калькутта шаҳрида (Ҳиндистон) бўлиб ўтган “Шильд-93” Халқаро футбол турнирида Ўзбекистоннинг “Пахтакор” жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

1994 ЙИЛ

11 февраль. Грек-рим кураши бўйича Истамбулда бўлиб ўтган Халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси учинчи ўринни олгани тўғрисида хабар эълон қилинди. Тошкентлик Файрат Абдуллаев, Шамсиддин Худойбердиев, Баҳодир Курбонов ўз вазн тоифаларида ғолиб чиқдилар.

25 февраль. Ўзбекистонлик халқаро тоифадаги спорт устаси, фристайл бўйича Жаҳон чемпиони ва кубоги соҳиби Лина Черязева Норвегиянинг

Лиллехаммер шахрида бўлиб ўтган XVII қишки Олимпия ўйинларида чемпион бўлганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди. Қишки олимпиадалар тарихида биринчи марта чемпион шарафига мустақил Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мадҳияси янгради.

Февраль. Тошкентда “Хотин-қизлар экологик муаммоларни ҳал этишда” ассоциацияси ташкил этиш бўйича таъсис йиғилиши бўлди. Ассоциация республикадаги экологик ва тиббий-санитария шароитини яхшилаш вазибаларини ҳал этиш учун аёллардан иборат тиббиёт ходимларини, экологлар, педагоглар, иқтисодчилар, тадбиркорлар ва ижодий зиёлиларни ўз сафида бирлаштирди.

14 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов XVII қишки Олимпия ўйинлари қатнашчиларини мукофотлаш тўғрисида Фармон чиқарди.

11-19 апрель. Футбол Федерациялари халқаро ассоциацияси (ФИФА) ва Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) шафелигида илк бор ўтказилган футбол бўйича Халқаро Тошкент турнири бўлиб ўтди. Ўзбекистон футбол терма жамоаси турнир ғолиби бўлди.

13 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ХОҚ Президенти Хуан Антонио Самаранч раҳбарлигидаги Халқаро Олимпия кўмитаси делегациясини қабул қилди.

3 май. Тошкентда “Буюк Ипак йўли” номи остида теннис бўйича Халқаро мусобақа очилди. Мусобақада 22 мамлакатдан спортчилар қатнашдилар.

7-8 май. Форишда спортнинг миллий турлари ва халқ ўйинлари бўйича биринчи Республика олимпиадаси бўлиб ўтди.

19-20 май. Тошкентда қандли диабет касаллиги муаммолари бўйича Халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

28 май-5 июнь. Тошкентда теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун биринчи Халқаро турнир бўлиб ўтди. Америкалик теннисчи Чак Адамс биринчи кубок соҳиби бўлди.

Май. Тошкентда автомобилчилар “Ғалаба” Халқаро мусобақаси бўлиб ўтди. “Ўзавтотранссервис” спорт клуби жамоаси жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

7-8 июнь. Тошкентда Марказий Осиё пульмонологлар ва аллергологларнинг биринчи Халқаро конгресси бўлиб ўтди.

Июнь. Андижонда қишлоқ физкультурачиларининг Республика спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда Андижон вилояти қишлоқ спортчилари командаси ғолиб бўлди.

Июнь. Ўзбекистон боксчилар миллий терма жамоаси Жаҳон кубоги учун Таиландда ўтказилган мусобақада қатнашди. Тошкентлик боксчи На-

римон Отаев 65 килограммгача вазн тоифасида Жаҳон кубоги мусобақаси ғолиби бўлди. Оғир вазнли Олег Маскаев кумуш медални қўлга киритди. 81 килограммгача бўлган вазн тоифада ангреник спортчи Темур Иброҳимов бронза медали соҳиби бўлди.

14 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Республикада дори-дармон воситаларини сотишни тартибга солиш тўғрисида” Фармон чиқарди.

Август. Самбо кураши бўйича Алматида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида иштирок этган Ўзбекистон хотин-қизлари терма командаси ўнта олтин, тўртта кумуш ва шунча бронза медални қўлга киритиб, умумий ҳисобда биринчи ўринни эгаллади.

Август. Хоразм вилоятининг даволаш муассасалари Боғот туманидаги Искандар Дўсов номли жамоа хўжалигида қурилган тиббий момиқ ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Хива” ўзбек-британия қўшма корхонасининг дастлабки маҳсулотларини олганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди.

3 сентябрь. Тошкентда “Ўзбекистон мустақиллиги кубоги” учун биринчи Халқаро футбол турнири бўлиб ўтди. Бош соврин — биллур тўпни Ўзбекистон Миллий терма жамоаси қўлга киритди. Тошкентнинг марказий “Пахтакор” стадионида ўтказилган бу турнир “Эм-би-си” телекомпанияси томонидан илк бор Европа ва Америка мамлакатларига олиб кўрсатилди.

8 сентябрь. Катар давлатининг пойтахти Деҳеда бўлиб ўтган ўсмирлар Осиё чемпионатида ўн тўрт яшар тошкентлик шахматчи Рустам Қосимжонов олтин медални қўлга киритганлиги ҳақида хабар эълон қилинди.

12-17 сентябрь. Самарқандда “Универсиада-94” Республика талабалар ўйинлари бўлиб ўтди. Фарғона вилояти талабалари жамоаси ўйинлар ғолиби бўлди.

15 сентябрь. Ҳиндистоннинг Тамилнад штати биринчи вазири Жавлаита хоним томонидан таъсис этилган анъанавий кубок учун Мадрас шаҳрида бўлиб ўтган хотин-қизлар футболли бўйича мусобақаларда Ўзбекистон терма жамоаси олтин медални қўлга киритгани ҳақида хабар эълон қилинди.

20 сентябрь. Андижон вилоятида “Полвонтош” санаторийси очилди. Бу шифо маскани Ўзбекистон касаба уюшмаларининг йигирманчи даволаш-соғломлаштириш муассасаси бўлди.

27-30 сентябрь. Тошкентда “Тиббиёт-94” Халқаро кўرғазмаси бўлиб ўтди.

28 сентябрь. Тошкентда Н. А. Семашко номидаги тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг 75 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов институт жамоасига табрик мактуби йўллади.

29 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон кардиологларининг учинчи съезди очилди.

Сентябрь. Франциянинг вакцина ва зардоб ишлаб чиқарадиган энг йирик фирмаси — “Пастер Мерье” томонидан тайёрланган полиомиелитга қарши уч ярим миллион дозали вакцинанинг дастлабки туркуми Тошкентга етиб келди.

Сентябрь. Ўзбекистон тиббиёт ходимлари делегацияси Берлинда бўлиб ўтган XXII Бутунжаҳон кардиологлар конгрессида иштирок этди.

Сентябрь. Тошкентда жаҳон тиббий амалиётида бактерияларга қарши энг янги препаратлардан фойдаланиш ҳамда уларни Ўзбекистонда қўлланиш истиқболларига бағишланган Халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

Сентябрь. Ўзбекистон Республикаси миллий олимпия кўмитаси делегацияси ХОҚнинг юз йиллигига ҳамда ҳозирги олимпиада ҳаракати тикланишига бағишлаб Парижда ўтказилган юбилей конгрессида иштирок этди.

3 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Бутунжаҳон туристик ташкилоти бош котиби Антонио Энрикес Савиньякни қабул қилди.

12-13 октябрь. Тошкентда жарроҳларнинг юрак, қон-томир, кўкрак ва қорин бўшлиғи касалликларида тикловчи реконструктив жарроҳликнинг долзарб масалаларига бағишланган Республика конференцияси бўлиб ўтди.

14 октябрь. Тошкентда педиатрларнинг иккинчи Халқаро конгресси очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов конгресс иштирокчиларига табрик йўллади.

17 октябрь. Тошкент аэропортида Хиросимада ўтказилган XII Осиё ўйинларида иштирок этган ўзбекистонлик спортчиларни кутиб олиш маросими бўлди. Спортчиларимиз 10 та олтин, 11 та кумуш ва 19 та бронза — жами 40 та медални қўлга киритдилар.

24-28 октябрь. Тошкентда тиббиёт жиҳозлари ва фармацевтика маҳсулотларининг “Тошкент-94” Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

Октябрь. Тошкентда ижтимоий соҳанинг энг яхши ходими номини олиш учун Республика танлови бўлиб ўтди. Ёлғизларга, ногиронларга, боқувчисисиз қолган шахсларга ёрдам бериш бўйича мусобақаларда жиззахлик Ратха Тоғаева энг яхши ходим деб топилди.

Октябрь. Тошкентда ўзбек ва америка тиббиётчи олимларининг “Касалликлар диагностикаси ва уларни даволашда янги технологиялар” мавзуда симпозиуми бўлиб ўтди.

11 ноябрь. Тошкент 1-Тиббиёт институтининг Урганч филиали марказий илмий-тадқиқот лабораторияси мудир, тиббиёт фанлари доктори, профессор Худоёр Оллоёровнинг ЮНЕСКО Халқаро ахборот Академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинди.

7-12 декабрь. Бангкокда (Таиланд) тай бокси ишқибозлари ўртасида биринчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси

еттита вазн тоифасида иштирок этиб, норасмий жамоалар ўртасидаги ҳисоб-да тўртинчи ўринни эгаллади. Ўзбекистонлик спортчилар битта кумуш медаль (Сервер Валиев) ва учта бронза медални (Шерзод Холиқов, Жонбўлат Амантаев ва Эркин Эргашев) қўлга киритишди.

Декабрь. Тошкентда Ўзбекистон онкологларининг биринчи қурултойи очилди.

1995 ЙИЛ

Январь. Тошкентда Халқаро Қизил хоч қўмитасининг Марказий Осиё мамлакатлари учун доимий ваколатхонаси очилди.

Январь. Тошкентда тиббиёт ходимларининг болалар орасида юқумли касалликларни тугатиш муаммоларига бағишланган Халқаро семинари бўлиб ўтди.

Январь. Тошкентдаги 169-мактабда ёш футбол ҳакамларини тайёрлайдиган республикада биринчи экспериментал гуруҳ очилди.

10-13 апрель. Тошкентда “Тиббиёт ва саломатлик-95” мавзuidaги Халқаро кўргазма бўлиб ўтди, унда 25 та мамлакатнинг тиббиёт ускуналари ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган юздан ортиқ фирма ва компаниялари иштирок этди.

Апрель. Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа туманида “Форобий” санаторий-профилакторийси фойдаланишга топширилди.

Апрель. Андижонда жарроҳларнинг Халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

Апрель. Лозаннада Халқаро олимпия қўмитасининг навбатдаги конгресси бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ХОҚнинг тенг ҳуқуқли аъзоси этиб қабул этилди.

2 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов “Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

16 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов Бутунжаҳон саломатлик ташкилоти бош директори Хироши Накажимани қабул қилди.

1-9 июль. Нью-Хевенда (АҚШнинг Конектикут штати) Кеннедилар хонадонининг ташаббуси билан тўққизинчи марта ногиронларнинг махсус Бутунжаҳон олимпиадаси ўтказилди. Унда Тошкентдаги 1-республика интернат-уйининг ўн нафар тарбияланувчиси иштирок этиб, енгил атлетика ва футбол мусобақаларида 2 та олтин, 15 та кумуш ва 4 та бронза медалларини қўлга киритишди. Бу совринларни болаларга Арнольд Шварцнеггер, Жан-Клод Ван Дамм ва Майкл Жексонлар топширишди.

3 август. Андижонда ўтказилган “Тиббиёт ҳамшираси-95” Республика кўрик-танлови якунлари эълон қилинди. Тошкент вилоятининг Оҳанга-

рон шахрида тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишлайдиган Санобар Абдурасулова биринчи ўринни эгаллади.

29 август. Тошкентда Ўзбекистон Президенти Кубоги учун теннис бўйича иккинчи Халқаро турнир очилди. Унда 14 та мамлакатдан келган спортчилар қатнашди. Турнир марокашлик теннисчи Карим Алабий галабаси билан якунланди.

2 сентябрь. Тошкентдаги “Пахтакор” стадионида Биринчи Марказий Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

7 сентябрь. Ўзбекистон альпинизми тарихида биринчи марта Республика Давлат спорт қўмитаси “АЛП Восток” спорт клубининг Рустам Ражапов, Роман Мац, Андрей Фёдоров ва Марат Усаевлардан иборат альпинистлар гуруҳи 1995 йилнинг бир ёзги мавсумида бирданига Муस्ताқил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудидаги иккита энг баланд чўққи — денгиз сатҳидан 6995 метр баландликдаги Хон-Тангри чўққиси ва 7439 метр баландликдаги Ғалаба чўққисини забт этишгани тўғрисида хабар эълон қилинди. Спортчилар ўз ютуқларини Ўзбекистон муस्ताқиллигининг тўрт йиллигига бағишладилар.

13 сентябрь. Шри-Ланкада ўтказилган сузиш бўйича Осиё — Тинч океани чемпионатида ўзбекистонлик спортчилар — Навойдаги “Олтин сув” сузиш маркази сузувчилари 5 та олтин, 8 та кумуш ва 4 та бронза медалларини қўлга киритганликлари ҳақида хабар эълон қилинди.

30 сентябрь–8 октябрь. Тошкентда бокс бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

18 октябрь. Тошкентда “Майер” немис фирмасининг ногиронларни ҳаракатлантириш ва соғлиғини тиклаш воситалари салон-дўкони очилди. Бу МДХ мамлакатларида очилган шундай салонларнинг иккинчисидир.

24 октябрь. Тошкентда Ўзбекистон терапевтларининг IV қурултойи очилди.

28-29 октябрь. Тошкент—Чимён йўналиши бўйлаб “Сўғдиёна-95” саккизинчи анъанавий Халқаро автопойгаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Россия, Беларусь, Қозоғистон, Украина жамоалари иштирок этди. Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон жамоаси ғолиб бўлди.

Октябрь. Севастополда бўлиб ўтган денгиздаги кўп кураш бўйича жаҳон биринчилигида Ўзбекистон терма жамоаси учинчи совринни қўлга киритди.

Октябрь. Бельгияда таэквондо бўйича учинчи очиқ чемпионат бўлиб ўтди, унда 24 мамлакатдан 300 дан ортиқ спортчи қатнашди. Ўзбекистонлик спортчилар тўртта медални: Владимир Нам (биринчи дан, қора камар) олтин медални, Виктор Николаев (учинчи дан, қора камар) кумуш медални, Насриддин Толипов (тўртинчи дан, қора камар), Виктор Цой (иккинчи дан, қора камар) бронза медалларни қўлга киритишди.

8 ноябрь. Тошкентда рентгенологлар ва радиологларнинг Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

14 ноябрь. Сузиш бўйича “Гран при” анъанавий турнири якунланган Лалувье шахрида (Бельгия) Ўзбекистоннинг Навоий кон-металлургия комбинати “Олтин сув” сузиш марказининг ўн нафар спортчисидан иборат терма жамоаси 9 та олтин, 4 та кумуш ва 5 та бронза медалини қўлга киритиб, умумий ҳисобда учинчи ўринни эгаллаганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди.

15-18 ноябрь. Тошкентда ногиронларнинг биринчи Республика спартакиадаси бўлиб ўтди.

Ноябрь. Истамбулда фармацевтика ва соғлиқни сақлаш масалалари бўйича Марказий Осиё давлатлари Халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Унинг ишида Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Р. Т. Султонов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси қатнашди.

Ноябрь. Парашют спорти бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. “Чимён” жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Шахсий биринчиликда Тимур Азибеков энг яхши парашютчи деб эътироф этилди, хотин-қизлар ўртасида эса Наталья Скулкина галаба қозонди.

13 декабрь. Таэквондо бўйича Манилада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси Бутунжаҳон таэквондо Федерацияси совринларидан бири — “Команданинг баланд руҳи учун” кубогини қўлга киритганлиги ҳақида хабар эълон қилинди.

16 декабрь. Мамлакатимизда биринчи марта оғир кўз касалликларини лазер нури ёрдамида даволаш жорий қилинганлиги ҳақида хабар қилинди. Республика кўз касалликлари клиникаси қошида очилган янги марказда икки кун ичида йигирмадан кўпроқ киши ана шу услуб бўйича операция қилинган.

29 декабрь. Шахмат бўйича Сингапурда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Александр Ненашев, Сергей Загребельный, Михаил Салтаев, Шухрат Сафин, Сайдали Йўлдошевдан иборат Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси ушбу чемпионатнинг бронза совринига сазовор бўлганлиги ҳақида хабар эълон қилинди.

Декабрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг ВМЭК ва ВМК — врачлик-меҳнат эксперт комиссиялари ва врачлик-маслаҳат комиссиялари шифокорларининг иккинчи Республика съезди бўлиб ўтди.

Декабрь. Киевда Ўзбекистон билан Украина ўртасида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужуматлараро Битимнинг амалга оширилиши бўйича қўшма комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси делегацияси қатнашди.

Декабрь. Копенгагенда (Дания) оналик ва болаликни муҳофаза этиш масалаларига бағишланган Халқаро семинар бўлиб ўтди, унинг ишида Ўзбекистон тиббиётчиларидан иборат делегация ҳам иштирок этди.

Декабрь. Тошкентда “Ногирон болаларни ҳар томонлама ривожлантириш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари” мавзуида уч кунлик Халқаро конференция бўлиб ўтди.

Декабрь. Тошкентда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика урология маркази очилди.

1996 ЙИЛ

4 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистонда футболни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вазирликлар, давлат қўмиталари, концертлар, идоралар ва уюшмалар раҳбарлари иштирок этишди. Мажлисни Президент Ислон Каримов олиб борди.

11 январь. Республика Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида икки давлатнинг тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришни назарда тутадиган ҳукуматлараро алмашув ноталарини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

17 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва тамойилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Январь. Тошкентда Ўзбекистон боксчиларининг биринчи Республика спартакиадаси бўлиб ўтди. Команда ҳисобида биринчи ўринни Андижон вилояти терма жамоаси эгаллади. Ўз вазн тоифаларида Рустам Чагаев, Наримон Отаев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Алишер Раҳимов, Рафқат Эралиев, Жамол Сайфуллаев, Шавкат Абдувоҳидов, Икром Бердиев, Дилшод Каримов, Ўткир Ҳайдаров, Илҳом Давербоев ва Темур Иброҳимовлар ғолиб бўлишди.

Январь. Дзюдо бўйича Ҳиндистонда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Қарши Давлат университети жисмоний тайёргарлик факультетининг талабаси Алишер Мухторов кумуш медални қўлга киритди ва ушбу ғалаба уни халқаро тоифадаги спорт устаси унвонига сазовор қилди.

Январь. Тошкентда “Сурункали жигар касалликларини даволашнинг замонавий усуллари” мавзуида Республика конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ишида Россия ва Германия мутахассислари иштирок этишди.

Январь. Тошкентда 12 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Республика ўсмирлар юксак спорт маҳорати мактабининг грек-рим кураши бўйича очиқ биринчилиги бўлиб ўтди. Бу мусобақаларда Ўзбекистон вилоятлари, Қозоғистон ва Тожикистон командалари иштирок этишди.

4-11 февраль. Хитойнинг Харбин ва Ябули шаҳарларида III қишки Осиё ўйинлари бўлиб ўтди. Бу ўйинларда Ўзбекистондан фристайл бўйича олимпиада чемпиони Лина Черязова бошчилигидаги ўн нафар фристайл, фигу-

рали учиш, тоғ-чанғи спорти усталари иштирок этишди. Ўзбекистонлик спортчилар жамоа ҳисобида бешинчи ўринни эгаллашди. Фигурали учиш устаси Татьяна Малинина кумуш медални қўлга киритди. Сергей Бренер ҳам фристайл бўйича кумуш медаль совриндори бўлди.

22 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий патронаж тизимини ташкил этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Март. Тошкентда жаҳонда етакчи “Елаксо-Вэлком” фармацевтика фирмасининг Марказий Осиёда биринчи ваколатхонаси тақдироти бўлиб ўтди.

Март. Тошкентда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги жарроҳлик илмий марказида жигар циррози муаммоларига бағишланган Халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Германия, Россия, Украина, Қозоғистондан вакиллар иштирок этишди.

1-4 апрель. Тошкентда “Соғлиқни сақлаш-96” Иккинчи Халқаро кўрғазмаси очилди. Кўрғазмада жаҳондаги 22 мамлакатнинг 150 дан зиёд етакчи фирмаларининг тиббий асбоб-ускуналари ва фармацевтика маҳсулотлари намойиш этилди.

12 апрель. “Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги” шиори остида ўтган доимий республика экология кўрик-танлови ҳайъатининг қарори эълон қилинди. Ўтган йил якунларига кўра, Республикамизда мавжуд бўлган ўттиз мингдан ортиқ маҳаллалар орасида Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги Абдулла Қодирий номи маҳалла экологик ва санитария-гигиена нуқтаи назаридан энг тоза маҳалла деб топилди.

16 апрель. Профессионал бокс тарихида илк бор Ўзбекистон вакили — тошкентлик спортчи Артур Григорян жаҳон чемпиони бўлгани ҳақида хабар эълон қилинди. У Германиянинг Гамбург шаҳрида пуэрториколок машҳур боксчи Антонио Риверни 12-раундда нокаут қилди.

17 апрель. Тошкентда “Мадаккор” тиббий илмий-ишлаб чиқариш марказида кислород пленка тайёрлаш аппарати тайёрланганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди.

23 апрель. Фарғонада “Истиқлол” теннис спорт мажмуасида “Олтин водийда теннис” шиори остида “Челенжер” туркумидаги Халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 25 мамлакатдан келган 32 теннисчи қатнашди.

Апрель. Ёшлар ўртасида Марказий Осиё биринчилиги учун Қозоғистоннинг Жамбул шаҳрида ўтказилган футбол мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси ғолиб бўлганлиги ҳақида хабар эълон қилинди. Иккинчи ўринни Хитой, учинчи ўринни Қозоғистон терма жамоалари эгаллади.

Апрель. Тошкентда республикада биринчи халқаро дорихона очилди. Унинг ташкил этилишида жаҳондаги етакчи фармацевтика фирмалари, шу жумладан “Шерринг”, “Шерринг плау”, “Гедеон Рихтер” иштирок этишди.

Апрель. Таиландда ўтказилган сузиш бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси тўртинчи ўринни эгаллади, сузувчилар Вячеслав Кабанов, Александр Агафонов, Олег Пухнатий ва Олег Цветновский эркин услубдаги 4×100 метр эстафетали масофани ҳаммадан тез сузиб ўтиб, олтин медалларни қўлга киритдилар.

Апрель. Тошкентда Венгриянинг “Гедеон Рихтер” акционерлик жамияти дори-дармонлари илмий тақдимоги бўлиб ўтди.

Апрель. Бухорода хотин-қизлар жамоалари ўртасида чим устида хоккей бўйича халқаро турнири бўлиб ўтди. Бухоронинг “Ситора” жамоаси турнир ғолиби бўлди. Иккинчи ўринни Таиланд терма жамоаси хоккейчилари, учинчи ўринни — Қозоғистон ёшлар терма жамоаси эгаллашди.

Апрель. Тошкентда “Интермед Лабор Медтех” немис фирмасининг лаборатория, диагностика ва бошқа тиббиёт асбоб-ускуналари кўргазмаси бўлиб ўтди.

6-7 май. Тошкентда Марказий Осиё диабетшуносларининг II Халқаро конгресси бўлиб ўтди. Конгрессда Марказий Осиё мамлакатлари, Россия, Украина, Австрия, Буюк Британия, Германия, Даниядан келган 500 дан зиёд олимлар, етакчи мутахассислар иштирок этди.

20-24 май. Тошкентда “Полиомиелит ва дифтерия устидан назорат” мавзуйда Халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда Россия, Украина, Грузия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг таниқли мутахассислари иштирок этишди.

29 май. Россияда ўтказилган самбо кураши бўйича жаҳон Кубоги мусобақаларида Ўзбекистон курашчилари умумжамоа ҳисобида бронза мукофотига сазовор бўлишди. Бухоролик самбочи Шухрат Хўжаев 90 килограммгача бўлган вазн тоифасида олтин медални, самарқандлик Фарҳод Хўжамов эса 57 килограммгача бўлган вазн тоифасида кумуш медални қўлга киритди.

Май. Самарқандда Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган II Республика талабалар ўйинлари — “Универсиада-96” бўлиб ўтди.

Май. Тошкент атрофида анъанавий “Ғалаба-51” Халқаро авторалли ўтказилди. Унда Россия, Қозоғистон, Туркменистон ва Ўзбекистондан 34 экипаж иштирок этди. Команда ҳисобида туркменистонлик спортчилар Керим Авезов ва Владимир Пигалицин ғолиб чиқишди. Иккинчи ўринни қозоғистонлик Сергей Тупицин ва Сергей Акимов, учинчи ўринни ўзбекистонлик ака-ука Горбуновлар эгаллашди.

Май. Тошкентда ўтказилган Халқаро семинарда Ўзбекистонда профессионал футболнинг ташкилий асосларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Май. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюросининг директори Асвалл бошчилигидаги делегация Оролбўйи аҳолисини соғломлаштиришда амалий иштирок этиш мақсадида Ўзбекистонда

бўлди. Ушбу халқаро ташкилот мутахассислари Хива, Урганч, Нукус, Беруний ва Мўйноқ туманларида бўлишди, Орол денгизи зонасини айланиб учишди, бир қанча тиббий муассасалар иши билан танишишди.

Май. Тошкент мактаб ўқувчиларининг Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган велопойгаси ўтказилди. Унинг 20 иштирокчиси Тошкент—Чирчиқ—Ғазалкент—Хўжакент—Бурчмулла—Чимён йўналиши бўйлаб 250 километрлик масофани босиб ўтди.

Май. Атлантада (АҚШ) ҳар тўрт йилда ўтказиладиган “Чилдрен Фест” — “Болалар — биринчи навбатда” кенг Халқаро анжумани бўлиб ўтди. 90 мамлакатдан 360 қатнашчи тўпланган ушбу анжуманда Ўзбекистондан ногиронларни тиббий-тиклаш “Умид” маркази директори Д. Қурбонова илк бор қатнашди.

Май. Жиззах атрофидаги Наврўзбулоқ трассасида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган мотокросс бўйича Республика чемпионатининг тўртинчи финал босқичи ўтказилди. Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳри спортчилари энг яхши натижаларга эришдилар.

Май. Қорақалпоғистондаги Тахиатош донни қайта ишлаш заводи санаторий-профилакторийси биринчи дам олувчиларни қабул қилди. Санаторийда 25 ўрин мавжуд бўлиб, соғломлаштириш учун барча зарур нарса билан жиҳозланган.

Май. Тошкентда, Республика шикофорлар малакасини ошириш институтида аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатувчи кўчма бригада мутахассисларининг биринчи битирув маросими бўлди. Ойлик курсларда республиканинг барча вилоятларидан келган қирқдан ортиқ шифокорлар таълим олди.

Май. Андижонда Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларининг шаҳар ва қишлоқларидан “Катта шляпа — ота-оналар ва болалар” номида оилавий дуэтлар теннис турнири ўтказилди. Андижон вилояти Кўрғонтепа туманидан Аблязовлар оиласи биринчи ўринни эгаллади.

Май. Жиззах вилояти Фориш туманида Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейига бағишланган халқ ўйинлари Республика олимпиадаси бўлиб ўтди. Умумий ҳисобда жаззахликлар олимпиада ғолиблари бўлишди.

Май. Фарғонада Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб ўсмирлар ўртасида стол тенниси бўйича Республика биринчилиги учун мусобақалар ўтказилди. Унда Фарғона болалар-ўсмирлар спорт мактаби теннисчилари биринчи ўринни эгаллашди.

Май. Жиззахда Нурхон Маматқулов ташкил қилган “Азиза” хусусий шифохонаси очилди. Шифохона бир йўла 50 беморни даволашга мўлжалланган.

Май. Экологик саломатлик бўйича АҚШ Миллий марказининг етакчи мутахассислари доктор Кэрол Рубин ва доктор Альден Хендер-сон Ўзбекистонда бўлишди. Улар бир ҳафта давомида экологик вазиятни ўрганишди. Орол-

бўйи аҳоли пунктида турли касалликларнинг умумий экологик вазият аҳоли билан ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилишди.

1-10 июнь. Ўзбекистонда “Экосан” Халқаро жамғармаси ҳомийлигида Экология ва саломатлик кунлари ўтказилди.

3 июнь. Тошкентда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан Даниянинг инсулин ишлаб чиқариш бўйича етакчи “Ново нордиск” компанияси томонидан ташкил қилинган қандли диабет касаллиги бўйича Халқаро симпозиум-семинар иш бошлади.

8-16 июнь. Тошкентда теннис бўйича “Челенжер” туркумида Халқаро хотин-қизлар турнири бўлиб ўтди. Австриялик 17 ёшли Патрисия Вертуш турнир ғолиби бўлди.

12 июнь. Тошкентда “Инсонпарварлик ва уруш” мавзуида кўرғазма очилди. Ўзбекистонда биринчи марта ташкил этилган бу кўрғазма экспонатлари Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Яримой жамиятини тузиш тарихи ва унинг ривожланиши бу ташкилот аъзолари бўлган мамлакатларга кўрсатиладиган тиббий ва инсонпарварлик ёрдами тўғрисида ҳикоя қилди.

Июнь. Нукусда 600 томошабинга мўлжалланган бешта корти, гўзаллик салони, ошхона ва маданий-маиший хизмат кўрсатадиган бошқа бўлинмалари бўлган замонавий теннис мажмуи ишга туширилди.

12 июль. Наманганда Халқаро теннис федерацияси ҳомийлигида ўтказилган теннис бўйича Халқаро ёшлар турнири якунланди. Унда Марказий Осиёнинг беш мамлакатидан 13 ёшгача бўлган 44 нафар ёш спортчи қатнашди.

15-21 июль. Ўзбекистонда биринчи марта оммавий спорт ҳафталиги ўтказилди.

28 июль. Гулистонда қишлоқ меҳнаткашларининг Республика спартакиадаси очилди.

Июль. Дубай шаҳрида (Бирлашган Араб Амирликлари) ўтказилган Осиё қитъаси командалари чемпионатида ўзбекистонлик шахматчилардан А. Ненашев, С. Йўлдошев, С. Загребельний, Р. Қосимжоновлар турнир ғолиби бўлишди.

14 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикасида тиббий ва фармацевтика саноатини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

16 август. Пойтахтнинг “Наврўз” мажмуида олимпиячиларимизни шарафлаш маросими бўлиб ўтди. 19 июлдан 4 августгача Атланта шаҳрида (АҚШ) ўтказилган XXVI Олимпия ўйинларида ўзбекистонликлар шарафига Давлат байроғимиз икки марта кўтарилди. Тошкентлик дзюдочи Армен Багдасаров кумуш медални, Тошкент вилоятидан боксчи Карим Тўланов эса бронза медалини қўлга киритишди.

Август. Андижонда миллий кураш бўйича Заҳириддин Бобур хотирасига бағишланган Халқаро турнир ўтказилди. Унда Марказий Осиё мамлакатларидан келган икки юзга яқин атлетлар иштирок этишди. Турнирнинг яқунловчи босқичида Президент соврини “Нексия” енгил автомобили учун мусобақалар ўтказилди.

1 сентябрь. Тошкентда Олимпия шўхрати музейи очилди. Музейнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

1 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ва республика Спорт федерациялари раҳбарларининг Халқаро Олимпия қўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранч билан учрашуви бўлиб ўтди.

1-5 сентябрь. Бордо шаҳрида (Франция) шифокорларнинг VII Халқаро конференцияси бўлиб ўтди, унда жигарнинг шикастланиши билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва даволаш масалалари муҳокама қилинди. Конференция ишида жаҳоннинг юзга яқин мамлакатидан олимлар, шу жумладан, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳузуридаги Вирусология институти олимлари — Б. Алиев ва Ш. Хўжаевлар ҳам қатнашишди.

2-8 сентябрь. Тошкентда теннис бўйича Ўзбекистон Президенти Кубоги учун анъанавий III Халқаро турнир бўлиб ўтди. Турнирда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади ва турнир ғолиби — испаниялик теннисчи Феликс Мантиллега бош совринни топширди.

10-13 сентябрь. Шаҳрисабзда Амир Темур таваллудининг 600 йиллигига бағишланган миллий кураш бўйича II Халқаро турнир бўлиб ўтди. Биринчи ўрин қашқадарёлик Баҳром полвон Авазовга берилди, унга Президент соврини — “Нексия” автомашинаси ва зотли чопқир от топширилди.

14 сентябрь. Олий Мажлиснинг VI сессиясида 29 августда қабул қилинган “Фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинди ва кучга киритилди.

15 сентябрь. Тошкентда биринчи ёшлар теннис “Ян интернэйшнл” турнир-Кубоги яқунланди. Антон Кокурин турнирнинг мутлақ ғолиби бўлди, қизлар орасида эса ғолибликни Ирода Тўлаганова эгаллади.

17 сентябрь. Тошкентда Марказий Осиё минтақасидаги йирик шаҳарлар ва аҳоли пунктлари бўйлаб автопойга старт олди. Асақадаги Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси — “ЎЗДЭУ”да йиғилган олтига автомобиль — “Тико”, “Дамас”, “Нексия” йўлга тушди.

17 сентябрь. Тошкентда “Ипак йўли бўйлаб туризм” иккинчи халқаро ярмаркаси очилди.

23 сентябрь. Тошкентда Ҳиндистон ортопедия буюмларининг тақдими бўлиб ўтди, уларни Тошкентга келган ортопедия соҳасидаги ҳинд мутахассислари тақдим этишди.

Сентябрь. Термизда Ўзбекистон биоиклим шароитида касалликларни даволашдаги ютуқлар ва муаммоларга бағишланган Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Сентябрь. Тошкент Давлат Аграр университетда теннис корти фойдаланишга топширилди. Ушбу университет ўз теннис кортига эга бўлган республикада биринчи олий ўқув юрти бўлди.

Сентябрь. Гулистонда жаҳон андозаларига мос келадиган Саломатлик маркази очилди. Бу мажмуада ёпиқ теннис корти, иккита теннис майдончаси, сузиш ҳавзаси, фитобар, спорт заллари бор.

Сентябрь. Нукусда “Жанубий Орол минтақасида онкологик ва эндоскопик жарроҳликнинг долзарб муаммолари” мавзуида Республика илмий-амалий семинари ўтказилди.

Сентябрь. Наманган вилоятида биринчи марта ўзбек футболни ҳафталиги ўтказилди. Вилоятнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида, мактабларда, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида, жамоа хўжаликларида спортнинг ушбу тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Ҳафталик доирасида Наманганда ихтисослаштирилган лицей-интернат очилди. Чуст шаҳрида “Маҳалла” хайрия жамғармаси соврини учун биринчи Республика ёшлар турнири бўлиб ўтди. Уйчи шаҳрида “Пахтакор-79” Халқаро хотира турнири ўтказилди, унда биринчи ўринни Тошкентнинг “Ватанпарвар” футбол жамоси эгаллади.

Сентябрь. Экологик фалокат минтақаси бўлган Оролбўйига Жаҳон банкининг биринчи инсонпарварлик ёрдами етиб келди. Бу қарвон 14 та УАЗ-152 автомобилдан иборат бўлиб, улар ўлканинг олис аҳоли яшайдиган пунктларидаги шифохоналарда тез тиббий ёрдам сифатида ишлатишга мўлжалланган.

Сентябрь. Самарқандда лейшманиоз ва мохов касалликлари билан боғлиқ муаммоларга бағишланган тиббиёт ходимларининг Халқаро симпозиуми бўлиб ўтди.

2-6 октябрь. Зарафшонда мини-футбол бўйича VI Халқаро турнир бўлиб ўтди. Москва шаҳри терма жамоаси ғолиб бўлди.

3 октябрь. Тошкентда Малайзияда ишлаб чиқарилган спорт кийимлари ва пойабзаллари кўргазмаси очилди.

5 октябрь. Шаҳрисабзда бир вақтлар Амир Темур бобомиз босиб ўтган йўллар бўйлаб супермарафон старт олди. Республиканинг турли вилоятларидан элликка яқин спортчи 1300 километр масофани босиб ўтиб, Тошкентнинг Амир Темур хиёбонида маррага етиб келдилар.

16-18 октябрь. Тошкентда МДХ мамлакатлари жарроҳларининг биринчи конгресси ўтказилди.

Октябрь. Бельгияда таэквондо бўйича очиқ чемпионатда ўн нафар спортчидан иборат бўлган Ўзбекистон терма жамоаси қатнашиб, турли хил саккизта медални қўлга киритди.

Октябрь. Тошкентда полиомиелитга қарши кураш муаммоларига бағишланган Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унинг ишида 17 мамлакатдан тиббиёт ходимлари иштирок этдилар.

Октябрь. Ереванда бўлиб ўтган 32 Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи Сайдали Йўлдошев олтин медалга ва халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлди.

Октябрь. Самарқандда Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига бағишланган кикбоксинг бўйича биринчи халқаро мусобақалар ўтказилди.

Октябрь. Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Нов қишлоғида Марказий Осиё мамлакатлари кўзи ожиз спортчилари ўртасида шахмат ва юз катакли шашка бўйича биринчи халқаро турнир ўтказилди. Биринчи ўрин ва эсдалик кубоги ўзбек шашкачилари Муса Маматхонов ва Ҳошим Азизовларга берилди. Шахматчилар орасида биринчи ўринни Ю. Бибиқов ва Ю. Шин таркибидаги Қозоғистон жамоаси эгаллади.

Октябрь. Тошкентда Мустақилликнинг 5 йиллиги ва Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига бағишланган стол тенниси бўйича Халқаро турнир ўтказилди. Мусобақаларда эркаклар орасида тошкентлик А. Комилов ғалаба қозонди, хотин-қизлар орасида қозоғистонлик Е. Переверзевага биринчи ўрин берилди.

28 ноябрь. Тошкентда, “Бизнес, экология ва саломатлик” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда республиканинг экологик муаммоларини ҳал этишга тармоқ вазирликлари, илмий тадқиқот марказлари илмий-техник потенциалини ҳамда маҳаллий ва хорижий ишбилармонларни жалб этиш имкониятлари кўриб чиқилди.

Ноябрь. Самарқандда хизмат кўрсатган тренер Сидней Жаксон хотира соврини учун бокс бўйича анъанавий Халқаро турнир бўлиб ўтди. Мусобақанинг бош соврини Хоразм вилоятидан боксчи Алишер Раҳимовга насиб этди.

Ноябрь. Оқсув шаҳрида (Қозоғистон) кикбоксинг бўйича ўтказилган Халқаро турнирда умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоасига биринчи ўрин, жамоанинг етти спортчисига эса олтин медаллар берилди.

Ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон физиотерапевтлари ва пульманологларининг IV қурултойи бўлиб ўтди, унда ўпка касалликларини даволаш бўйича долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ноябрь. Тошкентда соғлиқни сақлаш муаммолари, давлатнинг бу соҳадаги масъулияти ва хусусий ташаббускорлик юзасидан семинар ўтказилди.

20 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Йилнинг энг яхши спортчиси” Ўзбекистон Миллий кубогини таъсис этиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Декабрь. Бангкокда (Таиланд) миллий спорт ўйинлари ва спорт турлари бўйича иккинчи жаҳон фестивали бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон спортчилари ҳам иштирок этишди. Улар фарғонача, бухороча кураш, туронча миллий яккакураш “Қамал ҳимояси”, “Чиллак”, “Минди” халқ ўйинларини намойиш этдилар.

Декабрь. Андижонда ногиронларнинг меҳнат қобилиятини экспертиза қилиш ва тиклаш Республика илмий-тадқиқот институти филиали очилди. У Ўзбекистонда мазкур йўналишдаги биринчи минтақавий тиббиёт муассасасидир.

Декабрь. Тошкентда “Овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари ди-агностикаси, уларни даволаш ва олдини олишнинг янги жиҳатлари” мав-зуида Халқаро конференция бўлиб ўтди.

Декабрь. Гонконгда бўлиб ўтган талабалар ўртасидаги IX Осиё чемпио-нагида ўзбекистонлик теннисчилар ҳам қатнашиб, жамоалар орасида бе-шинчи ўринни эгаллашди.

1997 ЙИЛ

4 январь. Давлат физкультура ва спорт кўмитаси аниқлаб чиққан Ўзе-бистоннинг 1996 йилги энг яхши спортчилари ва уларнинг мураббийлари рўйхати эълон қилинди.

Республиканинг шахмат бўйича терма жамоаси 1996 йилнинг энг яхши жамоаси, деб тан олинди, у кўпгина халқаро мусобақаларда катта ютуқ-ларга эришди.

Тренерлар Владимир Пятаев ва Фахриддин Исломов энг моҳир мураб-бийлар деб тан олинди. В. Пятаев дзюдочи Армен Багдасаровни тайёрла-ган бўлиб, у Атлантада бўлиб ўтган XXVI ёзги Олимпия ўйинларида ку-муш соврин соҳиби бўлди; Ф. Исломовнинг шогирди Шухрат Хўжаев — Жаҳон кубоги соҳиби, самбо бўйича 1996 йилги Осиё чемпионидир.

Республика даволаш-физкультура диспансерининг мутахассиси Назира Юсупова энг яхши спорт шифокори деб аталди.

Куйидагилар Ўзбекистоннинг 1996 йилги энг яхши спортчилари деб топилди:

1. Баҳром Авазов — Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағиш-ланган кураш бўйича Халқаро турнир ғолиби.

2. Армен Багдасаров — Атлантадаги XXVI ёзги Олимпия ўйинлари-нинг дзюдо бўйича кумуш совриндори; Павел Бугало — футбол бўйича миллий терма жамоаси дарвозабони; Сергей Ваинов — ёшлар ўртасида енгил атлетика бўйича Жаҳон чемпиони; Рамил Фаниев — XXVI олимпия ўйинларининг энг кучли ўнлигига кирган енгил атлетикачи; Артур Григо-рян — профессионал боксчилар ўртасида бир неча марта Жаҳон чемпио-ни; Улуғбек Маҳмудов — 1996 йилги Осиё чемпиони, оғир атлетикачи; Карим Тўлаганов — XXVI ёзги Олимпия ўйинларининг бокс бўйича брон-за совриндори; Шухрат Хўжаев — жаҳон кубоги эгаси, самбо бўйича 1996 йилги Осиё чемпиони; Оксана Чусовитина — XXVI ёзги Олимпия ўйин-ларининг энг кучлилар ўнлигига кирган гимнастикачи; Сайдали Йўлдо-шев — Ереванда бўлиб ўтган Жаҳон шахмат олимпиадасида олтин медал-ни қўлга киритган халқаро гроссмейстер; Алмаз Юсупов — кикбоксинг бўйича 1996 йилги Жаҳон чемпиони.

Январь. Москвада тезкор шахмат бўйича ҳар йилги анъанавий Халқаро “Москва-97” турнири бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондан Сергей Загребельний иштирок этди. Юртдошимиз билан россиялик Евгений Свешников 9 имкониятдан 7 тадан очко тўплаб, 2-3 ўринларга эга бўлдилар.

12 февраль. Тошкентда “1997 йил — қариялар йили” шиори остида югуриш бўйича биринчи марта Республика мусобақалари бўлиб ўтди. Унда тўққиз вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан ушбу спорт турининг барча ёшдаги шинавандалари иштирок этишди. Тошкент терма жамоаси мусобақа голиби бўлди.

25 март. Тошкентдан Навоий вилоятига турли соҳадаги юқори малакали шифокор мутахассислар ҳамда зарур замонавий диагностика аппаратлари билан жиҳозланган “Экосан” халқаро жамғармасининг “Саломатлик поезди” жўнаб кетди.

25 март. Тошкентда “Маданий-билиш мақсадидаги туризм ва Ўзбекистонда хунарларнинг ривожланиши” БМТ лойиҳаси тақдимоти муносабати билан брифинг бўлиб ўтди.

1 апрель. Тошкентда “Дўстлик” соғломлаштириш маркази — кундузги стационарга эга бўлган поликлиника очилди. У Ўзбекистон ва Жанубий Корея тиббиёт ходимлари ҳамкорлиги натижасида вужудга келди.

3 апрель. Тошкентда “Пахтакор” футбол жамоаси ташкил этилгани ва шу ном билан аталган стадион ишга туширилганига 40-йил тўлишига бағишланган спорт байрами бўлиб ўтди. Юбилей муносабати билан стадионда “Пахтакор” ва Алматининг “Қайрат” футбол жамоалари ветеранлари ўртасида матч бўлиб ўтди. Ўйин ўзбекистонлик футболчилар ғалабаси (2:1) билан тугади.

8-11 апрель. Тошкентда “Саломатлик-97” III Халқаро кўргазма бўлиб ўтди. Кўргазмада жаҳоннинг юздан зиёд фирмаларининг тиббий техника, фармацевтика препаратлари ва косметика намоиши этилди.

21 апрель. Андижонда шаҳарнинг бир қатор даволаш масканларига замонавий тиббий ускуналар ҳамда “Тез ёрдам” автомобилларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Япония ҳукумати томонидан берилган ушбу ёрдамнинг умумий нархи 400 млн япон иенини ташкил этади.

23 апрель. Жиззахда Марказий Осиё ва Россия Федерацияси давлатлари мотопойгачилари иштирок этган мотопойга бўйича очиқ Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Командалар ҳисобида Зарафшон кон-металлургия комбинати спорт клуби мотопойгачилари биринчи ўринни эгаллади.

25 апрель. Тошкентда “Экосан” Халқаро жамғармаси ва Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган “Наврўз, экология ва саломатлик” Халқаро учрашуви бўлиб ўтди.

28-30 апрель. Тошкентда Марказий Осиёдаги бешта футбол федерацияларининг раҳбарлари учун биринчи минтақавий семинар бўлиб ўтди. Унда

футбол ҳаётининг барча жиҳатларига оид бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

Апрель. Тошкентда от спорти бўйича Ўзбекистоннинг анъанавий шахсий жамоа чемпионати бўлиб ўтди. Шахсий ҳисобда қизлар ўртасида тошкентлик чавандозлар Наталья Мазур ва Надежда Смирнова ғолиб бўлишди, эркеклар ўртасида Тошкентдан А. Раҳматуллаев ва Д. Рўзмуҳамедов, Андижон вилоятидан А. Акбаров ва У. Ҳошимовлар ғалаба қозонишди.

Апрель. Тошкентда бадий гимнастика бўйича республика чемпионати бўлиб ўтди. Жамоалар кўпкурашида Тошкент терма жамоаси ғолиб бўлди, иккинчи ўрин Бухоро вилояти гимнастларига, учинчи ўрин Навоий вилояти гимнастларига берилди.

Апрель. Тошкентда теннис бўйича анъанавий Халқаро ўсмирлар турнири бўлиб ўтди. Шахсий ҳисобда Россия Федерацияси спортчилари бош соврин эгалари бўлишди. Турнирнинг олий мукофотига тошкентлик теннисчи Ирода Тўлаганова ҳам сазовор бўлди.

Апрель. Тошкентда тиббиёт ходимлари учун “Шифокорлар ва талабаларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини такомиллаштириш” мавзуида Республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

Апрель. Тошкент денгизида кўпкураш бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Унинг дастурида камондан отиш, елканли қайиқ, пойга, эшкакли қайиқда сузиш ва сувда сузиш мусобақалари бор эди. Мусобақаларда республикамизнинг барча вилоятларидан жамоалар, шунингдек, Россия Федерацияси ва Қозоғистон спортчилари қатнашди. Техник спорт турлари бўйича Республика маркази тарбияланувчилари денгиз кўпкураши бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлишди.

6-8 май. Тошкентдаги “Динамо” стадиони теннис кортида анъанавий иккинчи “Ҳавас” турнири бўлиб ўтди. Унда юқори ҳокимият лавозимида ишлайдиган вазирлар, ҳокимлар, йирик бирлашмалар, корпорациялар, банкларнинг раҳбарлари спортга бўлган иштиёқларини ва соғлом ҳаёт тарзига қатъий амал қилишларини намойиш этишди. Соғлиқни сақлаш вазири академик Шавкат Каримов турнир ғолиби бўлди.

7-8 май. Термизда инсон организмида йод етишмаслиги билан боғлиқ хасталикларга бағишланган Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

19-20 май. Тошкентда диарей хасталикларига ва болаларнинг овқатланиши масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё давлатларининг соғлиқни сақлаш органлари вакиллари қатнашди.

22 май. Бухорода МДХ мамлакатлари етакчи жарроҳларининг тиббиётдаги жиддий асоратлар қолдирувчи холецистит хасталиги каби долзарб муаммоларни муҳокама қилишга доир конференцияси очилди.

29 май. Чирчиқда “Шунқорлар-97” ҳарбий-спорт ўйинлари бўйича республика мусобақаларининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Наманган вилоя-

ти Косонсой туманидаги 35-ўрта мактаб спортчилари ва Навоий вилояти Нурота туманидаги касб-хунар лицейи спортчилари биринчи ўринни эгаллашди. Бўлинмалар жамоалари мусобақаларида Чирчиқ шаҳридаги 21-ўрта мактаб ўқувчиси А. Металевга биринчи ўрин берилди.

29 май. Тошкентда мамлакатда полиомиелит касаллигини тугатиш вазифаларини муҳокама қилиш бўйича Ўзбекистон эпидемиологлари ва невропатологларининг Республика семинари бўлиб ўтди.

8 июнь. Тошкентда хотин-қизлар II Халқаро теннис турнири бўлиб ўтди. Унинг асосий совринларини мексикалик Анжелика Гавальдон ва Эрика Де Лоун (АҚШ) — Николь Пратт (Австралия) байналмилал дуэти қўлга киритишди.

10 июнь. Тошкентда Республика реабилитация марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

19 июнь. Ўзбекистонга АҚШ Президенти маслаҳатчиси Ричард Морнингстар бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Улар 22 миллион доллар миқдоридagi дори-дармон ва тиббий асбоб-ускуналар келтиришди. Ушбу ёрдамни Ўзбекистонга АҚШ ҳукумати ҳамда давлат ва нодавлат ташкилотлари юборишган.

22 июнь. Тошкентнинг бош майдони “Мустақиллик”да катта спорт байрами — Олимпия югуриш кuni бўлиб ўтди. Унда бутун Ўзбекистондан йиғилган 1700 га яқин жисмоний тарбия ишқибозлари ва спортчилар иштирок этишди.

Июнь. Қашқадарё вилояти Китоб туманида анъанавий Республика тиббиёт ҳамширалари кўрик-танлови бўлиб ўтди. Шаҳрисабзлик ҳамшира Муаттар Болтаева кўрик ғолиби бўлди.

Июнь. Тошкентда Жанубий Корея-Ўзбекистон шарқ тиббиёти маркази очилди.

Июнь. Тошкентда бўлиб ўтган Республика илмий-амалий конференциясида ногиронлик муаммолари ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш йўллари муҳокама қилинди.

Июнь. Деҳлида эркин кураш бўйича XI Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда 32 та мамлакатдан 14-17 ёшдаги курашчилар иштирок этишди. Етти курашчидан иборат Ўзбекистон терма жамоаси тўққизинчи ўринни эгаллади. Ўзининг вазн тоифасида жиззахлик Зоир Азимов кумуш медални қўлга киритди, тошкентлик Талғат Илёсов бронза медалига сазовор бўлди.

Июнь. Қозоғистонда япон кураши сумо бўйича Халқаро турнир бўлиб ўтди. Ушбу мусобақада Ўзбекистон вакиллари Шокир Тўраев ва Соҳиб Рўзмуродовлар ўз вазн тоифаларида олий мукофотларга эришдилар.

Июнь. Андижон вилояти Избоскан тумани маркази Пойтуғда муайтаю (Таиланд бокси) бўйича Халқаро турнир бўлиб ўтди. Жамоалар ҳисобида Избоскан тумани спортчилари турнир ғолиби бўлишди.

Июнь. Тошкентдаги республика отчопарида “Индиана” ҳомий фирмаси мукофоти учун Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг 18 спортчиси иштиро-

кида танлов бўйича Халқаро турнир бўлиб ўтди. Асосий мукофот бўлмиш “Дамас” автомобили қозоғистонлик О. Попеляевга насиб этди.

Июнь. Москвада Крилатскидаги олимпия қайиқда сузиш каналида академик эшкак эшиш бўйича Халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда якка курашчилар ўртасида бекободлик Наталья Багитова кумуш медални қўлга киритди. Бошқарувсиз тўртликда бекободлик Дмитрий Тихонов ва Тимур Фаниев, нукуслик Баҳодир Давлатёров, Владимир Гриценколарга бронза медали берилди.

1 июль. Президент Ислон Каримов Ўзбекистон Олимпия шон-шуҳрати музейига совға сифатида “Олтин орден”ини топширди. У Осиё қитъасида олимпия анъаналарини қарор топтириш ва бойитишга, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Осиё Олимпия кенгаши томонидан шу орден билан мукофотланган эди.

18 июль. Наманганда сув полоси бўйича ёшлар ўртасида биринчи Республика мусобақалари бўлиб ўтди. Уларда 1981 йилда туғилган спортчилар ҳамда уларнинг бирмунча ёшроқ ҳамкасблари иштирок этишди. Наманган вилояти жамоаси мусобақа голиби бўлди.

29 июль. Индонезияда бокс бўйича анъанавий XVIII Халқаро “Индонезия Президенти Кубоги” турнири бўлиб ўтди. Унда 20 та мамлакатдан 23 та терма жамоа қатнашди. Етти боксчидан иборат Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади ва Кубокни қўлга киритди.

31 июль. Оролбўйида жойлашган Мўйноқ шаҳрига “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси самолёти учиб келди, унда Даниянинг “Ново Нордикс” фирмаси томонидан тақдим этилган умумий қиммати 60 минг АҚШ доллари миқдорида бўлган дори-дармонлар, болалар кийим-кечаклари ва пойабзалидан иборат инсонпарварлик юки ортилган эди.

Июль. “Парвоз қилувчи клиника” ОРБИС уч ҳафта давомида Ўзбекистонда бўлди. 12 та мамлакатдан, шу жумладан, АҚШ, Шотландия, Ҳиндистон, Канададан келган офтальмолог мутахассислари бўлган профессорлар махсус жиҳозланган самолёт бортида 40 та жарроҳлик ва 15 та лазер операциялари ўтказишди ҳамда кўз жарроҳлиги соҳасида ўзбек ҳамкасблари билан тажриба алмашишди.

Июль. Индонезияда шаҳарлар ўртасида шахмат бўйича биринчи Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Тошкент шахматчиларининг терма жамоасига кирган Александр Ненашев, Сайдали Йўлдошев, Михаил Салтаев, Сергей Загребельний ва Дмитрий Қаюмовлар жамоалар ҳисобида учинчи ўринни эгаллашди.

Июль. Санкт-Петербургда бўлиб ўтган таэквондо бўйича Жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 69 мамлакатдан иштирок этган командалар ўртасида умумий команда ҳисобида фахрий тўртинчи ўринни эгаллашди. Спаррингда Гулистондан Владислав Нам ва Тошкент вилоятидан ўқувчи Алла Ким чемпион унвонига эришишди. Ушбу мусобақа турида тошкентлик Илҳом Шомансуровга кумуш медаль берилди. Тошкент

вилоятидан Моисей Ногай ва Луиза Сагитова терма жамоа ҳисобига иккита бронза медаль келтиришди.

Июль. Россия очик чемпионатида Ўзбекистоннинг энг кучли байдаркачи ва каноэчилари қатнашди. Чемпионат Москвадаги олимпия қайиқда сузиш каналида бўлиб ўтди. Байдарка тўртлик мусобақасида Татьяна Лёвина, Инна Исакова, Ирина Лялина ва Оксана Шпиганевичдан иборат экипаж 200 метр масофада ғолиблик қилиб, олтин медаль олишди.

Июль. Польшада бўлиб ўтган Халқаро турнирда Ўзбекистон атлетлари иштирок этишди. Турнирда 76 кг вазн тоифасида Руслан Хинчагов олтин мукофотни қўлга киритди. Рамиль Исломов кумуш совриндор, Игор Кунеев — бронза совриндори бўлди.

8 август. Тошкентда икки ой давомида Ўзбекистонда АҚШ давлат департаментининг “Умид” номи остидаги хайр-эҳсон акциясининг тугалланишига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Шу вақт мобайнида республикамизга 20 миллион АҚШ доллари миқдорида дори-дармон, тиббий ускуна ва касалхона мебеллари олиб келинди.

12-16 август. Косонсой ва Наманганда қишлоқ хотин-қизлари учун республика XVIII спартакиадаси бўлиб ўтди. Умумий ҳисобда Наманган вилояти спортчилари ғолиб бўлишди. Тошкент вилояти жамоаси иккинчи, андижонликлар эса учинчи ўринни эгаллашди.

13 август. Тошкентда Америка “Моторола” компаниясининг вакиллари Воҳидов номли кўкрак қафаси жарроҳлиги марказига беморга зудлик билан ёрдам берилишини таъминловчи 10 минг АҚШ доллари қийматидаги шошилинч радиоалоқа қурилмасини топширишди. Бутун дунёга машҳур “Моторола” компаниясининг Ўзбекистонга биринчи ёрдамидир.

17 август. Тошкентдаги Санъат саройининг катта залида Ўзбекистонда биринчи марта Россия, Қозоғистон, Беларусь ва Ўзбекистондан жаҳон чемпионатлари ва олимпия ўйинлари совриндорлари ҳамда халқаро турнирларнинг ғолиблари иштирокида профессионал боксчиларнинг Халқаро матчи ўтказилди.

26 август. Самарқанд тумани марказида 320 ўринга мўлжалланган кўппрофилли касалхона ишга туширилди.

31 август. Красноярскда тугалланган эркин кураш бўйича XXXII чемпионатда 45 мамлакат атлетикачилари иштирок этишди. Тошкентлик Рамиль Исломов 58 кг гача бўлган вазнда кумуш медаль совриндори бўлди.

Август. Олег Григорьев бошчилигидаги ўзбек альпинистлари гуруҳи МДХнинг энг баланд чўққиларидан бири бўлган Хонтангрини забт этишди.

Август. Малайзияда бўлиб ўтган XVII Осиё чемпионатида ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари иштирок этишди ва жамоалар ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Олтин медаллар билан бирга вазн тоифасида энг кучлилар унвонига андижонлик боксчилар Тўлқин Турғунов, Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Сергей Михайлов сазовор бўлишди. Урганчлик Али-

шер Раҳимов, когонлик Наримон Отаев, тошкентлик Икром Бердиев ва самарқандлик Дилшод Ёрбековлар кумуш совриндорлари бўлишди.

Август. Акапулько (Мексика)да XXXVII Халқаро жарроҳлар конгресси бўлиб ўтди. Унда биринчи мартаба Ўзбекистон олимлари иштирок этишди. Конгресснинг олий мукофоти — махсус кумуш медалга академик В. Воҳидов номли жарроҳлик Илмий-марказнинг қизилўнғач ва ошқозон жарроҳлиги бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори профессор Абдуҳаким Ҳожибоевнинг қилган маърузаси сазовор бўлди. Унга яна Халқаро жарроҳлар ассоциациясининг сертификати топширилди ва ушбу ташкилотга аъзо бўлиш тўғрисида таклифнома берилди.

Август. Ўзбекистон спортчилари самбо бўйича Оқтепада (Қозоғистон) бўлиб ўтган Жаҳон ёшлар биринчилигида иштирок этишди. Термизлик Ботир Ҳасанов ва бухоролик Ботир Хўжаев биринчилик ғолиблари бўлишди. Тошкентлик Дмитрий Каминский ва самарқандлик Асқар Раҳимов ҳамда наманганлик Аюбхон Камолов кумуш медаль билан тақдирланишди. Самарқанд Давлат университети талабалари Бахтиёр Абдуллаев, Озод Илёсов ва Республика Ички ишлар вазирлиги академияси тингловчиси Ҳусниддин Ходиев бронза совриндорлари бўлишди.

Август. Швейцарияда 33 мамлакатдан 450 фахрий спортчини йиғган эркин кураш бўйича VI Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Ушбу мусобақаларда биринчи марта Ўзбекистон вакиллари, шунингдек, 13 марта Республика чемпиони, Тошкент Давлат университетининг жисмоний тарбия ва спорт кафедраси мудир Александр Истомин ҳам қатнашди. У дастлабки босқичдаги барча учрашувларда ғалаба қозониб, финалда ҳам ютиб чиқиб, Жаҳон чемпиони бўлди.

9 сентябрь. “Экосан” экология ва саломатлик Халқаро жамғармаси томонидан ташкил қилинган “Саломатлик поезди” Оролбўйидан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт шифокорлари ва тиббиёт ҳамширалари икки ҳафта мобайнида экологик жиҳатдан хавfli ҳисобланган Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот, Мўйноқ, Учкўприк туманлари аҳолисини тиббий кўрикдан ўтказишди.

9-14 сентябрь. Тошкентда “Ўзбекистон Президенти Кубоги” учун IV Халқаро теннис турнири бўлиб ўтди. Турнирнинг ёпилиш маросимида Президент Ислам Каримов сўзга чиқди. У турнир ғолиби инглиз Тим Хенманга “Президент Кубоги”ни ҳамда иккинчи ўринни эгаллаган швейцариялик Марк Россега махсус совринни топширди.

13-20 сентябрь. Алматида II Марказий Осиё ўйинлари бўлиб ўтди. Норасмий ҳисобда Ўзбекистон спортчилари жамоаси иккинчи ўринни эгаллади.

17 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон жарроҳларининг юрак ва қонтомир хасталиklarини даволашга бағишланган II Республика илмий-амалий конференцияси очилди. Конференция иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов табрик йўллади. Конфе-

ренция ишида МДХ ва Болтиқбўйи давлатларнинг йирик олимлари иштирок этишди.

24 сентябрь. Тошкентда Халқаро “Экосан” жамғармаси ва “Осиё яшил белбоғи” Япония ҳаракати томонидан ташкил қилинган “XXI аср бўсағасида экология ва саломатлик” мавзuida конференция бўлиб ўтди. Ушбу ҳаракат фаоллари шу кунларда Ўзбекистонда бўлишди. Конференция қатнашчилари ўша кунидеъ Тошкент вилоятидаги Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида боғ барпо этдилар. У Буюк Ипак йўлидаги бўлажак яшил белбоғ бўлиб, Бухоро ва Самарқандда давом эттирилади.

25-27 сентябрь. Тошкентда “Буюк Ипак йўли” деб рамзий номланган учинчи Халқаро туристик ярмарка бўлиб ўтди. Ярмаркада 35 мамлакатдан етмишта туристик фирма иштирок этди.

26 сентябрь. Тошкентда хотин-қизлар ва болалар саломатлиги масалалари бўйича Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилган умуммиллий тиббий-демографик тадқиқот натижалари яқунланди. Ўзбек ва америкалик тиббиёт ходимлари ҳамда социологлар, шунингдек, республикада она ва боланинг саломатлиги ва овқатланишини яхшилаш борасидаги тавсияларни соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий сиёсат билан боғлиқ равишда муҳокама қилишди.

28 сентябрь-4 октябрь. Андижонда “Буюк Ипак йўли” йўлдош турнири бўлиб ўтди. Унда 20 мамлакатдан катта ракетка усталари иштирок этишди.

Сентябрь. Тошкентда “Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоғи” Халқаро мусобақаси доирасида “Соғлом авлод учун” жамғармаси соврини учун теннис бўйича биринчи Республика болалар турнири бўлиб ўтди.

Сентябрь. Конгнун (Корея)да эшкак эшиш бўйича Осиё ёшлар биринчилиги ва чемпионати бўлиб ўтди. Ўзбекистонлик байдарка ва каноэ эшкак эшиш усталари 32 та олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишди.

Сентябрь. Бишкекда от спорти бўйича Халқаро турнир бўлиб ўтди. Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади, Александр Мартиновга турнирнинг олтин медали, Сергей Шмелёвга эса кумуш медаль топширилди.

Сентябрь. Термизлик спортчи Азамат Қаландаров каратэ бўйича Лондон турнирида (кичик жаҳон чемпионати) иштирок этиб голиб бўлди.

Сентябрь. Бирлашган Араб Амирлигида “Абу-Даби-97” очик Халқаро шахмат турнири бўлиб ўтди. Унда 18 мамлакатдан 151 шахматчи қатнашди. Ўзбекистон вакиллари Сергей Загребельний 9 та имкониятдан 8 очко тўплаб, турнир голиби бўлди, Ирина Горшкова 7 та имкониятдан 6 очко тўплаб, 2-3 ўринларни бўлашиб олди.

Сентябрь. Нукусда Қорақалпоғистонда биринчи марта культуризм бўйича спорт мусобақалари ўтказилди. Бердақ номидаги Нукус Давлат университети талабаси Андат Ембергенов биринчи ўринни эгаллади.

Сентябрь. Фарғона вилояти Фарғона туманидаги Чимён қишлоғида қурилган санаторий биринчи ҳордиқ чиқарувчиларни қабул қилди.

Сентябрь. Санкт-Галлен шаҳрида (Швейцария) фуқаро ва ҳарбий кемаларнинг модель нусхалари турларини яшаш бўйича Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Ўзбекистонлик спортчилардан А. Разумовский олтин медаль, С.Тришков эса бронза медалини қўлга киритди.

Сентябрь. Ёзги биатлон бўйича Санкт-Петербургда бўлиб ўтган учинчи Европа чемпионатида наманганлик спортчи Муҳаббат Кондакова 2000 метр масофага югуриш бўйича олтин медаль ва 4000 метр масофага югуриш бўйича бронза медални қўлга киритди.

Сентябрь. Тошкентда қонни детоксикациялашнинг трансплантология ва экстракорпорал усулларига бағишланган Халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

9 октябрь. Тошкентда Ўзбекистон дерматовенерологларининг III қурултойи очилди.

10 октябрь. Тошкентга АҚШдан Ўзбекистон профессионал бокс федерацияси Жаҳон боксчилар ассоциациясининг ҳақиқий аъзоси бўлганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-сертификати юборилди.

15-16 октябрь. Тошкентда Ўзбекистон патологоанатомларининг II қурултойи бўлиб ўтди.

16-21 октябрь. Тошкент отчопаридида от спорти бўйича Республика очик чемпионати ўтказилди. Унда Ўзбекистон ва Қирғизистондан 42 спортчи қатнашди. Командалар ҳисобида тошкентликлар ғолиб бўлишди.

21 октябрь. Тошкентда мамлакатимиз мустақиллигининг 6 йиллигига бағишланган “Труд” газетаси соврини учун Халқаро болалар шахмат турнири очилди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон ва Қирғизистондан 100 дан зиёд 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган ёш шахматчилар қатнашишди. Тошкент жамоаси турнир ғолиби бўлди. Шахсий биринчиликда ўсмирлар ўртасида биринчи ўрин Самарқанддан Иброҳим Ҳамроқуловга, қизлар ўртасида Севара Юсуповага берилди.

Октябрь. Ўзбек — Америка “Олимп” қўшма корхонасининг “Олимп” кубоги учун автомобиль-ҳалқа пойгаси бўйича Ўзбекистон чемпионатининг сўнги тури жануб автополигонидида (Пскент шаҳри) бўлиб ўтди. Йил бошидан уч босқичда ўтган МДХнинг 32 энг кучли спортчиси қатнашган мусобақалар якунига кўра самарқандлик Василий Владикин Ўзбекистоннинг автопойга бўйича биринчи чемпиони бўлди.

Октябрь. Бокс бўйича Будапештда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида андижонлик ўн тўққиз ёшли Руслан Чагаев финалда 91 кг гача бўлган вазн тоифасида 14:4 ҳисобида Кубанинг икки карра чемпиони Феликс Савонни мағлубиятга учратиб, Жаҳон чемпиони бўлди.

Октябрь. Қўқонда эркаклар волейбол жамоалари ўртасида Ўзбекистон Кубога уйини бўлиб ўтди. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабаларининг СКИФ клуби фахрий соврин эгаси бўлди.

Октябрь. Шарқча яккама-якка кураш бўйича жаҳондаги энг нуфузли турнирлардан бири “Моранборг Кубоги” мусобақаларида гулистонлик тала-

ба Владимир Нам кумуш соврин эгаси бўлди. Бу мусобақа ўн бешинчи марта таэквондо, каратэ, кикбоксинг ва муай-тай (Таиланд бокси) бўйича экстра-класс усталарини Токиога тўплади.

Октябрь. Ашхабадда Туркменистонда хизмат кўрсатган тренер Л. Арустамов хотирасига бағишланган грек-рим кураши бўйича II Халқаро турнир бўлиб ўтди. Бухоролик атлетлар Б. Узоқов ва А. Музаффаров турнир ғолиблари бўлишди. Спортчилар О. Фозилов ва Д. Болтаев (улар ҳам бухоролик) учинчи даражали диплом эгаси бўлдилар.

22-23 ноябрь. Тошкентда “Ўзбекистон мустақиллиги Кубоги учун” эркин кураш бўйича биринчи Халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Европа ва Осиёнинг 40 мамлакатидagi 130 дан ортиқ энг кучли курашчилар иштирок этишди. Ўзбек атлетлари 3 та олтин, битта кумуш ва битта бронза медалларини қўлга киритишди.

Ноябрь. Термизда дори-дармонлар ишлаб чиқариш бўйича “Сурхон—Анжанта” қўшма корхонаси ташкил этилди. Уни Термиз фармацевтлари “Анжанта фарма ЛТД” етакчи ҳинд фирмаси ҳамкорлигида ташкил этишди.

Ноябрь. Бангкокда бўлиб ўтган Таиланд бокси (муай-тай) бўйича “Таиланд шаҳзодаси Кубоги” учун расмий Осиё чемпионатида ўз вазн тоифаларида Тоҳир Мирсаматов, Диёр Пулатов, Шухрат Мусинов, Алишер Тўхтамишев, Бахтиёр Сагторов чемпионат совриндорлари бўлишди.

Ноябрь. Жиззахда бокс бўйича тўрт кунлик Халқаро ёшлар турнири бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг юздан зиёд спортчилари мукофотлар учун кураш олиб бордилар.

Жиззахлик Азимов, Норматов, Турдиев, Сувонкулов, Урдушев, Усмонов ва Жазиловлар фахрий шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилишди.

Ноябрь. Тошкентда тиббиёт соҳасидаги бундан кейинги тадқиқотлар масалаларига, шунингдек, сўнгги йилларда ишлаб чиқарилган самарали препаратлар ёрдамида турли хил хасталикларни даволаш бўйича янгича ёндашувларни ишлаб чиқишга бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. Унда республика клиникалари, илмий-тадқиқот институтлари ва тиббий олий ўқув юрғларининг етакчи мутахассислари иштирок этишди.

Ноябрь. Бекободда юксак тиббий талабларга жавоб берадиган ва Марказий Осиёда ягона бўлган “Она ва бола” мажмуаси очилди.

Ноябрь. Тошкентда армрестлинг бўйича Ўзбекистон биринчи чемпионати бўлиб ўтди. Тошкентлик Акмал Муҳамедов ва гулистонлик Умид Аҳмедов биринчиликнинг мутлақ чемпионлари унвонига сазовор бўлишди. Шунингдек, турли тоифалар бўйича Ўзбекистон чемпионлари ҳам аниқланди.

Ноябрь. Техронда Жаҳон кубоги учун бўлиб ўтган грек-рим кураши бўйича Халқаро мусобақаларда 69 кг гача бўлган вазн тоифасидаги самарқандлик курашчи Григорий Туляев ғолиб деб топилди.

Ноябрь. Бельгияда бўлиб ўтган халқаро сузиш мусобақаларида Олег Пухнатий, Равиль Нечаев, Максим Шилов ва бошқа Ўзбекистон сузувчилари Бельгия кубоги совриндорлари бўлишди. Улар умумий ҳисобда 6 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза медалларини қўлга киритишди.

Ноябрь. Тайвандда бўлиб ўтган академик эшаккли сузиш бўйича Осиё чемпионатида 15 та мамлакатдан 400 спортчи қатнашди. Ўзбекистон терма жамоаси турнирда умумий жамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш ва бронза медали совриндорлари бўлишди.

1-6 декабрь. Аҳмадободда (Ҳиндистон) бўлиб ўтган йирик Халқаро “ЭЙ-ТИ-ЛИ (АТР) Челленжер” турнирида ўзбекистонлик теннисчи Вадим Куценко биринчи ўринни эгаллади.

6 декабрь. Тошкентда Ўзбекистон профессионал бокс федерациясининг (ФПБ) Жаҳон боксерлар ассоциацияси (WBA)га қабул қилиниши ҳамда “Анатолий-ринг” бокс клубининг ФПБга биринчи жамоа аъзоси сифатида қабул қилинишига бағишланган тақдирот бўлиб ўтди.

Декабрь. Тошкентда гастроэнтерология муаммолари бўйича симпозиум бўлиб ўтди. Унда Республиканинг етакчи мутахассислари ва олимлари иштирок этишди. Уларнинг амалий ва тадқиқотчилик фаолияти ошқозон яраси хасталигини даволашдаги янги йўللари ишлаб чиқишга имкон беради.

Декабрь. Навоийда очилган Чернобыль АЭСдаги аварияни бартараф этишда қатнашган ногиронлар учун янги реабилитация маркази беморларнинг биринчи гуруҳини даволаш учун қабул қилди.

Декабрь. Навоийда бадий гимнастика бўйича бўлиб ўтган Халқаро турнирда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Россиядан келган спортчилар иштирок этишди. Катта ёшдагилар гуруҳида тошкентлик гимнастикачи Елена Мешчерякова иккинчи ўринни эгаллади. Қўпкурашда яна бир ўзбекистонлик спортчи Татьяна Бударина учинчи ўринга сазовор бўлди.

Декабрь. Навоийда “Саломатлик” Республика спартакиадаси бўлиб ўтди. Умумий жамоа ҳисобида биринчи ўринни Навоий вилояти жамоаси эгаллади. “Дадам, ойим, мен — спортчи оила” мусобақаларида оилавий жамоалар ўртасида наманганлик Кондаковларнинг спортчи оиласи биринчиликни қўлга киритди.

1998 ЙИЛ

1 январь. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси 1997 йилнинг энг яхши спортчиларини аниқлаб, эълон қилди. Улар орасида бокс ва кингбоксинг бўйича Жаҳон чемпионлари Р. Чагаев, О. Юсупов, футбол бўйича Ўзбекистон Миллий терма жамоаси дарвозабони П. Багало, велоспорт бўйича Жаҳон чемпиони Ф. Галиуллина, бокс бўйича беш

карра Жаҳон чемпиони А. Григорянлар бор. 1997 йилнинг натижаларига кўра Ўзбекистонда 17 киши энг яхши спортчи номини олди.

Миллий терма жамоалари ичида энг яхши деб: бокс бўйича, байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича терма жамоалар, теннис бўйича армиячи эркаклар жамоалари тан олинди. Энг яхши тренерлар деб: Жаҳон ва Осие чемпионларини етиштирган А. Разахов ва М. Қўчқоров, энг яхши фахрий деб: фахрийлар орасида эркин кураш бўйича Жаҳон чемпиони А. Истомин, энг яхши спорт ҳаками деб: Н. Журавлев (трамплин), И. Қаюмова (шахмат) ва А. Ермишкин (самбо)лар тан олинди.

Январь. Тошкентда қишлоқ даволаш пунктларида ишловчи ходимлар ўртасида тажриба алмашиш мақсадида Республика семинари уюштирилди.

Январь. Тошкентда энгил атлетика бўйича Ўзбекистон Кубоги учун мусобақа ўтказилди. Жамоалар ҳисобида тошкентлик энгил атлетикачилар биринчи ўринни қўлга киритдилар.

Январь. Москвада 19 та мамлакатдан келган спортчилар иштирокида “А” классида дзюдо бўйича анъанавий Халқаро турнир бўлиб ўтди. 81 кг ли вази тоифасида ўзбекистонлик Фарҳод Тўраев олтита жангда галаба қозониб, кумуш медални қўлга киритди.

Январь. Наманганда сув полоси бўйича Республика маркази очилди.

5 февраль. Республикамизда фаолият кўрсатаётган “Тошфарм Американ Интернейшнл” қўшма корхонаси янги инфузион препаратлар ишлаб чиқаришга киришди. Ушбу дори-дармонлар гепатит, ошқозон-ичак анемияси каби оғир хасталикларни даъволашда қўлланилади.

Февраль. Тошкентда аёллар ва эркаклар ўртасида шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди (биринчи лига). Эркаклар ўртасида Андижон вилоятидан спорт устаси Иброҳим Раҳимов галаба қозониб, Ўзбекистоннинг янги чемпиони бўлди. Хотин-қизлар ўртасида Қаршидаги 11-мактабнинг ўнинчи синф ўқувчиси Ирина Тошмурадова ғолиб бўлди.

Февраль. Туркияда Аҳмад Комерт хотирасига бағишланган бокс бўйича анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда 41 мамлакатдан келган спортчилар қатнашди. Ўзбекистондан — етти боксчи қатнашиб, уларнинг ҳаммаси медаллар билан тақдирланди.

Алишер Раҳимов, Тўлқин Гургунов, Ўткир Ҳайдаров, Сергей Михайлов ва Лазиз Зокировлар ғолиблик нишони ва олтин медални қўлга киритдилар. Темур Сулаймонов ва Темур Туляковлар эса бронза медалига сазовор бўлдилар.

Февраль. Тошкентда спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон Кубоги учун мусобақа бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган кучли спортчилар қатнашдилар. Қизлар ўртасида тошкентлик Анастасия Дзюндзяк, ўсмирлар ўртасида эса Элдор Валеев ғолиб деб топилди.

Февраль. Андижонда 1981 йилда туғилганлар ва ундан кичикроқ ёшдагилар ўртасида миллий кураш бўйича Республика мусобақаси ўтказилди.

Жамоалар ҳисобида Андижон вилояти спортчилари биринчи ўринни эгаллади.

Февраль. Чирчиқда бокс бўйича Ўзбекистоннинг биринчи Халқаро ўйинлари бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоалари иштирок этишди.

Жамоалар ҳисобида самарқандлик боксчилар ғолиб бўлдилар. Иккинчи ўрин бухоролик спортчиларга, учинчи ўрин андижонликларга берилди.

Февраль. Тошкентда бадминтон бўйича Ўзбекистоннинг биринчи Халқаро ўйинлари бўлиб ўтди. Якка разряд бўйича Эркаклар ўртасида тошкентлик Артур Фотиҳов ғолиб бўлди. Аёллар ўртасида якка разряд бўйича бош соврин тошкентлик Мария Стружановага берилди.

6 март. Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасидаги грант бўйича алмашинув Ноталарини имзолаш маросими бўлиб ўтди. Япония ҳукумати бизнинг мамлакатимизга беғараз ёрдам сифатида Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги оналар ва болалар касалхоналарини керакли тиббий ускуналар билан жиҳозлаш учун 678 млн япон иени (5,8 млн АҚШ доллари) миқдорида грант ажратди.

12 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида” Фармон чиқарди.

14 март. Гамбургда бўлиб ўтган бокс бўйича Жаҳон биринчилигида тошкентлик Артур Григорян немис боксёри Марко Рудольфни енгиб, жаҳон боксёрлар ташкилоти фикрига кўра 61 кг гача бўлган вазнда профессионал боксёрлар ичида олтинчи марта Жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

14 март. Навоий вилояти Хатирчи туманидаги Олтинсой жамоа ҳўжалигида “Алпомиш” халқ достонининг 1000 йиллигига бағишланган “Ўзбекистон овози”, “Голос Узбекистана” ва “Осиё бозори” газеталарининг совринлари учун миллий от кўпкариси бўлиб ўтди. Биринчи ўринни Самарқанд вилояти Жомбой туманидан Абдурахмон полвон қўлга киритди.

Март. Қозоғистонда Евроосиё профессионал спортчилари орасида тўлиқ контактли кураш — панкратион (қоидасиз жанг) бўйича очиқ чемпионат бўлиб ўтди.

Бу турнирда Ўзбекистондан Тошкентнинг “Биллур” клуби вакиллари иштирок этишди.

85 кг ли вазнда қатнашган Шавкат Ўроқов чемпион бўлди. Худди шу вазнда қатнашган Акмал Икромов учинчи ўринни эгаллаб, бронза медали совриндори бўлди. Оғир вазнда Владислав Резникга олтин медаль берилди. Шавкат Ўроқов ва Владислав Резник Евроосиё профессионал спортчилари орасида Евроосиё чемпиони шахсий белбоғини олишга муяссар бўлишди. Ўзбекистоннинг терма командаси Қозоғистон ва Россия жамоаларини орда қолдириб, командалар ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Март. Андижонда “Оила ва ҳамшира” мавзуида семинар бўлиб ўтди. Ушбу семинар республика соғлиқни сақлаш ўрта бўғини вакилларининг ўқувини ҳам ўз ичига олган эди.

Март. Швейцарияда Халқаро олимпиада қўмитасининг штаб-квартирасида кенгаш ўтказилиб, унда махсус ҳужжат билан Ўзбекистон “Олимпия шон-шухрати” музейига МОКнинг “Олимпия шон-шухрати” музейи филиали мақоми берилганлиги тасдиқланди.

Март. Тахياتошда Ўзбекистоннинг дастлабки ёшлар ўйинлари доирасида оғир атлетика бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Мусобақаларда Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан спортчилар қатнашди. Нукуслик Анвар Пердабоев ўз вазни бўйича икки машқ якунида 200 кг натижа кўрсатиб, тахياتошлик Қанот Резбоев — 235 кг, термизлик Баҳодир Бердиев — 270 кг, фарғоналик Роман Арустамов — 285 кг, қаршилик Баҳодир Эргашев — 310 кг, чирчиқлик Салим Раҳмонов — 320 кг, тахياتошлик Воис Раҳимов — 320 кг, гулистонлик Али Азизов — 320 кг натижа кўрсатиб, энг кучли деб тан олинди.

Март. “Экосан” Халқаро экология ва саломатлик жамғармасида 1997 йилда Республикада ўтказилган уч босқичдан иборат “Экология ва саломатлик кунлари”нинг якунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Ушбу ҳаракатнинг фаол қатнашчилари, деб топилган Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри ҳокимияти ва Фарғона вилояти Бувайда тумани ҳокимиятига биринчи даражали диплом ва пул мукофотлари топширилди.

Март. Қозоғистонда 1980—1985 йилларда туғилган ўсмирлар орасида кикбоксинг бўйича Республика биринчилигининг очилиши бўлиб ўтди. Ушбу мусобақада Ўзбекистондан “Биллур” спорт клубидан 40 спортчи қатнашиб, улардан 20 нафарига медаль берилди. Шухрат Расулов, Козим Олимжонов, Даниил Мушинский, Вячеслав Шишкин, Салоҳиддин Тўйматов, Камолитдин Каримов ва Илҳом Рўзабоевлар олтин медалларни қўлга киритишди.

Март. Киотода (Япония) туризмни ривожлантириш бўйича Халқаро семинар бўлиб ўтди. Семинарда Ўзбекистондан “Ўзбектуризм” миллий компаниясига кирувчи “Осиё интур бизнес” туристик фирмаси қатнашди.

Март. Таниқли доктор Карл Кох президент бўлган Халқаро ёрдам жамғармасининг Брюсселдаги қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги билан мазкур жамғарма ўртасида ўзаро икки томонлама ҳамкорлик Шартномаси имзоланди. Ушбу Шартнома асосида Ўзбекистоннинг меҳрибонлик уйлари, қариялар ва ногиронлар уйлари ва реабилитация марказларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатилади.

Март. Навоий шаҳрининг “Сўғдиёна” спорт саройида халқаро тоифадаги спорт устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер Василий Чаунин хотирасига бағишланган грек-рим кураши бўйича мусобақалар бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистоннинг ёш курашчилари қатнашдилар. Ўз вазн тоифасида ўзбекистонлик Рафиқ Айвазов, Эркин

Олимов ва Тоштемир Жўраев, қозоғистонлик Ренат Дадабоев ва Эркин Бухорбоев, тожикистонлик Соҳиб Сайфуллаевлар ғолиб бўлишди.

Март. Тошкентда Ўзбекистоннинг камондан отиш бўйича шахсий чемпионати бўлиб ўтди. Фарғоналик опа-сингил Абдурахмоноваларга 2 медаль — Ольгага олтин, Маринага эса кумуш медаль берилди. Эркаклар орасида тошкентлик Элдор Сайхулин ғолиб, деб топилди.

Март. Тошкентда Республика тиббиёт ходимларининг семинари бўлиб ўтди. У энг хавфли туберкулёз касаллигини эрта аниқлаш масаласига бағишланди.

6-9 апрель. Тошкентда “Соғлиқни сақлаш-98” IV Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада 20 та давлатнинг юзга яқин фармацевтика фирмалари ва компаниялари ўз маҳсулотларини намойиш қилишди.

10 апрель. Тошкентда Республика ногиронлар спорти уюшмаси ташкил этилишига бағишланган таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда уюшманинг низоми ва раҳбар таркиби тасдиқланди.

24-27 апрель. Ўзбекистоннинг байдарка ва канозда эшак эшиш бўйича ўсмирлар терма жамоаси Ла-Манш бўғози соҳилидаги Булонь-сюр-Мер шаҳрида (Франция) бўлиб ўтган Европа ўсмирларининг халқаро регатасида қатнашди. Регатада 17 та жамоа, шу жумладан, Франция, Буюк Британия, Россия, Беларусь, Швеция, Чехия ва Хорватиянинг аъъанавий кучли жамоалари беллашдилар.

Ўзбекистонлик спортчилар 10 та олтин, 4 га кумуш, 3 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида мезбонлардан кейинги 2-ўринни эгалладилар.

30 апрель. Жиззаҳда спорт саройининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унинг қурилишида чет мамлакатлар қурувчилари, хусусан, Германиянинг “Беккер” фирмаси иштирок этди.

Апрель. Бухорода “Хотин-қизлар муаммолари: оила ва саломатлик” мавзуда Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда халқаро ташкилотлар, республиканинг жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда олимлар қатнашди. Конференция иштирокчилари, хотин-қизлар соғлиғини сақлаш, уларнинг оила ва тадбиркорликдаги ижтимоий-ҳуқуқий аҳволи ҳақида маърузаларни тинглашди ва ўзаро тажриба алмашишди.

Апрель. Тошкентда тиббиёт ходимларининг Республика амалий конференцияси бўлиб ўтди. У мамлакатдаги санитария-эпидемиология барқарорлигини сақлашни таъминлашда тадбирлар мажмуини ўтказиш масалаларига бағишланди.

Апрель. Ўзбекистонда 3 кун давомида Исроилнинг доктор-эпидемиологлари бўлишди. Шу вақт ичида улар биринчи Тошкент юқумли касалликлари касалхонаси шифокорларига амалий ёрдам кўрсатишди.

Апрель. Таиландда “Қирол кубоғи” учун бокс бўйича аъъанавий Халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда 20 та давлат, шу жумладан Ўзбекистон вакиллари ҳам қатнашди. Ўзбекистон боксчилари умумжамоа ҳисобида 2-ўрин

ни эгаллаб, турнирнинг махсус кубогига сазовор бўлишди. Андижонлик Муҳаммадқодир Абдуллаев, самарқандлик Дилшод Ёрбеков, урганчлик Темур Иброҳимов, жиззахлик Лазизбек Зокировлар ўз вазн тоифаларида ғолиб бўлдилар. Андижонлик Тўлқин Турғунов ва когонлик Наримон Отаевга кумуш медаль берилди. Наманганлик Темур Сулаймоновга бронза медали насиб этди.

Апрель. Тошкент Диагностика марказига хайрия сифатида 50 минг АҚШ доллари миқдоригаги тиббий ускуналар совға қилинди. Шунча суммадаги грантни Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ажратди.

Апрель. Гулистонда Марказий Осиё минтақасида биринчи бокс саройининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Апрель. Осакада (Япония) “Экосан” Халқаро экология ва саломатлик жамғармасининг бўлими очилди. Бу жамғарма Ўзбекистоннинг Японияда очилган ноҳукумат ташкилотларидан бири бўлди.

Апрель. Қозоғистонда аёллар ўртасида дзюдо бўйича Халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё, Россия, Мўғулистон, Ҳиндистон ва Япония спортчи аёллари иштирок этишди.

Ўзбекистонлик дзюдочи аёлларнинг барчаси ушбу мусобақалардан медаллар билан қайтишди. Марина Михеева 63 кг вазн бўйича энг яхши деб топилди. Зеро Коршуновага 48 кг вазн бўйича кумуш медаль берилди. Олия Рафиқовага 78 кг вазнда бронза медали насиб этди.

Апрель. Жиззахда оналик ва болаликни ҳимоя қилишга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда республика тиббий муассасалари бош шифокорлари ва мутахассислари иштирок этишди.

Апрель. Самарқанд Тиббиёт институтининг госпиталь жарроҳлиги кафедрасининг мудирини профессор Баҳром Турсунов Россия тиббиёт фанлари Академиясининг Ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. Профессор Б.Турсунов тиббиётда турли янгиликларни татбиқ этиш, янги тиббий ускуналарни яратиш ва мураккаб жарроҳлик операцияларини ўтказишда катта муваффақиятларга эришган.

Апрель. Жиззахда Ўзбекистоннинг биринчи ёшлар ўйинларида энг яхши натижаларга эришган 2 спортчи эркин кураш бўйича республиканинг янги чемпионлари бўлишди.

Спортчи Баҳодир Бобониёзов турнир ғолиби бўлиб, Қорақалпоғистонда биринчи Ўзбекистон чемпиони унвонини олди. Ғолиблар орасида Тошкентдан Фарҳод Машрабов, Шерзод Абдувалиев, Отабек Пардақулов, Жаҳонгир Абдурахмонов ва Тўлқин Бўроновлар бор.

Самарқандлик Дилшод Мансуров, Равшан Абдуғаффоров ва жиззахлик Зоир Азимов, Равшан Холдорев ва Жаҳонгир Муродовлар олтин медалга сазовор бўлдилар. Жамоалар ҳисобида тошкентликлар ғолиб бўлишди.

Апрель. Тошкентда ўсмирлар XVIII Халқаро турнирида теннисчилар якка разряд бўйича беллашувида тошкентлик 16 ёшли Ирода Тўлаганова ғолиб бўлди.

Апрель. Тошкентда “Шамоллашга қарши терапия ва бод касалликларининг янги йўналишлари” мавзуида Халқаро илмий симпозиум бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё, Озарбайжон ва Россия саломатлик хизматларининг 250 вакили қатнашди.

Апрель. Қирғизистонда Марказий Осиё мамлакатларидан энг кучли 400 спортчи иштирок этган ёшлар ўртасида кикбоксинг бўйича Халқаро турнир бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг “Биллур” клубидан 30 та спортчи қатнашиб, жамоалар ҳисобида учинчи ўринни эгаллашди. Шахсий биринчиликда 14 медаль — 5 та олтин, 4 та кумуш ва 5 бронза медалларини қўлга киритишди. Фолиблик унвони ҳамда олтин медаль Бехзод Набиев, Юсуф Ҳаниев, Ҳусайн Қамбаров, Ҳусниддин Саттаров, Салоҳиддин Тўйматовларга берилди.

19-23 май. Самарқандда талабаларнинг “Универсиада-98” Республика спорт ўйинларининг финал мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақалар мини футбол, енгил атлетика, стол ва катта теннис ҳамда курашнинг миллий турлари бўйича ўтказилди.

22 май. Ўзбек альпинистларидан биринчи бўлиб Рустам Ражапов Жомолунгму (Эверест) тоғининг энг баланд чўққисини забт этиб, у ерда Ўзбекистон байроғини ўрнатди.

22-24 май. “Мустақил Ўзбекистон Республикаси Кубоги” учун эркин ва грек-рим кураши бўйича II Тошкент Халқаро турнири бўлиб ўтди. Совринлар учун 184 кучли курашчи жанг олиб борди. Ўзбекистонлик курашчилар ўз вазни бўйича эркин кураш усулида 3 та олтин ва грек-рим курашида эса 2 та олтин медални қўлга киритдилар.

27 май. Самарқандда ўсмирлар орасида “Шунқорлар” ҳарбий-спорт ўйинларининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда республикамызнинг 200 мингга яқин юқори синф ўқувчилари иштирок этдилар.

Май. Тошкентда олий лигада шахмат бўйича эркалар ва аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионати якунланди. Чирчиқлик гроссмейстер Сергей Загребельный, аёллар ўртасида эса тошкентлик Рена Мамедова мамлакат чемпиони бўлишди.

Май. Иккинчи Тошкент Тиббиёт институтида ҳамширалар тайёрлаш ўқув маркази очилди.

Май. Тошкентда Республика тиббиёт ходимларининг илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда шамоллаш натижасида келиб чиқадиган оғир асоратларнинг сабаблари таҳлил қилинди.

Май. Тошкентда “Бод касалликларига қарши курашнинг энг янги усуллари топишга” бағишланган Халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё Республикалари, Озарбайжон, Грузия ва Россиядан мутахассислар қатнашдилар.

Май. Қўқонда тиббиёт ходимларининг “Ҳамшира-98” Республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон ва вилоятлардан 14 ҳамшира ўз билим ва маҳоратларини намойиш қилдилар. Қўқон болалар ка-

салхонаси ҳамшираси Хуршида Темирова ғолиб бўлди. Унга танловнинг олий мукофоти — “Тико” енгил автомашинаси берилди.

Май. Тошкентда болалардаги қандли диабет касаллиги муаммоларига бағишланган Халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг эндокринолог ва педиатрлари ушбу касаллик диагностикаси, уни даволаш билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

Май. Аёллар ўртасида баскетбол бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Самарқандлик баскетболчилар чемпион бўлдилар.

Май. Малайзияда бўлиб ўтган Осиё футбол конференциясида (ОФК) Ўзбекистон Республикаси Футбол Федерацияси ОФК ижроия кўмитаси таркибига қабул қилинди.

Май. Қозоғистонда дзюдо бўйича аёллар ўртасида ўтказилган Халқаро турнирда Марказий Осиёдаги бешта Республика спортчилари қатнашдилар. Ўзбекистонлик Марина Михаева 70 кг ли вазн тоифасида ғолиб бўлиб, олтин медаль олди. Шайра Тошпўлатова (48 кг вазнда) ва Ольга Максимова (78 кг вазнда) кумуш медаль соҳиби бўлдилар. Сузанна Аҳмедовага (63 кг вазндаги) бронза медали берилди.

1-10 июнь. Республикада экология ва саломатлик ўн кунлиги ўтказилди.

1-8 июнь. Тошкентда аёллар ўртасида теннис бўйича III анъанавий Халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда 19 та мамлакатдан ташриф буюрган теннисчилар қатнашдилар.

Теннис турнирида австриялик теннисчи Патриция Вартуш иккинчи марта совринга сазовор бўлди.

5 июнь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Қизил яримой Жамиятининг XVIII қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой қатнашчилари кейинги 5 йил ичида амалга оширилган ишларни якунлаб, долзарб масалаларни муҳокама қилишди ва келажакдаги ишлар режасини тузиб, жамиятнинг янги таҳрирдаги низомини қабул қилишди.

5 июнь. Тошкентдаги Ўзбекистон Олимпия шон-шуҳрати музейида Эверестнинг энг баланд чўққисини забт этган ва у ерга 22 май куни Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ўрнатган ўзбек альпинистларини қутлаш маросими бўлди.

Мана шу буюк муваффақият учун Эверестда ўтказилган экспедиция қатнашчиларининг ҳар бирига “Халқаро тоифадаги спорт устаси” олий спорт унвони берилди. Бу унвонга Рустам Ражапов, Олег Григорьев, Алексей Докукин, Сергей Соколов, Ханиф Балмағамбатов, Илёс Тухватуллин, Андрей Федоров, Марат Усаев, Роман Мац, Андрей Заикин ва Светлана Баскановалар сазовор бўлишди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер, экспедиция раҳбари Анатолий Шабановга ҳам “Халқаро тоифадаги спорт устаси” унвони берилди.

9 июнь. Жиззахдаги Х. Орипова номли вилоят касалхонасида “Сименс” фирмасининг республикада биринчи рентгенодиагностик аппарати — сирескоп СХ синовдан ўтказилди ва ишга туширилди.

13 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш тўғрисидаги” Фармойиши эълон қилинди.

Июнь. Россияда грек-рим кураши бўйича ветеранлар ўртасида I Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда 18 мамлакатдан 200 курашчи қатнашди. Ўзбекистон шарафини Комил Фатхуллин билан Ҳамид Воҳидовлар ҳимоя қилишди. 74 ёшли Ҳамид Воҳидовга кумуш медаль берилди.

Июнь. Нукусда ёш спортчилар ўртасида миллий кураш бўйича мамлакат биринчилиги ўтказилди. Қизгин курашда қорақалпоғистонлик паҳлавонлар умумжамоа ҳисобида галабага эришдилар. Бухоро ва Самарқанд курашчилари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Июнь. Самарқандда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда бўлажак оналарга маслаҳатлар беришга мўлжалланган “Қизил олма” Халқаро ахборот хизматининг филиали ташкил этилди.

Июнь. Чонгинга (Хитой)да бокс бўйича Жаҳон кубоги учун бўлиб ўтган мусобақаларда андижонлик Муҳаммадқодир Абдуллаев ва жиззахлик Лазиз Зокировлар олтин медални қўлга киритдилар. Шунингдек, андижонлик Тўлқинбой Турғунов кумуш медалга, когонлик Наримон Отаев, самарқандлик Дилшод Ёрбеков ва фарғоналик Дилшод Йўлдошевлар эса бронза медалларига сазовор бўлишди.

5 июль. Ўзбекистонлик теннисчи Ирода Тўлаганова Уимблдонда сло-вакиялик теннисчи Петра Рампре билан жуфтликда ўйнаб, 1998 йилги Уимблдон турнирининг ўсмирлар жуфтлиги разрядида финалга чиқди ва иккинчи ўринни эгаллади.

11-19 июль. Москвада I Жаҳон ёшлар ўйинлари бўлиб ўтди. Уларда Халқаро Олимпия Кўмитаси ҳомийлигида 159 мамлакатдан ўн минг йигит ва қиз ўз спорт маҳоратини намойиш этди, улар орасида 110 нафар ёш ўзбекистонликлар ҳам бор эди. Эркин усулдаги курашчилар ҳаммадан яхши ўйин намойиш этдилар. Дилшод Мансуров 42 кг гача вазнда чемпион бўлди. 52 кг гача вазндаги Жаҳонгир Абдурахмонов кумуш медаль соҳиби бўлди. Жамшид Саидов (57 кг), Хуршид Холдоров (69 кг) ва Адамас Жабиев (63 кг) бронза медалларни қўлга киритишди. Грек-рим усулидаги курашда иккита медаль -- кумуш ва бронза медаллар Савриддин Наврўзов билан Денис Здориковга насиб этди. Дзюдочи Руслан Эргашев кумуш совринга эга бўлди. Жуфт разрядда теннисчилар Ирода Тўлаганова билан Луиза Битякова бронза медалини қўлга киритдилар. Стол теннисида шундай мукофотга Манзура Иноятова билан Саида Бурхонхўжаева сазовор бўлдилар.

29 июль. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонасида Ўзбекистоннинг ЮНИСЕФ билан 2000—2004 йиллардаги ҳамкорлик қилиш дастури стратегияси муҳокамасига бағишланган маслаҳат кенгаши бўлиб ўтди. Унда республика ҳукумати, оналик ва болаликни

муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи миллий ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) мамлакатимизда 1992 йилдан бери фаолият кўрсатмоқда. Ўша вақтдан бошлаб ҳукуматимиз ушбу ташкилот билан болалар ҳуқуқини, уларнинг соғлигини ҳимоя қилиш ҳамда таълим беришни Халқаро Конвенцияга мувофиқ таълим беришни амалга ошириш масалалари борасида яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон ҳукумати 1994 йилда ушбу Конвенцияга аъзо бўлган эди.

Кенгаш иштирокчилари соғлиқни сақлаш, оналар ва болаликни муҳофаза қилиш, озиқ-овқат ва ичимлик суви билан таъминлаш, шунингдек, таълим учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги асосий йўналишлар стратегиясини муҳокама қилдилар.

Июль. Жиззахда ногиронларни реабилитация қилиш маркази очилди. Янги даволаш маскани замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган: бўлиб, беморларни даволаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ижтимоий таъминот вазирлигига қарашли ушбу марказда бир пайтнинг ўзида 50 нафар бемор малакали ёрдам олиши мумкин.

2 август. Манхэттен ареналарида Стетен-Айленд ва Нью-Йорк атрофидаги Лог-Айлендда 18 июлда бошланган IV яхши ният ўйинлари якунланди. Бу ўйинларда Ўзбекистондан икки боксчи — Темур Тўлаков ва Дилшод Ёрбековлар иштирок этди. 53 кг вазнда қатнашган андижонлик Темур Тўлаков олтин ва 75 кг гача вазн тоифасидаги Дилшод Ёрбеков бронза медалини қўлга киритди.

11 август. Бухорода 100 ўринга мўлжалланган вилоят кардиология марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

25 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида” Фармон чиқарди. Ушбу унвон Жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинлари ва шу қабилдаги йирик мусобақаларда юксак спорт натижаларига эришиб, Ватан шон-шарафи, нуфузи ва обрўйини кўтаришга ўз ҳиссаларини қўшган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини рағбатлантириш мақсадида таъсис этилди.

Август. Андижон вилояти Андижон туманидаги Куйганёр шаҳарчасида икки қаватли қишлоқ шифохонаси дастлабки беморларни қабул қилди, унда кундузги даволаш бўлими, муолажа хоналари, дорихона, лабораториялар ва бошқа бўлимлар мавжуд.

Август. Тошкентда эшитиш ва нутқни тиклаш Республика маркази очилди. Мамлакатимизда ягона бу тоифадаги муассаса энг янги тиббий техника билан жиҳозланган.

Август. Гулистонда деярли уч минг аҳолига хизмат кўрсатадиган янги даволаш шохобчаси фойдаланишга топширилди.

Август. Англияда ногиронлар ўртасида Жаҳон кубоги учун футбол мусобақалари бўлиб ўтди. Мусобақаларда АҚШ, Бразилия, Канада, Сальва-

дор, Россия, Грузия, Англия ва Ўзбекистон ногиронлар терма жамоалари иштирок этди. Ўзбекистонлик “Байналмилал” клуби футболчилари Жаҳон кумуш кубогини қўлга киритишди.

Август. Цессис шаҳрида (Латвия) биатлон бўйича IV ёзги Европа чемпионати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон спортчилари ҳам иштирок этишди. Наманганлик спортчи, халқаро тоифадаги спорт устаси Муҳаббат Кондакова уч минг метр масофага югуришда биринчи ўринни эгаллаб, Европанинг икки карра чемпиони бўлди.

Август. Малайзиянинг Шоҳ-Олам шаҳрида сузиш бўйича бўлиб ўтган Осиё ва Океания XII чемпионатида мукофотлар учун 16 та мамлакат спортчилари, шу жумладан, Ўзбекистон спортчилари ҳам беллашдилар. Мамлакатимиз шарафини бу гал Навоий кон-металлургия комбинати касаба уюшмаси қўмитасининг “Олтин сув” сузиш маркази жамоаси ҳимоя қилди.

Чемпионатда Р. Начаев 100 метрга баттерфляй усулида сузишда олтин ва эркин сузиш бўйича кумуш медални қўлга киритди. 400 ва 200 метрли масофага эркин сузиш бўйича О. Цветковский ҳам олтин медалларга сазовор бўлди. 200 метрга комплекс сузиш бўйича финалда О. Пухнатий ғолиб чиқди. Бундан ташқари, 100 метрга эркин сузиш бўйича П. Васильев кумуш медални қўлга киритди. А. Агафонов 200 метрга эркин сузишда ва С. Ерилин 200 метрга баттерфляй усулида сузишда бронза медаллари олдилар. Ўзбекистонликлар 4×100 метрли эстафеталарда эркин усулда сузишда кумуш медални ва худди шундай аралаш эстафетада бронза медални қўлга киритдилар.

Август. Примт шаҳрида (АҚШ) ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган эркин кураш бўйича чемпионатда 56 килограммгача вазнда кумуш медални тошкентлик курашчи Маис Ибодов қўлга киритди.

Август. Фарғонада очилган эндокринология касалхонаси дастлабки беморларни қабул қилди.

3 сентябрь. Тошкентдаги Олимпия шон-шухрати музейи олдидан тошкентлик Мурод Қосимов дунё бўйлаб велосипедда уч йиллик сафарга жўнади.

6 сентябрь. Тошкентда кураш бўйича навбатдаги таъсис конгресси бўлиб ўтди. Жаҳоннинг 27 мамлакатидан қатнашган вакиллар яқдиллик билан Халқаро кураш ассоциациясини тузишни ёқлаб овоз бердилар. Унинг президенти қилиб Комилжон Юсупов, Ўзбекистон Ассоциациясининг фахрий президенти қилиб давлатимиз Бошлиғи Ислон Абдуғаниевич Каримов сайланди.

6-7 сентябрь. Тошкентда “Ўзбекистон Президенти Кубоги” учун Халқаро кураш турнири бўлиб, унда 20 та мамлакатдан вакиллар иштирок этди. Ўзбекистон Президенти Бош совринини туркиялик курашчи Селим Татар ўғли қўлга киритди.

9-13 сентябрь. Анқарада таэквондо бўйича ёшлар ўртасида Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда ўзбек спортчиси Рашид Аҳмедов кумуш медални

қўлга киритди, бу бизнинг ёш спортчиларимиз жаҳон чемпионатларида қўлга киритган биринчи медалдир.

Сентябрь. Осакада (Япония) сумо кураши бўйича Осиё чемпионати бўлиб, унда 11 мамлакатдан 44 спортчи иштирок этди. Бундай турнирда биринчи марта Ўзбекистондан Олег Моторин, Ботир Ҳасанов ва Шокир Тўраев иштирок этди. Шокир Тўраев кумуш медални қўлга киритди.

Сентябрь. Гданьскда (Польша) С-2 моделлари (замонавий кемалар нусхалари) тоифасидаги кема модели спорти бўйича Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондан Андрей Разумовский ва Марат Юсуповлар иштирок этишди. “Дидар” ўт ўчириш кемаси нухасини яратгани учун А. Разумовскийга олтин медал берилди. М. Юсупов “Аметист” кутқарувчи кема нухасини яратгани учун кумуш медални қўлга киритди.

Сентябрь. Тошкент яқинидаги Аранчи аэродромида авиамодель бўйича тарихда биринчи Осиё чемпионати бўлиб, унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Арманистон ва Индонезия жамоалари иштирок этишди.

Эркин учувчи планерлар Александр Амелин (Қозоғистон), резиномоторли моделда — Шавкат Исматилаев, ички ёниш таймерларида — Евгений Хаенок, радио орқали бошқариладиган планерларда — Владимир Уцин (ҳаммаси Ўзбекистондан) — Осиёнинг биринчи чемпионлари бўлишди.

Сентябрь. Чонг-Тин шаҳрида (Хитой) ёшлар ўртасида оғир атлетика бўйича XI Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда 14 та мамлакатдан 70 атлет қатнашди. Ўзбекистонликлар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаб, Осиё чемпиони номига сазовор бўлишди ва алоҳида машқларда 18 та медални қўлга киритишди.

Сентябрь. Самарқандда “Амир Темур Кубоги” учун бокс бўйича Халқаро турнир бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ва Ҳиндистондан юздан ортиқ спортчи иштирок этди.

8 октябрь. АҚШдан келган бир гуруҳ жарроҳлар Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли академик В. Воҳидов номидаги жарроҳлик илмий марказида ўзларининг 10 кунлик ташрифлари чоғида ўзбек жарроҳлари билан ҳамкорликда юрак устида 15 та ўта мураккаб операция ўтказгани ҳақида хабар эълон қилинди.

15-16 октябрь. Самарқандда АҚШ, Германия, Бельгия, Туркия, Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа мамлакатлардан келган олимлар иштирокида Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда ўпка касалликлари олдини олиш, уларнинг диагностикаси, замонавий даволаш усуллари ҳамда уларни тажрибада қўлланиш масалалари муҳокама қилинди.

19-20 октябрь. Пойтахтнинг Байналмилал маданий марказида “Ногиронларни тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш” мавзуида Халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

Симпозиумда Ўзбекистон, Тожикистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Литва, Россия ва бир қатор Европа мамлакатларида аҳолини

ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида амал қилувчи ташкилотлар ва марказларнинг вакиллари иштирок этишди.

23 октябрь. Тошкентда “Артериаль гипертензиянинг ташхиси ва жароҳлик билан даволашнинг янги йўналишлари” мавзуида Халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Унда Россия, Беларусь, Бельгия, АҚШ, Марказий Осиё мамлакатларидан таниқли мутахассислар иштирок этишди.

26 октябрь. Тошкентда “Стоматологиянинг долзарб масалалари” мавзуида биринчи Халқаро симпозиум ўз ишини бошлади.

Октябрь. Қаршида бўлиб ўтган теннис бўйича “Буюк Ипак йўли” Халқаро турнирида қатнашиш учун “Ховос” янги спорт комплексига дунёнинг деярли барча бурчақларидан ракетка усталари йиғилишди. Унда Австрия, Беларусь, Венгрия, Миср, Италия, Қозоғистон, Янги Зеландия, Россия, Словакия, Украина, Финляндия, Швециядан келган спортчилар қатнашди. Ўзбекистонлик теннисчилар Олег Огородников ва Дмитрий Томашевич турнир ғолиби бўлишди.

Октябрь. Калининградда самбо бўйича бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик самбочи Ақобир Қурбонов кумуш медаль совриндори бўлди.

Октябрь. Гамбургда (Германия) профессионал боксчиларнинг “Жаҳон боксчилар ташкилоти” ташаббуси билан Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Ўзбекистонлик боксчи Артур Григорян жаҳон чемпионлигига даъвогар италиялик боксчи Жорж Кампанелло билан рингга тушди. Артур Григорян ўз рақибини ўнинчи раундда нокаут қилиб, еттинчи марта Жаҳон чемпиони унвонини сақлаб қолди.

Октябрь. Қоҳирада Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа ва Ўрта Ер денгизи бўлимларининг полиомиелит касаллигини тугатишга бағишланган кўшма мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишда дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатидан, шу жумладан, Ўзбекистондан ҳам вакиллар иштирок этди.

Йиғилиш иштирокчилари полиомиелитга қарши кураш соҳасида Ўзбекистон эришган ютуқларга диққатни жалб этишди. Ушбу тажрибани бу муаммо долзарб бўлиб турган мамлакатларда татбиқ этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Октябрь. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида “СПИДга қарши курашда мамлакатга техникавий ёрдам кўрсатиш” лойиҳасининг тақдими бўлиб ўтди.

Октябрь. Венгрияда бўлиб ўтган ёшлар ўртасида пауэрлифтинг бўйича Жаҳон чемпионатида Навоийдан ўзбекистонлик полвон Арсен Жанклич 125 килограммгача вазн тоифасида кумуш медални қўлга киритди.

Октябрь. Ўзбекистонда ўн биринчи марта авторалли бўйича энг кучли автопойгачиларнинг “Сўғдиёна-98” Тошкент—Чимён дам олиш зонаси йўналишида Халқаро мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақада Ўзбекистон жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Октябрь. Бристолда (Англия) кикбоксинг бўйича Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Чемпионатда Ўзбекистондан икки вакил: Улуғбек Фиёсидди-

нов ва Владислав Намлар иштирок этиб, 5 та медални қўлга киритишди. Владислав Нам катталар орасида таэквондонинг техник элементларини эслатувчи лайт-контакт дастури бўйича Жаҳон чемпиони бўлди. Шунингдек, етти-контактда ҳам кумуш ва фул-контактда эса бронза медали Владиславга nasib этди. Улуғбек ёшлар орасида икки дастур — етти-контакт ва фул-контакт бўйича курашиб, бронза медалини қўлга киритди.

Октябрь. Наманганда “Паҳлавон” янги спорт-соғломлаштириш мажмуи очилди. Бу ерда теннис, волейбол, қўл тўпи, мини-футбол, бокс, кураш, гимнастика, қиличбозлик, сузиш ва сув полоси бўйича машғулотлар ўтказиш учун барча шароитлар яратилган. Фақат гимнастика залининг ўзига 1250 киши сиғади.

Октябрь. Фаргона шаҳрида “Истиқбол” Халқаро турнири бўлиб ўтди. Турнирда дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатидан келган теннис ракеткаси усталари ўзаро куч синашди.

10 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида” Фармон чиқарди.

12-13 ноябрь. Тошкентда аллергологларнинг биринчи Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё республикалари, Германия, Франциядан мутахассислар ва дунёнинг етакчи фармацевтик фирмалари вакиллари иштирок этишди. Шу кунги Ўзбекистон аллергологлари ва астматологлари жамиятининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

13-15 ноябрь. Термизда “Алпомиш” дostonига бағишланган Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари биринчи Республика фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида 10 та спорт тури бўйича мусобақалар ўтказилиб, “Алпомиш” дostonига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди, унда кўпгина масалалар муҳокама қилинди.

21 ноябрь. Республика “Ортопедия” илмий тиббий-техник мажмуида беморларнинг синган суякларини оғриқсиз ўстирадиган ва зарур бўлганда қўл-оёқларни чўзадиган мослама ишлаб чиқилганлиги ҳақида хабар эълон қилинди.

23-26 ноябрь. Тошкентда биринчи марта Оила йилига бағишланган синхрон сузиш бўйича Халқаро турнир ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Греция, Қозоғистон, Россия хотин-қиз спортчилари қатнашди. Россиялик қизлар турнир ғолиби бўлишди.

Жуфтлик композиция дастурида ўзбекистонлик Татьяна Завадовская ва Юлия Велку бронза медали совриндори бўлишди.

Ноябрь. Испаниядаги Жаҳон чемпионатида биринчи марта 16 ёшлилар тоифасида ўзбекистонлик шахматчи Иброҳим Ҳамроқулов Жаҳон чемпиони бўлди.

Ноябрь. Наманган туманидаги Тошбулоқ посёлкасида 15 минг томошабинга мўлжалланган янги стадион фойдаланишга топширилди. Икки

ойда ҳашар йўли билан қуриб битказилган бу спорт мажмуида волейбол ва баскетбол ўйинлари учун ҳам, енгил атлетика машғулотлари учун ҳам бир неча майдончалар бор.

Ноябрь. Сеулда академик эшкак эшиш бўйича бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Ўзбекистондан ўн олти нафар эшкакчи иштирок этди. Тўртлик экипажда В. Тримасов, Д. Криво (иккови ҳам Бекободдан) Р. Бичурин (Каттақўрғон) ва В. Шаксубарван (Самарқанд) олтин медалларни қўлга кириштиди. Бир кишилик пойгада каттақўрғонлик Э. Керимов кумуш медалга эга бўлди. Ўзбекистонлик эшкакчилар яна тўрт марта бронза медалларига сазовор бўлишди.

Ноябрь. Деҳлида Осиё кубоги учун ўтказилган теннис бўйича турнирда Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи ўринни эгаллади.

Ноябрь. Қоҳирада армрестлинг бўйича XIX Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди, унда 38 мамлакатдан спортчилар иштирок этди.

Ушбу турнир доирасида ногиронлар ўртасида армрестлинг бўйича II Жаҳон чемпионати ҳам бўлиб, унда 12 мамлакатдан спортчилар йиғилди. Ўзбекистондан Ҳусан Матқурбонов ва Умид Аҳмедовлар иштирок этишди. Финалда биринчи Жаҳон чемпионати бронза медали совриндори Умид Аҳмедов россиялик Владимир Ширко билан учрашди. Умид Аҳмедов уни енгиб, Жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди.

Ноябрь. Лаалуве шаҳрида (Бельгия) ўтказилган сузиш бўйича анъанавий “Гран при” мусобақасида Навоийдаги “Олтин сув” сузиш маркази сузувчиси Олег Пухнатий мусобақа Кубогини ва учта олтин медални қўлга киритди. Ёшлар ўртасида Пётр Васильев ғалаба қозонди, Равиль Начаев иккитадан олтин ва кумуш медални қўлга киритди, Олег Цветковский ва Александр Агафоновлар биттадан олтин ва кумуш медалларни қўлга кириштиди.

Ноябрь. Тошкентда баскетбол бўйича Халқаро анъанавий турнир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон спортчиларидан ташқари Хитой, Ҳиндистон, Қирғизистон ва Қозоғистон спортчилари ҳам иштирок этишди. Ўзбекистонликлар голибликни қўлга киритишди.

4 декабрь. Тошкентда Германия, Австрия, Швейцария, Япония, Англия, АҚШда ишлаб чиқарилган тиббий техника ускуналари билан жиҳозланган шаҳар ташхис маркази очилди.

10 декабрь. Тошкентда хотин-қизларда учрайдиган асаб касалликлари билан боғлиқ масалаларни ҳар тарафлама муҳокама қилган Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

22 декабрь. Бангкокда ўтказилган XIII Осиё ўйинлари ниҳоясига етди, унда ўзбекистонлик спортчилар ҳам иштирок этишди.

Ўз вазнлари бўйича 10 та медалдан 9 тасини қўлга киритган ўзбекистонлик боксчилар қатғий ғалабани қўлга киритдилар. Осиё ўйинлари голиблиги ва олтин медалга Руслан Чагаев, Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Сергей

Михайловлар сазовор бўлдилар. Бундан ташқари, боксёрларимиз 4 та кумуш ва 2 та бронза медалга сазовор бўлдилар.

Ўзбекистон жамоаси спортнинг 23 тури бўйича 42 мамлакат спортчилари билан беллашиб, ўнта энг кучли жамоа сафига кирди ва 40 та медаль — 6 та олтин, 22 та кумуш ва 12 та бронза медални қўлга киритди.

25 декабрь. Наманганда “Вертебрология ва артрологиянинг долзарб масалалари” мавзuida илмий-амалий конференция иш бошлади, унда Россия, Қозоғистон ва Тожикистондан травматолог шифокорлар иштирок этишди.

Декабрь. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ўзмедэкспорт” номига Жанубий Кореянинг “Самсунг Корпорейшн” компаниясидан инсонпарварлик ёрдами сифатида “В” гепатитига қарши эмлаш учун ишлатиладиган гепеваксген вакцинаси келди.

Декабрь. Будапештда болалар ва ўсмирлар ўртасида қаратэ бўйича “Жаҳон кубоги-98” мусобақалари бўлиб ўтди, унда 45 мамлакатдан спортчилар иштирок этишди.

Ўзбекистонлик ёш қаратэчиларнинг жамоалар ҳисобида биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон Кубогини қўлга киритганлиги мусобақанинг энг шов-шувли воқеаси, деб эътироф этилди. Шахсий ҳисобда ўзбекистонликлар 5 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронза медаль соҳиби бўлишди.

Декабрь. Янги 1999 йил арафасида биринчи марта Ўзбекистон-Россия альпинистлари экспедицияси аъзолари Илёс Тухватуллин (Тошкент), Александр Абрамов (Москва) ва Павел Шабалин (Жиров), Помир-Олой тоғидаги Оқсув чўққисини забт этиб, қояга чиқиш бўйича Жаҳон рекордини ўрнатишди ва “Олтин муз кесувчи” Халқаро совринига сазовор бўлишди.

1999 ЙИЛ

9 январь. Янги спорт мавсуми бошланишида республика Давлат спорт қўмитаси томонидан танланган 1998 йилнинг энг яхши спортчилари рўйхати эълон қилинди.

Йилнинг энг яхши спортчилари рўйхатида 1998 йил бокс бўйича Жаҳон кубоги соҳиби, XIII Осиё ўйинлари чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев сардорлик қилапти.

Шунингдек, Баҳром Авазов (кураш), Камол Муродов (дзюдо), Олег Веретельников (енгил атлетика), Сергей Войнов (енгил атлетика), Артур Григорян (бокс), Рамиль Исломов (эркин кураш), Рустам Қосимжонов (шахмат), Эркин Қутибоев (муай-тай), Сергей Михайлов, Руслан Чагаев, Темур Тўлаков (барчаси — бокс), Бахтиёр Бозоров (кураш), Татьяна Малинина (фигурали учиш), Баҳодир Қурбонов (грекча-римча кураш) энг яхши спортчи, деб тан олинди.

Тугалланаётган йил дунёнинг энг баланд чўққиси — Эверестни забт этган республикаимиз альпинистлари учун ҳам жуда муҳим йил бўлиб

ҳисобланди. Бу муваффақият уларни дунёнинг энг яхши жамоаси деган ном олишларига сабаб бўлди. XIII Осиё ўйинлари ғолиби бўлган боксчилар терма жамоаси ҳам шундай унвонга сазовор бўлди.

14 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

14 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Дори-дармон воситалари ва тиббий буюмларни сотишни тартибга солиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Январь. Бекободдаги “Ўзметкомбинат” акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Анохин номли спорт мажмуида болалар ва ўсмирлар футбол мактабининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Январь. Токиода бўлиб ўтган дзюдочиларнинг анъанавий Халқаро турнирида ўзбекистонлик Андрей Штурбабин барча учрашувларда ғалаба қозониб, турнир ғолиби бўлди ва олтин медални қўлга киритди.

Январь. Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани маркази — Манғит шаҳрида замонавий ускуналар билан жиҳозланган янги поликлиника ишга туширилди.

Бу ердаги 30 ўринга мўлжалланган кундузги стационарда, аёллар маслаҳатхонасида жарроҳлик маркази ҳамда тўққизта ихтисослашган бўлимлар, чунончи, терапия, асаб касалликлари бўлими, стоматология ва бошқа бўлимларда 60 нафар шифокор ва 90 нафар малакали ҳамширалар беморларга тиббий хизмат кўрсатмоқдалар.

Январь. Гастингс (Англия)да 15 мамлакатдан 84 спортчи иштирок этган анъанавий Халқаро шахмат турнири бўлиб ўтди. Ўзбекистондан халқаро гроссмейстер Сайдали Йўлдошев ва халқаро мастер Дмитрий Қаюмов иштирок этдилар. Сайдали Йўлдошев германиялик халқаро гроссмейстер Клаус Бишоф ва хорватиялик Богдан Лаличлар билан 1—3 ўринларини бўлашиб олди.

Январь. Тошкентда ўзбек-америка қўшма офтальмология клиникаси очилди. У фақат республикамыз фуқароларигагина эмас, балки Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари вакилларига ҳам тиббий хизмат кўрсата бошлади.

1 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Кураш” Халқаро ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

4 февраль. Москвада яқунланган Биринчи Халқаро шахмат турнирида Ўзбекистондан вакил бўлиб борган самарқандлик ака-ука Жўрабек ва Иброҳим Ҳамроқуловлар катта муваффақиятга эришдилар. Ўн олти ёшли Иброҳим турнир ғолиби бўлди, унинг ўн ёшли укаси Жўрабек кумуш медални қўлга киритди.

4 февраль. Екатеринбургда Халқаро малакали шахмат турнири ўз ниҳоясига етди. Унда Ўзбекистондан шахматчилар Рена Мамедова ва Ольга Ким иштирок этишди.

Рена Мамедова 6 марта ғалабага эришиб, 4 та ўйинни дуранг қилиб ва фақатгина бир марта мағлубиятга учраб, турнир ғолиби бўлди. Айна вақтнинг ўзида у аёллар ўртасида халқаро гроссмейстерлар нормасини бажарди, шунингдек, у эркаклар ўртасидаги халқаро мастерлар нормасига тўғри келадиган балл йигди.

6 февраль. Кангвон шаҳрида Жанубий Корея IV қишки Осиё ўйинлари яқунланди. Унда аёллар якка учиши бўйича ўзбекистонлик фигурачи Татьяна Малинина олтин медаль соҳибаси бўлди. Эркаклар ўртасидаги беллашувда Роман Скорняков кумуш медални қўлга киритди. Рақс жуфтлиги Наталья Пономарёва — Евгений Свиридовга бронза медали насиб этди.

8 февраль. Тошкентда жаҳон тиббиёти тараққиётига буюк ҳисса қўшган табиб, олим ва файласуф Абу Али ибн Сино бой меросини ўрганиш ва уни кенг тарғиб этиш, шу асосда ёшларни тарбиялаш, инсонпарварлик, меҳмурувват ишлари олиб бориши ҳамда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотда фаол иштирок этиш мақсадида республикада ташкил этилган Ибн Сино жамғармасининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

9 февраль. Тошкентда ногиронлар спорти ассоциациясининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Февраль. Дебреценда (Венгрия) бокс бўйича Халқаро турнир ўз ниҳоясига етди. Унда МДХ давлатларидан ягона вакил бўлган Ўзбекистон жамоаси биринчи бор иштирок этди. Турнирда Кипр, Мадагаскар, Словакия, Чехия, Хорватия ва Венгриядан 75 нафар энг кучли спортчи иштирок этди. Ўзбекистонлик боксёрлар Тўлашбой Дониёров, Рафқат Эралиев ва Лазизбек Зокиров олтин медаль, Шерзод Ҳусанов бронза медалини қўлга киритдилар.

Февраль. Пловдивда (Болгария) 15 мамлакатдан 100 нафар кучли спортчини тўплаган бокс бўйича анъанавий Халқаро турнир бўлиб ўтди. Ўзбекистонлик боксчи Руслан Чагаев турнир ғолиби бўлди. Бу турнирда ўзбекистонлик яна икки вакил — Муҳаммадқодир Абдуллаев кумуш медаль, Сергей Михайлов бронза медаль соҳибси бўлдилар.

13 март. Гамбургда тошкентлик Артур Григорян Жаҳон боксёрлар ташкилотининг чемпионлар белбоғини қўлга киритиш учун энгил вазнда ўзининг саккизинчи учрашувини ўтказди ва испаниялик 27 ёшли Испания ва Европа чемпиони Оскар Гарец Кано билан бўлган жангда саккизинчи марта Жаҳон чемпиони унвонига эришди.

19-21 март. Тошкентдаги “Юнусобод” спорт мажмуида Ўзбекистоннинг Мустақиллик кубоги учун эркин ва грекча-римча кураш бўйича III Халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда 17 мамлакатдан 232 энг кучли атлетикачи қатнашди. Ўзбекистонликлар турнирда 16 та медални қўлга киритдилар, шундан 6 таси олтин медаль эди.

Март. “Соғлом авлод учун” Халқаро хайрия жамғармасининг Фарғона вилоят бўлимига АҚШдан “Проктерэнд Гембл” компаниясидан йигирма

минг АҚШ доллари миқдорида гигиена ашёлари гуманитар ёрдам сифатида юборилди.

6-9 апрель. Тошкентда “Тиббиёт-99” Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг етакчи фирмалари ишлаб чиқарган тиббий техника, фармацевтика препаратлари ва пардоз-андоз воситалари намойиш этилди.

23 апрель. Тошкентда Осиёдаги 43 мамлакат Миллий Олимпия қўмиталари бош котибларининг Осиё Олимпия Кенгаши ижроия қўмитаси ва Халқаро Олимпия қўмитаси “Олимпия ҳамкорлиги” Жамғармаси раҳбарлари билан ҳамкорликда кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашнинг асосий масалалари ҳакамлик қилишни, унинг сифатини, маркетингни такомиллаштириш, реферилар малакасини ошириш муаммоларидан иборат бўлди.

Апрель. Наманганда “Фьючерс Истиқбол” теннис турнири бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 15 мамлакатидан, жумладан, Бельгия, Венгрия, Голландия, Латвия, Руминия, Россия, Чехия, Швеция, Словакиядан профессионал теннисчилар иштирок этди. Ўзбекистондан 11 нафар теннисчи қатнашди.

Апрель. Дехлида бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги пауэрлифтинг бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон вакиллари яхши натижаларни қўлга киритдилар. Улар орасида Навоийдаги “Сўғдиёна” спорт клубидан тренер Ренат Хузиннинг шогирди Жонқилич Арсен энг яхши деб топилди. У учурашда 830 кг натижа кўрсатиб, катта олтин медални қўлга киритди. Асосий тјагада эса, у навбат билан 315 ва 325 кг кўтариб, фақат ёшлар ўртасидагина эмас, балки катта ёшдагилар ўртасида ҳам иккита континенталь рекорд ўрнатди. Кичик олтин медаль Арсенга тизза букиб ўтиришдаги натижаси учун (310 кг) берилди. Ётган ҳолда даст кўтаришда у кумуш медалга сазовор бўлди (195 кг).

Хузиннинг иккинчи шогирди — Аззат Раҳмонқулов иккита кумуш ва битта бронза мукофотларини олди. Қизлар ҳам яхши натижа кўрсатдилар: Зарифа Козлан барча ҳаракатларда кумуш медалга сазовор бўлди.

Апрель. Самарқандга Япониядан шаҳар тиббиёт муассасалари учун 4 млн АҚШ доллари миқдорида замонавий тиббий ускуналар етказиб берилди. Улар Япония ҳукуматидан грант сифатида олинган эди.

Апрель. Брисбенда (Австралия) ўтказилган Халқаро “Гран при” турнирида ўзбек каратэчилари йигирма бешта медални қўлга киритдилар, улардан ўн тўрттаси олтин медаллардир.

Апрель. Бухорода грекча-римча кураш бўйича мактаб ўқувчиларининг V Республика спартакиадаси бўлиб ўтди.

Умумжамоа ҳисобида бухоролик ёш полвонлар биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти спортчилари қўлга киритдилар.

Апрель. Термизда кураш бўйича биринчи Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Ўзбекистонлик уч вакил — сурхондарёлик Тоштемир Муҳаммадиев, қашқадарёлик Баҳром Авазов ва сурхондарёлик Маҳтумқули Маҳмудов олтин медал олишди.

1-2 май. Тошкентда кураш бўйича биринчи Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 48 та мамлакатидан спортчилар қатнашдилар. Ўзбекистонлик полвонлар учта олтин, учта кумуш ва тўртта бронза медални қўлга киритдилар. Ўз вази тоифаларида Ақобир Қурбонов, Камол Муродов, Тоштемир Муҳаммадиевлар Жаҳон чемпиони бўлди.

6 май. Тошкентда кураш бўйича биринчи Жаҳон чемпионати эсдалик кубогини — спортчилардан Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга инъом қилинган совғани Олимпия шон-шухрати музейига ҳада сифатида топшириш маросими бўлиб ўтди. Кураш бўйича биринчи Жаҳон чемпионатининг эсдалик кубоги бундан буён Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов жаҳон спортини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун тақдирланган иккита мукофот — Халқаро Олимпия қўмитасининг “Олтин ордени” ва Осиё Олимпия Кенгашининг “Олтин ордени” ўртасида сақланади.

12 май. Тошкентда “Ўзбекистонда миллий дори-дармонлар сиёсатини ривожлантириш – имкониятлар ва истиқбол” мавзuida Халқаро конференция очилди.

17 май. Иккинчи Тошкент Давлат Тиббиёт институтида тез тиббий ёрдам ўқув маркази очилди. У, бир томондан, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги, Америка соғлиқни сақлаш иттифоқи, иккинчи томондан, Американинг Ричмонд шаҳри тез тиббий ёрдам бошқармаси ўртасида йил бошида имзоланган ўзаро ҳамжиҳатлик меморандумига мувофиқ ташкил этилди.

Марказ очилиши муносабати билан бўлиб ўтган маросимда республиканинг етакчи тиббиёт ходимлари, уларнинг АҚШдаги ҳамкасблари, республиканинг ўз таркибиде авария-қутқарув хизматларига эга бўлган бир қатор вазирлик ва идоралари вакиллари иштирок этдилар.

Маросимда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Ж. Пресел нутқ сўзлади.

18-21 май. Самарқандда Аёллар йилига бағишланган хотин-қизлар Республика спартакиадаси бўлиб ўтди. Турнир 5 хил дастур: енгил атлетика, стол тенниси, волейбол, шашка ва оилавий мусобақалар бўйича ўтказилди.

Самарқандлик спортчилар спартакиада дастурининг беш тури бўйича учта биринчи, иккита иккинчи ўринларни қўлга киритдилар. Умумжамоа ҳисобида Тошкент вилояти спортчилари иккинчи ва фарғоналиклар эса учинчи ўринни олдилар.

21-22 май. Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида Республикалараро Фавқулодда ҳолатлар вазирликларининг санитария дружиналари ва авария-қутқарув бўлинмалари ўртасида республика мусобақалари бўлиб ўтди.

24 май. Халқаро ҳаваскорлар кураш федерацияси (ХХКФ)нинг бош қотиби Мишель Дюссон Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга Федерациянинг олий мукофоти — “Олтин маржон”ни тантанали равишда топширди. Бу мукофот давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз спорти ва умумжаҳон спорти ривожига қўшган катта ҳиссаси ва қилган хизматлари учун берилди. Ўзбекистон Президенти жаҳон мамлакатлари раҳбарлари ичида ушбу юксак мукофотга сазовор бўлган биринчи инсондир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов билан ХХКФ котиби Мишель Дюссон ўртасида Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган суҳбат давомида ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш, Ўзбекистонда спортни ривожлантириш масалалари ҳақида фикр алмашилди.

25-30 май. Тошкентда мамлакатимизда биринчи марта грекча-римча, эркин ва аёллар кураши бўйича XIII Осиё чемпионати бўлиб ўтди, унда 14 мамлакатдан 500 спортчи иштирок этди. Эркин кураш бўйича турнирда жамоа ҳисобида биринчилик Ўзбекистон терма жамоасига насиб этди. Олтин медалларни Игор Купеев (69 кг), Руслан Хинчагов (76 кг), Аслан Санакоев (85 кг), кумуш медалларни Рамиль Исломов (63 кг), Георгий Қайсинов (103 кг) ва бронза медалларни Адҳам Очилов (54 кг), Дамир Заҳриддинов (58 кг), Сослан Фраев (97 кг) лар олдилар.

Эркаклар ўртасидаги грекча-римча курашда олтин медаль соҳиби бухоролик спортчи Шухрат Садиев бўлди.

Аёллар ўртасидаги эркин кураш бўйича турнирда спортчимиз Марина Михеева (68 кг) тўртинчи ўринни эгаллади. Жамоалар ҳисобида биринчи ўрин Ўзбекистон, иккинчи ўрин Корея, учинчи ўрин Қозоғистонга берилди.

26-30 май. Тошкентда Япония, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон жамоалари иштирокида волейбол бўйича Япониянинг “Микаса” компанияси Кубоги учун аёллар ўртасида I Халқаро турнир бўлиб ўтди.

Бош мукофот — “Микаса” Кубогини Ўзбекистоннинг Жисмоний тарбия институти спорт клуби волейболчи қизлари қўлга киритдилар.

26-30 май. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси I Универсиадаси бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг 17 та университети ва 2 та институтидан мингга яқин талаба спортчилар спортнинг беш тури бўйича мусобақалашдилар.

Пиrowардида стол тенниси ва қўл тўпи бўйича Тошкент Давлат университетининг йигит ва қизлар жамоаси, шахмат ва баскетбол (қизлар) бўйича Самарқанд Давлат университет талабалари, баскетбол бўйича (ўсмирлар орасида) Бухоро Давлат университети талабалари, мини-футбол бўйича Тошкент Давлат техника университети талабалари универсиада голиби бўлдилар.

27 май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Май. Патра шаҳрида (Греция) 15 мамлакатдан энг кучли боксёрларни йиққан “Тафалия” соврини учун анъанавий бокс бўйича Халқаро турнир бўлиб ўтди. Ўзбекистондан 9 та боксчимиз иштирок этиб, 8 медални қўлга киритдилар. 91 килограммгача вазнда Тошкент вилоятидан Рустам Саидов турнир голиби бўлди. Кумуш медаллар Рафқат Эралиев, Дилшод Йўлдошев, Сирожиддин Наимов ва Икром Бердиевга, бронза медаллари Дилшод Ёрбеков, Темур Тўлаков, Темур Сулаймоновга насиб этди.

Май. Тошкентда волейбол бўйича юқори лига эркаклар жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг биринчи якунловчи тури ниҳоясига

етди. “Самарқанд телеком” жамоаси тўртинчи марта Ўзбекистон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Май. Нукусда урология маркази очилди. Унга Исроилнинг “Форум ТД” фирмасидан 2 миллион АҚШ доллари миқдорида тиббий жиҳозлар сотиб олинди.

Май. Анқарада ўсмир қизлар ўртасида Халқаро дзюдо турнири бўлиб ўтди. Унда дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатлари спортчилари иштирок этдилар. Мамлакатимизда косонлик Дилфуза Раҳматова қатнашди ва ўз вази тоифасида учинчи ўринни эгаллади.

Май. Австралия, Вьетнам, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Малайзия, Туркменистон ва Ўзбекистондан 12 қиз ва 18 йигит Наманганда 16 ёшгача бўлган шахматчилар орасида ўтказилган Осиёда энг кучлилар номини олиш учун тўққиз турдаги мусобақада иштирок этдилар.

Йигитлар орасида Қирғизистондан халқаро мастер Эрнесто Инаркиев голиб чиқди.

Қизлар орасида 15 ёшли наманганлик ўқувчи қиз Ольга Сон чемпионлик унвонини эгаллади. У ана шу юксак натижа учун ФИДЕ спорт устаси унвонига сазовор бўлди.

Май. Урганч темирйўл касалхонасида Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари учун очилган янги даволаш-профилактика бўлими ўзининг дастлабки мижозларини қабул қила бошлади. Шу ернинг ўзида соғломлаштириш мажмуи бор бўлиб, у сауна, жисмоний тарбия хонаси ва фитобарни ўз ичига олади.

Май. “Соғлом авлод учун” жамғармаси “Проктер энд Гэмбл” компанияси билан биргаликда амалга оширган (“Жозибадор табассум”) дастури республика бўйича юз мингга яқин мактаб ўқувчиларини жалб қилди. Унда гигиена қоидаларига энг яхши риоя қилувчилар танлови ҳам ўтказилди. Шу мавзу бўйича шаҳар, вилоят, туманларнинг ўқув муассасалари болалар чизган турли расмларни тақдим этишди. Энг яхши расмлар дастур қатнашчиларининг Тошкентдаги 17-мактабда бўлиб ўтган Республика олимпиадасида намоиш этилди.

Май. Олмалиқдаги “Қалмоққир” трассасида мотокросс бўйича Ўзбекистон чемпионатининг охириги босқичи бўлиб ўтди, у бир неча ойдан бери мотохайдовчилар ўртасида олиб борилган мусобақани якунлади. Олдинги босқичлар Жарқўрғон, Навоий, Жиззахда бўлиб ўтган эди. Мотокросс бўйича Навоий кон-металлургия комбинатининг “Металлург Навоий” жамоаси Ўзбекистон чемпиони бўлди. Чемпионат доирасида “Голэс Узбекистана” газетаси соврини учун биринчи марта беллашув бўлди. “Ватанпарвар” техник спорти жамоаси газета соврини соҳиби бўлди.

Май. Па-де-Кале шаҳрида (Франция) бўлиб ўтган бокс бўйича халқаро турнирда жаҳоннинг 22 мамлакатидан келган спортчилар иштирок этдилар. Ўзбек боксёрлари Руслан Чагаев (92 кг) ва Муҳаммадқодир Абдуллаев (63,5 кг) олтин медални қўлга киритдилар. 91 кг дан юқори вазнда Лазизбек Зокиров бронза медални соҳиби бўлди.

Май. Ўзбекистоннинг энг кекса тиббиёт институти — Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институтида тарих музейи очилди.

Май. Навоий шаҳрида киокушин-кайкан каратэ бўйича иккинчи Республика чемпионати бўлиб ўтди. Эркаклар ўртасида Жасур Сафаров мутлақ чемпион бўлди.

2-11 июнь. Наманганда эркаклар ўртасида шахмат бўйича (олий лига) Ўзбекистоннинг 64-чемпионати бўлиб ўтди. Александр Ненашев биринчи ўринни эгаллаб, учинчи бор Ўзбекистон чемпиони бўлди. Иккинчи ўринни тошкентлик халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов олди.

7-11 июнь. Тошкентда аёллар ўртасида теннис бўйича Халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда 21 мамлакатнинг энг кучли теннисчилари иштирок этди. Турнир совринини Анна Смышнова (Исроил), Евгения Куликовская (Россия) ва Патрисия Вартуш (Австрия) қўлга киритишди.

8 июнь. Жиззахда “Ҳамшира-99” Республика кўрик-танловининг якутловчи босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан 14 нафар ҳамшира иштирок этди. Танловнинг барча шартларини бажариб, 350 балл йиққан Жиззах вилояти Пахтакор шаҳри марказий шифохонаси гинекология бўлими ҳамшираси Севара Каримова ғолиб деб топилди ва унга “Тико” автомашинасининг калити топширилди. У танловдан ташқари, имтиҳонсиз Тошкент Тиббиёт институтига кириш ҳуқуқини олди.

10 июнь. Тошкентда “Оқилона овқатланишнинг минтақавий муаммолари” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Ўзбекистоннинг илғор озиқ-овқат корхоналари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

16 июнь. Лондонда “Атроф-муҳит ва саломатлик” мавзуида учинчи Европа конференцияси очилди. Унда Ўзбекистон делегацияси ҳам қатнашди.

11 июнь. Тошкентда Олимпия шон-шухрати музейида хотин-қизлар ўртасида кураш бўйича бўлиб ўтган I Халқаро турнир қатнашчилари томонидан Ўзбекистон Президентига тақдим этилган Биллур кубок совринини топшириш маросими бўлиб ўтди. Мазкур турнир Россиянинг Брянск шаҳрида бўлиб ўтган эди.

17 июнь. Ўзбекистонда соғлиқни сақлашни қўллаб-қувватлаш учун 28 тонна инсонпарварлик юклари ортилган самолёт Тошкентга келиб қўнди. Махсус авиарейс билан Америка ёрдам кўрсатиш халқаро агентлиги ходимлари 4,9 миллион АҚШ доллари миқдоридagi тиббий жиҳоз ва доридармонларни олиб келдилар. Улар Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари тиббиёт муассасалари учун мўлжалланган.

24 июнь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Мактабгача нодавлат болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул қилди.

30 июнь. Тошкентда телетиббиёт бўйича Халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шифокорлар Уюшмаси,

Почта ва телекоммуникациялар агентлиги, шунингдек, “Вестгэд ЛТД” Россия клиникаси қошидаги халқаро телетиббӣёт маркази томонидан ташкил этилган бу конференцияда телетиббӣёт имкониятлари, жумладан, унинг Ўзбекистон тиббӣётини ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақида сўз борди.

Конференция давомида Швейцариянинг Деля Сурс клиникаси ва АҚШнинг Бейлор тиббӣёт маркази ўртасида телекўприк ўрнатилди. Мазкур тиббӣёт марказлари шифокорлари бевосита мулоқот орқали ўз муассасалари ва улардаги ишлар ҳақида сўзлаб бердилар.

Июнь. Фарғонада Ўзбекистон авиамоделчилари иккинчи спартакиада-сининг яқунловчи мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Республиканинг бир қатор вилоятлари, жамоалари иштирок этди.

Биринчи ўрин соатига 257 км тезлик билан учувчи аппаратни бошқаргани учун тошкентлик А. Денисенкога берилди. У “Ф 2-А” тезкор моделини яратган эди. Умумжамоа ҳисобида тошкентлик авиамоделчилар голиб чиқдилар. Иккинчи ва учинчи ўринлар фарғоналик ва самарқандлик спортчиларга насиб этди.

Июнь. Веньчжоу шаҳрида (Хитой) бўлиб ўтган дзюдо бўйича Осиё чемпионатида мамлакатимиз вакиллари биттадан олтин, кумуш ва 5 та бронза медаль соҳиби бўлиб қайтдилар.

90 кг гача бўлган вазнда Армен Богдасаров Осиё чемпиони бўлди. Алишер Мухторов 60 кг вазнда кумуш медаль, Мансур Жумаев (66 кг), Эгамназар Акбаров (73 кг), Фарҳод Тўраев (81 кг), Михаил Соколов (100 кг) ва дзюдочи Сузанна Аҳмедова бронза медали соҳиби бўлдилар.

Чемпионат давомида Осиё дзюдо Федерациясининг конгресси бўлиб ўтди. Унда бу ташкилотнинг вице-президенти қилиб Ўзбекистон ва Марказий Осиё дзюдо Федерацияси президенти Т. Ҳакимов сайланди.

Июнь. Андижондаги Бобур номли ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг тиббий-санитария қисми базасида Андижон вилоятида биринчи йигирма ўринли реабилитация-тиклаш маркази очилди.

Июнь. Финляндиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси “Соғлом авлод учун” Халқаро нодавлат хайрия жамғармаси раҳбариятига 15 минг АҚШ доллари миқдоридан навбатдаги грантни топширди. Ушбу грант ёрдамида Тошкентдаги ногирон болалар интернатларининг заиф эшитувчи болалари учун замонавий эшитув аппаратлари сотиб олинди.

Июнь. Атлантадаги ўқ отиш бўйича Жаҳон Кубоги ўйинларида иштирок этган тошкентлик спортчи Дилшод Мухторов эркин тўппончадан ўқ узишда (ПП-3 машқи) иккинчи ўринни эгаллади.

Июнь. Тошкентда “Ўзбекистон хирургияси” журналининг биринчи сони чиқди. Журнал ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилмоқда.

12 июль. Тошкентдаги Марказий кўргазмалар залида “Спорт ва санъат” деб номланган кўргазма очилди. Кўргазмага Ўзбекистон бадиий Академияси ва Олимпия шон-шўхрати музейидан олинган экспонатлар қўйилган.

Июль. Тахياتошда янги туғуруқхона ишга туширилди. Туғуруқхона замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ҳамда юқори малакали шифокорлар билан таъминланган.

Тошкентда “Корфармсаноат” Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонасининг тантанали очилиш маросима бўлди. Ушбу йирик лойиҳанинг нархи 12,2 АҚШ доллари ҳажмида бўлиб, бир йилда 6,6 миллион инфузион эритма ва 396 миллион дона таблетка ишлаб чиқариш қувватига эга.

5 август. Тошкентда Ўзбекистон аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоларига бағишланган Халқаро экология ва саломатлик жамғармаси “Экосан” ва Швейцариянинг “Озония — Дегремонт” фирмаси томонидан уюштирилган семинар бўлиб ўтди.

9 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларни мукофотлаш 1 ўғрисида Фармон чиқарди.

Эрдинг шаҳрида (ГФР) клуб жамоалари ўртасида каратэ бўйича Жаҳон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 20 мамлакатидан спортчилар қатнашди. Ўзбекистонлик каратэчилар биринчи марта бу хилдаги халқаро турнирда иштирок этдилар ва 6 та олтин, 1 та кумуш ва 6 та бронза медалига сазовор бўлишди. Ушбу мусобақаларда Алибек Қосимов, Элёр Дадамирзаев ва Аъзам Абдумавлоновлар улкан муваффақиятга эришиб, икки дастурда ғолиб чиқдилар ва иккитадан олтин медални қўлга киритдилар. Умумжамоа ҳисобида ўзбекистонликлар учинчи ўринни эгалладилар.

Август. Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманида, “Орол денгизи, аёл, экология, саломатлик” мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унинг ишида олимлар, хорижий элчихоналар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Август. Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманида “Олимпия резерви” Республика касб-ҳунар коллежи қурилиб ишга туширилди. Бу республикамыздаги янги русумдаги биринчи ўқув масканидир.

13-18 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон Президенти Кубоги учун анъанавий Халқаро теннис турнири бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 26 давлатидан қарийб 80 нафар спортчи қатнашди.

Турнир ёпилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқ сўзлади ва мусобақа ғолиби германиялик спортчи Николас Киферга бош совринни, шунингдек, якуний турнирнинг мусобақаси қатнашчиси швейцариялик Жорж Бастяга махсус мукофотни топширди.

Сентябрь. Тошкентда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳомийлигида “Болалар” биринчи Халқаро теннис турнири бўлиб ўтди.

Сентябрь. Буэнос-Айрес (Аргентина) таэквондо бўйича Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Ушбу чемпионатда ўзбекистонлик спортчилар Элмурод Нуроҳунов, Леонид Ли ва Алефтина Кимлар иштирок этиши ҳамда чемпион бўлишди.

Сентябрь. Хитойда оғир атлетика бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ўзбекистонлик спортчилар 9 та олтин, 16 та кумуш ва 6 та бронза медалларини қўлга киритдилар.

Ўзбекистонлик Илдар Гумиров (ўсмирлар) ва Ботир Усмонов (ёшлар) учтадан олтин медаль олиб, чемпион унвонига сазовор бўлишди. Баҳодир Эргашев (ўсмирлар) силтовда яхши натижа кўрсатгани учун олтин медални қўлга киритди.

Ёшлар орасида Маҳмуд Тоғаев (ўсмирлар) силтовда эришган яхши натижаси ва икки курашда қўлга киритган ютуғи учун иккита олтин медалга сазовор бўлди. Алишер Мамбеков (ўсмирлар), Вячеслав Ким ва Азамат Нурметовлар (ёшлар) учтадан кумуш медаль олишди. Баҳодир Эргашев ва Турғун Давлатов ҳам иккитадан кумуш медалга сазовор бўлишди.

Қолган медалларни эса Ўзбекистон учун Александр Скоробогатов, Дмитрий Ким, Баҳодир Бозоров, Турғун Давлатов ва Дилшод Исматовлар қўлга киритдилар.

Сентябрь. Боку шаҳрида бўлиб ўтган дзюдо бўйича Халқаро турнирда ўзбекистонлик Фарҳод Тураев ва Камол Муродовлар ўз вазн тоифаларида олтин медалга сазовор бўлишди.

Сентябрь. Нукусда 300 ўринга мўлжалланган замонавий туғуруқхона ишга туширилди.

Сентябрь. Чандэ шаҳрида (Хитой) бўлиб ўтган байдаркада ва каноэда эшкак эшиш бўйича Осиё чемпионатида болалар-ўсмирлар мактабининг тарбияланувчилари спортнинг сув турлари бўйича катта муваффақиятга эришдилар. Юлия Борзова, Надежда Пищулиналар 500 м га байдаркада эшкак эшиш бўйича қитъа чемпионлари бўлишди. 1000 м масофада эса, улар иккинчи ўринни эгалладилар. Ю. Борзова мана шу масофаларга якка ўзи эшкак эшишда кумуш медалларга сазовор бўлди.

Дмитрий Соцкий 1000 м га каноэда эшкак эшиш бўйича чемпион бўлди, 500 м ли масофада эса кумуш медаль олди.

Байдаркачилар Михаил Тарасов ва Дмитрий Стрижков кумуш медаллар билан тақдирландилар. Ўзбекистон терма жамоаси 14 жамоа ўртасида умумий ҳисобда иккинчи ўринни эгаллади.

8 октябрь. Тошкентда III Марказий Осиё ўйинлари ниҳоясига етди. Ўзбекистон спортчилари ўйинларнинг ўнта турида қатнашиб, 17 та олтин, 27 та кумуш ва 25 та бронза медали олишди.

11 октябрь. Жаҳон боксчилар ташкилоти йўналиши бўйича Германиянинг Оберхаузен шаҳрида профессионал боксчилар ўртасида чемпионлик унвони учун мусобақалар бўлди. Унда ўзбекистонлик боксчи Артур Григорян америкалик боксчи Майкл Кларкни бешинчи раунд охирида нокаут билан мағлуб қилиб, чемпионлик унвонини тўққизинчи марта сақлаб қолди.

19 октябрь. Тошкентда Халқаро “Соғлом авлод учун” жамғармасида хайрия тадбири бўлиб ўтди, унда Австриянинг “Берингер Ингельхайм” ва Франциянинг “Ром Пуленг Рорер” фармацевтика компаниялари 12 минг

АҚШ доллари миқдоридаги бронхиал астма ва гастритга қарши самарали дори-дармонларни ногирон болалари бўлган ва “КРИДИ” клубига бирлашган ота-оналарга тақдим этишди.

20 октябрь. Тошкентда Ўзбекистон синхрон сузиш Федерациясининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

22 октябрь. Термизда кураш бўйича “Ўзбекистон Президенти Кубоги” учун иккинчи Халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда 20 дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этди. Турнирда кураш бўйича биринчи Жаҳон чемпиони, Осиё чемпиони Тоштемур Муҳаммадиев биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринни Польша чемпиони Павел Малаванец ва учинчи ўринни Қозоғистон Республикаси полвони Достон Пиримқулов эгаллади.

23-30 октябрь. Тошкентда бокс бўйича ХХ Осиё чемпионати ўтказилди. Унда 20 мамлакатдан 210 спортчи иштирок этиб, 2000 йилда Сиднейда ўтказиладиган Олимпиада-2000 да қатнашиш учун 24 та йўлланмани қўлга киритди.

Мамлакатимизнинг етти нафар чарм қўлқоп устаси чемпионлик унвонига эга бўлди ва Сиднейдаги Олимпиада-2000 га лицензия олди.

23 октябрь. Тошкентда ХХ Осиё чемпионатининг очилиш маросимида Халқаро бокс ассоциацияси Президенти, профессор Анвар Чаудри боксни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Халқаро бокс ассоциациясининг Кубоги билан мукофотланганлиги ҳақидаги хабарни топширди. Қарор топган анъанага кўра, Ўзбекистон Президенти бу олий мукофотни Ўзбекистон Олимпия шон-шухрати музейига топширди. Бу ерда 27 октябрда ушбу Кубок ва тегишли сертификатни музейга топшириш маросими ўтказилди.

Октябрь. Прагада Жаҳон биринчилиги учун ёшлар ўртасида пауэрлифтинг — кучли учкураш ўйинлари ўтказилди. Австралия, Ўзбекистон спортчилари жамоаси энг яхши ўнта жамоа қаторидан жой олди ва еттинчи ўринни эгаллади. Тошкентлик Озод Раҳмонқулов эса битта олтин ва иккита бронза медалини, зарафшонлик Резвон Мамуков иккита бронза медалини қўлга киритди.

Октябрь. Ўзбекистон терма жамоаси Сингапурда ўтказилган Осиё чемпионатида қатнашиб, ҳар хил қийматдаги тўртта медални қўлга киритди. Бухоролик Ақобир Собиров ва Шухрат Хўжаевлар биринчи ўринни эгаллаб, олтин медаль олдилар.

Октябрь. Бухорода ракета моделчилиги спорти бўйича Ўзбекистон Кубоги учун турнир бўлиб ўтди. Тўрт йўналиш бўйича ўтказилган мусобақаларда Республика биринчиликлари ва мудофаа жамияти спартакиадаси чемпионлари ва совриндорларидан иборат 12 жамоа иштирок этди. Турнир якунларига кўра, Тошкент шаҳри терма жамоаси олий мукофотни қўлга киритди.

Уч тоифа моделлар бўйича шахсий биринчиликда ҳам пойтахт спортчилари олдинга чиқдилар. Халқаро аэрокосмик мактаб битирувчиси, Тош-

кент Авиация институти талабаси Рустам Абдураззоқов икки марта ғолиб деб топилди ва мастерлик нормасини бажарди.

Ракета моделчилиги фахрийси, спорт мастери ва Республика техника спорти маркази вакили Александр Понятов ракеттапланерлар тоифасида ғолиб бўлди. Парашютли моделлар йўналишида Гулистондан (Сирдарё вилояти) Равшан Тожиқулов энг яхши спортчи деб топилди.

Октябрь. Шеньянь шаҳрида (Хитой) шахмат бўйича Осиё чемпионати ўтказилди. Унда 24 мамлакатдан вакиллар иштирок этди.

Турнир швейцарча тизим бўйича тўққиз турдан иборат эди. Ўзбекистон жамоаси 23 очко тўплаб, чемпионат ғолиби бўлди. Ўзбекистонлик 5 гроссмейстер: Александр Ненашев, Сайдали Йўлдошев, Тоҳир Воҳидов, Марат Жумаев ва Дмитрий Қаюмовлар Осиё чемпионатлари унвонига сазовор бўлишди.

Октябрь. Владикавказда армрейстлинг бўйича бўлиб ўтган ногиронлар Жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик Умид Аҳмедов икки карра Жаҳон чемпиони бўлди.

Октябрь. Ўзбекистонлик дзюдочи Фарҳод Тўраев Бирмингем шаҳрида (Англия) бўлиб ўтган дзюдо бўйича Жаҳон чемпионатида 81 килограммгача вазн тоифасида қатнашиб, кумуш медалга сазовор бўлди.

Октябрь. Тошкентда “Ҳозирги замон стоматологиясининг долзарб масалалари” мавзuida иккинчи Халқаро стоматология семинари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Россия, Беларусь, Қозоғистон ва Туркменистон мутахассислари қатнашдилар.

Октябрь. Сеулда хотин-қизларнинг теннис турнири ўтказилди. Унда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан 32 теннисчи хотин-қизлар иштирок этишди, шу жумладан, ўзбекистонлик машҳур теннисчи Ирода Тўлаганова ҳам қатнашиб, бу мусобақаларда ғалабага эришди.

3 ноябрь. Самарқандда теннис бўйича “Челенжер” туркумидаги Халқаро турнир якунланди. Унда жаҳоннинг 14 мамлакатидан 50 дан ортиқ спортчи қатнашди. Жувтлик мусобақаларида россиялик А. Столяров ва исроиллик Н. Бар ғалаба қозонди.

Якка разряд финалида юртдошимиз О. Огородов испан теннисчиси Э. Алварес билан учрашиб, ғалаба қозонди ва турнирнинг бош мукофотини олди.

11-14 ноябрь. Навоий вилояти Навоий тумани маркази Исломободда миллий от спорти ўйинларидан кўпқари улоқ бўйича Халқаро мусобақалар ўтказилди. Унда Қирғизистон чавандозлари мусобақа кубогини қўлга киритдилар. Навоий вилояти спортчилари иккинчи ўринни эгаллашди. Шахсий биринчиликда ғолиб бўлган Қирғизистон терма жамоаси чавандози Мухамбет Кочинеевга Халқаро турнирнинг бош соврини — “Тико” автомашинаси топширилди.

21 ноябрь. Тошкентда МХСК ва Ҳиндистоннинг илғор жамоаларидан бири — “Панжоб Полицияси” эркалар баскетбол жамоалари ўртасидаги

учрашув билан учинчи Халқаро эркаклар турнири “NIKE OPEN” бошланди. Турнир 25 ноябрь куни Новосибирскнинг “Локомотив” жамоаси галабаси билан якунланди.

23 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон акушер-гинекологларининг V қурултойи очилди. Унинг ишида яқин ва узоқ хориж мамлакатларидан 40 дан ортиқ етакчи олимлар ҳамда республика вилоятлари ва туманларидан 350 делегат қатнашди.

27 ноябрь. Бирлашган Араб Амирликларида Ўзбекистоннинг футбол бўйича жамоаси XII Осиё Кубоги малака турнири эгаларини мағлубиятга учратди ва 2000 йил октябрь ойида Ливанда ўтказиладиган қитъа биринчилиги финал мусобақаларига йўланмани қўлга киритди.

27 ноябрь. Любск шаҳрида (ГФР) Ўзбекистон спортчиси Артур Григорян ўнинчи раундда уругвайлик Уилсон Галлини нокаут қилиб, ўзининг ўнинчи юбилей ғолиблик унвонини қўлга киритди ҳамда Жаҳон бокс ташкилоти йўналиши бўйича Жаҳон чемпиони унвонини сақлаб қолди.

Ноябрь. Пскент шаҳрининг “Жанубий” автополигонида мамлакат биринчилиги учун ҳалқа йўл бўйлаб автомобиль пойгаси бўлиб ўтди. Мусобақада биринчи ўринни “ЎЗДЭУ авто” жамоасидан Шерзод Жумаев эгаллади. Тошкент бирлашган техника мактаби жамоасидан Асат Мадийёров иккинчи ўринни эгаллади. Республика техника спорти “Ватанпарвар” маркази жамоасидан Андрей Стефанович учинчи ўрин соҳиби бўлди.

Ноябрь. Қувайтда 44 давлатни ўз сафига бирлаштирган Осиё Олимпия кенгашининг XVIII Бош Ассамблеяси бўлиб ўтди. Биринчи марта мамлакатимиздан 4 вакилнинг ООК ишчи қўмиталари аъзолигига сайланиши Ўзбекистон спортининг хизматлари эътироф қилинганлигини кўрсатди: С. Рўзиев — молия бўйича, Г. Раҳимов — ҳуқуқ бўйича, М. Бобоев — статистика бўйича ва Т. Ниёзов — матбуот бўйича аъзо бўлишди.

Ноябрь. Тошкентда офтальмологларнинг иккинчи Халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Америка, Англия ва Шотландиядан болалар кўз касалликларини даволаш бўйича етакчи мутахассислар қатнашдилар.

Ноябрь. Андижонда “Тезкор жарроҳликдаги асоратлар ва ўлим билан тугаш ҳоллари ҳамда уларни камайтириш йўллари” мавзуида Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Ноябрь. Деҳли теннис Академияси кортларида бўлиб ўтган мусобақалар якунига кўра теннис бўйича ўзбек спортчилари жамоаси 2:0 ҳисоби билан япон командаси устидан галаба қозониб, Осиё Кубогини қўлга киритди.

7 декабрь. Тошкентда “Труд” газетаси соврини учун тўртинчи Халқаро ўсмирлар шахмат турнири очилди. Унда Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлардан икки юздан ортиқ ўсмирлар қатнашди. Кичик ёш гуруҳда (10 ёшгача) тошкентлик Ирина Геворгиян ва чимкентлик Рустам Жумабоев мусобақа ғолиблари бўлишди. Каттароқ ёшдаги (16 ёшгача бўлган) ўсмирлар

орасида Елена Левушкина ва Антон Филиппов (иккаласи ҳам Тошкентдан) галаба қозонди.

7 декабрь. Тошкентда янги тиббий-ижтимоий марказнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унинг мақсади — аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ўргатиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, кам таъминланган кўп болалик оилаларни қўллаб-қувватлашдир.

Марказнинг ташкил этилиши икки ташкилот — Ўзбекистон Қизил Яримой ва Испания Қизил Хоч жамиятлари қўшма лойиҳасининг бир қисми ҳисобланади.

14 декабрь. Эълон қилинган хабарга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги 100-мактаб-интернатига церебрал-фалаж билан хасталанган болаларни даволашни такомиллаштириш, бемор болалар турмуш шароитларини яхшилаш ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ўқув-тарбия жараёнини замонавийлаштириш учун мамлакатимиз ва чет элларда нашр этилган ўз китоблари қалам ҳақидан 500 минг сўм ва 10 минг АҚШ долларини топширди. Шунингдек, болаларга кийим-кечак ва пойабзал комплектлари ҳам топширилди.

Президент совғаларини Самарқанддаги 10-меҳр-шафқат уй-лицейи тарбияланувчилари ҳам олишди. Уй-лицей ҳисобига Ислом Каримов сўнгги йиллар мобайнида нашр этилган китоблари учун берилган қалам ҳақидан 500 минг сўм ва 10 минг АҚШ доллари ўтказди. Шунингдек, уй-лицейнинг ҳар бир тарбияланувчиси кийим-кечак ва пойабзал олди.

24 декабрь. Ўзбекистондаги БМТ ваколатхонасида Жонатан Менн мукофоти учун танлов ғолибларини мукофотлаш маросими бўлиб ўтди. Фақат республикаимиздагина эмас, балки Марказий Осиёнинг барча мамлакатларида ҳам ўтказилаётган мазкур танлов СПИДга қарши кураш ва унинг олдини олиш соҳасида энг яхши натижаларга эришганларни аниқлаши лозим эди.

Ўзбекистондан мамлакатимизда иш олиб бораётган “САБО” жамияти лауреат бўлди.

Декабрь. Жиззахда автокросс бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг энг кучли автопойгачилари қатнашдилар.

Жамоалар ҳисобида биринчи ўринни Самарқанд вилояти жамоаси эгаллади. Жиззах вилояти спортчилари иккинчи бўлишди. Республика техника спорти маркази “Ватанпарвар” жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Декабрь. Патиала шаҳрида (Ҳиндистон) гимнастика бўйича Жанубий ва Марказий Осиё биринчи чемпионати бўлиб ўтди. Ўзбекистон гимнастикачилари ўнта олтин, бешта кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритишди.

2000 ЙИЛ

29 январь. Ўзбекистон терма жамоаси Дэвис-2000 Кубогининг биринчи раундида Хитой теннисчиларини 6:3 ҳисобида енгиб, матчда ғолиб чиқди.

Январь. Ҳиндистондаги Удайпур шаҳрида хотин-қизлар ўртасида шахмат бўйича саккизинчи Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Рена Мамедова учинчи ўринни олди ва бронза медалига сазовор бўлди.

Январь. Андижонда тиббиёт ходимларининг “Шошилинч тиббий ёрдам ва аҳолини соғломлаштириш ишини такомиллаштириш” мавзуида икки кунлик Республика семинар-кенгаши ўтказилди.

4 февраль. Малайзияда ўқ отиш бўйича Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Унда 32 мамлакатдан келган спортчилар XXVII олимпиада ўйинларига йўлланма олиш учун мусобақалашдилар. Унда иштирок этган икки спортчи кизимиз Гуля Шахова билан Алена Аксенова Сиднейга йўлланма олди.

19-21 февраль. Дунёнинг 35 мамлакатидан келган грек-рим услуби курашчиларидан 142 киши Тошкентда ўтказилган мусобақада қатнашди. Улар Ўзбекистон мустақиллиги кубоги, шунингдек, олимпия лицензияси ҳисобига ўтадиган очколардан кўпроқ олиш учун курашдилар. Шиддатли олишувлар натижасида Ўзбекистондан уч полвон — Шамсиддин Худойбердиев, Евгений Грофайлов ва Алексей Чеглаковлар Сидней Олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини олдилар.

Февраль. Тошкентда “Ўзбекистон: XXI аср бўсағасида экологик хавфсизлик” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди.

Февраль. Фарғонада оғир атлетика бўйича Жаҳон чемпиони Виктор Мосибит хотирасига бағишланган Халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистондан 70 дан зиёд спортчи қатнашди.

Февраль. Фарғонада бокс бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари бўлди. Мусобақаларда Ливерпулдаги “Фарбий Ланкашир ва Чешир ҳаваскорлик бокси уюшмаси” клубида етишиб чиққан инглиз спортчилари ҳам қатнашдилар. Самарқандлик Манучар Садриддинзода (46 кг вазн тоифасида), инглиз Грек Лайин (48 кг), бухоролик Дилжон Жўраев (52 кг), фарғоналик Дилшод Маҳмудов (54 кг), навоийлик Илдор Сероглазов (57 кг), андижонликлардан Хуршидбек Мадаминов (60 кг) ва Нодирбек Умаров (63,5 кг), инглиз Пол Смит (67 кг), хоразмлик Шухрат Рўзметов (71 кг), фарғоналик Илҳом Ортиқов (75 кг), Тошкент вилоятидан Исроилов Мадбоев (81 кг), андижонлик Ҳаёт Сатторов (95 кг) ва қорақалпоғистонлик Алиби Жанашев (91 кг) мусобақада олтин медаль олдилар.

Февраль. Испаниянинг Линарес шаҳрида анъанавий Халқаро шахмат турнири бўлди, унда ўттиз тўрт мамлакатдан 140 гроссмейстер иштирок этди. Ўзбекистонлик ёш шахматчи Марат Жумаев бу турнирда бронза медали олиб, халқаро гроссмейстер унвони учун етарли балл тўплади.

14 март. Тошкентда “Экология, меҳнат ва соғлиқ” номли Халқаро семинар бўлиб ўтди. Семинарда республика вазирликлари ва идоралари, йирик саноат корхоналарининг раҳбарлари, олимлар ва меҳнат муҳофазаси

соҳасидаги мутахассислар, чет эл дипломатлари ва мамлакатимизда ишлаб турган халқаро ташкилотларнинг вакиллари қатнашдилар.

17 март. Олимпия шухрати музейида Сиднейдаги Олимпиада ўйинлари арафасида Халқаро олимпиада қўмитасининг Президенти Хуан Антонио Самаранч юборган қимматли мукофот — 2000 йилги “Олимпия дарвозаси” ни топшириш маросими бўлди. Мазкур мукофот республикамиздагина эмас, балки минтақада олимпиада гоյларини тарғиб қилишга қўшган ҳиссаси учун Президент Ислом Каримовга берилган эди.

Халқаро кураш федерациясининг кубоги ҳам музей экспозициясидан жой олди, бу кубокни Ислом Каримовга шу йилнинг февраль ойида Тошкентда бўлиб ўтган кураш бўйича Халқаро турнир қатнашчилари топширган эдилар.

28 март-1 апрель. Тошкентда Осиё теннис федерациясининг Халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

29 март. Тошкентда диабетологиянинг долзарб масалаларига бағишланган Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Март. Англиянинг Бедфорд шаҳрида ўзбек кураши бўйича биринчи умуммиллий чемпионат бўлди. У Фарбий Европада курашнинг шу тури бўйича ўтказилган биринчи турнир эди.

Турнирда Англиянинг турли жойларидан келган 39 полвон қатнашди. Бормуслик Пол Соьер энг кучли курашчи деб топилди, у саккизта олишувнинг ҳаммасини “Ҳалол” — соф галаба билан ютиб чиқди.

Март. “Супромед” илмий-ишлаб чиқариш фирмасининг мутахассислари ҳиндистонлик тиббиёт ходимларининг буюртмасига биноан ноёб лазер асбобининг тажриба намунасини ишлаб чиқдилар. Комплекс терапия учун мўлжалланган бу аппарат ўзбек олимлари томонидан мазкур мамлакатнинг илмий-тиббий марказларига юборилган йигирмата ускуна рўйхатига қўшилди.

Март. Қизириқда Сурхондарёда биринчи шошилич тиббий ёрдамнинг туман филиали фойдаланиш учун топширилди.

Шунингдек, бир вақтнинг ўзида йигирма беморни қабул қилишга мўлжалланган икки қаватли бино замонавий аппарат ва асбоб-ускуна билан жиҳозланган.

Март. Хоразм вилоятидаги энг олис қишлоқ врачлик масканларидан 175 таси йил давомида ишлаш учун етарли миқдорда турли дори-дармон воситаларини олди. 80 миллион сўмлик дори-дармонлар БМТ болалар фонди (ЮНИСЕФ) томонидан маҳаллий тиббиёт ходимларига топширилди.

Март. Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги “Озод” хўжалигида очилган янги қишлоқ врачлик маскани беш мингдан кўпроқ беморга тиббий ёрдам кўрсата бошлади. Ҳозирги вақтда вилоятда 68 та қишлоқ врачлик маскани ишлаб турибди.

Март. Тошкентда кема модели спорти бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Команда ҳисобида республика техник спорт марказининг вакиллари голиб чиқдилар.

Март. Нукусда “Чегара билмас врачлар” (MSF) Халқаро гуманитар ташкилотининг ташаббуси ва мадади билан Минтақа ўқув маркази очилди. Бу марказ пульмонолог, фтизиатр шифокорлар, тиббий ҳамширалар, лаборантлар малакасини ошириш учун мўлжалланган. Мустақил республикалардагина эмас, Европа давлатлари орасида ҳам энг катта бўлган ишбу марказ негизида семинарлар, конференциялар ҳамда турли мамлакатлар етакчи мутахассисларининг учрашувларини ҳам ўтказиш режалаштирилмоқда. Ўзбекистон жамоатчилиги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг қарорига биноан сурункасига еттинчи марта ўтказилаёлган сил касаллигига қарши умумжаҳон кuni арафасида шу муҳим тадбирни амалга оширди.

Март. Вашингтонда Жон Хопеинс номидаги университетнинг Марказий Осиё ва Кавказ институтида “Наркотик моддалар — Марказий Осиё минтақаси учун хавф” мавзуида конференция ўтказилди.

Унинг ишида АҚШ Миллий хавфсизлик кенгаши, Давлат департаменти, Пентагон, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Конгресс вакиллари ва Ўзбекистон наркотик моддалар устидан назорат қилиш давлат комиссиясининг делегацияси қатнашди.

Март. Россиядаги Подольск шаҳрида кикбоксинг бўйича анъанавий Халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда МДХ мамлакатларидан 42 команда қатнашди. Бу мусобақаларда биринчи марта Ўзбекистондан олти нафар спортчи иштирок этди, улар республика қўл жанги Федерацияси ҳузуридаги кикбоксинг бўлимида тайёргарлик кўришган.

Бу қадар нуфузли турнирларда қатнашиб катта тажриба орттирган спортчилар билан бўлган қаттиқ курашда ўзбекистонликлар етти медаль — олти олтин ва битта бронза медалга сазовор бўлдилар.

Умумкоманда ҳисобида ўзбекистонлик спортчилар биринчи ўринни олдилар. Шерзод Қобилов, Рустам Маъдиев — биттадан, Музаффар Жуманиёзов ва Абдуҳамид Баҳромов — иккитадан олтин медални қўлга киритдилар. Шуҳрат Миноваров эса бронза медали соҳиби бўлди.

Март. Қорақалпоғистон Республикасининг Қонлиқўл туманида элик ўринли қишлоқ врачлик маскани фойдаланишга топширилди.

Март. Ўлкамиздаги қадимий спорт беллашувининг ўзига хос тури бўлмиш турон бўйича Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида республиканинг барча вилоятларидан 290 дан кўпроқ киши иштирок этди.

Барча вазн тоифаларида эркалар орасида навоийлик Зафар Қурбонов, бухоролик Равшан ва Олим Раҳимовлар, сирдарёлик Алишер Абдуллаев, хоразмлик Анвар Жабборов, самарқандлик Шерзод Ўрозалиев, тошкентлик Евгений Тонких чемпион бўлдилар.

Қизлар орасида самарқандлик Дилафруз Қурбонова, сирдарёлик Олеся Федотова ва Элеонора Ким энг яхши натижа кўрсатдилар.

8 апрель. “Соғлом муҳит — соғлом авлод асоси” шиори остида умум-республика экология шанбалиги ўтказилди, бу тадбир озодалик ва кўкаламзорлаштириш ойлигининг якунловчи босқичи билан бир пайтга тўғри

келди. Халқаро “Экосан” фонди бу тадбирнинг ташкилотчиларидан бири эди. Шу куни кўчаларда, бириктирилган ҳудудларда, маҳаллаларда ва бошқа жойларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, озодалик ва тартиб ўрнатиш тадбирлари ўтказилди.

Шанбалиқдан тушган маблағ минтақаларда экология вазиятини яхшилашга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасидаги ишларни кучайтиришга, шунингдек, экология жиҳатидан ноҳуш туманлар аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланадиган бўлди.

11-14 апрель. Тошкентда олтинчи “Соғлиқни сақлаш — 2000” Халқаро тиббий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Германия, Буюк Британия, Исроил, Италия, Швейцария, Россия, Финляндия ва бошқа кўпгина мамлакатларнинг 50 дан зиёд фирма ва компаниялари қатнашди.

15 апрель. Шаҳрисабзда Ўзбекистон Президентининг Соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишланган соврини учун миллий кураш бўйича учинчи Халқаро турнир бўлиб ўтди. Бу галги турнирга дунёнинг салкам йигирма мамлакатидан спортчилар ва меҳмонлар келишди. Қашқадарёлик полков Баҳром Авазов турнир ғолиби бўлди.

16 апрель. Тошкент гольф-клубида бўш вақтни кўнгилли ўтказиш ва спортни ривожлантириш халқаро корпорациясининг раиси жаноб Со Кон И соврини учун гольф бўйича биринчи ҳаваскорлик турнири бўлди. Унда Тошкентда Жанубий Корея билан бирга ташкил этилган қўшма корхоналардан бирининг вакили Ким Хан И ғолиб чиқди. Турнир ғолибига гольф ўйинчисининг қиёфаси тасвирланган сопол ҳайкалча мукофот қилиб топширилди.

18 апрель. Пойтахтдаги “Шимолий” вокзалдан Қорақалпоғистон Республикасига тиббиёт ходимлари тушган ҳамда етти миллион сўмлик доридармон ортилган махсус поезд жўнаб кетди. Бу тадбирни “Соғлом авлод учун” Халқаро хайрия жамғармаси билан “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акциядорлик корпорацияси биргалиқда уюштирдилар. Мазкур корпорация тиббиёт-санитария қисмининг шифокорлари кўнгиллилар бригадасини ташкил қилдилар.

19 апрель. Тошкентда ҳунар-техника юртлари ўқувчилари ўртасида стол тенниси бўйича биринчи Республика турнири бошланди.

22 апрель. Андижонда эркаклар орасида соврин фонди 15 минг доллар бўлган теннис турнири — фьючерс очилди. Исроиллик теннисчилар бу турнирда ғолиб чиқдилар.

Апрель. Наманган вилояти Наманган туманидаги Неъматжон қишлоғида биринчи хусусий касалхона очилди. Уни Фанижонов бошлиқ шифокорлар оиласи ташкил этди. Касалхонада ҳам ётиб, ҳам қатнаб даволаниш учун барча шароит яратилган.

Апрель. Навоийда касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг биринчи Республика спартакиадаси бўлди. Мусобақаларда биринчи ўринни Андижон вилояти, иккинчи ўринни Фарғона, учинчи ўринни Наманган вилояти жамоалари ишғол қилишди.

Апрель. Сан-Францискода 2000 йил учун Гольдман мукофотини топшириш маросими бўлди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишига қўшилган катта ҳисса учун бериладиган мазкур халқаро мукофот совриндорлари орасида Ўзбекистонлик шифокор, Қорақалпоғистондаги “Перзент” (Фарзанд) жамоат ташкилотининг раҳбари Орол Отаниёзов бор эди.

Апрель. Калькуттада армрестлинг бўйича биринчи Осиё чемпионати бўлди, унда 12 мамлакатнинг энг кучли қўл курашчилари қатнашдилар. Ўзбекистондан Ҳиндистонга борган саккиз полвон орасида ногиронлар орасида икки марта Жаҳон чемпиони гулистонлик Умиджон Аҳмедов бор эди. Билак кучини синашда унга ҳеч ким тенг кела олмади ва натижада 80 кг ча бўлган вазнда чемпион унвонини олди. Унинг юртдоши Умид Ҳуроқов 90 кг гача вазнда олтин медални қўлга киритди. Навоийлик Мирзоҳид Шаропов 60 кг гача, Елена Шафранова 80 кг гача вазн тоифасида чемпион бўлдилар, уларнинг юртдоши Игорь Шишков эса халқаро майдонда биринчи бор қаллашиб, бронза медали соҳиби бўлди.

Апрель. Анлижон вилояти Хўжабод тумани стадионида ёшлар ўртасида миллий кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Республиканинг барча вилоятларидан келган 120 киши орасида ўз вазн тоифаларида ёш полвонлардан Б. Тожибоев, С. Алимбоев, М. Муҳсиновлар ғолиб чиқдилар.

Апрель. Хитойнинг Гуйлин шаҳрида ўтган XIV Осиё чемпионатида эркин усулдаги курашчиларимиз жуда яхши натижаларга эришдилар. М. Рўзиев шогирдлари бешта олтин, иккита кумуш ва битта бронза медаль олиб, ҳаммалари ҳурмат шоҳсупасига кўтарилдилар ва шу тариқа бултур Тошкентда эришилган муваффақият тасодифий эмаслигини ва улар қитъадаги энг кучли жамоа эканлигини исботладилар.

Рамиль Исломов, Игорь Купеев, Руслан Ҳинчагов, Расул Катиновасов ва Артур Таймазов Осиё чемпиони бўлдилар. Дамир Захардинов ва Сослан Фраев кумуш, Адҳам Очилов эса бронза медали олдилар.

1 май. Лондонда “Дунёни 80 кунда айланиб чиқамиз” деган ноёб Халқаро автопойга бошланди. Бу пойга маршрутининг бир қисми Ўзбекистон ҳудудидан ўтади. Дунёнинг 24 мамлакати вакиллари қатнашаётган мингта автомобиль экипажи жаҳон бўйлаб сафарга чиқди.

7 май. Тошкент Отчопари негизида ташкил этилган миллий спорт турларини ривожлантириш республика Марказининг тақдироти бўлди. Курашчилар, турончилар, чавандозлар ва мерганларнинг намунали чиқишлари, “Кўпкари”, “Қиз қувиш” каби халқ ўйинлари кўрсатилди.

12 май. Тошкентда Ўзбекистон эпидемиологлари, гигиенистлари ва инфекционистлари XII қурултойи очилди.

15 май. Самарқандда соврин фонди 25 минг АҚШ доллари бўлган Халқаро эркаклар челленжер теннис мусобақаси очилди. Уни очиш маросимида турнир ташкилотчиси ITP Ltd бошлиғи Сассон Какшурига Самарқанд фахрий фуқароси нишонлари — ёрлиқ ва медаль топширилди.

16 май. Нукусдаги тез ёрдам марказида АҚШдан юборилган тиббиёт асбоб-ускуналари ва анжомларини топшириш маросими бўлди. АҚШ ҳукумати бундан аввал салкам 374 минг долларлик шундай анжомларни ТошТИ-1, ТошТИ-2, Педиатрия институти, Онкология институти, Кўкрак қафаси хирургияси институтига бепул топширган эди.

17-19 май. Чирчиқда касаба уюшмалари болалар-ўспиринлар спорт мактаблари тарбияланувчиларининг соғлом авлод йилига бағишланган энгил атлетика мусобақалари бўлиб ўтди.

18 май. Тошкентдаги 324-сонли мактабда Республика мактаблари иккинчи синф ўқувчилари учун “Табассум” таълим-соғломлаштириш дастури бўйича ўтказилган олимпиаданинг якунловчи давраси бўлди. Бу тадбир Республика Халқ таълими вазирлиги, “Соғлом авлод учун” хайрия жамғармаси ва “Проктер энд Гембл” компанияси томонидан уюштирилган эди. Якунловчи даврага олимпиада туман, шаҳар, вилоят босқичларининг ғолиблари тўпланишди. Унда ғолиб чиққанларга махсус совринлар топширилди, бу совринлар болаларнинг ўз тишлари соғлиги ҳақида бундан буён ғамхўрлик қилишлари ва тенгдошларини ҳам шундай қилишга ундашлари учун яхши омил бўлди.

22-29 май. Наманганда мамлакатимизда биринчи “Универсиада-2000” ўтказилди. Бир ҳафта давомида республика олий ўқув юртларининг бир ярим минг талабаси спортнинг тўққизта оммавий турида ўз кучи, эпчиллиги, маҳорати, омилкорлигини намойиш этди. Навоий вилояти жамоаси энг кўп олий мукофотга созовор бўлди. Умумий ҳисобда кейинги совринли ўринларни “Тошкент-1” жамоаси ва Самарқанд жамоаси спортчилари эгалладилар. Универсиаданинг ўн беш қатнашчиси Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг фахрий соврини билан тақдирланди, уларга “Тико” энгил автомашиналарининг қалитлари топширилди.

22 май. Тошкентнинг Шимолий вокзалида Қорақалпоғистондан қайтиб келган йигирманчи махсус “Экосан” поезди тантанали равишда кутиб олинди. Поезда қайтиб келган тиббиёт мутахассислари Қорақалпоғистоннинг барча туманларида 4-5 мингдан кўпроқ кишини текширувдан ўтказдилар, Эллиқалъа туманида қуриляётган “Орол болалари” санаторийсига аталган юкларни элтиб бердилар, ўттиз беморни ўзлари билан бирга олиб келдилар. Улар пойтахтнинг марказий тиббий муассасаларида даволанади.

23 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Универсиада-2000” спорт анжумани қатнашчиларига йўллаган табриги матбуотда эълон қилинди.

24-25 май. Тошкентда умумий амалиёт врачлари учун икки кунлик семинар бўлди, унда республика Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олтмишдан кўпроқ вакил, Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон тиббиёт олий ўқув юртларининг ректор ва муаллимлари қатнашдилар.

26 май. Венгриядаги “Гедеон Рихтер” фармацевтика заводининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ходимлари Гематология ва қон куйиш илмий-тадқиқот институтига институт клиникасининг болалар бўлими учун электр

градусниклар, стетоскоплар, тиббий халатларни инсонпарварлик ёрдами сифатида топширдилар.

Май. Фарғонада корд моделлари классдаги авиамодель спорти бўйича Ўзбекистон IX чемпионати бўлди. Команда ҳисобида Фарғона вилояти спортчилари чемпион унвонини олдилар, пойтахт вилоятининг терма жамоаси иккинчи ва Тошкент жамоаси учинчи ўринни олди.

Май. Олмалиқда ўттиз ўринли тез тиббий ёрдам маркази ишлай бошлади. Бу ердаги реанимация, жарроҳлик ва ич касалликлари бўлимларида беморларга малакали ёрдам кўрсатиш учун барча шароит яратилган. Қибрай туманида ҳам ана шундай замонавий тиббиёт маркази очилди. Энди Тошкент вилоятидаги тез тиббий ёрдам муассасалари бештага етди.

Май. Орол бўйида “Чегара билмас врачлар” Халқаро инсонпарварлик ташкилоти Британиядаги Ноттингем ва Шеффилд университетлари ҳамда қорақалпоғистонлик олимлар билан бирлағиқда ўз моҳияти жиҳатидан ноёб лойиҳани амалга оширишга киришдилар. Инсон нафас олаётган ҳаво, айниқса, унинг таркибидаги чанг билан нафас йўлларидаги касалланиш даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик биринчи марта аниқланади.

Май. Японияда дзюдо бўйича Осиё чемпионати бўлиб, унда қитъанинг энг кучли спортчилари чемпионатнинг бош мукофотлари учунгина эмас, айни вақтда, Сиднейдаги Олимпиада ўйинларига бериладиган йўлланмалар учун ҳам курашдилар. Ўзбекистон миллий терма жамоаси мамлакатимиз учун олти йўлланмани қўлга киритди.

Камол Муродов, Армен Багдасаров, Андрей Штурбабин, Абдулла Тангриев, Мансур Жумаев ва Алишер Мухторов ўз вазн тоифаларида Осиё чемпиони бўлдилар.

Май. Россиядаги Тверь шаҳрида ўзбек кураши бўйича ўспиринлар ўртасида Жаҳон чемпионати бўлди, унда тўққиз мамлакатдан келган спортчилар қатнашди.

Ўзбекистон ўспиринлар командаси биринчи ўринни олди. Россия полвонлари иккинчи, Эстония командаси учинчи ўринни эгаллашди.

Шахсий ҳисобда ўзбекистонликлардан Низомиддин Хўжабоев, Ҳикмат Куртов ва Фурқат Маматов Жаҳон чемпионлари бўлдилар. Баҳром Эрматов кумуш медаль, Олим Равшанов эса бронза медали билан тақдирланди.

Қизларимиздан Феруза Ҳайдинбекова билан Людмила Кожемякина кумуш, Гулмира Жалолова эса бронза медали билан тақдирланди.

Май. Тошкентда эркаклар ўртасида шахмат бўйича навбатдаги Ўзбекистон чемпионати (олий лига) бўлиб ўтди. Тошкентлик гроссмейстер Рустам Қосимжонов Республика чемпиони бўлди.

Май. Навоий вилоятининг Тўдақўл сув ҳавзасида елканли қайиқ спорти бўйича Республика очиқ чемпионати ўтказилди. Унда Ўзбекистон ва Қозоғистондан 26 нафар спортчи қатнашди. Мусобақалар “Луч”, “Луч-двойка”, “Луч-мини” ва “Оптимист” яхталарининг тўрт классида ўтказилди. Қозоғистондан Денис Пасинков, ўзбекистонликлардан Юлия Ильина, Евге-

ний Канончик, Владимир Латипов, Евгений Давидов ва Даниил Штанько энг яхши спортчи деб топилди.

Май. Зарафшон шаҳрида пауэрлифтинг бўйича Осиё чемпионати бўлди. Ҳиндистон, Эрон, Қозоғистон, Хитойдаги Тайпей, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон, Тожикистон, Туркменистон, Филиппин, Япония ва Ўзбекистон йигит ҳамда қизлари куч синашдилар. Бу — эркаклар учун ўн иккинчи, аёллар учун ўн биринчи чемпионат эди. 56 килограммгача вазн тоифасида учқудуқлик Надежда Малюгина Ўзбекистонга олтин медаль келтирди.

Май. Олмалиқ шаҳридаги “Карьер” трассасида мотоциклъ спорти бўйича Ўзбекистон чемпионатининг охири — тўртинчи финал босқичи бўлиб ўтди. Жамоа ҳисобида зарафшонлик пойгачилар чемпионат кубогини қўлга киритдилар.

Май. Чирчиқ яқинидаги “Аранчи” Миллий авиация спорт клубининг спорт базасида ракета моделчилиги спорти бўйича Республика ўспиринлар турнири бўлди. Беш классдаги моделларда Тошкент ва республика вилоятларидан келган ўнтадан кўпроқ жамоа мусобақалашди. Спорт жамоалари орасида Бухоро вилоятининг ракета моделчилари чемпионат ғолиби бўлдилар. Иккинчи ўрин Самарқанд спортчиларига, учинчи ўрин Тошкент вакилларига тегди.

Май. Тошкентда бильярд спорти бўйича биринчи мамлакат чемпионати ўтказилди. “Москва пирамидаси” дастурида тошкентлик бильярдчи қиз Татьяна Краснякова биринчи ўринни эгаллади, иккинчи ўрин ҳам тошкентлик Сайёра Мўминовага насиб этди.

2 июнь. Тошкентда Ўзбекистон стоматологларининг IV қурултойи очилди. Унда шу соҳа мутахассиси ва олимларидан 300 дан кўпроқ киши қатнашди. Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари ҳамда Англия, Россия, Германиянинг етакчи стоматологлари анжуманга меҳмон бўлиб келдилар.

10 июнь. Тошкентда “Тошкент ёзи — 2000” анъанавий шахмат мусобақаларининг сўнги, тўққизинчи давраси ниҳоясига етди. Тошкент, республиканинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистондан мазкур қадимий ўйин ишқибозларидан 88 киши қатнашди. Йигирма ёшлик сурхондарёлик Беғали Саидов турнир ғолиби бўлди. Тошкентлик 63 ёшли Эдуард Бекиров иккинчи, чирчиқлик Рустам Рашидов учинчи ўринни олди.

12-16 июнь. Тошкентдаги “Динамо” теннис кортларида Халқаро аёллар теннис турнири бўлиб ўтди. “Тошкент опен-2000” турнирида қатнашиш учун жаҳоннинг 20 мамлакатидан энг кучли спортчилар келишди. Турнирнинг асосий совринини ўн саккиз ёшли юртдошимиз Ирода Тўлаганова қўлга киритди.

13-23 июнь. Жиззахда “Футбол гунчаси” номи билан Республика футбол турнири ўтказилди, унда республиканинг барча вилоятларидан мактаб ёшидаги ва мактабгача ёшдаги болалар жамолари иштирок этишди.

16 июнь. Тошкентда, Миллий Олимпия кўмитасида “Ўз-Тексако” Ўзбекистон-Америка кўшма корхонаси билан Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани имзолаш маросими бўлди.

30 июнь. Тошкентдаги Олимпия шуҳрати музейида Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси мутахассислари, республика олий спорт маҳорати мактаблари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан Малайзия делегацияси ўртасида учрашув бўлди. Малайзия ёшлар ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Е. П. Датук Онг Ти Клад бошчилигидаги делегация билан учрашувда Сиднейдаги Олимпия ўйинларига тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди.

Июнь. Қозоғистонда самбо бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди, унда ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли қатнашдилар.

Ўспиринлар ўртасидаги мусобақада полвонларимиз олтита медални қўлга киритдилар. У. Ўтаев билан Б. Ҳасанов олтин, Р. Бердибоев, И. Одилов, Н. Рустамов ва А. Бозоров кумуш медал билан тақдирландилар.

Ўзбекистон ёшлар жамоаси юртимизга учта олтин медал олиб келди, бу медалларни Т. Латипов, У. Жабборов ва И. Тахтамов қўлга киритишди. Х. Мухторов, У. Иброҳимов ва А. Абдуллаев бронза медалга сазовор бўлдилар.

Ўзбекистондан борган катта ёшдаги спортчилар ҳам олтита медал билан тақдирланди. Б. Ҳасанов олтин, Ш. Жўраев кумуш ва С. Эргашев, А. Абдуллаев (Урганч), А. Абдуллаев (Тошкент) ва У. Жабборов бронза медали соҳиби бўлдилар.

Июнь. Тошкентда уч кун давом этган симпозиумда Каспий минтақасидаги соғлиқни сақлаш муаммолари муҳокама қилинди. Бу кенг миқёсли анжуманга Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Қозоғистон, Тожикистон ва Ўзбекистондан ушбу муҳим ижтимоий соҳанинг раҳбарлари ва мутахассислари, тиббиёт соҳасидаги илғор технология ва асбоб-ускуналарга сармоя сарфлаши мумкин бўлган Америка компанияларининг етакчи мутахассислари таклиф қилинган эди.

Июнь. “Ватанпарвар” кўнгилли жамиятининг “Аранчи” Миллий авиация клубида парашют спорти бўйича “Оқ олтин” кубоги учун Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Тошкентликлардан Т. Буракова ва Т. Азиековлар чемпионат ғолиби бўлдилар.

Июнь. Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистондаги ўн еттита клуб иштирок этган кикбоксинг бўйича анъанавий Халқаро клуб турнири ниҳоясига етди.

Турнирда мамлакатимиздан бешта клуб иштирок этди. Ўзбекистон Қўл жанги Федерацияси кикбоксинг бўлимининг спортчиларига омад кулиб боқди, улар учта медални қўлга киритдилар.

Ҳамдам Худойқулов олтин, Незмат Бобомухамедов ва Наби Қодиров бронза медали соҳиби бўлдилар.

Июнь. ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Наманган вилоятининг даволаш муассасасига 20 миллион сўмлик бегараз ёрдам кўрсатди. Мазкур халқаро ташкилот вакили Руди Родригес вилоят тиббиёт муассасаларига вакцина ва дори-дармон сақланадиган совитгич ускунани совга тариқасида топширди.

Июнь. Тошкентда дзюдо бўйича ўтказилган Халқаро семинар уч кун давом этди. Унда Марказий Осиё мамлакатларидан мутахассис ва экспертлар иштирок этишди.

Июнь. Тошкентда олий лига эрақлар жамоалари ўртасида баскетбол бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионати ниҳоясига етди. МҲСК жамоаси Ўзбекистоннинг 2000 йилги чемпиони бўлди.

Июнь. Тошкентда гандбол бўйича эрақлар ва аёллар чемпионати ўтказилди. Эрақлар орасида чирчиқлик ҳарбийлар энг кучли деб топилди. Тошкент “Алгоритм” гандболчилари аёллар орасида чемпионлик унвонини қўлга киритдилар.

11 июль. Бу йилги Жаҳон аҳоли куни “Аёллар ҳаётини сақлаб” шиори остида нишонланди. Шу кунга атаб Халқаро “Экосан” жамғармаси ва Тошкент “Экосан” клуби “Атроф-муҳит ва аҳоли: жаҳоншумул ва минтақавий муаммолар” мавзуида Халқаро учрашув ўтказдилар.

14-16 июль. Тошкентда Ўзбекистон ва Нидерландия жамоалари ўртасида теннис бўйича Девис Кубоги мусобақасида жаҳон лигасига чиқиш учун малака тури ўтказилди. Голландияликлар умумий ҳисобда 4:1 билан ғалаба қозониб, жаҳон гуруҳидаги ўринларини сақлаб қолдилар.

Июль. Фарғонада эркин учар моделлар классисидаги авиамодель спорти бўйича ўспиринлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди. Самарқанд вилояти спортчилари энг яхши натижага эришдилар.

Июль. Марғилонда парваришга муҳтож ёлғиз, кекса кишилар соғлиғини тикловчи “Шафоат” уйи очилди.

Июль. Туркиянинг Антолия шаҳрида ўзбек кураши бўйича Жаҳон чемпионати бўлди, унда спортчиларимиздан Маҳтумқули Маҳмудов ва Баҳром Авазов олтин медалга сазовор бўлдилар.

Июль. Тошкентда фахрийлар ўртасида шахмат бўйича навбатдаги Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Андижон вилояти вакили Эркин Каримов чемпион бўлди.

Июль. ЮНЕСКО Ўзбекистондаги ваколатхонаси Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Телерадиокомпанияси билан биргаликда уюштирган Халқаро семинар сиҳат-саломатлик масалаларига бағишланди. Анжуман ишида қатнашган радиожурналистлар соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи эшиттиришларни эфирга тайёрлаш муаммоларини муҳокама қилдилар. ЮНЕСКО мутахассислари ва Британия ББС радиостанциясининг мухбирлари ўзбекистонликларга катта ёрдам кўрсатдилар, туркумли лекциялар ўқиб, амалий машғулотлар ўтказдилар.

2 август. Тошкентда “Она ҳақида, гўдак ҳақида” мавзуида Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

9-11 август. Тошкентдаги 1979 йил 11 августдаги авиация фалокатида фожеали ҳалок бўлган “Пахтакор” жамоасининг ўйинчилари хотирасига бағишланган футбол фахрийлари биринчи Халқаро турнири ўтказилди. Мусобақаларда Москвадаги Марказий Армия спорт клуби ва Алматидаги “Қайрат” жамоалари, Украина терма жамоаси ва “Пахтакор” фахрийлари қатнашдилар. Бизнинг футболчиларимиз хотира турнири ғолиби бўлдилар.

Август. Теннис бўйича ўтказилган биринчи Республика оилавий турнирида тошкентлик Ш. Шчупак оиласи ғолиб чиқиб, асосий соврин — телевизорни мукофотга олди.

Турнирда — Андижон, Наманган, Навоий, Бухоро, Тошкентдан ўн уч оила иштирок этди. Иккинчи соврин Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги Юсуповлар оиласига, учинчи ўрин Навоий шаҳридаги Мусабоевлар оиласига насиб этди.

Август. Москва шахрининг Битцев ўрмон боғида от спорти бўйича Жаҳон чемпионати якунланди. Унда ахалтака зотли тулпорлар имтиҳондан ўтди. Халқаро класдаги уч спорт устаси — Файрат Назаров, Исожон Содиқов ва Анна Лисякдан иборат Ўзбекистон терма жамоаси ўн уч ёшли Арслон, ўн уч ёшли Қавум ва саккиз ёшли Грум отларини ҳакамлар ҳайъати ҳукмига ҳавола этди.

Анна Лисяк ўзининг Грум тулпорида икки дастурда биринчи ўринни олди. Файрат Назаров Арслон тулпорида 140 см тўсиқли баландликдан ошиб ўтиш мусобақасида ютиб чиқди. Исожон Содиқов ва унинг Кавум тулпори 130 см баландликдаги тўсиқлардан ошиб ўтиш мусобақасида кумуш медалга сазовор борди.

Август. Қора дунгиз соҳили — Анапада республикамиз етим болалари учун қурилган пансионатнинг тақдироти ва тантанали очилиш маросими бўлди. Бу тантаналарда Ўзбекистондан келган эътиборли делегация иштирок этди.

Август. Нукусдаги 1-сонли поликлиникада сеуллик врачлар беш кун давомида беморларни қабул қилдилар. Бир неча юз киши маслаҳат ва шифо олди. Ёрдам хайрия асосида кўрсатилди, 70 минг АҚШ доллари миқдоридаги харажатларни Жанубий Кореянинг чет элларга врачлик ёрдами кўрсатиш жамияти — KOMSTA ўз бўйнига олди.

Август. Испаниянинг Севилья шаҳрида халқаро волейбол Федерацияси (FIVB)нинг XXVII конгресси бўлди, унинг ишида Ўзбекистон волейбол Федерациясининг бош котиби Леонид Айрапетьянц иштирок этди.

Август. Ўзбекистонлик сузувчилар Хитойнинг Тайбей шаҳрида ўтказилган Осиё ва Океания чемпионатида иккита биринчи, бешта иккинчи, олтита учинчи ўринни олдилар.

Август. Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида 1980 йилда туғилган ўспиринлар орасида эркин ва грек-рим кураши бўйича учинчи Осиё чемпионати бўлди, унда ўзбек спортчиси Дилшод Мансуров олтин медаль олди.

Август. Фахрий курашчилар жаҳон биринчилигида учинчи марта олтин медални қўлга киритган 57 ёшли тошкентлик полвон Александр Алексеевич Истомин уч карра Жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Германиядаги Фрайберг шаҳрида ўтказилган мусобақада Истомин энг кекса спортчилар тоифасида 85 килограммгача бўлган вазнлилар орасида тенгсиз эканлигини намоён қилди. Чемпионат 44 мамлакат полвонларини йиғган эди.

Август. Бельгиянинг Монс шаҳрида “С” моделлари классида кема модели спорти бўйича Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Мазкур моделлар ҳақиқий елканли ва ҳарбий кемаларнинг аниқ нусхаларидан иборат эди. Чемпионатда Бельгия, Германия, Англия, Франция, Хитой, Россия, Польша, Чехия, Украина ва бошқа мамлакат жамоалари қатнашди. Бизнинг кема моделчиларимиз дунё миқёсидаги бу мусобақада учинчи марта қатнашиб, “С-2” классидagi механик двигателли замонавий кемаларнинг учта моделини тақдим этдилар.

Чемпионат якунида қутқарувчи “Вихрь”, ўт ўчирувчи “Дибрар” кемаларининг ўзбек моделлари олтин ва кумуш медалларга сазовор бўлди.

Август. Глазкода каратэ бўйича навбатдаги Жаҳон кубоги мусобақалари бўлди. Дунёнинг йигирма мамлакатидан келган энг кучли спортчилар билан олишувда бизнинг каратэчиларимиз тўртта олтин, учта кумуш ва бешта бронза медалини қўлга киритдилар.

4 сентябрь. Тошкентдаги Ортопедия ва травматология илмий-тадқиқот институтида Марказий Осиёда ягона спорт травматологияси бўлми очилди.

5 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонаси биносида “Соғлом авлод” медиа марказининг тантанали очилиш маросими бўлди.

7 сентябрь. Халқаро кураш уюшмасининг Тошкентдаги қароргоҳига Англиядан хушxabар келганлиги ҳақидаги ахборот матбуотда босилиб чиқди. Ўзбек кураши халқаро уюшмаси ташкил этилган куннинг икки йиллигини нишонлаш юзасидан Британия кураш уюшмаси шу йил 1 октябрда барча ёшлардаги эркак ва аёллар ўртасида кураш турнири ўтказишга қарор қилди.

Турнир Лондон яқинидаги Бедфорд шаҳарчасида ўтказилади ва халқаро кураш уюшмасининг фахрий президенти — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов шарафига унинг номи билан аталади.

11 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов Оқсарой қароргоҳида АТП ижрочи директори Тур Марк Майлзни қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбатда мазкур халқаро спорт ташкилоти билан ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

11-17 сентябрь. Тошкентда теннис бўйича Ўзбекистон Президенти Кубоги учун еттинчи турнир бўлиб ўтди. Унда 20 дан зиёд мамлакат спортчилари қатнашди. Турнирнинг очилиш маросими тантаналарида Президент Ислom Каримов иштирок этди.

Президент Кубоги россиялик спортчи Марат Сафинга насиб этди. Президент Ислон Каримов бош совринни унга топширди. Иккинчи ўринни эгаллаган италиялик Дэвид Сангинетти ҳам соврин олди.

12 сентябрь. Тошкентдаги “Жар” спорт мажмуасида “Ёшлар терроризмга қарши” шиори остида биринчи ҳарбий санъат фестивали бўлиб ўтди. Спортчилар кикбоксинг, кураш, каратэ, таэквандо, луай-тай, тайбоксинг ҳамда ҳарбий санъатнинг бошқа турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

18 сентябрь. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг минтақадаги бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами бюросининг раҳбари доктор Зокир Хўжаев Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига компьютер техникасини топширди. Бу — жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг республикамиздаги лойиҳалари ҳомийси Норвегия ҳукуматининг совғаси эди.

23-24 сентябрь. Тошкентда ушу-кунфу бўйича Республика мусобақаси бўлиб ўтди, мазкур спорт беллашувида бир юз етмиш спортчи қатнашди.

27-30 сентябрь. Тошкент яқинидаги “Аранчи” стадионида самолётларнинг радио орқали бошқариладиган моделлари бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

28-30 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон педиатрларининг IV курултойи бўлди, ушбу курултой ишида АҚШ, Жанубий Корея, Буюк Британия, Россия, Қозоғистондан келган педиатрлар иштирок этишди.

Сентябрь. Тайбейдаги Чиаю шаҳрида (Хитой) поуэрлифтинг бўйича ўспиринлар ўртасида Жаҳон чемпионати ўтказилди. Мазкур мусобақада Навоий кон-металлургия комбинати спортчилари муваффақиятли қатнашдилар.

Учкудуқлик Надежда Малюгина иккита олтин ва кумуш медаль соҳибаси бўлди, 16 ёшли зарафшонлик Анна Леонова эса кичик бронза медали билан тақдирланди.

Сентябрь. Термиздаги шаҳар касалхонаси негизда 140 ўринли шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ишга туширилди.

Сентябрь. Пхеньянда бўлиб ўтган ёшларнинг Жаҳон чемпионатида Ўзбекистон таэквондочилари терма жамоаси иккита кумуш, олгита бронза медални қўлга киритдилар.

Сентябрь. Фарғонада Бурхониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига бағишланган биринчи Халқаро кураш турнири ўтказилди. Фарғонада кураш бўйича ўтказилган бу мусобақада Россия, Бошқирдистон, Арманистон, Қирғизистон ва мамлакатимиз вилоятларидан келган етмишдан ортиқ полвон иштирок этди. Улар тўрт вазн тоифасида курашдилар.

Ўз вазн тоифаларида андижонлик Шўҳрат Исоқов, қирғизистонлик Вақтбек Абдураҳмонов, фарғоналик Фахриддин Болтабоев ва наманганлик Бахтиёр Бозоров голиб чиқдилар.

Сентябрь. Беларусь пойтахтида МДХ мамлакатларининг Халқаро меҳмурувват ва сиҳат-саломатлик жамғармаси ҳомийлигида иш қўрувчи хай-

рия ташкилотлари раҳбарларининг анжумани бўлиб ўтди. Бу учрашувда мамлакатимиздан республика меҳр-мурувват ва сиҳат-саломатлик жамғармаси вакиллари иштирок этишди. Тажриба алмашув давомида мутахассислар ўзбекистонлик касбдошлари амалга ошираётган лойиҳаларга алоҳида қизиқиш билан қарадилар. Жумладан, аҳолининг ижтимоий ночор табақаларига ёрдам бериш дастурларининг амал қилиш муддатига, бу дастурлар аниқ кишиларга қаратилаётганига ва уларни рўёбга чиқариш воситаларига эътибор берилди.

Сентябрь. Бухорода шаҳар ҳокими Кубоги учун бокс бўйича Халқаро турнир ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон чарм-қўлқоп усталаридан тўқсон уч киши иштирок этди.

Бухоролик боксчилар мамлакатимиз номидан турнирда қатнашдилар. Ўз вазн тоифаларида ўзбекистонликлардан Карим Ҳақбердиев, Ҳаким Хайриев, Асқар Мамедов, Жамол Иброҳимов, Равшан Хўжаев, Нодир Фуломов ва Акмал Арслоновлар голиб бўлдилар.

Жамоа ҳисобида Ўзбекистон боксерлари турнирда биринчи ўринни эгалдилар.

Сентябрь. Алмати (Қозоғистон) шаҳрида акробатика бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди, унда Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон спортчилари иштирок этишди.

Ўзбекистонликлардан Евгения Лушникова билан Снежана Алешинадан иборат аёллар жуфтлиги, Элдор Мусин билан Зуфар Аҳмедовдан иборат эркаклар жуфтлиги ҳамда Нуржигит Дусенов, Дилшод Жалилов, Авазбек Ҳасанов ва Шухрат Қодировдан иборат тўртлик бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Сентябрь. Тошкентга чет элларда тиббий ёрдам кўрсатувчи Жанубий Корея хайрия жамиятининг бригадаси келди.

Анъанавий шарқий тиббиёт, шу жумладан, игна терапияси ва куйдириш йўли билан даволаш мутахассислари пойтахт ва вилоят аҳолисидан 2150 кишига бепул тиббий ёрдам кўрсатди. Бундан ташқари, шифобахш ўтлардан тайёрланган дори-дармонлар тарқатилди.

Бу Жанубий корейлик тиббиёт ходимларининг Ўзбекистонда тўртинчи марта хайрия тадбирини ўтказиши — улар икки марта Нукусда ва икки марта Тошкентда беморларга шифо бахш этишди.

Сентябрь. Андижонда корд моделлари классида автомобиль моделлари бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан келган саккиз жамоанинг 56 автомобилчиси қатнашди.

1 октябрь. Британиянинг Бедфорд шаҳрида Ўзбек кураши халқаро уюшмасининг Фахрий Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номи билан кураш бўйича Буюк Британияда биринчи турнир бўлиб ўтди. Ўзбек кураши Британия уюшмасининг ташаббуси билан ташкил қилинган бу мусобақада Буюк Британиянинг турли минтақа-

ларидан 70 га яқин спортчи, шунингдек, Ўзбекистондан борган полвонлар иштирок этишди.

Мусобақа голиблари ва совриндорларига мазкур турнир учун Британия ўзбек кураши уюшмаси томонидан махсус тайёрланган медаллар топширилди.

Турнир қатнашчилари Ўзбек кураши Халқаро уюшмасининг фахрий президенти Ислом Каримовга мурожаатнома қабул этиб, бутун дунёда курашни оммалаштираётгани учун миннатдорлик изҳор этдилар. Буюк Британияда давлатимиз бошлиғининг номи билан юритиладиган бу турнир аънавий бўлиб қолади, деб умид қилинмоқда.

4 октябрь. Тошкентда нейрохирургларнинг биринчи Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

4 октябрь. Сиднейдаги Олимпия ўйинларида битта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медалини қўлга киритган олимпиадачиларимизнинг ғалабаси муносабати билан Оқсарой қароргоҳида ўтказилган қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов уларни самимий табриклади.

5-6 октябрь. Тошкентда Ўзбекистон пульмонологлари ва фтизиатрларининг V курултойи бўлди. Унда мамлакатимиз мутахассисларидан ташқари, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган касбдошлар ҳам маъруза қилдилар.

6 октябрь. “Тоштитехника” омборларига Германия фуқаро муҳофазаси федерал маҳкамаси инсонпарварлик ёрдами сифатида юборган, вилотлардаги шошилич тиббий ёрдам марказларига аталган, кенг миқёсда ишлатилувчи замонавий асбоб-ускуналар, турли анжомлар, кўрпа-ёстиқлар келтирилди. Маҳқама бултур жами 28,5 миллион дойч-маркалик худди шундай хайрия тadbирини ўтказган эди. 30 тонналик инсонпарварлик юки Германиядан “Ўртаосиётранс” Давлат акциядорлик компаниясининг машиналарида келтирилди.

6-8 октябрь. Тошкентда Ўзбекистон микробиологларининг иккинчи курултойи бўлиб ўтди.

Курултой қатнашчилари уч кун давомида саноат корхоналарининг кимёвий чиқитларсиз ишлашини таъминлаш, сув ҳавзаларининг булғанишига йўл қўймаслик, биологик ўғитлар ёрдамида ернинг мелиоратив таркибини қайта тиклаш технологиясини такомиллаштириш учун энг яхши воситаларни ишлаб чиқиш масалаларини муҳокама қилдилар.

12-14 октябрь. Фарғонада миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича II Республика фестивали бўлиб ўтди.

12 октябрь. Тошкентда Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб, унда гематология ва трансфузиология соҳасидаги ютуқлар ҳамда истиқболлар муҳокама қилинди. Конференция ишида россиялик йирик олимлар қатнашдилар.

12 октябрь. Ливан пойтахти Байрутда футбол бўйича XII Осиё Кубоги мусобақалари тантанали равишда очилди.

26-28 октябрь. Тошкентда гепатолог жарроҳларнинг VIII Халқаро конференцияси бўлди, унда жигар, ўт йўллари ва ошқозон ости бези жарроҳлигидаги илғор технологияларга тааллуқли долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Октябрь. Нукусда замонавий спорт-соғломлаштириш мажмуаси ишлай бошлади.

Октябрь. Токио шаҳрида бўлиб ўтган таэквандо бўйича Осиё чемпионатида мамлакатимиз спортчилари ишончли ғалаба қозондилар. Унда 42 мамлакат вакиллари олий мукофот учун курашдилар.

Саккиз спортчидан иборат бўлган Ўзбекистон терма жамоаси саккизта медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни олди.

Юртимизга олтин медаллар билан қайтиб келган Бобобек Қозоқов, Леонид Ли, Дмитрий Ким Осиёнинг 2000 йилги чемпиони бўлдилар. Михаил Чистяков кумуш медаль билан тақдирланди.

Дилшод Мирбобоев, Илҳом Бобобеков, Моисей Ногай ва Владислав Нам бронза медаллари билан мукофотланди.

Октябрь. Фарғонада картинг бўйича Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Умумжамоа ҳисобида тошкентлик картингчилар чемпион бўлдилар.

Октябрь. Тошкентда бадий гимнастика бўйича “Шарқ латофати” аънавий очиқ турнири ниҳоясига етди. Тошкентлик гимнастикачи Лена Подгорнова асосий совринга эга бўлиб, “Шарқ латофати” унвонини олди.

Октябрь. “Сўғдиёна-2000” XIII Халқаро автопойгасида энг кучли спортчилар икки кун давомида чемпионлик унвони учун курашдилар, бу пойга автомобиль спорти бўйича Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи босқичи эди.

Республика пойтахти ва вилоятларнинг йигирмадан кўпроқ экипажи автомобилларнинг уч классида мусобақалашдилар.

Умумжамоа ҳисобида Тошкентнинг “Ватанпарвар” спорт жаъмиати вакиллари биринчи ўринни олдилар. Икки босқичда олган очколари йиғиндиси бўйича Олег Сичанов ва Мирабой Ятшевский (А-7), Сергей ва Виктор Горбуновлар (А-8), Мурод Қаюмов ва Сергей Дробовских (А-9) ғолиб чиқиб, Ўзбекистоннинг 2000 йилги мутлоқ чемпионлари бўлдилар.

Октябрь. Бухорода ракета моделлари бўйича Республика мусобақаси бўлиб ўтди. Жамоа ҳисобида мамлакат кубогини бухороликлар қўлга киритишди. Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти моделчилари иккинчи ва учинчи ўринларни бўлиб олдилар.

Октябрь. Тошкентда генерал Собир Раҳимов хотирасига бағишланган грек-рим кураши бўйича аънавий Халқаро турнир ўтказилди. Турнирнинг асосий совринларини олиш учун Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистондан икки юзга яқин спортчи икки кун давомида курашди.

Октябрь. Исроил олим, мутахассис ва тиббиёт ходимлари делегацияси аъзолари республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах

вилоят филиалида меҳмон бўлдилар. Делегацияга машҳур тиббиёт доктори Пинхас Халперн бошчилик қилди.

Октябрь. Нукус шаҳрида “Орол танглиги минтақасида экология омилилари ҳамда она ва бола соғлиги” мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди. Семинарда Марказий Осиё мамлакатлари, Россия, Германия, Австрия, Швеция, АҚШ соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги амалиётчи шифокор, олим ва халқаро экспертлари қатнашдилар.

Октябрь. Германиядаги машҳур “Виртгон интернационал” фирмасининг директори Ойген Шпенст Жиззах вилоятидаги 29-сонли меҳрибонлик уйида бўлди. Ойген Шпенст ўз ташрифидан хотира белгиси сифатида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига фирма номидан фотоаппарат ва спорт либослари комплектларини совға қилди.

Октябрь. Америка Қўшма Штатларида армрестлинг бўйича IV Жаҳон чемпионати бўлиб ўтди, унда қирқ олти мамлакатдан 370 спортчи қатнашди. Ўзбекистон номидан икки марта Жаҳон чемпиони Умид Аҳмедов, Юсуф Қодиров, Мирзохид Шарапов ва Елена Шафрановалар иштирок этишди.

Ўзбекистон жамоаси бешта медаль — иккита олтин, учта қумуш медаль олиб, иккинчи ўринни эгаллади. Умид Аҳмедов учинчи марта Жаҳон чемпиони бўлди, Юсуф Қодиров эса биринчи бор Жаҳон чемпиони унвонини олди.

Октябрь. Автомобилларни тадқиқ қилиш ва синаш марказининг “Пскент” автополигоида серияли микролитражли автомобиллар ўртасида иқтисодий кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистонда биринчи марта мусобақа ўтказилди. Саҳадилло Эгамбердиев мусобақанинг бош соврини — видеомагнитофонга эга бўлди. У “Тико” автомобилида энг яхши натижага эришди ва юз километр масофани 2,8 литр ёқилғи сарфи билан босиб ўтиб, ҳозир бўлган кишиларни ҳайратга солди, чунки бу кўрсаткич автомобилнинг паспорт маълумотларида кўрсатилганидан бир ярим баравар кам эди.

Октябрь. Зарафшонда МДХ фахрийлар жамоалари ўртасида мини-футбол бўйича анъанавий Халқаро футбол турнири бўлиб ўтди. Йигирмата жамоа орасида Киев ва Минск “Динамо”чилари, Марказий армия спорт клуби (Москва), “Зенит” (Санкт-Петербург) жамоалари бор эди.

Бу гал Тошкент “Пахтакор”чилари жуда яхши ўйнаб, финал учрашувда Алматининг “Қайрат” жамоаси устидан ғалаба қозонди ва кўп сонли футбол ишқибозларини хушнуд этди.

Зарафшоннинг “Қурувчи” жамоаси ҳам юртдошларининг ишончини оқлаб, москвалик тажрибали рақибларини енгди ва фахрли учинчи ўринни олди.

Октябрь. Республикада машҳур спортчи, Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси, бир неча бор Республика чемпиони, кўпгина Халқаро мусобақалар ғолиби Сергей Владимирович Ничипуренко хотирасига бағишланган ёзги биатлон бўйича Ўзбекистон шахсий чемпионати бўлди.

Мусобақада элликдан ортиқ энг кучли биатлончилар қатнашди. Улар орасида зобит С. Ничипуренко хизмат қилган ҳарбий қисм спортчилари ҳам бор эди.

Биринчи куни аёллар иккита ўт очиш марраси бўлган тўрт минг метр масофада ва эркаклар тўртта ўт очиш марраси бўлган саккиз минг метр масофада мусобақалашдилар. Аёллар орасида фарғоналик спорт устаси Роҳатой Нурметова, эркаклар орасида Сирдарё вилоятидан спорт устаси Виктор Скоморохин биринчи ўринни олдилар.

Мусобақанинг иккинчи куни спортчилар мерганликда Ўзбекистон чемпиони унвонини олиш учун курашдилар. Бу мусобақада сирдарёлик Ирина Жеребятёва, эркаклар орасида эса унинг юртдоши Юрий Коваленко ғолиб чиқиб, чемпион бўлдилар.

Октябрь. Испанияда самбо бўйича ўспирин ва ўсмирлар орасида Жаҳон чемпионати бўлди, унда йигирма бир мамлакатдан келган йигит ва қизлар олий мукофотлар учун курашдилар.

Бу мусобақада ўзбекистонликлар муваффақиятли қатнашдилар, етти спортчимиз медаль билан тақдирланди. Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни олди.

Марина Қодирова Жаҳон чемпиони бўлди, унинг дугоналари Динора Мирзаева ва Дилорахон Қамбаровалар кумуш медални қўлга киритдилар. Ислом Орипов ҳам кумуш медалга сазовор бўлди. Тўравой Отаев, Ҳусан Ҳасанов ва Шукрулло Рустамовлар бронза медаль билан тақдирланди.

12 ноябрь. Пскент яқинидаги “Жануб” автополигонида ҳалқа йўл бўйлаб ўтказилган автомобиль пойгаси бўйича Ўзбекистон чемпионати ниҳоясига етди. А.Абдуқаҳоров, Асадулло Мадиев, Марат Қаюмов, Сергей Мукурдумов ва Геннадий Каменцовлар машиналарнинг уч классида ва “Формула-1600”даги пойгачилар кватретида мамлакат чемпиони бўлдилар.

22 ноябрь. Футбол бўйича Ўзбекистон тўққизинчи чемпионати “Дўстлик”—“Трактор” жамоалари ўртасидаги учрашув билан ниҳояланди. Тошкент вилоятининг “Дўстлик” ҳўжалиги жамоаси иккинчи марта мамлакат чемпиони унвонига сазовор бўлди.

24 ноябрь. Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги доимий ваколатхонасида Исроил халқи номидан Қорақалпоғистон аҳолисига инсонпарварлик ёрдами сифатида юборилган жами 10 минг АҚШ долларлик дори-дармонларни топшириш маросими бўлди.

Ноябрь. Жанубий Кореяда оғир атлетика бўйича 1984 йилда туғилган ва ундан ёшроқ ўспиринлар ўртасида Осие чемпиони тугалланди. Бу мусобақада 24 мамлакатдан 200 спортчи қатнашди. Ўзбекистондан Ботир Усмонов, Баҳодир Қодиров, Баҳром Миндибоев, Сайиджон Мўйинов ва Оятулло Асадуллаев қатнашдилар.

85 кг гача вазн тоифасидаги Ботир Усмоновнинг ғалабаси ҳаммани лол қолдирди, у бирданига Осиёнинг уч рекордини ўрнатди. Бу ажойиб натижалари учун Ботир Усмоновга учта олтин медаль топширилди.

94 кг вазн тоифасида Оятулло Асадуллаев ўз рақибларини ортда қолдирди ва битта олтин, иккита кумуш медалга сазовор бўлди.

Баҳром Миндибоев фахрий тўртинчи, Сайиджон Мўйинов эса бешинчи ўринни олди.

Ноябрь. Тошкентдаги ихтисослаштирилган футбол интернатининг тарбияланувчилари Индонезиянинг “Бузтель” ташкилотидан совға олдилар. Индонезия компаниясининг бош директори Сухарто жаноблари болаларга Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган 50 та футбол тўпини топширди.

Ноябрь. Киевда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик самбочилардан Шавкат Жўраев кумуш, Латиф Латипов билан Шухрат Хўжаев бронза медалларига сазовор бўлишди.

Ноябрь. Чирчиқда бўлиб ўтган денгиз учкураши бўйича Ўзбекистон Кубоги мусобақаларида ўн тўрт жамоадан етмиш спортчи фахрий соврин учун курашди. Кўпкурашчилар 800 метрли масофага югуришда, пневматик тўппончадан 10 метрга ўқ отишда ва 200 метрга сузишда беллашдилар.

Самарқанд вилояти жамоаси Кубок соҳиби бўлди, Андижон вилояти спортчилари иккинчи, Тошкент ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт техника мактаби спортчилари учинчи ўринни олди.

Ноябрь. Ёшлар ўртасида дзюдо бўйича Гонконгда бўлиб ўтган мусобақада 19 ёшли ўзбек спортчиси Абдулла Тангриев Осиё чемпиони олтин медални қўлга киритди.

Ноябрь. Наманганда “Соғлом авлод йили” ҳамда Бобораҳим Машраб хотирасига бағишлаб ўтказилган кураш бўйича I Халқаро турнир уч кун давом этди. Унда Арманистон, Бангладеш, Грузия, Ҳиндистон, Туркия, Тожикистон, шунингдек, Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан спортчилар қатнашдилар. Курашнинг икки тури — бухороча ва фарғонача усулларида ғалаба учун қизғин кураш бўлди. Бухороча курашда сурхондарёлик Абдулла Тангриев, фарғонача курашда Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидан Шухрат Бозоров мутлақ чемпион бўлдилар.

2 декабрь. Тошкентда Ўзбекистон тарихида биринчи марта меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида мини-футбол бўйича ўтказилган турнир ниҳоясига етди. Бир ҳафта давом этган шиддатли олишувлар натижасида Ангрендаги 34-сонли меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ғолиб чиқдилар. Уларга кўча кубок топширилди.

3 декабрь. Тошкентда ногиронлар спорти II Фестивали бўлиб ўтди.

6 декабрь. Тошкентда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган куннинг саккиз йиллигига бағишланган “Хуқуқ, экология ва саломатлик” мавзуйда Халқаро семинар бўлиб ўтди.

8 декабрь. Жаҳон бокс ташкилотининг Лас-Вегасда бўлиб ўтган 13-Конвенциясида Ўзбекистон профессионал бокс Федерацияси бир овоздан мазкур жаҳон бокс ташкилотининг (WBO) тенгхуқуқли аъзоси этиб сайланганлиги тўғрисидаги хабар матбуотда эълон қилинди.

8 декабрь. Тошкент Ўзбек кураши халқаро уюшмаси ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлди.

14 декабрь. АТП Ижрочи директори Тура Марк Майлзнинг Президент Ислом Каримов номига йўллаган мактуби матбуотда эълон қилинди, унда “Президент Кубоги” теннис турнири иккинчи марта “Устуворлик учун мукофот” олганлиги маълум қилинган эди.

Декабрь. Наманганда эндокринологларнинг Халқаро симпозиуми бўлди, анжуманда бу касалликнинг олдини олиш, олдиндан ташҳис қўйиш, замонавий, юксак самарали даволаш усулларида фойдаланиш муаммолари муҳокама қилинди. Унда Буюк Британия, Германия, Голландия, Россия, Қозоғистондан келган олим ва шифокорлар иштирок этишди.

Декабрь. Венгриянинг Мишкольц шаҳрида қаратэ бўйича Жаҳон кубоги мусобақаси бўлиб ўтди. Дунёнинг эллик мамлакатидан келган уч мингга яқин қаратэчи фахрий мукофот учун беллашди. Ўзбекистондан борган 18 спортчи ўн битта олтин, бешта кумуш ва учта бронза медалини қўлга киритди.

Декабрь. Тошкент отчопарида чавандозлик спорти бўйича Республика шахсий-жамоа биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Умумжамоа ҳисобида Тошкент жамоаси биринчи ўринни олди.

Декабрь. Қашқадарё вилояти Баҳористон туманида Республика мусобақаларининг кўп марталаб ғолиби, машҳур полвон Ҳаким Сафаров соврини учун кураш бўйича эсдалик турнири ўтказилди. Икки юздан ортиқ полвон иштирокидаги турнирда чироқчилик Исоқ Аҳмедов ғолиб чиқди.

Декабрь. Немис дўстлик жамияти республика амалий алоқалар маркази ва Жиззах вилояти филиалининг таклифига биноан жаҳонга машҳур дантист-маслаҳатчи Жан Клод Прива жаноблари (Франция) Жиззахга ташриф буюрди.

Меҳмон вилоят марказининг стоматология клиникаларида бўлди, тиббиётнинг шу соҳасида Жиззахда ишлаётган етакчи мутахассислар билан учрашди.

Декабрь. Самарқандда жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг “Безгакни даф қиламиз” дастури доирасида МДХ мамлакатларидан келган шифокорлар учун Халқаро курслар ўтказилди.

Декабрь. Москва ҳокимлигининг Кубоги учун ўтказилган мусобақада Тошкентнинг “Байналмилал” ногирон футболчилар клуби Кубокни қўлга киритди ва Россиянинг очиқ чемпионатида иккинчи ўринни олди.

Декабрь. БМТ Халқаро болалар фонди (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Руди Родригес Андижон вилояти бўйлаб са-

фар қилиб, тиббиёт муассасаларининг иши билан танишди. Р. Родригес Андижон шаҳридаги учинчи туғуруқхона жамоасига беш ёшгача болалар учун дори-дармонларни, тиббиёт асбоб-ускуналарини хайрия ёрдами сифатида топширди, шунингдек, тиббиёт ходимларининг юксак малакасини тасдиқловчи махсус сертификатни ҳам топширди.

Декабрь. Югославиянинг Нови Сад шаҳрида талабалар ўртасида самбо бўйича Жаҳон чемпионати бўлди, унда ўн беш мамлакатдан спортчилар қатнашди.

Ўз вазн тоифаларида Жамшид Тиллахўжаев ва Ботир Хўжаевлар Жаҳон чемпиони бўлдилар, уларнинг иккови ҳам Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги академияси жамоасида тарбия кўрган.

Жамоа ҳисобила мамлакатимиз терма жамоаси иккита олтин, иккита кумуш ва еттита бронза медалини қўлга киритиб, Россия спортчиларидан кейин иккинчи ўринни олди.

Декабрь. Республикада Қизил Яримой жамияти фонди учун маблағ йиғиш кунлиги бўлиб ўтди.

Декабрь. Чирчиқда бокс бўйича X Ўзбекистон чемпионати ниҳоясига етди. Унда мамлакатимиз барча вилоятларидан энг кучли чарм қўлқоп усталари иштирок этдилар.

Тошкент вилояти терма жамоаси тўртта олтин медаль олди. Алишер Раҳимов, Баҳит Сарсекбоев, Келдибой Ибейсинов ва Икром Бердиевлар мамлакат чемпиони бўлдилар.

Бошқа вазн тоифаларида Акмал Арслонов (Бухоро), Сергей Михайлов, Темура Тўлақов, Рустам Саидов (ҳаммаси Андижондан), Тўлашбой Дониёров (Наманган), Акмал Мустафоев (Самарқанд) ва Шерзод Ҳусанов (Фарғона) олий мукофотга сазовор бўлдилар.

2001 ЙИЛ

Январь. Наманганда “Эндокрин касалликларининг олдини олиш, уларга ташҳис қўйиш ва даволашнинг замонавий усуллари” мавзуида Халқаро илмий-амалий симпозиум бўлди. Унда олис ва яқин хорижнинг тўққиз давлатидан тиббиёт фанининг 100 дан ортиқ арбоби, шунингдек, ЮНИСЕФ ва халқаро “Соғлом авлод учун” хайрия жамғармасининг вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Эндокринология илмий-тадқиқот институтининг олимлари, вилоятларнинг бош эндокринологлари қатнашдилар.

Январь. Тошкентда “Она ва бола соғлиғи — экология ўлчовида” мавзуида халқаро учрашув бўлди, унда “Экосан”нинг “Оналар ва болалар” йилига бағишланган “Экология, оналик ва болалик” деб аталган мақсадли дастури муҳокама қилиниб, маъқулланди.

VI. ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДА

1991 ЙИЛ

19 октябрь. Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатлар принциплари тўғрисидаги Шартнома ва республикалар ўртасидаги 1992 йилги савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари ҳақидаги Битим имзоланди.

29 октябрь. Москвада Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияси билан Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси расмий делегацияси ўртасида бўлиб ўтган музокаралар якунлари бўйича Коммюнике, шунингдек, РСФСР билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1992 йилги савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари тўғрисидаги Битим имзоланди.

29 октябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Украинанинг давлатлараро муносабатлари асослари тўғрисида музокаралар бўлиб ўтди ва Шартнома имзоланди. Сиёсий ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва Украина Олий Кенгашининг Раиси Л. М. Кравчук имзоладилар. Шунингдек, иккала республика Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро маслаҳатлашувлар тўғрисидаги Протокол ҳам имзоланди.

30 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов Ўзбекистонга амалий ташриф билан келган Кипр Республикаси Президенти Георгис Василиуни қабул қилди.

31 октябрь. Тошкентга Қирғизистон Республикасининг Бош вазири Н. И. Исанов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси ташриф буюрди. Делегация икки Республика ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани имзолади.

6 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатлар асослари тўғрисидаги Шартнома имзоланди. Шартномани Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг раиси С. С. Шушкевич имзоладилар. Шунингдек, шу куни икки Республика ўртасида савдо-иқтисодий алоқалари тўғрисидаги ҳукуматлараро Битим ҳам имзоланди.

14 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Молдова Республикаси ҳукумати ўртасида 1992 йилги савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари тўғрисидаги Битим имзоланди.

15 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Америка Қўшма Штатлари делегацияси раҳбарлари — Колорадо штати губернатори Рой Ромер ва Делавэр штати губернатори Майкл Каслни ҳамда Ўзбекистонга келган делегациянинг бошқа аъзоларини қабул қилди.

29 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Эрон Ислон Жумҳуриятининг ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий раҳбарлигидаги ҳукумат делегациясини қабул қилди.

6-13 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг делегацияси расмий ташриф билан Малайзияда бўлди. Делегация бу мамлакат парламентининг иши билан танишди. Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорликни янада кенгайтириш имкониятларини ўрганди.

7 декабрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасида 1992 йилги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома имзоланди.

12-13 декабрь. Ашгабадда Ўрта Осиё республикаларининг учрашуви бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирок этди.

14 декабрь. 1991 йилнинг 13 декабрида Ашгабадда бўлиб ўтган учрашувда имзоланган Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Туркменистон Республикаси раҳбарлари ўртасида Тежен — Серахс темир йўли қурилиши соҳасидаги иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида Битим эълон қилинди.

16-19 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси расмий ташриф билан Туркияда бўлди. Ташриф чоғида икки томонлама Туркия-Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари масалалари кўриб чиқилди.

21 декабрь. Алматида мустақил давлатлар раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирок этди.

26 декабрь. Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида алоқаларнинг асослари ва мақсадлари тўғрисидаги Шартнома, шунингдек, Республикалар ўртасида иқтисодиёт ва савдо соҳаларидаги Битим ҳамда мақсадлар тўғрисидаги Протокол эълон қилинди.

27 декабрь. Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризм соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим, Республикалар ўртасида 1992—1993 йилларда маданият, таълим ва фан соҳасидаги айирбошлашлар тўғрисидаги Протокол эълон қилинди.

1992 ЙИЛ

7 январь. Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида элчилар даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги Коммюнике эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасида савдо-иқтисодий Битим эълон қилинди.

8 январь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида 1992 йилги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди.

27 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. М. Муталов Ҳиндистон Бош вазирининг махсус вакили Р. Н. Мирдҳа бошчилигидаги Ҳиндистон Республикаси делегациясини қабул қилди.

28 январь. Тошкентда Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон билан Мўғулистон ўртасида элчихоналар даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги Протокол имзоланди.

Бу ойда Республика Ташқи ишлар вазирлигида Вьетнам, Миср, Япония ва Жанубий Корея билан дипломатик алоқалар ўрнатиш ҳақидаги Коммюнике ва Протоколлар имзоланди.

30 январь. Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши (ЕХҲК) бўйича Прагада бўлиб ўтган ташқи ишлар вазирларининг мажлисида Ўзбекистон ушбу Халқаро ташкилотга қабул қилинди.

31 январь. Шу кунгача Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат сифатида 83 мамлакат расман тан олди. Бу ҳақда январда Албания, Бенин, Болгария, Ботсвана, Бурунди, Венесуэла, Габон, Гайана, Гвинея, Зимбабве, Ироқ, Исландия, Италия, Кипр, Куба, Лаос, Ливан, Ливия, Мексика, Малайзия, Непал, Норвегия, Португалия, Панама, Сингапур, Филиппин, Франция, Швеция, Эквадор, Эфиопия, ЖАР, Ямайка маълум қилди.

31 январь. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. М. Муталов ташқи ишлар давлат вазири Юсуф Бин Алави Бин Абдулла бошчилигидаги Уммон султонлиги ҳукумат делегацияси аъзоларини қабул қилди.

2 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Давос (Швейцария)даги умумжаҳон иқтисодий анжуманида иштирок этди ва унда нутқ сўзлади.

16-17 февраль. Техронда Туркия, Ироқ ва Покистон аъзо бўлган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ)нинг мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлисда Ўзбекистон мазкур Халқаро ташкилотга қабул қилинди.

19 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири шаҳзода Сауд ал-Фейсал ал-Саудни қабул қилди.

26 февраль. Хельсинкида (Финляндия) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Ўзбекистон номидан Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Хельсинки Якуний ҳужжатини имзолади.

1 март. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов Ўзбекистонга расмий ташриф буюрган Франция Республикаси ташқи ишлар бўйича давлат котиби Ален Вивьен бошчилигидаги Франция делегацияси аъзоларини қабул қилди.

2 март. Бош Ассамблея Ўзбекистон Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилди. Ўзбекистон Республикасининг БМТга қабул қилиниши республикамиз мустақиллиги узил-кесил ва қатъийлигининг олий ҳуқуқий тасдиғи бўлди.

4 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Республикасининг ташқи ишлар вазири Ҳикмет Четин бошчилигидаги ҳукумат делегациясини қабул қилди.

4 март. Тошкентда Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида дипломатик муносабат ўрнатиш тўғрисидаги Протокол, шунингдек, икки Республика ўртасида дипломатия соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Протокол имзоланди.

9 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг раиси И. А. Каримов Социал-демократик партиясининг халқаро бирлашмаси (Социнтерн) вице-президенти, ГФР бундестаги конституциявий комиссиясининг раиси Ханс-Йохен Фогель бошчилигидаги шу партия делегациясини қабул қилди.

10 март. Брюсселда Ўзбекистон Республикаси билан Бельгия Қироллиги ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида Шартномани имзолаш маросими бўлиб ўтди.

10 март. Брюсселда Шимолий Атлантика Ҳамкорлиги Кенгаши (ШАҲК)-нинг фавқулодда мажлисида Ўзбекистон Республикаси шу ташкилот аъзолигига қабул қилинди.

12-14 март. Президент И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси расмий ташриф билан Хитой Халқ Республикасида бўлди. Ташриф чоғида Хитой раҳбарияти билан ХХР ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида ўн бешта муҳим ҳужжат имзоланди.

16 март. Тошкентда — мустақил Ўзбекистонда хорижий давлатларнинг биринчи элчихонаси — АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси очилди.

18 март. Тошкентда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида элчихоналар даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида Протокол имзоланди.

19 март. Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси қишлоқ хўжалик вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Битим, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасида автомобиль ва денгиз транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги музокаралар Протоколи эълон қилинди.

20 март. Киевда МДҲ давлатлари бошлиқлари Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислик қилди.

20 март. Киевда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги Протокол имзоланди.

20 март. 1992 йил 13 мартда Пекинда имзоланган Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги ўртасида маслаҳатлашувлар ўтказиш тўғрисидаги Протокол, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ХХР ҳукумати ўртасида темирйўл транспорти соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Протокол, Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси бошқармаси билан ХХР фуқаро авиацияси бошқармаси ўртасидаги музокаралар тўғрисидаги Протокол имзоланди.

21 март. 1992 йил 13 мартда Пекинда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасида капиталларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисидаги Битим, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ХХР ҳукумати ўртасидаги ҳамжиҳатлик Протоколи, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ХХР ҳукумати ўртасида ХХР дан Ўзбекистонга товар етказиб бериш учун давлат кредити бериш тўғрисидаги Битим, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро Ўзбекистон-Хитой комиссиясини тузиш тўғрисидаги Битим эълон қилинди.

24 март. 1992 йил 13 мартда Пекинда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси Алоқа вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Протокол, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ХХР ҳукумати ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, туризм ва спорт соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим, Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадиоэшиттириш компанияси билан ХХР кинематография, телевидение ва радиоэшиттириш вазирлиги ўртасидаги аҳдлашувлар тўғрисидаги Протокол, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан Хитой банки ўртасида банклараро битим, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — Ўзахборот билан ХХР Давлат ахборот агентлиги ўртасида ахборот алмашиш ва ҳамкорлик тўғрисидаги Протокол эълон қилинди.

24 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистонга ташриф буюрган Сурия Араб Республикаси ташқи ишлар вазири Фарук ал Шароз бошчилигидаги Сурия Араб Республикаси ҳукумат делегациясини қабул қилди.

25 март. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар Миллий уюшмасини тузиш тўғрисида” Қарор қабул қилди.

Ушбу уюшма хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти ҳамда хориждаги ватандошлар билан алоқалар бўйича “Ватан” жамияти асосида ташкил этилди.

8 апрель. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Швеция Қироллиги ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги Битим имзоланди.

11-13 апрель. Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси расмий ташриф билан Саудия Арабистонида бўлди.

14-15 апрель. АҚШ конгресси комиссияси аъзоси Денис де Консини бошчилигидаги сенаторлар делегацияси Ўзбекистонда бўлди. Бу Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин Америка делегациясининг биринчи расмий ташрифи эди. Меҳмонлар Республика парламентида бўлдилар, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. М. Йўлдошев, Бош вазир А. М. Муталов билан учрашдилар, Самарқандда бўлдилар.

16 апрель. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдуҳошим Муталов Туркия давлат вазири Икром Жайхун бошчилигидаги шу давлат сиёсий ва ишбилармон доиралари вакиллари делегациясини қабул қилди.

23 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бишкекда ўтказилган Ўрта Осиё ва Қозоғистон мустақил давлатлари бошлиқларининг учрашувида қатнашди.

24 апрель. Тошкентда “Ўзбекистон дўстлари” Ҳиндистон жамияти билан Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар ассоциацияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома имзоланди.

24 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Саудия Арабистонидаги “Даллоҳ ал-Барак” тижорат банки президенти шайх Солиҳ Абдуллоҳ Камолни қабул қилди.

27-28 апрель. Туркия Республикаси Бош вазири Сулаймон Демирэль бошчилигидаги расмий делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди.

28 апрель. Тошкентда Туркия Республикаси элчихонасининг очилиш маросими бўлди.

30 апрель. Ўзбекистон Республикаси Европа Тикланиш ва тараққиёт банки аъзоси бўлди.

Апрель. Шу ойда Ўзбекистон Республикасида расмий ташриф билан Бельгия Қироллигининг валиаҳд шаҳзодаси Филипп, Мадагаскар элчиси С. Р. Рабе, Швеция элчиси К. О. Эрьян Бернер, Москвадаги папа нунцийси архиепископ Ф. Коласуонно, Туркия Ташқи ишлар вазирлиги делегацияси, ЮНЕСКО Бош директорининг шахсий вакили Л. Маркес, Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссарнинг минтақавий вакили, “Халқаро афв этиш” ташкилотининг Бош котиби Л.Мартин ва бошқалар бўлдилар.

1 май. Бу вақтга келиб, Ўзбекистон Республикаси 29 давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш бўйича ҳужжатларга имзо чекди, бу давлатлар: Австралия, Австрия, Бельгия, Венгрия, Вьетнам, Греция, Миср, Исроил, Ҳиндистон, Испания, Италия, Хитой, КХДР, Малайзия, Мексика, Монголия, Янги Зеландия, Оммон, Польша, Россия, Саудия Арабистони, АҚШ, Туркия, Финляндия, Франция, ГФР, Швеция, Япония.

8 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Финляндиянинг Москвадаги элчиси Эркии Тииликайне бошчилигидаги Финляндия делегациясини қабул қилди.

8 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Миср Араб Республикаси Таълим вазири Ҳусайн Камол Баҳа ад-Дин бошчилигидаги мамлакат делегациясини қабул қилди.

9-10 май. Туркменистон пойтахти Ашгабадда Ўрта Осиё Республикалари, Қозоғистон, Эрон, Туркия ва Покистон давлатлари ва ҳукуматлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

13 май. Эрон Ислом Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Туркия Республикаси, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ўзаро манфатли лойиҳаларни амалга оширишда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим, шунингдек, бу давлат бошлиқларининг 10 майда Ашгабадда имзоланган Қўшма Баёноти эълон қилинди.

15 май. Тошкентда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

25 май. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Яман Араб Республикаси ўртасида элчилар даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида Битим имзоланди.

29 май. Тошкентда Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Баҳрайн Давлати ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги Қўшма Протокол имзоланди.

30 май. Москвада икки мустақил давлат — Ўзбекистон билан Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатлар асослари тўғрисидаги Шартнома имзоланди.

16-23 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея, Малайзия ва Индонезия Республикаларига ташриф буюрди.

24 июнь. Туркистон шаҳрида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашуви бўлиб ўтди. Улар тарихда биринчи марта мустақил республикалар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома-ни имзоладилар.

27 июнь. Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф бошчилигидаги расмий делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди. Шу кун у Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан суҳбатлашди ва Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисидаги Шартнома ҳамда бошқа ҳужжатлар имзоланди.

28 июнь. Тошкентда Покистон Ислом Республикаси элчихонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

29 июнь-1 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркияга ташриф буюрди ва “Иқтисодий ҳамкорликнинг Қора денгиз минтақаси: Туркия ва Ўрта Осиё республикалари” мавзuidaги Умумжаҳон иқтисодий анжумани мажлиси ишида иштирок этди.

6 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари раҳбарларининг навбатдаги учрашувида иштирок этди.

8-10 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Финляндияга борди, бу ерда Президент Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши (ЕХҲК) ишида иштирок этди.

18 июль. Европа Кенгашининг Бош котиби Катрин Лалюмьер бошчилигидаги шу Кенгаш делегацияси Тошкентга келди.

22 июль. Тошкентда Россия Федерацияси Бош вазири А. Шохин бошчилигидаги Россия Федерацияси ва Ўзбекистон делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар якунида Ўзбекистон-Россия муносабатларини ривожлантиришга алоқадор Қўшма ахборот имзоланди. Шу куни Россия делегацияси аъзоларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қабул қилди.

25 июль. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши X сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта жамғармаси, Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро тараққиёт уюшмаси, Халқаро молия корпорацияси, Инвестицияларни кафолатлаш кўп томонлама агентлигига аъзо бўлиб кириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинди.

Июль. Бу ойда Ўзбекистонда Туркия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Мексика, Жазоир, Япония, Саудия Арабистони, Франция, Шри Ланка, Буюк Британия, Қувайт, Миср Араб Республикаси, АҚШнинг турли даражадаги делегациялари бўлди. Ўз навбатида, Ўзбекистондан ҳам йигирмага яқин турли даражадаги делегациялар Туркия, ХХР, АҚШ, Франция, Саудия Арабистони, Малайзия, Индонезия, Сингапур, КХДР, Эрон, Афғонистон, Германия, Венгрияда бўлиб, у ерларда Ўзбекистон Республикасини қизиқтирадиган масалалар бўйича музокаралар олиб бордилар.

11-18 август. Олий Кенгаш Раиси Ш.М.Йўлдошев бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши делегацияси расмий ташриф билан Ҳиндистон Республикасида бўлди.

13 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Покистон Ислом Республикасига расмий ташрифи бўлиб ўтди.

25-26 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси давлат делегациясининг Украинага расмий ташрифи бўлиб ўтди. Ташриф чоғида давлатлараро муносабатлар асослари тўғрисидаги, Украина билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, 1993 йилги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, икки мустақил давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги Протокол имзоланди.

Ташриф вақтида Украина Республикаси Президенти Леонид Кравчук Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина Президентининг Фахрий хурмат нишони билан тақдирланди.

27 август-4 сентябрь. Туркия Республикаси Буюк Миллат мажлиси Раисининг ўринбосари Фехли Ишиклер бошчилигидаги Туркия Республикасининг парламент делегацияси расмий дўстона ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

4 сентябрь. Ўзбекистон Халқаро Геология иттифоқига қабул қилинганлиги ҳақида хабар эълон қилинди.

7-12 сентябрь. Стокгольмда Парламентлараро иттифоқнинг 88-конференцияси бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши делегацияси ҳам иштирок этди. Ушбу конференцияда Ўзбекистон бу Халқаро ташкилот аъзолигига қабул қилинди.

11 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ривожланиш дастури делегациясини қабул қилди, делегацияга мазкур дастур маъмури, БМТ бош котиби ўринбосари Уильям Х. Дрейлер бошчилиж қилди.

17 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси билан Эстония Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди.

17 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг махсус вакили, БМТ махсус ишлар департаментининг директори Раймонд Соммереинсни қабул қилди.

18-20 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 кунлик амалий ташриф билан Австрия Республикасига борди.

29 сентябрь. Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Ақаев бошчилигидаги делегация расмий ташриф билан Тошкентга келди. Делегация Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан музокара-лар олиб борди, музокара-лар натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик тўғрисидаги Шартнома ҳамда икки мустақил давлат ўртасида ўзаро фойдали муносабатларни ривожлантириш тўғрисидаги бошқа ҳужжатлар имзоланди.

30 сентябрь. Финляндия Республикасининг Президенти Мауно Койвисто бошчилигидаги шу республика делегацияси расмий дўстона ташриф билан Ўзбекистон Республикасига келди.

Сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослаштирилган муассасаси — Халқаро Меҳнат ташкилоти (ХМТ)га расман қабул қилинди.

1 октябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Финляндия Республикаси Президенти Мауно Койвисто билан учрашуви бўлиб ўтди ҳамда Ўзбекистон билан Финляндия ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

9 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бишкекда бўлиб ўтган МДХ мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг саккизинчи учрашувида иштирок этди.

13 октябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Афғонистон Ислом Давлати бошлиғи Бурҳониддин Раббоний ўртасида олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтди. Шу куни Тошкентда “Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислом Давлати ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатиш тўғрисида”ги Протокол ва “Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислом Давлати ўртасида ҳамкорлик ва ҳаво йўлини очиш тўғрисида”ги Меморандум имзоланди.

17 октябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Ватикан ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида Коммюнике қабул қилинди.

25 октябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги Коммюнике имзоланди.

26 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг Халқаро ишлар бўйича молия вазири ўринбосари Тадао Чинони қабул қилди.

28 октябрь. Тошкентда Америка Қўшма Штатлари ҳукумати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга имкон яратадиган капитал қўйишга кўмаклашиш тўғрисида Битим имзоланди.

28-31 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси Туркияда бўлди, бу ерда Туркия Республикаси эълон қилинганлигининг 69 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда, шунингдек, туркий тили мамлакатлар давлат раҳбарларининг кенгашида иштирок этди.

4 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг “Тинчлик корпуси” ўртасида Битим имзоланди, унга кўра АҚШнинг “Тинчлик корпуси” маориф, олий таълим, кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришда ёрдам кўрсатиш учун ўз кўнгиллиларини Ўзбекистонга юбора бошлади.

16 ноябрь. Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида Ўзбекистонда БМТ ваколатхонасини очиш тўғрисидаги Битим имзоланди.

24-25 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Эрон Ислом Республикасига расмий ташриф буюрди.

26 ноябрь. Тошкентда Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Тунис Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги Протокол имзоланди.

Тунис Тошкентда ўз дипломатик ваколатхонасини очишга қарор қилган 61-давлат бўлди.

28 ноябрь. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари Ташқи ишлар вазирлиги Кенгашининг Исломободда бўлиб ўтган навбатдан ташқари

сессиясида Ўзбекистоннинг илгари Покистон, Эрон ва Туркия томонидан асос солинган ушбу минтақавий ташкилотга расман кириш маросими бўлди.

3 декабрь. Туркия Республикаси давлат вазири Меҳмет Батали бошчилигидаги Туркия давлат арбоблари ва парламент аъзоларининг расмий делегацияси Тошкентга келди.

9 декабрь. Гулистонда Сирдарё вилояти билан Туркия Республикасининг Адана вилояти ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома имзоланди.

15-17 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Миср Араб Республикасига расман ташриф буюрди. Ташриф чоғида Президент Ислом Каримовга Қоҳирадаги “Ал-Аҳзар” университети фан доктори фахрий унвони берилди. У ислом динини ҳимоя қилиш ва мусулмон олий ўқув юртлиари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун ушбу унвонга сазовор бўлди.

1993 ЙИЛ

1 январь. Шу вақтга келиб, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини 125 мамлакат тан олди. 66 хорижий давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

3-4 январь. Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда ушбу мустақил давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали иқтисодий ва инсонпарварлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш бўйича бир қатор масалалар муҳокама қилинди.

7 январь. Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

22 январь. Минскда Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

22 январь. Ўзбекистон Республикаси ихтисослашган муассаса — Бутунжаҳон Метеорология Ташкилоти аъзолигига қабул қилинди.

28 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Давосдаги Бутунжаҳон иқтисодий анжуманида иштирок этиш учун Швейцарияга ташриф буюрди.

15 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шаҳзода Раад Бен Зейд бошчилигидаги Иордания Ҳошимийлар Қироллиги расмий делегациясини қабул қилди.

15 февраль. Тошкентда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Иордания Ҳошимийлар Қироллиги ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги Протокол имзоланди.

18 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Татаристон Республикаси Бош вазири Муҳаммад Собиров бошчилигидаги ҳукумат делегациясини қабул қилди.

19 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов республикамитизга ташриф буюрган Украина Бош вазири Леонид Кучма бошчилигидаги шу мамлакат ҳукумат делегациясини қабул қилди. Суҳбат чоғида икки давлат ўртасида анъанавий алоқаларни ривожлантириш, улар ўртасида янги муносабатларни шакллантириш, истиқболли қўшма дастурларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

26 февраль. Тошкентга Озарбайжон Бош вазири ваколатларини амалга ошираётган Али Аҳмад ўгли Масимов бошчилигидаги шу давлат ҳукумат делегацияси ташриф буюрди.

19 март. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Вазирлар Кенгаши Раиси Виктор Черномирдин билан учрашди. Музокаралар чоғида молия ва кредит, маданият, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот алмашиш, геодезия ва картография, автотранспорт соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимлар имзоланди.

1-2 апрель. Малайзия Бош вазири Мохатхир бин Муҳаммад ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

4-7 апрель. Туркия Республикасининг Президенти Турғут Ўзол бошчилигидаги давлат делегацияси расмий дўстона ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

14-15 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси расмий давлат ташрифи билан Туркманистонда бўлди.

16 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Швейцария Конфедерацияси федерал маслаҳатчиси, молия вазири Отто Штих бошчилигидаги ҳукумат делегациясини қабул қилди.

16 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Минскда ўтказилган Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари раҳбарларининг навбатдан ташқари учрашувида иштирок этди.

20 апрель. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши (ЕХХК) нинг раиси, Швеция Қиролиги Ташқи ишлар вазири Маргарета аф Углас бошчилигидаги расмий делегацияси Ўзбекистонга келди. Делегацияни 21 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қабул қилди.

30 апрель. Тошкентда Германия элчихонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

5 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги мамлакатимиз делегациясининг Германия Федератив Республикасига расмий ташрифи муваффақиятли яқунланганлиги ҳақида хабар эълон қилинди.

14 май. Москвада Ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

23-25 май. Ҳиндистон Республикасининг Бош вазири Нарасимха Рао расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Ўзбек-ҳинд музокаралари якунларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирокида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисидаги Шартнома, Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида даромад ва мулкка икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик, ҳаво йўли, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги Битимлар, шунингдек, ҳамжиҳатлик тўғрисидаги Меморандум имзоланди.

27 май. Тошкентда Қирғизистон Республикасининг Президенти Асқар Ақаев бошчилигидаги ҳукумат делегацияси бўлди.

28 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Чимкент вилоятида бўлиб, XIX асрнинг буюк қозоқ арбоблари Тўлабий, Қозикбий, Айтекебийлар хотирасига бағишланган тантаналарда иштирок этди.

8 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Нидерландия Қиролигига расмий-амалий ташрифи бошланди. Тўрт кунлик ташриф якунида давлатлараро муносабатлар принциплари тўғрисида Декларация ҳамда савдо, иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида Протокол имзоланди.

10 июнь. Тошкентда Ташқи ишлар вазирлигида республикаимиз томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ривожланиш дастурини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

11 июнь. Ўзбекистонга парламент раиси Ян Хен Соб бошчилигидаги КХДР Олий халқ мажлиси делегацияси расмий ташриф билан келди.

18 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Форуми фонд” Халқаро Иқтисодий ташкилотининг Швейцарияда бўлиб ўтган IV сессиясида нутқ сўзлади.

1 июль. Ўзбекистон Республикаси “Компас” жаҳон иқтисодий ахборот тизимига қўшилганлиги ҳақида хабар эълон қилинди.

6 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Истамбулда бўлиб ўтган олий даражадаги кенгаши ишида иштирок этди.

17 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк Британия қироличаси Елизавета Иккинчининг қизи малика Анна зоти олияларини қабул қилди.

20 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистонга расмий ташриф билан келган Германия Федератив Республикаси Бундестаги делегациясини қабул қилди.

20 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили этиб тайинланган Холид Башир Маликни қабул қилди. Холид Малик давлат раҳбарига ишонч ёрлигини топширди.

28 июль. Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти билан Туркиянинг Кўния вилояти ўртасида дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тўғрисида Шартнома имзолангани тўғрисида хабар эълон қилинди.

28 июль. Алматида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув чоғида икки давлат ўртасида ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштиришга оид ҳужжатлар имзоланди.

30 июль. Ўзбекистонга Хитой Халқ Республикаси халқ вакиллари Бутунхитой мажлиси делегацияси расмий ташриф билан келди. Унга халқ вакиллари Бутунхитой мажлиси раисининг ўринбосари Темур Давомат бошчилиқ қилди.

31 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жамоат ва сиёсий арбоб, Халқаро ҳуқуқшунослар компанияси Президенти Эндрю Янг бошчилигидаги Америка ишбилармонлари делегациясини қабул қилди.

Июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда алоҳида ҳисса қўшганлиги учун Американинг Нью-Жерси штатининг фахрий фуқароси этиб сайланди.

6 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДХ давлатлари раҳбарларининг Москвада бўлиб ўтган учрашувида иштирок этди.

14 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўш вилоятида амалий ташриф билан бўлиб, Қирғизистон Президенти Асқар Ақаев билан учрашди. Давлат раҳбарлари 1994—2000 йилларда икки республика иқтисодиётини интеграциялашни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги Декларацияни имзолашди.

16 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Туркия Республикаси дин ишлари бўйича вазири Меҳмет Нури Йилмаз бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

21 август. Эрон Ислом Республикаси Президентининг шахсий вакили, ЭИР Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари М.Воизий Тошкентда бўлганлиги ҳақида хабар эълон қилинди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қабул қилди.

8 сентябрь. Наманганда Ўзбекистон Республикасининг Наманган, Андижон, Фарғона вилоятлари билан Қирғизистон Республикасининг Жалолобод ва Ўш вилоятлари ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома имзоланди.

8 сентябрь. Тошкентда Европа ҳамжамияти комиссиясининг Ўзбекистондаги техникавий кўмаклашувни мувофиқлаштириш бюроси очилди.

9 сентябрь. Москвада Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида Ўзбекистон билан Аргентина ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида Протокол имзоланди.

9 сентябрь. Истамбулда турк ва рус тилларида “Ипак йўли” журналининг тўртинчи сони чиққанлиги ҳақидаги хабар эълон қилинди. Журналининг ушбу сони бутунлай Ўзбекистон Республикасига бағишланган.

10 сентябрь. Ҳиндистонда биринчи бор ўтказилган “Ўзбекистон ҳақида нимани биласиз?” танлови якунларига кўра, Ўзбекистонни энг яхши билувчи деб деҳқилик журналист Кришнан Пармешваран Наяр топилганлиги ҳақидаги хабар эълон қилинди. Мукофот тариқасида унга Ўзбекистон бўйлаб етти кунлик бепул сайёҳат қилиш учун йўлланма берилди.

24 сентябрь. Москвада МДХ давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди, унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов иштирок этди.

26-28 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлади.

Сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон тарихида биринчи бор Халқаро Валюта фондининг доимий ваколатхонаси очилди.

Сентябрь. Ўзбекистон Халқаро Молия корпорацияси (ХМК) аъзолигига қабул қилинди.

11 октябрь. Москвада Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида Ўзбекистон билан Марокко Қироллиги ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида ҳужжат имзоланди.

15 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Буюк Британиянинг Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари бўйича давлат вазири Даллас Хоггни қабул қилди.

18-20 октябрь. Эрон Ислоҳ Каримовнинг Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжоний бошчилигидаги ҳукумат делегациясининг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланди.

24 октябрь. Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Кунига ҳамда ушбу Халқаро ташкилотнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси расмий равишда очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

27-30 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Францияга давлат ташрифи бўлиб ўтди.

4 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси билан Франция Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартнома эълон қилинди.

5 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Франция Республикаси ҳукумати ўртасида маданий, илмий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида 27 октябрда Парижда имзоланган Битим эълон қилинди.

9 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Франция Республикаси ҳукумати ўртасида инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳамоялаш тўғрисида 1993 йил 27 октябрда Парижда имзоланган Битим эълон қилинди.

10 ноябрь. Алматида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев ўртасида икки давлатнинг интеграцияга оид алоқалари ва келишилган иқтисодий сиёсати билан боғлиқ масалалар юзасидан музокаралар бўлиб ўтди.

11 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон ва Россиянинг солиқ хизматлари ўртасида Битим имзоланди. Бу МДХ мамлакатлари ўртасида икки томонлама тузилган биринчи Битимдир.

22-25 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қиролигига расмий-амалий ташриф билан борди.

13-14 декабрь. Беларусь Республикаси Олий Кенгаши Раиси Станислав Шушкевич расмий-амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

23-24 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДХ давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Ашгабадда ўтказилган учрашувида иштирок этди.

1994 ЙИЛ

3-5 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳиндистонга давлат ташрифи билан борди. Уч кунлик ташриф давомида ўзбек-ҳинд муносабатларини янада кенгайтиришга қаратилган бир қанча битимлар, шу жумладан, савдо-иқтисодий, маданий соҳадаги, почта алоқаси ва телекоммуникациялар, фан ва техника соҳасидаги Битимлар имзоланди.

4 январь. Деҳлида Жавоҳарлал Неру номидаги Деҳли университети профессор ва ўқитувчиларининг Ислом Каримовга “Юриспруденция доктори” фахрий даражасини бериш маросимида бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президентининг Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш соҳасидаги хизматлари ана шундай тақдирланди.

8 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Покистон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазири Сардор Асиф Аҳмад Алини қабул қилди.

10 январь. Тошкентда Нурсултон Назарбоев ҳамда Ислом Каримов бошчилигидаги Қозоғистон ва Ўзбекистон давлат делегациялари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасида ягона иқтисодий макон яратиш тўғрисидаги Шартномани, Қозоғистон давлат делегациясининг ташрифи яқунлари бўйича Қўшма Ахборотни имзолашди. Шунингдек, илм-фан, маданият, соғлиқни сақлаш, туризм ва спорт соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида ҳукуматлараро Битим ҳамда бошқа ҳужжатлар имзоланди.

16 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги расмий делегация амалий ташриф билан Бишкекда бўлди.

Маънавийтни қайта тиклашга кўмаклашиш бўйича “Руҳоният” уюшмаси президенти Ислоҳ Каримовга “Халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатлик учун” халқаро мукофотни топширди.

27-31 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Швейцарияга ташриф билан борди. Бу ерда у Давосда бўлиб ўтган Бутунжаҳон иқтисодий анжуманининг йиллик мажлисида иштирок этди.

1 февраль. Ўзбекистоннинг Россия Федерациясидаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси билан Замбия ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

2-5 февраль. Вьетнам Социалистик Республикасининг ташқи ишлар вазири Нгуен Мань Кам Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюрди. Ташриф давомида Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасида алоқаларни ривожлантириш, шу жумладан, савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида музокаралар олиб борилди. 3 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Нгуен Мань Камни қабул қилди.

4 февраль. Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб Автомобиль транспорти Халқаро Уюшмаси (АТХУ)га аъзо бўлгани тўғрисида хабар эълон қилинди. Республикамиз бу жаҳон ташкилотига унинг Женевада бўлиб ўтган конгрессида қабул қилинди.

22 февраль. Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов бошчилигидаги Тожикистон Республикаси делегацияси меҳмон бўлди. Делегация Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов билан Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш масалалари бўйича музокаралар олиб борди.

24 февраль. Ўзбекистон Республикаси Бутунжаҳон почта Уюшмаси аъзоси бўлди.

28 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти бош қотиби Вильгельм Хоинкни қабул қилди.

2-3 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Россия Федерациясига расмий давлат ташрифи бўлиб ўтди. Россия Президенти Борис Ельцин билан олиб борилган музокаралар якуналари бўйича иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида Шартнома, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлаш тўғрисида Декларация, бошқа ҳужжатлар имзоланди.

6 март. Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги Декларация эълон қилинди.

10 март. Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилиш тўғрисида Шартнома, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида Шартнома қабул қилинди.

14 апрель. Москвада МДХ давлатлари бошлиқларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов иштирок этди.

18-20 апрель. ХХР Давлат Кенгаши бош вазири Ли Пэн расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов билан музокаралар олиб борди.

25-27 апрель. Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттераннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи бўлиб ўтди. Унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов билан олиб борган музокаралари натижасида икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Битим, фуқароларнинг эркин бориб-келиши тўғрисида Битим, Ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Декларация имзоланди.

29-30 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Қирғизистон Республикаси билан қисқа муддатли ташриф билан борди ва у ерда Қирғизистон Президенти Асқар Ақаев ҳамда Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан музокаралар олиб борди.

Апрель. Тошкентда Марказий Осиё давлатлари, Швеция, Руминия, Непаль ва бошқа давлатлар Қизил Яримой жамиятлари миллий жамиятлари тажрибалари асосида Ўзбекистон Қизил Яримой жамиятини ривожлантириш муаммолари бўйича Халқаро семинар бўлиб ўтди.

Апрель. Боннда (ГФР) “Қозоғистон ва Ўзбекистон: мустақиллик муаммолари ва истиқболлари” мавзуида илмий конференция бўлиб ўтди.

12 май. Ҳиндистонда Ўзбекистон туризми кунлари бошланди.

16-19 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов расмий ташриф билан Японияда бўлди.

21 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, наркотик моддаларнинг тарқатилиши ва фойдаланилиши устидан назорат ўрнатиш бўйича БМТ Халқаро дастурининг ижрочи директори Жоржио Жакомеллини қабул қилди.

24 май. Тошкентда Қозоғистон элчихонаси очилди.

24 май. Бухорода биродарлашган Бухоро ва Қарағанда шаҳарлари ўртасида иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди.

28 май-4 июнь. Ўзбекистон делегацияси Қўшилмаслик ҳаракати аъзолари бўлган мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг XI конференцияси ишида иштирок этди.

30 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари Марек Гоулдингни қабул қилди.

3 июнь. Эрон Ислон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Муртазо Сармадий амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

4-6 июнь. Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам Ўзбекистонга ташриф буюрди. Унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов билан олиб борган расмий музокаралари натижасида маданий соҳада ҳамкорлик қилиш ва икки давлат ўртасида ҳаво йўлини очиш ҳақида Битимлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

23-24 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов расмий ташриф билан Туркияга борди. Ташриф чоғида мамлакатимиз Президенти билан Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирель ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

4 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Пересни қабул қилди. Суҳбат жараёнида Ўзбекистон билан Исроил ўртасида соғлиқни сақлаш, туризм, енгил саноат соҳасидаги ўзаро манфаатли ва тенгҳуқуқли ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари ҳамда ўзаро мутахассислар алмашиш масалалари муҳокама қилинди.

8 июль. Алматида Ўзбекистон, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув чоғида Марказий Осиё ҳамкорлик ва ривожлантириш банкини таъсис этиш тўғрисида Битим, шунингдек, аҳоли кўчиши соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида Меморандум, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси халқларига Мурожаатнома ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

28-31 июль. Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Салмон Ҳайдар Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди.

Июль. Ўзбекистоннинг Россия Федерациясидаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси билан Кувайт давлати ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

10 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Эрон Ислоҳ Республикаси ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятини қабул қилди.

15 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Р. Олтунбоевни қабул қилди.

19 август. Москвада Ўзбекистон билан Грузия Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш ҳақида Протокол имзоланди.

23 август. Москвада Ўзбекистоннинг Россия Федерациясидаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси билан Молдова Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш ҳақида Протокол имзоланди.

25 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Андрей Козирев бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

29 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов БМТнинг Европа ва МДҲ мамлакатлари бўйича дастури департаменти директори Антон Круидеринкни қабул қилди.

1 сентябрь. Боннда (ГФР) Ўзбекистон Республикасининг Европада биринчи элчихонаси очилди.

14-15 сентябрь. Фаластин Озодлик Ташкилоти ижроия кўмитасининг Раиси Ёсир Арофатнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи бўлиб ўтди. Меҳмонни давлатимиз бошлиғи Ислом Каримов қабул қилди.

15 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида Ўзбекистон билан Чили Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

15 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистондаги зарур инсонпарварлик эҳтиёжларини таъминлаш юзасидан БМТ дастурини амалга ошириш учун Швейцария ҳукумати бир миллион АҚШ доллари ўтказганлиги тўғрисидаги биринчи Битим имзоланди.

16 сентябрь. Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида Ўзбекистон билан Чад Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида ҳужжат имзоланди.

28 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши (ЕХХК) Бош котиби Вильгельм Хоинкни ҳамда ушбу ташкилот катта мансабдор шахслари Кўмитаси ижрочи раиси Пауло Брунини қабул қилди.

28-30 сентябрь. Тошкентда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши умумий муаммоларига бағишланган Халқаро семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов семинар қатнашчиларига табрик йўллади.

8 октябрь. Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов бошчилигидаги Тожикистон давлат делегацияси расмий амалий ташриф билан Тошкентда бўлди. Делегация Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашди. Бўлиб ўтган музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги Декларация имзоланди.

14 октябрь. Интерпол Бош ассамблеясининг 63-сессиясида Ўзбекистон ушбу жиноят-қидирув полицияси Халқаро ташкилотига қабул қилингани тўғрисида хабар эълон қилинди.

18-19 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркияга ташриф буюрди ва туркий тилли давлатлар раҳбарларининг бўлиб ўтган учрашувида иштирок этди.

21 октябрь. Москвада МДҲ давлатлари раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди.

24-26 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасига борди.

28 октябрь. Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш принциплари ва ўзаро иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида Декларация эълон қилинди. Ушбу

Декларацияни 1994 йил 24 октябрда Пекинда икки давлат раҳбарлари — Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ва ХХР Раиси Цзян Цзэминь имзолашган.

5 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов МДХ мамлакатларига нисбатан АҚШ сиёсатининг бош мувофиқлаштирувчиси Жеймс Коллинз бошчилигидаги АҚШ делегациясини қабул қилди.

8-10 ноябрь. Тошкентда БМТ томонидан ташкил этилган “Ўзбекистонда миллий ва халқаро ноҳукумат ташкилотлар: шерикчиликнинг ўрнатилиши” мавзuida Халқаро семинар бўлиб ўтди. Семинарда Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда АҚШ, ГФР, Буюк Британия, Япониядан бир қатор ноҳукумат ташкилотлари раҳбарлари, Тошкентдаги хорижий элчихоналар ходимлари иштирок этдилар.

10-11 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов расмий ташриф билан Украинада бўлди. Украина Президенти Леонид Кучма билан бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Украина Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ҳақидаги Декларация, икки мамлакат ўртасидаги мулклар ва даромадлардан икки томонлама солиқ олмаслик ҳақидаги, шунингдек, маданий ҳамкорлик ҳақидаги Битимлар имзоланди.

21-23 ноябрь. Афғонистон Ислон Давлатининг ташқи алоқалар бўйича давлат вазири доктор Н. Лафрон бошчилигидаги делегацияси Ўзбекистонда бўлди.

5 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Будапештда бўлиб ўтган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши мажлисида иштирок этди.

7 декабрь. Нью-Йоркда Ўзбекистон Республикаси билан Мальдив Республикаси ўртасида дипломатик муносабат ўрнатиш ҳақидаги Коммюнике имзоланди.

15 декабрь. Шанхайда Шанхай билан Тошкент ўртасида биродарлашган шаҳарлар мақомини белгилаш тўғрисида Битим имзоланди.

19 декабрь. Тошкентда ЮНИСЕФ билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида Ўзбекистоннинг БМТнинг ривожланаётган давлатларга ёрдам кўрсатадиган Халқаро болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)га аъзо бўлиб киришини назарда тутадиган Битим имзоланди.

21-23 декабрь. Беларусь Республикасининг Президенти А. Г. Лукашенко бошчилигидаги давлат делегацияси расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

1995 ЙИЛ

9 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти бош қотиби Вильгельм Хоинкни қабул қилди.

11-12 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Польшага борди.

16 январь. Ўзбекистон Республикаси билан Словакия Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

18 январь. Ўзбекистон Республикаси билан Югославия Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

27 январь-1 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Швейцариянинг Давос шаҳрида бўлиб ўтган анъанавий Бутунжаҳон иқтисодий анжуманда иштирок этди.

6 февраль. Ўзбекистон Республикаси билан Хорватия Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

9 февраль. Қозоғистон пойтахти Алмати шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси очилди.

10 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Алмати шаҳрида бўлиб ўтган МДХ давлатлари раҳбарлари учрашувида иштирок этди.

15-17 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди. Ташриф чоғида Ислом Каримовга Корея Республикасининг энг олий мукофоти — “Мугунхва” катта ордени топширилди.

Февраль. Тошкентда ноҳукумат ташкилот — Халқаро саховат корпусининг ваколатхонаси ишлай бошлади.

Февраль. Ашгабадда Ўзбекистон Республикаси элчихонаси очилди.

3 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Туркменистоннинг Тошхөвүз шаҳрида бўлиб ўтган Орол денгизи муаммоларига бағишланган конференциясида иштирок этди.

17 март. Исломободда (Покистон) Ўзбекистон Республикаси элчихонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

17 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Бош вазирининг ўринбосари Алексей Большаковни қабул қилди. Сўхбат давомида икки давлат ўртасидаги савдо, иқтисодий ва бошқа алоқаларни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

23 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти парламент ассамблеясининг вице-президенти, Германия Бундестаги депутати Вилли Виммерни қабул қилди.

30-31 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Молдова Республикасига борди.

6 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири Уильям Перри бошчилигидаги шу

мамлакат ҳарбий идораси делегациясини қабул қилди. Суҳбат давомида Ўзбекистондаги демократик ислоҳотларнинг бориши, АҚШ билан Ўзбекистоннинг ҳарбий-техникавий соҳадаги ҳамкорлиги ва мудофаа, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, НАТОнинг “Тинчлик йўлидаги шериклик” дастурида Ўзбекистоннинг иштирок этиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

8-10 апрель. Индонезия Республикаси Президенти Сухарто расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

11-13 апрель. Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Роман Герцог давлат ташрифи билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

14 апрель. Чимкент шаҳрида (Қозоғистон) Марказий Осиёдаги уч давлат раҳбарлари — Қозоғистон Президенти Н. А. Назарбоев, Қирғизистон Президенти А. А. Ақдєв, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовларнинг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди.

8-9 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб Москвада бўлиб ўтган байрам тантаналарида иштирок этди.

10 май. Ўзбекистон ва Покистон Ислом Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

16 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Словакия Республикаси ҳукумати раисининг ўринбосари, молия вазири Сергей Козлик раҳбарлигидаги шу мамлакат делегациясини қабул қилди.

22-23 май. Покистон Бош вазири Беназир Бхутто расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

26 май. Минскда МДХ давлатлари ва ҳукуматлари раҳбарларининг навбатдаги 17-учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги делегация иштирок этди.

6-7 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Латвия Республикасида бўлди.

7-8 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Литва Республикасида бўлди.

20-21 июнь. Украина Президенти Леонид Кучма расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Украина Президенти Леонид Кучма ўртасидаги музокаралардан сўнг икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги Декларация, шунингдек, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисидаги Шартнома имзоланди.

4-8 июль. Оттавада (Канада), Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеясининг тўртинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг раиси Э. Халилов бошчилигидаги Ўзбекистон парламенти делегацияси иштирок этди.

9-10 июль. Туркия Республикаси Бош вазири Тансу Чиллер расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

26-28 июль. Россия Федерацияси ҳукуматининг раиси Виктор Черномирдин расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

26 август. Тошкентда ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор бошчилигидаги расмий делегация билан Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияси аъзолари учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув чоғида Ўзбекистон ҳукумати билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди.

28 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов туркий тилларда сўзлашадиган давлатлар раҳбарларининг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги учрашувида ва қирғиз эпоси “Манас”нинг 1000 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этди.

31 август. Ўзбекистон Куролли Кучлари бўлимлари жангчиларининг йигирма кундан зиёд вақт давомида АҚШнинг Луизиана штатидаги Форт-Полк полигонидида “Тинчлик йўлидаги шериклик” дастури доирасида бўлиб ўтган “Ҳамкорлик дурдониси-95” деб номланган халқаро қўшма ўқув машғулотларида қатнашганликлари тўғрисида хабар эълон қилинди.

4 сентябрь. Ўзбекистон хотин-қизлари делегацияси Пекинда очилган хотин-қизлар масалалари тараққиёти бўйича Халқаро анжуман — хотин-қизларнинг “Тенглик, тараққиёт ва тинчлик учун ҳаракати” IV Бутунжаҳон конференцияси ишида иштирок этди.

4 сентябрь. Грузия Республикаси давлатининг раҳбари, парламент раиси Эдуард Шеварднадзе расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон билан Грузия расмий делегациялари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Грузия давлатининг раҳбари икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани имзоладилар.

15-16 сентябрь. Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Халқаро семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Семинар-кенгашда БМТ, ЕХҲҚ, Ислом конференцияси ташкилоти, БМТ Хавфсизлик Кенгашида иштирок этувчи мамлакатлар, МДҲга аъзо бўлган мамлакатлар делегациялари, Марказий Осиё давлатлари, шунингдек, уларга қўшни бўлган давлатлар вакиллари иштирок этдилар.

18-20 сентябрь. Нукусда Орол денгизи ҳавзасидаги давлатларнинг барқарор ривожланиши масалаларига бағишланган Халқаро конференция бўлиб ўтди. БМТ ҳомийлигида ўтган ушбу анжуманда АҚШ, Австралия, Австрия, Буюк Британия, Бельгия, Италия, Испания, Канада, Россия, Туркия, Франция, Япония, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар, Марказий Осиёдаги Республикалар вакиллари қатнашди.

19 сентябрь. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Президентлар Нурсултон Назарбоев ва Ислам Каримов ўртасида бўлган суҳбат чоғида икки Республика ўртасидаги иқтисодий интеграцияни кучайтириш тўғрисида фикрлашиб олинди.

23 сентябрь. Хитойнинг Шаньси вилояти бош шаҳри — Тайюанда Ангрен ва Датун шаҳарларининг биродарлашуви ҳақидаги Шартнома имзоланганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди.

2 октябрь. Москвада Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги Протокол имзоланди.

Ана шу элчихонада бундан бирмунча олдин Ўзбекистон Республикаси билан Камбоджа Қироллиги ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги Протокол имзоланган эди.

6 октябрь. Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида Ўзбекистон билан Руминия ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш ҳақидаги Протоколни имзолаш маросими бўлди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси билан Сенегал Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги қўшма Коммюнике имзоланди.

10 октябрь. Тошкентда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг Марказий Осиё давлатлари билан алоқалар бўйича минтақавий бюроси очилди.

10-11 октябрь. Тожикистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари М.Убайдуллаев бошчилигидаги Республика ҳукумат делегацияси Ўзбекистонда бўлди. Музокаралар жараёнида Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасидаги муносабатларни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги Меморандум имзоланди.

11 октябрь. Ўзбекистонга келган Тунис ҳукумат делегацияси аъзолари “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясига ташриф буюришди, у ерда ҳамжиҳатлик тўғрисида Меморандум имзоланди.

12 октябрь. Тошкентда бош қароргоҳи Женевада жойлашган Бутунжаҳон черковлар Кенгаши ҳомийлигида Халқаро христиан ва мусулмонлар конференцияси ўз ишини якунлади.

18-20 октябрь. Картахен шаҳрида (Колумбия) Қўшилмаслик ҳаракатида иштирок этувчи мамлакатлар давлат ҳукумат раҳбарларининг XI конференцияси бўлиб ўтди, унда Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А.Қосимов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳам иштирок этди.

22-24 октябрь. Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 50-сессиясининг тантанали мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислам Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси иштирок этди.

27 октябрь. Ўзбекистон Республикасининг Москвадаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси билан Арманистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги Протокол имзоланди.

Октябрь. Ўзбекистон вакиллари Қоҳирада бўлиб ўтган Бутунжаҳон туристик ташкилотининг (БТТ) ўн биринчи Бош ассамблеяси ишида қатнашдилар. Бу ассамблеяда бизнинг Республикамиз атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Ижрочи Қўмита аъзоси қилиб сайланди. Шунингдек, Республикамиз вакилига БТТнинг Европа бўйича Минтақавий комиссияси раисининг ўринбосари фахрий лавозими берилди.

11 ноябрь. Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бхутто расмий амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Беназир Бхуттонинг учрашуви чоғида минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Шунингдек, Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги иқтисодий, маданий ва савдо алоқаларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

14 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхона ва халқаро ташкилотларнинг иш шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармон чиқарди.

14-16 ноябрь. Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси расмий ташриф билан Германияда бўлди.

15 ноябрь. Штутгард шаҳридаги (ГФР) “Линден-музей”да “Буюк Ипак йўли ворислари: Ўзбекистон” кўргазмаси очилди. Унинг очилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Германия Федерал Президенти Роман Герцог иштирок этишди.

15 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Конрад Аденауэр номли жамғарма томонидан ташкил этилган “Олий Мажлис мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бораётган ўтиш даврида” мавзуида амалий конференция бўлиб ўтди.

22 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистонга амалий ташриф билан келган Молдова Бош вазири Андрей Сангелини қабул қилди.

4 декабрь. Андижонда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Ақаев билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда икки мамлакат ўртасида икки томонлама алоқаларни кенгайтириш ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

15 декабрь. Жамбулда (Қозоғистон) Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Давлатлараро Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда

ушбу Республикалар президентлари Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев ва Асқар Ақаев ягона иқтисодий макон аъзолари бўлган учта қардош давлатнинг 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган иқтисодий интеграция дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши жараёни қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида фикр алмашдилар. Шунингдек, улар бутун ҳаётини Туркистон халқларининг бирлиги ва озодлиги учун курашга бағишлаган туркий халқларнинг довжорак ўғлони Турор Рискулов ҳайкалининг тантанали очилиш маросимида иштирок этдилар.

15 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлатимизга амалий ташриф билан келган Литва Республикаси Бош вазири Адольфас Шлежявичюсни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Литва ўртасида саноат ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, сиёсий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик, Ўзбекистоннинг республика халқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида Литва ютуқларидан фойдаланиш имкониятлари ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

1996 ЙИЛ

4 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Грузия Республикаси Ташқи ишлар вазири, Грузия Республикаси Президентининг махсус вакили Георгий Бурдулини қабул қилди. Суҳбат чоғида аввал имзоланган ҳукуматлараро ҳужжатларни ҳаётга жорий этиш билан боғлиқ ва икки мамлакат муносабатларига доир бошқа масалалар муҳокама қилинди.

5 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Буюк Британия ташқи ишлар ва Ҳамдўстлик ишлари вазири Малкольм Рифкиндни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

10-13 январь. Венада ЕХҲТ парламент ассамблеяси Доимий Кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди, унинг ишида Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

16 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан Туркменистонга борди. Ислом Каримовнинг Туркменистон Президенти Сапармурод Ниёзов билан Чоржўйдаги музокаралари чоғида ҳар иккала мустақил давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг янада ривожланишини таъминлашга даъват этилган бир қатор давлатлараро ва ҳукуматлараро Шартнома ва Битимлар имзоланди.

19 январь. “Таймс” (Буюк Британия) газетасининг тўлалигича Ўзбекистонга бағишланган 40 саҳифалик иловаси босилиб чиқди. Унда мустақилликка эришгандан кейин мамлакатимизда амалга оширилган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар хусусида ҳикоя қилинган, мамлакат тарихи ва маданияти тўғрисида рангли суратлар билан безатилган мақолалар эълон қилинган.

19 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Москвада бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар бошлиқларининг Кенгаши мажлисида иштирок этди.

25 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистондаги қайта қуриш давридан кейинги ниҳоятда мураккаб сиёсий вазиятда тинчликни сақлаб қолиш ва миллатлараро низоларнинг олдини олиш борасидаги ишга қўшган буюк ҳиссаси учун Халқаро Фан, таълим, саноат ва санъат Академиясининг фахрий аъзоси этиб сайлангани ҳақидаги хабар эълон қилинди. Халқаро Фан, таълим, саноат ва санъат Академияси турли мамлакатлар вакиллари томонидан АҚШнинг Калифорния штатида ташкил этилган бўлиб, олимлар, сиёсий арбоблар ва маданият арбобларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириб туради.

26 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг Марказий Осиёдаги Минтақавий бюроси раҳбари Алоис Резникни қабул қилди. Суҳбат чоғида ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш, Тошкентда ЕХХТ ва БМТ ҳамкорлигида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний тарқатилишига қарши курашиш ва бошқа муаммолар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

28 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Е. Примаков, мудофаа вазири П. Грачев, МДҲга аъзо бўлган мамлакатлар билан ҳамкорлик бўйича вазир В. Серовни қабул қилди. Учрашувда ҳар икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

2-6 февраль. Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Давос шаҳрида (Швейцария) бўлиб ўтган Бутунжаҳон иқтисодий анжумани ишида иштирок этди.

6 февраль. Лозаннада, Халқаро Олимпия кўмитаси бош қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Олимпия олтин орденини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

6-13 февраль. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов бошчилигидаги делегацияси Бонн, Берлин, Эрфурт, Веймар, Потсдам шаҳарларида бўлиб, Германия Федератив Республикаси бундестаги ва ҳукумати томонидан ташкил этилган “Демократия ва Конституция” дастури доирасидаги 30 учрашув ва 15 маданий-маърифий тадбирларда қатнашди.

19 февраль. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А. Комилов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ривожланиш дастурининг Ион Попеску бошчилигидаги миссияси аъзолари билан учрашди. Учрашув жараёнида Ўзбекистоннинг БМТ билан инсон ҳуқуқлари, давлат бошқарувини такомиллаштириш, шунингдек, бу соҳаларда ишлаб чиқиляётган лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

22 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Е.Примаковни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамда минтақавий ҳамкорлик масалалари бўйича фикр алмашилди.

28 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятини қабул қилди. Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар масалалари, шунингдек, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўллари муҳокама қилинди. Али Акбар Вилоятий Ўзбекистон раҳбарига Эрон Ислом Республикаси Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжонийнинг мактубини топширди.

7 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг МДҲ мамлакатларидаги сиёсатини бош мувофиқлаштирувчиси, махсус топшириқлар бўйича элчи Жеймс Коллинз бошчилигидаги АҚШ делегацияси аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш масалалари бўйича фикр алмашилди.

7-8 март. Брюсселда Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида Битим тузиш бўйича музокараларнинг биринчи раунди бўлиб ўтди. Музокараларда Ўзбекистон делегациясига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов бошчилик қилди.

8 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ЕХҲТ Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси директори, элчи Одри Гловерни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистондаги сиёсий ва ижтимоий ислохотлар жараёнида демократик институтларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

15 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқаро валюта жамғармасининг ижрочи директори Даниэль Кейзер бошчилигидаги шу Халқаро молиявий ташкилот делегациясини қабул қилди. Учрашув чоғида Ўзбекистон билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар бўйича фикр алмашилди.

20 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан республикаимизга келган Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Пранаб Мукержини қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат муносабатларининг сиёсий-иқтисодий жиҳатларига, минтақавий хавфсизликни таъминлашга оид масалалар муҳокама қилинди. Пранаб Мукержи Президент Ислом Каримовга Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Раонинг мактубини топширди.

24-26 март. Анқарада (Туркия) туркий тилли давлатларнинг IV дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик курултойи бўлиб ўтди. Курултой ишида Олий

Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

25 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Франция Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Бош котиби Бертран Дюфурк бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чоғида савдо-иқтисодий, маданий, шунингдек, сиёсий соҳаларда шерикчиликни янада ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасида ўзбек-француз муносабатларини фаолаштиришда икки мамлакат салоҳиятларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

27-29 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов расмий ташриф билан Вьетнам Социалистик Республикасида бўлди.

5 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов АҚШнинг НАТОдаги доимий вакили — элчи Роберт Хантер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чоғида ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

5 апрель. Тошкентда Марказий Осиёда ягона иқтисодий макон яратиш тўғрисидаги Шартномани имзолаган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон мамлакатлари Бош вазирлари Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Бош вазирлар Кенгаши мажлисида интеграция жараёнини янада жадаллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

8 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Европа Иттифоқи Комиссияси комиссари Ханс Ван Ден Брук бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

17 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Американинг “Озод Европа” ва “Озодлик” радиокорпорацияси президенти Кевин Клозни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан “Озод Европа” ва “Озодлик” радиокорпорацияси ҳамкорлигига боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

21-24 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов расмий ташриф билан Францияда бўлди. Ташриф чоғида Ислон Каримов Франция Республикаси Президенти Жак Ширак билан учрашди. ЮНЕСКО Ижроия кенгаши сессиясида ҳамда ўзбек халқининг буюк фарзанди Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Парижда бўлиб ўтган “Темурийлар даврида фан, маданият ва таълим равнақи” ҳафталиги тадбирларида иштирок этди. Франциянинг энг муҳим иқтисодий марказларидан бўлмиш Лионга бориб, шаҳар маъмурияти ва ишбилармон доиралари билан учрашди.

23 апрель. Тошкентда “Марказий Осиё: ЕХҲТ доирасида кенг қамровли хавфсизлик ва минтақавий таҳдидлар” мавзuida симпозиум очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов симпозиум иштирокчиларига табрик йўллади.

29 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Япониянинг Сагигаки партияси раиси Масаеши Такемура бошчилигидаги деле-

гацияни қабул қилди. Учрашув чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги икки томонлама муносабатларни кенгайтириш, ҳамкорлик учун мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга эришиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

29 апрель. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи қўшма Қўмитасининг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисдан сўнг Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик ва шериклик тўғрисида Битим тузиш бўйича музокараларнинг иккинчи раунди бўлиб ўтди.

30 апрель. Алматида Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда БМТ ҳомийлигида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳарбий хизматчиларидан иборат тинчлик ўрнатувчи Марказий Осиё батальонини ташкил этиш тўғрисида Қарор қабул қилинди.

3 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов мамлакатимизга келган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош котиби ўринбосари, БМТнинг гиёҳванд моддалар устидан назорат қилиш бўйича дастури ижро этувчи директори Жюржио Жиаккомеллини қабул қилди.

3-4 май. Тошкентда гиёҳванд моддалар устидан назорат қилиш соҳасида ҳамкорлик бўйича Халқаро семинар-конференция бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё мамлакатлари, сайёрамиз бошқа минтақаларидаги давлатлар, шунингдек, халқаро ташкилотлар вакиллари бўлган икки юзга яқин мутахассис иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов семинар-конференция қатнашчиларига табрик йўллади.

3-6 май. Олий Мажлис раиси Э.Халилов бошчилигидаги Ўзбекистон парламенти делегацияси Корея Республикасида бўлди. Бу ерда делегация Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам, Миллий Мажлис спикери Н. Д. Хван, Корея парламентининг депутатлари билан учрашди, “ДЭУ моторс” заводига, селекция ва уруғчилик муаммолари билан шуғулланувчи илмий-ишлаб чиқариши хўжалигига ва бошқа бир қатор объектларга борди.

4 май. Бишкекда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Президентлари Ислоҳ Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Ақоевларнинг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув чоғида уч давлат ўртасида ташкил этилган ягона иқтисодий макон бўйича Шартноманинг бажарилиши, республикалар ўртасидаги ишлаб чиқариш кооперацияси, сув ва энергетика ресурсларидан биргаликда фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.

7-9 май. Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф билан Туркия Президенти Сулаймон Демирель келди. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ва Туркия Президенти Сулаймон Демирель бошчилигидаги расмий ҳукумат делегациялари музокаралари давомида Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартнома, ҳамкорлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

тўғрисидаги давлатлараро Битим, икки ёқлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисида Битим имзоланди.

13 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Эроннинг Машҳад шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатларини энг қисқа йўл орқали Форс кўрфази билан боғловчи Машҳад — Серахс — Тежен темир йўлининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

14 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ)га аъзо бўлган давлатлар бошлиқларининг Ашгабат шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги учрашувида иштирок этди.

16 май. Ўзбекистон Республикаси билан Венесуэла Республикалари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида Протокол имзолангани ҳақидаги хабар эълон қилинди.

17 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДХ аъзолари бўлган давлатлар бошлиқлари Кенгашининг Москвада бўлиб ўтган йигирманчи мажлисида иштирок этди.

22-24 май. Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманис расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

24 май. Ўзбекистон ва Латвия расмий делегациялари ўртасидаги музокаралар якунлангач, 23 майда Тошкентда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш ҳақида”ги Декларация эълон қилинди.

27-28 май. Президент Ислом Каримов Озарбайжон Республикасига расмий ташриф билан борди. Музокаралар тугагач, Президентлар Ислом Каримов ва Гейдар Алиев Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани имзоладилар. Шунингдек, йигирмага яқин ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисида, ҳаво, темир йўл ва автомобиль алоқалари ҳақида, юк ташиш тўғрисида, туризм, божхона ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик тўғрисида Битимлар бор. Боку Давлат университетида ташриф чоғида Президент Ислом Каримовга университетнинг фахрий доктори унвони берилгани тўғрисидаги диплом топширилди.

28-29 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Грузияга борди. Музокаралар тугагач, икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Президент Ислом Каримов ва Эдуард Шеварднадзе Ўзбекистон билан Грузия ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш тўғрисидаги Декларацияни имзоладилар. Бундан ташқари, ўн бешга яқин ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди. Молия-саноат гуруҳлари тузишнинг асосий қоидалари, ҳаво алоқаси ҳамда божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Битимлар, икки томонлама солиқ солинишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва мулкдан солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш тўғрисида Конвенция, фуқаролик.

оилавий ва жиной ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Шартнома шулар жумласидандир.

29 май. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) Бош директори Арпад Богшни қабул қилди. Суҳбат чоғида А. Богш Президент Ислон Каримовни жаҳон давлатлари бошлиқлари орасида биринчи бўлиб Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Олтин медали билан тақдирлаш тўғрисида ЖИМТ қарорини маълум қилди ҳамда Ислон Каримовга мукофотни топширди.

30 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти Ассамблеясининг президенти Франк Сваден бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

30 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ГФР ташқи ишлар Федерал вазири Клаус Кинкелни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ГФР ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Май. Ригада Ўзбекистон Республикасига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Ригада вакил қилинган дипломатик корпус ходимлари, бизнесменлар, журналистлар, Латвияда яшовчи минг кишига яқин ўзбеклар вакиллари кеча меҳмони бўлишди.

13 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Миср Араб Республикаси иқтисодий ва халқаро ҳамкорлик вазири Навал Абдел Мунейм ал-Татавийни қабул қилди. Меҳмон Ўзбекистон Президентига Миср Президенти Ҳусни Муборакнинг шахсий мактубини топширди. Учрашув чоғида Ўзбекистон билан Миср ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

13 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Президенти Жак де Ларозьер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

14 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Япониянинг чет эл иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси вице-президенти М. Куботни қабул қилди.

14 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Бельгиянинг расмий вакили, сенатор Роберт Урбен бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Бельгия Қиролиги ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

20-21 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Италия Республикасига ташриф буюрди.

21-22 июнь. Флоренцияда Европа Иттифоқи қатнашчилари бўлган мамлакатлар давлатлари ва ҳукуматлари раҳбарларининг олий даражадаги учра-

шуви бўлиб ўтди. Шу учрашув доирасида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик тўғрисида бир битимга келинди. Битимни мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов, Европа Иттифоқи Кенгаши Раиси бўлмиш Италия Вазирлар Кенгаши раиси Романо Проди, Европа Иттифоқи аъзолари бўлган 15 давлат ташқи ишлар вазирлари имзоладилар.

23 июнь. Бруней-Доруссалом султонлигининг Лондондаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси билан Бруней-Доруссалом ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида Қўшма Ахборот имзоланди.

23-28 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов АҚШга ташриф буюрди. 25 июнда бу ерда мустақил Ўзбекистон Президентининг АҚШ Президенти Билл Клинтон билан расмий учрашуви бўлиб ўтди.

2-3 июль. Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминь расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

5-9 июль. Стокгольмда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеясининг сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида Ўзбекистон Олий Мажлисининг Раиси Э.Халилов бошчилигидаги Ўзбекистон парламенти делегацияси иштирок этди.

18 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Корея Республикасининг сиёсий ишлар бўйича биринчи вазири Ким Ток Ленг бошчилигидаги шу мамлакат делегацияси аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

22 июль. Тошкентда ЮНФПА — БМТнинг Марказий Осиё ва Озарбайжон учун аҳоли ўрнашиш жамғармасининг ваколатхонаси очилиши маросими бўлиб ўтди.

9 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов бўлиб ўтган умумхалқ сайловида давлат бошлиғи лавозимига қайта сайланган Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг ўз вазифасини бажаришга киришувиغا бағишланган расмий маросимда иштирок этди.

12 август. Тошкентда “Марказий Осиёда минтақавий барқарорлик ва хавфсизлик” мавзуида Халқаро конференция иш бошлади. Унда Марказий Осиё мамлакатлари, Фарбий Европа Халқаро ташкилотлари, Ж. Маршалл номидаги Европа хавфсизлиги тадқиқотлари маркази делегациялари, НАТО, ЕХХТ вакиллари иштирок этишди.

14 август. Тошкентда Бутунжаҳон банкининг Иқтисодий ривожланиш институти томонидан ташкил этилган “Ижтимоий сиёсат, дастурлар ва лойиҳалар” мавзуидаги махсус семинарнинг учинчи қисми бошланди. Ушбу семинарнинг биринчи қисми Москвада, иккинчи қисми Вашингтонда ўтказилганди. Икки ҳафта давомида Тошкентда ўтказилган учинчи қисмида Беларусь, Грузия, Молдова, Мўғулистон, Озарбайжон, Тожикистон ва Туркменистон вакиллари иштирок этди.

23 август. Алматида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикаларининг давлатлараро кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгашга аъзо бўлган мамлакатлар раҳбарлари И. Каримов, Н. Назарбоев, А. Ақаев Марказий Осиёда интеграция жараёнларини янада чуқурлаштириш, ушбу мамлакатлар ташкил этган ягона иқтисодий маконни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Россия билан Тожикистонни ушбу Халқаро кенгашга кузатувчи сифатида қабул қилиш масаласи кўриб чиқилди.

Шу куннинг ўзида Алматидаги Республика саройида машҳур оқин Жамбул Жабаев таваллудининг 150 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди.

30 август. Американинг Шимолий Каролина штатидаги “Кемп Лежун” базасида “Кооператив оспрей-96” тинчликпарварлик машқлари яқунланди. Машқларда Ўзбекистон Куролли Кучлари жангчилари ўзбек-қозоқ-қирғиз “Марказосбат” батальони таркибида иштирок этишди.

5 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ЕХХТ Парламент Ассамблеясининг вице-президенти Вилли Виммерни қабул қилди. Сўхбат чоғида Ўзбекистоннинг ЕХХТ билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш, шунингдек, ЕХХТнинг Парламент Ассамблеяси билан ҳамкорлик, Марказий Осиё давлатларида тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

5 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Қирғизистон Республикаси бош вазири А.Жумагуловни қабул қилди. Сўхбат чоғида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукумат қўшма комиссиясини ташкил қилиш, ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, интеграцияни чуқурлаштириш, қўшма корхоналар ташкил қилиш, маданий алоқаларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

7 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Саудия Арабистони савдо-саноат палатасининг раиси Абдурахмон ал-Журайсий бошчилигидаги шу мамлакат бизнесменлари делегациясини қабул қилди. Учрашув чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

11 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов элчи Жан-Марк Булгарис бошчилигидаги ЕХХТ делегациясини қабул қилди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва ЕХХТ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Шу куннинг ўзида делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси бош вазири Ў.Султонов билан учрашдилар ҳамда Республика Олий Мажлисига ташриф буюрдилар.

16 сентябрь. Президент Ислом Каримов “Дойче банк АГ” банк бошқарувининг аъзоси Георг Крупп бошчилигидаги ГФР делегациясини қабул

қилди. Сухбат чоғида Ўзбекистон билан “Дойче банк АГ” ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, истиқболли лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш масалаларига оид фикрлар алмашилди.

16 сентябрь. Тошкентда “Ўзбектуризм” миллий компаниясида туризм бўйича МДХ мамлакатлари давлатлараро кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

16-21 сентябрь. Пекинда Парламентлараро кенгашнинг 96-конференцияси бўлиб ўтди. Унинг ишида Ўзбекистон Парламент делегацияси иштирок этди.

16 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина ташқи ишлар вазири Геннадий Удовенкони қабул қилди. Сухбат чоғида Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, шунингдек, МДХ доирасида халқаро муносабатлар ўрнатиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

20 сентябрь. Олий Мажлис раиси Э. Халилов Давлат мажлиси Раиси ўринбосари Тибор Фюзешти бошчилигидаги Венгрия Республикаси делегациясини қабул қилди. Сухбат чоғида Ўзбекистон билан Венгрия ўртасида парламентлараро алоқалар ўрнатиш ва ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

25 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония миллий нефть корпорациясининг президенти Кунио Комацу бошчилигидаги Япония делегациясини қабул қилди. Сухбат чоғида нефть конларини қидириш ва текшириш, мутахассислар алмашиш сингари соҳалардаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

25-30 сентябрь. Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, республика Давлат Мулк кўмитаси раиси В. Чжен бошчилигидаги делегация Францияда бўлди. Делегация аъзолари иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида хусусийлаштириш бўйича маслаҳат гуруҳи ва Бутунжаҳон банкининг ўнинчи ялпи мажлисида, шунингдек, Европа комиссиясининг Париждаги Фан уйида бўлиб ўтган инсон тўғрисидаги Халқаро коллоквиумида иштирок этдилар. Ўзбекистон делегацияси яна “Ўрта Осиё, Россия, Европа: ривожланишининг янги bosқичи” деб аталган Халқаро коллоквиум ишида қатнашди. Франциянинг “Ғоялар — ҳаракат демакдир” сиёсий ҳаракати ҳомийлигида бизнес семинари ва шу давлат ишбилармонлари доираси билан амалий учрашув ўтказилди. Унда юздан ортиқ фирма ва компаниялар вакиллари қатнашди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Парижда француз тилида чоп этилган “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” номли китобининг тақдимот маросими, шунингдек, Л. Левитин ва Д. Карлайлнинг “Ислом Каримов янги Ўзбекистон Президенти” номли китобининг тақдими ҳам бўлди.

1-3 октябрь. Вашингтонда Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасининг анъанавий 51-мажлиси бўлиб ўтди. Унинг ишида Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг ўринбосари, Молия вазири Б. Ҳамидов бошчилигидаги делегация аъзолари қатнашди.

4 октябрь. Алматида Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерацияси делегацияларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди. Учрашув қатнашчилари Марказий Осиё учун муҳим бўлган муаммо — Афғонистондаги ва тожик-афғон чегарасидаги вазиятнинг кескинлашуви билан боғлиқ масалаларни олий даражада муҳокама қилишди.

19 октябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги расмий делегация билан Покистон Ислом Республикаси Президенти Фаррух Аҳмадхон Легхарий бошчилигидаги шу мамлакат делегацияси ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

20-24 октябрь. Республика Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумати ишчи гуруҳи Киевда бўлди.

21 октябрь. Тошкентда туркий тилли давлатлар бошлиқларининг олий даражадаги IV учрашуви бўлиб ўтди. Унда Озарбайжон Президенти Гейдар Алиев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Асқар Ақаев, Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирель, Туркменистон Президенти Сапармурод Ниёзов ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов қатнашдилар. Учрашувда давлатлараро инсонпарварлик ва савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш, туркий тилли давлатларнинг муҳим тарихий саналарини нишонлаш, шунингдек, Тошкент Декларациясини қабул қилиш ва туркий тилли давлатларининг кейинги мажлиси қаерда бўлиши масалалари муҳокама қилинди.

Октябрь. Тошкентда Япониянинг энг йирик бешта савдо фирмасидан бири бўлган “Иточу корпорейшн” фирмаси ваколатхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

3 ноябрь. Британиянинг “Обсервер” газетаси ўзининг 16 саҳифали ранги иловасини бутунлай Ўзбекистон Республикасига бағишлаб чиқарди.

11 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Уэльс Қиролиги шаҳзодаси Чарльз жаноби олийларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Британия ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

12-14 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Бельгия Қиролигида бўлди.

26 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов республикаимизга расмий ташриф билан келган Греция ташқи ишлар вазири Теодорос Пангалосни қабул қилди. Учрашув чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

26 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А. Комилов Греция ташқи ишлар вазири Теодорос Пангалос бошчилигидаги Греция делегацияси аъзолари билан учрашди. Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Греция пойтахтида консуллик ваколатхоналари очиш ҳақидаги Шартнома, шунингдек, икки давлат ўртасида ҳаво йўлини ташкил этиш ҳақидаги Битим имзоланди.

27-28 ноябрь. Туркменистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниёзов расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов бошчилигидаги парламент делегациясининг Латвияга уч кунлик расмий ташрифи бўлиб ўтди.

Ноябрь. Тошкентда Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлаган “Ентраг” Халқаро хайрия жамғармаси ваколатхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ноябрь. Истамбулда Ўзбекистон Республикасининг бош консулхонаси очилди.

2-3 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Лиссабонда бўлиб ўтган навбатдаги учрашувида иштирок этди.

5 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Украина бош вазири Павел Лазаренкони қабул қилди.

15-21 декабрь. Республика Бош вазири Ў. Султонов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси Японияга расмий ташриф билан борди.

20 декабрь. Токиода Ўзбекистон элчихонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг раҳбари, Бош вазир Ў. Султонов нутқ сўзлади.

20 декабрь. Токиода иқтисодий ҳамкорлик бўйича “Ўзбекистон—Япония”, “Япония—Ўзбекистон” қўмиталарининг учинчи қўшма мажлисида иштирок этиш учун келган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султоновнинг Япония бош вазири Рютаро Хасимото билан учрашуви бўлиб ўтди.

24 декабрь. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Қирғизистон Президенти Асқар Ақаев иштирокида икки давлат ҳукумат делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди. Президентлар музокаралардан сўнг, Ўзбекистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасида абадий дўстлик тўғрисидаги, ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномаларни, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро ўзбек-қирғиз комиссиясини тузиш ҳақидаги Қўшма Протоколни имзоладилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий алоқалар ҳақидаги Битим ва яна 20 га яқин

хужжат, чунончи, валюта ва экспортни бошқариш соҳасида ахборот алмашиш, икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик, фойда ва даромаддан солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисидаги ва бошқа хужжатлар имзоланди.

1997 ЙИЛ

10 январь. Бишкекда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлараро кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Музокаралар якунида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасидаги абадий дўстлик тўғрисидаги Шартнома имзоланди. Шартномани Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Асқар Ақаев имзоладилар.

14-16 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов расмий ташриф билан Чехияда бўлди. Ислон Каримовнинг Чехия Республикаси Президенти Вацлав Гавел билан бўлиб ўтган суҳбатидан сўнг Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида Қўшма Баёнот имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Чехия Республикаси Бош вазири Вацлав Клаус билан бўлиб ўтган музокаралари ҳам бўлиб ўтди.

15 январь. Венада демократия ва парламентаризмни такомиллаштириш масалаларига бағишланган Халқаро семинар ўз ишини бошлади. Унда Ўзбекистон парламенти вакиллари иштирок этдилар.

15 январь. Венада Хаммер Пургшталл номидаги “Ориент” жамияти ҳузурда Кавказорти ва Марказий Осиё давлатлари Ахборот маркази очилди. Уни Австрия ташқи ишлар вазирлиги Вена Шарқ академияси билан биргаликда ташкил этди. Марказнинг очилиш маросимида Ўзбекистон парламенти аъзолари иштирок этдилар.

16-17 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов расмий ташриф билан Словакияда бўлди. Ташриф чоғида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ва Словакия Президенти Михал Ковач Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги муносабатлар асослари ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани имзоладилар. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Словакия Бош вазири Владимир Мечъяр билан ҳам учрашди.

5 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов АҚШ Давлат котиби ўринбосари Робин Линн Рафелни қабул қилди. Учрашув чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, хусусан, иқтисодий ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

12 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари Валерий Серов бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Учрашув чоғида икки давлат ўртасидаги самолётсозлик, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, илмий-

техникавий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

13 февраль. Москвада Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси билан Мали Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги Протокол имзоланди.

25 февраль. Тошкентда МДХ давлатлари — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия ва Ўзбекистон мудофаа вазирларининг амалий учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув давомида мудофаа вазирлари минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятни атрофлича муҳокама қилдилар. Афғонистондаги қуроли қарши курашнинг кескинлашувидан жиддий ташвишда эканликларини билдирдилар.

4 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Одри Гловер хонимни қабул қилди. Суҳбат жараёнида Ўзбекистоннинг ЕХҲТ билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

13 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган НАТО Бош котиби Хавьер Солануни қабул қилди. Учрашув чоғида Ўзбекистон билан НАТО ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши билан боғлиқ масалалар, хусусан, “Тинчлик йўлидаги шериклик” дастури асосида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

17 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Республикаси Буюк Миллий Мажлиси Раиси Мустафо Калемлини қабул қилди. Учрашув давомида икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

28 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Москвада бўлиб ўтган МДХ давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги йиғилишида иштирок этди.

31 март-2 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Греция Республикасида бўлди.

8 апрель. Ўзбекистон Республикаси билан Сингапур Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

8 апрель. Олий Мажлис раиси Э. Халилов Бундестаг вице-президенти Б. Хирш бошчилигидаги Германия парламенти делегациясини қабул қилди.

11 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Латвия Республикаси Ташқи ишлар вазири Валдис Биркавсни қабул қилди. Учрашув чоғида икки мамлакат ўртасида кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга, икки томонлама муносабатларни турли соҳалари бўйича

имзоланган ҳужжатларни тўла ҳажмда амалга оширишга тааллуқли масалалар муҳокама қилинди.

16 апрель. Ўзбекистон Республикаси Осиё-Тинч океани минтақасида ногиронларнинг ижтимоий ҳаётда тўлақонли ва тенгҳуқуқли иштироки тўғрисидаги БМТ Декларациясига қўшилди. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигида ушбу Декларацияни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

17 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти Бош котиби Ондер Озарни қабул қилди. Учрашув чоғида Ўзбекистон билан ИХТ ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масала муҳокама қилинди.

18-19 апрель. Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов расмий ташриф билан Украинада бўлди. Ташриф чоғида у Украина Президенти Л. Кучма, Бош вазири П. Лазаренко, Олий Рада — Украина парламенти раиси А. Мороз билан учрашди. Музокаралар чоғида иккала давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

1 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бутунжаҳон божхона ташкилоти (ББТ) бош котиби Жеймс Шаверни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ББТ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

2 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) директор-мутасаддисининг биринчи ўринбосари Стенли Фишер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашув чоғида мамлакатимиз билан ХВЖ ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

2-4 май. Италия Республикаси Президенти Оскар Луижи Скальфаро расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасига келди. Иккала давлат раҳбарлари И.А.Каримов ва О. Л. Скальфаро иштироки билан 3 майда бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Италия расмий делегациялари музокаралари якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тамойиллари тўғрисида Қўшма Декларация, иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим, маданий ва илмий ҳамкорлик ҳамда туризм соҳасидаги ҳамкорлик ҳақидаги Битим имзоланди.

11-13 май. Швейцария Конференцияси молия федерал департаменти федерал маслаҳатчиси ва бошлиғи Каспар Виллигер расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

13-14 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ашгабадга борди. У ерда Президент Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИХТ)га аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдан ташқари учрашувида иштирок этди.

15 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Осиё Олимпия кенгаши (ООК) президенти Шайх Аҳмад ас-Сабоҳ бошчилиги-

даги шу ташкилот делегациясини қабул қилди. Учрашув якунида Шайх Аҳмад ас-Сабоҳ олимпия ҳаракати ва миллий спортни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Президент Ислом Каримов ООКнинг Олтин медали билан мукофотланганлигини айтди. У Ўзбекистон Президентига мукофотни топширди.

22 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ Савдо вазирлигининг МДХ мамлакатлари билан энергетика ва савдо-сотиқда ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси Ян Камицкини қабул қилди.

22 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Грузия давлат вазири Николоз Лекишвилини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Грузия ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари тўғрисида фикр алмашилди.

22-23 май. Тошкентда икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Грузия ҳукуматлараро комиссияси мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Грузия ўртасида туризм ва таълим соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳукуматлараро Шартномалар, шунингдек, иккала мамлакат соғлиқни сақлаш ва ички ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

26 май. АҚШ конгресси вакиллари палатасининг даромад ва чиқимлар бўйича қўмита раиси Билл Арчел Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга шу мамлакат миллий рамзи бўлмиш АҚШ Давлат байроғини топширди. Ушбу байроқ шу йилнинг 7 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига Капитолий биноси узра ҳилпираган эди. Америка парламенти биноси узра кўтарилган байроқ халқ ёдгорлиги сифатида айрим ҳоллардагина таниқли давлат арбобига унинг халқ ва ҳукумат олдидаги буюк хизматлари учун инъом этилади.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Билл Арчел бошчилигидаги АҚШ конгресси делегацияси аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида икки томонлама манфаатларни намоён этувчи масалалар юзасидан фикр алмашилди.

26 май-6 июнь. Тошкент, Чирчиқ ва Самарқанд ҳарбий билим юртли курсантларининг қўшма взводи НАТОнинг “Тинчлик йўлидаги шериклик” Дастури доирасида Норвегияда ўтказилган “Кооператив банкерс-97” Халқаро тинчликпарвар машқларида иштирок этди.

30 май. Москвада Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида Ўзбекистоннинг Фавқуллода ва Мухтор Элчиси Ш. Шохалилов билан Кипр Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқуллода ва Мухтор Элчиси П. Кириакидес икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги Протоколни имзоладилар.

30 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европа Тикланиш ва тараққиёт банки бош иқтисодчиси, президент маслаҳатчиси Ник Стерн бошчилигидаги шу банк делегациясини қабул қилди. Томон-

лар ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш, нефтни қайта ишлаш, енгил саноат, қурилиш индустрияси соҳаларида қўшма корхоналар ташкил этишда ва заводлар барпо этишда, шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни, банк молия секторини ривожлантиришда иштирок этиш масалалари юзасидан фикр алмашувлар бўлди.

30 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Германиянинг иқтисодий алоқалар ва ривожланиш Федерал вазири Карл Дитрих Шпрангер бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ГФР ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

2-3 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасида бўлди. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан бўлиб ўтган музокаралар чоғида ўндан ортиқ муҳим икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Нурсултон Назарбоев Ислон Каримовга тантанали равишда олий мукофот “Алтин қиран” (“Олтин бургут”) орденини топширди. Ушбу мукофот унинг икки мамлакат халқлари ўртасида дўстлик, қардошлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қўшган катта шахсий ҳиссаси учун, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдаги буюк хизматлари учун берилди.

10 июнь. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар асослари ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ёрлиқларини айирбошлаш ҳақидаги Протоколни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

18-19 июнь. Озарбайжон Республикаси Президенти Гейдар Алиев расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди. Ташриф давомида икки мамлакат делегациялари ўртасида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ва Озарбайжон Президенти Гейдар Алиев иштирокида 18 июнь кунги музокаралар бўлиб ўтди.

19 июнь. Тошкентда Озарбайжон элчихонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ва Озарбайжон Президенти Гейдар Алиев қатнашдилар.

20 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов мамлакатимизга АҚШ ҳукуматининг инсонпарварлик ёрдамни топшириш учун келган АҚШ Президентининг маслаҳатчиси Ричард Морнингстарни қабул қилди. Суҳбат жараёнида ўзбек-америка муносабатлари истиқболлари, ижтимоий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашувлар бўлди.

5-8 июль. Варшавада ҳар йилги ЕХХТ Парламент Ассамблеясининг VI сессияси бўлиб ўтди. Унинг ишида Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси қатнашди.

7 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқот институтида “Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик — уни таъминлашда Ўзбекистоннинг роли ва аҳамияти” мавзuida семинар бўлиб ўтди. Марказий Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий вазият, минтақада барқарорликни таъминлаш ва бу жараёнда Ўзбекистоннинг роли тўғрисида Германия Федерал хавфсизлик Академияси ректори Гюнтер Йотц маъруза қилди.

7 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония Либерал демократик партиясининг вице-президенти Кейзо Обучи бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат жараёнида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги савдо алоқаларини кенгайтириш, мамлакатимизда нефть-газ, кон ва тўқимачилик саноати, коммуникациялар ва транспорт тизимини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашувлар бўлди.

13-17 июль. Бош вазир ўринбосари Усмонов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Миср Араб Республикасида бўлиб, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбек-Миср қўшма комиссиясининг иккинчи давраси мажлисида қатнашди. Ташриф якунлари бўйича, Ўзбекистон Республикаси билан Миср Араб Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Қўшма комиссия мажлислари Протоколи имзоланди.

14 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган ЕХХТ Бош котиби Жанкарло Арагонни қабул қилди.

24 июль. Чўлпонота шаҳрида (Қирғизистон) Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари давлатлараро кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Учрашув жараёнида уч давлат раҳбари — Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев ва Асқар Ақаев мамлакат ўртасидаги иқтисодий интеграцияни янада чуқурлаштириш, ягона иқтисодий макон доирасида аввал имзоланган ҳужжатларнинг бажарилиши, шунингдек, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро ҳаётнинг долзарб муаммолари юзасидан умумий нуқтаи назарни ишлаб чиқиш ва бошқа бир қатор муҳим жиҳатлар билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишди. Музокаралар якунида учала мамлакат раҳбарлари қўшма ҳужжатларни имзоладилар, жумладан, ягона иқтисодий маконни тузиш тўғрисидаги Шартнома иштирокчилари бўлган давлатлар иқтисодий интеграциясини янада чуқурлаштириш соҳасидаги амалий чора-тадбирлар тўғрисида Қарор қабул қилинди.

17 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Билл Ричардсонни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашувлар бўлди.

28 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ЕХХТ раиси, Дания қироллигининг ташқи ишлар вазири Нильс Хельвег Петер-

сенни қабул қилди. Суҳбат жараёнида Ўзбекистон билан ЕХХТ ўртасидаги ҳамкорликни, Ўзбекистон билан Дания ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашувлар бўлди.

Август. Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитасининг раиси Э. Воҳидов бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси Индонезия Республикаси мустақиллигининг 52 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этди.

2 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов Буюк Британиянинг Ўзбекистон билан алоқалар парламент гуруҳи раҳбари виконт Уэверли бошчилигидаги парламент делегациясини қабул қилди. Суҳбат чоғида парламентлараро муносабатларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Шу куни Буюк Британиянинг парламент делегацияси Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов билан учрашди.

5 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Япониянинг иқтисодий режалаштириш давлат вазири Таро Асо бошчилигидаги ҳукумат делегациясини, шунингдек, Япониянинг “Кейзай Доюкай” корпоратив раҳбарлар ассоциацияси президенти Коичи Минагучи бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашув чоғида инвестицияларни ҳимоя қилиш, икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик, Ўзбекистон билан Япония ўртасида тенгҳуқуқли асосда тўлақонли ҳамкорлик қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқий асосларни яратиш масалалари муҳокама қилинди. Шу куни Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир Ў. Султонов билан учрашув бўлди. Япония ҳукумати Ўзбекистон Республикасига тақдим этган грантлар бўйича айирбошлаш Ноталари имзоланди. Мазкур грантларга мувофиқ Япония ҳукумати Ўзбекистонга қишлоқ хўжалик техникаси ва асбоб-ускуналари етказиб бериш учун 400 миллион иен, Давлат санъат музейига 38,8 миллион иен ажратади.

15 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов БМТ Бош қотибининг ўринбосари Владимир Петровскийни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан БМТ ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

15-16 сентябрь. Тошкентда “Марказий Осиё — ядро қуролидан холи ҳудуд” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унинг ишида жаҳоннинг 50 дан ортиқ давлатлари, 16 та халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади. Конференция иши давомида Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирларининг Баёноти имзоланди. Унда улар БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзоларини, барча давлатларни Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд вужудга келтириш ташаббусини қўллаб-қувватлашга ва уни яратишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга даъват этдилар.

17-18 сентябрь. Италия Республикаси Вазирлар кенгаши раиси Романо Проди расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Ташриф жараёнида

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Романо Проди дўстлик ва бирдамлик, Ўзбекистон Республикаси ва Италия Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартнома, икки Республика ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида Битим, шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимияти ва Италиянинг “Фата-групп” компанияси ўртасида Тошкент вилоятида автосаноат комплексини ривожлантириш дастурини амалга оширишда ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги билан Италиянинг “Стет телеком интернейшнл” компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан Италиянинг “Коммерциале Италияно” банки ўртасида ҳамжиҳатлик тўғрисидаги Меморандумлар имзоланди.

18 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Эроннинг Афғонистон ишлари бўйича махсус вакили Алоуддин Боружердини қабул қилди. Учрашув чоғида Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазият, минтақавий хавфсизлик ва Ўзбек-Эрон муносабатларига тааллуқли масалалар юзасидан фикр алмашилди.

18-20 сентябрь. Ўзбекистон ҳудудида Марказий Осиё минтақасида биринчи бор НАТОнинг “Тинчлик йўлида шериклик” “Марказосбат-97” дастури доирасида Қозоғистон, Ўзбекистон, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Грузия, Россия Федерацияси ва Латвия Қуролли кучлари бўлинмаларининг биргаликдаги ўқув машқи бўлиб ўтди. Ўқув-машқ қатнашчиларига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов табрик йўллади.

22 сентябрь. Қирғизистон Республикаси Жўхўрғу Кенгеші халқ вакиллари Тўроға ййғилишининг А. Матубраимов бошчилигидаги Қирғизистон Республикаси парламент делегацияси расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Шу куні делегацияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш, парламентлараро алоқаларни янги босқичга кўтариш ва бошқа ўзаро манфаатли масалалар юзасидан фикр алмашув бўлди.

22-25 сентябрь. Тошкентда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти Парламент ассамблеясининг кенгайтирилган бюроси мажлиси ҳамда “Марказий Осиё ва Кавказда минтақавий хавфсизлик, сиёсий ва иқтисодий, ижтимоий ва инсонпарварлик масалалари” мавзуида Халқаро семинар ўтказилди. Ушбу анжуман ишида ЕХҲТ Парламент ассамблеяси раиси Х. Руперез иштирок этди.

23 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Давлат Думаси раиси Геннадий Селезнёвни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Россия Федерацияси ўртасида ҳамкорлик ва парламентлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича фикр алмашилди.

25 сентябрь. Лондондаги Ўзбекистон Республикаси элчихонасида Ўзбекистон Республикаси билан Исландия Республикаси ўртасида диплома-

тик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги Қўшма Ахборотни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Сентябрь. Тошкентга Тошкент билан биродарлашган Шанхай шаҳри делегацияси келди. Ушбу ташриф чоғида Тошкент ҳокимияти бошқармалари ва бирлашмалари раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда биродарлашган шаҳарлар ўртасида ҳар томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

9 октябрь. Фарбий Европа Иттифоқи Парламент ассамблеясининг сиёсий масалалар бўйича комиссияси раиси Жак Бомел раҳбарлигидаги шу ташкилот делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлдилар.

15-16 октябрь. Тошкентда “Орол муаммоси — XX асрнинг сайёравий фожеаси” шиори остида Халқаро учрашув бўлиб ўтди. Унда Оролни Қутқариш Халқаро жамғармаси раҳбарлари, мамлакатимизга вакил қилинган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар, шунингдек, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, халқаро банклар вакиллари, турли мамлакатлардан келган мутахассислар иштирок этишди. Учрашув иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов табрик йўллади.

16 октябрь. Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича ЕХХТ Бюроси ўртасида ҳамжиҳатлик Меморандумини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

29 октябрь. Тошкентда Нидерландия Қироллиги консулхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

30 октябрь. Дўрмон қароргоҳида мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Венгрия Республикаси Президенти Арпад Генц билан расмий учрашув маросими бўлиб ўтди. Сўнгра Ислон Каримов билан Арпад Генц ўртасида суҳбат ҳамда Президентлар иштирокида Ўзбекистон ва Венгрия делегациялари ўртасида музокаралар бўлди. Музокаралар якунида Президентлар Ўзбекистон Республикаси билан Венгрия Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик ва дўстона муносабатларни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги Декларацияни имзоладилар. Шунингдек, дипломатик паспортларга эга бўлган фуқароларнинг ўзаро визасиз бориш-келишлари тартиби тўғрисида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги Битим ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ўзбектуризм” Миллий компанияси билан Венгрия Республикаси саноат, савдо ва туризм вазирлиги ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди.

1 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов АҚШнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўйича Давлат котибининг махсус маслаҳатчиси Стивен Сестанович бошчилигидаги Америка делегациясини қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада

ривожлантириш, хусусан, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

12 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов мамлакатимизга ташриф билан келган Болгария Республикаси ташқи ишлар вазирини Надежда Михайловани қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

17-19 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов расмий ташриф билан Туркия Республикасида бўлди. Туркия Президенти Сулаймон Демирель қароргоҳида давлат бошлиқлари иштирокида расмий делегациялар ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Улар якунида божхона хизмати, туризм ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битимлар, фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича ўзбек-турк қўшма комиссияси ҳақида Протокол имзоланди.

21 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов АҚШ конгресси вакиллар палатасининг Ташкилий-процессуал қўмитаси раиси Жеральд Соломон бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат парламентлари ўртасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, давлатлараро ўзаро муносабатларни ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари бўйича фикр алмашилди.

27 ноябрь. Анқарада Ўзбекистон билан Катар Давлати ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжатни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Ушбу ҳужжатни Ўзбекистоннинг Туркиядаги Фавқуллодда ва Мухтор Элчиси Абдуғафур Абдурахмонов ва Катарнинг Туркиядаги Фавқуллодда ва Мухтор Элчиси Али Ҳусайн ан-Неъмат имзолашди.

28 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Россия Федерацияси Свердловск вилояти губернатори Эдуард Росселни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Свердловск вилояти ўртасида товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, корхоналар даражасида ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

2 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Латвия Республикаси Сэйми Раиси Алфредс Чепанисни қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

5 декабрь. Румин ишбилармонлари делегациясига бошчилик қилган Руминия Президентининг шахсий маслаҳатчиси Дан Кэпэцине Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Норов билан учрашди. Суҳбат чоғида томонлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасида, транспорт ва коммуникациялар соҳасида шерикликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Румин делегацияси бошлиғи Румин

ния Президенти Эмиль Константинескунинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга йўллаган мактубини топширди.

8 декабрь. Тошкентда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Бош вазирлари Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиёда ҳамкорлик ва интеграцияни янада фаоллаштиришга қаратилган масалалар муҳокама қилинди. Учала давлат Президентларининг минтақадаги ёнилги-энергетика саноатини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш тўғрисидаги, сув ва минерал хом ашё захиралари, телекоммуникациялар ва бошқа соҳалар бўйича халқаро консорциум бунёд этиш тўғрисидаги таклифларини амалга оширишнинг бориши масаласи кўриб чиқилди. Мажлис якунида учала давлат ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битимлар ва уч томонлама иқтисодий шерикликни янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор бошқа ҳужжатлар имзоланди. Ҳужжатларни Қирғизистон Бош вазири А. Жумагулов, Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов, Қозоғистон Бош вазири Н. Балгимбоев имзоладилар.

9 декабрь. Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 52-сессияси мажлисида унинг иштирокчилари “Марказий Осиёда ядро куралидан холи ҳудуд яратиш” тўғрисидаги резолюцияни қабул қилдилар. Бундай ҳудуд яратиш ташаббусини биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1997 йил февралда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида олға сурган эди.

12-13 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистоннинг янги пойтахти — Оқмолада бўлди. У ерда уч мамлакат Президентлари иштирокида Давлатлараро Кенгаш мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги минтақавий ҳамкорлик бўйича амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, ўзаро интеграцияни жадаллаштириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Учрашувда Президентлар энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, озиқ-овқат, коммуникациялар, минерал хом ашё ресурсларини ўзлаштириш ва қайта ишлаш соҳалари бўйича халқаро консорциум барпо этиш юзасидан уч давлатнинг ҳамкорлиги тамойиллари концепциясини маъқуладилар.

22-23 декабрь. Россия Федерацияси ҳукуматининг раиси Виктор Черномырдин амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

Дўрмон қароргоҳида икки мамлакат расмий делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди. Уларда асосий эътибор илгари имзоланган ҳужжатларни амалга ошириб борилиши, шунингдек, икки мамлакат минтақалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни рағбатлантириш, инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш учун зарурий чоратадбирлар кўриш, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари ўртасида қўшма ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди, жумладан, инвестицияларни

рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимлар имзоланди. Битимларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва Россия Федерацияси ҳукумат раиси Виктор Черномирдин имзоладилар. Шунингдек, савдо, иқтисодиёт, фан ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар ҳам имзоланди.

1998 ЙИЛ

4 январь. Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Дўрмондаги қароргоҳда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов билан Тожикистон Республикаси Президенти ўртасида бўлиб ўтган суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатлар, шунингдек, минтақавий ва томонларни қизиқтирувчи халқаро масалалар бўйича ҳам фикр алмашинилди. Сўнгра давлат раҳбарлари иштирокида икки томон расмий делегацияларининг музокаралари бошланди. Музокаралар якунида икки мамлакат раҳбарлари Қўшма Ахборот имзоладилар. Ўзбекистон ва Тожикистон Бош вазирлари Ў. Султонов ҳамда Я. Азимов соғлиқни сақлаш, маданият ва инсонпарварлик соҳаларида, шунингдек, фан, техника ва ахборот соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳукуматлараро Битимларни имзоладилар. Бундан ташқари, юкларни элтиш ва газ етказиб бериш учун ўзаро ҳисоб-китоблар ва Тожикистон Республикасининг давлат қарзи тўғрисидаги Битим ҳам имзоланди.

5-6 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Ашгабадда бўлди. У ерда Марказий Осиёнинг беш мустақил давлати — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув якуни бўйича қабул қилинган Қўшма Баёнотда томонлар узоқ муддатли шерикликка асосланган ва беш давлат миллий манфаатларига жавоб берадиган дўстона, тенгҳуқуқли ва ўзаро фойдали муносабатларни ривожлантиришни ҳамда минтақада хавфсизликни ва барқарорликни чуқурлаштиришга оғишмай амал қилажақларини тасдиқладилар.

6 январь. Тошкентда Ўзбекистон, Озарбайжон ва Грузия ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда Транскавказ йўли орқали юк ташиш ҳажмини янада ошириш, ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солиш, Транскавказ йўли инфратузилмасини ривожлантириш учун зарур чора-тадбирлар кўриш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

16 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Украина Бош вазири В. Пустойтенкони қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

25-28 январь. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси амалий ташриф билан Японияда бўлди.

Ташриф чоғида япон ишбилармонлари вакиллари, бир қатор вазирликлар, идоралар раҳбарлари, “Мицубиси корпорейшн”, “Сумитомо корпорейшн”, “Мицуи ва шериклари” каби йирик савдо компаниялари раҳбарлари билан учрашув ва музокаралар бўлиб ўтди. Япония эксимбанк биносида чет эл инвестицияларини Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этиш масалалари бўйича семинар ўтказилди.

26 январь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Г. Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академияси фахрий доктори дипломини топшириш маросими бўлиб ўтди. Россия Иқтисодиёт Академияси президенти Виталий Бидяпин Ислом Каримовнинг илмий соҳадаги буюк хизматлари тўғрисида сўзлаб берди ва унга ана шу хизматлари учун бу юксак илмий унвон берилганлигини маълум қилди. Давлатимиз раҳбарига Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт Академиясининг фахрий доктори дипломи, шунингдек, анъанага кўра, докторлик мантияси ва эсдалик медали топширилди.

28 январь. Самарқандда “Халқаро инсон ҳуқуқлари ва Ўзбекистон шароитида уларнинг қўлланиши” мавзуида Халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда суд, прокуратура, ички ишлар идоралари вакиллари, шунингдек, БМТ мутахассислари иштирок этишди.

Январь. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б. Эшон раҳбарлигидаги делегация Чехияда бўлди. Ташриф чоғида Чехия Республикаси Конституциявий суди аъзолари билан бир неча учрашув бўлиб ўтди. Делегация аъзоларини Чехия Республикаси сенати Президенти Петр Питхарт қабул қилди. Учрашув чоғида томонлар конституциявий судлар ишининг аҳамияти ва самарадорлигини ошириш йўллари ҳақида фикр алмашдилар.

3 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси архиепископи Владимирни қабул қилди.

Архиепископ Владимир, давлатимиз раҳбари тинчликни мустаҳкамлаш ишидаги катта муваффақиятлари ва таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан Рус православ черковининг биринчи даражали “Тақводор князь Даниил Московский” ордени билан мукофотланганлигини эълон қилди ҳамда орденни Президент Ислом Каримовга топширди.

4 февраль. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Тожикистон Республикасига амалий ташриф билан борди.

Ташриф чоғида ўзбек делегацияси Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов билан учрашди. Сўнгра Тожикистон Республикаси бош вазири Я.Азимов билан учрашув бўлди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокараларда томонлар ўзбек-тожик муносабатларининг аҳволи, шунингдек, икки томонни қизиқтирадиган масалалар бўйича фикр алмашдилар.

Ташриф якунида Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги мавжуд шартномавий ҳуқуқий асосни кенгайтирувчи ва ўзаро фойдали ҳамкорликни чуқурлаштирувчи икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

5 февраль. Американинг “Шаттл-Эндевер” космик кемаси парвози муваффақиятли якунланди ва унда Америка астронавглари билан бирга ўзбек космонавти Солижон Шарипов ҳам иштирок этди. Президент Ислоҳ Каримов уни бу тарихий парвози ва ерга эсон-омон қайтиб тушганлиги муносабати билан табриклади. “Сизнинг самога парвозингиз, — дейилади табриқда, — миллатимиз билан фахрланиш ва ифтихор туйғусини ошириб юборди, ўзбеклар номини бутун дунёда яна бир бор шарафлади. Сиз ўзингиз билан бирга космосга олиб чиққан Ўзбекистон байроғи миллатимизга чинакам муҳаббатингиз рамзидир. Сизнинг матонатингиз номингизни шонли аждодларимиз номи билан бир қаторга қўяди, десам муболаға бўлмайдди. Йигирма биринчи аср бўсағасида Сиз кўрсатган жасорат давлатимизнинг олий “Амир Темур” орденига мутлақо муносибдир”.

9 февраль. Буюк Британия парламенти делегацияси расмий ташриф билан Тошкентга келди. Делегацияни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раисининг ўринбосари Б. Бугров қабул қилди. Суҳбат чоғида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш мақсадга мувофиқдир, деган фикрни яқдиллик билан изҳор қилдилар.

16 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Н. Балғимбоевни қабул қилди. Учрашувда давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни, хусусан, савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

18-20 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов расмий ташриф билан Украинада бўлди. Ташрифнинг биринчи куни Киевда Президентлар Ислоҳ Каримов ва Леонид Кучма ўртасида суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат жараёнида икки мамлакат ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон ва Украина Президентлари бошчилигида расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибда музокаралари бўлиб ўтди. Улар якуни бўйича дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада кучайтириш ҳақида Шартнома имзоланди. Давлатлараро консуллик Конвенцияси қабул қилинди, шунингдек, оилавий ва фуқаролик ишларида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, интеллектуал мулкни, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиий газ етказиб бериш ҳақида ўндан зиёд Шартнома ва Битимлар имзоланди.

Президент Ислоҳ Каримовнинг Украина парламенти — Олий Рада раиси А. Мороз билан учрашуви чоғида мустақиллик йилларида мамлакатларимизда жамиятни демократлаштириш соҳасида эришилган тажрибалар ҳақида суҳбат бўлиб ўтди.

24 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Грузия парламенти раиси З. Жванцияни қабул қилди.

Февраль. Ўзбекистон вакиллари делегацияси Австрия пойтахти Венада бўлиб ўтган атом энергияси бўйича Халқаро агентлик (МАГАТЭ) бошқарувчилари Кенгашининг навбатдаги сессияси ишида биринчи марта иштирок этди.

Февраль. Америка Қўшма Штатлари Давлат департаментида икки томонлама Ўзбекистон — АҚШ комиссияси I сессиясининг расмий очилиш маросими ва унинг ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

17 март. Бишкекда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаси Бош вазирлари Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис ишида Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов, Қозоғистон Бош вазири Н. Балғимбоев ва Қирғизистон Бош вазири А. Жумагуловлар бошчилигидаги делегациялар иштирок этди.

Бўлиб ўтган музокаралар чоғида интеграция жараёнларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

26 март. Тошкентда давлат бошлиқлари: Қозоғистон Республикасидан Н. Назарбоев, Қирғизистон Республикасидан А. Ақаев, Ўзбекистон Республикасидан И. Каримовларнинг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Музокара давомида улар Ягона иқтисодий макон ташкил этиш ҳақидаги Битим доирасида ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ, ҳудудда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш ҳамда халқаро ҳаётда содир бўлаётган муҳим воқеаларга оид масалалар юзасидан фикр алмашишди. Расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари давомида Тожикистон Республикасини Ягона иқтисодий макон ташкил этиш ҳақидаги Битимга қўшиш ҳақидаги масала атрофича муҳокама қилинди. Шунингдек, халқаро консорциумлар ташкил этиш ҳақидаги масалалар, қимматли қоғоз бозорини шакллантириш умумий принциплари, Марказий Осиё иқтисодиёти учун махсус дастур, “Марказосбат” батальонининг фаолияти, минтақавий интеграцияни чуқурлаштириш, уч давлат Бош вазирлари Кенгашидаги раислик ҳақида, Ягона иқтисодий макон ташкил этиш ҳақидаги Шартнома доирасида қабул қилинган ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этишнинг бориши ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди. Музокаралар якунида Тожикистон Республикасини Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида Ягона иқтисодий макон ташкил қилиш ҳақидаги, 1994 йил 30 апрелдаги Шартномага қўшиш ҳақидаги Протокол, Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси давлат бошлиқларининг минтақавий интеграцияни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги Баёноти, Халқаро сув-энергетика консорциум ҳақидаги Қарор, қимматли қоғозлар бозорини ташкил қилишнинг умумий тамойиллари ҳақидаги Битим, “Марказосбат-97”нинг тинчликпарвар ўқув машқлари якунлари ҳақидаги Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаларининг Қарори, Ягона иқтисодий макон ташкил этиш ҳақидаги Шартнома доирасида қабул қилинган ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этишнинг боришини назорат қилиш тартиби ҳақидаги Қарор, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизис-

тон ва Тожикистон Республикалари Бош вазирлари Кенгаши раиси ҳақидаги Қарор, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари Давлатлараро Кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш ҳақидаги Қарор, БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиёти учун махсус дастури (СПЕКА) ҳақидаги Тошкент Декларацияси қабул қилинди.

1 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Франция Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Бош котиби Бертран Дюфуркни қабул қилди. Сўхбат чоғида иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар бўйича фикр алмашилди.

3 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Европа Тикланиш ва тараққиёт банкнинг директорлар кенгаши ижрочи директори Вильгельм Ягги бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан ЕТҲ ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, биргаликда амалга ошириладиган лойиҳалар, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишлари билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

8 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов АҚШ конгресси вакиллар палатасининг маблағ ажратиш бўйича қўмита раиси Роберт Ливингстон бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Сўхбат давомида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар бўйича фикр алмашилди.

12-14 апрель. Туркия Республикасининг Бош вазири Месут Йилмаз расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасига келди. 13 апрель кuni Ислон Каримов билан Месут Йилмаз иштирокида икки давлат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Туркия ўртасида турли соҳаларда, хусусан, савдо, транспорт, коммуникациялар, инвестицияларни янада кенгроқ жалб этиш каби масалаларни муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти билан Туркия Бош вазири ўртасидаги музокаралар якунида Қўшма Баёнот имзоланди. Уни Ислон Каримов ва Месут Йилмаз имзоладилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Туркия Республикаси ҳукумати ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги, муаллифлик ва шунга яқин ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳақидаги, ноёб санъат асарлари ва маданий бойликларни контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетишнинг олдини олишда ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги, шунингдек, Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси билан Туркия Бош вазири қошидаги Божхона котибияти ўртасида божхона кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳақидаги Протокол имзоланди.

15 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов АҚШ конгресси сенатори Сэм Браунбекни қабул қилди.

Сўхбат давомида Буюк Ипак йўли стратегияси билан боғлиқ масалалар, шу лойиҳа доирасида минтақавий хавфсизлик муаммоларини ҳал этиш ҳамда ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

17-18 апрель. Бельгия Қироллиги Бош вазири Жан Люк Лехане расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасига келди.

Ташриф чоғида Жак Люк Дехане Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва ҳукумат аъзолари билан учрашди. Расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари ҳам бўлиб ўтди.

Томонлар иккиёқлама музокараларда ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ва ўзаро манфаатли муҳим халқаро муаммоларни муҳокама қилишди.

Бельгия Қироллиги Бош вазири Олий Мажлисга ташриф буюриб, Ўзбекистон Олий Мажлиси раиси Э. Халилов билан суҳбат чоғида икки давлат парламентлари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашиди.

Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Бельгия Бош вазирининг расмий ташрифи якуни бўйича Қўшма Баёнот, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Бельгия-Люксембург иқтисодий иттифоқи ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва инвестицияларни ҳимоя қилиш ҳақида Битим ҳамда 1996 йил 14 ноябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Бельгия Қироллиги ўртасида иккиёқлама солиқ солишга йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўламасликнинг олдини олиш ҳақидаги Конвенцияга тузатишлар киритиш тўғрисидаги қўшимча Протокол имзоланди.

20 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг раиси, Польша ташқи ишлар вазири Бронислав Геремекни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва ЕХҲТ ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашинилди.

24 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония Ташқи савдо ташкилоти раиси Тору Тоешимани қабул қилди.

Суҳбат давомида ўзаро амалий ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашинилди.

28 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония иқтисодий ташкилотлар Федерацияси делегациясини қабул қилди. Делегацияни “Тайота мотор корпорейшн” федерациясининг раиси бошқарди. Суҳбат чоғида йирик транспорт лойиҳалари, йўл коммуникациялари, туризм индустрияси ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни такомиллаштириш каби масалалар юзасидан фикр алмашинилди.

28-29 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар бошлиқларининг навбатдаги учрашувида иштирок этди.

4 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Американинг “Сикорски Эйркрафт” компанияси Президенти ва ижрочи дирек-

тори Южин Бакли ва “Юнайтед Текноложиз” корпорациясининг халқаро масалалар бўйича катта вице-президенти Рут Харкинни қабул қилди.

Сухбат чоғида Ўзбекистоннинг турдош корхоналари ва Америка компаниялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар ҳамда ҳар иккала томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

5 май. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган, “Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди.

5-7 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Президент Борис Ельциннинг таклифига биноан расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлди.

Музокаралар икки Президентнинг суҳбати билан бошланди. Улар икки давлатнинг ҳозирги сиёсий ва иқтисодий аҳволи, уларни янада ривожлантириш йўллари, халқаро вазият, жўмладан, Тожикистон ва Афғонистондаги вазият билан боғлиқ масалалар бўйича фикрлар алмашилди.

Сўнгра кенгайтирилган таркибда Ўзбекистон ва Россия расмий делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди.

Музокаралардан сўнг ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Президенти ва Россия Президентининг Қўшма Баёноти, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ИЛ-76 МФ ва ИЛ-76 ТФ самолётларини биргаликда яратиш, серияли ишлаб чиқариш ва фойдаланиш учун етказиб беришда бундан кейин ҳам ҳамкорлик қилиш, шунингдек, ИЛ-76, ИЛ-78 самолётларини ишлаб чиқаришни янгилаш, уларнинг шаклларини ўзгартиришни таъминлашга оид Шартнома имзоланди. Ҳужжатлар Ислон Каримов ва Борис Ельцин томонидан имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари ўртасида маданий-ахборот марказларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш шартлари Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари мухбирларининг Россия Федерациясидаги мақоми ва Россия Федерацияси оммавий ахборот воситалари мухбирларининг Ўзбекистондаги мақоми тўғрисида Шартномалар имзоланди.

6 май. Ўзбекистон Халқаро автомобиль ишлаб чиқариш ташкилоти (ОСА)га аъзо бўлди. Бу воқеа ушбу ташкилотнинг Парижда бўлиб ўтган бош конференциясида содир бўлди, “Ўзавтосаноат” ассоциациясининг вакиллари конференция фаолиятида биринчи марта иштирок этишди.

10-11 май. Ўзбекистон Президенти Алматида бўлди, у ерда иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти — ИХТга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг бешинчи учрашувида иштирок этди.

Саммит қатнашчилари минтақавий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ва ИХТ фаолиятини такомиллаштириш йўллари белгилаб берувчи Алмати Декларациясини қабул қилишди. Шунингдек, ИХТга аъзо мамлакатлар ўртасида юкларни тўсиқсиз ташишни амалга оширишга, контра-

бандага қарши биргаликда кураш олиб боришга қаратилган ҳукуматлараро ҳужжатлар ҳам қабул қилинди.

18 май. Америка Қўшма Штатлари ва Европа Иттифоқи АҚШ — ЕИ демократик ва фуқаролик жамияти мукофоти совриндорларининг номларини эълон қилдилар. 1998 йил май ойида Маршалл режасининг эллик йиллиги ва Рим Битимининг қирқ йиллиги шарафига Лондонда АҚШ—ЕИ саммити пайтида эълон қилинган элликта номзод орасида Ўзбекистондан иккита ташкилот — журналистика муаммоларини ўрганиш “Илҳом” маркази (Тошкент) ва “Сабр” Ишонч маркази (Самарқанд) ҳам бор.

19 май. Боннда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Германиядаги энг нуфузли ва қадимий Фридрих Эберт номли жамғарма ўртасида Битим имзоланди.

Битим иқтисодиёт, илм-фан, таълим, ижтимоий соҳадаги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, давлат хизматчилари ва журналист кадрлар тайёрлаш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш каби ҳамкорликнинг турли шакл ва воситаларини ривожлантиришни назарда тутди.

Май. Қора денгиз, Кавказ ва Марказий Осиё минтақалари мамлакатлари суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлаш — Истамбулда бўлиб ўтган “Дунё чорраҳалари” конференциясининг бош мақсади бўлди. Конференцияда Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этдилар.

9 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Остонада бўлиб ўтган туркий тилли давлатлар бошлиқларининг бешинчи учрашувида иштирок этди. Унда туркий тилли давлатлар ўртасида илм-фан, маданият ва санъат, иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш соҳаларида алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

10 июнь. Президент Ислом Каримов бошлиқ Ўзбекистон делегацияси Қозоғистоннинг янги пойтахти — Остона шаҳрининг Халқаро тақдиротида иштирок этди. Ислом Каримов тантанали йиғилишда нутқ сўзлади ва Қозоғистон халқини янги пойтахти билан самимий қутлади.

11 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг “Номура Секьюритиз К” компанияси раиси Масаши Судзукини қабул қилди. Суҳбат чоғида икки томонлама алоқаларни янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

16 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси вице-президенти Томио Учидани қабул қилди. Суҳбат давомида Ўзбекистон билан Япониянинг хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ўртасида икки давлат манфаатларига жавоб берадиган янги лойиҳаларни рўёбга чиқаришда ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари бўйича фикр алмашилди.

23-25 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Болгария Республикасида бўлди. Болгария Президенти

Петар Стоянов билан бўлган суҳбат якунида икки давлатнинг кенгайтирилган таркибдаги делегациялари ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маданият, савдо-иқтисодий, туризм соҳаларида ҳамкорлик қилиш, йўловчилар ва юкларни халқаро автомобиль йўли орқали ташиш тўғрисидаги Битимлар, шунингдек, икки республика ўртасида транспорт соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги Меморандум имзоланди.

26 июнь. Бишкекда Ягона иқтисодий макон ташкил этиш тўғрисидаги Шартноманинг иштирокчилари бўлган давлатлар — Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси Бош вазирлари Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Н. Балғимбоев, Қирғизистон Республикаси Бош вазири К. Жумалиев ва Тожикистон Республикаси Бош вазири Я. Азимов бошчилигидаги делегациялар иштирок этди.

Бўлиб ўтган музокаралар чоғида интеграция жараёнларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Июнь. Шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов бошчилигидаги Тошкент делегацияси Сизтл шаҳрида (АҚШ) бўлди. У Тошкент ва Сизтл шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилганлигининг 25 йиллиги байрамида иштирок этди.

1 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Исроил Давлати саноат ва савдо вазири Натан Шаранскийни қабул қилди. Суҳбат чоғида икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

17 июль. Чўлпонота шаҳрида (Қирғизистон) Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари давлатлараро Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Давлатлараро Кенгашининг ялпи мажлисида Ягона иқтисодий маконни яратган тўртта Марказий Осиё давлатларида келгусидаги ўзаро ҳамкорлик бўйича долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида фавқулодда вазиятлардан огоҳ қилиш ва уларнинг олдини олиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим, Ягона иқтисодий макон яратиш тўғрисидаги Шартноманинг иштирокчилари бўлган давлатлар Марказий Осиё минтақавий бирлашмаси номини тасдиқлаш тўғрисидаги Қарор имзоланди. Ягона иқтисодий макон яратиш тўғрисидаги Шартноманинг беш йиллиги муносабати билан тадбирлар ўтказиш тўғрисидаги Қарор қабул қилинди.

Давлатлараро Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов иштирок этди.

28 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европа, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатлари бўйича “Проктер энд Гэмбл” (АҚШ) компаниясининг президенти Херальд Айнсман бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат давомида компания билан ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

6-12 сентябрь. Москвада Парламентлараро Иттифоқининг юзинчи юбилей конференцияси бўлиб ўтди, унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси делегацияси қатнашди.

8 сентябрь. Бокуда “Буюк Ипак йўли”ни тиклашга бағишланган Халқаро конференция бўлиб ўтди, унда ўттиздан ортиқ мамлакатлар ва бир қанча халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Конференция якуни юзасидан бир қатор ҳужжатлар, жумладан, халқаро транспорт тўғрисидаги, Европа—Кавказ—Осиё транспорт йўлини ривожлантириш бўйича кўп томонлама Битим, Боку Декларацияси имзоланди.

13-15 сентябрь. Иссиққўл бўйида “Тараққиёт йўлидаги ижтимоий шериклик” Халқаро конференцияси бўлиб ўтди, унда Ўзбекистондан турли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари раҳбарлари, ҳокимият қонун чиқарувчи ва ижро этувчи шохобчалари вакиллари, ишбилармонлар ва журналистлар иштирок этишди.

14-16 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташифи билан Исроилда бўлди.

Икки мамлакат расмий делегациялари музокаралари якуни бўйича Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Беньямин Нетаньях икки ёқлама солиқ ундиришга барҳам бериш, даромад ва капиталга солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш, савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимлар, шунингдек, икки давлат ўртасида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги, техника, солиқ ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битимларни имзолашди.

14-17 сентябрь. Тошкентда “Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги сиёсий ва иқтисодий ҳаракати” мавзуида Ўзбек-Италия Халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

16 сентябрь. Чехия Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари Милош Холечек бошчилигида мамлакатимизга келган делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б. Эшоннов билан учрашди. Учрашув чоғида иккала Конституциявий суд ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлашда Конституциявий судларнинг ролини ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашувлар бўлди.

16 сентябрь. Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Норвегия парламенти Халқаро комитети раиси Х. Бланкенборг бошчилигидаги Норвегия парламенти делегацияси Ўзбекистон Олий Мажлиси раиси Э. Халилов

билан учрашди. Суҳбат давомида икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш юзасидан фикр алмашилди. Ўша куни Норвегия делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлари вазирлигида бўлишди ва музокаралар олиб боришди.

21 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаҳон банки вице-президенти Иоханесс Линн бошчилигидаги шу банк делегацияси аъзоларини қабул қилди. Учрашув жараёнида ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашувлар бўлди.

21-28 сентябрь. Ўзбекистон ва Қирғизистон худудида НАТОнинг “Тинчлик йўлидаги шериклик” дастури доирасида Халқаро тинчликпарварлик “Марказосбат-98” ўқув машқлари бўлиб ўтди, унда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳарбийларидан ташкил топган Марказий Осиё батальони бўлинмалари, шунингдек, АҚШ, Россия, Туркия, Озарбайжон ва Грузия бўлинмалари қатнашди.

22 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Жанкарло Арагонни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ЕХХТ ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

22 сентябрь. Урумчи шаҳрида (Хитой) ҳукуматлараро музокаралар бўлиб ўтди, унинг якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида халқаро алоқа тўғрисидаги Битимни ижро этиш Регламенти имзоланди. Музокаралар якунида “Ўзавтотранс” Давлат акционерлик корпорацияси, Қирғизистон Республикаси транспорт ва коммуникациялар вазирлиги ҳамда ХХР Коммуникациялар вазирлиги ўртасида Тошкент—Андижон—Ўш—Қашқар маршрути бўйича Халқаро автомобиль йўли орқали юк ташиш ишларини бажаришга рухсат этиш тизимини йўлга қўйиш тўғрисидаги Протокол имзоланди.

24 сентябрь. Тошкентда “Жаҳон бозорига чиқиш учун Ўзбекистон транспорти йўлини шакллантириш” мавзuidaги Халқаро илмий-техникавий конференция ўз ишини бошлади.

28 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Осиё Тараққиёт банки вице-президенти Питер Сэлливанни қабул қилди. Суҳбат давомида мавжуд қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари, шунингдек, биргаликда амалга ошириш мумкин бўлган лойиҳалар ва ҳамкорлик билан боғлиқ бошқа бир қанча масалалар муҳокама қилинди.

Сентябрь. Венада атом энергияси бўйича Халқаро агентлик (МАГАТЭ) бош конференциясининг 42-сессияси бўлиб ўтди, унинг ишида БМТга аъзо бўлган 120 дан ортиқ давлат, бир қанча халқаро ташкилотлар вакиллари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳам иштирок этди. Сессияда ядро қуролини тарқатмаслик бўйича Шартнома муносабати билан кафолатларни татбиқ этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан МАГАТЭ ўртасидаги Битимга доир қўшимча Протокол имзоланди. Ўзбекистон ушбу ҳужжатни имзолар экан, ўз зиммасига бир

қатор мажбуриятларни, жумладан, республикада ядро мавзуси билан, ядро материаллари мавжудлиги ва ундан фойдаланиш, ўртача ва юқори даражадаги радиоактивлик чиқиндиларига ишлов бериш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаётгани ҳақида МАГАТЭни ўз вақтида хабардор қилиб туриш мажбуриятини олди.

2 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов АҚШ Куролли Кучлари Марказий қўмондонлигининг бош қўмондони Энтони Зинни бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат давомида икки давлат ўртасида ҳарбий соҳадаги муносабатларни янада ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик ва икки томонни қизиқтирадиган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

7 октябрь. Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган ташқи сиёсат бўйича Руминия парламент комиссияси раиси Георгий Присакару бошчилигидаги делегация аъзолари Олий Мажлисда бўлишди. Ўзбекистон парламенти раиси Э. Халилов меҳмонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ижтимоий-сиёсий ислохотлар, жумладан, қонун чиқариш соҳасидаги ишлар тўғрисида сўзлаб берди. Учрашувда Ўзбекистон билан Руминия ўртасидаги парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

8 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири С. Мирсафоев Миср Араб Республикаси Конституциявий суди раисининг биринчи ўринбосари, Қоҳирадаги Халқаро ҳакамлик суди минтақавий маркази мудир доктор Муҳаммад Абдулайненни қабул қилди. Учрашув жараёнида алоқаларнинг кенгайиб ва ҳуқуқий соҳадаги ҳамкорликнинг янада ривожланиб бораётганидан ҳар икки томон қониқиш ҳосил қилганлиги изҳор этилди. Ўша куни Муҳаммад Абдулайнен Тошкент Давлат юридик институтида бўлиб ўтган илмий-амалий семинарда маъруза қилди.

11-12 октябрь. Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Дўрмон қароргоҳида юксак мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди, сўнгра Президентларнинг яккама-якка учрашуви бўлди. Суҳбат давомида давлатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни, минтақавий ва глобал хавфсизликни янада кенгайтириш, шунингдек, бошқа муҳим масалалар юзасидан фикр алмашувлар бўлди.

Президентларнинг суҳбати билан бир вақтда қароргоҳ мажлислар залида икки мамлакат расмий делегацияларининг амалий учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув якунлари юзасидан ҳукуматлараро ва идоралараро бир қатор ҳужжатлар имзоланди. Булар орасида алоқа соҳасидаги ҳамкорлик, ноқонуний молиявий операцияларга қарши кураш, божхона соҳасидаги ҳамкорликни назарда туғувчи ҳужжатлар, шунингдек, маданият соҳасида ҳамкорлик қилишга доир ҳужжатлар бор.

12 октябрь. Дўрмон қароргоҳида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Музокара-

ларда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин 1998—2007 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги Шартнома, Афғонистондаги вазият бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг Қўшма Баёноти имзоланди. Шунингдек, Россия Федерацияси Президентининг мамлакатимизга қилган расмий ташрифи якунлари бўйича Қўшма Коммюнике қабул қилинди.

12 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Татаристон Республикаси Президенти Минтемир Шаймиевни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Татаристон ўртасидаги ўзаро манфатли ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

13 октябрь. Татаристон Республикаси Президенти Минтемир Шаймиев Ўзбекистонда бўлган пайтида Тошкент шаҳар ҳокими Қ. Тўлаганов билан учрашди. Учрашувдан кейин Тошкент ва Қозон шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик ҳамда дўстлик ҳақидаги Шартнома имзоланди.

14 октябрь. Баҳо бериш стандартлари Халқаро қўмитасининг Парижда бўлиб ўтган ҳар йилги умумий йиғилишида Ўзбекистон Давлат мулк қўмитасининг кўчмас мулк ва инвестициялар бўйича Агентлиги ушбу нуфузли ташкилот мухбир аъзоси этиб қабул қилингани тўғрисида хабар эълон қилинди.

16 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан Туркменистонда бўлди. Музокаралар жараёнида савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, икки давлат ўртасида ҳозирга қадар имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги маънавий-маданий алоқаларни янада кўпроқ чуқурлаштириш масалалари ҳар томонлама муҳокама этилди.

22 октябрь. Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси билан Ливан Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатиш тўғрисида икки давлат элчилари Қўшма Ахборот имзоладилар.

29 октябрь. Туркияда турк халқининг миллий байрами — мамлакат Республика деб эълон қилинганлигининг 75 йиллиги нишонланди. Бу тантаналарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди. У байрам тантаналарининг бошқа қатнашчилари билан биргаликда мамлакат парламентига ташриф буюрди. Бу ерда Каспий денгизи ҳавзасидан ҳамда Марказий Осиё конларидан нефть ва газни жаҳон бозорига олиб чиқиш ҳақидаги Анқара Декларацияси имзоланди. Ҳужжатни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Туркия Президенти С.Демирель, Туркия Бош вазири М. Йилмаз, Озарбайжон Президенти Г. Алиев, Қозоғистон Пре-

зиденти Н. Назарбоев, Грузия Президенти Э. Шеварднадзе ва кузатувчи сифатида АҚШ энергетика вазири Б. Ричардсон имзолашди.

30-31 октябрь. Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Бу — Қозоғистон бошлиғининг мамлакатимизга биринчи расмий ташрифидир. Қозоғистон ва Ўзбекистон расмий делегацияларининг музокаралари якунида Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик тўғрисидаги Шартномани имзолашди. Икки давлат раҳбарлари яна бир муҳим ҳужжатни, 1998—2005 йилларда иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги Шартномани имзоладилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида бир қатор икки томонлама Шартномалар имзоланди: жиноятга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида, ишлаб чиқариш кооперацияси тўғрисида, нефть ва газни қидириб топиш ва қайта ишлашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида, Ўзбекистон Халқ таълими вазири билан Қозоғистон таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш вазири ўртасида ҳамкорлик тўғрисида, Тошкент ҳокимияти ва Остона шаҳар ҳокимияти ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимлар шулар жумласидандир.

Октябрь. АҚШ Конгресси биносига “АҚШ ва Ўзбекистоннинг геостратегик манфаатлари” мавзуида конференция бўлиб ўтди. Унда АҚШ маъмурияти, давлат департаментининг расмий вакиллари, етакчи аналитиклар, дипломатик корпус ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

3-4 ноябрь. Тошкентда МДХ давлатлари, Болтиқбўйи мамлакатлари ва Болгария темирйўл транспорти бўйича Кенгашининг XXII мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида “Хавфли юкларни ҳамдўстлик қатнашчилари бўлган давлатлар темир йўллари бўйлаб ташиш вақтида хавфсизлик қоидалари ва бу юклар билан рўй берган авария вазиятларини бартараф этиш тартиблари тўғрисида”, “Йўловчилар ташишни бошқаришнинг давлатлараро АСУ “Экспресс-3” тизимини ишлаб чиқиш тўғрисида”, “Темирйўл техникасини сертифицициялаш тўғрисида” ва бошқа бир қатор масалалар қараб чиқилди.

5 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ давлат котибининг янги мустақил давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестанович бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, хусусан, иқтисодий соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, шунингдек, томонларни қизиқтирувчи бошқа масалалар бўйича фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

6 ноябрь. Тошкентда 19 октябрда Парижда очилган ЮНЕСКО Ижроия кенгаши 155-сессиясининг якунловчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг раиси Пал Патаки очди. Сессияда Ўзбекис-

тон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Сессияда сўзга чиққан ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор Ислом Каримовни Абу Али ибн Сино номидаги Олтин медалга сазовор бўлганлиги билан табриклади ҳамда Ўзбекистон Президентига медални топшириб, давлатимиз бошлиғи инсоний гоёларни шарафлагани, маданий бойликларни сақлашдаги ва илмий меросни ўрганишдаги хизматлари учун ушбу мукофотга сазовор бўлганлигини таъкидлади.

6 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ЮНЕСКОнинг Бош директори Федерико Майор ва ЮНЕСКО Ижроия кенгаши раиси Пал Патаки бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат давомида ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида, шунингдек, ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтадиган мажлиси кун тартиби масалалари юзасидан фикр алмашувлар бўлди.

12 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ Конгрессининг сенатори Ричард Шелби бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат давомида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

18 ноябрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Греция Миллий мудофаа вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Протокол имзоланди, уни Ўзбекистон томонидан мудофаа вазири Ҳ. Турсунов, Греция томонидан Миллий мудофаа вазири А. Цохатзополус имзолашди.

30 ноябрь. Қирғизистон Президенти Асқар Ақаев амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан бўлган суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик, товар айирбошлашни кўпайтириш, коммуникациялар, гидроэнергетика соҳасидаги ҳамкорлик, Ўзбекистон Қирғизистонга газ етказиб бериши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашув жараёнида икки мамлакат расмий делегациялари вакиллари Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик тўғрисидаги икки давлат ўртасидаги фуқаролик, оилавий ва жинсий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Шартномаларни ратификация қилиш ёрликларини айирбошлаш тўғрисидаги Протокол имзоланди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Қирғизистон Президенти Асқар Ақаев абадий дўстлик тўғрисидаги Шартноманинг ратификация қилиш ёрликлари билан айирбошлаш тўғрисидаги Протоколни имзоладилар.

Ноябрь. Боннда Германияда Марказий Осиё ва Каспий денгизи минтақаси иқтисодиёти мавзуида биринчи Халқаро конференция бўлиб ўтди, унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси В. Голишев бошчилигидаги делегация қатнашди.

17-18 декабрь. Молдова Республикаси Президенти Петру Лучински расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Президент Ислом Каримов ва Молдова Президенти Петру Лучински иштирокидаги икки давлат ҳукумат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари жараёнида Президентлар Ўзбекистон Республикаси билан Молдова Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги Декларацияни имзоладилар.

1999 ЙИЛ

7 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Тожикистон Республикаси Бош вазири Яҳё Азимов бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар, хусусан, ўзаро алоқаларнинг шартлари, икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар билан боғлиқ масалалар, шунингдек, ҳар иккала томонни қизиқтирган бошқа масалалар бўйича фикр алмашувлар бўлди.

8 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари Геннадий Куликни қабул қилди.

Суҳбатнинг асосий мавзуси иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро қўшма комиссияси фаолияти доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги иқтисодий муносабатларнинг янги соҳаларини яратиш, хусусан, Россиянинг ўзбек пахтасига бўлган эҳтиёжи ҳақидаги масалалар бўлди. Шунингдек, томонлар ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар тўғрисида ҳам фикр алмашдилар.

19-20 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистонга ташриф буюрди ва 20 январда Остона шаҳрида Қозоғистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган Нурсултон Назарбоевнинг фаолияти бошланишига бағишланган тантанали маросимда қатнашди.

26 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов С. Илюшин номидаги Россия авиасозлик компанияси Бош конструктори Генрих Новожилов, компания Бош директори Виктор Ливанов, Давлатлараро авиация қўмитаси раиси Татьяна Анодина, шунингдек, “Пратт энд Уитни” компаниясининг ривожланиш масалалари бўйича вице-президенти Жозеф Торкеттини қабул қилди.

Суҳбат чоғида ўзаро фойдали ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Президентига Авиация ва ҳавода учиш Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси дипломи топширилди. Ушбу Академия аъзолигига кўрсатилган номзод унинг барча аъзолари томонидан бир овоздан тасдиқланган тақдирдагина аъзо бўла олади. Бугунги кунда шу соҳанинг етакчи олимлари ва дунёнинг деярли барча космонавтлари унинг аъзоларидир. Бу сафар уларнинг қарори яқдил бўлди.

Ислом Каримов авиация техникасини ривожлантиришдаги хизматлари учун бу нуфузли Академиянинг ҳақиқий аъзоллигига қабул қилинди.

Январь. Япония Эн-Эйч-Кей телерадиокомпаниясининг оммабоп кундалик “Поезд ойнасидан кўринган дунё” дастури доирасида Ўзбекистонга бағишланган 20 серияли туркум намоиш қилина бошланди.

11 февраль. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Кенгаши Раиси Егор Строевнинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда ўзаро манфаатли, кенг миқёсли иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, икки давлат ўртасида парламентларо алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар бўйича фикр алмашувлар бўлди.

Айни вақтда, Дўрмон қароргоҳидаги музокаралар залида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов Россия Федерацияси расмий делегацияси аъзолари — Орёл, Курган, Воронеж, Иванов, Калуга, Гюмень, Иркутск, Омск вилоятлари раҳбарлари билан учрашди. Музокараларнинг бош мавзуси икки мамлакатнинг иқтисодий алоқаларини ривожлантириш ва минтақалар ўртасида товар айрибошлаш ҳажмини ошириш билан боғлиқ масалалардан иборат бўлди.

12 февраль. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган Франция ишбилармонлари билан учрашди. Ўрта Осиё ва Кавказорти мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича француз корхоналари Ҳаракати кўмитаси раиси Кристин Монс ишбилармонлар делегациясига бошчилик қилди. Ушбу Ҳаракат таркибига Франциянинг йирик банклари, етакчи корпорациялари, шунингдек, кичик ва ўрта бизнес корхоналари кирди.

Қароргоҳда бўлиб ўтган музокаралар чоғида давлатимиз бошлиғи таъкидлаб айтганларидек, Франция ишбилармонларининг ташрифи бу мамлакатнинг Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бораётганлигини тасдиқлайди, шунингдек, иккала давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг янада ривожланишига янги имкониятлар яратади.

19 февраль. Остона шаҳрида (Қозоғистон) абадий дўстлик тўғрисидаги Шартнома қатнашчилари бўлган давлатлар бошлиқларининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Ақаев иштирок этишди.

Учала мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган мажлиси тугагач, “Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасидаги абадий дўстлик тўғрисидаги Шартнома бажарилишининг бориши тўғрисида”ги Протоколни ва “Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси миллий иқтисодиёти учун жаҳон молиявий кризиси оқибатларини юмшатиш соҳасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш тўғрисида”ги Меморандумни имзолаш маросими бўлди.

Февраль. Япония матбуот марказида “Япония—Ўзбекистон” дўстлик Ассоциацияси Ўзбекистоннинг Токиодаги элчихонаси билан биргаликда ташкил этган Ўзбекистон Республикаси тақдимоги бўлиб ўтди. Унда жамоатчилик вакиллари, парламент депутатлари, таниқли сиёсий арбоблар, журналистлар, шунингдек, Япония олий ўқув юртларида таълим олаётган ўзбек талабалари — жами 300 дан ортиқ киши иштирок этди.

Япония ташқи ишлар вазирлиги Ахборот бошқармасининг Бош директори, Япониянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси У. Магосаки учрашувда сўзга чиқиб, ўзбек халқининг бой маданий мероси, тарихи ва бугунги куни тўғрисида батафсил ахборот берди.

Тақдимог иштирокчилари Ўзбекистон расмлари яратган расмларнинг катта коллекцияси ва халқ амалий санъати усталари асарлари билан танишдилар. Ўзбекистон ҳақидаги бир нечта ҳужжатли фильмларни томоша қилдилар.

Кеча “Сиз Ўзбекистонни биласизми?” номли викторина билан якунланиб, ғолибларга элчихона номидан ўзбек халқ усталари яратган махсус совғалар тақдим этилди.

2 март. Дўрмон қароргоҳида мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Греция Президенти Константинос Стефанопулос билан расмий учрашув маросими бўлиб ўтди.

Бу ерда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Греция Президенти Константинос Стефанопулос ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат давомида БМТ, ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида икки томонлама муносабат ва алоқалар муҳокама қилинди. Томонлар халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Айни вақтда, музокаралар залида икки томонлама ҳужжатлар: Ўзбекистон билан Греция ўртасидаги консуллик Конвенцияси, автомобиль транспортида халқаро йўловчилар ва юкларни ташиш тўғрисида Битим, шунингдек, Грециянинг Ўзбекистонга 30 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратгани ҳақидаги ҳужжат имзоланди.

Дўрмон қароргоҳида Президент К.Стефанопулоснинг Ўзбекистонда истиқомат қилаётган греклар билан суҳбати бўлиб ўтди. Шу куни К. Стефанопулос Ўзбекистон Миллий боғи ҳамда Темурийлар тарихи Давлат музейини бориб кўрди, Ўзбекистон Бадий академиясида грек расмлари асарлари кўргазмасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

9 март. Дўрмон қароргоҳида мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Грузия Республикаси Президенти Эдуард Шеварднадзенинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик, жаҳонда содир бўлаётган долзарб воқеалар билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашинди.

Ўзбекистон ва Грузия Президентлари ўртасида учрашув бўлаётган пайтда қароргоҳнинг музокаралар залида икки мамлакат делегациялари ўртасида

кенгайтирилган таркибда музокаралар ўтказилди. Музокараларнинг асосий мавзуси икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни, коммуникация соҳасидаги, тадбиркорлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш масалаларидан иборат бўлди.

15-16 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг таклифи билан Туркия Республикаси Президенти С. Демирель расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

15 март. Дўрмон қароргоҳида Туркия Президенти Сулаймон Демирелни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ушбу тадбирдан сўнг икки давлат бошлиқлари яккама-якка суҳбатлашдилар. Президентлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволига тааллуқли бир қатор масалаларни кўриб чиқдилар. Икки томонни қизиқтирувчи халқаро муаммолар бўйича ҳам фикр алмашувлар бўлди. Суҳбат чоғида Президентлар терроризмга, уюшган жиноятчиликка, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида келишиб олдилар.

Сўнгра иккала мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди.

Музокараларда транспорт коммуникациялари масаласига асосий эътибор қаратилди, шунингдек, фан, маданият, таълим соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов билан Туркия Президенти Сулаймон Демирель икки мамлакат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган музокаралар тўғрисида Қўшма Баёнот имзоладилар.

Март. Боннда, ГФР Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатия Академиясида “Германия—Ўзбекистон” жамияти ҳамда Ўзбекистон элчихонаси ҳамкорлигида Наврўзга бағишланган кеча бўлиб ўтди. Наврўз байрамида бундестаг депутатлари, вазирликлар ва идораларнинг вакиллари, фан ва маданият арбоблари, мамлакатда вакил қилинган журналистлар, чел эл дипломатлари қатнашдилар.

Март. Токиодаги Япония матбуот марказида “Япония—Ўзбекистон” дўстлик уюшмаси, мамлакат халқаро савдо ва саноат вазирлиги томонидан ташкил этилган “Ҳозирги Ўзбекистонда жамият, анъаналар ва одамлар ҳаёти” мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

Март. Катмандуда (Непал) Осиё-Тинч океани ҳудудидаги хавфсизлик ва минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан уч кунлик II минтақавий учрашув бўлиб ўтди. Унда қирққа яқин давлат, шу жумладан, Ўзбекистон вакиллари қатнашдилар.

Март. Трир шаҳридаги “Фетценрайх” маданият марказида Ўзбекистон Республикаси тақдими бўлиб ўтди, уни маҳаллий университетнинг ташқи алоқалар академик хизмати ва шаҳар олий ўқув юртлари католок жамияти Ўзбекистоннинг ГФРдаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этди. Ушбу тадбирда Сёсий ва ишбилармон доиралар вакиллари, олимлар, ўқув юртлари ўқитувчилари, талаба ёшлар, шу жумладан, Германия олий ўқув юртларида таълим олаётган “Умид” жамғармаси стипендиатлари иштирок этдилар.

Тақдимот иштирокчилари амалий санъат асарлари коллекцияси, миллий маиший буюмлар ва ўзбек таомлари турлари билан ҳам танишдилар.

2 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Россия пойтахтида ўтказилган МДХ давлатлари бошлиқларининг навбатдаги саммитида қатнашди. Саммитда 1994 йил 15 апрелдан бошлаб эркин савдо зонаси вужудга келтириш тўғрисидаги Битимга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Протокол, МДХ қатнашчилари бўлган давлатлар бошлиқларининг Мустақил Давлатлар ҳамдўстлигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақидаги Декларация, МДХ органларида раислик тартиби, МДХ органлари тузилишини такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш тўғрисидаги, Давлат бошлиқлари кенгаши билан Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги ҳукумат бошлиқлари кенгаши ўртасидаги ваколатларни чегаралаш тўғрисидаги қарорлар, шунингдек, МДХ қатнашчилари бўлган давлатларнинг жиноятчиликка қарши курашда ўзаро ҳаракати Концепцияси ҳамда бошқа ҳужжатлар имзоланди.

6 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Дўрмон қароргоҳида Япониянинг “Кейзай Доюкай” корпоратив раҳбарлари ассоциацияси президенти Коичи Минагучи бошчилигидаги делегация билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Япония корпоратив раҳбарлари ассоциацияси ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

8-9 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Ашгабатда ўтказилган Оролни қутқариш бўйича Халқаро Жамғарманинг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

12 апрель. Олий мактаб Халқаро Фанлар Академияси президенти В.Шукшунов Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовга академиянинг фахрий аъзоси дипломини топширди. Давлатимиз раҳбари мамлакатда фан ва таълимни ривожлантиришдаги катта хизматлари, хусусан, кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ташкилотчиси ва ташаббускори бўлгани учун ана шу дипломга сазовор бўлди.

17-20 апрель. Лондонда йирик молиявий анжуман — Европа Тиклашиш ва тараққиёт банки (ЕТГБ) бошқарувчилари Кенгашининг йиллик мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис ишида ЕТГБ аъзолари — жами 58 мамлакатдан делегациялар, шу жумладан, молия вазири Рустам Азимов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳам иштирок этди.

Лондон молия анжумани доирасида 20 апрелда Ўзбекистон Республикаси тақдимоти бўлди, унда жаҳоннинг турли мамлакатларидан банкирлар, бизнесменлар ва инвесторлар — жами 200 дан ортиқ делегат ва меҳмонлар қатнашдилар.

19 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаҳон туризм ташкилоти бош котиби Франческо Франжиаллини қабул қилди.

Қабулда Ф. Франжиалли Президент Ислоҳ Каримовга Буюк Ипак йўлини тиклаш ғояси, бу қадимги йўл бўйлаб туристик маршрутни ташкил этиш халқ-

аро лойиҳасини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва ривожлантиришдаги катта хизматлари учун жаҳон туризм ташкилотининг олий мукофотини тошпирди.

20 апрель. Чехия Республикаси Бош вазири Милош Земан расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Дўрмон қароргоҳида Президент Ислом Каримов билан Чехия Бош вазири Милош Земан ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат давомида улар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволи, истиқболдаги режалари тўғрисида, шунингдек, халқаро ва минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Кейин икки давлат расмий делегациялари ўртасида кенгайтирилган таркибда музокаралар бўлиб ўтди. Музокараларда асосий эътибор икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Чехия Бош вазири Милош Земан Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қўшма Декларацияни имзоладилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Чехия Республикаси ҳукумати ўртасида халқаро йўловчилар ташити ва автомобиль транспортида юк ташиш тўғрисидаги Битим имзоланди.

23-25 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Америка Қўшма Штатларига ташрифи бўлиб ўтди. Уч кунлик ташриф давомида давлатимиз бошлиғи НАТОнинг 50 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида ўтган Евроатлантик шериклик кенгаши мажлисида қатнашди, АҚШ раҳбар доиралари вакиллари билан музокаралар олиб борди ва йирик халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашди.

4 май. Пойтахтнинг “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида Ўзбекистонда халқаро ҳамкорлик бўйича Япония минтақавий ваколатхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

4 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Япония ташқи ишлар вазири Масахико Коумурани ва унга ҳамроҳлик қилган делегация аъзоларини қабул қилди.

Учрашув давомида икки томонлама алоқаларнинг ҳозирги аҳволи кўриб чиқилди ҳамда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар бўйича фикр алмашилди.

5 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Эрон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазири Камол Харрозийни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги ўзаро муносабатлар, минтақавий ҳамкорлик, халқаро муаммолар, шунингдек, икки томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

7-8 май. Болгария Президенти Петер Стоянов расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Шаҳар яқинидаги Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Болгария Республикаси Президенти Петер Стоянов ўртасида яккама-якка учрашув бўлиб ўтди. Уч-

рашгудва халқаро ҳаётдаги долзарб воқеалар, икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги аҳволи, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун кўриладиган зарур чора-тадбирлар ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди. Президентларнинг учрашуви тугагандан сўнг, икки давлат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Бунда асосий эътибор икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилди.

Музокаралар давомида икки давлат ўртасидаги маданий алоқаларни, илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш хусусида ҳам гап борди. Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ҳукумати билан Болгария ҳукумати ўртасида бу мамлакатларнинг тегишли ҳудудлари ўртасида ва улардан ташқарида ҳаво йўллари ривожлантириш, шунингдек, уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш ҳақидаги Битимлар, Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик ҳақидаги Шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги ёрлиқларни айрибошлаш ҳақида Протокол имзоланди.

10-11 май. Тошкентда Франция Миллий мудофаа масалалари бўйича тадқиқотлар институтининг 51-сайёр сессияси бўлиб ўтди. Армия генерали Рэмон Жерманос бошчилигидаги француз делегацияси аъзолари Ўзбекистон Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида бўлиб, у ерда мамлакатимизнинг ташқи ва мудофаа сиёсати масалаларига бағишланган конференцияда қатнашдилар. Чирчиқдаги олий танк командирлар муҳандислик билим юртида ҳамда Марказий Осиёни тадқиқ қилиш бўйича Франция институтида бўлдилар ва Бухоро билан Самарқанда ташриф буюрдилар.

12 май. Франция парламентининг қуйи палатаси бўлган миллий мажлис Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим матнини кўриб чиқди ҳамда ратификация қилди. Мамлакат парламентининг юқори палатаси 1998 йил 22 декабрда бу Битимни маъқулади.

Шундай қилиб, Франция Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг 15 нчиси сифатида бу Битимни ратификация қилиш жараёнини тугаллади. Ушбу ҳужжат билан Европа Иттифоқи ва Европа Иттифоқига аъзо давлатлар қонуний равишда давлатимиз билан муносабатларнинг янги тури — шериклик ва ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилганлигини қонуний даражада тасдиқладилар.

13 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Оқсаройда МДХ Ижроия қўмитаси Раиси Юрий Яровни қабул қилди. Суҳбат чоғида МДХ мамлакатларида содир бўлаётган воқеалар хусусида фикр алмашилди.

13 май. Мамлакатимиз Президенти ЕХХТнинг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюро директори Жерар Штудманни қабул қилди.

Суҳбат чоғида мамлакатимизда ўтказилаётган демократик ислохотлар, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича амалга

оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди. Ўзбекистон билан ушбу Бюро ҳамда умуман, ЕХХТ ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш масалалари бўйича фикр алмашилди.

13 май. Олий Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халиловнинг Жамоалар палатасининг ташқи ишлар бўйича қўмита раиси Дональд Андерсен бошчилигидаги Буюк Британия парламент делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида парламентлараро алоқаларни кенгайтириш ва ривожлантириш истиқболлари тўғрисида фикр алмашилди.

14 май. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ЕХХТ Бюроси ўртасида Коммюнике имзоланди.

Ушбу ҳужжат инсоний мезон бўйича фуқаролик жамияти ва ЕХХТ мажбуриятларининг ривожланишига тааллуқли масалалар бўйича ҳамкорлик ва маслаҳатлашувларни давом эттириш мақсадларида қабул қилинди.

14 май. Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Иордания Ҳошимийлар Қиролиги парламенти юқори палатасининг Тоҳир ал-Масрий бошчилигидаги делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлди.

Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А.Қосимов билан бўлган учрашувда Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги парламент алоқаларини ривожлантириш масалалари бўйича фикр алмашилди.

Шу куни Тоҳир ал-Масрий бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида музокаралар олиб борди. Иорданиялик меҳмонлар яна Ўзбекистон Мусулмонлари диний бошқармаси фаолияти билан танишдилар, кутубхонада сақланаётган нодир китобларни кўздан кечирдилар.

17 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ Қурулли Кучлари Марказий қўмондонлигининг бош қўмондони Энтони Зиннини қабул қилди.

17 май. Хабар қилинишича, Берлинда “Восток” (“Шарқ”) журналининг махсус сони чиқди. У тўлалигича Ўзбекистонга бағишланган бўлиб, “Ўзбекистон — Шарқ билан Ғарб ўртасидаги мамлакат” деган умумий сарлавҳа остида чоп этилди. Журнал Бош директори Бритта Волленсбергининг таъкидлашича, ушбу нашрдан кўзланган асосий мақсад немис ўқувчиларини Ўзбекистонда содир бўлаётган ўзгаришлар билан таништириш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ҳамкорлик имкониятларини намоиш этишдан иборат.

18 май. Ўзбекистонга расмий ташриф билан келган Ҳиндистон Ташқи ишлар вазири Жасвант Сингх Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А. Комилов билан учрашди. Бўлиб ўтган музокаралар чоғида икки мамлакат ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор масалалар бўйича фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳукуматлари ўртасида инвестицияларни ҳамоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисида Битим имзоланди.

19 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Оқсарой қароргоҳида Ҳиндистон Ташқи ишлар вазири Жасвант Сингҳни қабул қилди.

Суҳбат чоғида давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни янада ривожлантириш, шу йўналишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда миллий хавфсизлик масалалари бўйича фикр алмашилди.

24-25 май. Пойтахтнинг “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида Ўзбекистон — АҚШ, АҚШ — Ўзбекистон қўшма комиссиясининг иккинчи сессияси иш бошлади.

Форумда халқаро ташкилотлар доирасида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, тинчликни сақлаш, НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик қилиш” дастури ҳамда Евро-Атлантика шериклиги Кенгаши доирасида муҳофаза ва мичтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

25 май. Киевда ҳар тарафлама ҳамкорлик қилиш бўйича Ўзбекистон—Украина ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг учинчи мажлиси бўлиб ўтганлиги ҳақида хабар эълон қилинди. Унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегациясини Украина Президенти Леонид Кучма қабул қилди. Суҳбат чоғида томонлар ўзаро манфаатли масалаларни муҳокама қилдилар.

25 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Дўрмон қароргоҳида янги мустақил давлатларнинг ишлари бўйича АҚШ давлат котиби махсус маслаҳатчиси С. Сестанович бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Учрашувда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбек-Америка ва Америка-Ўзбек қўшма комиссиясининг навбатдаги сессияси яқунлари, иқтисодий ва сиёсий алоқалар кўламини янада кенгайтириш, жумладан, ишбилармонларнинг бевосита ҳамкорлигини ривожлантиришда имтиёзлар яратиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

28 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Оқсарой қароргоҳида Қозоғистон Бош вазири Н. Балғимбоевни қабул қилди. Музокаралар чоғида ўзбек-қозоқ муносабатлари, турли соҳаларда икки мамлакат ўртасидаги алоқалар, томонларни қизиқтирувчи бошқа масалалар бўйича фикр алмашилди.

28 май. Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ўзбек-қозоқ ҳукуматлараро комиссияси ишининг яқунлари бўйича автомобиль йўлларининг айрим участкаларидан фойдаланиш тўғрисидаги икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида 1998 йил 27 мартда имзоланган Битимга қўшимчалар киритиш ҳақидаги Протокол, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги элчихоналар фаолиятига тааллуқли масалаларни ўзаро йўлга солиш тўғрисидаги Битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Хужжатларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов ва Қозоғистон Бош вазири Н. Балғимбоев имзоладилар.

Май. Ўзбекистонга Словакия Республикаси Ташқи ишлар вазири ўринбосари Франтишек Длгополчек бошчилигидаги делегация келди. Ташриф чоғида Ўзбекистон Олий Мажлисида, ташқи ишлар ва ташқи иқтисодий муносабатлар вазирликларида, Давлат ва жамият қурилиши Академиясида, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида учрашувлар ва маслаҳатлашувлар бўлиб ўтди.

Музокаралар якуни бўйича кейинги учрашувлар ва ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини яратиш бўйича аниқ келишувларга эришилди.

10 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида мамлакатимизга расмий ташриф билан келган ХХР Давлат Кенгаши вазири Цянь Цичэни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Хитой муносабатларига тааллуқли масалалар ҳамда томонларни қизиқтирувчи бошқа масалалар бўйича фикр алмашинилди.

11 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Франция Иқтисодиёт, молия ва саноат вазирлигининг давлат маслаҳатчиси Кристиан Пьеррени қабул қилди.

Суҳбат чоғида икки давлат ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари бўйича фикр алмашинилди.

17 июнь. Бишкекда Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамият давлатлари Бош вазирлари Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мазкур ҳамжамиятга аъзо республикалар (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон) делегацияларига Бош вазирлар Н. Балғимбоев, А. Муралиев, Я. Азимов ва Ў. Султонов бошчилик қилдилар. Мажлисида Ягона иқтисодий макон ҳудудларида интеграцион жараёнларни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

24 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бишкекда бўлиб ўтган Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти давлатлари бошлиқларининг навбатдаги учрашувида иштирок этди.

Музокаралар чоғида иқтисодий интеграция ва хавфсизлик қўламини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар кенгайтирилган таркибда муҳокама этилди. Украина, Грузия ва Туркияни Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига қузатувчи сифатида қабул қилиш тўғрисида келишиб олинди.

25 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раисининг махсус вакили Вильгельм Хоинкни қабул қилди.

28 июнь. Тошкентда Ўзбекистон Фавқулодда ҳолатлар вазирлигининг фавқулодда ҳолатларда фуқаро хизматларидан фойдаланишни режалаштириш бўйича НАТО Дирекцияси, Европа Бирлашган кучлари Бош штаби билан ҳамкорликда “Тинчлик йўлида шериклик” дастури доирасида таш-

кил этилган фуқаро ҳимояси ва фуқаро-ҳарбий ҳамкорлигини режалаштиришнинг минтақавий курслари очилди.

Минтақавий курсларда НАТОга аъзо ва шерик бўлган 16 давлат вакиллари иштирок этдилар.

Июнь. Ўзбекистон ишбилармон аёлларининг “Тадбиркор аёл” ассоциацияси Тадбиркор ва профессионал аёллар Халқаро федерацияси (ВРУУ)-нинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди. Бу ҳол аёлларимизга хотин-қизлар ишбилармонлигининг жаҳон тажрибасини янада фаолроқ ўрганиш, шунингдек, бошқа мамлакатлар бизнесчи хонимлари билан узвий алоқа ўрнатиш имконини беради.

Июнь. Боннда “Шаҳарлар ва харобалик муаммолари” II Бутунжаҳон анжумани бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 300 шаҳар раҳбарлари ва 69 мамлакатидан техник экспертлар, шу жумладан, Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари ҳокимлари иштирок этишди.

Бухоро шаҳар ҳокими Карим Камолов ва Бонн шаҳар мэри Барбель Дикман, Бонн шаҳар маъмурияти ўртасида бўлиб ўтган икки томонлама музокараларда Бухоро шаҳри билан ҳамкорлик муносабатлари ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Июнь. Оттавада икки томонлама солиқ тўлашни бартараф этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ва Канада ҳукуматлари ўртасида биринчи расмий ҳужжат имзоланди.

1 июль. Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида 1996 йил 21 июнда Флоренцияда Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг бошлиқлари билан бўлган учрашувда Президент Ислом Каримов томонидан имзоланган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим кучга кирди.

Битим икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очди, унда Европа Иттифоқи шериклик ўрнатиш йўли билан ҳамда демократия ва бозор иқтисодиётини яратишдаги бой тажрибаларни ўзаро алмашиш, ўз аъзоларининг янги технологияларини тадбиқ қилиш орқали мамлакатимиздаги иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг муваффақиятли амалга ошишига кучли таъсир кўрсата олади.

Шу маънода таъкидлаб ўтиш керакки, ШХБнинг асосий мақсадларидан бири Ўзбекистон мустақиллиги ва суверенитетини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашдир.

6 июль. БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида “Ўзгаришларга қўмаклашиш: тезкор билим олиш ва уни ёйиш” лойиҳасининг тақдими бўлиб ўтди. Мазкур лойиҳа “Умид” жамғармаси ва ПРООНнинг кадрлар тайёрлаш масаласида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги Меморандумга мувофиқ ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжат “Умид” жамғармасининг ижрочи директори Маннон Раҳимов, БМТ ҳамда БМТнинг ривожланиш дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили Павел Крал томонидан имзоланди.

8 июль. Марказий Осиё мамлакатлари бўйича Департамент вакили Ф. Юнг бошчилигидаги Шарқ мамлакатлари билан ҳамкорлик масалалари юзаси-

дан Германия иқтисодий қўмитаси делегациясининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Л. Аҳметов билан учрашди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ҳар томонлама янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашинди. Шу куни Республикамизда меҳмон бўлиб турган Шарқ мамлакатлари билан ҳамкорлик масалалари бўйича Германия иқтисодий қўмитаси делегацияси “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида республикамизнинг бир қатор йирик муассасалари вакиллари билан музокаралар олиб борди.

9 июль. Вашингтонда Америка Қўшма Штатларидаги Ўзбекистон элчихонасида Ўзбекистон Республикасининг шу йил апрель ойида қабул қилинган нодавлат, нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги Қонунининг тақдироти бўлиб ўтганлиги ҳақидаги хабар эълон қилинди. Ушбу маросимда АҚШ жамоат ташкилотлари ва давлат департаменти вакиллари, миллий хавфсизлик кенгаши, конгресс ҳамда илмий марказларнинг вакиллари иштирок этишди.

Катнашчиларнинг фикрича, бўлиб ўтган тадбир Ўзбекистондаги иш-хотларининг илгарилаб борувчан ва амалий хусусиятга эга эканлигини, шунингдек, давлат ва жамиятни демократлаштириш соҳасида халқаро ҳамкорликка тайёр эканлигини яна бир бор намоиш этди.

9 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қирғизiston Республикаси Бош вазир Омонгелди Муралиевни қабул қилди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Қирғизiston ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар миқёсини янада кенгайтириш, бу йўналишдаги зарур чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш, сиёсий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

9 июль. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Бош вазир У. Султонов ва Қирғизiston Бош вазир О. Муралиев иштирокида Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизiston Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш, маданий алоқаларни кенгайтириш ва бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, гидроэнергетика ва транспорт соҳасида икки томонлама муносабатлар ва алоқаларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш учун янги ҳужжатлар тайёрлаш хусусида фикр алмашувлар бўлди.

10 июль. Бош вазир Омонгелди Муралиев бошчилигида мамлакатимизга келган Қирғизiston делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов билан учрашдилар.

Учрашув чоғида Ўзбекистон Олий Мажлиси билан Қирғизiston Республикаси парламенти ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашинди.

15 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазир Игорь Ивановни қабул қилди.

Суҳбат чоғида икки давлат ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида, минтақавий ва халқаро муаммолар бўйича, иккала мамлакатни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашувлар бўлди.

19-20 июль. Тошкентда БМТ ҳомийлигида Афғонистон бўйича “6+2” гуруҳининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда гуруҳга аъзо мамлакатлар — ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари даражасидаги делегациялари, БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус элчиси Лаҳдар Брахимий иштирок этди.

Учрашув якунида Афғонистондаги можарони ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида Тошкент Декларацияси имзоланди.

20 июль. Покистон Ислом Республикаси бош вазири Навоз Шарифнинг афғон муаммосини сиёсий ҳал этиш бўйича “6+2” гуруҳининг фаолиятини қўллаб-қувватлаши тўғрисидаги мактуби эълон қилинди.

20 июль. БМТ Бош котиби Кофи Аннаннын “6+2” гуруҳи Тошкент учрашувини қўллаб-қувватлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига йўллаган мактуби эълон қилинди.

20 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Афғонистон бўйича “6+2” гуруҳи Тошкент учрашуви иштирокчиси — Афғонистон бўйича БМТ Бош котибининг махсус элчиси Лаҳдар Брахимийни қабул қилди.

Суҳбат чоғида “6+2” гуруҳи музокаралари вақтида қабул қилинган Тошкент Декларацияси, шунингдек, Афғонистон ва минтақавий хавфсизлик муаммолари бўйича имзоланган бошқа ҳужжатларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашувлар бўлди.

20 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Афғонистон бўйича “6+2” гуруҳи Тошкент учрашуви иштирокчиси, АҚШ делегацияси раҳбари, АҚШ Давлат котиби ўринбосари Карл Индерфурсни қабул қилди. Суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашувлар бўлди.

21 июль. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Афғонистон Бирлашган fronti раҳбари Аҳмадшоҳ Маъсудни қабул қилди.

Музокаралар чоғида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича “6+2” гуруҳининг яқинда бўлиб ўтган Тошкент учрашувида муҳокама қилинган масалалар юзасидан ҳар тарафлама фикр алмашинди.

22 июль. Афғонистондаги можарони тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент Декларацияси эълон қилинди.

26 июль. Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япониянинг Франция Республикасидаги Фавкулудда ва Мухтор Элчиси Кончиرو Мацуурани қабул қилди. Элчи дипломатик фаолият билан бир вақтда ЮНЕСКО доирасида жаҳон халқларининг тарихий, маданий, маънавий ва илмий меросини сақлаш ҳақда ривожлантириш ишларида фаол иштирок этади. Суҳбат чоғида иккала мамлакат ўртаси-

да ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ, шунингдек, икки томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар бўйича фикр алмашилди.

26 июль. Тошкентда “Халқаро савдо назарияси ва амалиёти” мавзуида ўн кунлик семинар иш бошлади. Ўзбекистонда бир ярим йилдан бери фаолият кўрсатаётган Иқтисодий тадқиқотлар маркази ва Жаҳон банки семинар ташкилотчилари бўлишди. Семинар тренери — Колумбия университети профессори Жон Мак Ладендир.

28 июль. Нью-Йоркда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси бўлди. Унда “6+2” гуруҳи номи билан машҳур Афғонистон кўшнилари ва дўстлари гуруҳининг Тошкент учрашуви яқунлари муҳокама қилинди.

Мажлис жараёнида Хавфсизлик Кенгаши аъзолари “6+2” Тошкент учрашуви яқунларига юксак баҳо бердилар, уни афғон можаросини сиёсий йўл билан ҳал қилиш борасидаги муҳим қадам, деб атадилар.

Хавфсизлик Кенгаши Раиси ва аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номидан “6+2” гуруҳи Тошкент учрашувини ўтказишдаги ташаббуси ва ташкилотчилиги учун Ўзбекистон Республикаси ҳукуматиغا миннатдорчилик билдирдилар.

29 июль. Ташқи Иқтисодий алоқалар вазирлигида АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жозеф Пресел ва ТИАВ вазири Элёр Ғаниев имтиёзли савдо Битимини имзоладилар, унга кўра АҚШ мамлакатимизга 36900 тонна соя дони етказиб берадиган бўлди. Лойиҳанинг умумий қиммати 10 миллион АҚШ долларарида баҳоланади.

Июль. Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг ректори, Тошкент Ислом университети маслаҳат кенгаши аъзоси профессор Неъматулло Иброҳимов бошчилигидаги Ўзбекистон исломшунос олимлар делегацияси Роттердам Ислом университети (Голландия) ташриф буюрди. Ушбу сафар чоғида Роттердам Ислом университетида, “Роттердам Ислом университети дўстлари” жамиятида, Париждаги Шарқ тиллари ва цивилизациялари Миллий институтида, Брюсселдаги Ислом марказида учрашувлар ва суҳбатлар бўлиб ўтди.

Июль. Япониянинг Ибараки префектурасидаги Мориа шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

4 август. Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган “Кейс Европа” компанияси президенти Леопольд Платтнер бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ташриф буюришди.

Меҳмонлар билан учрашув чоғида Бош вазир Ў. Султонов Ўзбекистон билан “Кейс” корпорацияси ўртасидаги ҳамкорликни барқарор ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлади.

Музокаралар чоғида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари бўйича фикр алмашилди. Музокаралар сўнгига Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлигига “Кейс Европа” компанияси инвестицияларини жалб қилиш тўғрисида Шартнома имзоланди.

8 август. Ўзбекистоннинг А-310 лайнери Буюк Британия ва Италиядан келган 27 сайёҳни Самарқандга олиб келди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси Лондон—Самарқанд янги йўналишини очиб, шу тариқа Европани Буюк Ипак йўли билан боғлади.

9 август. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига кирувчи мамлакатларда соғлиқни сақлашни ривожлантириш бўйича Европа минтақавий бюроси департаменти директори Жужанна Якоб раҳбарлигида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган делегация аъзолари Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида қабул қилинди.

Учрашув жараёнида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Фуломова мамлакатимизда амалга оширилаётган тиббиёт соҳасидаги ислохотлар, хусусан, аёллар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш тadbирлари ҳақида сўзлаб берди. Жужанна Якоб хоним Ўзбекистон тиббиёт соҳасида эришган катта ютуқлари учун Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мукофотига сазовор бўлганлигини маълум қилди.

Сухбат жараёнида ушбу мукофот Президент Ислом Каримов бошчилигида мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар халқаро миқёсда тан олинганлигидан далолатдир, деб таъкидлаб ўтилди. Аёллар ва болаларни муҳофаза қилиш, юкумли касалликларга қарши кураш, болаларни эмлаш, беморларни самарали даволашда Ўзбекистон минтақадаги энг илгор давлатлардан бирига айланди.

13 август. Сирдарё, Фарғона, Сурхондарё, Жиззах ва Андижон вилоятлари ёш деҳқонларидан бир гуруҳнинг АҚШ фермер хўжаликларидagi бир йиллик малака оширишлари ниҳоясига етганлиги ҳақидаги хабар эълон қилинди.

Улар Висконсин, Миннесота, Индианаполис, Массачусетс, Мэн ва Коннектикут штатларининг замонавий хўжаликларидa самарали таълим олдилар ва малакаларини оширдилар, ем тайёрлаш ва уни сақлаш, молларни боқиш ва менежмент бўйича энг янги технологиялар сирлари билан танишдилар. Бундан ташқари, ўзбек фермерлари Калифорния политехника университети агробизнес факультетидa назарий курсни ўтаб, тегишли сертификатларга эга бўлдилар.

Ёш деҳқонлар Мэдисон шаҳридаги дунёнинг 50 мамлақати ўз ютуқларини намойиш этадиган Бутунжаҳон чорвачилик кўргазмасини ҳам бориб кўрдилар.

18 август. Тошкентда Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасида савдо, инвестиция, фан ва маданият, спорт, ёшлар ишлари бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш Ўзбекистон—Саудия Арабистони қўшма комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

20 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Саудия Арабистони Қиролигининг Савдо вазири Усома Жаъфар Фақиҳни қабул қилди.

Сухбат чоғида Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашувлар бўлди.

23-27 август. Бухорода “Ядро физикасининг замонавий муаммолари” мавзуида учинчи Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда қарийб 20 мамлакатнинг етакчи илмий марказларидан 190 дан ортиқ олим иштирок этди.

24 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов Оқсарой қароргоҳида “Б най Б рис” халқаро яхудийлар ташкилоти президенти Ричард Хайдеман бошчилигидаги шу ташкилот делегациясини қабул қилди. Суҳбат чоғида “Б най Б рис” халқаро яхудийлар ташкилоти билан муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ ҳамда икки томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар юзасидан фикр алмашувлар бўлди.

Август. Бомбайда “Ўзбекистон — инвестициялар учун катта имкониятлар мамлакати” мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистоннинг таниқли фирма ва компаниялар вакиллари, мамлакатнинг етакчи иқтисодчилари, олимлари, журналистлари ва сиёсатшунослари иштирок этишди.

1 сентябрь. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов Россия Федерацияси Мудофаа вазири Игорь Сергеевни қабул қилди. Учрашув чоғида Марказий Осиё минтақасида экстремизм ва террорчиликка қарши ҳамкорликда кураш олиб бориш, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар масалалари муҳокама қилинди.

6-9 сентябрь. Ташқи ишлар вазири А. Комилов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасида бўлди. Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси билан ГФР ўртасида даромад ва мулкнинг икки томонлама солиққа тортилишини чеклаш тўғрисидаги Шартнома имзоланди. Томонлар икки томонлама ҳамкорликнинг турли соҳаларида тараққиётга эришиш имконини берувчи муайян чора-тадбирлар тўғрисида келишиб олдилар.

13 сентябрь. Брюсселда Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик Кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон делегациясини Ташқи ишлар вазири А. Комилов бошқарди. Йиғилиш давомида Евроиттифоқ билан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлари вазирлари 1999—2000 йиллар давридаги ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олишди, жумладан, икки томонлама савдо-сотиқ ва инвестицияларни таъминлаш ҳамда Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

21 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов 1999 йил 20 сентябрда Тошкентда ўз ишини бошлаган Буюк Ипак йўлини тиклашга бағишланган конференция қатнашчиларига йўлланган табриги эълон қилинди.

24 сентябрь. Ўзбекистон ва Ҳиндистон Республикалари ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия қарорига мувофиқ Ҳиндистон Республикасида куёш энергиясидан фойдаланиш мажмуини бунёд этиш тўғрисидаги хабар эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг “Физика-Куёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари икки мамлакат илмий-

техникавий ҳамкорлиги тарихида биринчи марта Ҳиндистонда қуввати 1500 вт бўлган кичик куёш печини ўрнатиш лойиҳасини амалга оширдилар ва уни Ҳиндистондаги Ҳайдаробод шаҳрида жойлашган куқун металлургияси ва янги материаллар халқаро Марказига (ARCI) беғараз ёрдам сифатида топширдилар.

29 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Оқсарой қароргоҳида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг амалдаги раиси, Норвегия Ташқи ишлар вазири Кнут Воллебек бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат давомида Ўзбекистон ва ЕХХТ ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашинди.

Сентябрь. Тошкентда фавқуллодда вазиятлар ва инсонпарварлик ёрдами бўйича мутахассисларнинг ўзбек — америка қўшма конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг 20 дан ортиқ манфаатдор вазирлик ва идоралари, ижтимоий-инсонпарварлик жамғармалари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, АҚШ армияси фуқаролар иши бўйича 96-батальони мутахассислари билан биргаликда иштирок этдилар.

Сентябрь. Мамлакатимизга республика ҳукуматининг таклифига биноан Осие тараққиёт банкнинг танишув комиссияси ташриф буюрди. Мазкур комиссия вакиллари расмий шахслар билан учрашиб, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси, “Пахтабанк” ва “Мевасабзавотбанк”нинг фаолияти билан танишдилар. Ташриф натижаси бўйича ҳамжиҳатлик ҳақидаги Меморандум имзоланди.

4 октябрь. Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай ҳукумати Ер ва қўчмас мулк вазири Шайх Муҳаммад бин Халифа ал-Мактум бошчилигидаги делегация Тошкент Ислоҳ университетига бўлди. Учрашувда дубайлик меҳмон университетга 100 миң АҚШ долларлик чек топширди ва бундай хайрия ёрдами ҳар йили бериб турилишини таъкидлади.

4-6 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Корея Республикасига давлат ташрифи билан борди. Корея Республикаси Президенти Ким Дэ Жунг қароргоҳида Президент Ислоҳ Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимдан сўнг, икки мамлакат Президентларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда давлатлар раҳбарлари икки томонлама муносабатлар ва халқаро муаммолар тўғрисида фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Жумладан, томонлар савдо, молия, инвестициялар соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳақида фикр алмашдилар.

Музокаралар якунида Президентлар ХХI асрга йўналтирилган янги ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани имзоладилар. Шунингдек, Ўзбекистон ва Корея ҳукуматлари ўртасида божхона соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик

тўғрисидаги Битим, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Корея Республикаси вазирлиги ўртасида ҳуқуқий ҳужжатларни айирбош-лаш ва ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Битимлар имзоланди.

5 октябрь. Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Халқаро “Ёш президентилар ташкилоти” делегацияси аъзолари Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов билан учрашдилар. 1950 йилда Нью-Йоркда ташкил этилган мазкур ташкилот делегацияси таркибига деярли 15 давлатнинг 30 дан ошдиқ компания ва фирма вакиллари кирган.

Ўзбекистон Бош вазири мамлакатда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисида, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвесторлар учун яратилган шароитлар, умуман, Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари тўғрисида батафсил гапириб берди.

7-8 октябрь. Тошкентда “Ўрта Осиёда минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорлик” мавзuida Евроатлантика шериклик Кенгаши (СЕАП)нинг Халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда СЕАПга аъзо 22 мамлакатдан 60 та вакил ҳамда бир қатор халқаро ва ноҳукумат ташкилот вакиллари иштирок этишди.

7-8 октябрь. Украина Президенти Леонид Кучманинг таклифига биноан Украинада Ўзбекистон Президенти Ислom Каримов расмий ташриф билан бўлди.

Ташриф давомида икки давлат делегациялари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Украина ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, савдо, саноат соҳаларидаги ҳамкорликнинг бутунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида икки мамлакат Президентлари икки давлат ўртасидаги барча соҳалардаги стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Баёнотни, шунингдек, Ўзбекистон ва Украина ўртасида 1999—2008 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни имзоладилар.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири А. Комилов ва Украина Ташқи ишлар вазири Б. Тарасюк икки томонлама фуқаролик ҳолатлари олдини олиш тўғрисидаги Битимни ратификация қилиш тўғрисидаги Протоколни имзоладилар.

8 октябрь. Бухоро шаҳрида “Хўжалик масалаларида суд иши самарадорлигини ошириш масалалари” мавзuida Халқаро семинар бўлиб ўтди. Ушбу семинарга Германия билан Ўзбекистон тажрибаси асос қилиб олинди. Семинарнинг асосий маърузачилари қаторида Бремен шаҳар (Германия) судининг президенти ҳам бор эди.

12 октябрь. Москвада Ўзбекистон Республикаси билан Шри Ланка Демократик Социалистик Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилш ҳақидаги Қўшма ахборот имзоланди.

Ахборот Ўзбекистоннинг Россиядаги Фавқулodда ва Мухтор Элчиси Ш. Шоиcломов ва Шри Ланканинг Россиядаги Фавқулodда ва Мухтор Элчиси С. Сиккандера томонидан имзоланди.

18 октябрь. Тошкентда Темирийўл маъмуриятлари — Тариф Битими иштирокчиларининг Саккизинчи Тариф конференцияси ўз ишини бошлади. Конференция ишида Ўзбекистон, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Грузия, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Украина, шунингдек, Болтиқбўйи мамлакатлари темирийўл транспорти мутахассислари делегациялари иштирок этишди.

Конференциянинг асосий мақсадларидан бири — барча битим иштирокчилари манфаатлари сақланган ҳолда, 2000-кемада юк ташиш йилида юкларни халқаро алоқалар йўлларида ташиш тариф сиёсатини белгилаб олишдан иборат бўлди.

19 октябрь. Тошкентда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти томонидан уюштирилган “Иқтисодий тикланиш ва ўтиш давридаги кейинги ҳаракат: институтлар ташкил этиш, қонун устуворлиги ва фуқаролик жамиятининг роли” мавзuida икки кунлик Халқаро семинар ўз ишини бошлади. Семинарда АҚШ, Европа ва Марказий Осиё давлатларидан мутахассислар, шунингдек, ЕХХТ Бюросининг Марказий Осиёдаги вакиллари, халқаро ва ҳукуматлараро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этишди.

22 октябрь. Берлинда 120 мамлакатдан зиёд, шу жумладан, бир қатор халқаро ташкилотлар вакилларининг умумжаҳон мулоқоти маркази ҳисобланувчи парламентлараро иттифоқнинг 102-конференцияси ўз ишини якунлади.

Ҳозирги сиёсатнинг аҳволи ва халқаро муносабатларнинг муҳим масалалари муҳокама қилинган ушбу конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари А. Қосимов бошчилигидаги мамлакатимиз парламент делегацияси иштирок этди.

25 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг камсонли миллатлар ишлари бўйича Олий комиссари Макс ван дер Стулни қабул қилди.

Учрашув чоғида Ўзбекистоннинг ЕХХТ билан алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

25 октябрь. Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган ЕХХТнинг камсонли миллатлар ишлари бўйича Олий комиссари Макс ван дер Стул Олий Мажлиси раиси Э.Халилов билан учрашди, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида бўлди. Учрашув давомида ЕХХТ доирасида миллатлар ва элатлар ўртасидаги ўзаро дўстона муносабатларни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

27 октябрь-2 ноябрь. Қирғизистоннинг Ўш вилоятида ҳамда Ўзбекистоннинг Фарғона вилоятида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Россия Қуроли Кучларининг “Ҳамдўстликнинг жанубий қалқони-99” номли қўмондонлик штаб ўқув машғулотлари бўлиб ўтди. Беш давлат ҳарбийлари терроризм ва экстремизмга қарши кураш ва уларни йўқ қилиш бўйича қўшма ўқув машғулотлари ўтказишди.

28 октябрь. Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Киоко Накаямани унинг илтимосига кўра қабул қилди.

Киоко Накаяма хоним Республика Президентига япон геологларини озод қилишдаги ёрдами учун Япония Бош вазири Кейдзо Обучининг ташаккурномасини топширди ва бу давлатнинг расмий вакили сифатида шахсан Ислом Каримовга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдирди.

Сухбат давомида икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш ва икки томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар юзасидан фикр алмашинди.

Октябрь. Ўзбекистон хотин-қизлар ташкилоти фаолияти билан танишиш мақсадида Республикамизга Корея Халқ Демократик партиясининг хотин-қизлар Демократик иттифоқи делегацияси ташриф буюрди.

Октябрь. Тошкент қурилиш мажмуи бошлиқларидан бир гуруҳи Тошкент билан биродарлашган шаҳар — Берлинда бўлди. Ташриф давомида ўзбек делегацияси аъзолари Германиянинг янги пойтахти қурилишларида қўлланилаётган қурилиш индустрияси ҳамда янги технология ютуқлари билан танишди.

Октябрь. Осака шаҳрида (Япония) машҳур хорижий ташқи савдо “Жетро” япон ассоциацияси ташкил этган хорижий инвестицияларга ёрдам кўрсатиш Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 70 дан ортиқ давлатлари вакиллари қатнашди. АҚШ, Хитой, Франция, Германия, Италия каби мамлакатлар билан бир қаторда Ўзбекистон ҳам биринчи марта ўз экспозицияси билан иштирок этди. Мамлакатимиз маҳсулотларидан иборат мўъжазгина кўргазмамиз Япония бизнесменлари кенг доирасининг эътиборини ўзига жалб этди.

Октябрь. Саппорода (Япония) Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш лойиҳаси бўйича экспертларнинг тўрт кунлик Халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Япония ҳукумати ва БМТ ҳомийлигида ўтказилган ушбу форумда, шунингдек, Япония, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, МАГАТЭ вакиллари ва БМТ маслаҳатчилари ҳам иштирок этди.

Октябрь. Марказий Осиё мамлакатлари — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Монголиянинг 32 вакили Тошкентда бўлиб ўтган Осиё Тараққиёт банки ташкил этган лойиҳаларнинг иқтисодий таҳлили бўйича минтақавий семинарида иштирок этди. Бу мазкур мавзу бўйича минтақавий техник ёрдам лойиҳаси доирасида ўтказилган ўнинчи семинардир.

2-6 ноябрь. Пойтахт “Ўзэкспомарказ”да “Словакия — ишончли шеригимиз” кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Словакиянинг 29 фирма ва корхона маҳсулотлари намойиш этилди.

6 ноябрь. Туркменистон ташқи ишлар вазири Б. О. Шихмуродов амалий ташриф билан Тошкентга келди. Ташриф чоғида икки томонлама ҳамкорлик бўйича қатор масалалар муҳокама қилинди. Унинг якунида Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида фуқароларнинг ўзаро бориш-келишлари ҳақидаги Битим ва чегарабўйи вилоятларида жойлашган иншооларда меҳнат қилувчи шахсларнинг ўзбек-туркман чегарасидаги хатти-ҳаракатларини вақтинча назорат қилиш тўғрисидаги Протокол имзоланди.

8-10 ноябрь. ХХР Райси Цзян Цземиннинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.

ХХР Халқ йиғини уйида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Давлат бошлиқлари икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, халқро ва томонларни қизиқтирувчи бошқа масалаларни муҳокама қилдилар.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида телекоммуникациялар, транспорт, туризм, савдо, маориф, ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда Ўзбекистон билан Хитой ҳамкорлиги масалалари кўриб чиқилди. Музокаралар сўнггида икки мамлакат раҳбарлари ХХР ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дўстона ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида Қўшма Баёнот, шунингдек, ХХР ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида экстрадиция тўғрисида Битим имзоланди. Бундан ташқари, телекоммуникация алоқаси соҳасида ҳамкорлик, интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ХХРнинг Ўзбекистон Республикасига имтиёзли кредит бериши тўғрисидаги Битимлар қабул қилинди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети билан Хитой Дипломатия университети, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Хитой Маориф вазирлиги, “Ўзбектуризм” Миллий компанияси ва Туризм бўйича Хитой Давлат бошқармаси, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ва Хитой жамоат хавфсизлиги вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар ҳам имзоланди.

18 ноябрь. Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Россия Федерацияси ҳукумат раҳбари ўринбосари В. Шербак бошчилигидаги делегация аъзолари ва Ўзбекистоннинг бир қатор вазирликлари ва идораларининг вакиллари қатнашди.

18-19 ноябрь. Истамбулда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилотга аъзо 54 давлат бошлиқларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси қатнашди.

Истамбул саммитида Европа Хавфсизлик Хартияси, Истамбул Декларацияси, Европада оддий қурооллар тўғрисидаги янгиланган Шартнома, ЕХХТга аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги Вена ҳужжати имзоланди.

21-26 ноябрь. Ўзбекистон Республикасининг омбудсман таркибидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили С. Рашидова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори А. Саидов ва Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари О. Дўсжоновдан иборат делегацияси Вашингтонда бўлди.

АҚШ пойтахтида улар сиёсий ва стратегик тадқиқотлар Вашингтон марказида Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунлари масалалари мавзусида ўтказилган семинар ишида иштирок этдилар.

25 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А. Комилов, Ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Фаниев, Молия вазири Р. Азимов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Фуломовдан иборат Японияга келган делегация Ўзбекистон Республикасининг япон ҳукумати аъзолари, вазирлик ва идора раҳбарлари билан қатор учрашувлар ўтказдилар.

Ўзбекистон делегациясини Япония Бош вазири К. Обучи билан учрашуви чоғида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири А. Комилов Япония ҳукумати бошлиғига мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг шахсий мактубини топширди.

Ўзбек делегациясининг Японияга ташрифи якунида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ва Япония Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида маслаҳатлашувлар тўғрисидаги Қўшма Ахборот ҳамда Ўзбекистон телекоммуникация тармоғини ривожлантириш лойиҳаларига, шунингдек, Самарқанд, Бухоро ва Урганчдаги аэропортларни қайта тиклаш лойиҳаларига молиявий маблағ ажратиш тўғрисидаги айирбошлаш Ноталари ҳамда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясига Япония авиа юк ташиш бозорида иштирок этиш ҳуқуқи бериш тўғрисидаги Бош агентлик Битими имзоланди.

30 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Леонид Кучманинг иккинчи муддатга Украина Президенти лавозимига расман ишга киришиш маросими — инаугурацияда иштирок этди.

Ноябрь. Канаданинг Ванкувер шаҳрида Ўзбекистон ишбилармон хотин-қизлари Ассоциацияси “Тадбиркор аёл”нинг профессионал ва тадбиркор хотин-қизларнинг Халқаро ассоциациясига қабул қилиниш маросими бўлиб ўтди.

Ноябрь. Бонда иқлимни ўзгартириш тўғрисида (РКИК БМТ) БМТ доирасидаги конвенцияси томонларининг 5-Халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ишида 160 дан ортиқроқ мамлакат делегациялари, шу жумладан, нуфузли ўзбек делегацияси ҳам иштирок этди.

3 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикасининг Эксимбанк бошқармаси раиси Ман Ки Янгни қабул қилди.

Ушбу банк икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида эришилган шартномалар ҳамда Ўзбекистондаги Корея компаниялари лойиҳаларининг рўёбга чиқарилишида ўзининг молиявий ёрдами билан фаол иштирок этиб келмоқда. У Тошкентда ишга туширилган йирик тўқимачилик корхонаси қурилишига салмоқли ҳисса қўшган. Эксимбанк Ўзбекистондаги ДЭУ, Самсунг каби компаниялар фаолиятини қўллаб-қувватлашда ҳам молиявий ёрдам кўрсатмоқда.

Сухбат чоғида илгари эришилган шартномаларни амалга ошириш, янги лойиҳалар ишлаб чиқиш тўғрисида фикр алмашинилди.

3 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлигининг бош қўмондони Энтони Зиннини қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги билан АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги ўртасидаги ҳамкорлик, шунингдек, мамлакатлар ўртасидаги халқаро ташкилотлар доирасида ҳарбий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

3 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Миср Араб Республикаси “Ал-Азҳар” мажмуи шайхи Муҳаммад Саййид Тантовийни қабул қилди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш истиқболлари, икки томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар муҳокама қилинди.

6 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида АҚШнинг Фавқулудда ва Мухтор Элчиси Жозеф Преселни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбек-Америка алоқаларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашиш.

10-11 декабрь. Ўзбекистонга Россия Федерацияси ҳукумат Раиси Владимир Путин расмий ташриф билан келди. Ташрифнинг асосий қисми Дўрмон қароргоҳида бўлиб ўтди. Ислом Каримов билан Владимир Путин яккама-якка суҳбат чоғида шу куннинг муҳим масалалари, ҳозирги аҳвол ва ўзаро муносабатларнинг истиқболлари тўғрисида фикр алмашдилар.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари чоғида иқтисодий, хавфсизлик, sanoat, шунингдек, бошқа тармоқлардаги ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Путин томонидан Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги Шартнома имзоланди. Шунингдек, икки давлат божхона қўмиталари томонидан икки давлат божхона чегараларидан ақпизли молларни олиб ўтиш устидан божхона назоратини ташкил қилиш ва божхонанинг ташқи савдо статистикаси соҳасидаги методологик, ахборот ҳамкорлиги тўғрисидаги Протоколлар, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик Кенгаши ва Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги ҳукумат алоқаси ва ахборот Федерал агентлиги ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Шартнома ҳам имзоланди.

14 декабрь. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказда “Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш мониторинги самарадорлигини ошириш: тажриба, муаммолар ва режалар” мавзuida Халқаро конференция бўлиб ўтди.

14 декабрь. Мамлакатимизга келган Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) бошқарувчисининг ўринбосари ҳамда бошқарувчи директори Йосеки Нагасе раҳбарлигидаги делегацияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Япония Халқаро ҳамкорлик банки ўртасида бўлиб ўтган музокаралардан сўнг телекоммуникация тизимини кенгайтириш лойиҳасининг иккинчи босқичи ҳамда Самарқанд, Бухоро

ва Урганч аэропортларини қайта таъмирлаш лойиҳасининг иккинчи босқичи тўғрисидаги кредит Битимлари имзоланди.

16 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Оқсарой қароргоҳида Япония Халқаро ҳамкорлик банки бошқарувчиси ўринбосари ва бошқарувчи директори Йосеки Нагасени қабул қилди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон ишбилармон доиралари билан Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва янги лойиҳалар тузиш, уларни ҳаётга табиқ этиш тўғрисида фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

17 декабрь. Душанбеда Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамият давлатлари Бош вазирлари Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё давлатлари ҳудудида интеграция жараёнларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

23 декабрь. Тошкентда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” нинг бош идорасида Ўзбекистон Республикаси билан Италия Республикаси ўртасида ҳаво алоқаси ўрнатиш тўғрисидаги Битим имзоланди.

24 декабрь. Перу Республикасининг БМТ хузуридаги доимий ваколатхонасида Ўзбекистон Республикаси билан Перу Республикаси ўртасида БМТ хузуридаги доимий вакиллар даражасида дипломатик алоқалар ўрнатиш тўғрисида Кўшма ахборотни расмий имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ахборотни Ўзбекистон Республикаси томонидан Фавқулодда ва Мухтор Элчи, Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги доимий вакили Алишер Воҳидов, Перу Республикаси томонидан Фавқулодда ва Мухтор Элчи, Перу Республикасининг БМТдаги доимий вакили Франциско А. Тудела имзоладилар.

27 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Оқсарой қароргоҳида Давлатлараро авиация кўмитаси раиси Татьяна Анодина ва Ильюшин номидаги Россия бирлашган конструкторлик бюроси Бош конструктори Генрих Новожиловни қабул қилди.

Учрашувда ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Декабрь. Берлинда Ўзбекистондаги Аёллар йилига ва жамиятни демократлаштириш жараёнида аёлларнинг ролини ошириш масалаларига бағишланган биринчи герман-ўзбек хотин-қизлар семинари бўлиб ўтди.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оилани ижтимоий муҳофаза қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш қотибиятининг мудир Т.Норбоева бошчилигидаги мамлакатимиз хотин-қизлар делегацияси иштирок этди.

Декабрь. Вашингтонда “Радикал ислом ва Марказий Осиёдаги террорчилик” мавзuida Халқаро илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон мусулмонлар Диний бошқармасининг бошлиғи А. Баҳромов ва Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ректори Н. Иброҳимовдан иборат делегация қатнашди.

Декабрь. Ҳиндистон томонининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси делегацияси бу мамлакатта ташриф буюрди.

Ҳиндистон Молия вазирлигида делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги икки томонлама музокаралари бўлиб ўтди. Музокараларда божхо-

на соҳасидаги ҳамкорлик, унинг статистика, тариф, акциз ва божхона хизматларини компьютерлаштириш соҳаларини янада кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Таширф якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Ҳиндистон ҳукумати ўртасида божхона идораларига ўзаро кўмаклашиш юзасидан Битим имзоланди.

2000 ЙИЛ

24-25 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Москвада бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг саммитида иштирок этди.

12-15 январь. Кавказорти ва Марказий Осиё журналистлари делегацияси Австрияга бориб, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти доимий кенгашининг Венада очилган мажлисида қатнашди.

13 январь. Деҳлида Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси И. Мавлонов мамлакат Президенти К. Р. Нарайананга ишонч ёрлиқларини топширди.

17 январь. Ўзбекистоннинг Франциядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Т. Мамажонов ўриндошлик юзасидан элчи сифатида Мадридда Испания қироли Куан Карлосга ишонч ёрлиқларини топширди.

21 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов “Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Пресел Жозефни “Дўстлик” ордени билан мукофотлаш тўғрисида”, “Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Ингэм Кристоферни “Дўстлик” ордени билан мукофотлаш тўғрисида”, “Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Рихард Биндзайлни “Дўстлик” ордени билан мукофотлаш тўғрисида”, “Исроил давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Гал Гендер Ноахни “Дўстлик” ордени билан мукофотлаш тўғрисида”, “Италия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Брунетти Гоец Иоландани “Дўстлик” ордени билан мукофотлаш тўғрисида”, “Корея Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Че Енг Хани “Дўстлик” ордени билан мукофотлаш тўғрисида”, “Миср Араб Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Шавқий Мамдухни “Дўстлик” ордени билан мукофотлаш тўғрисида”, “Туркия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Апайдин Умурни “Дўстлик” ордени билан мукофотлаш тўғрисида”, “Франция Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Жан Клод Ришарни “Дўстлик” ордени билан мукофотлаш тўғрисида”, “Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Ли Цзиньянни “Дўстлик” ордени билан мукофотлаш тўғрисида”, “Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда

ва Мухтор Элчиси Накайма Кёкони “Дўстлик” ордени билан мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонларни чиқарди.

24-25 январь. Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлди, учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

2 февраль. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Грузия ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг учинчи мажлиси бўлиб ўтди.

14 февраль. АҚШ Ҳарбий-ҳаво кучларининг юк ташувчи ҳарбий самолёти Тошкент аэропортига келиб қўнди. У АҚШ ҳукумати томонидан Ўзбекистон Куроли Кучларига ёрдам тариқасида ажратилган ўн олтига автотранспорт воситасидан ўн иккитасини келтирди. Кейинроқ қолган машиналар ҳам келтириб берилди.

17 февраль. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқуллодда ва Мухтор Элчиси Жозеф Преселни қабул қилди.

А. Комилов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг АҚШ Мудофаа вазири Уильям Коэнга ҳарбий-техника ҳамкорлиги соҳасида, жумладан, “Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик” дастури доирасида Ўзбекистон-Америка муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашдаги кўмаги учун миннатдорчилик изҳор этиб ёзган мактубини Элчи Ж. Преселга топширди.

Учрашув давомида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг аҳволи ва истиқболлари, минтақа хавфсизлигини таъминлаш муаммолари муҳокама қилинди.

24 февраль. Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қиролигидаги Фавқуллодда ва Мухтор Элчиси Алишер Файзуллаев қиролича Елизавета Иккинчига ишонч ёрлиқларини топширди.

1 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Т.С. Бўтаёровни Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикасидаги Фавқуллодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида” Фармон чиқарди.

3 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Италия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллодда ва Мухтор Элчиси Иоланда Брунетти Гоецни қабул қилди ва унга “Дўстлик” орденини топширди.

Иоланда Гоец хоним Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстона муносабатларни ривожлантиришга, шунингдек, халқларимиз ва ҳукуматларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун Президент Ислом Каримов Фармонида биноан ушбу юксак мукофотга сазовор бўлган эди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Украина, Покистон, Канада ва Мексиканинг мамлакатимизда фаолият бошлаган Фавқуллодда ва Мухтор Элчиларидан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.

11 март. Ҳиндистон пойтахти Деҳли шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари” китобининг ҳинд тилидаги наشري тантанали тақдимот маросими бўлиб ўтганлиги тўғрисидаги хабар матбуотда эълон қилинди.

17 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгашининг котиби Сергей Ивановни ва шу мамлакат ҳукумати раисининг ўринбосари Илья Клебановни қабул қилди.

Суҳбат чоғида минтақа хавфсизлиги, икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари, шунингдек, иккала томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

22 март. Тошкентда Марказий Осиёда мамлакатлараро уюшган жиноятчиликка қарши курашга бағишланган Халқаро семинар иш бошлади.

БМТ ташаббуси билан ўтказилган семинарда Марказий Осиё мамлакатлари, АҚШ, Буюк Британия, Чехия, Польша, Россия вакиллари, шунингдек, бир қанча халқаро ташкилотларнинг мутахассислари иштирок этдилар.

28 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерацияси Президенти вазифасини ижро этувчи В. В. Путин жаноби олийларига йўлаган мактуби матбуотда эълон қилинди. Мактубда И. Каримов В. В. Путинни Россия Федерацияси Президенти лавозимига сайланганлиги билан самимий табриклади.

Март. Брюсселда “Ўзбекистон — Европа Иттифоқи” ҳамкорлиги қўмитасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу қўмита Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим қондаларига мувофиқ мазкур ҳужжатни амалга оширишнинг асосий ишчи органи сифатида тузилган эди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазири бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси қатнашди.

6 апрель. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг Тошкент-Афина-Рим оралигидаги рейсини тантанали очиш маросими бўлди.

10 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Россия Федерацияси Президентининг махсус вакили Сергей Ястржембскийни қабул қилди.

Учрашув чоғида меҳмон Россия президенти вазифасини ижро этувчи В.Путиннинг Ўзбекистон Президентига шахсий мактубини топширди.

Музокаралар давомида минтақа хавфсизлиги ва Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги икки томонлама муносабат масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

16 апрель. Мамлакатимизга меҳмон бўлиб келган АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида узоқ муддатли сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, минтақа ва халқаро миқёсларда хавф-

сизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш хусусида фикрлашиб олинди. АҚШ Давлат котиби Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг талабалари ҳамда муаллимлари хузурида маъруза қилди.

18 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Оқсарой қароргоҳида мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Мадлен Олбрайтни қабул қилди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон-Америка муносабатлари масалалари, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалар, халқаро ва минтақа хавфсизлиги муаммолари юзасидан фикрлашиб олинди.

20-21 апрель. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновнинг учрашуви бўлди. Унда минтақадаги ҳамкорлик ва давлатлараро муносабатлар масалалари муҳокама қилинди. Музокаралар якунида иккита ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев имзолаган Қўшма Баёнот кейинги вақтларда икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга раҳна солиш мақсадида тарқатилган асоссиз ўйдирмаларга чек қўйди. Тўрт давлат раҳбарлари имзолаган терроризмга, сиёсий ва диний экстремизмга, мамлакатлараро уюшган жиноятчиликка қарши ҳамда томонларнинг барқарорлигига ва хавфсизлигига бошқа тарзда солинаётган таҳликаларга қарши кураш юзасидан биргаликда қилинадиган ҳаракатлар тўғрисидаги Битим ҳар қандай ташқи ҳамлалардан яқдил бўлиб ҳимояланишни кўзда тутди.

24 апрель. БМТ қароргоҳида ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг амал қилишини кўриб чиқишга бағишланган юбилей обзор конференцияси иш бошлади. Анжуманда Ўзбекистон делегацияси қатнашди.

Апрель. Тошкентда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси билан Россиянинг “Ист лайн” авиакомпанияси ўртасида ҳаво транспорти соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида Битим имзоланди.

1-3 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи билан борди.

Мазкур ташриф давомида Ислон Каримов Ҳиндистон Президенти Кочерил Раман Нарайанан билан вице-президент Кришан Кант, Бош вазир Атало Бихари Вайяи, Ташқи ишлар вазири Жасвант Сингх, Ички ишлар вазири Лал Кришна Адвани, савдо-саноат доираларининг намоёндалари билан учрашди. Бу учрашувлар орасида Бош вазир Атало Бихари Вайяи билан бўлган яққам-яққа суҳбат ҳамда Ўзбекистон ва Ҳиндистон делегацияларининг музокаралари алоҳида ўрин олди. Деҳлидаги “Ҳайдаробод” саройида бўлиб ўтган музокараларда минтақа хавфсизлиги, терроризм ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги, шунингдек, молия, қишлоқ

хўжалиги, маориф, божхона, савдо-сотик, маданий алоқалар, ахборот айирбошлаш, оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Иккала мамлакат ҳукуматлари ўртасида ахборот ва оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорлик қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги билан Ҳиндистон ҳукумати ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Протоколлар, шунингдек, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) билан Ҳиндистоннинг “Пресс Траст оф Индия” агентлиги ўртасида ўзаро профессионал ҳамкорлик тўғрисидаги Битим, қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари ва маориф соҳасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Ҳиндистон Саноатчилари конфедерацияси ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик ҳақида Меморандумлар имзоланди.

3 май. Нью-Йоркда БМТ Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС)нинг 2000 йилги ташкилий мажлиси бўлиб ўтди, мажлисда унинг комиссияларига сайлов ўтказилди. БМТнинг жиноятчиликнинг олдинги элиш ва жиноят одил судлови бўйича комиссиясига Ўзбекистон Республикаси номзоди тақдим этилганлиги бир овоздан қўллаб-қувватланди ва бизнинг мамлакатимиз 2001—2003 йиллар давомида ЭКОСОС аъзоси этиб сайланди.

11 май. Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Эрон Ислом Республикаси Президентининг махсус элчиси, шу мамлакат Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Муҳаммад Одилийни қабул қилди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон-Эрон муносабатларини янада ривожлантириш, жумладан, иқтисодий ҳамкорлик ва минтақа хавфсизлиги бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги мажлисини ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Муҳаммад Одилий Ўзбекистон Президентига Эрон раҳбарининг шахсий мактубини топширди.

15-19 май. Тошкентда Марказий Осиёда барқарорликни мустаҳкамлашга бағишланган Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унинг ишида Марказий Осиёдаги беш давлат, АҚШ, Россия, Буюк Британия, ГФР, Франция ва Швейцария ҳукуматларининг вакиллари, халқаро ва ноҳукумат ташкилотларининг етакчи экспертлари қатнашдилар.

18-19 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг тақлифига биноан Россия Федерациясининг Президенти Владимир Путин икки кунлик амалий ташриф билан Ўзбекистон Республикасига келиб кетди.

Ташриф дастури доирасидаги асосий учрашувлар Дўрмон қароргоҳида бўлиб ўтди. Ислом Каримов билан Владимир Путиннинг яқкама-яқка сўхбати вақтида шу куннинг долзарб масалалари хусусида, икки томонлама алоқаларнинг ҳолати ва истиқболлари тўғрисида фикрлашувлар бўлди.

19 майда икки мамлакатнинг кенгайтирилган таркибдаги делегациялари ўртасида музокаралар ўтказилди. Бу музокараларда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, шунингдек, хавфсизлик масалалари муҳокама қилинди.

Муҳокамалар тугагандан кейин ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси мазмурий-худудий тузилмаларининг Россия Федерацияси субъектлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш тўғрисидаги, шунингдек, халқаро автомобиль қатнови ҳақидаги Битимлар имзоланди.

22 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Оқсарой қароргоҳида Германия Федератив Республикаси бундестаги (парламенти) раиси Вольфганг Тирзе бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасида парламентлараро алоқалар, шунингдек, икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш масалалари хусусида фикрлашиб олинди.

22 май. Германия Федератив Республикаси бундестаги (парламенти) раиси Вольфганг Тирзе бошчилигида мамлакатимизга расмий ташриф буюрган делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг раиси Эркин Халилов билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Германия парламентлари ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикрлашув бўлди.

25-26 май. Халқаро кредитлар ва инвестициялар суғуртачилари иттифоқи — “Берн Иттифоқи” Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари экспорт-кредит агентликлари (ЭКА)нинг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Болгария, Венгрия, Литва, Польша, Словакия, Словения, Таиланд, Хорватия, Чехия экспорт-кредит агентликлари, “Ўзбекивест” экспорт-импорт суғурта миллий компанияси, Германия қайта суғурталаш компанияси вакиллари, шунингдек, кузатувчилар сифатида Филиппин, Саудия Арабистони, Жазоир, Эрон, Уммон, Албания, Македония ва Беларусь вакиллари иштирок этдилар.

30 май. Тожикистон Республикаси Бош вазири Оқил Оқилوف Ўзбекистонга амалий ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг пойтахтдаги қароргоҳида икки мамлакат бош вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Сўнгра иккала мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган тартибда Бош вазирлар иштирокидаги музокаралари ўтказилди. Музокаралар давомида чегараларни аниқ белгилаб олиш, божхоналар иши, гидроэнергетика, сув ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди. Музокаралар якунида муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул этилди ва ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди.

Май. Нью-Йорқда май ойининг сўнги ўн кунлигида ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг амал қилинишини кўриб чиқишга бағишланган 2000 йилги конференциянинг иши ниҳоясига етди. Мазкур халқаро анжуманда шу шартномада қатнашувчи 155 давлатнинг делегациялари ҳамда 140 тадан кўпроқ тадқиқот институтлари ва ноҳукумат ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси делегацияси конференция раисининг ўрин-босарларидан бири ва, бинобарин, унинг Бош қўмитаси аъзоси этиб сайланди.

Бош қўмита фаолияти дастури доирасида Марказий Осиёдаги беш давлат номидан Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона вужудга келтириш тўғрисидаги Шартнома лойиҳасини тузиш жараёни тўғрисидаги Иш хужжати тарқатилди.

Иш хужжати қўлаб-қувватланди ва БМТнинг расмий хужжати мақомини олди.

Май. Тошкентда Жаҳон интеллектуаль мулки ташкилоти билан Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси ўртасида ҳамкорлик дастурини имзолаш маросими бўлди.

Май. Швеция делегацияси мамлакатимиз билан танишиш мақсадида ташриф буюрди, делегация таркибида мазкур мамлакат дипломатлари, ишбилармон доираларининг намоёндалари бор эди.

Май. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармасининг бошлиғи Г. К. Саидова бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Буюк Британияда бўлди. Ўзбек мутахассислари ТАСИС дастури доирасида Британия давлат бошқарувини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш тажрибаси билан танишиш мақсадида шу мамлакатга борган эди.

2 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг раиси, Австрия Республикаси Ташқи ишлар вазири Бенито Ферреро-Вальднер бошчилигидаги Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон билан Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

5-9 июнь. Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг “Хотин-қизлар — 2000: жинслар тенглиги, XXI асрдаги тараққиёт ва тинчлик” мавзуидаги махсус сессияси ваълиб ўтди. Сессия ишида 188 давлат ва 1250 ноҳукумат ташкилотлардан вакиллар, жумладан, Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

9-11 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) давлат бошлиқларининг олтинчи учрашувида қатнашиш, шунингдек, Эрон Ислом Республикасига амалий ташриф буюриш учун Техронга сафар қилди.

12 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Халқаро валюта фонди иккинчи Европа департаментининг директори Жон Одлинг-Сми бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Халқаро валюта фонди ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида фикрлашиб олинди.

19 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)нинг пре-

зиденти Кимио Фужитунни қабул қилди. Учрашув чоғида ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари хусусида фикрлашиб олинди.

19 июнь. Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси, айни вақтда, ўриндошлик юзасидан Иордания Хошимийлар подшоҳлигидаги Элчиси Солиҳ Иноғомов Аммонда подшоҳ Абдалла II ҳазрати олийларига ишонч ёрлиқларини топширди.

21 июнь. Москвада МДХга аъзо давлатлар бошчиқлари кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов иштирок этди. Унда кенгашининг эркин савдо худудини вужудга келтириш тўғрисидаги қарорлари қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди, 2005 йилгача ҳамдўстликни ривожлантириш соҳасида қилиниши лозим бўлган ишлар дастури кўриб чиқилди, МДХнинг терроризмга қарши курашувчи марказни барпо этиш тўғрисидаги, шунингдек, МДХ давлатларининг 2003 йилгача халқаро терроризмга ва экстремизмга қарши кураш дастури тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Олий доирадаги учрашув тугагач, Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов Россия Президенти Владимир Путин билан учрашди. Суҳбат чоғида икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, халқаро терроризмга қарши биргаликда курашиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Июнь. Ўзбекистоннинг Чет эллар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти кенгашининг делегацияси Вьетнамга бориб, бир ҳафта давомида ушбу мамлакат турмуши билан танишди. Сафар доирасида делегация Вьетнамнинг учта йирик минтақасида бўлди, бу жойларда кўздан-кўз учрашувлар ўтказилди, турли соҳаларда ўзаро ҳамкорлик қилиш ниятлари тўғрисидаги Протоколлар, жумладан, Вьетнамда Ўзбек кураши Федерациясини тузиш нияти тўғрисида Протокол имзоланди.

Июнь. Вашингтонда Марказий Осиёда терроризмга қарши кураш масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтди. АҚШ Давлат департаменти уюштирдан мазкур конференцияда терроризмга қарши кураш масалалари муҳокама қилинди. Унда Ўзбекистон делегацияси қатнашди.

Июнь. Австрия Иқтисодиёт ва меҳнат Федерал вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича бош директори Й. Захс бошчилигидаги ушбу мамлакат делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Ташриф доирасида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида Ўзбекистон-Австрия савдо-иқтисодий ҳамкорлик қўшма комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди.

Мажлисида Ўзбекистон билан Австрия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволи муҳокама қилинди. Истиқболли алоқаларни ривожлантириш тўғрисида фикрлашиб олинди, ҳамкорликни кучайтириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Мажлис якунлари бўйича Протокол ҳамда икки томонлама солиқ солинишини олдини олиш мақсадида Ҳукуматлараро Конвенция имзоланди.

Июнь. Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси уч кунлик амалий ташриф билан Францияда бўлди. Делегация француз сармоядорларини мамлакатимизга жалб этишга ва ўзаро манфаат-

ли иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга бағишлаб ўтказилган “Ўзбекистонда маҳсулот сотиш ва сармоя сарфлаш” мавзuidaги анжуманда қатнашди. Париждаги савдо-саноат палатасида Франция тadbиркорларининг вакиллари билан ўзбек делегацияси аъзолари кадрлар тайёрлаш, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини бошқариш масалаларини муҳокама қилдилар.

2-3 июль. Қирғизистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Муротбек Имоналиев Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. Меҳмон Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири А. Комилов билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида фикрлашиб олинди. Ташқи ишлар вазирилари Ўзбекистон ва Қирғизистон фуқароларининг сафарлари тўғрисидаги ҳукуматлараро Битимларни имзоладилар.

4 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Халқаро фуқаро авиация ташкилоти (ИКАО) Кенгашининг президенти Ассад Котайтни қабул қилди. Суҳбат чоғида келгусида ҳамкорлик қилиш тўғрисида фикрлашиб олинди.

5 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “Шанхай бешлиги” ташкилотининг Душанбеда бўлиб ўтган навбатдаги саммитида қатнашди. Чегарадош беш давлат — Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон шу ташкилот аъзоларидир. Ўзбекистон бу учрашувда кузатувчи сифатида иштирок этди.

5 июль. Мамлакатимизга келган НАТО бош котиби Жорж Робертсон Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди.

Жорж Робертсон Ўзбекистон Мудофаа вазири Ю. Аъзамов ва Фавкуллода вазиятлар вазири Б. Қосимов билан ҳам суҳбатлашди. Учрашувларда ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастури доирасида алоқаларни янги поғонага кўтариш билан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинди. Меҳмон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг профессор-муаллимлари ва талабалари билан ҳам учрашди.

10 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Франция Республикаси Мудофаа вазири Ален Ришарни қабул қилди. Учрашув чоғида томонлар умумий хавф-хатарни чамалаш ва стратегик вазиятни таҳлил этиш соҳасида биргаликда ишлаш, ахборот айирбошлаш, ҳарбий-техника соҳасида ҳамкорлик қилиш масалаларини муҳокама этдилар. Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик масалалари хусусида фикрлашиб олинди.

13 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида АҚШ давлат котибининг янги мустақил давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестановични қабул қилди. Томонлар Ўзбекистон—Америка муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари тўғрисида фикрлашиб олдилар.

Шу куннинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқаро теннис Федерациясининг президенти Франческо Ричи Би-

тини қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистонда теннисни ривожлантириш соҳасида қилинаётган ишлар, спортнинг шу турини янада оммалаштириш истиқболлари тўғрисида гаплашиб олинди.

16-20 июль. Бангладеш Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдуссамад Озод мамлакатимизга расмий ташриф буюрди. Бангладеш Ташқи сийёсат маҳкамасининг бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари ҳақида гаплашиб олинди. Меҳмон Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А. Комилов билан ҳам учрашди.

18 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақа бюросининг директори Марк Данзонни қабул қилди.

19 июль. Тошкентда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Марказий Осиё Республикалари учун атроф-муҳит гигиенаси соҳасидаги миллий ҳаракат режасини жорий этиш бўйича Котибияти тузилди.

21 июль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япония парламенти вакилларининг депутати Мунсо Судзукини қабул қилди. Учрашув давомида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари, мамлакатларимиз қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш тўғрисида фикр алмашилди.

28 июль. Оқсарой қароргоҳида Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулудда ва Мухтор Элчиси этиб тайинланган Чанг Хун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Шу кун И Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Италия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулудда ва Мухтор Элчиси этиб тайинланган Леопольдо Жакомо Мария Ферри де Ладзардан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди. Беларусь Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулудда ва Мухтор Элчиси этиб тайинланган Николай Демчук ҳам шу кун И Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Шунингдек, Вьетнам Социалистик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулудда ва Мухтор Элчиси лавозимига тайинланган Нгуен Куок Бао ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Июль. Тошкентда Осиё ва Тинч Океани минтақаси мамлакатлари ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияларининг XII Минтақавий конференцияси бир ҳафта давом этди. Мазкур Халқаро анжуманда салкам 50 мамлакат вакиллари иштирок этди.

1-3 август. Вьетнам Социалистик Республикаси савдо вазирининг ўринбосари Хо Хуан Нгием бошчилигидаги ВСР делегацияси мамлакатимизда бўлди.

Мазкур ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Вьетнам ҳукуматлараро комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

19 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япония Демократик партиясининг бош котиби Цухома Хатани қабул қилди. У мамлакатда демократик жамият барпо этиш ва бозор иқтисодиёти тамойилларини жорий этиш ишида Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорлик қилишнинг янги имкониятларини ўрганиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюрган эди. Суҳбат чоғида ушбу масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

20 август. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиёдаги тўрт давлат — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон бошлиқларининг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида иштирок этди

22 август. Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси давлат бошлиқлари ҳамда Россия Федерацияси Президенти махсус вакилининг Бишкек учрашувида 2000 йил 20 август куни қабул этилган Баёноти матбуотда эълон қилинди.

Август. Франциянинг Канн шаҳрида Халқаро ёшлар палатасининг 54 Жаҳон конгресси бўлиб ўтди. Конгресс ишида Ўзбекистон Ёшлар палатасининг вакиллари қатнашдилар.

Август. Латвия Республикаси Йўллар вазири А. Горбунов раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизда бўлиб, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон—Латвия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги иккинчи мажлисида қатнашди. Мажлис иштирокчилари кичик ва ўрта бизнес, молия ва банк тизими, транспорт алоқаси соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

8 сентябрь. Польша Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодиёт вазири Я. Штайнхофф бошчилигидаги поляк тадбиркорларининг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Р. Азимов билан учрашди. Суҳбат чоғида иккала мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ҳозирги аҳволи ва келгусидаги истиқболлари масалалари муҳокама қилинди.

Шу куни пойтахтдаги “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида Ўзбекистон-Польша бизнес-семинари бўлди, унда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги имкониятларини излаб топиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Бизнес-семинарда Польшадаги салкам ўттизта фирма ва компаниянинг вакиллари қатнашдилар, Ўзбекистон вазирликлари ва муассасаларининг, банк ва молия соҳасининг, компаниялар, фирмалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ходимлари иштирок этдилар.

8 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг сессиясида қат-

нашди. “Минг йиллик саммити” деб аталган ушбу сессияда дунёдаги 150 дан кўпроқ мамлакатнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этдилар.

Сессияда Ислом Каримов нутқ сўзлади. Ташриф давомида Ислом Каримов Нью-Йоркда учрашувлар ўтказди. Аввалига АҚШ президенти Билл Клинтон томонидан “Минг йиллик саммити” қатнашчилари шарафига ўтказилган қабул маросимида Оқ уй раҳбари билан суҳбатлашди. Билл Клинтон Ислом Каримовни Нью-Йоркка келиши билан табриклаб, Ўзбекистон ҳақидаги ижобий фикрларини баён этди. Давлатимиз бошлиғи АҚШ президентини Ўзбекистонга таклиф этди. Қабул вақтида Ислом Каримов Япония Бош вазири Иосиро Мори билан ҳам суҳбатлашди.

Ўзбекистон Президенти БМТ минбаридан нутқ сўзлаганидан кейин Туркия раҳбари Аҳмет Нежет Сезер билан учрашди. Суҳбат чоғида Марказий Осиёдаги аҳвол таҳлил этилди. Минтақа хавфсизлиги масалалари кўриб чиқилди.

Исроил Бош вазири Ёхуд Барак билан учрашувда Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш ва икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Президентимизнинг Америка Олий Ислом Кенгашининг раиси шайх Муҳаммад Хишом Каббони билан, Нақшбандия таълимоти ихлосмандларининг жаҳон раҳбари шайх Муҳаммад Нозим Одил ал-Ҳаққоний билан учрашуви самарали бўлди.

Нью-Йоркда АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт билан яна бир муҳим учрашув бўлиб ўтди.

10-18 сентябрь. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Грузия, Монголия, Россия, Туркия, Буюк Британия ҳарбий хизматчилари, шунингдек, АҚШ куруқликдаги кучлари 82-ҳаво-десант дивизиясининг 300 га яқин десантчиси Алматида ўтказилган тинчликсеварлик машқларида қатнашдилар. Франция ва Украина ҳарбий мутахассислари машқларда кузатувчи сифатида иштирок этдилар.

11 сентябрь. Украина Бош вазири В. Юшченко бошчилигида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов билан учрашдилар. Учрашув чоғида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ҳолати ва истиқболлари ҳақида гапирилди. Томонлар ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида имзолаган ҳужжатларни тезроқ амалга ошириш муҳимлигини таъкидладилар. Бош вазирлар Ўзбекистон-Украина ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг пойтахтимизда ўтказиладиган тўртинчи мажлисида муҳокама қилинадиган масалалар тўғрисида фикрлашиб олдилар.

12-13 сентябрь. Халқаро “Экосан” фондининг ташаббусига биноан Ўзбекистондаги чет эл элчилари, халқаро ташкилот ваколатхоналари бошлиқларининг Қорақалпоғистонга сафари бўлди. Уларнинг мақсади шу минтақа аҳолисига ёрдам бериш, Оролбўйи ижтимоий-экологик лойиҳаларини пул билан таъминлаш учун хорижий сармояларни жалб этиш миқдосларини ошириш соҳасида жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини кучайтиришдан иборат эди. Сафар қатнашчилари Тахтакўпир ва Қораўзак

туманларидаги ижтимоий объектларни кўздан кечирдилар, “Орол ва Орол-бўйи муаммолари — халқаро ҳамкорликка даъват” мавзуида конференция ҳамда Қорақалпоғистон тадбиркорлари билан “Бизнес, экология ва сиҳат-саломатлик” мавзуида давра суҳбати ўтказдилар.

12 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Британия Кенгашининг Бош директори Девид Гринни қабул қилди.

Учрашувда Британия кенгашининг Ўзбекистондаги фаолиятини янада кенгайтириш, Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасида фан, маданият ва маориф соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

12 сентябрь. Тошкентда Ўзбекистон-Украина ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик билан шуғулланувчи ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг бўлиб ўтган тўртинчи мажлисида истиқболда ҳал этилиши зарур бўлган вазифалар муҳокама этилди.

13 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Оқсарой қароргоҳида яқинда ЮНЕСКО Бош директори лавозимига сайланган Кончиرو Мацууруни қабул қилди. Суҳбат давомида Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳақида фикрлашиб олинди.

14 сентябрь. Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Иордания Ҳошимийлар подшоҳлигининг шаҳзодаси Ҳасан бин Талал Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон билан Иордания ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятлари ҳақида фикрлашиб олинди.

15 сентябрь. Қирғизистон Бош вазири Омонгелди Муралиев мамлакатимизга амалий ташриф билан келди.

Ҳукумат қароргоҳида Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов билан Қирғизистон Бош вазири О. Муралиев ўртасида учрашув бўлди. Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Икки мамлакатнинг ҳукумат делегациялари ўртасида кенгайтирилган тартибда бўлиб ўтган музокараларда ўзаро муносабатларнинг кўшгина жиҳатларига оид масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, чегараларни аниқ белгилаб олиш, транспорт коммуникациялари ҳамда икки дўст давлат ўртасида савдо-сотиқни янада ривожлантириш ҳақидаги фикрлар билдирилди.

18 сентябрь. Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Туркия ички ишлар вазири Садеттин Тантан Ўзбекистон Ички ишлар вазири З. Алматов билан учрашди. Суҳбат давомида томонлар хавфсизликка таҳдид солаётган муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини биргаликда ўтказиш масаласини муҳокама қилдилар.

С. Тантан бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарлари билан ҳам учрашди. Учрашувда ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

21-22 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Туркменистонга расмий ташриф буюрди. Аэропортда давлатимиз раҳбарини Туркменистон Президенти Сафармурод Ниёзов кутиб олди.

Туркменистон Президенти саройида Ислом Каримов билан Сафармурод Ниёзовнинг яккама-якка суҳбати бўлди. Учрашув чоғида иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар ҳақида гапирилди.

Икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида президентлар суҳбати вақтида кўриб чиқилган масалаларнинг муҳокамаси давом эттирилди. Музокаралардан кейин Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида давлат чегарасини аниқ белгилаб олиш тўғрисидаги Шартнома, шунингдек, темир йўл транспортида транзит юк ташишни тартибга солишда ҳамкорлик қилиш, солиқ конунларига риоя этилишидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ҳақида, радио частоталарини ўзлаштиришни мувофиқлаштириш ҳақида Битимлар имзоланди.

25 сентябрь. Нидерландиядаги Фонтис университетининг президенти Норберт Фербраак Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга тантанали вазиятда “Фахрий доктор” дипломини топширди. Университет илмий кенгаши шу йилнинг 29 май куни Ислом Каримовга мазкур фахрий унвонни бериш тўғрисида қарор қилган эди.

Ўзбекистон Президенти Фонтис университетининг фахрий доктори унвонига сазовор бўлган бирдан-бир давлат бошлиғидир.

25 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Берлин шаҳрининг бошқарувчи бургомистри Эберхард Дипгенни қабул қилди. Учрашув вақтида Тошкент билан Берлин ўртасида ва улар орқали Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга алоқадор масалалар хусусида фикрлашиб олинди.

26 сентябрь. БМТнинг “Минг йиллик саммити” ўтказилган кунларда Туркменистон-Америка уюшмасининг президенти Н. Окуян Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга Нью-Йорк мэри Р. Жулиани имзолаган Хитобномани топширганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинди. Бу ҳужжат “Нью-Йоркда 2000 йил 1 сентябрда “Ўзбекистон мустақиллиги куни” байрам қилиниши тўғрисида” деб аталади.

АҚШдаги ана шу энг йирик шаҳар календарига Ўзбекистон мустақиллиги куни байрамининг киритилиши мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ошиб бораётганлигининг яна бир эътирофидир.

26-27 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қирғизистон Республикасига расмий ташриф буюрди.

Икки дўст мамлакат президентлари Ислом Каримов билан Асқар Ақаевнинг яккама-якка учрашувида дўстона муносабатларни ривожлантириш масалалари, Ўзбекистон билан Қирғизистонга тааллуқли минтақавий муаммолар ҳақида фикрлашиб олинди. Ўзбекистон билан Қирғизистон раҳбарлари ўртасидаги музокара якунида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида Шартнома имзоланди, шунингдек, ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган Қўшма Баёнот, Консуллик Конвенцияси, адлия вазирликлари ва божхона хизматларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги Битим ҳам имзоланди.

27 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида АҚШ Қуроли кучлари Марказий Қўмондонлигининг Бош қўмондони Томми Франксни қабул қилди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётир. Жумладан, НАТОнинг “Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик” дастури доирасида иккала мамлакат қуроли кучлари иштирокидаги машқлар бир неча бор ўтказилди.

Ислом Каримов мамлакатимизга келган меҳмон билан учрашиб, икки давлат ўртасидаги ҳарбий ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларини муҳокама қилиш имконияти пайдо бўлганлигидан мамнуният изҳор этди.

Учрашув чоғида мамлакатларимиз қуроли кучлари ўртасидаги алоқаларнинг ҳолати ва янада ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, минтақадаги вазиятга тааллуқли масалалар муҳокама қилинди.

27 сентябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгашининг тақлифига биноан ХКП МК Халқаро департамент раҳбарининг ўринбосари (вазир ўринбосари) Уай У бошчилигидаги Хитой Коммунистик партияси делегацияси Ўзбекистонга келди. Делегация аъзолари Республиканинг бир қанча вилоятлари, илмий муассасалари, ўқув юртларини, давлат бошқарув идораларини бориб кўрдилар, шунингдек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатувчи сиёсий партияларнинг раҳбарлари билан учрашдилар.

Сентябрь. Халқаро Ўсимликлар генетик ресурслари институти делегацияси тўрт кун давомида Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Делегация таркибида АҚШ, Германия, Италия, Самоа, Уганда, Таиланд, Миср, Голландия, Швейцария, Филиппин, Бразилия, Япония ҳамда Суриянинг Халаф шаҳридаги Осиё ваколатхонаси мутахассислари бор эди. Халқаро институт делегацияси мамлакатимизга қилган ташрифи вақтида Ўрмончилик институти, Ўсимликшунослик институти, Ботаника институти, Ботаника боғи, Ўзбекистон Миллий университети, Фаллаоролдаги Писта тажриба участкасини, селекциячи академик Абдумавлон Абдуллаевнинг шахсий лабораториясини бориб кўрди, Самарқандга сафар қилди.

Сентябрь. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг вақиллари Осиё банклари уюшмасининг йиғилишида қатнашдилар. Сентябрь ойининг охирида Истамбулда бўлиб ўтган бу анжуманда қабул этилган бир қанча қарорлар мамлакатимизнинг шу ташкилотдаги мақомини оширди. Чунончи, йиғилиш Осиё банклари уюшмасининг олий раҳбар органи — директорлар кенгашининг янги аъзолари сайлови натижаларига кўра Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳам шу кенгашга киритилди.

Директорлар кенгаши Осиё банклари уюшмасининг 2001 йилдаги йиллик йиғилишини Тошкентда ўтказишга қарор қилди.

Сентябрь. Германия Федератив Республикаси Гессен ўлкасининг давлат котиби, доктор Херберт Хиргилер бошчилигидаги ўлка иқтисодиёт, транспорт ва тараққиёт вазирлигининг расмий делегацияси Ўзбекистонга

ташриф буюрди. Иқтисодийнинг турли тармоқларидаги ўн олти нафар немис тадбиркори ташрифидан кузатилган мақсад республиканинг иқтисодий салоҳияти билан танишиш, кооперация ва сармоя сарфлаш соҳасидаги имкониятларини, қимматли қоғозлар бозорининг ҳолатини ўрганишдан, Ўзбекистондаги сиёсий вазият, унинг тарихи ва маданияти билан танишишдан иборат эди.

2 октябрь. Туркия Ташқи ишлар вазири Исмоил Жем мамлакатимизга расмий ташриф буюрди. Шу ташриф доирасида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирилигида иккала мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди.

Жумладан, бу гапни музокараларда Ўзбекистон тадбиркорларининг Туркиядаги ва турк тадбиркорларининг Ўзбекистондаги фаолиятини ҳукуматлар кенг миқёсда қўллаб-қувватлашлари тўғрисида келишиб олинди. Музокара чоғида халқаро терроризмга қарши кураш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Туркия ишбилармон доиралари вакилларининг нуфузли делегацияси И. Жемга ҳамроҳ бўлиб келган эди. Пойтахтдаги “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида иккала давлат тадбиркорларининг бизнес-семинари бўлди. Унинг қатнашчилари алоқаларни янада мустаҳкамлаш имкониятлари ҳақидаги фикрларини баён қилдилар.

2 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Оқсарой қароргоҳида мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Туркия Республикаси Ташқи ишлар вазири Исмоил Жемни қабул қилди.

Учрашувда иккала мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари тўғрисида гап борди.

2-3 октябрь. Халқаро молия корпорацияси (ХМК)нинг ижрочи вице-президенти Питер Войке бошчилигидаги шу корпорация делегацияси мамлакатимизда меҳмон бўлди. Ташриф бошланишида меҳмонлар “Ўзкорфарм-саноат” Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонасида бўлдилар.

1998 йилда ХМК бу корхонага 3,35 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратганди. Шу маблағ ҳисобига корхона замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Энди ХМК яна 10 миллион АҚШ доллари ажратишни мўлжаллаб турибди.

ХМК делегацияси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Давлат мулки қўмитасининг раиси Ў. Исмоилов билан ҳам учрашди. Учрашув чоғида ХМКни мамлакатимизда давом этаётган хусусийлаштириш жараёнига жалб этиш, ХМК билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга алоқадор масалалар муҳокама қилинди.

Ўз ташрифининг иккинчи куни ХМК делегацияси Ўзбекистон Банк-молия академиясида бўлиб, шу ўқув юртида таълим олаётган банк ходимлари билан учрашди. Питер Войке академия тингловчилари ҳузурда “Ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришда молия секторининг аҳамияти” мавзусида маъруза қилди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси Ф. Муллажонов билан ҳам учрашдилар. Учрашув вақтида Ўзбекис-

тонда банк тизимини такомиллаштириш мақсадида ўтказилаётган ислохотлар тўғрисида, шунингдек, мамлакатимиз молия муассасаларининг хориждаги турдош ташкилотлар билан алоқалари ҳақида фикрлашиб олинди.

3 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Халқаро молия корпорациясининг вице-президенти Питер Войкени қабул қилди.

5-6 октябрь. Япония Молия вазирлиги Сиёсий тадқиқотлар институтининг президенти Хироюсу Ватанабэ бошчилигидаги институт делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди. Делегация Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, Молия вазири Р.Азимов билан учрашди. Учрашув вақтида иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, молия мутахассислари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ҳам бўлиб, музокара ўтказдилар.

12-13 октябрь. Украина Президенти Леонид Кучма Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюрди.

“Дўрмон” қароргоҳида Ислом Каримов Леонид Кучма билан яккама-якка ўтказган суҳбатида мамлакатимиз ўртасидаги муносабатлар, халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик, минтақа хавфсизлиги, терроризмга қарши кураш масалалари, дунёдаги долзарб муаммолар ҳақида гаплашилди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги муозакарларида асосан иқтисодий муаммолар муҳокама қилинди.

Жумладан, норасмий тузилма — ГУУАМ доирасидаги ҳамкорлик тўғрисида фикрлашиб олинди. Грузия, Ўзбекистон, Украина, Озарбайжон ва Молдова иштирокидаги бу ташкилот Европа билан Осиё оралиғида транспорт йўлагини вужудга келтириш мақсадида тузилган.

Муозакаралар тугагач, “Дўрмон” қароргоҳида ўнга яқин кўшма ҳужжат имзоланди. Икки мамлакат президентлари Кўшма Баёнотга имзо чекдилар. Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида ҳарбий-техникавий соҳадаги ҳамкорликни кучайтириш тўғрисидаги Протокол, фуқароларнинг ўзаро бориб-келишлари тўғрисидаги, давлатлар худудига яширинча келиб қолган шахсларни қабул қилиш-топшириш, наркотик моддалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ғайриқонуний айланмасига қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги, шунингдек, суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битимлар, Самарқанд ва Львов шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳамжиҳатлик Меморандуми, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан Тарас Шевченко номидаги Киев Миллий университети ўртасида ҳамкорлик ҳақидаги Шартнома, илгари Ўзбекистон Республикасига кўчирилган ва Украинага қайтиб кетиш истагини билдирган шахсларнинг фуқаролиги масалаларини ҳал этишга кўмак бериш ҳақидаги Аҳдлашув ҳам имзоланди.

13 октябрь. Украина Президенти Леонид Кучма Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Хотира ва қадрлаш майдонини, 1969 йилда

украин қурувчилари ёрдамида барпо этилган 110-сонли мактабни бориб кўрди, шу мактаб ёнида украин халқининг озодлик куйчиси Тарас Шевченко шарафига ўрнатиладиган ёдгорлик пойдеворига биринчи гишт қўйилди. Украинлик меҳмон Бухорога ҳам бориб, нефтни қайта ишлаш заводини, шаҳардаги муаззам тарихий ёдгорликларни кўздан кечирди.

16-17 октябрь. Туркия Республикаси Президенти Аҳмет Неждет Сезер Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросимидан сўнг, “Дўрмон” қароргоҳида иккала мамлакат президентлари — Ислом Каримов билан Аҳмет Сезер яккама-якка суҳбатлашдилар. Президентларнинг суҳбати чоғида ва икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари давомидида икки давлатнинг ўзаро муносабатларига тааллуқли долзарб масалалар муҳокама қилинди. Музокаралар якунида президентлар Ўзбекистон билан Туркия ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Қўшма Баёнотни имзоладилар. Терроризмга, наркотик моддалар контрабандасига ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма Баёнот Ўзбекистон ва Туркия президентлари томонидан имзоланган иккинчи муҳим ҳужжат бўлди.

Ўзбекистон Мудофаа вазири Қодир Фуломов ва Туркия Қуролли кучлари Бош штаби бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант Унал Ун-сипахи ўғли мазкур баёнотни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган ва кучайтирадиган бошқа ҳужжат — Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳукуматлараро Битимни имзоладилар. Туркия Республикаси Президенти Аҳмет Неждет Сезер 17 октябрь кuni Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Хотира ва қадрлаш майдонида бориб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Туркиялик олий мартабали меҳмон давлатимиз бошлиғи билан биргаликда Темурийлар тарихи Давлат музейини кўздан кечирди. Туркия Президентига буюк аждодимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг давлати ва темурийзода авлодлари ҳақида батафсил гапириб берилди.

19 октябрь. Президент Ислом Каримов БМТ котибининг ўринбосари, наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасининг ижрочи директори Пино Арлаккини қабул қилди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга алоқадор масалалар муҳокама қилинди.

19 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Австрия Ташқи ишлар вазири Бенита Ферреро-Вальднерни қабул қилди.

Суҳбат вақтида минтақа хавфсизлиги, Ўзбекистоннинг Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Австрия билан муносабатлари масалалари, шунингдек, иккала томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар муҳокама қилинди.

19 октябрь. Тошкентда “Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш. Наркотик моддалар, уюшган жиноятчилик ва тер-

поризмга қарши курашга биргаликда ёндашиш” мавзуида Халқаро конференция бўлиб ўтди.

Унинг ишида БМТ Бош котибининг ўринбосари, наркотик моддалар устидан халқаро назорат ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича БМТ дастурининг ижрочи директори Пино Арлакки, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг ижрочи директори, Австрия Ташқи ишлар вазири Ферреро-Вальднер, 70 дан ортиқ мамлакат ва 40 дан ортиқ халқаро ташкилотнинг юқори мартабали вакиллари қатнашдилар. Конференция иштирокчилари Тошкент Декларациясини қабул қилдилар.

25 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Жаҳон банки вице-президенти Йоханнес Линни қабул қилди.

Мазкур халқаро молия муассасаси Ўзбекистон билан кўп соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳозирги вақтда банк билан биргаликда жами қиймати салкам 500 миллион АҚШ долларига тенг бўлган тўққизта лойиҳа амалга оширилмоқда. Яна қарийб 300 миллион долларлик олти лойиҳа тайёрланмоқда. Айниқса, банк-молия тизимини ислоҳ қилишда, аҳолини ичимлик сув билан таъминлашда, қишлоқ жойлардаги соғлиқни сақлаш муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашда, транспорт тизимини такомиллаштиришда Жаҳон банки билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган.

25 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Чехия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва Мухтор Элчиси Ярослав Людвани қабул қилди.

Шу кунни Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор Элчиси Мартин Хекер Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

26 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япониядаги “Мицуи” корпорациясининг катта маслаҳатчиси, Япония-Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик қўмитасининг раиси Наохико Кумагаини қабул қилди. Япон тадбиркорлари делегацияси Ўзбекистон-Япония ва Япония-Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик қўмиталарининг Тошкентдаги қўшма мажлисида қатнашиш учун мамлакатимизга келган эди.

Октябрь. Ўзбекистон прокуратура ходимларининг делегацияси Хитой Халқ Республикасига бориб келди. Ташриф дастурида шу мамлакатнинг назорат органлари иши билан танишиш, уларнинг тажрибасини ўрганиш, икки мамлакат прокуратуралари ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битимни тайёрлаш ва имзолаш кўзда тутилган эди.

Ташриф якунида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодиров бошчилигидаги Ўзбекистон Прокуратураси делегацияси Осиё жиноятчиликнинг олдини олиш фондининг саккизинчи Халқаро конференцияси ишида қатнашди. Бу конференцияга дунёнинг 73 мамлакатидан 600 дан кўпроқ вакил келган эди.

Октябрь. Франция парламенти юқори палатасининг “Франция-Ўзбекистон” дўстлиги гуруҳига аъзо бўлган француз сенаторлари делегацияси

парламент алоқаларини ривожлантириш мақсадида Тошкентга келди. Делегацияга Франсуа Трусси бошчилик қилди.

Октябрь. БМТ Халқаро савдо-сотиқ ҳуқуқи комиссияси (ЮНИСТРАЛ) Котибиятининг вакиллари мамлакатимизга меҳмон бўлиб келдилар. Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида музокаралар бўлиб ўтди. Учрашув вақтида республикамызда жаҳон иқтисодийётига қўшилиш учун яратилган ҳуқуқий нормативлар ҳақида ЮНИСТРАЛ вакилларига ахборот берилди.

Октябрь. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг вакиллари Германия Куролли Кучларининг бригада генерали Дитер Фарвик билан учрашдилар. Танишув мақсадида республикамызда ташриф буюрган генерал билан учрашув минтақа хавфсизлиги муаммоларига бағишланди.

1 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Оқсарой қароргоҳида Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Жон Эдвард Хербстдан ишонч ёрлиғини қабул қилди.

Учрашувда иккала мамлакатнинг ҳар томонлама яқинлашуви учун имкониятларни кенгайтириш, ҳамкорликнинг янги қирраларини очиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш хусусида, шунингдек, иккала томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар хусусида фикрлашиб олинди.

Шу куни Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Жак Андре Костиль Президент Ислон Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Франция ўртасида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, илмий, маданий соҳалардаги алоқалар муттасил ривожланиб бораётганлиги қайд этилди.

15 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Оқсарой қароргоҳида Япония Ташқи ишлар вазирининг махсус ёрдамчиси Сумио Эдамуруани қабул қилди.

Учрашувда иккала мамлакатнинг ўзаро ишонч ва тенг манфаатдорликка асосланган муносабатларини янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

17 ноябрь. Пойтахтдаги “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида бўлиб ўтган матбуот анжумани Япония Ташқи ишлар вазирининг махсус ёрдамчиси Сумио Эдамура бошчилигидаги Япония делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига бағишланди. Япон дипломати журналистлар билан учрашувда маълум қилишича, расмий маълумотларга кўра Япония 1993—1999 йиллар мобайнида Ўзбекистонга 700 миллион АҚШ долларидан кўпроқ миқдорда молиявий ёрдам кўрсатди ва шу маблағнинг тахминан 85 миллион долларидан кўпроғи беғараз ёрдам сифатида топширилди. Бу пуллар Ўзбекистонда транспорт ва телекоммуникацияларни ҳамда соғлиқни сақлашни ривожлантиришга, кадрлар тайёрлашда ҳамкорлик қилишга сарфланди.

20-22 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Италияга расмий ташриф билан бориб келди.

30 ноябрь. Минскда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Россия Федерацияси фуқароларининг ўзаро бориб-келишлари тўғрисидаги Битим имзоланди. Битим қондаларига биноан бир томон давлатининг фуқаролари иккинчи томон давлатининг ҳудудига алоҳида рухсатномасиз, шахси ҳақида гувоҳлик берадиган ва эгасининг фуқаролигини тасдиқлайдиган ҳужжатлардан бири бўйича кириши, чиқиши, транзит тарзида ўтиши, ҳаракат қилиши ва яшаши мумкин. Томонлар давлатларининг учинчи давлатларда яшаб турган фуқаролари томонлар давлатларининг ҳудудига ҳам алоҳида рухсатномасиз кириши, чиқиши, ҳаракат қилиши, яшаши ва транзит тарзида ўтиши мумкин.

Ноябрь. Тошкентда “Ўзбекистон-Европа Иттифоқи” ҳамкорлик қўмитаси савдо-сотик ва сармоялар бўйича кичик қўмитасининг биринчи мажлиси бўлди.

Мажлисида “Ўзбекистон-Европа Иттифоқи” савдо-сотик, сармоялар бўйича кичик қўмитасининг ҳамраислари — Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё давлатлари билан ташқи иқтисодий алоқа директоратининг бош маъмури Дэвид Тирр ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазири Элёр Фаниев бошчилигидаги делегациялар иштирок этди. Унда Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида савдо-сотик, сармоя сарфлаш, қонунчилик, хусусийлаштириш, солиқ ва божхона ишларини тартибга солиш, стандартлашга тааллуқли ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларнинг 140 та фирма ва компанияси ваколатхоналари жойлашган, 537 та корхона фаолият кўрсатмоқда, улардан 134 тасида Европа мамлакатларининг сармояси юз фоизни ташкил қилади.

Ноябрь. ГФРдаги Саксония ўлкаси Иқтисодиёт ва меҳнат вазири К. Шомер бошчилигидаги делегация мамлакатимизга келди.

Германиялик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В. Отаев билан учрашдилар. Музокаралар чоғида меҳмонлар бир қанча соҳаларда, жумладан, электр энергетика тармоғидаги баъзи лойиҳаларни амалга ошириш учун ёрдам беришда ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш истагини билдирдилар.

Саксония делегациясининг аъзолари Ўзбекистон Энергетика ва электрлаштириш вазирлигида ва “Ўзкимёсаноат” уюшмасида ҳам бўлдилар.

Ноябрь. Ўзбекистон Мудофаа вазири Қ. Фуломов амалий ташриф билан АҚШда бўлди. Расмий кутиб олиш маросимидан кейин Пентагонда Қ. Фуломовнинг АҚШ Мудофаа вазири У.Коэн билан музокаралари бўлди. Томонлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар, Марказий Осиё минтақасидаги ва бундан кенгроқ миқёсдаги вазият тўғрисида фикрлашиб олдилар.

Музокаралар якунида имзоланган Битимда ҳарбий-техникавий соҳада ҳамкорликни янада ривожлантириш кўзда тутилди.

Ташриф вақтида ўзбек делегацияси АҚШдаги ҳарбий қурилиш тажрибаси, кадрлар тайёрлаш хусусиятлари билан танишди, машқ марказларида ва полигонларида бўлди.

Ноябрь. Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари В. Отаев бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Германияда бўлди ва “Ўзбекистон нефть-газ саноатининг ривожланиши, истиқболлари ва сармоя сарфлаш лойиҳалари” мавзuidaги ўзбек-немис симпозиуми ишида қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси делегацияси симпозиумда иштирок этишдан ташқари федерал иқтисодиёт ва технология вазирлигида идоралараро экспорт кафолатлари қўмитасининг раиси Б. Бунзе билан музокара ўтказди. Учрашув чоғида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида келишиб олинди.

Ноябрь. Жаҳон банки Европа ва Марказий Осиё департаментининг жамоатчилик билан алоқалар бўйича маслаҳатчиси Николас Ван Праг Ўзбекистон билан танишиш мақсадида бу ерга ташриф буюрди.

Ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида АҚШ давлат департаментининг ташаббуси ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши билан “Оммавий қиргин қуроли ишлаб-тиб террорчилик ҳаракатлари қилинган тақдирда танглик вазиятларини бошқариш” мавзuida Халқаро семинар бўлди.

Бу ташаббус фавқулодда вазиятларда жавоб ҳаракатлари қилишга, шунингдек, фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини тугатиш учун ёрдам сўраб АҚШга мурожаат этилган тақдирда ўзининг тез чора кўриш кучларини мустақамлаш ва имкониятларини ошириш соҳасида Ўзбекистон ҳукуматига АҚШ томонидан ўз вақтида ва самарали ёрдам беришга биргаликда тайёр бўлиб туриш ҳолатини кучайтиришга қаратилган.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси турли вазирликлари ва идораларининг, шунингдек, АҚШ Давлат департаменти, Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистондаги элчихонасининг вакиллари қатнашдилар.

Ноябрь. Германияда жойлашган Халқаро инсон ҳуқуқлари жамияти кенгашининг мажлисида Ўзбекистонда шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг раиси Марат Зоҳидов мазкур нуфузли ва обрўли ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотининг кейинги 3 йил муддатга вице-президенти этиб сайланди. Бу юксак лавозимга ҳаммаси бўлиб ўн номзод кўрсатилган эди, улар орасида Франция, Австрия, Украина ва Сенегал вакиллари бор эди.

1 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат бошлиқлари кенгашининг Минскда бўлиб ўтган мажлисида иштирок этди.

7 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида АҚШ Давлат котибининг янги мустақил давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси Стивен Сестановични қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари, шунингдек, минтақа хавфсизлиги муаммолари муҳокама қилинди.

12 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Ташқи ишлар вазири Ерлан Идрисовни қабул қилди. Учрашувда минтақа хавфсизлиги, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, шунингдек, чегараларни аниқ белгилаб олиш билан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинди.

Декабрь. АҚШ Давлат котибининг янги мустақил давлатлар бўйича махсус маслаҳатчиси ва “Ўзбекистон — АҚШ” қўшма комиссиясининг ҳамраиси Стивен Сестанович бошчилигидаги АҚШ делегацияси Ўзбекистонда бўлди. Унинг Ўзбекистонга қилган навбатдаги ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар билан расмий музокаралар ўтказилди. Учрашувларда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Декабрь. Жаҳон божхона ташкилотининг Бош директори Мишель Дәне мамлакатимизга ташриф буюрди. Ўз ташрифи вақтида у Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А. Комилов билан музокара ўтказди.

Декабрь. Япония пойтахти — Токио шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг савдо-саноат кўргазмаси ва инвестицияга бағишланган семинари бўлиб ўтди. Бу тадбир Япониянинг Ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти билан мамлакатимиз Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан ўтказилди. Кўргазмага қўйилган республикамиз маҳсулотлари Япония савдо-саноат доиралари вакиллари ни ғоят қизиқтирди. Кўргазма ва семинар ишида қатнашган Ўзбекистон делегациясининг аъзолари Япония вазирликлари ва корпорацияларининг раҳбарлари билан учрашувлар ва музокаралар ўтказилди, мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишди.

Декабрь. Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонасида “Япония — Ўзбекистон” дўстлик уюшмасининг кўмаги билан Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги йилларда тақдир тақозоси туфайли мамлакатимизга келиб қолган япон фуқаролари билан учрашувлар бўлди. Мавжуд маълумотларга кўра, урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон ҳудудида салкам 30 минг япон ҳарбий асири бўлиб, улар ўзбек мутахассислари билан биргаликда Тошкент, Ангрен, Бекободаги ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидаги бир қанча иншоотлар қурилишида қатнашганлар.

Декабрь. БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонасида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Бахтиёр Ниёзматовга Жонат Мэнн номидаги халқаро мукофотни топшириш маросими бўлди. Мукофотни топшириш маросимида БМТ вакили Павел Крал, Жаҳон банки миссиясининг бошлиғи Дэвид Пирс ва атайлаб Тошкентга келган ЮНЭЙДС маслаҳатчиси Рудик Адамян ҳозир бўлдилар.

2001 ЙИЛ

1 январь. Янги 2001 йилнинг 1 январь куни, Гринвич вақти билан соат 00 да, Ер қуррасида учинчи минг йиллик бошланаётган пайтда тошкент-

лик мактаб ўқувчиси 12 ёшли Анастасия Мельникова зўр мушакбозлик садолари остида планетамизнинг Жанубий қутби узра Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг зангори байроғини кўтарди.

Орадан бир неча лаҳза ўтгач, Янги йилнинг дастлабки дақиқаларида кўтарилган Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ҳам ҳилпирай бошлади. Юртимиздан жуда олисидаги Антарктиданинг муз босган кенгликларида серкўёш Ўзбекистон мадҳияси тантанавор янгради.

Ватанимиз байроғини кўпмиллатли давлатимиз фуқаролари: тошкентлик Максим Задоё билан Павел Дубовик кўтардилар.

Ёш кутбчи Анастасия Республика байроғини флаштокка маҳкам ўрнатиб қўйди.

Мадҳиянинг якуловчи садолари остида Максим билан Павел Ер куррасининг кўпгина мамлакатларидан келган инсониятнинг бошқа ўнлаб ўғлонлари қуршовида Ватанимиз рамзига таъзим бажо келтирдилар.

Бу улуғвор воқеа БМТнинг Антарктидадаги Халқаро лойиҳаси “Дунёни наркотик моддалардан халос этамиз” шиори остидаги “Истиқболли дунё — янги минг йиллик йўли” лойиҳасининг якуловчи босқичи бўлди.

Ватандошларимиз Американинг Ўзбекистонда машҳур бўлган “Ай-Пи-Ви-Ньюс” телекомпанияси экспедиция гуруҳи таркибида муз қитъасига борган эдилар. Мазкур телекомпания икки йил муқаддам республикаимиз миллий терма жамоасининг дунёдаги энг юксак нуқта — Эверест тоғига мислсиз чиқиб бориши босқичларини Ҳималайнинг ўзидан бутун дунёга кўрсатиб турган эди.

Мана, яна “Ай-Пи-Ви-Ньюс” ўзининг кўп йиллик ҳамкор ва жаҳон маданий-маънавий киносининг ҳомийларидан бири — “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси билан биргаликда Ўзбекистон-Америка уяли алоқа компанияси — “KOSCKOM” ёрдами билан Ўзбекистон ўғил ва қизларига Ер куррасининг олтинчи қитъасига боришни, улуғвор зафарларда иштирок этишни таклиф қилди.

5 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Иқтисодий ҳамжамиятнинг Алматида бўлиб ўтган навбатдаги кенгашида қатнашди.

27 январь. Америка Қўшма Штатларининг янги сайланган Президенти Жорж Бушнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовга йўллаган телеграммаси матбуотда эълон қилинди. Президент ўз телеграммасида Қўшма Штатлар Президенти лавозимига сайланиши муносабати билан йўлланган табрик учун самимий миннатдорчилик сўзлари изҳор этган.

Январь. Брюсселда “Ўзбекистон-Европа Иттифоқи” ҳамкорлиги кенгашининг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Янги мажлисда Ўзбекистон делегациясининг бошлиғи, Ташқи ишлар вазири А.Комилов раислик қилди. “Ўзбекистон-Европа Иттифоқи” ҳамкорлиги кенгаши доирасида А. Комиловнинг Европа Иттифоқи комиссари Крис Паттен билан учрашуви бўлди.

Январь. Антверпенда Ўзбекистоннинг сайёҳлар учун яратилган имкониятлари билан таништириш маросими бўлди, унда Бельгия ва Нидерландиянинг турли минтақаларидаги юздан ортиқ сайёҳлик агентликларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

МУНДАРИЖА

I. Давлат ва ижтимоий тузум.....	3
II. Иқтисодиёт. Ижтимоий бозор иқтисодиёти тузилмалари	71
III. Таълим. Фан	219
IV. Маданият ва ижтимоий ҳаёт	295
V. Соғлиқни сақлаш. Спорт	430
VI. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида	511

Маълумотнома наشري

**ВЛАДИМИР ИВАНОВИЧ ТЮРИКОВ
РУСТАМ ШОМУРОДОВИЧ ШОҒУЛОМОВ**

**ИСТИҚЛОЛ ЙИЛНОМАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**Одамлар, саналар, воқеалар
(1991—2001)**

*Муҳаррир Ҳикоят Маҳмудова
Мусаввир Виталий Куликов
Бадий муҳаррир Анатолий Бобров
Техник муҳаррир Татьяна Смирнова
Кичик муҳаррир Назми Фозилова
Мусаҳҳиҳ Мавжуда Насриддинова
Компьютерда тайёрловчи Фарида Тугушева*

ИБ № 3925

Босишга 07.05.2001 й.да рухсат берилди. Бичими 60×84¹/₁₆. Таймс гарнитура. Офсет босма. 36.27 шартли босма тобоқ. 42,6 нашр босма тобоғи. Жами 5000 нуска. 165 рақамли буюртма. 48—2000 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент рангли босма фабрикасида босилди. Тошкент. Усмон Юсупов кўчаси, 86.